



حقوق و واجبات
شرعہا للہ للعباد




Аллоҳ бандалар учун жорий қилган

ҲАҚ-ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР



Муаллиф: Абдулмунъим ибн Мустафо
Таржимон: Муҳаммад Исмоил Охун
Мусахҳиҳ: Абу Закария ал-Маданий
Ношир: «Ислом Нури»
Саҳифаловчи: Саид Аҳмад
Нашр: Биринчи
Ислом Нури: 5
Тарих: 1439 ҳ. – 2018 м.
E-mail: admin@islamnuri.com
Web саҳифа: <http://www.islamnuri.com/>


Аллоҳ бандалар учун жорий қилган
ҲАҚ-ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР



Абдулмунъим ибн Мустафо

Ислом Нури 2018





МУҚАДДИМА

Барча мактовлар Аллоҳагина хос, У зотни мақтаймиз, Ундан мадад сўраймиз, Унга истиғфор айтамиз, Аллоҳдан нафсларимиз ва амалларимиз ёмонлигидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса уни адаштирувчи йўқ, кимни адаштиради уни ҳидоят қилувчи йўқ. Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам У зотнинг бандаси ва элчисидир.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингизда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)!» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улўғ бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70-71).

Аммо баъд...

Сўзлар ичида энг тўғриси Аллоҳнинг Китобидир, йўлларнинг энг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларики, ишларнинг энг ёмони (динда) янги пайдо қилинганларидир, (динда) ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат, ҳар бир бидъат залолат, ҳар бир залолат (қилувчиси билан бирга) дўзахдадир.

Ҳозирги замонда кўпчилик одамларнинг ҳаётига назар ташлаган киши уларнинг дунё матолари билан овора бўлиб, охиратдан бурилиб қолаётганларини, Аллоҳ таоло бандаларига фарз ва машруъ қилган кўпгина ҳақ-хуқуқ ва мажбуриятларга эътиборсиз қараётганларини кўради. Шунинг учун мен мусулмонлар ўртасида бўлиши лозим бўлган ўзаро насиҳатга амал қилиб, мазкур ҳақ-хуқуқ ва мажбуриятларни эслатишни истадим, уларнинг тафсилотига киришмасдан, мухтасар шаклда бўлишига ҳаракат қилдим, келтирган далил-ҳужжатларда фақат саҳиҳ ҳадис ва осорларга чекландим.

Ушбу китобимиз қуйидаги ҳақ-хуқуқларнинг баёнини ўз ичига олади:

1. Аллоҳ таолонинг бандалар устидаги ҳақлари;
2. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммат устидаги ҳақлари;
3. Саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг ҳақлари;
4. Ота-онанинг фарзанд устидаги ҳақлари;
5. Фарзандларнинг оталар зиммасидаги ҳақ-хуқуқлари;
6. Эрнинг аёли устидаги ҳақлари;
7. Аёлнинг эр зиммасидаги ҳақ-хуқуқлари;
8. Мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақ-хуқуқлари;
9. Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг ҳақ-хуқуқлари;
10. Қўшнининг қўшни устидаги ҳақлари;
11. Мусулмон ҳокимнинг фуқаролар устидаги ҳақ-хуқуқлари;
12. Фуқароларнинг ҳоким устидаги ҳақлари;
13. Олимнинг ҳақ-хуқуқлари, унинг зиммасидаги масъулиятлар;
14. Меҳмоннинг мезбон устидаги ҳақлари;
15. Жоннинг ўз эгаси устидаги ҳақлари;
16. Молнинг мулкдор зиммасидаги ҳақлари;
17. Йўлнинг ҳаққи;
18. Ходим ёки қулнинг иш берувчи ёки хўжайини устидаги ҳақлари;
19. Етимнинг ҳаққи;
20. Муоҳид зиммийнинг⁽¹⁾ мусулмонлар зиммасидаги ҳаққи;

1 Муоҳид зиммий — мусулмонлар диёрида шартнома асосида жон пули тўлаб яшовчи ғайридин.

21. Ҳайвонларнинг ҳақлари;

22. Жинларнинг ҳақ-ҳуқуқлари.

Аллоҳ таолодан тўғрилиқ, тавфиқ ва қабулият умид қиламиз, ушбу амалимизни барча яхшиликларга очқич ва барча ёмонликларга қулф қилишини сўраймиз. Зеро, У эшитувчи, яқин ва ижобат қилувчи зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

Абдулмунъим Мустафо

17 шаъбон 1412 ҳ.

21 шубот 1992 й.





АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ БАНДАЛАР УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ*

* Билмоқ керакки, бандалар устидаги ҳақларнинг энг каттаси Аллоҳ таолонинг ҳаққидир. Аллоҳ таоло инсу жинни, осмонлару ерни шунинг учун яратган, ҳар бир мавжудотнинг вужудга келишидан ғоя-мақсад ҳам шудир. Шунинг учун бу хусусда бепарво бўлиш вужудга келишдан бўлган мақсадга бепарво бўлиш демакдир. Бу эса зулм турларининг энг қаттиғи, унинг соҳиби қаттиқ азобга гирифтор бўлади. Аллоҳ таоло айтди: **«Чунки ширк келтириш энг катта зулмдир»** (Луқмон: 13), **«Албатта Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур»** (Нисо: 48). Катта ширк ва Аллоҳдан бошқага сиғиниш турларидан бири — итоат, эргашиш ва ҳукмига рози бўлиш ширкидир. Аллоҳ таоло айтди: **«Агар уларга бўйсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсизлар»** (Анъом: 121). Яъни, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалаол қилишларида ёки Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишларида уларга бўйсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қоласизлар, яъни Аллоҳни қўйиб уларга сиғинган бўласизлар. Аллоҳ таоло айтди: **«У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас»** (Каҳф: 26), яна айтади: **«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир»** (Юсуф: 40).

Шунинг учун Аллоҳдан бошқанинг ҳукмига рози бўлиш — унинг соҳиби тили билан неларни даъво қилган бўлмасин — мунофиқликка ва қалбдан иймоннинг мутлақ йўқолишига далолат қилувчи белги ҳисобланади. Аллоҳ таоло айтди: **«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича — бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»** (Нисо: 65), яна айтади: **«(Эй Мухаммад), ўзларини сизга нозил қилинган насага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг Аллоҳ машруъ қилмаган ботилга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга кофир бўлиш буюрилган эди.»** (Нисо: 60). Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа барча ҳукм тоғутдир, Аллоҳнинг шариатидан бошқа барча шариат-қонун тоғутдир, Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарс билан ҳукм қилишни яхши

санаган ҳар бир ҳоким тоғутдир, Аллоҳни қўйиб ўзига мутлақ итоат қилинишини истаган ҳар бир шахс тоғутдир, зеро мутлақ итоат қилинадиган зот ягона Аллоҳдир, Ундан бошқага итоат фақат Аллоҳга итоат қилиш ва Унинг пайғамбарининг буйруқларига ижобат қилиш доирасида бўлади.



Аллоҳ таолонинг бандалари устидаги ҳаққи — Унга ибодат қилишлари ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирмасликларидир. Аллоҳ таоло халқларни яратишидан, пайғамбарларни юборишидан ва китоблар нозил қилишидан асосий ғоя — мақсад ҳам шудир

Аллоҳ таоло айтди:

«Аллоҳга ибодат — бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари!» (Нисо: 36);

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зарият: 56);

«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина: 5);

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Исломи) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қиладилар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда амалга ошган)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» (Нур: 55);

«(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Менгина (барҳақдирман), бас Менгагина ибодат қилинглари», деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё: 25);

«Эй иймон келтирган бандаларим, шак-шубҳа йўқки, Менинг ерим кенг, каттадир. Бас сизлар Менгагина ибодат қилингиз!» (Анкабут: 56);

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглaр ва тоғутдан йироқ бўлинглaр», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл: 36).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалари устидagi ҳаққи нималигини биласанми?»*, деб сўрадилар.

У: *«Аллоҳ ва Расули билувчироқ»*, деди.

«Унга ибодат қилишлари ва ҳеч нарсани ширк келтирмасликларидир.

Бандаларнинг Аллоҳ устидagi ҳақлари нималигини биласанми?», дедилар.

«Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деди.

«Уларни азобламаслигидир», дедилар.

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Икки нарса (икки нарсани) вожиб қилувчидир»*, дедилар. Бир киши: *«Улар нималар, ё Расулуллоҳ?»* деб сўради. *«Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмай ўлса жаннатга киради, ким Аллоҳга бир нарсани ширк келтириб ўлса дўзахга киради»* — дедилар (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: *«Ё Расулуллоҳ, қай бир гуноҳ Аллоҳ наздида энг катта гуноҳ ҳисобланади?»* деб сўради. *«Аллоҳ сени яратиб қўйган бўлсаю, сен Унга бошқа бировни тенг⁽²⁾ билиб ибодат қилишинг»* — дедилар. *«Ундан кейин қайси гуноҳ?»* деб сўради. *«Таомингга шерик бўлишидан қўрқиб фарзандингни ўлдиришинг»* — дедилар. *«Ундан кейин қайси гуноҳ?»* деб сўради. *«Қўшинингнинг жуфти ҳалоли билан зино қилишинг»* — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *«Мени бир амалга йўллангки, уни қилсам жаннатга кирай»* деди. *«Аллоҳга ибодат*

2 Бунинг кўринишларидан бири махлуқни — у ким ёки нима бўлишидан қатъий назар — ёлғиз Аллоҳ таолога хос бўлган сифатлардан биронтаси билан сифатлашдир, муайян бир шахс ё ҳайъат ё мажлис ё ташкилот кабиларга қонунчилик ва ҳалол-ҳаром қилиш ҳаққини бериш каби ёки қайсидир бир инсонни у қиладиган ё ундан содир бўладиган ишларда тергаш ва жавобгарликдан юқори даражага қўйиш каби. Зотан, қилган ишларидан сўралмайдиган зот ягона Аллоҳ таолодир. Ёки бирон кишини ғайбни билади деб ё зарарни даф этади, фойда етказа олади деб эътиқод қилиш каби. Ҳолбуки, ғайбни билувчи, зарарни даф қилиб, фойда етказувчи зот ягона Аллоҳ таолодир.

қиласан, Унга биронтани шерик қилмайсан, фарз намозларни ўқийсан, фарз қилинган закотни ўтайсан, Рамазон рўзасини тутасан» — дедилар. У: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, бунга зиёда ҳам қилмайман, камайтирмайман ҳам» деди. У қайрилиб кетгач, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким жаннат аҳлидан бўлган кишига боқишни истаса унга боқсин»* — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам — Муоз у зотнинг орқаларида эгарга мингашган эди: *«Эй Муоз»* — дедилар. Муоз: *«Лаббай, ё Расулуллоҳ, амрингизга ҳозирман»* деди. *«Эй Муоз»* — дедилар. *«Лаббай, ё Расулуллоҳ, амрингизга ҳозирман»* деди. Уч марта (такрорлангач) дедилар: *«Сидқидилдан «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ» деб гувоҳлик берувчи ҳар бир кимсани, Аллоҳ таоло дўзахга ҳаром қилгандир»*. (Муоз) деди: *«Ё Расулуллоҳ, одамларга бунинг хабарини берайми, улар хурсанд бўлсинлар?»* У зот дедилар: *«У ҳолда (шаҳодатгагина) суяниб қоли(шиб амални тарк қили) шади.»* Муоз (ҳадисни яшириб) гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрққанидан бунни ўлими олдида айтиб берди.

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким: Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули, Исо Аллоҳнинг бандаси, расули, чўрисининг ўғли ва Марям (нинг ичи)га ташлаган сўзидир, жаннат ва дўзах ҳақдир деб гувоҳлик берса, қилган амалларига қараб, Аллоҳ уни жаннатга киритади»* — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Муоз разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

— *«Ё Расулуллоҳ, менга шундай бир амални айтингки, у мени жаннатга киргизадиган, дўзахдан узоқлаштирадиган бўлсин»,* — дедим Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга.

— *«Сен жуда катта нарсга ҳақида сўрадинг, — дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам — Бироқ у Аллоҳ таоло осон қилган кишига осондир: Аллоҳга ибодат қил ва Унга ҳеч нарсани шерик этма. Намозни тўқисадо эт, закот бер, Рамазон рўзасини тут ва Байт (Каъба)га ҳаж қил!»*

Сўнг дедилар: *«Сени яхшилик эшикларига йўллаб қўяйми?! Рўза (дўзахдан сақловчи) қалқондир. Садақа бамисоли сув ўтти ўчирганидек гуноҳ-маъсиятлар (асари)ни ўчиради. Кишининг (кечаси туриб) тунда ўқиган намози ҳам (яхшилик эшикларидандир).*

Сўнг дедилар: *«Сенга ишининг боши, асос-устуни ва энг чўққиси ҳақида хабар берайми?!»*

— *«Ҳа, ё Расулуллоҳ!»*

— *«Ишнинг боши Ислом (яъни икки шаҳодат калимасини келтириш), устуни намоз ва энг чўққиси жиҳоддир!»*

Сўнг (яна) дедилар: *«Сени мана шуларнинг ҳаммасига эга қиладиган нарса ҳақида хабар берайми?!»*

— *«Ҳа, ё Расулуллоҳ!»*

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларини ушлаб дедилар: *«Манавини тийгин!»*

— Эй Набуёллоҳ, нима, биз гапирган гапларимизга ҳам жавоб берамизми?!

— *«Сени қарая (шуни ҳам билмайсанми), ахир одамларни юзлари билан — ёки бурунлари билан — дўзахга ташлайдиган нарса тилларининг ҳосилалари-да! — дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам.»* (Аҳмад, Термизий, Ибн Можа ривоятлари).

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Халилим⁽³⁾ менга: *«Агарчи қийма-қийма қилинсанг-да ёки ўтда куйдирилсанг-да»⁽⁴⁾, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилма, фарз намозни қасддан тарк қилма, ким уни қасддан тарк қилса зимма (яъни Исломнинг ҳимояси) дан чиқади, маст қилувчи ичимлик ичма, зеро у барча ёмоликнинг калитидир»* деб васият қилдилар. (Ибн Можа, Байҳақий, «Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб»).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимда уч нарса бўлса, у иймоннинг ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Расули у иккисидан бошқа барча нарсадан кўра суюкли*

3 Ушбу ҳадисда паст даражадаги киши ўзидан юқорида бўлган кишини халил деб аташи жоизлиги кўринади. (Халиллик дўстликка ўхшаш нарса, бироқ у маънода фарқ қилади. Унда халил халилига ич-ичидан мувофиқ келади, қалби у билангина машғул бўлади, унинг барча камчиликларини яширади, қалби у учун соф бўлади ва ҳоказо) Ваҳоланки, юқори даражали киши ўзидан пастдагини халил аташи мумкин эмас, фақат нусус (оят ё ҳадислар) билан собит бўлган бўлса дуруст, Аллоҳ таоло Иброҳим ва Муҳаммад (уларга ва барча пайғамбарларга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ни халил қилганидек. Бинобарин, киши: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг халилим» дейиши жоиз, бироқ: «Мен Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халилиман» дейиши жоиз эмас. Саҳобаларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни халил тутишлари собит бўлган, бироқ Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобаларини ва улардан кейинги мўминларни халил қилишлари собит бўлмаган, балки фақат саҳобалик, муҳаббат ва дўст-биродарлик собит бўлган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар умматимдан бирон кишини халил қилганимда Абу Бакрни қилган бўлардим, лекин Ислом биродарлиги ва дўстлиги (кифоя)»* деганлар.

4 Бундан агар куфр ва ширкка мажбурланаётган бўлса, рухсатни ушлашдан кўра азима (буйруқ)ни ушлаш яхшироқ экани билинади.

бўлиши, бир кишини яшии кўрса фақат Аллоҳ учун яшии кўриши, куфрга қайтишини ўтга ташланишини ёмон кўргандек ёмон кўриши» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Иймоннинг энг мустаҳкам халқаси — Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва Аллоҳ йўлида адоватлашиш, Аллоҳ йўлида яшии кўриш ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришидир»* — дедилар (Табароний ва бошқалар ривояти, «Саҳиҳул-жомии-сағир: 2539).

❖ **Банда тарафидан содир бўладиган ҳар бир гуноҳ Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига ташланади, У истаса кечиради, истаса азоблайди. Аллоҳга ширк келтириш гуноҳи бундан мустасно, зеро У буни кечирмайди⁽⁵⁾**

Аллоҳ таоло айтди:

«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур» (Нисо: 48).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларида асҳобларидан бир жамоаси бўлган ҳолда шундай дедилар: *«Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасликка, ўғирлик қилмасликка, зино қилмасликка, фарзандларингизни ўлдирмасликка, ичларингиздан бўҳтон тўқимасликка, яшии ишларда итоатсиз бўлмасликка⁽⁶⁾ мени байъат қилинглар. Сизлардан кимки (шу байъатига) вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Ким бу ишлардан биронтасини қилиб қўйиб, шу дунёда жазосини олса, бу унга каффоратдир. Ким бу ишлардан биронтасини қилган, сўнг Аллоҳ уни яширган бўлса, (Қиёмат куни) унинг иши Аллоҳга (ҳавола), хоҳласа уни авф этади, хоҳласа*

5 Бу ҳукм ширк ва куфр устида ўлган кишига нисбатан бўлиб, агар ўлимидан олдин ширкидан тавба қилса, тавбаси мақбул ва манфаатли ҳисобланади. Зеро, тавба барча гуноҳларни, шу жумладан ширкни ҳам ювади.

6 Яъни, мусулмон амирга ёки мусулмонлар ишига волий қилинган мусулмон кишига. У модомики яхшиликка буюрар экан, унга итоат вожиб. Аммо агар Аллоҳнинг маъсияти бўлган ишга буюрса унга итоат вожиб эмас. Зеро, Холиқнинг маъсиятида махлуққа итоат йўқдир.

жазо беради». Биз мана шу ишларда у зотга байъат бердик (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло: «Ким Мени гуноҳларни кечиришга қодир деб билса, Мен уни кечираман ва (қандай гуноҳлигига) парво қилмайман, модомики Менга бирон нарсани шерик қилмаса» деди»** (Табароний, Ҳоким, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 4330).

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло: «Эй одамзот! Модомики, Менга ибодат қилар, Мендан умидвор бўлар ва Менга ширк келтирмас экансан, Мен сендан содир бўлган гуноҳларни кечираман. Агар осмону ер тўла гуноҳлар билан Менга рўбарў келсанг, Мен сени ўшанча мағфират билан кутиб оламан ва сени кечираман, (гуноҳларингга) парво қилмайман» деди»** (Табароний, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 4341).

❖

Бандаларнинг бир-бирларига қилган зулмлари бундан мустасно, зотан қасосдан ва мазлумга золимдан ҳаққини ундириб беришдан бошқа чора йўқдир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимнинг зиммасида биродарининг ор-номусига нисбатан қилган зулм ё (моли ёки жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирҳам бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У кунда) агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олинади, унга юкланади»**, дедилар (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қиёмат куни ҳақ-ҳуқуқларни ўз эгаларига албата адо қиласизлар, ҳатто шохсиз қўйга шохли қўйдан ҳам ўч олиб берилади»**, дедилар (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Муфлис кимлигини биласизларми?»** деб сўрадилар. «Бизнингча, муфлис — на дирҳами, на бирон матоси бўлмаган одам» деб жавоб беришди. **«Менинг умматимдаги муфлис шундай одамки, қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади, бироқ кимнидир**

сўккан, кимгадир туҳмат қилган, кимнингдир молини еган, кимнидир қонини тўккан, кимнидир урган ҳолда келади. Шунда савобларидан унга, бунга олиб берилади, савоблари зиммасидаги ҳақлардан қутулишига етмаса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунга юкланади, сўнг дўзахга отилади», дедилар (Муслим ривояти).



Ширк (қилинган) амалларни бекорга чиқаради ва уларни вайрон қилади

Аллоҳ таоло айтди:

«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!» (Зумар: 65).

«Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди» (Анъом: 88).

«Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетиши аниқдир ва у охиратда зиён кўрувчилар тоифасидандир» (Моида: 5).

«(Зотан) Биз улар (яъни жинойтчи кимсалар) қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандир-миз» (Фурқон: 23).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, Ибн Жадъон жоҳилият пайтида силаи раҳм қилар, мискинларга таом берар эди, бу ишлари унга фойда берадими?», деб сўрадим. «Йўқ, фойда бермайди, у бир марта ҳам: «Эй Роббим, қиёмат куни менинг гуноҳларимни кечиргин» деб айтмаган», дедилар (Муслим ривояти).



Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиёмат кундаги шафоатлари Аллоҳга ширк келтирмай ўтган тавҳид аҳллари учунгинадир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қи-

линадиган дуоси бўлади, ҳар бир пайғамбар у дуони қилишга шошилган, мен эса уни қиёмат куну умматимнинг шафоати учун асраб қўйганман, у умматимдан Аллоҳга ширк келтирмай ўтган ҳар бир кишига — иншоаллоҳ — албатта етгусидир» (Муслим ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Менга шафоат (қилиш ҳаққи) берилди, у Аллоҳга ширк келтирмайдиган ҳар бир кишига етувчидир» (Ибн Аби Осим «Суннат»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ деган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куну менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон — сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган кишидир» (Бухорий ривояти).



Аҳд-паймон ҳақидаги далил-ҳужжат ва тавҳидга далолат қилувчи белгилар

Аллоҳ таоло айтди:

«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик — аҳд-паймон олишимиз) Қиёмат Кунуда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир. Ёки: «Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг ўргатган йўлларига эргашган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан», демасликларингиз учундир» (Аъроф: 172-173).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло қиёмат куну азоби энг энгил бўлган дўзахийга дейди: («Ўтган жойинг қандай экан?» у “жуда ёмон жой” деб жавоб беради.) Унга: «Ердаги нарсаларнинг ҳаммаси сеники бўлганида, бу азобдан қутулиш учун уларни берган бўлармидинг?» дейилади. У: «Ҳа», дейди. Шунда: «Мен сендан Одамнинг пуштикамарида эканингда бундан кўра анча энгил нарсани — Менга ширк келтирмаслигингни истаган эдим,

сен эса Менга ширк келтиришда маҳкам турдинг», дейди (Муттафакун алайҳ, икки қавс ичидагисини Бухорий ва Муслимдан бошқалар ривоят қилганлар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни бандани олиб келиниб, (Аллоҳ таоло томонидан) унга айтилади: «Сенга кўз-қулоқ, мол-дунё ва бола-чақалар бермадимми, чорва ҳайвонлари ва экин-тикинларни сенга бўйсундириб қўймадимми, сени бошлиқ бўлиб, роҳатда юрадиган қилиб қўймадимми?! Сен шу кунингга дучор бўлишингни гумон қилармидинг?» У: «Йўқ», дейди. Шунда унга (Аллоҳ таоло): «Сен Мени қандай унутган бўлсанг, Мен ҳам бугун сени ўшандай унутаман», дейди» (Муслим ривояти).



Тавҳид устида жанг қилиш, бандаларни бандаларга ибодат қилишдан бандаларнинг Роббига ибодат қилишга ва тоғутга⁽⁷⁾ иймон келтиришдан Аллоҳнинг Ўзига иймон келтиришга буриш

Аллоҳ таоло айтди:

«То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар! Энди агар

7 Тоғут ва унинг турлари ҳақида Ибнул Қоййим раҳимаҳуллоҳ «Иъломул-муваққи-ийн» китобида шундай ёзади: «Банда у билан ҳаддидан тажовуз қиладиган ҳар бир нарсa — маъбуд ё раҳбар ё хўжайин бўлсин — тоғутдир. Ҳар бир қавмнинг тоғути — Аллоҳ ва Расулини қўйиб, унинг ҳукмини олишадиган ёки Аллоҳни қўйиб унга сизинишадиган ё Аллоҳ кўрсатиб бермаган суратда унга эргашишадиган ё итоат қилишадиган кишисидир. Оламдаги тоғутлар ҳақида ё одамларнинг уларга нисбатан ҳолатлари ҳақида фикр юритсангиз, кўпларни Аллоҳнинг ибодатидан тоғутнинг ибодатига, Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини олишдан тоғутнинг ҳукмини қабул қилишга, Аллоҳга тоат ва пайғамбарига мутобаат қилишдан тоғутга тоат ва мутобаат қилишга бурилиб кетганига шохид бўласиз».

Тоғутга кофир бўлиш ҳам сўз билан, ҳам эътиқод билан, ҳам амал билан бўлади, улардан бири бошқасининг ўрнини босмайди. Ким тили билан тоғутга кофир бўлсаю, дилида унга, унинг динига ва лашкарига адоват ва нафрат туймаса, тилнинг кофир бўлиши фойда бермайди. Ким тили билан ва дили билан тоғутга кофир бўлсаю, ўзи ундан четланмаса, у билан бирга ишлашдан, у билан бир сафда туриб исломга ва мусулмонларга қарши курашдан тийилмаса, у ҳам тоғутга кофир бўлиш деган нарсани рўёбга чиқарган бўлмайди. Чунки тоғутга кофир бўлиш юқорида айтганимиздек, тил, эътиқод ва амал билан бўлади.

(кофирликдан) **тўхтасалар, бас, албатта Аллоҳ қилаётган амалларини кўрувчидир»** (Анфол: 39).

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!» (Тавба: 29).

«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир» (Бақара: 256).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Мен одамлар билан улар то Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни ўтамагунларича урушишга буюрилдим. Агар улар бу амалларни бажарсалар мендан ўзларининг жонларию молларини сақлашибди. Лекин ислом ҳақлари (қасос ва ҳадлар) бундан мустасно. (Бизга зоҳир бўлмаган, куфр, нифоқ каби амалларида) ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мен одамлар билан улар то «Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ» деб гувоҳлик бермагунларича ҳамда менга ва мен келтирган динга иймон келтирмагунларича жанг қилишга буюрилдим. Агар улар бу амалларни бажарсалар мендан ўзларининг жонларию молларини сақлашибди. Лекин ислом ҳақлари (қасос ва ҳадлар) бундан мустасно. (Бизга зоҳир бўлмаган, куфр, нифоқ каби амалларида) ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола»* (Муслим ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга жўнатаётганларида унга айтдилар: *«Сен аҳли китоблардан бўлган бир қавмга бормоқдасан. Етиб боргач, уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришга чақир, агар бунда сенга итоат қилсалар, Аллоҳ таоло уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини айт, агар бунда ҳам итоат қилсалар Аллоҳ уларга бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган садақа (закот)ни фарз қилганини айт, агар бунда ҳам сенга итоат қилсалар молларининг яхшиларини закот қилиб*

олишдан сақлан, мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки у билан Аллоҳ ўртасида тўсиқ бўлмайди» (Бухорий ривояти).

Абу Молик ал-Ашжаий отасидан ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким Аллоҳ таолони ягона деб билса ва Ундан ўзга сиғиниладиган нарсаларга кофир бўлса, унинг моли ва қони ҳаром қилинди, ҳисоби Аллоҳга ҳаволадир*» (Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «*Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса ва Аллоҳдан бошқа сиғиниладиган нарсаларга кофир бўлса, унинг моли ва қони ҳаромдир⁽⁸⁾ ва ҳисоби Аллоҳга ҳаволадир*» (Муслим ривояти).

 **Ибодатнинг яроқли бўлиш шартларидан бири — у Аллоҳ учун холис бўлишидир, агар риё аралашса ботил бўлиб, мақбул саналмайди**

Аллоҳ таоло айтди:

«Ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал⁽⁹⁾ қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!⁽¹⁰⁾ (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)». (Каҳф: 110).

«Албатта, Биз (бандаларимиздан) қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер устидаги бор нарсани унга зийнат — безак қилиб қўйдик (яъни, ўша безакларга алданиб, мағрурланиб қолмаган кишиларгина Бизнинг синовимиздан ўтулар)» (Каҳф: 7).

Оятдаги «чиройлироқ амал»дан мурод — тўғрироқ ва холисроқ амалдир.

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ай-

8 Ҳадиснинг мазмуни шуки, ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса-ю, лекин тоғутга кофир бўлмаса, Аллоҳни қўйиб унга ибодат қилишдан тийилмаса, моли ва қонини сақлаб қололмайди.

9 Яхши амал — суннатга мувофиқ бўлган амалдир.

10 Аҳли илмлар айтадилар: Аллоҳ таолога ибодат деб қилинадиган ҳар бир амал У зот ҳузурида мақбул бўлиши учун унда иккита шарт топилиши керак. Биринчиси — ёлғиз Аллоҳ учун холис бўлиши, иккинчиси — суннатга мувофиқ бўлиши. Агар бу икки шартдан бири топилмаса амал ботил-яроқсиз бўлади.

тингчи, бир киши ажр ва шўхрат талаб қилиб ғазотга чиқса, у нимага эга бўлади?» деб сўради. «*Ҳеч нарсага*» — деб жавоб бердилар Набий сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам, — «*Чунки Аллоҳ таоло фақат Ўзи учун холис қилинган ва Унинг Юзини истаб қилинган амалнигина қабул қилади*» (Абу Довуд ва Насоий ривоятлари).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид бўлган кишидир. Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга Ўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. У бан-да: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сенинг йўлингда жанг қилдим», деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтаяпсан, сен одамлар сени «жасур» де-йишлари учун урушдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», — дейди. Сўнг буйруқ берилади — уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга суд-раб, олиб кетилади.*

Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини эслатади. У банда улар-ни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар сени «илмли», дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар «қори», дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат, одамлар шундай дейишди», дейди. Шундан сўнг буйруқ берилади — уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб, олиб кетилади.

Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳам-ма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига сен нима амал қилдинг?», деб сўрайди. «Мол-давлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим», дейди у. «Ёлғон айтаяпсан, сен бу ишни одамлар сени «сахий», деб айтиш-лари учун қилгансан, дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади — уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб олиб кетилади» (Муслим ривояти).

Маҳмуд ибн Лабид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулул-лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мен сизлар учун энг қўрқадиган нар-са бу кичик ширкдир*», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?», деб сўрашди саҳобалар. «*Уриёдир. Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳаммани қилган амаллари учун ҳисоб-китоб қилганда: «Боринглар риё қилган кишиларин-*

гизнинг олдига, қарангларчи, уларнинг хузурида бирон мукофот топарми-кансизлар» деб айтади», деб жавоб бердилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, «Саҳихут-тарғиб ват-тарҳиб» : 29).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таборака ва таоло айтди: «Мен шерикларнинг шерикликдан энг беҳожат бўлганидирман. Ким бирон амал қилиб, унда Менга бошқани шерик қилса, Мен уни ҳам, шерик қилган нарсасини ҳам тарк қиламан» (Муслим ривояти).

Абу Саъд ибн Аби Фазола разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деб айтаётганларини эшитдим: «Ҳеч бир шубҳа бўлмаган кунда Аллоҳ таоло аввалги-ю охиргиларни жамлаганда бир жарчи нидо қилади: «Кимда ким Аллоҳ учун қилган амалида бирор бир кимсани У зотга шерик қилган бўлса, амалининг савобини ўшандан талаб қилсин, чунки Аллоҳ таоло шерикликдан беҳожатдир». (Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Саҳихут-тарғиб: 30).

Заҳҳок ибн Қайсдан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтди: Мен икки шерикнинг яхшироғиман, ким бировни Менга шерик қилса, у ўша “шеригим” учундир. Эй одамлар! Амалларни Аллоҳга холис қилинглар. Чунки Аллоҳ азза ва жалла Ўзи учун холис қилинган амалнигина қабул қилади. «Бу Аллоҳ учун, бу эса раҳм (қариндошчилик) учун», деманглар, акс ҳолда у раҳм учун бўлади ва ундан Аллоҳга ҳеч нарса йўқ. «Бу Аллоҳ учун, ва сизлар учун» деманглар, акс ҳолда у «сизлар» учун бўлади ва ундан Аллоҳга ҳеч нарса йўқ» (Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 2764).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб: «Эй одамлар! Бу ширкдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки у ҷумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқдир» — дедилар. Шунда биров: «Ҷумолининг ўрмалашидан ҳам махфий бўлса, ундан қандай қилиб сақланамиз, ё Расулulloҳ?» деб сўради. «Эй Аллоҳ, биз бирон нарсани билиб туриб Сенга шерик қилиб қўйишдан Ўзингдан паноҳ тилаймиз, билмай қилганларимиздан Ўзингга истиғфор айтамыз» денглар» — дедилар. (Аҳмад ва Табароний ривояти, «Саҳихут-тарғиб ват-тарҳиб»: 33).

Ҳар бир киши ўз жони ва динига эҳтиёт бўлиши, ниятига ҳушёр бўлиши лозим, чунки барча ишлар ниятларга боғлиқдир. Агар ният яхши бўлса амал ҳам яхши бўлади, ният бузилса амал ҳам бузилади.

Аллоҳ таолодан бизларни бир зум ҳам нафсларимизга топшириб қўймаслигини, ширкнинг катта-ю кичигидан, ошкора-ю махфийси-

дан сақлашини, Ўзининг мувахҳид ва мухлис бандаларидан қилишини сўраймиз. Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига Аллоҳнинг савобу саломлари бўлсин.





ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ УММАТ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш, Роббилари тарафидан хабар берган нарсаларда у зотни тасдиқлаш, у зотга итоат қилиш ва бирон ишда осий бўлмаслик, у зотни ҳакам қилиш⁽¹¹⁾, у зотнинг ҳукмлари, буйруқлари ва суннатларига эътироз ёки қарши чиқиш маъносини ифодаладиган бирон сўз айтишга ё бирон тушунчага боришга ё бирон феълни қилишга журъат қилмаслик у зотнинг одамлар устидаги ҳақларидандир

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59)⁽¹²⁾.

11 Вафотларидан сўнг у зотни ҳакам қилиш саҳиҳ суннатларини қабул қилиш билан бўлади. Суннат — у зотдан содир бўлган сўз ё феъл ё иқроф (ҳузурларида қилинган ва у зот эътироз билдирмаган ишлар)дир. Демак, у зотнинг суннатларини таъқиб қилиш ва рад қилиш худди ҳаётликларида ўзларини ва суннатларини рад ва таъқиб қилиш кабидир.

12 Мазкур оят бир неча ишларни ўз ичига олган. Жумладан: а) Аллоҳ ва Расулига итоат қилишнинг вожиблиги ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш

«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-ширк⁽¹³⁾ етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!» (Нур: 63).

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича — бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»⁽¹⁴⁾ (Нисо: 65).

Аллоҳга итоат қилиш экани; б) Суннатнинг сақланган экани ва Аллоҳ таолонинг: **«Биз зикрни Ўзимиз туширдик ва уни Ўзимиз сақловчидирмиз»** (Ҳижр: 9) оятида айтилган зикрга Суннат ҳам кириши. Чунки, Аллоҳ таоло талашиб қолинган масалаларнинг ечимини бир нарсага қайтаришга буюрса-ю, сўнг ўша нарсанинг сақланмай, собит бўлмай ва очиқ-равшан бўлмай қолиши мумкин эмас; в) Китоб ва Суннатда ҳамма низо-келишмовчиликларнинг ечими бор — бун билган билади, билмаган билмайди — зотан, Холиқ таоло низонинг ечимини бир нарсага қайтарса-ю, сўнг ўша нарсада унинг ечими бўлмаса! Бундай бўлиши асло мумкин эмас; г) Низоларни Китоб ва Суннатга қайтариш иймоннинг дуруст ва яроқли бўлиши шартларидандир. Кимда низоларни Китоб ва Суннатга қайтариш топилмаса ва у иккисидан бошқага қайтариш бўлса, унда мутлақ иймон топилмайди.

- 13 Яъни, ширк етиб қолишидан. Имом Аҳмад: «Мусҳафга назар солиб, 33 ўринда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш ҳақида оятлар борлигини топдим», деди, сўнг «(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-ширк етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!» оятини ўқий бошлади, уни такрор-такрор ўқиб: «Фитна нима? У ширқдир» дер эди.

Унга: «Баъзи кишилар ҳадисни қўйиб, Суфённинг фикрини олишмоқда» дейилганда: «Қизик! Ҳадисни эшитиб, унинг иснодини (ровийлар силсиласини) ва саҳиҳлигини билиб туриб, уни тарк қилишса ва Суфённинг ё бошқанинг фикрини маъқул кўришса?! Аллоҳ таоло: «(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-ширк етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишдан ҳазир бўлсинлар!» демоқда, фитна нималигини биласанми? У куфрдир. Аллоҳ таоло: **«Фитна ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир»** (Бақара: 217) дейди, нафс-ҳаволари кўйига кириб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини қўйиб, кимнингдир фикрини олишса-я!» деди.

- 14 Ибнул Қаййим ушбу оят тафсирида айтади: «Аллоҳ таоло аввал «Йўқ!» дея таъкидлаб, сўнг Ўзининг муқаддас Зотига қасам ичиб, халқлар то асосий ва жузъий масалаларда, шариат ҳукмлари, охират ҳақидаги аҳкомлар ва бошқа ишлар борасида ўз ўрталарида келиб чиққан барча келишмовчиликларда Унинг Расулини ҳакам қилмагунларича иймонли бўла олмасликларини таъкидлайди. У зотни ҳакам қилишнинг ўзи биланоқ иймон собит бўлиб қолмайди, балки дилларидан ҳараж-танглик тамомила кўтарилиши, кўнгиллари у зотнинг ҳукмидан тўла таскин топиши ва ҳеч иккиланмай қабул қилиши лозим. Ҳатто шу билан ҳам иймон собит бўлиб қолмай-

«Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) қадам босманглар! Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ эшитувчи, билувчидир. Эй мўминлар, (токи қилган яхши) амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар (пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда) овозларингизни пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик (дағал сўз) қилгандек очик-дағал сўз қилманглар!»⁽¹⁵⁾ (Хужурот: 1,2).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, бу уммат ичидан бирон кимса — яҳудий бўлсин, насроний бўлсин — мени эшитса, сўнг мен олиб келган динга иймон келтирмай ўлса, албатта дўзах аҳлидан бўлади»*, дедилар. (Муслим ривояти).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Банда то тўрт нарсага иймон келтирмагунча иймонли бўлмайди: Бир Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг ҳақ билан юборган пайғамбари эканимга гувоҳлик бермагунча, ўлимга ва ундан кейин қайта тирилишига иймон келтирмагунча ва қадарга иймон келтирмагунча»* (Термизий, Ибн Можа ривоятлари. Албоний санадини саҳиҳ деган).

Микдом ибн Маъдийкариб ал-Киндий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Яқин кунларда бир одам сўрисиди ястаниб ётиб олади-да, унга менинг ҳадисим*

ди, балки бунга қўшимча у зотнинг ҳукмига розилик ва таслим, унга заррача қарши фикр айтмаслик ва эътироз билдирмаслик шарт бўлади» (Китабут-тибян фий ақсамил-Қуръан: 270).

- 15 Ибн Таймийя ушбу оят тафсирида айтади: «Амалларни куфрдан бошқа нарса бекор-беҳуда қилмайди. Чунки иймон билан ўлган киши албатта жаннатга киради, дўзахга кирса ҳам ундан яна қайтиб чиқади. Амаллари бекор бўлган одам ҳаргиз жаннатга кирмайди, куфргина амалларни мутлақ бекорга чиқаради... Овозни пайғамбарнинг овозидан юқори кўтариш ва унга очик-дағал сўзлаш кишининг ўзи сезмаган ҳолда кофир бўлиб қолиши ва амаллари беҳуда бўлиши хавфини туғдирар экан ва овозни кўтариш у зотга нисбатан беҳурматлик ва озорни англатар экан, агарчи овозини кўтарган одам бу билан у зотни беҳурмат қилишни қасд қилмаган бўлса ҳам бу иши унинг кофир бўлишига сабаб бўлса, энди **беҳурмат қилиш ва озор бериш қасди** билан овозни кўтариш куфр бўлиши албатта аниқдир (Ас-Сори-мул-Маслул: 55).

айтилса: *«Ўртамизда Аллоҳ азза ва жалланинг Китоби бор, унда ҳалол деб топган нарсамизни ҳалол санаймиз, унда ҳаром деб топган нарсамизни ҳаром санаймиз», деб айтади. Огоҳ бўлингиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган нарса ҳам Аллоҳ ҳаром қилган нарса билан баробардир!»* (Саҳиҳ сунаун Ибн Можа: 12).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматимнинг барчаси жаннатга дохил бўлади, фақат бош тортганларгина унга кирмаслар»*. «Эй Расулуллоҳ, жаннатдан ким бош тортади?», деб сўрадилар. *«Ким менга итоат этса, жаннатга киради. Ким менга итоат этмаса, бош тортган бўлади»*, деб жавоб бердилар (Бухорий ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳнинг аёл бандаларини масжидда намоз ўқишдан ман қилманглар»* деганлар» деди. Шунда унинг бир ўғли: «Биз уларни ман қилаверамиз» деди. Ибн Умар қаттиқ ғазабланди ва: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис айтсам-у, сен: «Биз уларни ман қилаверамиз дейсан-а!» деди (Саҳиҳ сунаун Ибн Можа: 16).

Абу Саламадан ривоят қилинади: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бир кишига деди: «Эй жиян, агар мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилсам, сен унга зарбулмасал олиб келма!»⁽¹⁶⁾ (Саҳиҳ сунаун Ибн Можа: 20).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Тавротдан бир нусха келтириб: «Ё Расулуллоҳ, бу Тавротнинг бир нусхаси» деди. У зот индамадилар. Умар уни ўқий бошлаган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари ўзгара бошлади. Шунда Абу Бакр: «Ҳой, қуриб кетгур, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларидаги ҳолатни кўрмаяпсанми?!»⁽¹⁷⁾ деди. Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу

16 Ҳозирги пайтда ўз мазҳаби ё ҳизби ё жамоатининг олимлари сўзига қаттиқ таассуб қиладиган кишилар кўпайиб кетган, уларга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар» десангиз, сурбетлик ва журъат билан: «Фалончи-фалончилар бундай деган-ку!» дейишади.

17 Чунки бу ақида ва тавҳидга, қабул қилиш ва эргашишга, дин, ҳукмлар, мезон ва фикрлар ким тарафидан олиниши зарурлигига алоқадор бўлган иш эди. Агар Аллоҳдан бошқа тарафидан бўлса, жавоб аниқ-равшан: **«Агар уларга бўйсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсизлар»** (Анъом: 121). Киши ширкка тушиб қолишдан сақланиш учун бор вужуди билан соф ман-

алайҳи ва салламнинг юзларига қаради ва: «Аллоҳнинг ғазабидан ва Расулининг ғазабидан Аллоҳдан паноҳ тилайман, Аллоҳни Раб деб, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб ихтиёр этдик» деди. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мабодо Мусо сизларга зоҳир бўлса ва сизлар унга эргашиб, мени тарк қилсангиз эди, тўғри йўлдан қаттиқ адашган бўлардингиз»⁽¹⁸⁾. Агар Мусо тирик бўлиб, менинг пайғамбарлигимга етишса, албатта менга эргашган бўларди»* — дедилар (Доримий ривояти, Мишкотул-масобийҳ: 194, Саҳиҳул-жомиъус-сағийр: 5308).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни (хутба учун) турганларида: *«Ўтиринглар!»* — дедилар. Ибн Масъуд буни эшитиб, шундоққина масжид остонасига ўтирди⁽¹⁹⁾. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўриб: *«Бери кел, эй Абдуллоҳ ибн Масъуд»* — дедилар (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 966).

бага қараб интилиши, динни, ҳақиқат ва ботил ҳақидаги мезон-ўлчовларни ундан қабул қилиши зарур. У — Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилган Ислом динидир. Модомики иши шу даражада муҳим ва жиддий экан, ҳозирги замонда кўп ёшларнинг аввал ўз динларини яхши тушуниб олмасдан ва исломлари ҳақида тўла тушунчага эга бўлмасдан туриб, марксча-ленинча, афлотунча ва шу каби куфрга етакловчи китобларни ўқиб-ўрганишга муккасидан кетишларини нима деб баҳолаш мумкин?!

- 18 Аллоҳнинг пайғамбари Мусо алайҳиссаломга эргашиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни тарк қилган киши ҳақидаги гап шу бўлса, энди Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва у зотнинг таълимотларини тарк қилиб, «баъс» партиясига ё коммунистик партияга ё шунга ўхшаш мусулмон диёрларида тарқалган социалистик, демократик, илмоний (секуляр) партия ва йўлларга эргашиб кетаётган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин?! Улар ўзларини ҳар қанча мусулмон атамасинлар, Исломдан бутунлай бегона кимсалар эканига шакшубҳа йўқдир.
- 19 Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига дарҳол бўйсуниб шундай қилди. Чунки, у зотнинг буйруқларини у масжид эшиги остонасида эшитганди. Ушбу ҳадисда саҳобалар қалбида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амр-фармонлари нақадар муқаддас ўрин эгаллаганига далил бор.



Иймоннинг тақозо ва шартларидан бири — Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни севиш ва эҳтиром қилишдир

Аллоҳ таоло айтди:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар. Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас»** (Тавба: 24).

«(Эй инсонлар, Биз бу пайғамбарни) **сизлар Аллоҳга ва унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун ва у зотни улуғлаб, эҳтиром қилишларингиз ҳамда эртаю кеч Уни (Аллоҳни) поклаб, тасбеҳ айтишларингиз учун** (юбордик)» (Фатҳ: 9).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Сизларнинг бирортангиз мен унга отасидан, фарзандидан ва барча инсонлардан кўра суюмлироқ бўлмагунимча (мукаммал) иймонли бўлмайди»* (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслим ривоятида: *«Банда то мен унга аҳлидан, молидан ва барча одамлардан суюмлироқ бўлмагунимча (мукаммал) иймонли бўлмайди»*.

Абдуллоҳ ибн Ҳишом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик, у зот Умар ибн Хаттобнинг қўлидан ушлаб турган эдилар. Умар: *«Ё Расулуллоҳ, сиз менга ўз жонимдан бошқа барча нарсадан суюмлироқсиз»* деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Йўқ, жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, то сенга ўз жонингдан ҳам суюмлироқ бўлмагунимча (иймонинг комил бўлмайди)»* — дедилар. Умар: *«Аллоҳга қасамки, сиз энди менга ўз жонимдан ҳам суюмлироқсиз»* деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ана энди (ҳақни танидинг ва айтдинг) эй Умар»* — дедилар (Бухорий ривояти).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимда учта нарса бўлса, у иймоннинг ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Расули бошқа барча нарсадан кўра суюкли бўлса, бир кишини фақат Аллоҳ учун яхши кўрса, куфрга қайтишни ўтга ташиланишни ёмон кўргандек ёмон кўрса»* (Муттафақун алайҳ).

❖ **Салафи солиҳларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳурмат-эҳтиром қилиш кўринишларидан намуналар**

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинса имом Моликнинг юзи ўзгариб кетар, қадди эгилиб қолар, ҳатто суҳбатдошлари бу ҳолдан қийналиб кетишар эди. Бир куни унга бу ҳақда айтишди. У деди: Агар мен кўрган нарсаларни кўрганингизда эди, менинг бу ҳолимдан ажабланмаган бўлардингиз. Мен қориларнинг саййиди бўлмиш Муҳаммад ибн Мункадирни кўрганман, у кишидан қачон бирор ҳадис ҳақида сўрагудек бўлсак йиғлаб юборар, ҳатто раҳмимиз келиб кетарди. Жаъфар ибн Муҳаммадни кўрганман, у кўп ҳазил-мутойибали ва сертабассум инсон эди, ҳузурида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинса ранги сарғайиб кетарди.

Абдурраҳмон ибн Қосим Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида сўзласа рангида ранг қолмас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳайбатларидан тили қуриб қолар эди.

Зухрийни кўрганман, ғоят очиқчеҳра инсон эди, ҳузурида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида гапирилса сен билан умуман танишчилиги йўқ одамдек бўлиб қоларди.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ҳузурига бориб турардим, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинса йиғлайвериб кўзлари қуриб қоларди.

Сафвон ибн Сулайм ҳузурига бориб турардим — ибодатга берилган, мужтаҳид зот эди — Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинса йиғидан ўзини ҳеч тўхтатолмас, ҳатто одамлар туриб чиқиб кетишга мажбур бўларди.⁽²⁰⁾

❖ **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммат устидаги ҳақларидан яна бири — у зотни Аллоҳга комил бандалик манзилатига қўйишлари, мадҳларида ғулув кетмасликлари, насоролар Масих**

20 Ибн Таймийя «Фатово»да (1/226) айтади: Буларнинг ҳаммасини қози Иёз Моликнинг асҳобларининг маъруф китобларидан нақл қилган.

**ибн Марямни кўкларга кўтаргандек кўкка кўтармасликларидир.
Зеро, у зот ўзлари бундан қайтарганлар**

Аллоҳ таоло айтди:

«(Барча) ҳамду сано бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бирон эгрилиги бўлмаган расо Китоб — Қуръонни нозил қилган Аллоҳ учундир» (Каҳф: 1).

«Барча оламларни (охират азобидан) қўрқитувчи бўлсин деб Ўз бандаси (Муҳаммад)га Фурқон — Қуръон нозил қилган зот — Аллоҳ баракотли — Буюқдир» (Фурқон: 1).

«(Жаброил фаришта Аллоҳ) Ўз бандаси (Муҳаммад алайҳис-салом) га туширган ваҳийни келтиради» (Ван-нажм: 10).

«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир. Дарҳақиқат, У эшитувчи, кўрувчи зотдир» (Исро: 1).

«Албатта, қачонки Аллоҳнинг бандаси (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) У зотга дуо-илтижо қилган ҳолда турганида улар (яъни жинлар Қуръон эшитиш иштиёқида) унинг устига ғуж-ғуж бўлиб ёпирилишга яқин бўлдилар» (Жин: 19).

«(Эй Муҳаммад, Уларга) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Илоҳингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда» (Каҳф: 110).

Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени насронийлар Ийсо ибн Марямни ҳаддан зиёд мадҳ этганларидек мадҳ этманглар. Мен (Аллоҳнинг) бандасиман, холос. «Аллоҳнинг қули ва элчиси» денглар» — дедилар (Бухорий ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яҳудий ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олишиди» деб, уларнинг қилмишларидан умматларини огоҳлантирдилар (Мутта-фақун алайҳ).

Рубайиъ бинт Муаввиз разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўйим куни кириб ҳозир сен билан мен ўтирганимиздек ўтирдилар. Кейин уйимиздаги жориялар дуф чалиб Бадр жангида ўлдирилган аждодларимизни мадҳ этиб куйлай бошладилар. Улардан бири: «Ичимизда эртага нима бўлишини би-

лувчи пайғамбар бор», — деган эди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга: «*Буни қўйгин-да*⁽²¹⁾, *бошқаларини айтавер*», дедилар (Бухорий ривояти).

Анас разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: «Эй Муҳаммад! Эй энг яхшимиз! Эй энг яхшимизнинг ўғли! Эй саййидимиз! Эй саййидимизнинг ўғли!» — деб хитоб қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «*Эй одамлар, сизлар менга тўғри гапираверинглар, шайтон сизларни адаштирмасин! Мен — Аллоҳнинг бандаси ва расули бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳман. Сизлар мени Аллоҳ қўйган мақомдан юқори мақомга қўйишингизни хоҳламайман*» — дедилар (Аҳмад, Насоий ривоятлари).

Абу Довуд ривоятида: «Сиз бизнинг саййидимизсиз» деган эдик, «*Саййид Аллоҳ таборака ва таолодир*» — дедилар (Саҳиҳ сунав Абидовуд: 4021).

Анас разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга: «Эй яралмишларнинг энг яхшиси!» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «*У — Иброҳим*» — дедилар⁽²²⁾ (Муслим, Термизий, Абу Довуд ривоятлари).

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, у зотга мурожаат қиларкан, гап орасида: «Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «*Мени Аллоҳга тенг қилдингми?! Йўқ, фақат Аллоҳ хоҳласагина*» — дедилар (Аҳмад, Ибн Можа, Байҳақий, Табароний ривоятлари).

Абу Масъуд Бадрийдан ривоят қилинади: Бир одам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, у зот билан гаплашиб

21 Чунки эртага нима бўлишини билиш — Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган ғайб илмидандир. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз тилидан айтади: «**Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди**» (Аъроф: 188).

22 Бу ҳадис ва «*Мени Юнус ибн Маттодан афзал санаманглар*», «*Мени Мусодан афзал санаманглар*» каби ҳадислар билан «*Мен Одам авлодининг саййидиман, бироқ бу билан фахрланмайман*» ҳадиси ўртасини шундай боғланадики, пайғамбарларнинг шахсларини бир-бирларидан афзал саналса, афзал бўлмаган пайғамбарнинг қадрини пасайтириш маъноси тушуниб қолинади, умумий афзалликни айтишда бу нарсга тушунилмайди. Шунинг учун ҳадисларда муайян пайғамбарларнинг бир-бирларидан афзал санашдан қайтарилган ва пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг бутун халқлардан афзал эканликлари собит бўлган.

туриб, оёқ-қўли титрай бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«Тинчлан, мен подшоҳ эмасман. Мен қуритилган гўшт ейдиган оддий бир аёлнинг фарзандиман, холос»* — дедилар (Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари).

 **Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрларини пастлатса ё у зотни ҳақорат қилса ё мазах қилса ё шаънларини ерга урса ё у зот ҳақларида масхараомуз сўз айтса, ундай кимса кофир ва муртад бўлиб, ўлим жазосига ҳукм қилинади⁽²³⁾**

Аллоҳ таоло айтди:

«Агар аҳдлашганларидан кейин қасамларини бузсалар ва сизларнинг динингизга тош отсалар, у ҳолда (бу кирдикорларидан) тўхташлари учун куфр етакчиларига қарши жанг қилингиз! Зеро, улар учун ҳеч қандай қасам йўқдир. (Яъни, улар мудом ўзлари ичган қасамларни бузаверадилар)» (Тавба: 12).

«Айтинг: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?» Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирга-

23 Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат қилган киши ушбу қилмишига жазо ўлароқ ва кофир бўлгани учун қатл қилинади. Агар тавба қилса ва тавбасида содиқ бўлса унга тавбасининг нафи тегади ва кофирлик ҳукми ундан кўтарилади, бироқ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳурматларини сақлаш учун, сўқувчига Аллоҳнинг белгилаб қўйган жазосини ўташ ва қасос тариқасида унга ўлим жазосини қўлланилади.

Савол бўлиши мумкинки: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳаётлик даврларида ҳақоратлаган ва ҳар турли азиятлар етказган кишилар бўлган, у зот уларнинг баъзиларини кечирганлар, баъзиларини қатл қилдирганлар. Агар қатл Аллоҳнинг белгилаб қўйган жазоларидан бўлса, уларни қандай қилиб афв қила олганлар?

Жавоб шуки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг хос ҳақ-ҳуқуқларидан бирон ҳақдан воз кечишлари, тавба қилиб, тавбасида содиқ бўлган кишилардан ўзлари истаган кишини кечиришлари, истаганни кечирмасликлари мумкин эди. Бироқ, у зотнинг вафотларидан кейин энди уммат ичидан ким ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос бўлган ҳақни афв қилиши мумкин деб ўйлайсиз?! Албатта, ҳеч ким бундай ҳуқуқни даъво қилишга журъат қилмайди. Шунинг учун саҳобалар ва салафлар ризвонуллоҳи алайҳим Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилган ва у зотнинг обрўларига путур еткизган кимсага, ҳатто тавба қилса ҳам, ўлимдан бошқа жазо бор деб айтмаганлар.

нингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани (чин ихлос билан тавба қилганлари учун) **афв қилсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганликлари сабабли азоблаймиз»**⁽²⁴⁾ (Тавба: 65-66).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аъмо (кўзи ожиз) одамнинг умму валад⁽²⁵⁾ чўриси бор бўлиб, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақоратлаб сўкар, хожаси қанча қайтармасин, бу ишидан тийилмас эди. Бир кеча у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаънларига ҳақоратли сўзлар айта бошлади. Шунда аъмо ханжарни олди-да, унинг қорнига ботириб, ўлдирди, гўдак боласи оёқлари остига тушди, ҳаммаёқ қонга беланди. Эрталаб бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар берилди. У зот одамларни йиғиб, шундай дедилар: «Аллоҳ номини ўртага қўйиб буюраман, бу ишни қилган одам ўрнидан турсин». Шунда аъмо ўрнидан туриб, қалтираганча одамлар орасидан ўтиб келди ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтирди. Сўнг: «Ё Расулуллоҳ, мен унинг хожасиман, у сизни сўкар, шаънингизга нолойиқ сўзлар айтар, қанча қайтарсам-да тийилмас эди. Менинг ундан гавҳардек иккита ўғлим бор, ўзи менга меҳрибон эди. Бугун тунда сизни ҳақоратлаб сўка бошлаган эди, ханжарни олдим-да, қорнига тикиб ўлдирдим» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Гувоҳ бўлинглар, у аёлнинг қони ҳалол (яъни у ўлимга муносиб)*» — дедилар (Абу Довуд, Насоий ривоятлари).

Абу Барза ал-Асламий айтади: Бир одам Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга дағал муомала қилди. Мен уни ўлдираман, деган эдим, Абу Бакр мени бу ишдан қайтардилар ва: «Бундай ҳад-жазо беришга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг ҳеч ким ҳақли эмас» — дедилар (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: 379).

24 Ибн Таймийя «Ас-соримул-маслул ала шотимир-расул» (Пайғамбарни сўкувчи-га қарши суғурилган қилич) китобида айтади: «Бу — Аллоҳни, Унинг оятларини, Унинг Расулини масхара қилиш куфр эканига далилдир. Ушбу оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни хоҳ жиддий, хоҳ ҳазиллашиб камситган одам кофир бўлишига очиқ далил бўлади».

25 Хожасига фарзанд туғиб берган чўри шариат истилоҳида «умму валад» (боланинг онаси) деб аталади.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан ёлғон ҳадис ривоят қилган киши тўғрисида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким қасддан менинг номимдан ёлғонласа, дўзахдан жойини ҳозирлайверсин!»* — дедилар (Бухорий ривояти).

Муғийра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Менинг номимдан ёлғон сўзлаш бошқа бировлар номидан ёлғон гапириш билан бир хил эмас. Ким қасддан менинг номимдан ёлғонласа, дўзахдан жойини ҳозирлайверсин!»* — дедилар (Бухорий ривояти).

Салама разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: *«Ким мен айтмаган сўзни менинг номимдан гапирса, дўзахдан ўз жойини ҳозирлаб олсин»* (Бухорий ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Менинг номимдан ёлғон сўзлаган кимсага дўзахда бир уй бино қилинади»* — дедилар (Аҳмад ривояти, «Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1618).

Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Мендан кўп ҳадис ривоят қилишдан эҳтиёт бўлинглар. Ким менинг номимдан гапирса фақат ҳаққи-рост сўзласин! Ким мен айтмаган сўзни менинг номимдан гапирса, дўзахдан ўз жойини ҳозирлаб олсин»* деганларини эшитганман (Аҳмад ривояти, «Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1753)⁽²⁶⁾.



Номлари зикр қилинганда у зотга салавот айтиш ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммат устидаги ҳақларидан. Бундай қилмаган киши бахил ва ўз жонига зулм қилган бўлади

26 Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини бошқа маъноларга буриб юбориш ҳам у зот номларидан ёлғон сўзлашга киради. Ҳозирда бундай қиладиган одамлар роса кўпайган!

Аллоҳ таоло айтди:

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» (Аҳзоб: 56).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимнинг ҳузурида менинг номим зикр қилинса-ю, у менга салавот айтишни унутса, жаннат йўли ундан бурилиб кетибди»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2337).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳар қандай дуо то Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтилмагунча маҳжуб (тўсилгандир)»*⁽²⁷⁾ (Саҳиҳул-жомиис-сағир: 4523).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши дедилар: *«Дуо то пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмагунингизча осмон билан ер ўрталиғида юқорига кўтарилмай тураверади»* (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1676).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир кишининг олдида номим зикр қилинса, менга салавот айтсин. Зеро, ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 6246).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким менга бир бор салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади ва ўнта гуноҳини ўчириб, ўн даража юксалтиради»* (Аҳмад, Насойи, Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 6359).

Абу Бурда ибн Ниёр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматимдан қай бир киши менга чин дилидан ихлос билан салавот айтса, Аллоҳ бу салавоти эвазига унга ўнта салавот айтади, уни ўн даража юксалтиради, унга ўнта*

27 Намозларида қунут ўқиб, узоқ дуо қилганлари ҳолда дуоларини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш билан тугатмайдиган одамларга ачинаман. Зотан, дуони салавот айтиш билан бошлаб, охирини ҳам салавот айтиш билан тугатиш ва улар ўртасида ўз эҳтиёжларини сўраш, тилак-истакларини тилаш дуо қилувчининг ақл-фаросати ўткирлигига далолат қилади ҳамда ушбу дуо қабул қилинишга яқинроқ, деб ўйлайман. Чунки, Аллоҳ таоло дуонинг аввали ва охирини қабул қилиб, ўртасини рад қилишдан Улуғ ва Карим зотдир, валлоҳу аълам.

ҳасанот ёзади ва ундан ўнта гуноҳини ўчиради» (Насоий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1659).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Менга жума кун кўп салавот айтишлар, чунки ҳозиргина менга Жибрил келиб, Рабби тарафидан шуни етказдики: «Ер юзидан бирон бир мусулмон сизга бир марта салавот айтмас экан, Мен ва малоикаларим унга ўнта салавот айтамыз»»*⁽²⁸⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1662).

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат кун одамларнинг менга энг яқинроқлари менга кўпроқ салавот айтувчиларидир»* (Термизий ривояти, Риёзус-солиҳийн).

Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, мен сизга кўп салавот айтаман, дуойимдан қанчасини сиз учун салавот айтишга ажратай?» деб сўрадим. *«Истаганингча»* — дедилар. *«Тўртдан бирини ажратсам бўладими?»* дедим. *«Истаганингча, агар зиёда қилсанг ўзингга яхши»* — дедилар. *«Ярмини ажратсам бўладими?»* дедим. *«Истаганингча, агар зиёда қилсанг ўзингга яхши»* — дедилар. *«Учдан иккисини ажратсам бўладими?»* дедим. *«Истаганингча, агар зиёда қилсанг ўзингга яхши»* — дедилар. *«Дуойимнинг ҳаммасини сизга салавот айтишга айлантурсамчи?»* дедим. *«Унда ғам-ташвишларинг (ни бартираф бўлиши)га кифоя қилади ва гуноҳларинг кечиради»* — дедилар (Аҳмад, Термизий, Ҳоким ривоятлари. Саҳиҳут-тарғиб: 1670).

Бошқа бир ривоятда: Бир одам: «Ё Расулуллоҳ, нима дейсиз, дуойимнинг ҳаммасини сизга салавот айтишга айлантурсам бўладими?» деб сўради. *«Ундай бўлса, Аллоҳ таборака ва таоло дунёю охирадаги ғам-ташвишларингга Ўзи кифоя қилади»* — дедилар.

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Жума кун менга кўп салавот айтишлар, чунки у малоикалар ҳозир бўладиган кундир. Бирон киши агар менга салавот айтса, ҳали фориг бўлмасидан туриб салавати менга етказилади»* —

28 Малоикаларнинг адади ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига маълум. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтган кишига ҳар бир малак ўнтадан салавот айтса, бу дегани у зотга бир бор салавот айтган одамга малоикалар томонидан юз миллионлаб салавот айтилади. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг у бандага айтган салавотидан ташқаридир. Ҳолбуки, У Зотнинг салавати ўзи ортиғи билан етарлидир. Талабгорлар борми!!!

дедилар. «Вафотингиздан кейин ҳамми?» деб сўрадим. «Аллоҳ таоло ерга пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ҳаром қилган, Аллоҳнинг пайғамбари тирик, ризқланиб туради» — дедилар (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1672).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳузурида зикр қилинганимда менга салавот айтмаган одам хор бўлсин*» (Термизий ривояти, Риёзуз-солиҳийн).

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бахил — ҳузурида зикр қилинганимда менга салавот айтмаган одамдир*» (Термизий ривояти, Риёзуз-солиҳийн).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ким азонни эшитган вақтда: «Ушбу комил даъватнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Муҳаммадга васила ва фазилатни ато этгин. Уни (қиёмат куни) Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тургизгин» деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлади*», дедилар (Бухорий ривояти).

Жобир ибн Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳузуримга Жибрил келиб: «Эй Муҳаммад! Ҳузурида зикр қилинсангиз сизга салавот айтмаган одам ўлса дўзахга кирсин ва Аллоҳ уни (Ўз раҳматидан) узоқ қилсин! «Омийн» денг» деди, мен: «Омийн» дедим»*⁽²⁹⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жоми-ис-сағир: 75).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Минбарнинг биринчи поғонасига кўтарилганимда ҳузуримга Жибрил келиб: «Ҳузурида зикр қилинсангиз сизга салавот айтмаган одам бахтсиз бўлсин» деди, мен: «Омийн» дедим*» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 500).

Ҳусайн ибн Алий разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Қаерда бўлсангизлар-да менга салавот айтингиз! Зеро, салавотларингиз менга етгай*» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1665).

29 Ушбу ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинганда у зотга салавот айтиш вожиблигини ифодаладиган далиллар жумласидандир.

Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ менинг қабримга бир фариштани вакил қилиб, унга халойиқларнинг исмларини берди, қиёматга қадар бирон киши менга салавот айтса, у менга унинг исми ва отасининг исми билан: «Бу фалончи фалончининг ўғли, у сизга салавот айтди» деб етказиб туради»* (Баззор ривояти: Саҳиҳут-тарғиб: 1667).

Абу Бакр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Менга кўп салавот айтишлар! Зеро, Аллоҳ таоло қабрим олдида менга бир фариштани вакил қилиб қўйган, умматимдан бирон киши менга салавот айтса, ўша фаришта менга: «Эй Муҳаммад! Фалончининг ўғли фалончи ҳозиргина сизга салавот айтди» дейди»* (Дайлабий «Муснад»ида ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 1207).⁽³⁰⁾

Эй Парвардигор! Пайғамбаримиз Муҳаммадга ҳозир ва ҳамма вақт, то қиёматгача кўплаб салавот ва саломлар йўллагин!

30 Эй Аллоҳнинг бандаси! Бу дунёда ҳаётлик чоғингда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўз исминг ва отангинг исми билан аталишни истасанг — бу нақадар ёқимли! — у зотга кўп салавот айтгин!



САҲОБАЛАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУМНИНГ ҲАҚЛАРИ

Аллоҳ таоло айтди:

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» (Тавба: 100).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан — улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида — рози бўлди. У зот уларнинг дилларидаги нарса (содқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни яқин ғалаба ва ўзлари(гина) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган зотдир (Фатҳ: 18).⁽³¹⁾

31 Дарахт остида байъат қилган саҳобалар сони 1400 та эди. Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Худайбияда 1400 киши иштирок этган эдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Сизлар ер юзининг энг яхши кишиларисиз», дегандилар» (Муттафақун алайҳ). Қуръон карим гувоҳлиги билан мазкур зотлардан Аллоҳ таоло ҳақиқатан рози бўлган. Аллоҳ таоло инсонлардан рози бўларкан, уларнинг динлари, эътиқод ва манҳажларининг саҳиҳлиги учун рози бўлади. Шундай экан, саҳобаларнинг шаънларига тил теккизадиган ёки уларнинг адолатлари хусусида танқидий фикр билдирадиган ҳар қандай кимса Аллоҳ таолонинг ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гувоҳликларига тил теккизган, Қуръон ва Суннатни ёлғончи қилган бўлади. Қуръон ва Суннатни ёлғон санаган ёки Аллоҳ ва Расулунинг саҳобаи киром ҳақларидаги гувоҳликларига тил теккизган киши эса мусулмонликдан чиқиб, зиндик ва кофирга айланади.

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қахрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни кофирларга қахрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиш, рукуъ-сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. (Яъни Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир). Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шоҳлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди. (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек ўсимликка ўхшатилиши) улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ (мўминлардан) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир» (Фатҳ: 29).⁽³²⁾

«Қасамки, агар улардан (нега сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида) сўрасангиз, албатта улар: «Биз фақат баҳслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?» Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани (чин ихлос билан тавба қилганлари учун) афв қилсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганликлари сабабли азоблаймиз» (Тавба: 65,66).⁽³³⁾

32 Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлган мўминлар саҳобалар разияллоҳу анҳумдирлар. **«Кофирларни хафа қилиш учундир»** ояти калимасидан маълум бўладики, саҳобалардан ёки уларнинг баъзиларидан фақатгина кофирлар дарғазаб ва хафа бўлишади.

Ибн Касир раҳимахуллоҳ тафсирида айтади: «Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳидан қилинган бир ривоятда у киши саҳобаларни ёмон кўрадиган рофизий-шийаларни мана шу оятга кўра кофирликка ҳукм қилиб: «Чунки, улар саҳобалардан хафа бўлишади, ким саҳобалардан хафа бўлса, шу оят далолатига кўра кофир бўлади», дейди, бир қанча уламолар у кишининг бу сўзларига қўшилганлар».

Мен айтаман: «Саҳобалардан хафа бўлса» дегандан кўра «саҳобаларни хафа қилса» дейилса тўғрироқ бўлар ва оят маъносига ҳам тўғрироқ келарди.

33 Мазкур тоифадагилар иймон келтирганларидан сўнг саҳобалар шаънига тил тек-кизганликлари ва уларни масхара қилганликлари сабабли кофир бўлишди, саҳоба-



Саҳобалар разияллоҳу анхум фазилатлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида умумий тарзда баён қилинган сўзлар

Умар разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Асҳобларимни иззат-икром қилингиз! Зеро, улар сизларнинг яхшиларингиздир»* (Насоий, Аҳмад, Ҳоким ривоятлари, Албоний «Мишкотул-масобих» таҳқиқида саҳиҳ санаган: 6003).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир давр келадики, бир тоифа кишилар жанг қилишади, «Ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳоба бўлганлар борми?», дейилганда: «Ҳа, бор» деб жавоб беришади, шунда уларга ғалаба ато этилади. Кейин яна бир давр келиб, бир тоифа одамлар жанг қилишади, «Ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига асҳоб бўлганлар борми?», деган саволга: «Ҳа, бор», деб жавоб беришади, шунда уларга ғалаба ато этилади. Сўнг яна бир давр келади, бир тоифа одамлар жанг қилишади, «Ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига асҳоб бўлганларга асҳоб бўлганлар борми?», дейилганда: «Ҳа, бор», деб жавоб беришади, шунда уларга ҳам ғалаба ато этилади»* (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслимнинг бир ривоятида: *«Одамлар устига бир давр келиб, улардан бир жамоа (жангга) юборилади, шунда улар: «Қарангларчи, ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирон киши бормикин?», дейишади. Шунда (саҳобалардан) бир киши борлиги маълум бўлади, ўша киши сабабли уларга ғалаба ато этилади. Сўнг иккинчи бир жамоа юборилади, улар: «Ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини кўрганлар борми?», дейишади ва ўша киши сабабли уларга ғалаба ато этилади. Кейин учинчи бир жамоа юборилади, уларга: «Қарангларчи, ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини кўрганларни кўрган киши бормикин?», дейилади. Сўнгра*

ларни масхаралаб, устларидан кулиш улардан рози бўлган ва улар шаънига мақтов айтган Зотни — Аллоҳ таолони масхаралаш деб, Аллоҳнинг улардан рози бўлган эканини ифодаловчи куръоний оятларни масхаралаш деб, ўз асҳобларидан рози бўлган ва улар шаънига мақтовли сўзлар айтган, саҳобалар ҳақларида Аллоҳ таолонинг мақтовли сўзларини ўз ичига олувчи оятларни етказган зотни — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни масхаралаш деб эътибор қилинди. Бинобарин, саҳобалар шаънига тил теккизган ёки уларни масхара қилган ҳар қандай шахс аслида Аллоҳ таолони, Унинг оятларини ва Унинг Расулини масхара қилган бўлади!

тўртинчи бир жамоа юборилади, уларга: «Қарангларчи, ичларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини кўрган кишини кўрган кишини кўрган бирон киши бормикин?», дейилади, ичларида шундай бир киши топилади ва ўша киши сабабли уларга ғалаба ато этилади».

Абу Бурдадан, у кишининг отасидан (яъни, Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан) ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб, осмонга қарадилар, кўпинча шундай қилардилар, сўнг дедилар: «Юлдузлар осмоннинг тинч-омонлиги (сабабидир), агар (қиёматда) юлдузлар сўниб битса, осмонга (Қуръон оятларида) ваъда қилинган нарсалар келади. Мен асҳобларим учун омонлик (сабаби)ман, агар мен (дунёдан ўтиб) кетсам, асҳобларимга ваъда қилинган (фитна ва жангу-жадаллар каби) нарсалар келади. Асҳобларим умматим учун омонлик (сабаби), агар асҳобларим ўтиб кетишса, умматимга ваъда қилинган (бидъатлар ва сафларнинг бўлиниши каби) нарсалар келади»⁽³⁴⁾ (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Асҳобларим ҳақида гап кетганда тийилинглари, юлдузлар ҳақида гап кетганда тийилинглари, қадар ҳақида гап кетганда тийилинглари»⁽³⁵⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 34).

34 Олим кишининг ўлими Исломда ўрнини тўлдириб бўлмас кемтиклик ва тузатиб бўлмас мусибат экани ҳақида айтилувчи ҳадислар ҳам шу маънога далолат қилади. Чунки, унинг вафоти одамлар ҳаётида бўшлиқ ва беқарорликка, ортида қолганлар учун фитна, фасод ва ёмонликларга сабаб бўлади. Хусусан, ортида илмда, амру маъруф ва наҳий мункар қилишда унинг ўрнини босадиган киши қолмаган бўлса.. Олим киши қаерда бўлмасин, ҳаётдаги тинчлик-омонлик сабабидир, лекин бу золим ва тоғутларни ҳимоя қиладиган ва хавфсизликларини таъминлайдиган хавфсизлик хизматчиси маъносида эмас. Шундай экан, энди вафот қилган бу олим киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан бир киши бўлса, бунга нима дейсиз?!

Имом Нававий ҳадис шарҳида айтади: «Асҳобларим ўтиб кетишса, умматимга ваъда қилинган нарсалар келади» деганлари маъноси — уларга диндаги бидъатлар, фитналар, шайтоннинг шоҳи кўриниши, румликлар ва бошқаларнинг ғолиб бўлиши, Макка, Мадина каби шаҳарлар ҳурмати поймол қилиниши каби ишлар келади, деганидир. Буларнинг ҳаммаси у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидандир».

35 «Асҳобларим ҳақида гап кетганда тийилинглари» дегани ё уларни яхшилик билан тилга олинглари ё бўлмаса тийилинглари, агар улар хусусида гап очилса, чуқур кетманглари, улар ҳақларида нолайиқ ва ножоиз гаплар айтишдан сақланинглари, акс ҳолда номақбул ва номаъқул ишни қилиб қўйган бўласиз, демакдир. Ушбу ҳадисдан

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Асҳобларимни сўкманглар! Агар сизлардан бирингиз Уҳуд тоғича тилла садақа қилса ҳам, улардан бирларининг бир муд ё ярим муд садақасига тенглашолмайди»*⁽³⁶⁾ (Мутта-факун алайҳ).

Имом Муслимнинг бир ривоятида: *«Асҳобларимдан биронтасини ҳам сўкманглар! Агар сизлардан бирингиз Уҳуд тоғича тилла садақа қилса ҳам, улардан бирларининг бир муд ё ярим муд садақасига етолмайди»*.⁽³⁷⁾

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким асҳобларимни сўкса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин»* (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2340).

Увайм ибн Соида разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таборака ва таоло мени танлади ва менга асҳоблар танлади. Мен учун улар ичидан ва-зирлар, ёрдамчилар ва қуда-андалар чиқарди. Кимда-ким уларни сўкса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин, қиёмат куни ундан на нафл, на фарз амаллари қабул қилинади»* (Ҳоким «Мустадрак»да (3/632) келтирган ва иснодини саҳиҳ санаган, Заҳабий ҳам бунга қўшилган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Менинг бир дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан»*⁽³⁸⁾ (Имом Бухорий ривояти).

саҳобаларнинг адолатлари борасида манфур рофизийлар (шиалар) билан баҳс-мунозара қилишни яхши кўрадиган кишиларнинг бу ишлари тўғри эмаслиги маълум бўлади. Чунки, бу каби мунозаралар орасида саҳобалар шаънларига айбловлар, уларга нисбатан беодобона ва ҳақоратомуз сўзлар ўтиб кетади.

36 Муд — чорак соъ миқдоридаги сизим ўлчови бўлиб, ўртача бир ховучга тенг келади.

37 Бу ривоятда аввалги ривоятга қўшимча ўлароқ асҳоблардан биронтасини ёки баъзи бирларини бўлсин, сўкишдан қайтарилди. Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мутлақ саҳобаларни сўкишдан қайтарганлари каби, улардан баъзи бировларини сўкишдан ҳам қайтардилар.

38 Аллоҳ таоло Ўзининг бир дўстига адоват изҳор қилган кимсаларга эълон қилган бу уруш қайси кўриниш ва қай турда бўлади, деб сўралса, жавоб шуки, бу урушнинг асос-моҳиятини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бу уруш улар устига зилзилалар, дарду оғриқлар, қурғоқчиликлар каби балолар юбориш билан бўлиши ҳам мумкин, мўмин ва мужоҳид бандаларини уларга ғолиб қилиб, Ўзининг солиҳ дўстлари учун қасос олдириш билан ёки улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўйиб, фитналар-

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, у киши айтдилар: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини сўкманглар! Қасамки, уларнинг бир соат (пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга) турганликлари сизлардан бирингизнинг бир умрлик амалидан яхшироқдир»⁽³⁹⁾ (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 133).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши айтдилар: «Аллоҳ таоло бандаларнинг қалбларига назар солиб, улар ичида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбларини энг яхши қалб деб топди ва у зотни Ўзи учун танлаб, Ўзининг рисолати билан юборди. Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбларидан сўнг бандаларнинг қалбларига назар солиб, у зотнинг асҳобларининг қалбларини энг яхши қалблар деб топди ва уларни Ўзининг пайғамбарига Унинг дини учун жанг қиладиган вазирлар (ёрдамчилар) қилди. Бас, мусулмонлар нимани яхши деб кўрсалар, у Аллоҳ наздида ҳам яхшидир. Нимани ёмон деб кўрсалар, у Аллоҳ наздида ҳам ёмондир» (Аҳмад «Муснад»да (3600) ривоят қилган, шайх Шокир таҳрижида иснодини саҳиҳ санаган).

 **Исломнинг илк даврида мусулмон бўлган саҳобаларнинг кейинги саҳобалардан афзалликлари ҳақида (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин)**

Аллоҳ таоло айтди:

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози

га дучор қилиш ва бир-бирлари билан қирпичоқ қилиш билан бўлиши, ҳаётларини ғам-ғусса ва захар-заққумга айлантириб ташлаш билан бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси бизнинг шу давримизда, Ироқда Аллоҳнинг пайғамбарлардан кейинги дўстлари бўлмиш пок зотлар — саҳобаларни сўкадиган ва уларга адоватларини очиқ изҳор қиладиган рофизийлар устига ёғилган балолардан кўринди. Агар билсалар, айбни фақат ўзларидан қидирсинлар! Бундан ташқари, ҳали киёматда ҳам уларни қаттиқ азоблар кутиб турибди. Аллоҳдан кўра ваъдасида содиқроқ ким бор?!

39 Ибн Умар разияллоҳу анҳумо бу сўзларини ўзларига ҳамаср бўлган тобеинларга айтгандилар. У зот бизнинг замондошларимиз бўлмиш, тилларига эрк бериб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига нисбатан одоб чегараларидан тажовуз қилувчи кимсаларга нима деган бўлардикинлар?!

бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» (Тавба: 100).

«Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (Расулуллоҳ билан бирга кофирларга қарши) урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (оқибат — жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳадид: 10).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдим, Абу Бакр кийимининг этагидан кўтариб олганидан тиззаси кўриниб турган ҳолда келиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўриб: *«Биродарингиз ким биландир аниқ хафалашган»*, дедилар. У салом бергач: «Ибн Хаттоб билан ўртамизда гап қочган эди, мен унга тезлик қилдим, кейин пушаймон бўлиб кечирим сўрасам, бош тортди, шундан сизнинг олдингизга келдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ сизни кечиради, эй Абу Бакр»*, дедилар уч бор. Кейин Умар ҳам пушаймон бўлиб, Абу Бакрнинг уйларига бориб: *«Абу Бакр борми?»*, деб сўраган экан: *«Йўқ»*, дейишибди, сўнг у ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, салом берди. Шунда у зотнинг юзлари ўзгара бошлади. Ҳатто Абу Бакрнинг раҳми келиб, тиз чўкканча: *«Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен кўпроқ зулм қилгандим»*, деб икки марта такрорлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ мени сизларга пайғамбар қилиб юборганда сизлар: «Ёлғон айтаянсан», дедингиз, Абу Бакр эса: «Тўғри айтди», деди ва жонию моли билан менга ёрдам берди. Ахир биродаримни тинч қўясизларми, йўқми?!»*, деб икки марта такрорладилар, шундан сўнг қайтиб Абу Бакрга озор етказилмади (Имом Бухорий ривояти).

Бир ривоятда: *«Биродаримни тинч қўясизларми ўзи?! — дедилар икки бор — мен: «Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга Аллоҳнинг элчисиман» деганимда сизлар: «Ёлғон айтдинг», дедингиз, фақат Абу Бакр: «Рост айтдингиз», деди»*⁽⁴⁰⁾ (Имом Бухорий ривояти).

40 Ҳадис бир неча улкан маъноларни ўз ичига олган. Жумладан, Исломни илк даврларида қабул қилган, унга ёрдам берган ва жиҳод қилган кишиларнинг кейинроқ

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ҳолид ибн Валид билан Абдуррахмон ибн Авф ўртасида гап қочди. Шунда Ҳолид Абдуррахмонга: «Нима, биздан аввал мусулмон бўлганингиз туфайли бизга катталик қилаяпсизларми энди?!», деди. Бу гап Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қулоқларига етиб боргач, у зот: *«Асҳобларимни тинч қўйинглар! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Уҳудча ёки тоғларча тилла инфоқ қилсангиз-да, уларнинг амалларига етолмайсизлар»*, дедилар»⁽⁴¹⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1923).

Рифоа ибн Рофеъ аз-Зурақий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, — у Бадр жанги иштирокчиларидан эди — : Жибрил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Бадр аҳлини ким деб биласизлар?», деб сўрадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Биз уларни мусулмонларнинг энг афзал кишиларидан санаймиз»*, деб жавоб бердилар. «Бадрда иштирок этган фаришталар ҳам худди шундайдир», дедилар Жибрил алайҳиссалом (Имом Бухорий ривояти).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло Бадр аҳлини билгандирки: «Истаган ишингизни қилаверинг, сизларга жаннат вожиб бўлди ёки сизларни кечирдим», деган бўлса»* (Муттафақун алайҳ).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Ҳотибнинг қули Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига

Исломни қабул қилган кишилардан афзал эканликлари маълум бўлади. Ҳазрат Умар қандай улуг зот бўлганликлари ҳаммамизга маълум. Шундай бўлса-да, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ва бошқа саҳобаларга хитобан: *«Биродаримни тинч қўясизларми, йўқми?!»*, дедилар. Сабаби, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху у зотни тасдиқлаш, у зотга кўмак ва ёрдам кўрсатишда биринчилардан бўлгандилар.

- 41 Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳолид разияллоҳу анҳуни: *«Ҳолид Аллоҳнинг қиличларидан бир қиличдир, у қавмнинг энг яхши йигити!»* деб мақтаганлар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1826). Шундай бўлса-да, у билан Абдуррахмон ибн Авф ўртасида келишмовчилик чиққанда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳолидга эътироз билдирдилар, унга ва у каби Исломни Абдуррахмон ибн Авфдан кейин қабул қилган кишиларга: *«Асҳобларимни тинч қўйинглар! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Уҳудча ёки тоғларча тилла инфоқ қилсангиз-да, уларнинг амалларига етолмайсизлар»*, дедилар.

Саҳобаларнинг сўзларини олиш ва далил қилишда ҳам шу нарсага эътибор қаратиш, Исломни илгари қабул қилган саҳобаларнинг сўзларини, тушунча ва ижтиҳодларини кейинги саҳобаларникидан муқаддам қўйиш лозим. Исломга аввал кирган саҳобанинг фикр ва ижтиҳодини бошқаларникидан кўра кўпроқ риоя қилиш ихтилоф ўринларида эътиборга молик омиллардан саналади.

Ҳотиб устидан шикоят қилиб келди ва: «Ё Расулуллоҳ, Ҳотиб албатта дўзахга равона бўлади», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бекор айтибсан, у дўзахга тушмайди, чунки Бадрда ва Худайбияда иштирок этган*», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бадр ва Худайбияда ҳозир бўлган киши асло дўзахга тушмайди*»⁽⁴²⁾ (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2160).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Умму Мубашширнинг менга хабар беришича, у Ҳафсанинг олдида эканида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Иншоаллоҳ, дарахт остида байъат қилган кишилардан биронтаси дўзахга тушмайди*», дедилар. Шунда Ҳафса: «Йўқ, ё Расулуллоҳ», деган эди, у зот уни силтаб ташладилар. Ҳафса: «Аллоҳ таоло: **«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир»** (Марям: 71) деган-ку», деган эди, у зот: «*Кейин Аллоҳ таоло: «Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз»*, (Марям: 72) деган», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Худайбияда 1400 киши иштирок этган эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «*Сизлар бугун ер юзининг энг яхши кишиларисиз*», дегандилар» (Муттафақун алайҳ).

❖ **Муҳожирлар разияллоҳу анҳумнинг фазилатлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида**⁽⁴³⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«(У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар — камбағал муҳожирларникидирки, улар Ал-

42 Бу ва бошқа ҳадислардан маълум бўладикки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жаннат билан хушхабар берилган саҳобалари сони юзларчадир, айримлар ўйлаганидек фақат ўнтагина эмас!

43 Аслида, муҳожирлар, шунингдек ансорлар саҳобаларнинг аслини ташкил қилдилар, саҳобаларнинг фазилатларини баён қилувчи ҳар қандай оят ёки ҳадисдан

лоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истайдилар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берадилар. Ана ўшалар (иймонларида) содиқ зотлардир»⁽⁴⁴⁾ (Ҳашр: 8).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Умматимдан жаннатга биринчи бўлиб кирадиган жамоа кимлигини биласизми?»*, деб сўрадилар. Мен: *«Аллоҳ ва Расули билувчироқ»*, деб жавоб бердим. *«Улар муҳожирлар, қиёмат кунини жаннат эшиги олдига келиб, уни очишни сўрайдилар. Жаннат посбонлари: «Сизлар ҳисоб-китоб қилиниб бўлдингизми?!», деб сўрайдилар. Улар: «Биз нима билан ҳисоб қилинамиз?! Аллоҳ йўлида қиличларимиз елкаларимиздан тушмаган ва шу ҳолда вафот этган бўлсак?!», дейишади. Шундан сўнг уларга эшик очилади ва улар у ерда бошқалар кириб келгунига қадар 40 йил дам олиб турадилар»*, дедилар (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 853).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Жаннатга биринчи бўлиб кирадиган жамоа — машаққатлар пайтида бошқалар уларнинг панашига ўтадиган, буюрилган буйруққа қулоқ тутиб, итоат қиладиган, улардан бир кишининг султонга ҳождати бўлса, ўша ҳождати то у вафот этиб кетгунича ҳам адо этилмайдиган камбағал муҳожирлардир»* (Ҳоким «Мустадрок»да (2/72) келтирган ва иснодини саҳиҳ санаган, Заҳабий унга қўшилган).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат кунини муҳожирларнинг олтидан ясалган минбарлари бўлиб, қўрқувдан тўла омонликда бўлган ҳолларида улар устида ўтирадилар»⁽⁴⁵⁾* (Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3584).

биринчи навбатда улар кўзда тутилган бўлади. Лекин, уларга ёки уларнинг айрим-ларига хос бўлган наслар ворид бўлгани учун биз ҳам уларни алоҳида боб ва сарлавҳалар остида келтиришни лозим кўрдик. Бу нарсани «Саҳиҳайн» ва бошқа ҳадис тўпламларида ҳам кўриш мумкин.

44 Кимда-ким рофизийлар айтаётганидек: «Улар ёлғончи ёки золим ёки кофир» деб айтса, кофир бўлиб, Ислом миллатидан чиқади. Чунки, бу сўзи билан у Қуръонни ёлғончи қилган, Аллоҳ таолонинг муҳожир саҳобаларни содиқлар деб берган гувоҳлигини рад қилган бўлади.

45 Қўрқувдан омонликда бўлишлари қиёмат кундаги барча даҳшат ва ваҳшатли ҳолатлардан омонликда бўлишларига шомилдир.



Ансорлар разияллоху анхумнинг фазилатлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида

Аллоҳ таоло айтди:

«Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суядилар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарс-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймайдилар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қиладилар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўшалар нажот топувчи зотлардир» (Ҳашр: 9).

«Ҳақиқатан Аллоҳ пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳнинг диллари (ғазотдаги машаққат ва ташналик сабабли) тойилаёзганидан кейин оғир соатда унга (яъни, пайғамбарга) эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини (Аллоҳ) қабул қилди. Албатта, У зот мўминларга марҳаматли, меҳрибондир»⁽⁴⁶⁾ (Тавба: 117).

46 Оятда айtilган оғир соатдан мурод — Табук ғазоти бўлиб, унда барча оғирликлар: от-улов етишмаслиги (уч кишига битта туя тўғри келган), озиқ-овқат танқислиги, сувсизлик машаққати жамланган эди. Ушбу ғазотда Набий соллаллоху алайҳи ва салламга ўттиз минг асҳоби ҳамроҳ бўлганди. Ибн Касир тафсирида айтади: «Му-жоҳид ва бошқалар айтишича, бу оят Табук ғазоти ҳақида нозил бўлган. Улар бу ғазотга ғоят қийин ва машаққатли пайтда, қурғоқчилик йилида, жазирама иссиқ, озиқ-овқат ва сув танқислиги ҳолатида чиқишган эди. Қатода айтади: Улар Табук жанги йилида ғоят оғир машаққат ичида, жазирама алангаси остида Шомга йўл олишган, жуда қаттиқ қийинчиликларга дучор бўлишганди. Айтишларича, икки киши битта хурмони бўлиб ейишган, айримлар эса битта хурмони қўлма-қўл қилишиб, биттаси уни шимиб, устидан сув ичар, кейин иккинчиси шимиб, устидан сув ичар эканлар».

«Улардан бир гуруҳнинг диллари тойилаёзганидан кейин» нинг маъноси, ушбу ғазотда бошларига тушган машаққатларнинг оғирлиги сабабли баъзилари Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ёнларида жанг қилишни ташлаб, қайтиб кетиш фикрига тушиб қолгандилар, кўнгиллари роҳат-истироҳатга мойил бўлганди. Лекин, Аллоҳ таоло уларни собитқадам қилди, куч-қувват ато этди, ўта оғир ва мисли кўрилмаган даражадаги машаққатли ушбу ғазотда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнларида туриш ва юришни давом эттиришга муваффақ қилди. Айримларининг дилларида мазкур оғир шароитлар остида пайдо бўлган бу тойилиш кўнгилдаги туйғу бўйича қолиб, амалга ошишга етиб бормади. Аллоҳ таоло Ўзининг фазлу марҳамати билан уларни саботли қилди ва тавбаларини мақбул айлади.

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ансорларни фақат мўмин кишигина яхши кўради, уларни фақат мунофиқ кимсагина ёмон кўради. Ким уларни яхши кўрса, Аллоҳ уни яхши кўради, ким уларни ёмон кўрса, Аллоҳ уни ёмон кўради»* (Муттафақун алайҳ).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ансорларни яхши кўриш иймон аломати, ансорларни ёмон кўриш мунофиқлик аломатидир»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга ва охират кунига иймони бўлган одам ансорларни ёмон кўрмайди»*⁽⁴⁷⁾ (Имом Муслим ривояти).

Ҳорис ибн Зиёд ас-Соидий ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, қай бир киши то Аллоҳ таборака ва таолога йўлиққунига қадар ансорларни яхши кўрса, Аллоҳ таборака ва таолога Унинг муҳаббатига эришган ҳолда йўлиқади. Қай бир киши то Аллоҳ таборака ва таолога йўлиққунига қадар ансорларни ёмон кўрса, Аллоҳ таборака ва таолога Унинг ғазабига дучор бўлган ҳолда йўлиқади»* (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1672).

Бағавий тафсирида айтади: «Ибн Аббос айтадики, Аллоҳ таоло кимнинг тавбасини мақбул айлаган бўлса, уни асло азобламайди».

Юқоридаги оятдан олинadиган шохид (ушбу мавзуга алоқадор ўрни) шуки, ушбу ғазот энг кўп сонли саҳобалар қатнашган ғазот бўлиб, уларнинг саноғи ўттиз мингдан ортиқ эди. Ана шунча саҳобанинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг: **«Ҳақиқатан Аллоҳ пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди...»** ояти остига дохилдирлар, Парвардигори олам кимнинг тавбасини қабул қилган бўлса, уни асло азобга гирифтор қилмайди ва борар жойи жаннат бўлади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Саҳобаи киромнинг душманлари бўлган бадбахт рофизийлар мазкур ояти каримага нима дейишаркин, уни қандай қилиб таҳриф ва таъвил қилишаркин?!

- 47 Ҳадисда айтилган иймондан ажралиш ҳақидаги гапдан мурод мутлақ иймондан ажралиш бўлиб, ансорларни ёмон кўрган одам уларни диндаги мустаҳкамликлари, Аллоҳнинг динига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нусрат (ёрдам) беришлари сабабли ёмон кўради. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, бундай одамнинг кофирлиги, мунофиқлиги ва диндан чиққан эканига шак-шубҳа йўқдир. Нифоқ ҳақида айтилган гап ҳам айни шундай, ўз эгасини диндан чиқарувчи катта нифоқ ҳақида айтилгандир.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам никоҳ тўйидан келаётган ёш болалар ва аёлларни кўриб, ўринларидан турдилар ва: *«Аллоҳ ҳаққи, сизлар — яъни ансорлар — менга энг суюмли одамларсиз, Аллоҳ ҳаққи, сизлар менга энг суюмли одамларсиз»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Хандақ жанги куни ансорлар айтардилар:

Муҳаммадга бердик аҳду паймонимиз

Жиҳод учун то борки танда жонимиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга жавобан дердилар:

Худоё, чин ҳаёт фақат охират

Муҳожир, ансорни этгайсан иззат. (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир аёл ансорлардан икки хонадон ўрта-сига тушадими ёки ота-онаси бағригами, у учун зарарсиз (яъни фарқсиз) дир»*⁽⁴⁸⁾ (Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3434).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Бакр ва Аббос разияллоҳу анҳумо ансорлардан бир жамоаси ёнидан ўтдилар, улар йиғлашарди. (Аббос) улардан йиғилари сабабини сўраганида: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз билан бирга ўтиришлари эсимизга тушди»*, дейишди. Шунда у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб, бу ҳақда у зотга хабар берди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (оғриқдан) бошларини боғлаб олган ҳолда чиқиб келдилар ва минбарга кўтарилдилар, бу у зотнинг охириги бор минбарга кўтарилишлари эди. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг дедилар: *«Сизларни ансорларга яхшилик қилишга васият қиламан, чунки улар менинг энг яқин ва сирдош кишиларимдир. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларини адо этдилар, энди олади-ган ҳақ-ҳуқуқлари қолди. Шундай экан, уларнинг яхшилик қилувчиларидан*

48 Ҳадисда ансорлар эга бўлган улкан омонатдорлик сифатига очиқ ишора бор. Яъни, аёл киши ўз ота-онаси бағрида қандай хотиржам ва хавф-хатардан холи бўлса, ансорлар маҳалласига келиб тушганда ва ансорлар ичида ҳам худди шундай омонликда бўлади, ўзини худди ўз уйи ва ота-онаси бағридагидек ҳис қилади.

(яхшиликларини) қабул қилиб, ёмонлик қилувчиларини (нг ёмонликларини) кечиринглар»⁽⁴⁹⁾ (Имом Бухорий ривояти).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ансорлар менинг хос ва сирдош кишиларимдир. Одамлар кўпайиб борадилар, улар эса камайиб боришади. Сизлар уларнинг яхшисидан (яхшилигини) қабул қилиб, ёмонидан (хатоларини) кечиринглар»*⁽⁵⁰⁾ (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамлар кўпаядилар, ансорлар эса камаядилар, ҳатто таомнинг тузига ўхшаб қоладилар. Кимки, бировга фойда ёки зарар етказа оладиган бирон ишга волий (раҳбар) бўлса, уларнинг (яъни, ансорларнинг) яхшиларидан (яхшилигини) қабул қилсин ва ёмонларидан (ёмонлигини) кечирсин!»*, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар ансорлар бир водий ёки дарани йўл тутсалар, мен албатта ансорлар водийсини йўл тутган бўлардим. Агар ҳижрат бўлмасайди, албатта ансорлардан бири бўлган бўлардим»* (Имом Бухорий ривояти).

49 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз билан бирга ўтиришлари эсимизга тушди» дейиш билан улар у зотнинг оғир бетоб эканларини ва вафот этиб кетгудек бўлсалар у зот билан бирга ўтириш ва у зот тарафларидан ўзларига бўлган фазлу марҳамат ва меҳрибонликлардан айрилиб қолишларини, у зотдан сўнг уларнинг фазлини билмайдиган ва қадрларига етмайдиган бирон киши келиб қолишидан кўрқишларини кўзда тутгандилар. Ушбу маънони бошқа бир саҳиҳ ривоят изоҳлаб берадики: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб: «Ансорлар эркагу аёллари масжидда йиғлаб ўтиришибди» дейилди. «Нега йиғлашади?», деб сўрадилар у зот. «Сизнинг вафот этишингиздан кўрқиб» дейишди...».

«Улар ўз зиммаларидаги вазифаларини адо этдилар, энди оладиган ҳақ-ҳуқуқлари қолди» деган сўзлари маъноси шуки, улар ўз зиммаларига лозим бўлган нусрат, жиҳод ва фидокорликни адо этдилар, энди сизларнинг зиммангизда уларга нисбатан шукрларини адо этиш ва фазлларини билиш каби ҳақлари қолди. Уларнинг яхшиларидан яхшиликларини қабул қилиб, ёмонларидан ёмонликларини кечириш уларнинг аввалда қилган яхшиликларига яхшилик билан жавоб бериш жумласига киради. Ҳадис йўлланмасига кўра, аввалда Аллоҳ йўлидаги жиҳод ва ва синов-имтиҳонлардан ўтган кишининг хатоларини тушунишга уриниш ва имкон қадар уларни кечириш керак бўлади.

50 Ансорлар камайиб боришади, деган сўзларининг маъноси шуки, асосан улар жиҳод, фидокорлик ва шаҳидлик эгалари бўлишади, хатарлар кучайган оғир дамларда улар энг олдинги сафларда бўлиб, бошқалар уларнинг панасига ўтишади. Бундай ҳолдаги кишилар — Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин — шубҳасиз, камайиб борадилар.

Абу Қатода разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбар узра ансорларга шундай деганларини эшитганман: «Огоҳ бўлингиз, бошқа одамлар менинг ташиқи кийимим бўлса, ансорлар ички кийимим (яъни энг яқин ва хос кишиларим) дир. Агар одамлар бир водийни йўл тутсалар ва ансорлар бир дарани йўл тутишса, мен албатта ансорларнинг дарасига юрган бўлардим. Агар ҳижрат бўлмасайди, албатта ансорлардан бири бўлардим. Кимки ансорларнинг ишига волий бўлса, уларнинг яшиларидан қабул қилиб, ёмонларини кечирсин. Ким уларни хафа қилса, мана бу иккиси ўртасидагини хафа қилган бўлади», деб ўзларига ишора қилдилар. (Ҳоким ва Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 917).

Анас ибн Молик разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга чиқиб, дедилар: «Огоҳ бўлингиз, ҳар бир кишининг ортида қоладиган мероси ва яқинлари бўлади, менинг меросим ва хос кишиларим ансорлардир, улар хусусида менинг ҳаққимни сақланглар!»⁽⁵¹⁾ (Табароний «Ал-муъжам ул-авсат»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3560).

Зайд ибн Арқам разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй Парвардигор! Ансорларни, ансорларнинг фарзандларини, ансорлар фарзандларининг фарзандларини Ўзинг мағфират этгин!» (Имом Муслим ривояти).

Анас разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй Парвардигор! Ансорларни, ансорларнинг фарзандларини, ансорлар фарзандларининг фарзандларини, ансорларнинг аёлларини Ўзинг мағфират эт!» (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 3058).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Иситма Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб: «Мени ўзингизга энг яқин бўлган аҳлингизга юборинг», деганида у зот уни ансорларга юбордилар. Иситма олти кеча-кундуз ансорлар ичида қолиб, уларни анча кийнаб қўйди. Шунда у зот уларни кўргани бордилар, улар иситмадан шикоят қилишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳовлима-ҳовли, уйма-уй юриб уларга офият сўраб дуо қилдилар. Ортларига қайтаёт-

51 «Улар хусусида менинг ҳаққимни сақланглар», деган сўзларидан мурод, ансорларнинг устингизда бўлган ҳақларига риоя қилиш ва уларнинг ҳақларини адо қилиш билан менинг сизларнинг устингизда бўлган ҳақларимни сақланглар, ким ансорларнинг ҳаққини зое қилса, менинг ҳақларимни зое қилган бўлади, деганидир.

ганларида бир аёл у зотнинг орқаларидан эргашиб: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен ҳам ансорларданман, менинг отам ҳам ансорлардан, менга ҳам ансорларга дуо қилганингиздек дуо қилинг», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Истасанг, Аллоҳдан сенга офият беришини сўраб дуо қиламан, истасанг, сабр қилиб жаннатга кирасан»*, дедилар. Аёл: *«Йўқ, сабр қиламан, жаннатни гаровга қўёлмайман»*, деди⁽⁵²⁾ (Саҳиҳул адабил муфрад: 387).

52 Одатда, биров бировга эҳтиёжи тушиб турган пайтда унга ёқимли бўлган ном ва унвони билан, унинг кўнглини эритадиган сўзлар билан хитоб қилиб, кейин ўз ҳолатини баён қилади. Ушбу ансория аёл ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ансорларни қадрлашларини, ансорларга нисбатан у зотнинг кўнгилларида бўлган меҳр-муҳаббатни яхши билгани боис у зотдан дуо сўрашдан аввал ўзининг ансорлардан эканини, отаси ҳам ансорлардан эканини айтиш орқали у зотнинг илтифотларига сазовор бўлиш ва диққатларини тортишни қасд қилди.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам унинг сўровини ижобат қилиб, икки яхшиликдан бирини танлашни таклиф қилдилар.

«Йўқ, сабр қиламан, жаннатни гаровга қўёлмайман» нинг маъноси:

Ўзимни хатарга қўйиб жаннатни гаровга қўймайман. Мен билмайманки, агар сиздан тузалиб кетишимни дуо қилишингизни сўрасам, тузалиб кетсам кейин жаннат аҳлидан бўламанми ёки йўқ. Яхшиси сабр қилишим билан ваъда қилинган нақд жаннатни кафолатлайман.

«Мени ўзингизга энг яқин бўлган аҳлингизга юборинг» дегани — хос ва суюкли кишиларингизга юборинг, деган маънодадир. Чунки, иситма ажр умидида унга сабр қилган кишининг гуноҳларини худди темирчининг босқони темирнинг зангини тозалаганидек тозалаб, ювиб кетадиган синов-имтиҳондир. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда келганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уммул Мусайябнинг олдида кириб: *«Нима бўлди сизга эй Уммул Мусайяб, титраяписиз?»*, деганларида у: *«Қуриб кетгур иситманинг дастидан»*, деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Иситмани сўкманг, у одамзотнинг хато ва гуноҳларини худди босқон темирнинг зангини кетказганидек кетказди»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Тўрт хулафои рошидин — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоҳу анҳумнинг фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида

❖ Абу Бакр Сиддиқ⁽⁵³⁾ — Абдуллоҳ ибн Усмон разияллоҳу анҳунинг фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида айтилган баъзи сўзлар

Аллоҳ таоло айтди:

«**Агар сизлар унга** (яъни, пайғамбарга) **ёрдам қилмасангиз** (Аллоҳнинг Ўзи унга ёрдам қилур). **Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида** (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) **ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер экан, Аллоҳ унга хотиржамлик туширди»** (Тавба: 40).

Абу Бакр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ғорда эканмиз, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Улардан биронтаси оёқлари остига қараса (эгилса), бизни албатта кўради», дедим. Шунда у зот: «*Учинчилари Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима гумондасиз, эй Абу Бакр?!*», дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрга: «*Сиз менинг ҳавз (кавсар)даги ҳамроҳим ва ғордаги ҳамроҳимсиз*», дедилар⁽⁵⁴⁾ (Термизий ривоят қилиб: «Ҳасан, ғариб, саҳиҳ ҳадис», деган).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Албатта, одамлар ичида Абу Бакрдан кўра менга ўзининг суҳбати ва молида марҳаматлироқ бўлган бирон киши йўқдир. Агар Раббимдан бошқа бировни халил қилганимда*

53 Бу киши Қурайш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи қилиб турган даврда у зотнинг ҳар бир сўзларини рост деб, тасдиқлаганликлари ва унга сидқидил иймон келтирганликлари сабабли «Сиддиқ» лақабини олганлар, дўзахдан озод этилганликларидан «Атиқ» (озод этилган) деб аталганлар.

54 Яъни, сиз менга ғорда ҳамроҳ бўлганингиз каби қиёмат куни ҳавз устида ҳам ҳамроҳим бўласиз, деган маънодадир.

эди, албатта Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Лекин Ислоҳ дўст-биродарлиги кифоядир. Ушбу масжиддаги Абу Бакрнинг дарчасидан бошқа барча дарчаларни беркитиб ташилансин!» (Муттафақун алайх).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар умматим ичидан бирон кишини халил қилсайдим, албатта Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Лекин, у биродарим ва соҳибимдир» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирон кишини халил қилмоқчи бўлсам, албатта Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Лекин, у дўстим ва соҳибимдир. Аллоҳ таоло сизларнинг соҳибингизни (яъни каминани) Ўзига халил қилган», дедилар⁽⁵⁵⁾ (Имом Муслим ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бизга бирон кишининг моли Абу Бакрнинг моли етказганча манфаат етказмаган» (Ибн Роҳавайх «Муснад»да ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2717).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Менга Абу Бакрдан кўра марҳа-

55 Халиллик — муҳаббатнинг энг олий ва комил даражасидир. Ушбу ҳадисда паст даражадаги киши ўзидан юқорида бўлган кишини халил — суюкли дўст аташи жоизлиги кўринади. Ваҳоланки, юқори даражали киши ўзидан пастдагини халил аташи мумкин эмас, фақат нас (оят ё ҳадис) билан собит бўлган бўлса дуруст, Аллоҳ таоло Иброҳим ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламларни халил қилганидек. Бинобарин, киши: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам халилим» дейиши жоиз, бироқ: «Мен Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халилиман» дейиши жоиз эмас. Саҳобаларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламини халил тутишлари собит бўлган, бироқ Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобаларини ва улардан бошқа мўминларни халил қилишлари собит бўлмаган, балки фақат саҳобалик, муҳаббат ва дўст-биродарлик собит бўлган.

Замондош хатиблардан айримлари тилида кенг тарқалган хато иборалардан бири шуки, хутба ичида намозхонларга: «Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламининг аҳбоби (яъни, у зотнинг муҳаббатларига сазовор бўлганлар)», деб хитоб қилади, ваҳоланки масжидда ўтирган кишилар ичида фақат жумъа намозига келиб, ундан бошқа намозни ўқимайдиган кишилар ҳам бўлади. Бу сўзи билан у гўёки ғайбни билганлик, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламининг уни ва унинг олдидаги намозхонларни яхши кўришларини билганлик даъвосини қилган бўлади. Маълум бир кишиларга муҳаббатнинг бу турини кафолатлаш уларга жаннатни кафолатлашдек бўлиб қолади. Бундай қилиш эса жоиз эмас. Чунки, бу ўзи билмаган нарсани гапириш бўлади.

мати улуғроқ киши йўқдир, у жонию молини менга бахш этди, қизини менга никоҳлаб берди» (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 2214).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши бизга марҳамат қилган бўлса, биз албатта уни мукофотладик, ёлғиз Абу Бакр бундан мустасно. Зеро, у бизга қиёмат куни Аллоҳнинг Ўзи мукофотини берадиган марҳаматлар қилди. Менга бирон кишининг моли Абу Бакрнинг молича манфаат етказолгани йўқ. Агар бирон кишини халил қилмоқчи бўлсам, албатта Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Огоҳ бўлингиз, сизларнинг соҳибингиз (яъни камина) Аллоҳнинг халилидир»*⁽⁵⁶⁾ (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2894).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб келган Абу Бакрга хитобан: *«Сиз Аллоҳнинг дўзахдан атиқи-озод бандасисиз»*, дедилар, шу кундан эътиборан у «Атиқ» (озод) деб номланди (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2905).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа қилишга буюрдилар, бу меининг олдимда бир қанча мол бор пайтга тўғри келди. Шунда мен: «Бирон кун бўлсин Абу Бакрдан ўзиб кетолмаган бўлсамда, шу бугун ўзиб кетаман», дедим-да, молимнинг ярмини олиб келдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аҳли-оилангизга бирон нарс қолдирдингизми?»* деб сўрагандилар: «Яна шунча мол қолдирдим», дедим. Абу Бакр эса бор молини олиб келибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«Эй Абу Бакр, аҳли-оилангизга нима қолдирдингиз?»*, дегандилар, у: «Уларга Аллоҳ ва Расулини қолдирдим», деб жавоб берди. Шунда мен: «Ундан ҳеч қачон ўзиб кетолмас эканман», дедим (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2902).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ичларингизда ким бугун рўза тутди?»*, деб сўрадилар. Абу Бакр: «Мен», дедилар. *«Ичларингизда ким бугун жанозада*

56 Эҳтиёж, машаққат ва йўқчилик пайтларида озгина нарсани Аллоҳ йўлида сарф қилиш — ажр жиҳатидан — мўл-кўлчилик, кенгчилик ва эҳтиёжсизлик ҳолатида катта-катта бойликлар сарф қилишдан ортиқ бўлса бўладик, кам бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Бир дирҳам юз минг дирҳамдан ўзиб кетди»* (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий: 2367) деган сўзлари маъноси шундай пайтда тушунарли бўлади.

қатнашди?», деб сўрадилар. Абу Бакр: «Мен», дедилар. «Ичларингизда ким бугун бир мискинни тўйдирди?», деб сўрадилар. Абу Бакр: «Мен», дедилар. «Ичларингизда ким бугун бир беморни бориб кўрди?», деб сўрадилар. Абу Бакр: «Мен», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ушбу ишлар қай бир кишида жамланса, у албатта жаннатга киради», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Жубайр ибн Мутъим разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аёл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, бир хусусда сўзлашди. У зот унга яна қайта келишини тайинладилар. Шунда у: «Ё Расулуллоҳ, агар келсам-у, сизни топмасам-чи?», деб, гўё у зотнинг вафотларига ишора қилган эди: «Агар мени топмасанг, Абу Бакрга бор», дедилар⁽⁵⁷⁾ (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам касалликларида: «Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқисин», дедилар. Шунда мен: «Абу Бакр агар сизнинг ўрнингизда турса, йиғидан одамларга (қироатни) эшиттиролмайди. Умарга буюринг, у имом бўлиб ўқиб берсин», дедим. У зот яна: «Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқисин», дедилар. Ҳафсага ҳам: «Абу Бакр агар сизнинг ўрнингизда турса, йиғидан одамларга (қироатни) эшиттиролмайди. Умарга буюринг, у имом бўлиб ўқиб берсин» деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтинг», дедим. Ҳафса мен айтган гапни айтган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сиз аёллар Юсуф (қиссасидаги) аёлларнинг нақд ўзисиз. Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқисин», дедилар. Шунда Ҳафса Оишага: «Сиздан ҳеч яхшилик кўрмас эканман-да», деди⁽⁵⁸⁾ (Муттафақун алайҳ).

57 Аёлни у зот вафотларидан кейин бирон ҳожати бўлса Абу Бакр ҳузурига боришга буюришлари, шунингдек ўзларидан сўнг одамларга Абу Бакр — бошқаси эмас — имом бўлиб намоз ўқиб беришига буюришлари Абу Бакр разияллоҳу анҳуни ўзларидан кейин халифаликка ихтиёр қилганлари белгиси эди. Зотан, намоз динимизда тавҳиддан кейинги энг катта руқн саналади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга динлари устида халифа қилиб танлаган киши уларнинг дунё ишларида халифа қилинишга албатта лойиқроқ эди. Ушбу маъно куйироқда яна-да очикроқ иборалар билан ифода этилади.

58 Оиша разияллоҳу анҳони оталари Абу Бакр разияллоҳу анҳу учун узр баён қилишга ундаган сабаблардан бири — у кишининг йиғилари тезлигидан орқадагиларга қироатни эшиттиролмай қолишлари мумкинлигидан ташқари, оталаридан ҳараж ва ноқулайликни кўтаришни ҳам истаган эдилар. Чунки, саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-

Абдуллоҳ ибн Замъа разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам оғирлашиб қолган кунлардан бири мен бир неча мусулмонлар билан у кишининг олдиларида эдик, Биллол у зотни намозга чақириб келиб қолди. Шунда у зот: *«Бирон кишига айтинглар, имом бўлиб намоз ўқисин»*, дедилар. Шунда чиқиб қарасам одамлар ичида Умар бор экан, Абу Бакр кўринмади. Мен: *«Эй Умар, туринг, сиз имомликка ўтинг»*, дедим. Умар олдинга ўтиб, намоз бошлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унинг овозини эшитгач — Умар баланд овозли киши эди — : *«Абу Бакр қани?! Бунга Аллоҳ ҳам, мусулмонлар ҳам рози бўлмайди, бунга Аллоҳ ҳам, мусулмонлар ҳам рози бўлмайди!»*, деб хитоб қилдилар. Сўнг Абу Бакрга одам юбордилар, у Умар ҳалиги намозини ўқиб бўлганидан сўнг етиб келиб, (қайтадан) одамларга имом бўлиб намоз ўқиди⁽⁵⁹⁾ (Саҳиҳ сунаан Абу Довуд: 3895).

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Умарнинг овозини эшитгач, бошларини ҳужраларидан чиқардилар ва ғазаб билан: *«Йўқ, йўқ, йўқ! Одамларга Ибн Аби Қуҳофа имом бўлиб намоз ўқисин!»*, дедилар» (Саҳиҳ сунаан Абу Довуд: 3896).

Оиша разияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бетобликларида менга: *«Отанг Абу Бакрни ва акангни менга чақир, бир хат ёзиб берай, чунки бирон киши умидвор бўлиб қолишидан ва кимдир: «Мен лойиқроқман» деб қолишидан қўрқаяпман. Аллоҳ ва мўминлар Абу Бакрдан бошқасига рози бўлмайдилар»*, дегандилар (Имом Муслим ривояти).

ламдан бошқа бирон киши ортида намоз ўқишга одатланмагандилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан бошқа бировни у кишининг ўринларида кўриш ҳамма учун жуда оғир ҳолат эди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам охириг бетоблик кунларида баъзан Абу Бакрнинг ёнларида, у киши одамларга имом бўлган ҳолларида намоз ўқиган, Абу Бакр орқага тисарилмоқчи бўлганларида у зот: *«Жойингиздан қимирламанг»* ишорасини қилган, бу билан ўзларидан кейин Абу Бакр разияллоху анхунинг имом бўлишига қарор қилганликларини, саҳобалари ҳам у зотдан кейин ўринларида бошқа имомни кўришга одатланишлари ва уни имом-раҳбар сифатида қабул қилишлари лозимлигига ишора қилган эдилар.

- 59 Абу Бакр имом бўлмаганлари сабабли саҳобалар намозни яна қайта ўқишлари аввалги намознинг бекор бўлганига далолат қилади. Чунки, фарз намози икки қайта ўқилмайди. Яна бу Абу Бакр разияллоху анхунинг намозга хос бўлган имоматда ҳам, одамларга раҳбар бўлиш маъносидаги имоматда ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг халифалари бўлишларига яққол далолат қиларди.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғирлашиб қолгач, Абдуррахмон ибн Аби Бакрга: *«Менга бир куракми, лавҳ(тахтача)ми келтиринг, Абу Бакр учун тортишувга ўрин қолдирмайдиган бир битик битиб берай»*, дедилар. Абдуррахмон ўрнидан турмоқчи бўлаётганида у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Абу Бакр! Аллоҳ ва мўминлар сизнинг устингизда ихтилоф қилинишига рози бўлмайдилар»*, дедилар⁽⁶⁰⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 690).

Умар разияллоҳу анҳу Абу Бакр разияллоҳу анҳуга: *«Йўқ, балки сизга байъат берамиз. Зотан, сиз бизнинг саййидимиз, энг яхшимиз ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг суюмли бўлган кишимизсиз»*, дегандилар (Имом Бухорий ривояти).

Умар ибн Хаттоб ал-Форук разияллоҳу анҳунинг фазилат ва ҳақ-хуқуқлари хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Парвардигор, мана бу икки кишидан — Абу Жаҳл ёки Умар ибн Хаттобдан — қайси бири Ўзингга суюмлироқ бўлса, Исломни у билан азиз қилгин»* деганларида улардан Аллоҳга суюмлироғи Умар бўлиб чиққандилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2907).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Парвардигор, Исломни хоссатан Умар ибн Хаттоб билан азиз қилгин»*, деб дуо қилдилар (Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3225).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Умар Исломга кирганидан бошлаб биз доим азиз бўлдик»* (Бухорий ривояти).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар мендан кейин пайғамбар бўлганда, Умар ибн Хаттоб бўларди»*⁽⁶¹⁾ (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2909).

60 Имомат ва халифалик мавзусига алоқадор бўлган бу ва бундан олдинги ҳадислардан келиб чиқиб, айта оламизки, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг халифаликлари насс (очиқ шаръий далил) билан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аниқ-ошкор амрлари билан бўлган, баъзилар айтишгани каби ишора йўли билан эмас!

61 Бироқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бошқа пайғамбар келмайдди. Кимда-ким у зотдан кейин пайғамбарлик даъво қилса ёки шундай даъво қилган

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло ҳақни Умарнинг тилида ва қалбида қилиб қўйган». Ибн Умар айтади: «Қачон одамларда бир муаммоли иш юзага келиб, унда ўз фикрларини баён қилишган ва Умар ҳам ўз фикрини айтган бўлса, Умарнинг сўзларига мувофиқ Куръон ояти нозил бўлган» (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2908).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Умар дедилар: «Аллоҳга 3 насада мувофиқ келдим ёки Раббим менга 3 насада мувофиқ бўлди: «Ё Расулуллоҳ, Мақоми Иброҳимни намозгоҳ қилиб олсак эди», дедим, шунда **«Мақоми Иброҳимни намозгоҳ қилиб олинглар»** (Бақара: 125) ояти нозил бўлди. «Ё Расулуллоҳ, ҳузурингизга яхши ҳам, ёмон ҳам киради, аёлларингизга ҳижобланишларини буюрсангиз эди», дедим, шунда ҳижоб ояти нозил бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари рашк қилиб у зотга қарши бирикишганда мен уларга: «Ё бу ишдан тийиласизлар, ё эса Аллоҳ ўз Расулига албатта сизлардан кўра яхшироқ жуфтларни алмаштириб беради» дедим, улардан бирларига борганимда ҳатто у: «Эй Умар, аёлларига Расулуллоҳнинг ўзлари насихат қилолмайдилармики, сиз уларга насихат қиласиз?!» деди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло: **«Эҳтимол Парвардигори — агар у сизларни талоқ қилса — унга сизлардан яхшироқ жуфтларни муслима, мўмина (Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига) итоат этувчи тавба-тазарру қилувчи, обида, рўзадор жувон ва қизларни алмаштириб берар»** (Таҳрим: 5) оятини нозил қилди» (Муттафақун алайҳ).

Бир ривоятда: «Агар у сизларни талоқ қилса, шоядки, Парвардигори унга сизлардан кўра яхшироқ жуфтларни алмаштириб берар» деган эдим, ушбу оят⁽⁶²⁾ нозил бўлди»⁽⁶³⁾ (Муттафақун алайҳ).

кимсани тасдиқласа, кофир бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсани ёлғон санаган бўлади.

62 «Таҳрим» сураси, 5-оят.

63 «Раббим менга уч насада мувофиқ бўлди» деган сўздан учдан ортиқ насада мувофиқ келмагани келиб чиқмайди. Чунки, у кишига бундан бошқа ишларда ҳам Аллоҳ таолонинг мувофақати нозил бўлган. Масалан, мунофиқларга жаноза намози ўқиш ва улар ҳаққига истиғфор айтиш хусусидаги фикрига мувофиқ: **«Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг!»** (Тавба: 84) ояти нозил бўлган, шунингдек унинг Бадр жангида асир тушган мушриклар хусусидаги фикрига мувофиқ Аллоҳ таоло: **«Бирон пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар), сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса охират (неъматлари**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан илгариги умматлар ичида ҳақни сўзлашга илҳомлантирилган кишилар бўлган. Агар менинг умматимда ҳам шундай одам бўлса, у Умардир»* (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг бир ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан олдин ўтган Бану Исроил ичида пайғамбар бўлмаган ҳолларида тилларига ҳақ сўз жо қилинган кишилар бўлганди. Агар менинг умматимдан ҳам шундай киши бўлса, у Умардир»* (Имом Бухорий ривояти).

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй Ибн Хаттоб, жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, қачон шайтон сизнинг йўлингиздан чиқиб қолса, албатта бошқа йўлга юриб кетади»* (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мен инсу-жин шайтонларининг Умардан қочиб кетаётганларини кўраман»* (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2914).

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ғазотдан қайтганларида қоратанли жория келиб: *«Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ сизни саломат қайтарса, олдингизда дуф (доира, чилдирма) чалиб, куйлайман деб назр қилган эдим»,* деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар назр қилган бўлсанг, майли чалақол, бўлмаса йўқ»,* дедилар. Шунда у чала бошлади. Абу Бакр кириб келган эди, чалаверди. Алий кириб келган эди, чалаверди. Кейин Усмон кириб келди, унда ҳам чалишда давом этди. Сўнг Умар кириб келган эди, чилдирмасини ерга ташлаб, устига ўтириб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Шайтон сиздан аниқ қўрқади, эй Умар! Мен ўтирганимда бу жория дуф чалишни бошлади, Абу Бакр кирганида чалишда давом этди, Алий кирганида чалишда давом этди, Усмон кирганида чалишда давом этди, сиз кирганингизда эса дуфини улоқтирди, эй Умар»,* дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2913).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Тушимда менга бир қадаҳ сут олиб келинди. Қониб ичдим, ҳатто қонишлик тирноқларимгача сизиб бораёт-*

сизларники бўлиши)ни истайди. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир» (Анфол: 67) оятини нозил қилган.

ганини кўриб турардим. Сўнг ортганини Умар ибн Хаттобга бердим». Саҳобалар: «Буни нимага таъвил қилдингиз, ё Расулуллоҳ» дейишган эди: «*Илмга*» — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Уйқуда эканимда (туш) кўрдимки, одамлар менга кўрсатилдилар. Устларида кўйлаклари бўлиб, баъзилариники кўкракларига тушган, баъзилариники ундан пастроқда эди. Менга Умар ибн Хаттоб рўпара қилинди, у устидаги кўйлакни (узунлигидан) судраб юрарди*» — дедилар. «Буни нимага таъвил қилдингиз, ё Расулуллоҳ?» деб сўрашган эди: «*Динга*» деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Тушимда кўрдимки, бир қудуқ ёнида эканман, унинг устида бир челақ бор экан. Шунда мен қудуқдан Аллоҳ хоҳлаганича сув тортдим, кейин челақни Ибн Аби Қуҳофа (Абу Бакр) олиб, ундан бир-икки челақ сув тортди, унинг тортишида бироз заифлик бор эди, Аллоҳ уни Ўзи кечиргай. Кейин у катта челақка айланиб қолди ва уни Умар ибн Хаттоб қўлига олди. Мен Умар ибн Хаттобнинг тортишидек сув тортадиган биронта ҳам полвонни кўрмаганман, ҳатто одамлар (сув мўллигидан қудуқ атрофига чорва моллари учун) қўралар қуриб олишди*»⁽⁶⁴⁾ (Муттафақун алайҳ).

64 Бу Умарнинг халифалик даврларида у кишининг адолатидан одамлар кўп фойдаланишларидан киноя (ишора) эди.

Имом Нававий ҳадис шарҳида айтади: «Уламоларнинг айтишларича, ушбу туш Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумонинг халифалик даврларида бўлиб ўтадиган ишлар, бу икковларининг гўзал сийратлари ва одамларнинг улардан фойдаланишларининг очиқ мисоли-намунасиدير. Буларнинг ҳаммаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, у зотнинг баракалари ва суҳбатлари таъсиридан бўлганди. Зотан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ишнинг боши ва эгаси эдилар, у зот ишни мукамал адо этдилар, Исломининг асос-пойдеворларини ўрнатдилар, унинг усулу фуруъларини баён қилиб бердилар, одамлар Аллоҳнинг динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келишди. Аллоҳ таоло: «*Бугун сизларга динингизни комил қилдим*» оятини нозил қилди, сўнг у зот вафот этдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу икки йилу бир неча ой халифалик қилдилар, «бир ё икки челақ» деган сўзларидан мурод шу эди. У кишининг халифалик даврларида муртадларга қарши жанг бўлиб, уларни барта-раф этилди, Ислом кенгайиб борди. У кишининг вафотларидан кейин Умар разияллоҳу анҳу халифа бўлдилар, у кишининг замонларида Ислом кўп ўлкаларга ёйилди, Исломининг ҳукмлари мисли кўрилмаган даражада татбиқ этилди. Қудуқнинг таъбири мусулмонларнинг ишлари бўлиб, ундаги сувдан мурод уларнинг ҳаётлари

Имом Муслим ривоятида: *«Кейин Ибн Хаттоб келиб, челақни ундан олди, сув тортишида ундан кўра кучлироқ бирон кишини кўрмадим, ҳатто одамлар (суга қониб) қайтиб кетишиди, ҳовуз эса лиммо-лим турарди».*

Бир ривоятда: *«Сўнг Умар сув тортиш учун келди, шунда у катта челақка айланди. Мен Умардек ҳаракат қила оладиган биронта ҳам маҳоратли кишини кўрмадим, ҳатто одамлар қондилар ва қўралар қуриб олдилар»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳумонинг биргаликдаги фазилатлари ҳақида айтилган сўзлар

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларида эдим, Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо кўриниб қолишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: *«Бу иккаласи пайғамбарлардан ташқари жаннат аҳлидан бўлган аввалгилару кейингилар оқсоқолларининг саййидларидир, буни ўзларига айтманг, эй Алий»*, дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2897).

Ибн Можа ривоятида: *«Модомики ҳаёт эканлар, уларга буни айтманг, эй Алий»*, дедилар (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 78).

Абдуллоҳ ибн Ҳантоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳу-

ва салоҳиятларидир. Уларнинг амирларини сўғорувчига ўхшатилди, уларга сув етказиб беришлари эса ишларини чиройли бошқаришлари эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳақларида *«унинг сув тортишида бироз заифлик бор эди»* дейишлари билан Абу Бакрнинг фазилатини пастлатиш ва Умарнинг фазилатини ундан кўтариш тушунилмайди. Балки, бу фақат уларнинг халифалик муддатлари ҳақида, Умарнинг халифалик даври узокроқ бўлгани, унинг даврида Илом кўпроқ ўлкаларга тарқалгани, ғалабалар, ўлжа ва мол-дунёлар кўп бўлгани учун ундан одамлар кўпроқ фойдаланишлари ҳақида хабар бериш эди, холос. *«Аллоҳ уни кечиргай»* деган сўзлари Абу Бакрни камситиш ёки унинг гуноҳига ишора бўлмай, шунчаки, мусулмонлар ўз сўзларини қувватлаш учун ишлатадиган бир иборадир. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда келганидек, бу мусулмонлар истеъмол қиладиган иборалардан бўлиб: *«Фалон ишни қилгин, Аллоҳ сени мағфират қилсин»* дейишарди.

мони кўриб: «Улар қулоқ ва кўздирлар», дедилар⁽⁶⁵⁾ (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2899).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Абу Бакр ва Умарнинг бу диндаги ўрни қулоқ ва кўзнинг бошдаги ўрнига ўхшайди» (Табароний, Хатиб «Тариху Бағдод»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 815).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Олий даража эгаларини улардан пастроқда бўлганлар худди самонинг узоқ бурчидаги юлдузга кўриш мумкин бўлганидек кўриб турадилар, Абу Бакр ва Умар ўша (олий даража эгалари)дан ва бунга улар ҳақлидирлар» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 79).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши сизирини ҳайдаб бораркан, уни миниб олиб, урди. Шунда сизир: «Биз бунинг учун яратилмаганмиз, ер ҳайдаш учун яратилганмиз», деди». Одамлар — яъни пайғамбаримизни тинглаётганлар: «Субҳаналлоҳ, сизир гапирса-я!», дейишганди, у зот: «Бунга мен ишонаман, Абу Бакр ва Умар ишонади», дедилар, — ўша пайтда у икковлари у ерда йўқ эди. (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларида давом этдилар:) «Бир киши қўй боқиб юрганида бир бўри ҳужум қилиб, битта қўйни тортиб кетган эди, у бўрининг ортидан қувиб бориб, қўйни ундан қутқариб олгандек бўлди. Шунда бўри: «Бунику мендан қутқариб олдинг, даҳшатли кунда (қиёмат куни), уларга мендан бошқа қаровчи бўлмаган кунда ким уларга қараркин?!», деди». Одамлар: «Субҳаналлоҳ, бўри гапирса-я!», дейишганди, у зот: «Бунга мен ишонаман, Абу Бакр ва Умар ишонади», дедилар, ўша пайтда у икковлари у ерда йўқ эди (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Умар разияллоҳу анҳу тобутга солиниб, тобут ердан кўтарилишидан олдин одамлар унинг атрофида дуо ва жаноза ўқиб туришган эди, мен ҳам улар ичида эдим, тўсатдан биров елкамга қўлини қўйди. Қарасам, Алий ибн Аби Толиб экан. У Умарга Аллоҳнинг раҳматини сўради, сўнг деди: «Ортингиздан ўзингизга ўхшаган, мен Аллоҳга унинг амалидек амал билан

65 Бундан мурод уларнинг Аллоҳнинг динида ва ислом уммати ичида тутган ўринлари худди кўз ва қулоқнинг инсон жисмида тутган ўрнига ўхшатишидир. Буни кейинги ҳадис яна ҳам очиқ ифодаб беради.

йўлиқишни истайдиган ҳеч кимни қолдирмадингиз. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни иккала биродарингиз билан албатта бирга қилади, деб ўйлардим (шундай бўлди ҳам), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Мен, Абу Бакр ва Умар бордик, мен Абу Бакр ва Умар кирдик, мен, Абу Бакр ва Умар чиқдик»*, деганларини кўп эшитганман» (Муттафақун алайҳ).

Бир ривоятда: *«Мен, Абу Бакр ва Умар бўлдик, мен, Абу Бакр ва Умар қилдик, мен, Абу Бакр ва Умар кетдик»* (Муттафақун алайҳ).

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мендан кейинги икки кишига: Абу Бакр ва Умарга эргашинглар!»*, дедилар⁶⁶ (Ибн Можа ва Термизий ривояти, Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2895).

Бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мен сизларнинг орангизда қанча қолишимни билмайман. Шундай экан, ортимдан иккалаларига эргашинглар»*, деб Абу Бакр ва Умарга ишора қилдилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2896).

Амр ибн Ос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: *«Сизга энг суюмли инсон ким?»* деб сўрадим. *«Оиша»*, деб жавоб бердилар. *«Эркаклардан-чи?»*, деб сўрадим. *«Унинг отаси»*, деб жавоб бердилар. *«Ундан кейин-чи?»*, деб сўрадим. *«Умар ибн Хаттоб»*, дедилар. Сўнг бир неча кишиларни санадилар, шундан сўнг мени энг охирига қўйишларидан кўрқиб жим бўлдим (Муттафақун алайҳ).

Муҳаммад ибн Ҳанафиядан ривоят қилинади: Мен отам (Алий ибн Аби Толиб)дан: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин энг яхши одам ким?»* деб сўрадим. *«Абу Бакр»*, деб жавоб берди. *«Ундан кейин ким?»* деб сўрадим. *«Умар»* деб жавоб берди. Ундан кейин Усмон дейишидан кўрқиб: *«Кейин сизми?»* деб сўраган эдим: *«Мен мусулмон-*

66 Бу ва шу маънодаги бошқа ҳадислардан келиб чиқиб айтамизки, ихтилофли масалада Китобу Суннатдан рожиҳ (кучли) далил бўлмаган ёки далиллар тенг келиб қолган ҳолда Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумонинг сўзларини ёки улардан бирларининг сўзини бошқа саҳобалар сўзларидан — улар ҳар қанча кўп бўлмасинлар — кучли ва қувватли деб кўрилиши лозим. Яна айтамизки, қайсидир бир ижтиҳодий масалада агар Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо ихтилоф қилган бўлсалар, у ҳолда Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг сўзлари қувватли деб кўрилади. Биз салафийликни ана шундай тушунамиз ва шундай тушунмоғимиз даркор, фатволар чиқаришда ҳам мазкур усулга риоя қилиниши лозим.

лардан оддий бир кишиман, холос», деб жавоб берди⁽⁶⁷⁾ (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Саламадан ривоят қилинади: Мен Алий разияллоҳу анхунинг: «Одамларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин энг яхшилари Абу Бакр ва Умардир» деганларини эшитганман (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 86).

Абу Жухайфа разияллоҳу анхундан ривоят қилинади: Мен Алийни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин одамларнинг энг афзали деб билардим — шундай деб у ҳадисни зикр қилди — айтдим-ки: «Йўқ, эй амирул муъминийн, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин мусулмонлардан бирон кишини сиздан афзал деб билмайман». Шунда у: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин энг афзал бўлган кишини айтиб берайми?» деди. «Ҳа», деган эдим: «Абу Бакр», деди. Сўнг: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва Абу Бакрдан кейин энг афзал бўлган кишини айтиб берайми?» деди. «Ҳа», деган эдим: «Умар», деди⁽⁶⁸⁾ (Аҳмад «Муснад»да келтирган, шайх Аҳмад Шокир таҳрижда саҳиҳ санаган: 1054).

Абдуллоҳ ибн Шақиқдан ривоят қилинади: Мен Оиша разияллоҳу анҳодан: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан қайси бирлари у зотга энг суюмли эди?» деб сўрадим. «Абу Бакр», деб жавоб берди. «Ундан кейин-чи?» деб сўрадим. «Умар» деб жавоб берди. «Кейин-чи?» деб сўрадим. «Абу Убайда ибн Жарроҳ», деб жавоб берди.

67 Бу Алий разияллоҳу анхунинг икки улуг зот — Абу Бакр ва Умар ҳақларидаги гувоҳликларидир. «Мен мусулмонлардан оддий бир кишиман» деган сўзлари у кишининг тавозелари нақадар кучли ва нафсларига нечоғли ғолиб зот бўлганликларига далолат қилади. Ваҳоланки, ҳазрат Алий разияллоҳу анхунинг Ислолда тутган ўринлари барча-барчага маълум ва равшан бўлиб, уни фақат зolim кимсагина инкор қилиши мумкин. Куйирокда бу ҳақдаги ҳадис ҳам келтирилади, иншоаллоҳ. У кишининг мазкур сўзларидан амирлик ва раисликка рофизий шиъалар даъво қилаётгани каби ҳарис эмасликлари ҳам маълум бўладик, улар даъвосича у киши биринчи халифаликка даъвогар, амирлик ва халифаликка ҳарис бўлган-у, у кишидан олдинги халифалар у кишининг ҳақларини зўрлик ва зулм билан тортиб олган эмишлар. Рофизийлар ҳали-ҳануз мана шундай сафсаталар билан машғул бўлиб, умматни парчалашга ва мусулмонлар ўртасига гина-адоват уруғини сочишга қаттиқ ҳаракат қилиб юришади.

68 «Ҳадисни зикр қилди» деган иборадан қайси ҳадис кўзда тутилгани айтилмади. Эҳтимол, у саҳобаларнинг бир-бирларидан афзалликлари ҳақидаги ҳадис бўлса керак. Чунки, Абу Жухайфа разияллоҳу анхунинг саволидан ва Алий разияллоҳу анхунинг жавобидан ана шу маъно зоҳир бўлади.

«Ундан кейин-чи?» деб сўраган эдим, айтмади (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2958).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Абу Бакр қандаям яхши одам, Умар қандаям яхши одам, Абу Убайда ибн Жарроҳ қандаям яхши одам»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2959).



Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳунинг фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида айтилган сўзлар

Амр ал-Қураший разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким Рума қудуғини қаздирса, унинг мукофоти жаннатдир»*, деганларида Усмон уни қаздирди, *«Ким машаққат (яъни Табук жанги) лашкарини ҳозирласа, унинг мукофоти жаннатдир»*, деганларида Усмон уни ҳозирлади (Имом Бухорий ривояти).

Абдуррахмон ибн Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машаққат (жанги) лашкарини жангга ҳозирлаётганларида Усмон разияллоҳу анҳу енг ичида минг диноҳ олиб келиб, у зотнинг қучоқларига тўкди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдик, уларни айлантириб туриб икки бор такрорлаб: *«Шу бугундан кейин Усмонга нима (гуноҳ) қилмасин, зарари йўқдир»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2920).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Усмон жаннатдадир»*, дедилар (Ибн Асокир ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1435).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг уйимда сонларини ёки болдирларини очиб ётгандилар, Абу Бакр киришга изн сўради, ўша ҳолда эканларича изн бердилар ва у билан гаплашдилар. Кейин Умар киришга изн сўради, унга ҳам ўша ҳолда эканларича изн бердилар ва гаплашдилар. Кейин Усмон киришга изн сўраган эди, ўтириб, кийимларини тўғрилаб олдилар. Шундан сўнг Усмон кириб, гаплашди. Чиқиб кетишгач, мен: *«Абу Бакр кирган эди, қўзғолмадингиз, парво ҳам қилмадингиз. Кейин Умар кирган эди, унга ҳам ўрнингиздан қўзғолиб, парво қилмадингиз. Усмон кирганида эса қўзғолиб, кийимларингизни тўғрилаб олдингиз»*, деган

эдим, у зот: *«Фаришталар ҳам уяладиган кишидан мен қандай уялмай?!»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: *«Усмон уятчан одам, агар шу ҳолимда киришига изн берсам менга эҳтиёжини етказолмайди, деб қўрқдим»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна ҳақида гапириб, унинг яқинлигини айтдилар. Шунда бошини ўраб олган бир одам ўтиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мана бу одам ўша кун қидоятда бўлади»*, дедилар. Мен сакраб туриб, Усмоннинг (яъни ҳалиги одамнинг) билакларидан тутдим, сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга юзланиб: *«Шуми?»*, десам: *«Шу»*, дедилар⁽⁶⁹⁾ (Саҳиҳ сунав Ибн Можа: 89).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Усмон, Аллоҳ сизга бир кўйлак кийдирса керак. Агар уни ечиб беришингизни хоҳласалар, уларга ечиб берманг!»*, дедилар⁽⁷⁰⁾ (Саҳиҳ сунав ат-Термизий: 2923).

Ибн Можа ривоятида: *«Эй Усмон, бир кун келиб Аллоҳ сизни бу ишга волий қилса, шунда мунофиқлар Аллоҳнинг Ўзи кийдирган кўйлагингизни ечиб олмоқчи бўлишса, уни ечманг!»*, деб уч бор такрорладилар (Саҳиҳ сунав Ибн Можа: 90).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам беморликларида: *«Ҳузуримда асҳобларимдан биронтаси бўлсайди»*, дедилар. Биз: *«Ё Расулуллоҳ, Абу Бакрни чақириб берайликми?»*, десак, индамадилар. *«Умарни чақириб берайликми?»*, десак ҳам индамадилар. *«Усмонни чақириб берайликми?»*, деган эдик: *«Ҳа»*,

69 Ҳадисда ишора қилинган фитнадан мурод — хаворижларнинг халифалик ҳусусида Усмон разияллоҳу анҳуга қарши низо қўзғотишлари эди. Бу ва кейинги ҳадис Усмон разияллоҳу анҳунинг мусулмонларга халифа қилинишларига ва у кишининг халифаликлари рошид ва ҳақ эканига, хусуматчилари билан бўлган ихтилофда ҳақ у киши томонида ва у кишига қарши чиққанлар фитнакор ва адашган кимсалар эканига далил бўлади.

70 Кўйлақдан мурод — Усмон разияллоҳу анҳу эга бўладиган халифалиқдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усмон разияллоҳу анҳуга халифалиқдан бўшамасликка ва у кишини халифалиқдан бўшатишга уринадиган ва Аллоҳ унга кийдириб қўйган кўйлакни ечиб олишга ҳаракат қиладиган хусуматчи хаворижлар фойдасига халифалиқдан воз кечмасликка буюрдилар. Ибн Можа ривоят қилган кейинги ҳадис ҳам шу маънони таъкидлайди.

дедилар. Усмон келгач, у билан ёлғиз қолдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга сўзлар, Усмоннинг юзи ўзгариб борарди.

Қайс айтади: Менга Усмоннинг мавлоси (озод қилган қули) Абу Саҳла деди: Усмон ибн Аффон ҳовли(сини ўраб олиб, уни ўлдирмоқчи бўлишган) куни: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бир аҳд бергандилар, мен ўша аҳдга қараб бормоқдаман», деди (Саҳиҳ су-нан Ибн Можа: 91).

Имом Термизий ривоятида: Абу Саҳла деди: Усмон ибн Аффон ҳов-ли(сига ошиб кириб, уни ўлдиришган) куни менга: «Расулulloҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам менга бир аҳд бергандилар, мен ўша аҳдда сабр-матонат билан турибман», деди (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2928).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам фитна ҳақида гапириб: «*Бу одам ўша фитна-да мазлум бўлиб ўлдирилади*», деб Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳуни кўрсатгандилар⁽⁷¹⁾ (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2925).

Абу Бакр, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумнинг биргаликдаги фазилатлари ҳақида айтилган сўзлар

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳум ҳамроҳликларида Уҳудга чиққанларида тоғда бир силкиниш бўлди. Шунда у зот оёқларини ерга уриб: «*Тинчлан, Уҳуд! Устингда пай-ғамбар, сиддиқ ва иккита шаҳид турибди*», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Биз Набий сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Абу Бакрга ҳеч кимни тенг кўр-масдик, сўнг Умарга, сўнг Усмонга (бошқаларни тенг кўрмасдик, улар-дан) сўнг бошқа саҳобаларни бир-биридан афзал санамасдик»⁽⁷²⁾ (Имом Бухорий ривояти).

71 Дарҳақиқат, Усмон разияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг Китобини тиловат қилиб тур-ган ҳолида, саксон бир ёшида мазлум ва шаҳид бўлиб ўлдирилди.

72 Саҳобаларни бир-бирларидан афзал санашда саҳобаларнинг ўзлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг борлик пайтларида қилганларидан ортиқ дара-

Абу Довуд ривоятида: Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин у зот умматларининг энг афзал кишиси Абу Бакр, сўнг Умар, сўнг Усмон», дердик» (Саҳиҳ сунаб Аби Довуд: 3871).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадаги хурмозор боғлардан бири ичида ёнбошлаган кўйларича қўлларидаги чўп билан сувни лойга аралаштириб ўтирган эдилар, биров эшик қоқиб қолди. У зот: «*Очинг ва унга жаннат хушхабарини беринг*», дедилар. Қарасам, Абу Бакр экан. Унга эшикни очдим ва жаннат хушхабарини бердим. Кейин яна бир киши эшик қоқди. У зот: «*Очинг ва унга жаннат хушхабарини беринг*», дедилар. Бориб қарасам, Умар экан. Унга эшикни очдим ва жаннат хушхабарини бердим. Кейин яна биров эшик қоқди. У зот туриб ўтирдилар ва: «*Очинг ва унга бошига тушадиган бало-мусибат ортидан жаннат бўлиши билан хушхабар беринг*», дедилар. Бориб қарасам, Усмон ибн Аффон экан. Унга эшикни очдим ва жаннат хушхабарини бердим ва у зотнинг сўзларини айтдим. Шунда у: «Парвардигор, Ўзингдан сабр тилайман, Аллоҳ Ўзи мададқордир», деди⁽⁷³⁾ (Муттафақун алайҳ).



Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳу фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида айтилган сўзлар

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук ғазотига чиққанларида ўринларига Алийни қолдирдилар. Шунда у: «Мени аёллар ва гўдакларга бош қилиб қолдирасизми?!» деган эди: «*Сиз менга нисбатан Ҳоруннинг Мусога нисбатан тутган ўрнида бўлишга рози бўлмайсизми?! Фақат (фарқи*

жада чуқур кетмаслик, улар исботлаган нарсани исботлаш ва тийилишган нарсадан тийилиш, барча саҳобаларга Аллоҳнинг розилигини сўраш суннат, ҳаққа эргашиш ва энг тўғри ишдир.

- 73 Бошига тушадиган бало-имтиҳондан мурод — хаворижлар ва Абдуллоҳ ибн Сабаънинг тобеълари у кишининг ҳовлиларига девор ошиб тушиб, ўзларини қатл қилишган кундаги мусибатдир.

шуки), мендан кейин бошқа пайғамбар бўлмайди», дедилар⁽⁷⁴⁾ (Мутта-фақун алайх).

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар жанги куни арафасида шундай дедилар: *«Эртага бу байроқни бир кишига бераманки, Аллоҳ унинг қўлида фатҳ-ғалаба ато этади, у Аллоҳ ва Расулини яхши кўради, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўрадилар»*. Одамлар тун бўйи байроқни қай биримизга бераркинлар, деб, ҳаяжонланиб тонг оттирдилар. Тонг отгач, ҳаммалари байроқни қўлга киритиш орзусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига етиб боришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Алий ибн Аби Толиб қаерда?»*, деб сўрадилар. *«Унинг кўзи оғрияпти экан, ё Расулуллоҳ»*, дейишди. *«Унга одам юборинглар»*, дедилар. Уни чақириб келишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг кўзларига туфладилар ва дуо қилган эдилар, кўзлари тузалиб, оғриқдан асар ҳам қолмади. Сўнг байроқни унга бердилар (Муттафақун алайх).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Дон-уруғни ёриб-ундирган ва жонзотга жон бахш этган Зотга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени фақат мўмин киши яхши кўриши ва мунофиқ кимсагина ёмон кўришини қаттиқ таъкидлаб айтганлар»* (Имом Муслим ривояти).

Умму Салама разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен гувоҳлик бериб айтаманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ким Алийни яхши кўрса, мени яхши кўрибди, ким мени яхши кўрса, Аллоҳ азза ва жаллани яхши кўрибди. Ким Алийни ёмон кўрса, мени ёмон кўрибди, ким мени ёмон кўрса, Аллоҳ азза ва жаллани ёмон кўрибди»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1299).

Зайд ибн Арқам разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мен кимнинг дўсти бўлсам, Алий ҳам унинг дўстидир. Эй Парвардигор, уни дўст тутган кишини Сен ҳам дўст тутгин, уни душман билган кишини Сен ҳам душман тутгин»*, дедилар (Насоий, Ҳоким, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1750).

74 Бағавий «Шарҳус-сунна»да (14/113) айтади: Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий разияллоҳу анҳунинг аҳли-оилаларига ўринбосар (бошлиқ) қилиб қолдириб кетаётган пайтларида айтган ўхшатиш бўлиб, уни Мусо алайҳиссалом Тур тоғига кетаётганида Ҳорун алайҳиссаломни ўз ўрнига ўринбосар қилиб қолдирганига ўхшатган эдилар. Бу бошлиқлик у зотнинг ҳаётлик даврларида, муайян вақтга хос бўлганди.

Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳаж сафарларида бирга келаётган эдик, йўлда бир жойга тушиб, жамоат бўлиб намоз ўқишга буюрдилар. Кейин Алийнинг қўлидан тутиб: *«Мен мўминларга уларнинг ўзларидан кўра ҳам ҳақлироқ эмасманми?!»*, дедилар. *«Шундай, ҳақлироқсиз»*, деб жавоб беришди. *«Мен ҳар бир мўминга унинг ўзидан кўра ҳам ҳақлироқ эмасманми?!»*, дедилар. *«Шундай, ҳақлисиз»*, дейишди. *«Мен кимнинг мавлоси (дўсти, хожаси) бўлсам, бу ҳам унинг дўстидир. Эй Парвардигор, уни дўст тутган кишини Сен ҳам дўст тутгин, уни душман тутган кишини Сен ҳам душман тутгин»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 94).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Алий мендан, мен эсан данман, у мендан кейин ҳар бир мўминнинг дўстидир»* (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2929).

Ҳабаший ибн Жунода разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Алий мендан, мен эсан Алийданман, менинг номимдан фақат менинг ўзим ёки Алий адо этиши мумкин»*⁽⁷⁵⁾ (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2931).

Амр ибн Шош разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким Алийга озор берса, менга озор берибди»*, дедилар (Бухорий «Тарих»да, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2295).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Одамлар Алий разияллоҳу анхудан шикоят қилишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар. Мен у зотнинг шундай деганларини эшитдимки: *«Эй одамлар! Алийдан шикоят қилманглар!»*

75 «Менинг номимдан фақат менинг ўзим ёки Алий адо этиши мумкин» деганлари маъноси — битим ва шартномалар тузиш ёки бекор қилиш каби аҳамиятга молик ишларни фақат менинг ўзим ҳал қиламан ёки менинг номимдан Алий бун адо этиши мумкин, деганларидир. Чунки, арабларнинг урфи бўйича, битим ва шартномани фақат уни тузган кишининг ўзигина ёки бўлмасам унинг номидан яқин қариндошларидан бирортасигина бекор қила оларди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шу урфни кучда қолдирдилар. Абу Бакр разияллоҳу анхуни ҳажга амир қилиб юборганларида араблардан биронтаси гап чиқармасин деган мақсадда унинг ортидан Алий разияллоҳу анхуни ўзларининг «Қасво» номли туяларига миндирган ҳолда юбордилар ва у зотнинг номларидан мусулмонларнинг мусулмон бўлмаганлар билан муносабатларини белгилаб берувчи «Бароат» сурасини ўқиб эшиттиришга уни вакил қилдилар.

Аллоҳга қасамки, у Аллоҳ учун — ёки Аллоҳ йўлида — шикоят қилинишдан яхшироқдир» (Ибн Исҳоқ «Сийрат»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2479).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чиқишларини кутиб ўтиргандик, у зот аёлларидан бирларининг уйдан чиқиб келдилар ва биз у зот билан бирга қўзғолдик. Шунда у кишининг оёқ кийимлари узилиб кетди. Алий уни тикиш учун орқада қолди, биз эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга йўлда давом этдик. Кейин тўхтаб, уни кутиб турдилар, биз ҳам бирга турдик. Шунда дедилар: «Сизлардан бир киши бўладики, у Куръоннинг таъвили хусусида худди мен унинг танзили (нозил бўлиши) хусусида жанг қилганимдек жанг қилади». Шунда биз (ўша киши мен бўлармиканман, дегандек) у зотга кўз тикдик, ичимизда Абу Бакр ва Умар ҳам бор эди. «Йўқ, (сизлар эмас,) балки у оёқ кийимни ямовчидир», дедилар. Биз бориб, унга бу ҳақда хабар бердик. Бизга у бу ҳақда (илгари ҳам) эшитгандек туюлди⁽⁷⁶⁾ (Насойй, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2487).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «(Саҳобалардан) биринчи бўлиб намоз ўқиган киши Алий эди»⁽⁷⁷⁾ (Саҳиҳ сунанат-Термизий: 2935).

76 Куръоннинг танзили хусусидаги жангдан мурод — Куръони каримни Аллоҳнинг каломи экани ва унинг Аллоҳ таоло тарафидан бандаси ва пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган эканини инкор қилувчиларга қарши жанг бўлиб, бу жанг уларни Куръонга иймон келтиришга ва Куръон нозил қилинган пайғамбарга иймон келтиришга чорлаш учун бўлганди. Куръоннинг таъвили хусусида жанг қилишдан мурод эса ўзлари қиблага мансуб бўлганлари ва Куръонни буткул инкор қилмаганлари ҳолда унинг оятларини бузиб таъвил қилдиган, шу билан ҳаром нарсаларни ҳалол қилиб оладиган кишиларга қарши жанг қилишдир. Куръонни ана шундай бузиб таъвил қиладиган тоифалардан бўлмиш хаворижлар кофирлар ҳақида айтилган оятларни мўмин-мусулмонлар ҳаққига таъвил қилиб, ҳурматларни поймол қилдилар, ноҳақ қонлар тўқдилар. Мазкур бузуқ таъвиллари устида уларга қарши биринчи жанг қилган киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳу бўлдилар.

77 Имом Термизий айтади: «Баъзи аҳли илмлар айтишларича, эркаклардан биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ исломни қабул қилган, Алий саккиз яшарли бола пайтида исломни қабул қилган, аёллардан биринчи бўлиб Хадижа мусулмон бўлган.



Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоҳу анҳумнинг биргаликда фазилатлари ҳақида айтилган сўзлар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр, Умар, Алий, Усмон, Талҳа ва Зубайр ҳамроҳлигида Ҳиро тоғида эканлар, харсанг тош қимирлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тинчлан, сенинг устингда пайғамбар, ё сиддиқ, ё шаҳид бор, холос»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳиро тоғида эканларида силкиниш бўлди. Шунда у зот: *«Тинчлан, Ҳиро! Сенинг устингда ё пайғамбар, ё сиддиқ, ё шаҳид бор, холос»*, дедилар, ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий, Талҳа, Зубайр ва Саъд ибн Аби Ваққос бор эдилар (Имом Муслим ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматим ичида умматимга энг раҳмли киши Абу Бакр, Аллоҳнинг динида энг қаттиғи-кучлиси Умар, энг ҳаёлиси Усмон, қозиликда моҳирроғи Алий ибн Аби Толиб, Аллоҳнинг Китобини энг яхши ўқийдигани Убай ибн Каъб, ҳалол-ҳаромни энг яхши билладигани Муоз ибн Жабал, мерос илмида моҳирроғи Зайд ибн Собитдир. Билингларки, ҳар бир умматнинг бир омонатдор кишиси бўлади, бу умматнинг омонатдор кишиси Абу Убайда ибнун Жарроҳдир»* (Саҳиҳ сунав Ибн Можа: 125).

Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн кишининг бири эдилар, *«Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Алий жаннатда, Талҳа жаннатда, Зубайр жаннатда, Саъд жаннатда, Абдурраҳмон жаннатда»*, деган эдилар. (Саид ибн Зайддан:) *«Тўққизинчиси ким?»* деб сўралган эди: *«Мен»*, деб жавоб берди (Саҳиҳ сунав Ибн Можа: 110).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Мендан кейин (халифа бўлиб) турувчи киши жаннатда, ундан кейин турувчи ҳам жаннатда, учинчи ва тўрттинчилари ҳам жаннатда»* (Ибн Асокир «Тарих»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2319).

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнг бизларга юзланиб, ғоят таъсирли мавъиза қилдилар, бундан кўзлар ёшланиб, дилларга

кўркув тушди. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, бу сўзларингиз гўё видолашувчининг насиҳатига ўхшайди, бизларни нимага тавсия қиласиз?», деб сўрадик. «Сизларни туни ҳам кундузидек ёруғ йўл устида қолдирдим. Мендан сўнг у йўлдан фақат ҳалок бўлувчиларгина адашиб кетишади. Ичларингизда узоқ умр кўрадиган кишилар кўп ихтилофларни кўради. Ўшанда менинг суннатим ва ҳидоят у тўғри йўл устида бўлган халифалар суннати-дан ўзингиз билган нарсаларни маҳкам тутингиз, уларга тишларингиз билан маҳкам ёпишингиз», дедилар.

Бир ривоятда: «Мендан кейин қаттиқ ихтилофларни кўрасизлар. Шунда менинг суннатимни ва хулафои рошидийнлар суннати-ни лозим тутингиз, уларга тишларингиз билан ёпишингиз. Динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланингиз. Зеро, ҳар бир бидъат залолатдир» (Саҳиҳ суна-н Ибн Можа: 40, 41).

Абу Довуд ривоятида: «Сизларни Аллоҳдан тақво қилишига ва ҳабаши кул (амир қилинган) бўлса-да қулоқ солишига ва итоат қилишига васият қиламан. Чунки, мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар. Динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар⁽⁷⁸⁾ (Саҳиҳ суна-н Аби Довуд: 3851).

78 Ҳидоят ва ҳақ устидаги халифалар (хулафои рошидийн) барча уламолар иттифоқи-га кўра, Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоху анхумдир. Ҳадис бир неча маъноларга далолат қилади. Жумладан: а) хулафои рошидийн суннатларини маҳкам тутиш залолату бидъатларга тушиб қолишдан сақлайди; б) хулафои рошидийндан битталарининг сўз ёки ишлари — Китобу Суннатдан насс (очиқ далил) бўлмаган ёки Китобу Суннат далилига хилоф бўлмаган ўринларда — қабул қилиш лозим бўлган ҳужжат саналади ва хилоф ўринларида улардан бошқаларнинг сўзларига илтифот қилинмайди. Энди агар тўртала халифа ўртасида уларнинг айрим ижтиҳод ва сўзларида хилоф бўлган бўлса ва улардан бирининг сўзи кучлироқ эканига аниқ далил бўлмаса, шу ҳолда улардан қай бирларининг сўзлари олинади, деб сўралса, айта-мизки, уларнинг сўзлари бир-бирига қарама-қарши келиб, ўрталарини келишти-риш имкони бўлмаган ва Китобу Суннатдан улардан бирларининг сўзини қувват-лайдиган далил келмаган ҳолда уларнинг сўзлари халифаликдаги тартибларига қараб, аввало Абу Бакр разияллоху анхунинг сўзлари, кейин Умар разияллоху анхунинг сўзлари, кейин Усмон разияллоху анхунинг сўзлари, кейин Алий разияллоху анхунинг сўзлари олинади. Абу Бакрнинг сўзларини Умар, Усмон ва Алийнинг сўзларидан муқаддам қўйилади. Умарнинг сўзларини Усмон ва Алийнинг сўзларидан муқаддам қўйилади. Усмоннинг сўзларини Алийнинг сўзларидан муқаддам қўйи-



Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анхумонинг фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида айтилган сўзлар

Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, елкаларига Ҳасан ибн Алийни миндириб олган эканлар: *«Эй Парвардигор! Мен уни яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргин»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Қачон Ҳасанни кўрсам, кўзимдан дувиллаб ёш қуйилади. Сабаби, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келиб, мени масжидда топдилар ва кўлимдан тутиб, бирга олиб кетдилар. Бирон калима сўзлашмаган ҳолда юриб, Бану Қайнукоъ бозорига бордик, бироз айлангач, ортга қайтиб, масжидга келдик. Сўнг чордона қуриб ўтирдилар-да: *«Кичкинтой (арабчада лукоъ) қани, менга чақир кичкинтойни»*, дедилар. Ҳасан югурганича келиб, у зотнинг кучоқларига ўзини ташлади, сўнг қўлини у зотнинг соқоллари орасига киритди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғзларини очиб, унинг оғзига қўйдилар, сўнггра: *«Эй Парвардигор! Мен уни яхши кўраман, Сен ҳам уни яхши кўргин, уни яхши кўрганларни ҳам яхши кўргин»*, дедилар (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилганлар, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2807).

Усома ибн Зайд разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ва Ҳасанни қўлларига олиб: *«Эй Парвардигор! Мен буларни яхши кўраман, Сен ҳам уларни яхши кўргин»*, дердилар (Имом Бухорий ривояти).

Усома ибн Зайд разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайнни кўрсатиб: *«Булар менинг ўғилларим, менинг қизимнинг ўғиллари. Эй Парвардигор, мен уларни яхши кўраман, сен ҳам уларни яхши кўргин, уларни яхши кўрганларни ҳам яхши кўргин»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2965).

Яъло ибн Мурра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ҳусайн мендан, мен унданман, Ҳусайнни яхши кўрганни Аллоҳ яхши кўрсин, Ҳусайннинг ўзи бир умматдир»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2970).

лади — Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин. Олим киши далилларни қувватлашда ушбу тартибга риоя қилиши, фатво беришда шу нарсага аҳамият бериши лозим бўлади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайнни олиб, биттасини бир елкаларига, иккинчисини бир елкаларига кўтарганларича, ҳали унисини, ҳали бунисини ўпган ҳолда чиқиб келдилар ва бизнинг ёнимизга келдилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, сиз буларни жуда яхши кўрасиз-да», деган эди, у зот: «*Ким буларни яхши кўрса, мени яхши кўрибди, ким буларни ёмон кўрса, мени ёмон кўрибди*», дедилар (Аҳмад, Ҳоким, Баззор ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2895).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида Ҳасан ва Ҳусайн ўйнаб, у зотнинг елкаларига миниб олишди. Шунда мусулмонлар уларни четроққа олиб қўя бошлашди. Намозларини тугатгач: «*Кўяверинглар — ота-онам фидо бўлсин — ким мени яхши кўрса, буларни ҳам яхши кўрсин*», дедилар (Абу Нуайм «Ҳиля»да ва бошқалар ривоят қилганлар, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 4002).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ҳасан ва Ҳусайн жаннат аҳли йигитларининг саййидларидир*», дедилар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2965).

Абу Фохитадан ривоят қилинади, Алий разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизникига келиб, тунаб қолдилар. Ҳасан ва Ҳусайн ухлаётган эдилар, Ҳасан сув сўраб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сувдон (меш) олдига бориб, ундан косага сув қуя бошладилар. Кейин сув бермоқчи бўлганларида Ҳусайн ҳам ичмоқчи бўлиб сувга интилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга бермасдан, аввал Ҳасанга ичирдилар. Шунда Фотима: «Ё Расулуллоҳ, уни кўпроқ яхши кўрасизми, дейман?», деган эди: «*Йўқ, у биринчи бўлиб сув сўради, холос*», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Фотимага): «*Мен, сен, бу иккиси ва мана бу ётган (яъни Алий) қиёмат кунини бир жойда бўлампиз*», дедилар (Таёлисий «Муснад»да ва бошқалар ривоят қилганлар, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3319).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ким жаннат аҳлидан бўлган кишини кўришни истаса, Ҳусайн ибн Алийга боқсин*», дедилар (Абу Яъло «Муснад»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 4003).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ҳасан ибн Алийдан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшашроқ бирон киши йўқ эди» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Бакра разияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбарда, Ҳасан ибн Алий у зотнинг ёнларида эди. Бир одамларга, бир унга қараб туриб, дедилар: *«Бу ўғлим саййиддир, шоядки Аллоҳ у сабабли мусулмонлардан улкан икки гуруҳ ўртасини ислоҳ қилса»*⁽⁷⁹⁾ (Имом Бухорий ривояти).

Алиё разияллоху анхудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига кирсам, у зотнинг кўзларидан ёш қуйилаётган экан. «Ё Расулуллоҳ, сизни биронтаси хафа қилдим, нега кўзингиз ёшли?», деб сўрадим. У зот: *«Олдимда Жибрил бор эди, бироз аввал кетди. Унинг айтишича, Ҳусайн Фурот соҳилида ўлдирилар*

79 Мусулмонларнинг бу улкан икки гуруҳи — Муовия разияллоху анху ва унинг тарафдорлари бўлган саҳобалар билан Алиё разияллоху анху ва унга тарафдор бўлган саҳобалар эди. Улар ўртасида юз берган келишмовчилик ва низолар ҳам, уларнинг сабаблари ҳам маълум. Ҳасан разияллоху анху билан Аллоҳ таоло ушбу икки улкан гуруҳ ўртасини ислоҳ қилади ва у Муовия разияллоху анхуга халифа деб байъат бериши билан ўртадаги низо бартараф бўлади.

Ҳадис бир неча маъноларни ўз ичига олган. Жумладан: а) Ҳар иккала гуруҳ ўртада кечган низо ва келишмовчиликлардан қатъий назар, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг гувоҳликлари билан, мусулмондирлар. Шундай экан, ушбу низога аралашган саҳобалардан биронтасининг мусулмонлиги ёки адолати борасида шубҳага солувчи баҳсларга киришиш жоиз эмас. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўзлари уларнинг ҳар иккисини мусулмонлар гуруҳи деб атаганлар; б) Ҳасан ва Муовия разияллоху анхумо ўртасида эришилган сулҳ ва у олиб келган натижалар, шу жумладан Муовиянинг мусулмонларга халифа этилиши муборак сулҳдир, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уни муборакли санаганлар ва умматлари учун рози бўлганлар. Чунки, Ҳасан разияллоху анху — Набий соллаллоху алайҳи ва саллам хабар берганларидек — Аллоҳ таоло у билан мусулмонларнинг икки улкан гуруҳи ўртасини ислоҳ қиладиган саййиддир. У Муовияни халифа сифатида тан олиб, унга байъат берди ва шу билан мусулмонлар ўртасидаги низо ва тўқнашувларни бартараф этди. Сафлар бирлашиб, ташқи душман ва хорижий хавф-хатарлар йўли тўсилди. Бироқ, рофизий шиъалар Ҳасан разияллоху анхудан интиқом олишди. Улар у кишини ўзларининг маъсум (гуноҳдан пок) ўн икки имомларидан бири деб эътироф этсалар-да, уни жазолашди, унинг ўғилларини ва зурриётини имомат ва вилоятликдан махрум қилишди, имоматни ва ўн икки имомни фақат Ҳусайн разияллоху анхунинг зурриётигагина чеклашди. Ундан ташқари, улар ўзларининг ширкка ботган диний маросимларида, Ҳусайн ва унинг авлодига тутадиган мотамларида ёқаларини йиртиб, юзларига уриб, бошларини ханжар билан тилиб, дод-фарёд кўтаришгани ҳолда Ҳасан ва унинг авлодини эсларига ҳам олиб қўйишмайди. Ҳасан билан Ҳусайн ва уларнинг авлодлари ўртасини бундай очик ажратишларига сабаб ва далил сўралса, уларда на саҳиҳ нақл ва на соғлом ақлга мувофиқ ваз топилди. Ёлғон сўзлаш, ёлғонни рост деб ишониш, ислом ва мусулмонлар тарихига адоватдан бошқа ҳеч нарса топмайсиз уларда.

экан. У менга: «Унинг тупроғидан сизга ҳидлатайми?» деб сўради. «Ҳа», деган эдим, қўлини узатиб, бир сиқим тупроқ олиб, менга берди. Шундан кўзларимга эгалик қилолмай қолдим», дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1171).

Абдурраҳмон ибн Аби Нуаймдан ривоят қилинади: Бир киши Ибн Умар разияллоху анҳумодан чивиннинг (искабтопарнинг) қони ҳақида сўради — бир ривоятда: эҳромдаги киши пашшани ўлдириши мумкинми, деб сўради, — шунда Ибн Умар: «Қаердансан?», деб сўради. У: «Ироқликман», деган эди, Ибн Умар: «Буни қаранглар, мендан чивиннинг қони ҳақида сўраяпти, ваҳоланки ўзлари Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўғлини ўлдиришган!! Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Бу иккиси — яъни Ҳасан билан Ҳусайн — менинг дунёдаги райҳонларимдир», деганларини эшитганман!», деди⁽⁸⁰⁾ (Имом Бухорий ривояти).

Яҳё ибн Саиддан ривоят қилинади: Алий ибн Ҳусайннинг олдида эдик, кўфалик бир қавм келиб қолди. Шунда Алий: «Эй Ироқ аҳли, бизни мусулмон сифатидагина яхши кўринглар. Отамнинг айтишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эй одамлар, мени ўз қадримдан юқори ўринга кўтарманглар! Аллоҳ таоло мени пайғамбар қилишидан аввал банда қилгандир», деганлар⁽⁸¹⁾ (Ҳоким ривоят қилиб, иснодини саҳиҳ санаган, Заҳабий унга қўшилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2550).

80 Райҳон — арабча сўз бўлиб, роҳатбахш деган маънони англатади. Яъни, у иккиси менинг кўнглимга роҳат бахш этадиган, уларни кўриш билан кўзим қувониб, дилим шодликка тўладиган фарзандларимдир, дедилар.

Ибн Умарнинг Ироқликка берган жавоби бир неча мазмунларни ўз ичига олган. Жумладан: инжиқлик билан, майда-чуйда нарсалар ҳақида, фойдасиз, на ажр ва на азобга сабаб бўлмайдиган нарсалар ҳақида сўрашдан қайтариш, катта гуноҳларни қилиб турган ҳолда майда гуноҳлардан парҳез қилишга уринишдан танбех бериш. Бунга мисол тариқасида келтириш мумкинки, гоҳи одам бўладикки, ўзи намоз ўқимайди, тавҳид ҳақида калимаи шаҳодатни тили билан айтиб қўйишдан бошқа нарсани билмайди, ҳаёти бошдан-оёқ ҳаром-ҳариш амаллар билан тўлган, яна шу ҳолида бозорларда ҳар бир озиқ-овқат маҳсулоти олдида тўхтаб, сотувчисини саволга кўмиб ташлайди, бунга ҳаром модда аралашганми, йўқми, ҳайвондан олинадиган желатин қўшилганми, йўқми, агар қўшилган бўлса қай турдаги ва қайси ҳайвондан олингани қўшилган, каби саволлар билан бошини қотиради. Гўёки, динида шу каби — аслида қўшимча масалалардан бўлган — майда-чуйда нарсаларни таҳқиқ қилишдан бошқа иши қолмагандек!

81 Алий ибн Ҳусайн разияллоху анҳумо ишора қилган бу маъно жуда муҳим. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг аҳли байти (хонадон аҳли)га бўлган



Уммул-муъминийн (мўминлар онаси) Оиша разияллоҳу анҳонинг фазилатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида айтилган сўзлар

Аллоҳ таоло айтди:

«Шак-шубҳасиз бу бўҳтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшиликдир. Улардан (яъни бўҳтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи касб қилган гуноҳ(га яраша жазо) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) катта-сини кўтарган кимса учун улкан азоб бордир.

Изоҳ: Ушбу оятда мазкур бўлган «бўҳтон»нинг тарихи бундай-дир: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан бирга бир ғазотдан қайтар эканлар, Мадинага яқинлашиб қолганларида қоронғу кечада аскарларга бир оз ором олиш учун рухсат берадилар. Шунда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ғазотга чиққан жуфти ҳалоллари Оиша — (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳожат учун чиқиб, аскарлардан анча узоққа кетиб қолади ва қайтиб келганида карвон жилиб кетганини кўради. Шу пайт одатда карвон ортидан қолган нарсаларни йиғиб юриш учун тайинланган бир саҳоба келиб қолиб, Оишани кўриб танийди ва уни туяга миндириб, ўзи яёв ҳолда карвоннинг ортидан етказиб боради. Буни кўрган айрим мунофиқ кимсалар Оишани бадном қилишиб турли миш-мишлар тарқатадилар. Бу миш-мишларни эшитган пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, Оиша ҳам, Абу Бакр Сиддиқ ҳам ва бошқа мусулмонлар ҳам ниҳоятда изтиробда қоладилар. Орадан тўла бир ой вақт ўтгандан

муҳаббатда ғулув кетиб, уларни кўкларга кўтариш, уларни пайғамбарлик ва ҳатто илоҳлик даражасига чиқариб қўйиш шариатга мувофиқ муҳаббат бўлмайдиги, рофизий шиъалар аҳли байтга нисбатан муҳаббат даъвоси билан ана шундай кўринишларини изҳор қилишади. Бу худди насоролар Ийсо алайҳиссаломни кўкларга кўтариб мақташлари ва у кишини худолик даражасига чиқариб қўйишларига ўхшайди. Бу эса Аллоҳ ва Расули бизларга буюрган шаръий муҳаббатга зиддир. «Бизни ислом муҳаббати билан (мусулмон сифатида) яхши кўринглар» деган сўзлари маъноси — Ислом вожиб қилган ва мўмин-мусулмонлар ўртасида ҳукм суришини истаган муҳаббат билан яхши кўринглар, демакдир. Бундай муҳаббатда маҳбубнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қадри эътироф этилиши билан бир қаторда унга бўлган муҳаббатда ҳаддан ошиш, ғулув ва жафо бўлмайди. Бизларни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтларини ва асҳобларини Ислом буюрганидек севишга муваффақ қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

сўнггина пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга юқорида мазкур бўлган ва қуйида зикр қилинадиган оятлар нозил бўлиб, Оишанинг поклиги аниқланади ва бу миш-миш бўҳтон эканлиги ошкор бўлади ҳамда бўҳтончиларнинг ҳар бири учун қилган гуноҳига яраша жазо берилиши, уларнинг каттаси бўлган мунофиқ учун эса охиратда улкан азоб борлиги ҳақида хабар берилади. Аллоҳ таоло бу можарони мўминлар учун ёмонлик эмас, балки яхшилик, Оишанинг Каломуллоҳ гувоҳлигида оқланиши деб атайди.

«(Эй мўминлар), **сизлар** (бу бўҳтонни) **эшитган пайтингизда, мўмин ва мўминалар бир-бирлари ҳақида яхшиликни ўйлаб: «Бу очик бўҳтон-ку!»** десалар бўлмасмиди?! Улар (яъни Оишани бандом қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига) **тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?!** Энди агар гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Аллоҳ наздида улар ёлғончидирлар. Агар сизларга дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлмаса эди, албатта сизларни тинмай сўзлаган нарса — бўҳтонларингиз сабабли улкан азоб ушлаган бўлур эди. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида катта (гуноҳдир). Уни эшитган пайтингизда: **«Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуғ бўҳтон-ку!»** десангизлар бўлмасмиди?! Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур» (Нур: 11-17)⁽⁸²⁾.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни: *«Эй Оиш, Жибрил сизга салом айтаяпти»*, дедилар. Шунда мен: *«Унга ҳам Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти*

82 Ушбу оятлар уммун-муъминийн Оиша разияллоҳу анҳога нисбатан мунофиқлар томонидан тўқиб чиқарилган ва айрим мусулмонлар ҳам унга аралашиб қолган тухмат воқеасида у кишининг бу тухматдан поклигини эълон қилиб тушгандир. Аллоҳ таоло: **«Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур»** деган бўлишига қарамай, рофизий шиъалар саркашлик ва қайсарлик билан, адоват ва душманлик қабилида ҳозиргача бундан кўра ҳам каттароқ тухматларни қилиб келишади, шунча нарса билан яна ўзларини мусулмон ҳам санашади!

бўлсин, сиз мен кўрмаган нарсаларни кўра оласиз», дедим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга (Муттафақун алайҳ).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Оишанинг бошқа аёллардан фазли худди сариднинг бошқа таомлардан афзаллигига ўхшайди»*, деганларини эшитганман⁽⁸³⁾ (Муттафақун алайҳ).

Урва ибн Зубайр разияллоҳу анҳу Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилади: Одамлар Оишанинг навбати куни ҳадяларини олиб келишга қасд қилишар ва бу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг розиликларини топишни исташарди. (Оиша) айтади: «Бир куни дугоналарим (яъни кундошларим) Умму Салама ҳузурига тўпланишиб: «Эй Умму Салама, Аллоҳга қасамки, одамлар ҳадяларини Оишанинг кунида олиб келишга уринишади. Биз ҳам Оиша истаганидек яхшилиқни истаймиз. Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтинг, одамларга у кишига ҳадяларини қаерда бўлсалар ҳам ёки кимнинг навбатида бўлсалар ҳам олиб келаверишларини айтсинлар», дейишди. Умму Салама буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтди. (Умму Салама) айтади: «Шунда у зот мендан юзларини ўгирдилар. Қайтиб келганларида яна айтган эдим, яна юз ўгирдилар. Учинчи марта айтганимда: *«Эй Умму Салама, Оиша ҳақида менинг кўнглимни оғритманг. Аллоҳга қасамки, ичларингизда ундан бошқа биронта аёлнинг кўрпаси ичида эканимда менга ваҳий нозил бўлмаган»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслим ривоятида: Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотимани у Зотнинг ҳузурига йўлладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг жойимда ётган ҳолларида Фотима киришга изн сўради, унга изн бердилар.

Фотима: «Ё Расулуллоҳ, аёлларингиз мени сизнинг ҳузурингизга юборишди, улар Абу Қуҳофанинг қизи хусусида сиздан адолат истайдилар», деди. Мен индамадим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«Эй қизим, мен яхши кўрган нарсани яхши кўрмайсизми?!»*, дедилар.

83 *Сарид* — араблар севиб тановул қиладиган таом бўлиб, гўштни узоқ қайнатиб пиширилганидан сўнг уни суви билан нон тўғралган катта идишга қуйилади ва тановул қилинади.

У: «Албатта, яхши кўраман», деди.

«Ундай бўлса, буни сиз ҳам яхши кўринг», дедилар.

Фотима Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари олдига қайтиб бориб, ўрталарида бўлиб ўтган гапни айтиб берди, сўзининг охирида: «Аллоҳга қасамки, қайтиб Оиша хусусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга гапирмайман», деди.

Амр ибн Ос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Ё Расулуллоҳ, Сизга энг суюкли одам ким?» деб сўраган эдим: «Оиша», деб жавоб бердилар. «Эркаклардан-чи?», деган эдим: «Унинг отаси», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотимани зикр қилдилар, мен гапирган эдим: «Дунёда ҳам, охирада ҳам жуфтим бўлишга рози эмасмисан?!», дедилар. «Ҳа, Аллоҳга қасамки, розиман», дедим. Шунда: «Сен менинг дунёю охирадаги жуфтимсан», дедилар (Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3011).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Менга сенинг жаннатдаги жуфтим эканинг кўрсатилиши менга ўлимни енгиллаштиради», дедилар (Ҳусайн Марвазий «Завоидуз-зуҳд»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2867).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Жибрил унинг яшил рангли ипак кийимдаги суратини келтириб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Бу сизнинг дунёю охирадаги жуфтингиздир», деган эканлар (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 3041).

Урва ибн Зубайр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам касалликларида аёллари (уйлари) да айланарканлар, Оишанинг уйида бўлишни истаб: «Эртага кимникидаман? Эртага кимникидаман?», дердилар. Оиша разияллоҳу анҳо айтади: «Менинг куним бўлгач, хотиржам тортдилар» (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслим ривоятида: Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бугун қаердаман? Эртага қаерда бўламан?», деб Оишанинг кунига интиқ бўлиб сўрай бошладилар. (Оиша) айтади: «Менинг куним бўлгач, Аллоҳ таоло у зотни менинг бағримга бош қўйган ҳолларида қабзи руҳ қилди».

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз асҳобларига бирор ҳадис иштибоҳли

(яхши тушунарсиз) бўлиб қолиб, Оишадан сўрасак, албатта у бизга бунинг жавобини айтиб берарди⁽⁸⁴⁾ (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 3044).

Абу Салама ибн Абдурраҳмондан ривоят қилинади: Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурига кирганимда у менга деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга айтардилар: *«Мендан кейин сизларнинг ишларингиз (нима бўлиши, кимга қолиши) мени ташвишлантиради, сизларга фақат сабрли кишиларгина сабр қила олади — бир ривоятда: мендан кейин сизларга фақат сабрли кишиларгина меҳр-мурувватли бўладилар»*. Кейин (Оиша) деди: *«Аллоҳ сенинг отангни жаннат чашмаларидан суғорсин, Абдурраҳмон ибн Авф бир марта уларга ҳадя келтирган ва у (ҳадя) қирқ мингга сотилган эди»* (Ҳоким ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1594).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сизларнинг яхшиларингиз мендан кейин менинг аҳлимга яхшилик қилувчиларингиздир»*, дедилар⁽⁸⁵⁾ (Баззор ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1845).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни хуш кайфиятда кўриб: *«Ё Расулуллоҳ, мени дуо қилинг»*, деган эдим: *«Эй Парвардигор! Оишанинг ўтган-у кейинги, махфию ошкор қилган гуноҳларини мағфират қилгин»*, деб дуо қилдилар (Баззор «Муснад»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2254).



Пайғамбарликдан бошлаб дастлабки уч авлоднинг фазилатлари ва уларнинг кейинги авлодлар зиммасидаги ҳақ-ҳуқуқлари

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматимнинг яхшилари мен билан яшаганлар, кейин улардан сўнг келадиганлар, кейин улардан сўнг*

84 Ҳадисдан маълум бўладики, агар аёл киши эркакларда мавжуд бўлмаган илм эгаси бўлса, эркаклар ундан шаръий илмни ўрганишлари мумкин.

85 Ҳадисда келган яхшиликдан мурод — хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, мутлақ яхшиликдир. Уларни дўст тутиш, уларга Аллоҳнинг розилигини сўраш, фақат яхшилик билан тилга олиш ҳам шу яхшилик жумласига киради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтлари қаторига шак-шубҳасиз, биринчи навбатда у зотнинг аёллари ҳам кирадилар.

келадиганлардир. Кейин ортингиздан шундай бир қавмлар келадики, гувоҳлик сўралмаса ҳам гувоҳлик беришади, хиёнат қилишади ва уларга омонат қўйилмайди, назр қилишади ва вафо қилишмайди, уларда семирши зоҳир бўлади»⁽⁸⁶⁾ (Муттафақун алайх).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларнинг энг яхшиси менинг асрим⁽⁸⁷⁾ аҳли, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилардир. Сўнгра бир қавм келадики, улардан бирининг гувоҳлиги қасамидан ўзади, қасами гувоҳлигидан ўзади»⁽⁸⁸⁾ (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умматимнинг энг яхшилари мен пайғамбар қилиб юборилган аср аҳли, сўнг улардан кейингилар — Аллоҳ билади, учинчисини ҳам айтдиларми, йўқми — сўнгра бир қавм келадики, семизликни хуш кўришади, гувоҳлик талаб қилинмасидан туриб гувоҳлик беришади» (Имом Муслим ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Одамларнинг яхшиси кимлар?», деб сўраган эди: «Менинг асримдагилар, кейин иккинчи, кейин учинчи (аср аҳллари)», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларнинг энг яхшилари мен

86 «Умматимнинг яхшилари мен билан яшаганлар, кейин улардан сўнг келадиганлар, кейин улардан сўнг келадиганлар» нинг маъноси: умматимнинг энг яхшилари саҳобалар, улардан сўнг тобеинлар, улардан сўнг тобеут-тобеинлар, демакдир. Яхшилиқ деганда дин, илм, тушунча ва дин аҳкомларига амал қилишда барқарор бўлиш яхшиликлари тушунилади. «Гувоҳлик сўралмаса ҳам гувоҳлик беришади» дегани маъноси — гувоҳлик бериш лойиқ бўлган ўринлар билан гувоҳликдан тийилиш лозим бўлган ўринларни фарқига боришмайди, биров улардан гувоҳлик талаб қилмаса ҳам гувоҳлик беришаверади, демакдир. Уларда семизлик зоҳир бўлиши сабаби — анвои хил емак-ичмакларга ружу қўйишлари оқибатида семириб кетишади.

87 Аср — ҳар юз йилга ёки бир қавлга кўра, бир авлод умрига истеъмол қилинади.

88 Яъни, динига бепарво ва эътиборсиз бўлгани учун қасам ичишга ҳам, гувоҳлик беришга ҳам ошиқиб кетишаверади. Айниқса, бизнинг замонамизда маҳкамалар эшиги олдида ёлгон гувоҳ беришликни ўзига касб ва тирикчилик манбаи қилиб олган кимсалар ўралашиб юришади ва гувоҳлик талаб қилганларга ўз гувоҳликларини пуллашади. Аслида, бир иш устида гувоҳлик бериш жуда ҳам жиддий иш бўлиб, гувоҳлик берувчи киши қўлини Қуръони каримга қўйиб, фақат рост гапиришга ва ўзи гувоҳ бўлган нарсани айтишга қасам ичади.

бор бўлган аср аҳли, сўнг улардан кейин келувчилар, сўнг улардан кейин келувчилардир. Кейин бир қавмлар пайдо бўладики, уларда семизлик тарқалади, гувоҳлик сўралмасдан гувоҳлик беришади, бозорларида шовқин-сурон ҳукм суради» (Баззор ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3431).

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади: Бизга Умар ибн Хатоб разияллоҳу анҳу Жобияда (ҳовуз номи) хутба қилиб, деди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам худди ману шу жойда туриб бизга айтган эдилар: *«Асҳобларим хусусида, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар хусусида менинг ҳаққимни сақланглар! Ундан сўнг ёлғон ёйилади, бир киши гувоҳлик сўралмасидан гувоҳлик берадиган, қасам ичиш талаб қилинмасдан қасам ичадиган бўлади»*⁽⁸⁹⁾ (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1116).

Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Асҳобларимнинг ҳурматларини ўрнига қўйинглар! Улар сизларнинг энг яхшиларингиздир. Сўнг улардан кейин келувчилар, сўнг улардан кейин келувчилар (ҳурматларига риоя қилинганлар). Улардан кейин ёлғон зоҳир бўлади, ҳатто киши қасам талаб қилинмасидан қасам ичади, гувоҳлик сўралмасидан гувоҳлик беради»* (Насоий, Аҳмад, Ҳоким ривоятлари, Албоний «Мишкотул-масобих» таҳқиқида саҳиҳ санаган: 6003).

Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мени кўрганларга Тубо (жаннат) бўлсин, мени кўрганларни кўрганларга ва мени кўрганларни кўрганларни кўрган ва менга иймон келтирганларга Тубо (жаннат) бўлсин»* (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1254).

Восила ибн ал-Асқаъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Модомики, орангизда мени кўрган ва менга саҳоба бўлган кишилар бор экан, яхшиликда бардавом бўласизлар. Аллоҳга қасамки, модомики, орангизда мени кўрганлар-*

89 «Асҳобларим хусусида менинг ҳаққимни сақланглар», деган сўзларидан мурод, асҳобларимнинг устингизда бўлган ҳақларига риоя қилиш ва ҳақларини адо қилиш билан менинг сизларнинг устингизда бўлган ҳақларимни сақланглар, ким уларнинг ҳаққини зое қилса, менинг ҳақларимни зое қилган бўлади, деганидир. Сўнг ҳақларни риоя қилиш мана шу ҳадисда айтилганидек тартибда бўлиши, саҳобалардан сўнг тобеинлар, улардан сўнг тобеут-тобеинлар ҳақларига риоя қилиш лозим бўлади. Улардан сўнг ёлғон сўзлаш ва хиёнаткорлик ёйилади, омонат йўқолади, ҳатто «фалон қавмда омонатли бир одам бор экан», дейдиган бўлинади.

ни кўрган ва менга саҳоба бўлганларга саҳоба бўлган кишилар бор экан, яхшиликда давом этаверасизлар. Аллоҳга қасамки, модомики, орангизда мени кўрганларни кўрганларни кўрган ва менга саҳоба бўлганларга саҳоба бўлганларга саҳоба бўлган кишилар бор экан, яхшиликда бардавом бўлаверасизлар»⁽⁹⁰⁾ (Абу Бакр ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да келтирган, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 3283).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлар эшитмоқдасизлар, сизлардан ҳам эшитилади, сизлардан эшитганлардан ҳам эшитилади»⁽⁹¹⁾ (Саҳиҳ сунан Абу Довуд: 3107).

90 «Яхшиликда давом этаверасизлар» деган сўзларидан мурод — нубувват даврига яқин бўлган, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, одамлар бузилса уларни тузатадиган уламолар борлиги туфайли динларингизда давом этасизлар, демакдир. Сўнгра, учинчи асрдан, яъни тобеут-тобеинлар асридан сўнг амру маъруф, наҳий мункар ва ислоҳчилик вазифасини аввалги асрлар уламоларидек ҳақиқий адо этадиган уламолар йўқлигидан ёлғонлар авж олади, бидъат ва ҳавои-хоҳишларга эргашиш ёйилади.

Мазкур ҳадислар мажмуи тақозосига кўра айтаминки, салафи солиҳ илмда ҳам, тушунчада ҳам, манҳажда ҳам, эътиқодда ҳам халафдан (яъни кейингилардан) мустаҳкамроқ ва (нуқсондан) саломатроқдирлар. Баъзи аҳли бидъат ва аҳли раъйлар айтаётгани каби «салафлар йўли саломатроқ, халафлар йўли эса мустаҳкамроқ» эмас!

Ушбу ҳадислар яна бизларга салафи солиҳнинг сўзларини улар яшаб ўтган мазкур уч аср тартибига кўра бошқаларнинг сўзларидан муқаддам қўйишни лозим қилади. Яъни, биз биринчи аср уламоларининг сўз ва тушунчаларини иккинчи аср уламоларининг сўз ва тушунчаларидан муқаддам қўйишимиз, иккинчи аср уламоларининг сўз ва тушунчаларини учинчи аср уламоларининг сўз ва тушунчаларидан муқаддам қўйишимиз, учинчи асрда яшаб ўтган уламоларнинг сўз ва тушунчаларини эса кейинги аср ва даврлар уламоларининг сўз ва тушунчаларидан муқаддам қўйишимиз лозим. Бу сўз, албатта, Китобу Суннатдан бўлган, улардан бирларининг сўзларини бошқаларининг сўзларидан қувватли санашимизга имкон берувчи насс (очик далил)лар бўлмаган ҳолатга тегишли. Аммо, саҳиҳ ва сариҳ далил турганда, ундан юз ўгириб, бошқа бировнинг сўзига — у салаф бўладими, халаф бўладими, ким бўлишидан қатъий назар — юз буриш асло жоиз бўлмайди.

91 Ушбу ҳадис бир неча мазмун ва маъноларга далолат қилади. Жумладан:

а) илм санад билан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб борувчи саҳиҳ иснод-ровийлар силсиласи воситасида олинади;

б) санад ҳадисни эшитган киши уни айтиб берган кишидан бевосита эшитиши билан собит бўлади;

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

в) саҳобалар разияллоху анхум Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан кейинги авлодлар ўртасини боғловчи ҳалқадирлар, агар шу ҳалқа йўқ бўлса ёки тушириб қолдирилса — рофизий шиъалар даъватчилари қилгани каби — уммат Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан уланишдан ва саҳиҳ илм билан боғланишдан маҳрум бўлади;

г) саҳобаларнинг ҳамда Набий соллаллоху алайҳи ва салламни кўрмаган, бироқ, саҳобаларга саҳоба бўлмиш тобеинлар адолатининг собит бўлиши ва бу ҳақда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: *«улар эшитадилар ва ўзларидан кейингиларга эшиттирадилар»* деб гувоҳлик беришлари. Бу гувоҳлик Набий соллаллоху алайҳи ва саллам томонидан уларга илмни ўзларидан кейингиларга етказишга ижозат мақомидадир.





ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Ота-онага яхшилик қилиш, чиройли муомала қилиш, улар билан доим алоқада бўлиш, алоқани узмаслик, уларга тавозели бўлиш, яхши ишларда уларга осий бўлмаслик уларнинг фарзанд устидаги ҳақларидандир.

Аллоҳ таоло айтди:

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма⁽⁹²⁾ ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбия-

92 Киши ота-онасига жеркиш ва малолланишни ифода этувчи ибораларнинг энг энгилли бўлмиш «уф» деган сўзни айтишики жоиз бўлмас экан, уларни арзимас сабаблар билан уриш ва ёмон сўзлар билан ҳақоратлашга журъат қиладиган кимсалар ҳақида нима дейиш мумкин?! Кейинги пайтларда бизга салибчи ғарбдан ёмон бир одат кириб келди. Яъни, баъзи кимсалар фарзандлик бурчини адо этишдан қочиб — ёки танноз хотинининг зуғумлари остида — ота-оналарини кексайган пайтларида фарзанду набираларидан узоққа — қариялар уйларига олиб бориб ташлайдиган бўлдилар!!

лаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил!)» (Исро: 23-24).

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга... яхшилик қилингиз!» (Нисо: 36).

«Биз инсонга ота-онасини (яъни уларга яхшилик қилишни) **амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди** (яъни қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур) **уни** (кўкракдан) **ажратиш** (муддати) **икки йилда** (келур). (Биз инсонга буюрдикки), **«Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз Ўзимга қайтажаксан!»** Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни қиёмат кунда) Ўзимга қайтурсизлар, бас, мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман» (Луқмон: 14-15).

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (яъни ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин, уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо) **агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни** (яъни сохта «худо»ларни) **Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин!** (Барчангиз) **Менга қайтурсиз, бас** (ана ўша кунда) **Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман»**⁽⁹³⁾ (Анкабут: 8).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, қайси амал Аллоҳга энг суюмли?» деб сўрадим. У зот: *«Вақтида ўқилган намоз»* — дедилар. «Кейин қайси?» дедим. *«Ота-онага яхшилик қилиш»* — дедилар. «Кейин қайси?» дедим. *«Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш»* — дедилар (Мутта-факун алайҳ).

93 Оят шунга далил бўладики, ота-онанинг фарзанд устидаги ҳақлари ҳар қанча катта бўлишига қарамай, уни Аллоҳ таолонинг маъсиятига буюришлари асло жоиз бўлмайди. Чунки, Холиққа маъсият бўладиган ўринда махлуққа итоат қилинмайди. Шунингдек, ҳозирда кўпчилик ота-оналар фарзандлари бошига бирон кўргилик тушишидан кўрқиб ёки бошқа арзимас ва номақбул сабаб ва баҳоналар билан қилаётганлари каби уни шаръий фарзу вожибларни қилмасликка буюрсалар, бунда ҳам уларга итоат этиши жоиз эмас. Зеро ота-онанинг ғазабидан кўра Аллоҳнинг ғазабини риоя қилиш лойиқроқ.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Фарзанд отасининг ҳаққини ҳеч қачон ўтай олмайди, фақат қачонки уни қул ҳолда топса ва сотиб олиб, озод қилсагина ўташи мумкин»* (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жиҳодга бориш учун рухсат сўраб келган эди, у зот: *«Ота-онанг ҳаётми?»*, деб сўрадилар. «Ҳа», деди. *«Унда сен ўшалар ҳаққида жиҳод қил (яъни, уларнинг розилигини топишга қаттиқ ҳаракат қил)»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Саид разияллоҳу анҳу ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ота-онанг ҳузурига қайтиб, улардан изн сўра. Агар изн берсалар жиҳодга чиқ, бўлмаса (хизматларини қилиш билан) уларга яхшилик қил»*, дедилар⁽⁹⁴⁾ (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *«Эй Расулуллоҳ, мен сиз билан ҳижратга байъатлашиш учун келдим. Лекин ота-онамни йиғлаган ҳолда қолдирдим»*, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Улар ҳузурига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай қолдиргин»*, дедилар⁽⁹⁵⁾ (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий 3881).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо айтади: Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *«Мен сизга ҳижрат ва жиҳод қилишга байъат бериш учун келдим, Аллоҳдан ажр истайман»*, деди. *«Ота-онангдан бирорталари ҳаётми?»*, деб сўрадилар. «Ҳа, иккалови ҳам ҳаётлар», деб жавоб берди. *«Аллоҳдан ажр истайсанми?»*, дедилар. «Ҳа», деди. *«Ота-онанг олдига қайтиб, уларга гўзал муомалада бўл»*, деб буюрдилар (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Хор бўлсин! Хор бўлсин! Хор бўлсин!»*, дедилар. *«Ким ё Расулуллоҳ?»* деб сўралди. *«Ким ота-онасидан бирини ёки*

94 Ҳадисдан маълум бўладики, жиҳод фарзи кифоя бўлган ҳолатда ота-онага хизмат ва уларга яхшилик қилиш билан машғул бўлиш жиҳоддан муқаддам ўринда туради, чунки уларга яхшилик қилиш фарзи айнди. Фарзи айн эса фарзи кифоядан муқаддам туради. Аммо жиҳод фарзи айнга айланган ҳолда у шак-шубҳасиз, муқаддам қўйилади.

95 Бу ва шу маънодаги ҳадислар ҳижрат мандуб (мустаҳаб) бўлган ва киши ўз диёрида динини бемалол изҳор қилишга қодир бўлган ҳолатга ҳамл қилинади. Аммо ҳижрат фарз бўлган ҳолатда Холиқнинг маъсиятида махлуққа тоат қилинмайди.

ҳар иккаласини кексайган пайтларида топса-ю, (уларни рози қилмагани сабабли) жаннатга кирмаса», дедилар (Муслим ривояти).

Жобир ибн Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилиб айтдилар: «Жибрил келиб: «Эй Муҳаммад, ким ота-онасидан бирини топган бўлса-ю, (уларни рози қилмасдан) дўзахга кирган бўлса, Аллоҳ уни узоқ қилсин, «омийн» денг» деган эди, «омийн» дедим (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2491).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоятида: «Ким ота-онасини ёки улардан бирини топган бўлса-ю, уларга яхшилик қилмасдан вафот этиб дўзахга кирган бўлса, Аллоҳ уни узоқ қилсин, «омийн» денг» деган эди, «омийн» дедим. (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2492).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоятида: «Ким ота-онасини ёки улардан бирини топган бўлса-ю, уларга яхшилик қилмаган бўлса, дўзахга кирсин ва Аллоҳ уни узоқ қилсин» деган эди, «омийн» дедим. (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2495).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Парвардигорнинг розилиги отанинг розилигидадир, Парвардигорнинг ғазаби отанинг ғазабидадир» (Термизий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2501).

Бир ривоятда: «Парвардигор таборака ва таолонинг розилиги ота-онанинг розилигида, Аллоҳ таборака ва таолонинг ғазаби ота-онанинг ғазабидадир» (Баззор ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2503).



Ота-онага яхшилик қилиш — Аллоҳ таолога восита қилинадиган улўғ амаллардандир.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Уч киши йўлда боратуриб, ёмғир остида қолишди ва тоғ устидаги бир ғорга киришди. Шунда тоғдан бир катта харсанг думалаб тушиб, ғор оғзини тўсиб қўйди. Улар бир-бирларига: Сизларни бу харсангдан солиҳ амалларингизни восита қилиб Аллоҳга дуо қилишингизгина қутқариши мумкин, дейишди. Улардан бирлари деди: «Эй Аллоҳим, менинг кекса ота-онам бор эди. Мен ҳар кун кечқурун сут соғиб аввал ота-онамга

ичирар, сўнг бола-чақамга берардим. Бир куни бир иш билан ушланиб қолиб, кеч келсам ота-онам ухлаб қолган эканлар. Уларга сутларини соғиб олиб кирсам ухлашаётган экан. Уларни уйғотишни истамадим, болаларим оёқларимга ёпишиб йиғлашарди. Улардан аввал бола-чақамга сут беришни ҳоҳламадим-да, қўлимда кеса билан то тонг отгунча уларнинг уйғонишларини кутиб турдим. Улар уйғонгач сутларини ичдилар. Эй Аллоҳим, шу ишни Сенинг Юзингни истаб қилган бўлсам, биздан бу харсангни очгайсан.» Шунда харсанг улар чиқиб кетиша олмайдиган даражада бир оз очилди...» (Муттафақун алайх).



Отага нисбатан риоя қилиниши лозим бўлган одоблар

Урвадан ривоят қилинади: Абу Ҳурайра икки кишини кўриб, бирларидан: «Бу киши сенга ким бўлади?» деб сўради. У: «Отам», деди. Шунда Абу Ҳурайра: «Уни номини атаб чақирма, олдига тушиб юрма ва ундан аввал ўтирма!», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 32).

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бирон киши мажлисда ота-бола ўртасига ўтирмасин*»⁽⁹⁶⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3556).



Отасининг вафотидан кейин унинг ҳаққига дуо қилиши, унинг номидан садақалар қилиши, отасининг ёру дўстлари билан борди-келди қилиши, уларни иззат-икром қилиши фарзанднинг отага нисбатан яхшиликларидан ҳисобланади.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Киши отасининг вафотидан кейин*

96 Ўтиришларда ота-боланинг ўртасига ўтиришдан қайтаришдаги ҳикмат шу бўлса керакки, ота кўп ишларда фарзандининг ёрдамига муҳтож бўлади, улар ўртасига бошқа бировнинг ўтириши ота эҳтиёжини фарзандига осонлик билан етказишига тўсиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ёнида фарзанди бўлиши ота учун ёқимли ва кўнглига мос иш бўлади.

унинг дўсту ёрлари билан борди-келди қилиши унга қилган энг катта яхшилиги бўлади» (Муслим, Термизий, Абу Довуд, Аҳмад ривоятлари).

Абу Бурдадан ривоят қилинади: Мадинага келганимда Абдуллоҳ ибн Умар ҳузуримга келди ва: «Нега олдингизга келганимни биласизми?» деб сўради. Мен: «Йўқ» деб жавоб бердим. У деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Ким қабрда ётган отаси билан силайи раҳм қилишни истаса, отаси ўтганидан сўнг унинг биродарлари билан алоқа қилсин»* деганларини эшитганман. Менинг отам Умар разияллоҳу анҳу сизнинг отангиз билан биродар эдилар. Мен ўша алоқани тиклашни истадим» (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2506).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отангнинг дўсти билан алоқа қилишинг яхшиликдандир»* (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомийс-сағир: 5901).

Абу Усайддан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида эдим, Бану Саламалик бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, ота-онам ўтиб кетишган, ортларидан уларга бирон яхшилик қила оламанми?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ҳа, уларга салот (дуо) йўллайсан, ҳақларига истиғфор айтасан, қилган аҳдларини ижро қиласан, дўстларини иззат-икром қиласан, қариндошлари билан алоқа қиласан»* — дедилар. Ҳалиги одам: «Нақадар кўп ва нақадар яхши!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Шуларга амал қил»* — дедилар (Ибн Ҳиббон ривояти, Ҳоким саҳиҳ санаган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: «Вафотидан сўнг маййитнинг даражаси кўтарилади. Шунда у: «Эй Роббим! Бунинг сабаби нима?» деб сўрайди. «Фарзандинг сенга истиғфор айтди» дейилади (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 27).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан»* (Муслим ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, онам бирон васият қилмай вафот этди, унинг номидан садақа қилсам унга фойдаси тегадими?» деб сўради. «Ҳа» деб жавоб бердилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 30).



Ота ўз фарзандидан бошқа бировлар ҳақли бўлмаган нарсаларга ҳам ҳақли бўлади, фарзанд ва унинг қўлидаги бор мол-мулки отаники ҳисобланади... Ота-онасининг хизматини қилган кишининг фазли.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Берган ҳадя ё совғасини қайтариб олиш ҳеч кимга ҳалол бўлмайди, фақат ота фарзандига берган нарсасини қайтариб олса жоиз. Ҳадя бериб кейин қайтариб оладиган одамнинг мисоли еб тўйганидан сўнг қусадиган, кейин ўша қусуғини яна қайтиб ейдиган итга ўхшайди»* (Аҳмад ва «Сунан» соҳиблари ривоят қилганлар, Саҳиҳул-жомииис-сағир: 7655).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кишининг энг покиза емиши касби ортидан топган (ризқ)идир. Фарзанди ҳам кишининг касбидандир»* (Ибн Можа, Насоий ривоятлари).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кишининг фарзанди унинг касбидан, энг покиза касбидан. Ўз молларингиздан еяверингиз»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3014).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *«Ё Расулуллоҳ, менинг мол-давлатим ва бола-чақам бор. Отамнинг ҳам молимга эҳтиёжи бор»* деган эди, *«Сен ҳам, молинг ҳам отангникидир. Фарзандларингиз энг покиза касбларингиздан. Шундай экан, фарзандларингизнинг касбидан еяверингиз»* — дедилар (Ибн Можа, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3015).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Фарзандларингиз Аллоҳнинг сизларга ҳадясидир, «У Ўзи хоҳлаган кишига қизлар ҳадя этади ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғиллар ҳадя этади»* (Шўро: 49), улар ҳам, уларнинг моллари ҳам агар эҳтиёжингиз бўлса сизларникидир» (Ҳоким ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2564).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ота-онаси учун саъй-ҳаракат қилса, у Аллоҳ йўлида. Ким бола-чақаси учун саъй-ҳаракат қилса, у ҳам Аллоҳ йўлида. Ким ўз нафси учун уни пок сақлаш мақсадида саъй-ҳаракат қилса, у ҳам Аллоҳ йўлида. Ким мол-дунё кўпайтириш учун саъй-ҳаракат*

қилса, у шайтон йўлида». Бир ривоятда: *«тоғут йўлида»*. (Баззор, Табароний, Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3248).

Куфр ва ширк устида бўлган ота-онага яхшилик қилиш

Асмо бинт Абу Бакр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида онам мушрика ҳолида меникига келди. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Онам (бирон нарса берармикин деган) илинжда кепти, мен у билан алоқа қилаверайми?», деб сўрадим. *«Ҳа, онанг билан алоқа қилавер»*, деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Нифоқнинг боши бўлмиш Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бир дарахт соясида ўтирганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ёнидан ўтиб кетдилар, у: «Абу Кабшанинг ўғли бизга чангитиб кетди» деди. Шунда унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Сизни иззат-икром қилган ва сизга Китоб туширган Зотга қасамки, агар сиз истасангиз унинг калласини олиб келаман» деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Йўқ, аксинча, отангга яхшилик қил ва унга чиройли муомалада бўл»* — дедилар (Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3223).

Фарзанд устида онанинг ҳақи кўпроқ, фарзандининг чиройли муомаласига она ҳақлироқ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, менинг яхшилгимга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. *«Онанг!»* — дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. *«Онанг!»* — дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. *«Онанг!»* — дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. *«Кейин отанг!»* — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Муовия ибн Жоҳима разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Жоҳима разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Эй Расулulloҳ, мен жиҳод қилишни истаб, сиздан маслаҳат

сўраб келдим», деди. «*Онанг борми?*» — дедилар. «Ҳа», деди. «*Уни (хизматини) лозим тут. Зеро, жаннат унинг оёқлари олдидадир*», дедилар (Аҳмад, Насоий, Байҳақий ривоятлари).

Бир ривоятда: «*Уни (хизматини) лозим тут. Зеро, жаннат унинг оёқлари остидадир*», дедилар (Саҳиҳул-жомиис-сағир: 1249).

Бир ривоятда: «*Унинг оёғини маҳкам тут. Жаннат ўша ердадир*» (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 1248).

Бир ривоятда: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ота-онанг борми?*» — дедилар. «Ҳа», деди. «*Уларни (хизматини) лозим тут. Зеро, жаннат уларнинг оёқлари остидадир*», дедилар (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2485).

Абу Айюб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «*Ким она-болани бир-биридан айирса, қиёмат куни Аллоҳ уни суюкли кишиларидан айириб юборади*»⁽⁹⁷⁾ (Аҳмад, Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 6412).

Муовия ибн Ҳайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Онангга, яна онангга, яна онангга, кейин отангга, кейин бошқа қариндошларингга (яхшилик қил)*», дедилар (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 1399).

Саъсаъа ал-Мужошибий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Онангга, отангга, опа-синглингга*»⁽⁹⁸⁾, *ака-укангга ва бошқа яқинларингга (яхшилик қил)*», дедилар (Табароний, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 1400).

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Аллоҳ таоло оналарингизга (яхшилик қилишга) буюради, яна оналарингизга (яхшилик қилишга) буюради, кейин оталарингизга (яхшилик қилишга) буюради, кейин бошқа яқинларингизга (яхшилик қилишга) буюради* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 44).

Абу Бурдадан ривоят қилинади: Яманлик бир киши онасини елкасида кўтариб, Каъбани тавоф қилдира туриб Ибн Умар разияллоҳу анҳу-

97 Ҳадис далолатига кўра, ота-она ажрашиб кетган ҳолда бола тарбиясига она ҳақлироқ бўлади.

98 Ҳадис опа-сингилнинг ҳаққи ака-уканинг ҳаққидан муқаддам қўйилишига далил бўлади.

дан: «Эй Ибн Умар, нима дейсиз, онамнинг ҳаққини адо қилдимми?», деб сўради. Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Битта тўлғоқ ҳаққини ҳам адо этмадинг» деб жавоб берди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 8).

Умму Ҳониъ бинт Аби Толибнинг озод қилган қули Абу Муррадан ривоят қилинади, у Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу билан бирга унинг Ақиқдаги ер-мулкига борди. У ерга кириб бораркан, (Абу Ҳурайра) бор овози билан: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, эй она-жон!», деди. Онаси унга жавобан: «Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ», деди. «Мени кичиклигимда қандай тарбия қилган бўлсангиз, Аллоҳ сизга ҳам худди шундай меҳр-шафқат кўрсатсин, она-жон!», деди. «Эй болам, қариган чоғимда менга қандай мурувват кўрсатган бўлсанг, Аллоҳ сени ҳам ўшандай мукофотласин ва сендан рози бўлсин» деб жавоб берди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 11).

Қариндошлар билан алоқа қилиш ризқнинг мўл-кўл ва умрнинг зиёда қилинишига сабабдир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Кимда-ким Аллоҳ унинг ризқини улуғ ва умрини зиёда қилишини истаса, силаи раҳм (қариндошлари билан алоқа) қилсин»*⁽⁹⁹⁾ (Муттафақун алайҳ).

Салмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қазони фақат дуо қайтаради, умрни эса яхшилик узайтиради»* (Термизий ва Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомии-сағир: 7687).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ризқи мўл-кўл қилинишини ва умри узайтирилишини истаса, силаи раҳм қилсин!»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 1485).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким умри узайтирилишини ва ризқи зиёда қилинишини истаса, ота-онасига яхшилик қилсин ва қариндошлари билан алоқа қилсин!»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2488).

99 Кишининг энг яқин қариндоши унинг отаси ҳисобланади.

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Савоби энг тез бўлган тоат-ибодат силаи раҳмдир. Ҳатто бир хонадон аҳли фожир бўлганлари ҳолда бир-бирлари билан алоқа қилиб, моллари кўпаяди ва сонлари зиёда бўлади»*⁽¹⁰⁰⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомии-сағир: 5705).

Саҳл ибн Муоз отасидан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ота-онасига яхшилик қилган одамга жаннат бўлсин, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилсин»* (Ҳоким «Мустадрак»да саҳиҳ санаган (4:154), Заҳабий унга қўшилган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қариндошларингиз билан алоқа қиладиган даражада насабларингизни ўрганингиз! Зеро, силаи раҳм хонадон аҳлининг муҳаббатига, мол-дунёнинг кўпайишига ва умрининг зиёда бўлишига сабабдир»* (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2520).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқа қилсин»* (Муттафақун алайҳ).

100 Мазкур ҳадисларни тушунишда баъзилар қийналадилар ва «инсоннинг умри яратилишидан илгари белгилаб қўйилган бўлса, унинг ажали бирон дақиқа аввал ҳам, кейин ҳам келмаса, қандай қилиб яхшилик ва силаи раҳм сабабли унинг умри уза йиши мумкин?» дейишади. Жавоб шуки, бу икки иш ўртасида зиддик йўқ, зеро силаи раҳм қиладиган одам ҳали яратилмасдан туриб Аллоҳнинг илмида унинг силаи раҳм қилиши маълум бўлган, демак Аллоҳ уни яратмасидан туриб умри зиёда бўлишини тақдир қилиб қўйган. Агар силаи раҳм қилувчи бўлмаса эди, унга бу зиёдалиқ бўлмаган бўларди.

(Таржимондан: Уламолар юқорида ўтган ҳадислардаги «умри узайтирилиши» иборасини шарҳлар эканлар, баъзилари умри узайтирилиши ҳақиқий маънода бўлмаслигини, зеро бу Аллоҳ таолонинг **«Ажаллари етиб келганида уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, муқаддам ҳам қила олмайдилар»** (Аъроф: 34, Юнус: 49, Наҳл: 61) оятига зид келишини айтиб, ушбу иборани «унинг умрига барака берилади, яъни Аллоҳ таоло ҳаётини буткул хайрли ишлар ва тоат-ибодатлар билан ўтказишга муваффақ қилиб қўяди», «вафотидан сўнг узоқ вақтлар номи яхшилик билан эсланади», «ортидан дуо қиладиган солиҳ фарзандлар ва қариндош-уруғлар билан насибадор қилинади» каби маъноларда шарҳлаганлар. Баъзилари эса ҳақиқий маънода ҳам умри узайтирилиши мумкинлигини, бу Аллоҳ таолонинг илмига хос нарсга бўлиб, Ул зот ўз ҳузурида: «ушбу банданинг умри шунча, бироқ ихтиёрий ҳаётида мана бундай амалларни қилса, умрига шунча қўшилади» деб ёзиб қўйган бўлиши мумкинлигини айтганлар. Қаранг: «Фатҳул Борий», 5526-рақамли ҳадис шарҳи.)



Алоқани узган яқинларга ҳам силаи раҳм қилиш ва ғаразғўй қариндошга садақа қилишнинг фазли ҳақида

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга яқинларим алоқани узсалар ҳам улар билан алоқа қилишни буюрдилар (Табароний ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2525).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ҳақиқий силаи раҳм қилувчи киши қариндошлари тарафидан унга қилинган алоқага жавоб тариқасида алоқа қилаётган одам эмас, балки улар тарафидан алоқа узилган пайтда алоқа қилган одамдир»* (Бухорий ривояти).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг қариндошларим бор, мен уларга алоқа қиламан, улар мендан алоқани узишади. Мен уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қилишади. Мен уларга ҳалимлик қиламан, улар менга жоҳиллик қилишади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Агар ўзинг айтаётганингдек бўлсанг, гўёки сен уларга қайноқ кул едирыпсан экан (яъни, улар оғзига чўғ солинган одам каби алам-оғриққа дучор бўлишади) ва модомики шу ҳолда давом этар экансан, улар қаршисига Аллоҳ тарафидан бир ёрдамчи сен билан бирга бўлаверади»* (Муслим ривояти).

Умму Қулсум бинт Уқба разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг афзал садақа ғаразғўй (кекчи, адоват қилувчи) қариндошга қилинган садақадир»*⁽¹⁰¹⁾ (Табароний ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2535).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан учрашиб, у зотнинг қўлларидан тутдим ва: «Ё Расулуллоҳ, менга энг фазилатли амаллар ҳақида хабар беринг» дедим. «Эй Уқба! Сен билан алоқасини узган яқининг билан алоқангни тикла. Сени маҳрум этган кимсага сен инъом эт. Сенга зулм

101 Чунки, бундай кимсага садақа қилиш бир тарафдан силаи раҳм бўлса, иккинчи тарафдан унинг қалбидаги мараз ва адоватни даволаш бўлади. Зеро, садақот бериш кўпинча уни олувчи кишининг қалбидаги адоват ва нафратни кетказишга сабаб бўлади. Натижада бу билан икки ажр — силаи раҳм ажри ва ҳалиги кишининг қалбини даволаш ажри ҳосил бўлади.

ўтказганни афв қил», дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2536).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтадилар: «Насл-насабларингизни ёдда сақлангиз, қариндошларингиз билан алоқа қилиб турасизлар. Зеро, қариндошлик алоқаси яқин бўлганида масофа узоқ бўлса ҳам узоқлик йўқдир, қариндошлик алоқаси узоқлашганда масофа яқин бўлса ҳам яқинлик йўқдир. Қариндошлик алоқаси қиёмат куни ўз эгаси олдига туриб, агар уни боғлаган бўлса боғлаган деб, узган бўлса узган деб гувоҳлик беради» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 54).

Сувайд ибн Омир ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саломлашиш билан бўлса-да, қариндошлик алоқасини жонлантириб туринглар», дедилар⁽¹⁰²⁾ (Вакиъ «Зухд»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1777).

Қариндошига бахиллик қиладиган одам ҳақида

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир қариндош қариндоши олдига келиб, Аллоҳнинг унга ато этган фазлу марҳаматидан сўраганида у унга бахиллик қилса, қиёмат куни у учун жаҳаннамдан «Шажоъ» деб аталмиш, тилини ўйнатиб турувчи катта бир илон чиқарилади, у унга ўралиб олади (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2548).

Силаи раҳм гуноҳларга каффорат бўлади

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, мен бир ёмон гуноҳ қилдим, қандай тавба қилсам бўлади?», деб сўради.

102 Силаи раҳм энг камида саломлашув билан амалга ошади, бу эса истаган одамга, ўртадаги масофа ҳар қанча узоқ бўлмасин, имкони бўлган ишдир. Узоғингизни яқин қилувчи турли-туман алоқа воситалари кенг тарқалган ҳозирги даврда ота-она ва қариндошлари билан алоқа қилмайдиган одамга асло узр йўқ!

«*Онанг борми?*», деб сўрадилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «*Йўқ*», деди. «*Холанг борми?*», деб сўрадилар. «*Ҳа*», деди. «*Унга яхшилик қил*», дедилар (Термизий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2504).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ҳузурига бир киши келиб: «Мен бир аёлга совчи қўйган эдим, у менга тегишга кўнмади, кейин бошқа биров совчи қўйса унга тегишга рози бўлди. Шунда мен рашк қилиб, у аёлни ўлдириб қўйдим. Тавба қилсам бўладими?» деб сўради. Ибн Аббос: «*Онанг ҳаётми?*» деб сўрадилар. «*Йўқ*», деди. «*Аллоҳ азза ва жаллага тавба қил ва қўлингдан келганича Унга ибодат қил*», дедилар.

Ато ибн Ясор айтади: Мен Ибн Аббоснинг олдига бориб: «Нега она-сининг ҳаётми, йўқлиги ҳақида сўрадингиз?» деган эдим, «Мен онага яхшилик қилишдан кўра Аллоҳга яқин қилувчи бирон амални билмайман» деб жавоб берди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 4).

Тойсала ибн Майёсдан ривоят қилинади: Мен ҳарурий ва хаворижлардан бўлган Нажда қавми билан бирга бўлиб, уларда ўз фикримча гуноҳи кабира деб кўрган ишларни учратдим. Ибн Умарга бу ҳақда айтган эдим, у киши: «Қандай ишлар экан?» деб сўради. «Шундай-шундай ишлар», деб айтиб бердим. Ибн Умар: «Булар гуноҳи кабиралардан эмас. Улар тўққизта: Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, жиҳод майдонидан қочиш, покиза аёлни бузуқликда айблаш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, масжидда ботил иш-сўзларга бурилиш, динни масхара-лаш, оқпадар бўлиб ота-онани йиғлатиш». Ибн Умар менга яна шундай деди: «Дўзахдан кўрқасанми, жаннатга киришни истайсанми?» «Албатта», дедим. «Ота-онанг ҳаётми?», деб сўради. «Онам бор», дедим. «Аллоҳга қасамки, агар унга ширин сўзласанг, яхши едириб-ичирсанг, модомики гуноҳи кабиралардан сақланар экансан, албатта жаннатга кирасан», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 6).



Ота-онага оқ бўлиш ва улардан алоқани узиш энг катта гуноҳлардан

Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорис разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сизларга энг катта гуноҳларни айтиб берайми?*» деб уч бор такрорладилар. Биз: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. «*Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш*», дедилар, ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар ва: «*Огоҳ бўлингиз, ёлғон сўзлаш ва ёлғон*

гувоҳлик бериш», дедилар. Шундай деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Кошки сукут қилсалар» деб қолдик (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло халқларни яратиб, фориғ бўлгач, қариндошлик алоқаси ўрнидан турди. «Нима истайсан?», деди. «Мен алоқани узишдан Сендан паноҳ тиловчи мақомида турдим», деди. «Хўп, сени боғлаган одамни (Ўзимга) боғлашимга ва сени узган одамни (Ўзимдан) узишимга рози бўласанми?!», деди. «Ҳа, эй Роббим!», деди. «Унда шу нарсани сенга ато этдим», деди (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Раҳм (қариндошлик алоқаси Раҳмон таолога) томирлар бир-бирига киришиб кетгани каби яқиндир, у айтади: «Эй Роббим, мени уздилар! Эй Роббим, менга ёмонлик қилдилар! Эй Роббим, менга зулм қилдилар! Эй Роббим...! Эй роббим...!». Раҳмон таоло унга шундай жавоб беради: «Сени боғлаган одамни боғлашим ва сени узган одамни узишимга рози бўлмайсанми?! дейди». (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2530).

Саид ибн Зайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бу раҳм (яъни қариндошлик алоқаси) Раҳмонга ўзакдошдир, уни узган одамга У жаннатни ҳаром қилган» Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2532).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Миннатчи кимса, ота-онасига оқ бўлган одам ва ароққа муккасидан кетган киши жаннатга кирмайди» (Саҳиҳу сунанин-Насоий: 5241).

Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло деди: «Мен Раҳмонман, у раҳмдир, унга Ўз исмимдан исм бердим, ким уни боғласа Мен уни (Ўзимга) боғлайман, ким уни узса Мен уни (Ўзимдан) узаман» (Абу Довуд ривояти, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 1486).

Жубайр ибн Мутъим разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қариндошлари билан алоқасини узган одам жаннатга кирмайди» (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамзотнинг амаллари ҳар пайшанба — жумага ўтар кечаси — Аллоҳга арз-кўндаланг қилинади, қариндошлари билан алоқани узган одамнинг амали мақбул бўлмайди» (Аҳмад ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2538).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Раҳм (қариндошлик алоқаси) Аришга осилиб, илтижо қилади: «Ким мени боғласа, Аллоҳ унга (алоқа) боғласин, ким мени узса, Аллоҳ ундан (алоқасини) узсин»* (Муттафақун алайҳ).

Муғййра ибн Шуъба разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло оналарга оқ (итоатсиз, дилозор) бўлишни сизларга ҳаром қилди»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, Аллоҳ таоло қиёмат кунини уларга қарамайди: ота-онасига оқ бўлган одам, эркакшода аёл, даюс кимса. Уч киши борки, жаннатга кирмайди: ота-онасига оқ бўлган одам, ароққа муккасидан кетган кимса, берганини миннат қиладиган киши»* (Саҳиҳу сунанин-Насоий: 2402).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Парвардигорнинг розилиги отанинг розилигидадир, Парвардигорнинг ғазаби отанинг ғазабидадир»* (Термизий ва Ҳоким ивоятлари, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 3506).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Парвардигорнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир, Парвардигорнинг ғазаби ота-онанинг ғазабидадир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 3507).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отасини сўккан кимсага лаънат бўлсин, онасини сўккан кимсага лаънат бўлсин, Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйган кимсага лаънат бўлсин»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 5891).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Киши ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳлар жумласига киради»*, дедилар. Саҳобалар: *«Эй Расулуллоҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми?»*, деб сўрадилар. *«Ҳа, бировнинг отасини сўкади, шунда у ҳам унинг отасини сўкади. Бировнинг онасини сўкади, шунда у ҳам унинг онасини сўкади»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бида туриб ўз отасидан бошқага нисбатланса, унга жаннат ҳаромдир»* — дедилар (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ёлғон тўқувчиларнинг энг каттаси иккита: Бировни ҳажв қилса бутун қабиласи билан ҳажв қиладиган шоир ва ўз отасидан тонган одам»* (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1066).

Амр ибн Мурра ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, мен бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқлигига ва сиз Аллоҳнинг расули эканингизга гувоҳлик бердим, беш вақт намоз ўқидим, молимнинг закотини ўтадим, Рамазон рўзасини тутдим», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким мана шу ишлар устида вафот этаркан, модомики ота-онасига оқ бўлмаса, қиёмат куни пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга мана бундай туради»* деб икки бармоқларини кўтардилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2515).

❦

Қариндошлари билан алоқасини узган одам қиёмат куни уни кутиб турган хорлик ва азобдан ташқари шу дунёнинг ўзида ҳам жазосини кўради

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қариндошликни узиш, хиёнат ва ёлғончиликдан кўра Аллоҳ таоло қилувчисининг жазосини охиратга олиб қўйиши билан бир қаторда шу дунёнинг ўзида ҳам жазолашига лойиқроқ бошқа бирон гуноҳ йўқдир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 5705).

Қосим ибн Абдуррахмондан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким қариндошлик алоқасини узса ёки фожир қасам билан қасам ичса, ўлмасидан туриб унинг зиён-заҳматини албатта кўради»* (Саҳиҳул-жомиис-сағир: 6475).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Икки гуноҳ борки, уларнинг жазоси шу дунёнинг ўзидаёқ кўрилади: тажовузкорлик ва оқпадарлик»* (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1120).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Учта дуо шак-шубҳасиз ижобат*

қилинади: *мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, ота-онанинг фарзанд ҳаққиға қилган дуоси*»⁽¹⁰³⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 24).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таолоға қилинган тоат-ибодатлар ичида силаи раҳмдан кўра савоби тезроғи йўқ, тажовузкорлик ва силаи раҳми узишдан кўра жазоси тезроғи йўқ, ёлғон қасам хонадонларни қурилади (яъни, улардан аҳиллик ва баракани кўтаради)»* (Байҳақий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 978).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Фақат уч киши бешикдалиғидаёқ гапирган: Ийсо ибн Марям, Журайж воқеасидаги бола... Журайж обид киши эди, бир маконни ибодатхона тутиб, шунда ибодат билан машғул бўларди. Бир куни намоз ўқиётган пайтида онаси келиб: «Эй Журайж!» деб чақирди. Шунда у: «Эй Роббим! Бир ёқда онам, бир ёқда намозим?!» деди-да, сўнг намозида давом этаверди, онаси эса ортига қайтиб кетди. Эртасига яна намоз ўқиб турган пайтида онаси келиб: «Эй Журайж!» деб чақирди. У яна: «Эй Роббим! Бир ёқда онам, бир ёқда намозим?!» деди-да, сўнг намозида давом этаверди, онаси яна ортига қайтиб кетди. Учинчи куни яна намоз ўқиб турган пайтида онаси келиб: «Эй Журайж!» деб чақирди. У яна: «Эй Роббим! Бир ёқда онам, бир ёқда намозим?!» деди-да, сўнг намозида давом этаверди.⁽¹⁰⁴⁾ Шунда онаси: «Эй Парвардигор! Уни бузуқ хотинларнинг юзларига боқмасидан туриб вафот эттирмагайсан» деб дуойибад қилди. Бану Исроил ичида Журайж обидлиги билан ном қозонди. Ҳуснда тенгсиз бир бузуқ аёл бор эди. У: «Агар истасаларингиз, мен сизларга уни фитнага солиб, йўлдан оздириб бера оламан» деди. Сўнг Журайж ёнига борди, бироқ у унга қараб ҳам қўймади. Сўнггра у Журайжнинг ибодатхонасига келиб турадиган бир чўпон билан бузуқлик қилиб, ундан бола орттирди. Туққанидан сўнг болани Журайждан бўлган деб*

103 Шундоқ экан, ота-онангизнинг қарғишини эмас, хайрли дуосини олишга қаттиқ тиришинг! Қанча-қанча фарзандлар борки, ота-онанинг ё улардан бирининг дуоси сабабли обод дунёлари хароб ва емирилишга, заволу йўқликка юз тутган. Ота-оналарнинг фарзандга қилган дуоибадлари умрларни завол топтиради, ризқларни қияди. Оқпадар бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг!

104 Демак, онанинг қақирғига жавоб бериш фарз, уни нафл намоздан муқаддам қўйилади. Намознинг фарзлиги онанинг қақирғига жавоб бериш фарзлигидан муқаддам турмайди, фақат қачонки фарз намоз вақти чиқиб кетиш хавфи бўлгандагина муқаддам қўйилади.

даъво қилди. Шундан сўнг одамлар Журайжни ибодатхонадан чиқариб дўппосладилар, ибодатхонани эса бузиб ташладилар. Журайж бунинг сабабини сўраганида унга: «Сен манави фоҳиша билан бузуқчилик қилдинг, у сендан бола ҳам орттирди» дейишди. «Қани ўша бола?» деб сўради. Болани олиб келишгач: «Менга имкон беринглар, намоз ўқиб олай» деди. Намоз ўқиб бўлгач, боланинг олдига келиб, унинг қорнига нўқиб: «Эй бола! Сенинг отанг ким?» деб сўради. Бола: «Фалончи чўпон» деб жавоб берди. Шунда одамлар Журайжни қучоқлаб, ўпа кетдилар. Унга: «Ибодатхонангни олтиндан қуриб берамиз» дейишди. У: «Йўқ, олдингидек, лойдан қуриб беринглар» деди. Улар айтганидек қилиб қуриб беришди» (Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Журайж ибодатхонада ибодат билан машғул эди, онаси келди — шундан сўнг Абу Хурайра Журайжнинг онаси уни чақирган пайтдаги ҳолатини, қўлини қошлари устига қандай қўйганини, сўнг бошини тепага қандай қаратиб чақирганини Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам сифатлаб берганларидек тасвирлаб берди — ва: «Эй Журайж! Мен онангман, менга жавоб бер» деди. Кейин уни намоз ўқиётган ҳолда топди, у: «Эй Парвардигор! Бир ёнда онам ва бир ёнда намозим?!» деди ва намозни ихтиёр қилди. Онаси қайтиб кетди. Сўнги иккинчи бор келиб, яна: «Эй Журайж! Мен онангман, менга жавоб бер» деди. У яна: «Эй Парвардигор! Бир ёнда онам ва бир ёнда намозим?!» деди ва намозни ихтиёр қилди.

Шундан сўнг онаси: «Эй Парвардигор! Мана бу Журайж, у менинг ўғлим, мен гапирсам у менинг гапимга жавоб беришни истамади. Эй Парвардигор! Энди уни то бузуқ хотинларга назари тушмагунча вафот эттирмагайсан» деди. Агар уни фитнага гирифтор қилинишини сўраб дуо қилганида эди, у албатта фитнага дучор бўлган бўлар эди.

Бир қўйбоқар унинг ибодатхонасини ўзига бошпана тутган эди. Ана шу чўпон қишлоқдан чиқиб келган бир аёл билан бузуқчилик қилди. Аёл ҳомиладор бўлиб, боласини туққач, ундан: «Бу нимаси? (Болани кимдан орттирдинг?)» деб сўрадилар. У: «Мана бу ибодатхонадаги одамдан» деб жавоб берди. Шунда одамлар болта ва чўкичлари билан келиб уни чақирди. У намоз ўқиётган эди, уларга жавоб бермади. Шундан сўнг ибодатхонани буза бошладилар. Буни кўргач Журайж улар олдига тушиб келди (ва бу ишлари сабабини сўради). «Мана бу хотиндан сўра!» дейишди унга. У табассум қилди ва гўдакнинг бошини силаб туриб: «Отанг ким?» деб сўради. Бола: «Отам фалончи қўйбоқар» деб жавоб берди. Боладан бу гапни эшитган одамлар: «Ўзимиз бузган бу ибодатхонани олтин-кумушдан

қайта қуриб берамиз» дейишди. Журайж: «Йўқ, аввалгидек, тупроқдан қуриб беринглар» деди ва жойига чиқиб кетди. (Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Сўнг уни олиб кетдилар. Йўлда борар экан, бузуқ хотинлар ёнидан ўтди. Уларни кўргач, табассум қилди... Подшоҳ: «Нега табассум қилдинг?» деб сўраган эди, «Таниш ҳолатни учратдим, менга онамнинг дуоси тегди» деб жавоб берди, сўнг бўлган воқеани уларга айтиб берди» (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да келтирган).

Аввом ибн Ҳавшабдан ривоят қилинади: Бир марта бир маҳаллага тушдим, маҳалла ёнида қабристон бор эди. Асрдан сўнг бир қабр ёрилиб, ундан боши ўрнида эшакнинг калласи бўлган бир одам чиқди-да, уч марта хангради, кейин қабр уни яна қайтадан бағрига олди. Ўша атрофда бир камир жун ё ип йигириб ўтирган экан. Бир аёл: «Ху анави кампирни кўраяпсизми?» деди. «Унга нима қипти?» дедим. «У ҳалигининг онаси» деди. «Унга нима бўлган ўзи?» дедим. «У ароқ ичар, уйига келганида онаси: «Эй болам, Аллоҳдан кўрк, тоқайгача ароқ ичасан?!» деб қойирди. У эса онасига: «Сен худди эшакка ўхшаб ханграяпсан» дерди. Бир куни асрдан кейин ўлди. Шундан бери ҳар куни асрдан кейин қабридан чиқиб келиб, уч марта ханграйди, кейин яна қабрига кириб кетади» деди. (Асбаҳоний ривоят қилиб, шундай дейди: «Абул-Аббос Нишопурда ҳофизлар ҳозирлигида Ал-Асомга айтиб берганида у бунинкор қилмаган», Саҳихут-тарғиб: 2517).



Аёлига итоатни ота-онага итоатдан, аёлининг розилигини ота-она розилигидан устун қўйиш ота-онага оқ бўлиш жумласидандир

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Менинг никоҳимда ўзим суйган, лекин (отам) Умар разияллоҳу анҳу ёқтирмаган бир аёл бор эди. Менга уни талоқ қилишга буюрганида мен кўнмадим. Умар разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, у зотга бунини айтиб бердилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Уни талоқ қил», дедилар» (Абу Довуд, Термизий ривоятлари).

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши унинг ҳузурига келиб: «Менинг бир аёлим бор, онам уни талоқ қилишга буюряпти», деди. Абу Дардо айтдилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ота-она жаннатнинг энг яхши-олий дарвозасидир.

Хоҳласанг бу дарвозани йўқ қил, хоҳласанг сақлаб қол» деб айтаётганларини эшитганман» (Термизий ривояти: 1900, саҳиҳ ҳадис).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўнта нарсани васият қилиб, дедилар: *«Ўлдирилсанг-да, ўтга ташлансанг-да Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирма, ота-онанг сенга аҳлинг-аёлингдан ҳам, молингдан ҳам воз кечишингни буюрсалар-да уларга итоатсиз бўлма...»* (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Саҳихут-тарғиб: 569).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг озод қилган чўрилари Умайма разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларига сув қуйиб бериб турган эдим, бир киши кириб: «Менга васият қилинг» деди. У зот: *«Бурдалансанг-да, ўтга ташлансанг-да Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирма. Ота-онангга осий бўлма. Агар улар сени аҳлингдан ва мол-дунёингдан воз кечишга буюрсалар, воз кеч»,* дедилар (Табароний ривояти, Саҳихут-тарғиб: 570).

Аллоҳнинг ғазабидан ва ота-онанинг ғазабидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз, Аллоҳдан бизларни қариндошлар билан алоқа қиладиган кишилардан қилишини, улардан алоқани узадиган кимсалардан қилмаслигини сўраймиз. У эшитувчи ва яқин Зотдир.

Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобиغا Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин.





ФАРЗАНДЛАРНИНГ ОТАЛАР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ



Фарзандининг ахлоқ-одобига, таълим-тарбиясига эътибор бериш, унга панд-насиҳат қилиш, яхши муомала қилиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, совға-саломда фарзандлар ўртасида адолат қилиш ва бунда улар ўртасини айирмаслик⁽¹⁰⁵⁾ фарзандларнинг оталар зиммасидаги ҳақларидандир

Аллоҳ таоло айтди:

«Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намозни адо қилишда) сабрли бўлинг!» (Тоҳа: 132).

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз» (Таҳрим: 6).

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огохлантиринг!» (Шуъаро: 214).

«Эсланг, Луқмон ўғлига панд-насиҳат қилар экан, деган эди: Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон: 13).

«(Луқмон деди): Эй ўғилчам, шак-шубҳа йўқки, агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (бир зарра яхши ёки ёмон амал қилинадиган)

105 Баъзан фарзандларнинг эҳтиёжларига қараб уларга бериладиган нарсалар фарқли бўлиши мумкин, бунинг ёмон жойи йўқ, иншааллоҳ. Аммо, совға-салом беришда ўғил-қизлар ўртасида тенглик бўлиши лозим. Агар ҳаммасига бирдек ҳадя беришга қодир бўлмаса, баъзиларига бериб, баъзиларига беролмаса, бермаган болаларидан изн сўраши ва уларга узр айтиши керак бўлади, валлоху аълам.

бўлса, бас у (амал) бирон харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани-да Аллоҳ (қиймат куни) келтирур. Зеро Аллоҳ сергак ва огоҳдир. Эй ўғилчам, намозни тўқис адо эт, яхшилик-ка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр-қил! Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир. Одамлардан (мутакаббирлик билан) юзингни ўгирмагин ва ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки, Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас. Юрганингда ўртача юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки, овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир». (Лукмон: 16-19).

Фарзандлар омонат, оталар бу омонатдан жавобгардирлар

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «*Ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан (қўл остингиздагилардан) масъулсиз. Имом роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Эркак киши ўзининг оиласида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Аёл киши эрининг уйида роия ва у ўз раиятидан масъулдир. Хизматчи хожасининг мол-мулкида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Хуллас, ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ўз раиятингиздан масъулсиз*» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ўз қарамоғида бўлганларни зое қилиши*⁽¹⁰⁶⁾ *кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя қилади*» (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 273).

106 Зое қилиш дегани нафақа ва эҳтиёжларини зое қилишгина бўлмай, балки уларнинг дин ва ахлоқларида зое қилиш, уларга ахлоқ-одоб ўргатмаслик ва диний таълим бермаслик, Аллоҳга ибодат қилишадими ё тоғутга сиғинишадими, бефарқ қолдир-маслик ҳамдир.

Фарзанднинг ҳали дунёга келишидан илгариги ҳақ-ҳуқуқлари

❖ Ота фарзанди учун диндор ва гўзал хулқ соҳибаси бўлган солиҳа она танлаши фарзанднинг ота зиммасидаги ҳақларидан⁽¹⁰⁷⁾

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл кишига 4 сабаб учун уйланилади: Бойлиги, насаби, ҳусни ёки дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишига ҳаракат қил, қўлинг тупроққа тўлгур⁽¹⁰⁸⁾», дедилар (Муттафакун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунё матодир ва дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир» (Муслим ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бўлажак фарзандларингиз учун (она-ни) танлангиз, ўз тенгингизга уйланинг ва (қизларингизни) ўз тенгларига узатингиз» (Ибн Можа, Ҳоким, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 2928).

Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У: «Ё Расулуллоҳ, мол-давлатнинг қайси турига эга бўлсак бўлади?» деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга шукр қилувчи қалб, Аллоҳни ёдда тутувчи (зикр қилувчи) тил ва охират ишларида ёрдам берувчи мўмина аёлга эга бўлингиз» (Саҳиҳу сунан Ибн Можа: 1505).

❖ Жинсий алоқадан олдин «Бисмиллаҳ» дейиши ва шайтондан паноҳ тилаши ҳам фарзанднинг ота зиммасидаги ҳақларидан

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *Агар бирларингиз аёли билан қўшилмоқчи*

107 Қанча-қанча оталар борки, фарзандларига солиҳ исломий тарбия беришни орзу қилишган, бироқ ноқобил аёллари сабабли бу орзулари рўёбга чиқмай қолган!

108 Яъни, агар диндорига уйланмасанг фақирликка дучор бўлгур.

бўлганда: «Бисмиллаҳ, эй Аллоҳим! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг (фарзанд)дан шайтонни йироқ қилгин», деса, ўрталарида фарзанд тақдир қилинган бўлса, шайтон у болага асло зарар етказа олмайди» (Муттафақун алайх).



Фарзандига ҳомиладор пайтида онага ҳаром таом едирмаслиги фарзанднинг ота зиммасидаги ҳақларидан⁽¹⁰⁹⁾

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳаромдан униб-ўсган эт жаннатга кирмайди, ҳаромдан унган ҳар бир эт дўзахга лойиқдир*» (Аҳмад, Доримий, Байҳақий ривоятлари).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Аллоҳ пок Зот, фақат покиза нарсаларни қабул қилади, Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюрди: «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар!»* (Муъминун: 51), «*Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар*» (Бақара: 172). Сўнгра у зот узоқ йўл босиб сочлари тўзғиган, чангга беланган, қўлларини кўкка чўзиб: «*Эй Роббим, эй Роббим!*», деб дуо қилаётган, бироқ егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида сўзлаб: «*Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?!*», дедилар (Муслим ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Абу Бакрнинг бир ғуломи унга хирож бериб турарди, Абу Бакр унинг хирожидан ердилар. У бир куни бир нима келтирди, Абу Бакр ундан едилар. Ғулом унга: «Бунинг нималигини биласизми?» деди. «Нима эди?» — дедилар. «Жоҳилият пайтида бир одамга фолбинлик қилган эдим, аслида фолбинликни яхши билмас, бироқ уни алдаган эдим, ўшанинг ҳаққини энди берди, бу еганингиз ўшандан эди», деди. Шунда Абу Бакр қўлларини оғизларига киритиб, еган барча нарсаларини қусиб юбордилар. (Бухорий ривояти).

¹⁰⁹ Фарзанд отанинг касби ва жигарбанди, агар Аллоҳ таоло уни муборақли қилишини истаса, онасининг қорнида бўлсин, туғилганидан кейин бўлсин, фақат ҳалолдан едириб-ичирсин. Ҳаром билан униб-ўсган жасадга Аллоҳ барака бермайди.

Туғилгандан кейинги ҳақ-ҳуқуқлар



Бола дунёга келган дастлабки соатларда унинг ўнг қулоғига азон айтиши, хурмони чайнаб, ширасини унинг оғзига томизиши, еттинчи куни ақиқа⁽¹¹⁰⁾ сўйиши, чиройли исм қўйиб, сочини олиши фарзанднинг ота зиммасидаги ҳақларидан

Абу Рофеъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Фотима разияллоҳу анҳо Ҳасан ибн Алиини туққанларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қулоғига намоз азонини айтганларини кўрдим» (Термизий, Абу Довуд ривояти, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4258).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига чақалоқлар олиб келинардик, шунда у зот уларга барака тилаб дуо қилар ва таҳник қилиб қўярдилар, яъни хурмони чайнаб, ширасини уларнинг танглайларига суртиб қўяр эдилар (Муслим, Абу Довуд ривоятлари).

Салмон ибн Омир ад-Доббий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Чақалоқ ақиқаси билан биргадир, унинг номидан қон чиқаринглар ва ундан озорни кетказинглар*⁽¹¹¹⁾» (Бухорий, Абу Довуд, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5877).

Самура ибн Жундаб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳар бир чақалоқ ақиқасига гаровлангандир*⁽¹¹²⁾, ақиқаси бола етти кунлик бўлганда сўйилади ва болага исм қўйилади ҳамда сочи олинади» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 2463).

110 Ақиқа янги туғилган боланинг номидан етти кунлигида сўйиладиган қўй бўлиб, ўғил болага иккита, қиз болага битта қўй сўйилади.

111 Озорни кетказиш сочини олиш билан бўлади, соч вазнида кумуш садақа қилиш суннатдир.

112 Гаровланиш маъносини уламолар: бола қиёмат куни отасига шафоатчи бўлишдан тўсиб қўйилади, деб тафсир қилишган, бундан кенгроқ маъно мурод бўлиши ҳам мумкин. Ушбу ҳадис ақиқанинг вожиблигига далолат қилувчи далиллар жумласидандир, валлоҳу аълам.

Умму Карз ал-Каъбийя разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Ўғил болага баробар катталикдаги иккита қўй, қиз болага битта қўй (сўйилади)»* деганларини эшитганман (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 2458).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Умар разияллоҳу анхунинг (عاصية) Осия (гуноҳкор) деган қизи бор эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Жамила деб номладилар (Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 1981).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Зайнаб бинт Абу Саламанинг исми аслида Барра (олийжаноб, яхшилик қилувчи) эди, *«Ўзини мақтаяпти»* деган гап бўлгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Зайнаб деб номладилар (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслим ривоятида: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ўзингизни мақтамангиз, Аллоҳ сизлардан қай бирингиз яхшилик аҳлидан эканини билувчироқдир»*, дедилар. *«Нима деб номлайлик?»* деб сўрашган эди: *«Зайнаб деб номланглар»*, дедилар.

Шурайх ибн Ҳониъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавм ўзларидан бўлган бир кишини Абдулҳажар (Тошнинг қули) деб аташаётганини кўриб, ундан: *«Исминг нима?»* деб сўрадилар. У: *«Абдулҳажар»* деб жавоб берди. *«Йўқ, сен Абдуллоҳ (Аллоҳнинг қули)сан»*, дедилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 623).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хунук исмларни ўзгартириб қўярдилар (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1980).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бизлардан бир киши ўғил кўриб, уни Қосим деб номлади. Шунда биз: *«Сени Абулқосим деб куняламаймиз»*¹¹³, сен бу шарафга лойиқ эмассан», дедик. У бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган эди, у зот: *«Ўғлингизни Абдуррахмон деб исмла»*, дедилар (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Менинг исмим билан кунямни ўзингизга жамламангиз! Мен Абулқосимман, Аллоҳ ато этади, мен тақ-*

113 Чунки, у ҳолда унинг куняси (яъни, араблар одатига кўра фарзандининг исми олдида «Абу» (отаси) ёки «Умму» (онаси) деган сўз қўшиб айтиладиган лақаби) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абулқосим деб аталувчи куняларига ўхшаб қолар эди, у зот ўз исмлари билан исмлашга изн берганлар, бироқ кунялари билан куняланишдан қайтарганлар.

симлайман⁽¹¹⁴⁾» (Бухорий «Ал-адабул-муфрад», Термизий, Ибн Ҳиббон, Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2946).



Болага таълим-тарбия⁽¹¹⁵⁾ ва одоб-ахлоқ бериши ҳам фарзанднинг ота зиммасидаги ҳақларидан

Сабра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Болани етти ёшга кирганида намозга буюринглар, ўн ёшга кирганида намоз ўқимаса уринглар!»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 508).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Болаларингизни етти ёшга кирганларида намозга буюринглар, ўн ёшга кирганда намоз ўқимасалар уринглар ва ётоқ жойларини ажратиб қўйинглар»*, дедилар (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомий: 586).

Умар ибн Аби Салама разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Ёш бола эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлим товоқ устида ўйнаётганини кўриб: *«Эй болам, «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан ва ўз олдингдан егин»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Жундаб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Ёш йигитлик давримизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлганмиз, Қуръон ўрганишдан олдин иймонни ўргандик, сўнг Қуръонни ўрганиб, у билан иймонимиз зиёдаланди»* (Саҳиҳу сунан Ибн Можа: 52).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир куни мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларига мингашган эдим, менга айтдиларки: *«Эй йигит, мен сенга ҳадя берайинми, мен сенга Аллоҳ улар билан сени фойдалантирадиган бир неча калималарни таълим берайинми? Аллоҳни ёдда тут, сени Аллоҳ ёдда тутади, Аллоҳни ёдингда тут, У зотни рўпарангда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра, агар ёрдам истасанг Аллоҳдан иста. Билгинки, қалам то қиёматгача бўладиган*

114 Қосим — тақсимловчи маъносини англатишига ишора.

115 Таълим-тарбиядан мурод асосан диний-шаръий таълим, яъни Аллоҳнинг Каломи, Пайғамбарининг суннатлари ва салафи солиҳнинг сўзларидир. Зеро, оталар дунёвий илмлар ўргатиш соҳасида маслаҳат ва тавсияга кўп ҳам муҳтож эмаслар!!!

нарсаларни ёзиб бўлган. Билгинки, бутун халойиқлар Аллоҳ сенга ирода қилмаган нарсани сен учун ирода қилсалар, унга қодир бўла олмайдилар. Билгинки, ғалаба сабр билан, роҳат эса кулфат билан биргадир, ҳар бир машаққат билан бирга бир энгиллик ҳам бордир» (Ибн Аби Осим «Сунна»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кечанинг аввалида болаларингизни кўчага чиқарманглар, чунки жин-шайтонлар ўша пайтда тарқалишади. Кечадан бир муддати ўтгач, чиқараверинглар» (Муттафақун алайҳ).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қоронғи тушган пайт болаларингизни йиғиб олинглар, чунки жинларнинг ёйилиши ва изғиши пайти бўлади» (Абу Довуд, Саҳиҳул-жомий: 4492).

Абу Саид ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким фарзанд кўрса, чиройли исм қўйсин ва яхши одоб берсин, балоғатга етгач уйлантириб қўйсин, агар балоғатга етгач уйлантириб қўймаса ва у бирон гуноҳ иш қилиб қўйса, гуноҳи отасининг бўйнига» (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Мишкотул-масобих: 3138).

 **Нафақа ва совға-саломда болалар орасида адолат қилиш ва вафоти олдидан улардан бирортасига васият қилмаслик⁽¹¹⁶⁾ ҳам фарзандларнинг оталар зиммасидаги ҳақларидан**

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: (Болалик пайтимда) отам менга бир нима ҳадя қилди. Шунда онам Амра бинт Равоҳа отамга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, у зотни гувоҳ қилинг», деди. Отам Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Мен ўғлим Нўъмонга ҳадя берсам, Амра сизни бунга гувоҳ қилишимни сўради», деди. У зот: «Ҳамма болаларин-

116 Чунки, шариат вориснинг ҳаққини кафолатлаб қўйган, бундан қўрқмаса ҳам бўлади. Меросдан муайян қисмини васият қилинган тақдирда ворислардан бошқасига қилинади. Фарзандларга васият қилиш — хусусан баъзиларига жабр бўладиган суратда — мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг ака-ука ва яқинлар ўртасида ихтилоф ва нафрат келтириб чиқарган бўларди.

гизга Нўъмонга берганча нарса бердингизми?», деб сўрадилар. У: «Йўқ», деган эди, «Бундай қилиш зулм», дедилар.

Муғийра ривоятида: «Сизга меҳр-мурувват кўрсатишда барчалари баробар бўлишини истайсизми?», дедилар. «Ҳа», деган эди, «Бу ишингизга мендан бошқасини гувоҳ қилинг», дедилар.

Мужолид ривоятида: «Сизга яхшилик қилишлари улар зиммасидаги сизнинг ҳаққингиз бўлганидек, улар ўртасида адолат қилишингиз сизнинг зиммангиздаги уларнинг ҳаққидан», дедилар.

Жобир ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унинг ака-укалари борми?», деб сўрадилар. «Ҳа», деди. «Ҳаммасига унга берган нарсани бердингизми?» деб сўрадилар. «Йўқ», деди. «Бундай қилиш ярамайди, мен фақат ҳаққа гувоҳ бўламан», дедилар (Муслим, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3029).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Болаларингиз ўртасида адолат қилинглари, ўғилларингиз ўртасида адолат қилинглари» (Муслим ривояти).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Болаларингиз меҳр-мурувват кўрсатишда сизларнинг ўртангизда адолат қилишларини истаганингиз каби сизлар ҳам ҳада беришда болаларингиз ўртасида адолат қилинглари» (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1046).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ таоло ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини бериб қўйди, ворисга васият қилиш мумкин эмас» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 2494).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эди, ўғли кириб келди. Уни ўпиб, тиззасига ўтиргизди. Кейин қизи келган эди, уни ёнига ўтиргизди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар ўртасида адолат қилмадингиз-ку?!», дедилар⁽¹¹⁷⁾ (Таҳовий «Шарҳул-маоний»да келтирилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3098).

117 «Улар ўртасида адолат қилмадингиз-ку» деган сўзларининг маъноси — ўғлингиз билан қизингизга бир хил муомала қилмадингиз, қизингизни ҳам худди ўғлингиз каби ўпиб, иккинчи тиззангизга ўтиргизишингиз керак эди, деганидир. Демак, ота ҳар бир нарсада, ҳатто ўпиш ва меҳр кўрсатишда ҳам ўғил-қизлари ўртасида адолат қилиши, бирини бошқасидан ажратмаслиги лозим бўлади.



Қизларни тарбия қилиш, уларга яхшилик қилиш ва меҳр кўрсатишнинг фазилатлари

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимки қизлар (дан бир нечтасини кўриш билан) имтиҳонга солинса, бас, у уларга яхшилик қилса улар у учун дўзахдан парда бўладилар»* (Муттафақун алайҳ).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким учта қизни таъминлаб, уларга раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват кўрсатиб, парвариш қилса, у одам жаннатда бўлади»* (Аҳмад, Баззор ва бошқалар ривояти, Силсилатул-аҳодис-сис-саҳиҳа: 2492).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким иккита қизни бўйига етгунича парвариш қилса, мен ва у жаннатга мана бундай қирамиз»* деб бармоқларини бирлаштирдилар (Муслим, Термизий ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 6391).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир мусулмоннинг иккита қизи бўлса-ю, уларни чиройли тарбия қилса, улар уни албатта жаннатга олиб қирадилар»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 57).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Ҳадя беришда болаларингизни тенг кўрингиз, агар бировни афзал кўрсам аёлларни (қизларни) афзал кўрган бўлардим»* (Ибн Ҳажар «Фатҳ»да (5:23) айтади: Саид ибн Мансур ва Байҳақий ривоят қилган, исноди дуруст).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қизларни ёмон кўрмangлар, улар қимматли ва мунисалардир»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3206).



Қизига солиҳ-яхши куёв танлаш қизнинг ота зиммасидаги ҳақларидан⁽¹¹⁸⁾

118 Кўпчилик оталарни бўлғуси куёвнинг дини ва хулқ-атворидан кўра унинг бойлиги ва мол-дунёси кўпроқ қизиқтиради, улар қизларининг бахтини шунда кўришади. Натижа эса улар кутганидан бошқача бўлиб чиқади ва охир-оқибат қизларининг ва набираларининг дину ахлоқларини бой бериб қўйишади.

Аллоҳ таоло айтди: **«Шубҳасиз, озод мушрикдан — гарчи у сизга ёқса-да, — иймонли қул яхшироқдир. Улар (мушриклар) дўзахга чақирадилар. Аллоҳ Ўз изни-иродаси билан жаннатга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади»** (Бақара: 221).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар хулқи ва дини сизни қониқтирадиган киши совчи юборган бўлса унга (қиз-жувонларингизни) турмушга узатинг. Шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва кенг қамровли фасод вужудга келади»* (Саҳиҳу сунани Ибн Можа: 1601).

Саҳл разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир бадавлат одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан ўтган эди, у зот: *«Бу одам ҳақида нима дейсизлар?»* деб сўрадилар. Саҳобалар: *«Совчи қўйса куёв қилинишга, бировнинг ўртасига тушса шафоати мақбул саналишга, гапирса гапига қулоқ солинишга муносиб одам»*, деб жавоб беришди. У зот индамадилар. Кейин мусулмонларнинг камбағалларидан бўлган бир одам ўтиб қолди. У зот: *«Бу одам ҳақида нима дейсизлар?»* деб сўрадилар. *«Совчи қўйса рад қилинишга, бировнинг ўртасига тушса шафоати мақбул саналмасликка, гапирса гапига қулоқ солинмасликка лойиқ одам»*, деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мана бу ҳалигидақалардан ер юзи тўласидан кўра яхшироқдир»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг яхши никоҳ (маҳр ва сарфлари) энг енгил бўлгандир»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 1859).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўз тенгингизга уйланинг ва (қизларингизни) ўз тенгига узатинг»* (Ибн Можа, Ҳоким, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 2928).



Фарзандларни дуоибад қилишнинг ёмонлиги

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўзингизни баддую қилманглар, фарзандларингизни баддую қилманглар, молларингиз зиёнига*

дуо қилманглар, Аллоҳдан бирор ато сўралса ижобат қиладиган соатга тўғри келиб қолишингиз мумкин» (Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўз зиёнингизга дуо қилманглар, фарзандларингиз зиёнига дуо қилманглар, ходимларингиз зиёнига дуо қилманглар, молларингиз зиёнига дуо қилманглар, Аллоҳдан ато этиш соатига тўғри келиб қолсангизлар, дуоингиз ижобат бўлиб кетади» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 1356).

❖ **Ота овқатига шерик бўлишидан қўрқиб ўз фарзандини ўлдириши энг катта гуноҳлардан**⁽¹¹⁹⁾

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй инсонлар), **болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирмангизлар — уларга ҳам, сизларга ҳам Биз Ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдирмоқ, шак-шубҳасиз, катта хатодир**» (Исро: 31).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Энг улкан гуноҳ нима?», деб сўрадим. «Аллоҳ таоло сени яратган бўлса-ю, сен У Зотга (бировларни) шерик қилишинг», дедилар. «Сўнг қайси гуноҳ?», деб сўрадим. «Овқатингга шерик бўлишидан қўрқиб ўз болангни ўлдиришинг!», дедилар. «Сўнг қайси гуноҳ?», дедим. «Қўшинингнинг жуфти-ҳалоли билан зино қилишинг», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Микдод ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Болангга едирган таоминг ҳам сен учун садақадир**» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 60).

❖ **Ота фарзандларига меҳр кўрсатиши ва уларни ўпиб, эркалатишининг фазли.**

119 Камбағалликдан қўрқиб ва оиланинг кирими яна бир фарзандга етмаслигини важ қилиб ҳомиланинг олдини олиш ва уни тушириш махфий ўлдириш кўринишларидан биридир.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келган бир аъробий: «Сизлар болаларингизни ўпасизларми?! Биз ўпмаймиз!», деган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Аллоҳ дилингдан меҳр-шафқатни олиб қўйган бўлса, мен сенга нима ҳам қилиб бера оламан?!*», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ибн Алиини ўпдилар, олдиларида Акраъ ибн Ҳобис бор эди. Шунда Акраъ: «Менинг ўнта болам бор, улардан бир-рортасини ўпмаганман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қараб: «*Ким раҳм қилмаса, унга раҳм қилинмайди*», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўғиллари) Иброҳимни қўлларига олиб, ўпдилар ва ҳидладилар (Бухорий ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Мен Фотима разияллоҳу анҳодан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшовчи-роқ бирон инсонни кўрмадим. Қачон ҳузурларига у кирса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб, унга пешвоз чиқар, қўлидан ушлаб, ўпиб, ўз ўринларига ўтқизар эдилар. Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳузурига кирса, у ҳам ўрнидан туриб, у зотга пешвоз чиқар, қўлларидан ушлаб, ўпиб, ўз ўрнига ўтқизар эди (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4347).

Баро разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Бакр Мадинага янги келган пайтларида у билан бирга уйларига кирдим. Қизлари Оиша иситмалаб ётган экан, Абу Бакр унга яқинлашиб: «Тузикмисан, қизалоғим?», деб юзидан ўпиб қўйдилар (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4351).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ибн Алиига тилларини чиқарар, шунда бола тилларининг қизиллигини кўриб, уни ушламоқчи бўлиб интилар эди (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 70).

Умму Холид бинт Холид ибн Саиддан ривоят қилинади: Мен отам билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига борганман, эгнимда сариқ кўйлак бор эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*сана, сана*» — яъни, ҳасана, ҳасана (чиройли, чиройли) — дедилар. Мен у зотнинг нубувват муҳрини ўйнай бошладим. Шунда отам мени койиган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Майли, қўявер*», дедилар (Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизникига кириб турардилар, менинг кичик укамга: *«Эй Абу Умайр, не бўлди Нуғайр»*, деб ҳазиллашардилар⁽¹²⁰⁾ (Бу-хорий ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли-аёлу болаларга энг меҳрибон киши эдилар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2089).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болалар олдидан ўтсалар уларга салом берар ва барака тилаб дуо қилар эдилар (Ибн Асокир ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1278).

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб турган эдилар, Ҳасан ва Ҳусайн эғниларида қизил кўйлак, қоқилиб-туриб, қоқилиб-туриб, чиқиб келдилар. Шунда у зот (минбардан) тушиб, уларни қўлларига олдилар, сўнг яна кўтарилиб: *«Аллоҳ таоло тўғри айтди: **«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-имтиҳондир, холос»*** (Тағобун: 15), *мана бу иккаласини кўриб, сабр қилолмадим»*, дедилар, сўнг хутбада давом этдилар (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 981).

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб турган эдилар, Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумо кириб келишди, эғниларидаги қизил кўйлакларига ўралашиб йиқилишарди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларини бўлиб, (минбардан) тушиб, уларни қўлларига олдилар, сўнг минбарга кўтарилиб: *«Аллоҳ таоло тўғри айтди: **«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-имтиҳондир, холос»*** (Тағобун: 15), *мана бу иккаласини кўйлакларига ўралашиб йиқилишларини кўриб, сабрим чидамай, сўзимни бўлиб, уларни кўтариб олдим»*, дедилар⁽¹²¹⁾ (Саҳиҳу сунанин-Насоий: 1340).

Шаддод ибнул Ҳод ал-Лайсийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечки намозлардан бирида Ҳасан ёки Ҳусайнни кўтарган ҳолда олдимизга чиқиб келдилар-да, олдинга ўтиб,

120 Нуғайр — Абу Умайрнинг қушчаси эди, у ўлиб қолганди.

121 Ҳозирги замонда жума хатибларидан биронтаси гўдак болалари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайн билан қилган ишни қиладиган бўлса, одамлар бунга қандай қарашларини ва жазавага тушиб, шовқин кўтаришларини ўзингиз тасаввур қилаверинг!!!

болани ерга қўйдилар ва такбир айтиб намозга киришдилар. Саждаларидан бирида узоқ туриб қолдилар. Мен одамлар орасидан секин бошимни кўтариб қараган эдим, бола Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг устларига чиқиб олган экан, яна саждага қайтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини тамомлагач, одамлар: «Ё Расулаллоҳ, намозингиз ичида бир саждани жуда узоқ қилдингиз, ҳатто биз бирор ҳодиса юз бердимикин ё сизга ваҳий тушаяптими, деб ўйлаб қолдик» дейишди. *«Айтганларингиздан ҳеч бири бўлгани йўқ, фақат ўғлим устимга миниб олган эди, ўзи тушмагунича уни шошилтиргим келмади»* — дедилар (Саҳиҳу сунанин-Насоий: 1093).

Баро разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан разияллоҳу анҳуни елкаларида кўтарганча: *«Эй Аллоҳ, мен буни яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргайсан»*, деяётганларини кўрдим (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 63).

Яъло ибн Муррадан ривоят қилинади: Таомга таклиф қилинган эдик, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга чиқдик. Қарасак, Ҳусайн йўлда ўйнаётган экан. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлардан тезроқ юриб бориб, қўлларини ёздилар. Шунда бола уёқ-буёққа қоча бошлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазиллашиб-қувлашиб бориб, уни ушлаб олдилар. Бир қўлларини унинг иягига, бир қўлларини бошига қўйдилар, сўнг қучоқлаб туриб: *«Ҳусайн мендан, мен Ҳусайнданман, Ҳусайнни яхши кўрганни Аллоҳ яхши кўрсин, Ҳусайн умматлар ичра бир умматдир»*, дедилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 279).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хуфтон намозини ўқиётган эдик. Сажда қилганларида Ҳасан ва Ҳусайн у зотнинг устиларига чиқиб олар, бошларини кўтарганларида қўллари билан уларни секин ушлаб, аста устиларидан тушириб қўяр, яна сажда қилганларида яна чиқиб олишар эди. Намозларини тугатгач, иккаловини икки тиззаларига ўтиргизиб олдилар. Шунда мен бориб: «Ё Расулуллоҳ, уларни оналарига олиб бориб берайми?», деб сўрадим. «Йўқ», дедилар. Кейин чакмоқ чақиб қолган эди: *«Онангиз олдига боринглар»*, дедилар. Улар чакмоқ ёруғида юриб бориб, оналари олдига кириб кетишди⁽¹²²⁾ (Ҳоким ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3325).

122 Ҳозирги асрдаги мусулмонлардан кўплари пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёш болаларга бўлган муомаладаги бундай юксак ахлоқларидан нақадар

Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Саломдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Юсуф деб номладилар, қучоқларига ўтиргизиб, бошимни силадилар» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 282).

Қурра ибн Иёс разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши ўғли билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб турарди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: «*Уни яхши кўрасанми?*», деб сўрадилар. У: «Ҳа, ё Расулуллоҳ, мен уни қандай яхши кўрсам Аллоҳ сизни шундай яхши кўрсин», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни уни йўқлаб: «*Фалончининг ўғли кўринмай қолдимми?*», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, у вафот этди», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг отасига: «*Жаннат эшикларидан қай бирига бормагин, у ўша ерда сени кутиб турган бўлиши сен учун яхши эмасми?!*», дедилар. Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, бу башорат фақат унга хосми ё ҳаммамиз учунми?», деб сўраган эди: «*Йўқ, ҳаммангиз учун*», дедилар. (Аҳмад, Насоий, Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2007).

Насоийнинг бир ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирсалар, бир қанча саҳобалар у зот ёнларига келиб ўтиришар, улар ичида бир киши ҳам бўлиб, унинг кичик ёшли ўғли орқасига келиб турар, шунда у уни олдига ўтиргизиб оларди. Ўша бола вафот қилиб қолди. Отаси ўғлининг ёди билан овора бўлиб, ҳалқага келмай қўйди ва у учун кўп маҳзун бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни йўқлаб: «*Фалончи нимага кўринмай қолди?*», деб сўрадилар. «Ё Расулуллоҳ, унинг сиз кўрган ўғилчаси вафот қилди», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у билан кўришиб, ўғли ҳақида сўрадилар. Вафот этганини айтгач, унга таъзия билдирдилар, сўнг: «*Эй фалончи, қай бири сенга яхшироқ, умрингни у билан шод-хуррам ўтказишингми ёки эртага жаннат эшикларидан бири ёнига борсанг у сендан аввал у ерга бориб, сенга эшикни очиб турган бўлишими?!*», дедилар. У: «Ё Набийяллоҳ, жаннат эшигига мендан олдин бориб, уни мен учун

узоқлашиб кетишган!! Битта-яримта бола масжидда биров шўхлик қилиб, ўйнаб қолса, ўша заҳоти унга бақриб беришади ва уни ҳам, уни олиб келган одамни ҳам масжиддан қувиб солишади. Ҳатто мусулмонларнинг масжидларидан кўпларида — айниқса Покистон (ва Ўзбекистон (тарж.)) каби ажам диёрларидаги масжидларда — ёш болалар умуман кўзга кўринмайди. Бу эса ўша масжидлар мутасаддиларининг ёш болаларга қўпол муомала қилишлари натижасидир. Натижада болалар масжиддек тарбия ва маърифат ўчоқларидан узоқда улғайишади ва ҳар хил бузуқликларга гирифтор бўлишади, кейинги пушмон эса ўзингга душмандир!

очиб туриши мен учун албатта яхшироқ», деди. «Сенга худди шу нарсa бeрилади», дедилар.

Аллоҳ таолодан барчаларимизни фарзандларга инсоф кўзи билан қарайдиган, улар улғайгач бизга инсоф қилишлари учун ва қиёмат куни биз учун ажру-савобга айланишлари учун кичикликларидан уларга чиройли таълим-тарбия ва одоб берадиган кишилардан қилишини сўраймиз. У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир. Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар йўлласин.





ЭРНИНГ АЁЛИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Эрнинг аёли устида бир неча ҳақ-ҳуқуқлари бўлиб, яхши ишларда унга итоат қилиши ва осий бўлмаслиги, тўшагига чақирганда йўқ демаслиги, йўқлигида ўз иффат-номусини ва унинг мол-мулкани асраб-авайлаши, фарзандларини раҳм-шафқат ва меҳр-муҳаббат билан тарбия қилиши шулар жумласидандир

Аллоҳ таоло айтди:

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардурлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар — яхши хотинлардир» (Нисо: 34).

«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум: 21).

«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг» (Бақара: 223).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одам авлодидан ҳар бири саййид (раҳбар)дир, эркак киши ўз оиласининг саййиди, аёл киши уйининг саййидаси (бекаси)дир» (Саҳиҳул-жомий: 4565).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз. Амир роий, эркак киши ўзининг оиласида роий, аёл киши эрининг уйи ва фарзандларига роия. Ҳар бирингиз роий ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, Рамазонда рўзасини тутса, номусини (ҳаромдан) сақласа ва эрига итоат қилса, унга: «Жаннатга унинг эшикларидан хоҳлаганингдан кир», дейиладди»* (Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 660).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёлларнинг яхшиси — (эри) қараса кўзини қувнатадиган, буюрса итоат қиладиган, баданида ҳам, молида ҳам у ёмон кўрадиган нарса билан унга хилоф қилмайдиган аёлдир»* (Аҳмад, Насоий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 3298).

Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларга жаннат аҳлидан бўлган аёлларингиз ҳақида хабар берайми? Хушмуомала, тез рози бўлувчи, зулм кўрган пайтда: «Мана бу қўлим сизнинг қўлингизда, то сиз рози бўлмагунча кўзимга уйқу қўнмайди», дейдиганларидир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 2604).

Бир ривоятда: *«Сизларга жаннатдаги аёлларингиз ҳақида хабар берайми? Хушмуомала, серфарзанд, агар ғазабланса ёки хафа қилинса ёки эри ғазабланса: «Мана бу қўлим сизнинг қўлингизда, то сиз рози бўлмагунча кўзимга уйқу қўнмайди», дейди»* (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3380).

Абу Узайна ас-Содафийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёлларингизнинг энг яхшиси Аллоҳдан тақво қилувчи, хушмуомала, серфарзанд ҳамда мулоийм ва ҳамдард бўлувчи аёллардир. Аёлларингизнинг энг ёмони ўзини кўз-кўз қилувчи ва мутакаббир аёллардирки, улар мунофиқдирлар. Бу каби аёллардан жаннатга фақат «оқ қарға»га ўхшаши (яъни, жуда озчилик)ларигина кирадилар»* (Байҳақий «Сунан»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1849).

Талқ ибн Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эркак киши аёлини ҳожати учун чорлаганида у гарчи тандир устида бўлса-да етиб келсин»* (Насоий, Термизий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 534).



Эрнинг хотин устидаги ҳаққининг улуғлиги

Муоз разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар аёл эрнинг ҳаққини билганида, унинг тушлик ва кечки овқати ҳозир бўлганда то у ундан фориғ бўлмагунча ўтирмаган бўларди»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомий: 5259).

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эрнинг аёли устидаги ҳаққи шунчаки, агар баданида яраси бўлса, уни яласа ҳам ҳаққини адо этолмайди»⁽¹²³⁾* (Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомий: 3148).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Инсон инсонга сажда қилиши дуруст эмас. Агар инсоннинг инсонга сажда қилиши дуруст бўлганда эди, аёл киши устида эрнинг ҳаққи улуғ бўлгани учун уни ўз эрига сажда қилишга буюрган бўлар эдим. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар эр бошидан оёғигача йирингли яра билан қопланган бўлса-ю, аёли уни ялаб чиқса ҳам ҳаққини ўтай олмаган бўлар эди»⁽¹²⁴⁾* (Аҳмад, Насоий ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 7725).

Зайд ибн Арқам разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Муоз разияллоҳу анҳу: *«Ё Расулуллоҳ, аҳли китоблар ўз епископ ва патриархларига сажда қилишади, нима дейсиз, биз ҳам сизга сажда қилсак бўладими?»*, деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар бировни бошқа бировга сажда қилишга буюрганимда эди, аёл кишини эрига сажда қилишга буюрган бўлардим. Аёл киши эрининг ҳаққини адо этолмайди, ҳатто уни туяни устида бўлган ҳолида нафсини қондириш учун чорласа-да, ўзини унга баҳиш этсин»*, дедилар (Табароний «Ал-муъжамул-кабир»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3366).

Бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар бировни бошқа бировга сажда қилишга буюрганимда эди, аёл киши устида эрнинг ҳаққи улуғ бўлгани учун уни ўз эрига сажда қилишга буюрган бўлар эдим. Аёл киши то эрининг ҳаққини адо қилмагунча иймон ҳаловатини топмайди, агар уни туяни устида бўлган ҳолида эри нафсини қондириш*

123 Бундан мурод — айна шу ишни қилиш эмас, балки эрнинг фазли ва унинг ҳаққи қанчалар улуғлигини баён қилишдир. Чунки, бундай қилиш кишининг тоқати кўтармайдиган ишлардан, Ислоҳ инсонга тоқатидан ташқари нарсани юкламайди.

124 Шунча гапларга қарамай, айримлар борки: «Аёлини хизмат қилдиришга эрнинг ҳаққи йўқ», дейишади...!!

учун чорласа, жавоб берсин», дедилар (Ҳоким ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1938).

Абдуллоҳ ибн Аби Авфо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, аёл киши то эрининг ҳаққини тўла адо этмагунича Раббининг ҳаққини адо этолмайди»* (Аҳмад, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 5295).

Ҳусойн ибн Миҳсон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Амманнинг айтишича, у баъзи эҳтиёжлари туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига борган экан. Шунда у зот ундан: *«Турмушга чиққанмисан?»*, деб сўрабдилар. *«Ҳа»*, деган экан, *«Эрингга қандай муомала қиласан?»*, дебдилар. *«Қўлимдан келганича парво қиламан»*, дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«У билан қиладиган муносабатингга диққат қил, чунки жаннатинг ҳам, дўзахинг ҳам удир»*, дебдилар *«Табароний «Авсат»да ва Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомий: 1509).*

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига қизини етаклаб келиб: *«Мана бу қизим турмушга чиқишга кўнмаяпти»*, деб шикоят қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизга: *«Отангга итоат қил»*, дедилар. Қиз: *«Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, эрнинг аёли устида қандай ҳақлари борлигини айтиб бермагунингизча турмушга чиқмайман»*, деди. *«Эрнинг аёли устидаги ҳаққи шунчаки, агар баданида яраси бўлса-ю, аёли уни яласа ёки бурнидан йиринг ёки қон оқаётган бўлса-ю, уни ютиб юборса, шунда ҳам унинг ҳаққини адо этолмайди»*, дедилар¹²⁵. Шунда қиз: *«Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, ҳеч қачон турмушга чиқмайман»*, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Қизларни ўз изнларисиз турмушга берманглар»*, дедилар (Баззор, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарғиб: 1934).

125 Юқорида айтганимиздек, бундан мурод айни шундай қилиш эмас, балки эрнинг ҳаққи улуглигини баён қилишдир. Яъни, аёл киши ҳар қанча ҳаракат қилмасин, эрининг ҳаққини адо этишга қодир бўлмайди. Мабодо баданида яра бўлса, уни ялашга қанчалик қодир бўлмаса, унинг ҳаққини адо этишга ҳам шунчалар қодир бўлмайди.



Эрига итоатсизлик қиладиган ҳамда унинг ўзига бўлган фазлу-марҳамати ва мол-мулкига нонкўрлик қиладиган аёлга охиратда бўладиган хорлик ва азоблар ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Менга дўзах кўрсатилди, қарасам дўзах аҳлининг кўпчилиги куфр келтирадиган аёллар экан»*, дедилар. *«Аллоҳга кофир бўладиларми?»*, деб сўралганида: *«Эрларига кофир бўладилар ва яхшиликка кофир (нонкўр) бўладилар. Улардан бирига агар бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин у сендан озгина ёмонлик кўрса: Сендан ҳаргиз яхшилик кўрмадим, дейди»*, дедилар⁽¹²⁶⁾ (Бухорий ривояти).

Асмо бинт Язид ал-Ансориядан ривоят қилинади: Мен ўзим тенги аёллар билан турган эдим, ёнимиздан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтиб қолдилар. Бизга салом бердилар ва: *«Куфрони неъмат қилувчилардан бўлиб қолманглар!»*, дедилар. Мен: *«Ё Расулуллоҳ, куфрони неъмат қилиш қандай бўлади?»*, деб сўрадим. *«Биронтангиз бева (сўққабош) ҳолида ота-онаси ёнида узоқ туриб қолади, сўнг Аллоҳ унга эр ато этади ва фарзанд билан ризқлантиради. Кейин жаҳли чиққанда куфрони неъмат қилиб: «Сендан асло яхшилик кўрмадим», дейди»*, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўзи эрсиз яшай олмагани ҳолда эрининг яхшиликларига шукр қилмайдиган аёлга Аллоҳ раҳмат назари билан боқмайди»* (Насоий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 289).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эр аёлини тўшакка чақирганда, у рад этса ва эри ундан ғазабланган ҳолда кечани ўтказса, фаришталар то тонггача унга лаънат айтадилар»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, қай бир киши аёлини тўшакка чақирганида у бош тортса, то эри ундан рози бўлмагунича осмондаги Зот ундан ғазабнок бўлади»*⁽¹²⁷⁾ (Муслим ривояти).

126 Куфр икки хил бўлиб, бири эгасини диндан чиқарадиган, иккинчиси диндан чиқармайдиган, яъни куфрони неъмат бўлади.

127 «Осмондаги Зот ундан ғазабнок бўлади» деган сўзларидан маълум бўладики, Аллоҳ таоло осмонда, арши узра юксалгандир, У зотнинг юқоридалики ва аршига юксалганлик сифатини инкор қилувчилар айтганидек «У зот ломакон» эмас.

Талқ ибн Алиё разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эркак киши аёлини ҳожати учун чорлаганида у гарчи тандир устида бўлса-да етиб келсин»* (Насоий, Термизий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 534).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Икки кишининг намози бошидан юқорига кўтарилмайди: Хожаларидан қочган қул то қайтиб келгунича ва эрига итоатсиз бўлган аёл то (итоатга) қайтгунича»* (Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 136).

Фузола ибн Убайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, улар (қиёмат кунини тортадиган азоб) ҳақида асти сўраманг: жамоатдан айрилган, имомига осий бўлиб, осий ҳолда ўлган кимса; хожасидан қочиб кетганича ўлган қул ё чўри; эри керакли дунёвий эҳтиёжларини таъминлаб қўйиб, бирор жойга кетса, унинг ортидан (бегоналар олдидан) очиқ-сочиқ кийиниб юрадиган аёл. Бу учаласи (тортадиган азоб) ҳақида асти сўраманг»* «Табароний ва Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3058).

Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Учта нарса саодатдан, учта нарса эса бахтсизликдандир. Қарасангиз кўзингиз қувнайдиган, йўқлигингизда ўз нафсига ва сизнинг молингизга омонатли аёл саодатдан бўлган нарсалар жумласига киради... Қарасангиз сизга ёқмайдиган, сизга қарши тилига эрк берадиган, йўқлигингизда ўз нафсига ва сизнинг молингизга омонатли бўлмайдиган аёл бахтсизлик бўлган нарсалар жумласига киради...»* (Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3056).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу дунёда аёл киши эрига озор берган вақтда унинг (жаннатдаги) ҳурлардан бўлган аёли: «Унга озор берма, Аллоҳ яқсон қилгур. У сенинг олдингда бир меҳмон ва сендан ажралиб, бизга келишига оз қолди», дейди»* (Аҳмад, Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 7192).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, уларнинг намозлари қулоқларидан юқорига ўтмайди: қочоқ қул то қайтиб келгунича; эри ундан ғазабланган ҳолда кечани ўтказган аёл; бир қавмнинг имомики, улар уни ёмон кўрадилар»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3057).

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир аёл ҳеч бир сабабсиз эридан*

талоқ сўраса, унга жаннатнинг ҳиди ҳаромдир» (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 2706).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир аёл эрининг уйидан бошқа жойда кийимларини ечса, ўзи билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасидаги ҳаё пардаларини йиртибди»* (Аҳмад, Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 2710).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Хотинни эрига қарши ё қулни хожасига қарши қайраган одам биздан эмас»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 1906).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Иблис тахтини сув устига қуради, сўнг лашкарларини чор-атрофга йўллайди. Улар ичида энг фитнакор бўлганлари унга энг яқин мартабага ўрнашади. Улардан бири келиб: «Фалон-фалон ишларни қилдим», дейди, шунда у: «Ҳеч нарс қилмабсан», дейди. Кейин бошқа бири келиб: «То уни аёли билан ажратиб юбормагунча қўймадим», дейди, шунда унга: «Сен нақадар ажойибсан!», дейди»* (Муслим ва Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3261).



Аёл киши ўз молидан бирон нарсани эрининг изнисиз сарфламаслиги ҳам эрнинг аёл устидаги ҳақларидан

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши эрининг изнисиз бировга ҳадя бериши жоиз бўлмайди»* (Саҳиҳу сунанин-Насойй: 3518).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши эрининг никоҳида турар экан, ўз молидан ҳам бировга ҳадя бериши (яъни, эрининг изнисиз) жоиз эмас»* (Саҳиҳу сунанин-Насойй: 3517).

Восила разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши ўз молидан бирон нарсани эрининг изнисиз беҳуда сарфлаши мумкин эмас»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 775).

Асмо разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Бир аёл: *«Ё Расулуллоҳ, менинг кундошим бор, агар эрим менга бермаган нарсани ҳам*

бергандек қилиб кўрсатсам мен учун гуноҳ бўладими?», деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ўзига берилмаган нарсани берилгандек қилиб кўрсатган одам ёлғондакам кийимларини кийиб олган одамга ўхшайди»*, деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).



Аёл киши эрининг изни ва розилигисиз нафл ибодатларга машғул бўлмаслиги ва уйига бировни киритмаслиги ҳам эрнинг аёл устидаги ҳақларидан

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эканимизда бир аёл келиб: «Эрим Сафвон ибн Муаттал мени намоз ўқисам уради, рўза тутсам оғзимни очириб юборади, бомдодни то кун чиқиб кетгунича ҳам ўқимайди», деди. Сафвон ҳам шу ерда эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан аёли айтган гаплар тўғрисида сўрадилар. У: «Ё Расулуллоҳ, “намоз ўқисам уради”, деган гапига келсак, у намозида иккита узун-узун сураларни ўқийди, ваҳоланки мен уни бундан қайтарганман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар битта сура бўлса ҳам одамлар учун кифоя қилган бўларди»*, дедилар. «“Рўза тутсам оғзимни очириб юборади”, деган гапига келсак, у рўза тутиб олади, мен эса ёш йигитман, (жимоъдан тийилишга) сабрим чидамайди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аёл киши эрининг изнисиз (нафл) рўза тутмасин»*, дедилар. «Кун чиқиб кетгунича намоз ўқимайди, деган гапига келсак, биз (экинларимизни тунда суғоришга одатланган ва) шу нарса бизга маъруф (маъқул) бўлган хонадонмиз, (чарчаб тонгга яқин ухлаб қолсак) уйғона олмаймиз-да, кун чиқиб кетиб қолади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Уйғонгач, намозингни ўқиб ол, эй Сафвон»*, дедилар⁽¹²⁸⁾ (Абу Довуд, Ибн Можа ривоятлари, шайх Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 3269).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши Рамазондан бошқа пайт*

128 Сунан Аби Довуднинг шарҳи Авнул Маъбудда шарҳловчи шундай дейди: “Сафвонга бу ҳолат гоҳида бўлиб турган бўлса керак. Бунинг сабаби у билан бирга уни уйғотадиган одамнинг бўлмаслиги бўлиши мумкин. Беузр бундай ҳолатда давом этиш, бўлиб ҳам саҳобийдан бунинг содир бўлиши мумкин эмас”.

эри борлигида унинг изнисиз рўза тутмасин, эри борлигида уйига унинг изнисиз ҳеч кимни киритмасин» (Муттафакун алайҳ).

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга — яъни, уйларида — эрларининг изнисиз гапирилишидан қайтардилар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 652).



Аёли билан ўзи истаган кўринишда яқинлик қилиши, фақат орқасига яқинлик қилишдан сақланиши, шунингдек, ҳайз ва нифосли ҳолатида қўшилмаслиги эрнинг аёли устидаги ҳақларидан

Аллоҳ таоло айтди: **«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четларингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! (Ҳайздан пок бўлиб) ғусл қилганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади»** (Бақара: 222).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Ансорлар мушриклик вақтида аҳли китоблардан бўлган яҳудийлар билан яшашар, уларни ўзларидан илмли деб билиб, кўп ишларида уларга эргашишарди. Аҳли китоблар аёллар билан қўшилганда аёлларининг фақат олди томонидан яқинлашар ва буни аёллар учун энг ҳаёли йўл деб ҳисоблашарди. Ансорлар ҳам уларга эргашиб шундай қилардилар. Қурайш аҳли эса аёллари билан ғоят эркин-очиқ алоқа қилишар, аёлларининг олдидан, орқасидан ёки аёллари уларнинг устида бўлган ҳолда қўшилишдан роҳатланишарди. Хижрат вақтида Маккаликлар Мадинага келганларида, улардан бири ансория аёлга уйланди ва у билан шундай қўшилмоқчи бўлди. Аёл бундан норози бўлиб: «Биз фақат олди томондан яқинлашамиз. Сиз ҳам шундай қилинг ёки менга яқинлашманг!», деди. Бу келишмовчилик жиддий тус олди. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қулоқларига ҳам етиб борди. Шунда

Сафвоннинг узри ҳам ҳолатнинг давомий эмаслигига далолат қилади. У ухлаб қолишига тунда суғоришни сабаб қилиб кўрсатди. Маълумки суғориш мавсумий ва ҳар қуни такрорланмайдиган ишдир.

Аллоҳ таоло оят нозил қилди: **«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз...»** яъни олди томонидан, орқа томонидан ёки аёл эрининг устида бўлган ҳолда. Бу ерда фақатгина бола туғиладиган жой назарда тутилган (Ибн Аббос шарҳи)». (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 896).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Яҳудийлар: «Агар эркак аёлининг олдида орқа томонидан яқинлашса, фарзанди ғилай бўлиб туғилади!», дейишарди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло оят нозил қилди: **«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз»**. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олдидан ҳам, орқасидан ҳам мумкин, фақат фаржига (қинига) бўлиши шарти билан», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, мен ҳалок бўлдим!», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизни нима ҳалок қилди, эй Умар?», дедилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Кечқурун маркабимга (туямга) тескари миндим (яъни аёлимга орқасидан яқинлашдим)», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавоб қайтармадилар. Сўнг оят нозил бўлди: **«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз...»** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олдидан, орқасидан қўшилаверинг, фақат орқа пешобига яқинлашишдан сақланинг ва ҳайз ҳолатида (жимо қилишдан) эҳтиёт бўлинг», дедилар» (Насоий, Термизий ривоятлари).

Хузайма ибн Собит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди — аёлларингизнинг орқа пешобига қўшилманглар!», дедилар» (Аҳмад, Термизий ривоятлари, шайх Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 3192).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёлининг орқа тарафига яқинлашган одам малъундир!», дедилар (Аҳмад, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 5889).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимда-ким ҳайзли аёлга ёки аёлининг орқа пешобига қўшилса ёки фолбинга бориб, унинг айтганларини тасдиқласа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган нарсасига (динга, Қуръон ва суннатга) кофир бўлибди» (Абу Довуд, Терми-

зий ва бошқалар ривояти) бошқа ривоятда *“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган нарсадан пок бўлибди”*.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёлнинг орқа тарафига қўшилган кишига Аллоҳ қарамайди»* (Ибн Можа, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2431).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Хотинларининг орқасига қўшиладиган кимсаларни Аллоҳ лаънатласин»* (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2429).

Хузайма ибн Собит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аёлларнинг орқаларига яқинлик қилиш ҳаромдир»*, дедилар (Насоий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 873).

Товусдан ривоят қилинади: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан аёлининг орқасига қўшиладиган киши ҳақида сўралган эди, у: *«Бу мендан куфр ҳақида сўраяпти»*, деди (Насоий ривояти, шайх Носир «Одобуз-зифоф»да саҳиҳ деган).

Аёлига ҳайзлик ҳолатида қўшилган киши тўлайдиган каффорат

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Аёлига ҳайзли ҳолида жинсий алоқа қилиб қўйган киши ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Бир динар ёки ярим динар садақа қилади»*, дедилар⁽¹²⁹⁾ (Асҳобус-сунан ва Табароний ривоятлари).

Киши ҳайзли аёли билан қўшилишдан бошқа ҳар қандай ишни қилиши мумкин

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Яҳудийлар аёлларини ҳайз ҳолатида уйдан ташқарига чиқариб қўйишар, уй ичида*

¹²⁹ Агар ҳайзининг аввалроғида қўшилса 1 олтин динар (яъни 4,25 гр атрофида) каффорат тўлайди, ҳайзи охирига қўшилса, покликка яқинлашиб қолганда қўшилса ярим динар каффорат тўлайди, валлоҳу аълам.

улар билан бирга еб-ичмас ва бирга ухламасдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳақда сўралганда оят нозил бўлди: **«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У (эр-хотин учун) азиятдир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз»**. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Улар билан уй ичида бирга бўлинглар ва қўшилишдан бошқа барча нарсани қилаверинглар»*, дедилар. Шунда яҳудийлар: «Бу одам биз қилаётган ҳар бир ишнинг тескарисини қилмагунича тинчимайди шекилли?!», дейишди (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 231).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бизлардан биримиз ҳайз кўрганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга изор (яъни, белдан пастга кийиладиган кийим) кийиб олишини буюрардилар. Сўнг у билан бирга ётаверардилар» (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бизлардан бировимиз ҳайз ҳолатида бўлсаю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кийимсиз ҳолда кучмоқчи бўлсалар, ҳайз даврида изор кийиб олишни буюрар, сўнг уни қучар эдилар.» (Оиша разияллоҳу анҳо) дедилар: «Қай бирингиз ўз шаҳватига Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эга бўлганларидек эга бўла оларди?!» (Бухорий ривояти).

Маймуна разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан бирини ҳайзли эканида, эгнида сонларининг ёки тиззаларининг ярмигача тўсиб турадиган изори бўлган ҳолида қучар эдилар» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 239).

❖

Итоат фақат яхши ишларда бўлади, Холиққа осий бўлинадиган ишларда махлуққа — унинг шаъни ҳар қанча улў бўлмасин — итоат қилинмайди

Аёллар билмоқлари лозимки, эрга итоат дегани мутлақ итоат эмас, балки у фақат яхши ишларга ва Аллоҳ таолога итоат қилиш доирасига чекланган. Эр агар Аллоҳ таолога осий бўлинадиган ишларга, масалан, намоз ўқимаслик ё ҳижобни ташлаш ё бегона эркаклар билан аралашиб юриш каби ҳаром қилинган ишларга буюрса, унга итоат қилинмайди.

Аллоҳ таоло айтди:

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик, (аммо) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (яъни сохта «худо»ларни)

Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин!» (Анкабут: 8).

«Агар улар (яъни ота-онанг) **сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар у ҳолда уларга итоат этма! Уларга** (гарчи кофир бўлсалар-да), **дунёда яхши муомалада бўлгин»** (Луқмон: 15).

Ота-онанинг фарзанд устидаги ҳақлари ҳар қанча улугъ бўлишига қарамасдан гуноҳ ишларда уларга итоат қилмасликка буюрилган экан, энди аёл киши агар эри уни Аллоҳга ширк келтиришга ёки Аллоҳга маъсият бўладиган ҳар қандай ишга буюрса унга итоат қилмасликка албатта лойиқроқ. Зотан, Холиқнинг ҳаққи махлуқнинг ҳаққидан муқаддам туради, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога итоат қилиш махлуққа итоат қилишдан — у ким бўлишидан қатъий назар — муқаддам қўйилади.

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга маъсият бўлган ишда итоат қилинмайди, итоат фақат маъруф ишлардадир»* (Муттафакун алайҳ).

Наввос ибн Самъон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Холиқнинг маъсиятида махлуққа итоат йўқдир»* (Шайх Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 3696).



Вафотидан кейин аёли унга тўрт ою ўн кун мотам тутиши ҳам эрнинг аёли устидаги ҳақларидан

Аллоҳ таоло айтди: **«Сизлардан** (мусулмонлардан) **вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб** (идда сақлаб) **турадилар»** (Бақара: 234).

Умму Ҳабиба разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган аёл учун майитга уч кечадан ортиқ аза тутишии дуруст эмас, фақат эри бундан мустасно, унга тўрт ою ўн кун аза тутади»* (Муттафакун алайҳ).

Умму Атиья разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган аёл эридан бошқасига уч кечадан ортиқ аза тутишии дуруст*

эмас, фақат эрига тўрт ою ўн кун аза тутади — сурма қўймайди, (чиройли рангга) бўялган кийим киймайди — бўялган ипдан тўқилган мато бундан мустасно, — хушбўйлик ишлатмайди, фақат ҳайзидан пок бўлгач бир қисм хушбўйлик ишлатиши мумкин» (Муттафақун алайх).

Ботил шарт ҳақида

Умму Мубашшир ал-Ансориядан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бароъ ибн Маърурнинг қизи Умму Мубашширга совчи қўйганларида у: «Мен эрим билан ундан кейин турмушга чиқмасликка шартлашганман», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бундай қилиш ярамайди*», дедилар (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 608). Яъни, бундай шартлашиш дуруст эмас, чунки бу турмуш қилишга, фарзанд кўриш ва наслни кўпайтиришга тарғиб қилувчи ўнлаб шаръий далилларга зиддир.

Эр-хотин ўртасидаги ҳақ-ҳуқуқларга меҳр-муҳаббат ва мулойимлик билан ёндошиш лозим, қўполлик ва қаттиққўлликдан, зўрлик ишлатишдан сақланиш керак. Зеро, Аллоҳ таоло ҳалимдир ва ҳар бир ишда ҳалимликни яхши кўради, ҳалимликка қаттиққўлликка бермаган мукофотларни беради, Аллоҳ бир хонадонни дўст тутса, унга меҳр-шафқат ва ҳалимлик киритиб қўяди.

Аллоҳ таолодан уйлариимизни ва барча мусулмонларнинг уйларини меҳр-муҳаббат ва ҳалимлик билан тўлдиришини сўраймиз. У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар йўлласин.

Эрнинг аёли устидаги ҳақ-ҳуқуқларини билиб олганимиздан сўнг, энди аёлнинг эр зиммасидаги ҳақлари билан танишиб чиқишга ўтамиз.



АЁЛНИНГ ЭР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ



Эри у билан тинч-тотув ҳаёт кечириши, унга яхши муомала қилиши, емак-ичмак, кийим-кечак ва уй-жой билан имкон қадар таъминлаши, кўпхотинли бўлса аёллари ўртасида адолат қилиши аёлнинг эри зиммасидаги ҳақларидан

Аллоҳ таоло айтди:

«Улар билан тинч-тотув яшанглар» (Нисо: 19).

«Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, фақат битта аёлга (уйланинг)» (Нисо: 3).

«Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар⁽¹³⁰⁾. Бас, бутунлай (суйган хотинларингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа⁽¹³¹⁾ каби ташлаб қўймангиз!» (Нисо: 129).

130 Яъни қалбдаги адолатни қилишга ва қалбнинг майллигини тенглаштиришга қодир бўлмайсизлар. Бу ҳам икки ва ундан ортиқ аёли бор кишилар учун қилиши керак бўлган адолат турларидан биридир, лекин одам буни қилишга қодир бўлмайди, чунки у унинг қудратидан ташқари, бу ўринда у узрли ҳисобланади. Бироқ, бу унга аёллар ўртасидаги адолатга хилоф бўлган ишларни қилавер, улардан хоҳлаганингга мойил бўлиб ол, суймаганингни ташлаб қўявер дегани эмас. Қалб масаласидан бошқа ўринларда аёллар ўртасида адолат қилиш эрдан талаб қилинади. Оятдаги узр бу нарсаларни ўз ичига олмайди. Шунинг учун оят қалб мойиллигида адолат қила олмасангизлар маъзурсизлар, лекин нариги аёлни хотинлик ҳақларини талаб қилай деса хотинмас, эрга тегиб кетай деса боши очиқмас бир ҳолатда “Муаллақа” қилиб қўйманглар. Уларга хотиннинг эр устидаги барча ҳуқуқларини беринглар демоқда.

131 Муаллақа аёл — эри бирон-бир сабаб билан бедарак кетган аёлдир, У эрим бор, деса — эри йўқ, беваман, дейин, деса — эри талоқ бермай кетган.

Муовия ибн Ҳайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бизлардан биримизнинг устида аёлининг қандай ҳаққи бор?» деб сўрадим. *«Таом еган вақтингда уни ҳам таомлантиришинг, ўзинг (янги) кийим кийган вақтингда уни ҳам кийинтиришинг, юзига урмаслигинг, «Аллоҳ юзингни қабиҳ қилсин» (башаранг қурсин) демаслигинг ва ва (аразлашган пайтда) фақат уй ичидагина ҳажр этмоғинг (яъни, бошқа жойда ётишинг)дир»*, дея жавоб бердилар (Абу Довуд, Табароний, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 3149).

Муовия ибн Ҳайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулulloҳ, аёлларимизга қандай яқинлашиб, нималарни тарк қилишимиз керак?», деб сўрадим. *«Зироатгоҳингга хоҳлаган жиҳатингдан келавер, таом еган вақтингда уни ҳам таомлантир, ўзинг (янги) кийим кийган вақтингда уни ҳам кийинтир, «Аллоҳ юзингни қабиҳ қилсин» (башаранг қурсин) деб сўкма ва урма»*, дедилар (Абу Довуд, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 687).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қарамоғидаги кишиларни зое қилиши кишининг гуноҳкор бўлишига кифоядир»* (Абу Довуд, Насоий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1965).

Абу Шурайх Ҳувайлид ибн Амр ал-Ҳузоий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй Аллоҳ, мен икки заифнинг — етимнинг ва аёл кишининг ҳаққини (зое қилишдан) қаттиқ огоҳлантираман»* (Ҳоким, Насоий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 2447).

Амр ибн Аҳвас ал-Жушамий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ҳажжатул-вадоъ»да қилган хутбаларида Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг ваъз-насихат қилиб, айтдилар: *«Огоҳ бўлинглар, аёлларга яхши муомалада бўлинглар! Зеро, улар сизларнинг ҳузурингизда асиралардир⁽¹³²⁾. Сизлар улардан бундан бошқа⁽¹³³⁾ бирон нарсага эга эмассизлар. Фақат очиқ бузуқлик (яъни, қайсарлик, итоатсизлик) қилишса, уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан*

132 Аёл киши эрининг ҳукми остида бўлгани учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни асирага ташбеҳ қилдилар.

133 Яъни, аёл кишидан жинсий тарафдан фойдаланиш, ўзининг номуси ва сизнинг молингизни асраши, сизнинг хизматингизни қилишидан бошқа нарсага эга эмассизлар.

бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) қаттиқ оғритмайдиган сураатда уринглар. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Огоҳ бўлинглар, аёлларингиз зиммасида сизларнинг ҳаққингиз бор, сизларнинг зиммангизда аёлларингизнинг ҳам ҳаққи бор. Улар зиммасидаги сизларнинг ҳаққингиз — тўшакларингизни сизлар ёқтирмаган кишиларга бостирмасликларини ва уйларингизга сизлар истамаган кишиларни киритмасликларидир. Сизларнинг зиммангиздаги уларнинг ҳаққи эса — уларга кийим-кечак ва емак-ичмакларини чиройли қилиб беришларингиздир» (Термизий ривояти, Риёзус-солиҳийн: 281).

(Ҳасан ривоят қилган ҳадисда) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ ҳар бир раҳбарни ўзининг қўл остидагилари ҳақида, уларни асраганми, зое қилганми, сўроққа тутади, ҳатто ҳар бир кишидан унинг хонадони аҳли ҳақида сўрайди» (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1966).



Маҳрни нақдини ҳам, насиясини ҳам тўла бериш шарт

Маймун⁽¹³⁴⁾ ал-Курдий отасидан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қай бир киши озми, кўпми маҳр билан бир аёлга уйланса-ю, унинг маҳрини бериш кўнглида бўлмаса, уни алдаб юриб, ҳаққини адо этмай вафот этса, қиёмат куни Аллоҳга зинокор сифатида рўпара бўлади» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1807).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Шартларнинг вафо қилинишга энг ҳақлироғи — у билан аёлларни ўзингизга ҳалол қилиб олган (яъни, никоҳ пайтида қилинган) шартлардир» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар. Шиғор — киши бировга қиз узатиб, эвазига унинг қизини келин қилиши ва ўртада маҳр бўлмаслигидир (Муттафақун алайҳ).

134 Маймуннинг маъноси баракали, муборақдир. Ўзбек тилидаги маймун тушунилмасин (ИНТ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфӯъ ҳадисда айтилади: *«Қуйидагилар Аллоҳ ҳузурида энг оғир гуноҳлардан: Бир киши бир аёлга уйланади, ундан эҳтиёжи қонгач талоқ қилади ва маҳрини бермай кетади; бир киши бировни ишлатиб, унинг ҳаққини еб кетади; бир киши бекордан-бекор, ҳеч бир заруратсиз жониворларни ўлдиради»* (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 999).



Талоқ иддаси ичида аёл киши нафақа ва турар-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эга

Фотима бинт Қайс разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Мен Холид хонадонининг қизиман, эрим фалончи менга талоқ (хати) юборди, мен унинг оиласидан нафақа ва турар-жой сўрасам, улар рад қилишди», дедим. Шунда улар: «Ё Расулуллоҳ, эри унга учталоқ берди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл кишига нафақа ва турар-жой эри уни яна қайтариб олиши мумкин бўлган талоқдагина берилади», дедилар (Насоий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1711).



Аёлнинг инжиқликларига сабр қилиш, уни уришга ё талоқ қилишга шошилмаслик

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар ичида туриб, Аллоҳга ҳамду-сано айтгач, шундай дедилар: *«Аллоҳ таоло сизларни аёлларга яхшилик қилишга буюради, Аллоҳ таоло сизларни аёлларга яхшилик қилишга буюради, зеро улар оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир. Аҳли китоблардан бир киши бир аёлга уйланади, у аёлнинг қўлида ип ҳам бўлмайди (яъни ўта камбағал, фақира бўлади. Шундай бўлсада улар бир-бирларига ўта сабрда яшайдилар ва буни диндан деб биладилар) улар то қариб, вафот этгунларича бир-бирларидан воз кечмайдилар»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2871).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўмин киши мўмина аёлдан*

нафратланмасин. Агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқасидан рози бўлади» (Муслим ривояти).

Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши қовурғадан яратилган, агар қовурғани тўғрилайман десанг синдириб қўясан»*⁽¹³⁵⁾, у билан бирга яшайман десанг муроса қиласан» (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 1944).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёл киши қовурғадан яралган, ҳеч бир йўл билан тўғриланмайди. Агар фойдаланаман десанг эгрилиги бўйича фойдалансан, агар тўғрилайман десанг синдириб қўясан, синдириш талоқ қилишдир»* (Муслим, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3517).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёллар эркакларнинг туғишган опа-сингиллариридир»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1983).

Иёс ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳнинг аёл бандаларини урманглар»*, дедилар. Умар разияллоҳу анҳу ул зот ҳузурларига келиб: *«Аёллар эрларига бўйсинмай қўйдилар»*⁽¹³⁶⁾, дегач, уларни уришга рухсат бердилар. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли-аёллари ҳузурига кўп аёллар эрларидан шикоят қилиб кела бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Кўп аёллар эрларидан шикоят қилиб келмоқдалар. (Аёлларини урадиган) у кишилар сизларнинг яхшиларингиз эмас»*⁽¹³⁷⁾, дедилар (Абу Довуд, Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5137).

135 Синдириб қўйишдан мурод — талоқ қилишдир. Ҳадисда аёлни тўғрилаш ва йўлга солишда мулоим йўл тутиш ва қаттиққўлликдан сақланишга йўлланмоқда.

136 Аёллар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг *«Аллоҳнинг аёл бандаларини урманглар»* деган қайтариқларини нотўғри тушундилар ва эрларига гап қайтаришга журъат қилишиб, уларга тумшукларини чўздилар.

137 *“У кишилар сизларнинг яхшиларингиз эмас”* яъни, аёлларини урадиган ва уларга ёмон муомала қиладиганлар мусулмонларнинг яхшиси эмас. Улар ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эрларига итоат қилмайдиган, гап қайтарадиган аёлларни жонидан ўтмайдиган қилиб уришга берган рухсатларини нотўғри тушунишди. Демак киши ҳаким-доно бўлиши керак, қачон қаттиқлик қилади, қачон қилмайди, қанчалик қаттиқлик фойда берадию қанчалиги зарар беради билиши керак. Агар буларни била олмаса, шарият уни юмшоқликка буюради. Бу унинг учун

Абдуллоҳ ибн Зумъа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингиз аёлини худди қулни калтаклагандек калтаклайди!! Эҳтимол кечга бориб унга (жинсий) яқинлик қилар»* (Муттафақун алайҳ).

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Усмон ибн Мазъун таркидунё қилиб аёлларини ташлаб қўйганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни чақиртириб: *«Эй Усмон, мен роҳибликка буюрилмаганман, сиз менинг суннатимдан воз кечдингизми?!»*, деб сўрадилар. У: *«Йўқ, эй Расулуллоҳ»*, деди. *«Менинг суннатим шуки, мен намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, рўза ҳам тутаман, овқат ҳам ейман, уйланаман ҳам, талоқ ҳам қиламан. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас. Эй Усмон, аҳли-аёлингизнинг ҳам сизда ҳаққи бор, нафсингизнинг ҳам сизда ҳаққи бор»*, дедилар (Доримий ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 394).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонига келиб, пайғамбаримизнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилганида, гўёки улар зикр қилинган амалларни кам санагандек бўлдилар ва: «Биз қаерда-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаердалар? У зотнинг аввалги-ю, охири гуноҳлари кечирилган бўлса?», дедилар. Улардан бири: «Мен кечалари доимо намоз ўқийман», деди. Иккинчиси: «Мен кундузлари доимо рўзадор бўлиб, оғзимни очмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан узлат қиламан ва ҳеч ҳам уйланмайман», деди. (Бу гаплардан хабар топгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдиларига келдилар ва: «Шундай-шундай гапларни айтганлар сизларми?! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан қўрқувчироқ ва тақволироғингизман! Лекин, мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).



Кўпхотинли киши аёллари ўртасида адолат қилиши шарт, бу ҳам аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир одамнинг иккита аёли бўлса-ю, улар ўртасида адолат қилмаса, қиёмат куни бир томони осилган ҳолда (қийшайиб) келади»*⁽¹³⁸⁾ (Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 761).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимнинг иккита аёли бўлиб, улардан бирига кўпроқ мойил бўлса, қиёмат куни бир томонга мойил бўлган ҳолда келади»* (Аҳмад, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 6515).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Адолат қилувчилар Раҳмон таолонинг ўнг қўли тарафида — Унинг ҳар икки қўли ўнгдир-баракалидир — нурдан бўлган минбарларда бўладилар, улар қилган ҳукмларида ва аҳли-аёллари хусусида адолат қилган кишилардир»* (Муслим ривояти).



Киши қиз болага уйланса, унинг ҳузурида неча кун туради, жувонга уйланса неча кун туради

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жувон устига қиз болага уйланса, унинг олдида етти кун туради, агар қиз хотин устига жувонга уйланса, унинг олдида уч кун туради»* (Байҳақий ва бошқалар ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 1271).

138 “Бир томони осилган ҳолда (қийшайиб) келади” яъни, у дунё ҳаётида икки хотиндан бирига мойил бўлганидек қиёматда ҳам барча халойиқ кўз ўнгида қилган зулмига яраша, шарманда бўлиб қийшайиб келади. Аллоҳ таоло уни шундай қилиб шарманда қилиб жазолайди мақолда айтилганидек: “Ҳар ким экканини ўради”.



Аёлига инфоқ-эҳсон қилишнинг фазли

Микдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёлингга едирган таоминг сен учун садақа, фарзандингга едирган таоминг сен учун садақа, хизматкорингга едирган таоминг сен учун садақа, ўзингга едирган таоминг сен учун садақа»* (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 5535).

Амр ибн Умайя разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кишининг аёлига берган нарсаси садақадир»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомий: 5540).

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«Сен Аллоҳнинг юзини истаб бирон нафақани инфоқ қилсанг, ҳатто аёлингнинг оғзига солган луқмага ҳам, албатта ажр оласан»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларнинг яхшиларингиз аёлларига яхши муомала қилувчиларингиздир»* (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳул-жомий: 3265).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир динорни Аллоҳ йўлида садақа қилсанг, бир динорни қул озод қилиш учун сарф қилсанг, бир динорни мискинга садақа қилсанг, бир динорни аҳлингга инфоқ қилсанг, булар ичида ажри энг каттаси аҳлингга инфоқ қилганингдир»* (Муслим ривояти).

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кишининг сарф қиладиган динорлари (пуллари) ичида энг афзали аҳли-аёлига сарф қиладиган динори (пули)дир»* (Муслим ривояти).

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Киши аёлига сув ичирса, шунга ҳам ажрланади»*, дедилар, бориб аёлимга сув ичирдим ва эшитганимни унга айтиб бердим. (Бухорий «Ат-тарихул-кабир»да ва Табароний ривояти, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 2736)⁽¹³⁹⁾.

139 Мен ҳам (яъни, ёзувчи) ўз навбатимда шу ҳадисни ёзганимдан кейин турдим ва аёлимга бир пиёла сув бердим ва бу ҳақдаги Расулуллоҳдан эшитганим ва китобга ёзганим ҳадис ҳақида унга хабар бердим. Албатта илм амал қилиш учундир.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли-аёлига яхши муносабатда бўлувчиларингиздир. Мен ичларингизда аҳлига энг яхши бўлгандирман⁽¹⁴⁰⁾»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3314).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғидир. Сизларнинг яхшиларингиз ўз аёлларига яхши бўлганларидир»* (Аҳмад, Термизий ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўз қармоғида бўлганларни зое қилиши кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя қилади»* (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 4471).

Оиша разияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уй ичида қиладиган ишлар ҳақида сўралганда: *«Аҳли-аёлларининг хизматида бўлардилар, намоз вақти бўлса намозга чиқардилар»*, деб жавоб бердилар (Бухорий ривояти).

Эри унга динни ўргатиши ва фойдали илмдан бирон нарсани яширмаслиги аёлнинг эр зиммасидаги ҳуқуқларидан

Аллоҳ таоло айтди: **«Аҳли-аёлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг!»⁽¹⁴¹⁾** (Тоҳа: 132).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким аҳли-аёлидан бирон илми яширса, қиёмат куни ўтдан бўлган жилов билан жиловланади»* (Саҳиҳул-жомиъ: 6517).

Алий разияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг: **«Ўзингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз»**

Бу ҳадисдан олинаниган фойдалардан яна бири, хизмат қилиш икки томондан бўлади, фақат аёл томонигагина чекланмайди.

140 Ҳадиснинг маъноси: Агар кимда яхшилик бўлса, аввал ўз аёлларига кўрсатсин, аҳли аёлига қилмасдан бошқаларга кўрсатган яхшилигидан фойда йўқ.

141 Аҳли-аёлни намозга буюриш ичига уларга намозга тааллуқли бўлган шартлар, рунлар, вожиблар, одоблар ва мустаҳабларни таълим бериш ҳам киради.

ояти ҳақида сўзлаб: «аҳли-оилангизга яхшиликни таълим берингиз», дедилар (Ҳоким ривоят қилган мавқуф ҳадис, Саҳихут-тарғиб: 115).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аёллар руҳсат сўрасалар»⁽¹⁴²⁾, масжидлардан бўлган улушларидан уларни ман қилманглар»* (Муслим ривояти).

Молик ибн Ҳувайрис разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз бир тўп ёш-яланг тенгқурлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, у зотнинг олдиларида йигирма кун турдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳрибон, раҳмдил эдилар. Бизни аҳли-оилаларимизни соғиниб қолган деб ўйладилар ва қолдириб келган аҳлларимиз ҳақида сўрадилар. Биз хабар бергач: *«Аҳли-аёлингиз олдида қайтинглар, улар орасида туриб, таълим беринглар, уларга амри маъруф қилинглар. Намоз вақти бўлса, сизлардан бирингиз азон айтсин ва ёши каттароғингиз имом бўлсин»*, дедилар (Муслим ривояти).

Оилавий ҳаётга алоқадор, риюя қилиш зарур бўлган одоб ва ҳақ-хуқуқлар

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Сафардан келаётиб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига кирган эдим: *«Аҳли-аёлинг олдида борганингда оқилона иш»⁽¹⁴³⁾ қилгин»,* дедилар. Уйга боргач, аёлимга: *«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳли-аёлинг олдида борганингда оқилона иш қилгин», дедилар», дедим. Аёлим: «Ҳўп бўлади, марҳамат, мен тайёрман», деди. (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1190).*

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Биронтангиз узоқ сафардан келса, уйига тунда бостириб кирмасин»⁽¹⁴⁴⁾* (Муттафақун алайҳ).

142 Яъни, намоз ўқиш ҳамда масжидларда ташкил қилинувчи илм ҳалқаларида ҳозир бўлиш учун изн сўрасалар, чунки илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак-аёлга фарз, жаннат билан дўзах эркакларга ҳам, аёлларга ҳам баробардир.

143 Оқилона ишдан мурод — аёлнинг кўнглини овлайдиган ва эҳтиросини кўзғотадиган ҳар қандай шариятда мубоҳ бўлган ишдир.

144 Яъни, аёлига хабар бермасдан тўсатдан кириб келмасинки, улар кўрқиб кетишлари ва ювиниб-тараниб, ўзига оро беришга улгурмай қолиб, эрининг кўзига ёқимсиз

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ғазотда бўлди. Мадинага етиб келгач, уларимизга кириб бормоқчи бўлганимизда у зот: *«Кутиб туринглар, тунда кириб борамиз, токи аёллар ювиниб-тараниб, тозаланиб олсинлар»*, дедилар. (Менга:) *«Уйингга боргач, ақл-ҳушингни қўлдан берма!»*, дедилар⁽¹⁴⁵⁾ (Муслим ривояти).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли-аёллари олдида тунда келмасдилар, эрталаб ё оқшомда кириб келардилар (Бухорий ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ғазотдан қайтиб келарканлар: *«Эй одамлар! Аёлларингиз олдида тунда кириб бориб, уларни ғафлатда қолдирманглар!»*, дедилар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3085).



Аёл кишига илтифот кўрсатиш, у билан ҳазил-мутойиба қилиш ва мубоҳ бўлган ўйин-кулгиларга қатнашишига рухсат бериш ҳам унинг ҳақ-ҳуқуқларидан

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Ҳабашлар масжидга ўйин кўрсатиб кириб келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам *«Эй Ҳумайро,⁽¹⁴⁶⁾ уларни томоша қилишни хоҳлайсизми»*, дедилар. Мен: «Ҳа» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшик олдида турдилар, мен эса орқа томонларидан келдим-да иягимни елкаларига қўйдим ва ёноғимни ёноқларига текказдим. Ҳабашларнинг ўша кунги сўзлари

кўриниб қолиши мумкин. Бу — эрининг кўзига доим чиройли ва ораста кўринишни истайдиган солиҳа аёл учун озор ҳисобланади. Демак, тунда тўсатдан кириб келишдан қайтарилишга сабаб — уларга аввалдан хабар бермасдан кириб келиш бўлиб, нафақат кечасида, балки кундузида ҳам бундай қилмаслик керак бўлади. Бунга кейинги ҳадисдаги: *«Кутиб туринглар, кечки пайт кириб борамиз»* деган сўзлари далил бўлади. Чунки, қоронғи тушмасидан Мадинага кириб боришлари аёлларни шошилтириб қўйиши ва қутилмаган нохушликлар келтириб чиқариши мумкин эди. Қолаверса, ушбу қайтариқ бу ишнинг ҳаромлигини ифодаламайди, балки бу нубувват одобларидан бир одоб ва мустаҳаб амал ҳисобланади.

145 Яъни, узоқ вақт кўришмаган аёлинг билан қўшилишда ақл-ҳушингни йўқотиб, ношаръий ва макруҳ ишларни қилиб қўйма.

146 Ҳумайро — «оқюз, оқбадан» маъносида бўлиб, эркалашни англатади.

орасида: «Абул Қосим жуда яхшидир», деган сўзлар бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «*Етар энди*», дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, шошманг», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бироз турдилар. Сўнг яна «*Етар, энди*», дедилар. Мен яна «Ё Расулуллоҳ, шошманг», дедим. Ҳабашларни томоша қилиш мен учун муҳим эмас эди, балки мен аёлларга Расулуллоҳнинг мен учун турганликлари ва мени қадрлашлари етиб боришини истардим (Насойй ва бошқалар ривояти, (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3277).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сафарларининг бирида йўлдош бўлдим. Мен у пайтлар нозик, ҳали тўлишмаган эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «*Сизлар олдинга кетинглар!*», дедилар. Одамлар илгарилаб кетдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «*Келинг, чопишамиз*», дедилар. Мен у киши билан чопишдим ва ўзиб кетдим. Вақт ўтиб яна сафарларининг бирида ҳамроҳ бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «*Сизлар олдинга кетинглар!*», деб менга: «*Келинг, чопишамиз*», дедилар. Аввал чопишганимиз эсимдан кўтарилган, мен ҳам анча тўлишган эдим. «Ё Расулуллоҳ, мен шу аҳволда сиз билан қандай чопишаман?!», дедим. У зот: «*Чопасиз!*», дедилар. Биз чопишдик ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан ўзиб кетдилар, сўнг кулиб: «*Буниси аввалгиси билан тенг бўлди!*», дея бошладилар (Насойй, Аҳмад, Табароний ва бошқалар ривояти, Албоний «Одобуз-зифоф»да саҳиҳ санаган).

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга идишда (сут) олиб келинар, ҳайзли ҳолда бўлсам ҳам, у зотдан аввал мен ичар, сўнг косани Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга узатар эдим. Шунда менинг оғзим теккан жойга оғзиларини қўйиб ичардилар. Ҳайзли ҳолимда устухондан тишлар, сўнг уни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга узатардим, у зот мен тишлаган ердан тишлаб ердилар (Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Аллоҳнинг зикридан бўлмаган ҳар бир нарса бемаъни ва беҳуда ёки хато иш бўлиб, фақат тўртта хислат бундан мустасно: киши (камон отиб,) икки нишон ўртасида юриши*⁽¹⁴⁷⁾, *отини машқ қилдириши, ўз аёли билан дилхушлик қилиши*

147 Яъни, отиш учун турган ери билан нишони ўртасида отган ўқларини қайтариб олиб келиш учун юриши.

ва сузишни ўрганиши» (Насойй «Ишратун-нисо»да ва Табароний ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 315).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эр-хотин ўртасидаги алоқа ақида ва дин алоқасидан кейин энг юқори даражадаги алоқа деб эътибор қилинади. Шундай экан, ҳар иккиси Аллоҳ ва Расулининг итоати остида ушбу алоқани асраб-авайлашлари лозим бўлади. Агар ўрталарига шайтон оралаб, бирон хусусда жанжаллашиб қолишса, бунинг ҳукмида Китобу Суннатга мурожаат қилсинлар. Зотан, иймон тақозоси шудир. Аллоҳ таоло айтди: **«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»** (Нисо: 59).

Шунингдек, оилавий ҳаёт муваффақиятли давом этиши учун эр-хотиннинг ҳар бири ўз ҳуқуқлари билан бир қаторда зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларини ҳам яхши англаб етишлари зарур. Муаммолар асосан эр ё хотин фақат ўз ҳуқуқларини талаб қилгани ҳолда иккинчи тарафнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ўз зиммасидаги мажбурият ҳақида ўйла-маслигидан келиб чиқади.





МУСУЛМОННИНГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ УСТИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ



Салом берса алик олиши, акса урса ташмит айтиши, чақирса бориши, касал бўлса ҳолидан хабар олиши, вафот этса жанозасида иштирок этиши, ҳақ устида ёрдам бериши, олдида ҳам, орқасидан ҳам уни мудофаа қилиши, обрў ва номусини ҳимоя қилиши, холис насихат қилиши, шодлигу ғам-аламига шерик бўлиши, ўзи учун яхши кўрган яхши нарсани унга ҳам яхши кўриши мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақ-ҳуқуқларидан

Аллоҳ таоло айтди:

«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир» (Хужурот: 10).

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни тўқисадо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Албатта Аллоҳ Азиз, Ҳакимдир» (Тавба: 71).

«Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўринглар)! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, меҳрибондир» (Хужурот 12).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Мўминнинг мўмин устида олти та**

ҳаққи бор: касал бўлса бориб кўради, вафот этса жанозасида ҳозир бўлади, чақирса⁽¹⁴⁸⁾ ижобат қилади, учрашганда салом беради, акса урса ташмит айтади⁽¹⁴⁹⁾, йўқлигида ҳам, борлигида ҳам унга холис муносабатда бўлади» (Муслим, Насоий, Абу Довуд ривоятлари)

Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни етти нарсага: беморни кўришга, жаноза ортидан боришга, акса урганга ташмит айтишга, қасамнинг устидан чиқишга, мазлумга ёрдам беришга, чақирган жойга боришга, саломни ёйишга буюрдилар (Муттафақун алайҳ).

Асмо бинт Язид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким биродарининг обрў-номусини ғойибона ҳимоя қилса⁽¹⁵⁰⁾, уни дўзахдан озод қилиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади»* (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Саҳиҳул-жомийъ: 6240).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким биродарининг обрў-номусидан (маломатни, ғийбатни) қайтарса, қиёмат кун Аллоҳ таоло унинг юзидан (бутун жисмидан) дўзах ўтини қайтаради»* (Аҳмад, Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомийъ: 6262).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўмин мўминнинг ойнасиدير, мўмин мўминнинг биродаридир, унинг тирикчилиги ўтмай қолишининг олдини олади ва ортидан (йўқлигида) уни (нг оиласи, моли ва обрўсини) сақлайди»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4110).

Тамим ад-Дорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Дин — насиҳат (холислик)дир»*. «Ким учун, ё Расулуллоҳ?», деб сўрадик биз. «Аллоҳ учун, Унинг китоби

148 Яъни, зиёфат, никоҳ тўйи, ақиқа кабиларга чақирса боради.

149 Ташмит — ярҳамукаллоҳ дейиш.

150 «Нега энди ғойибона ҳимоя қилса?», деган савол бўлиши мумкин. Бунга жавоб шуки, мусулмон киши биродарининг обрўсини ғойибона, яъни унинг йўқлигида ҳимоя қилиши унинг биродарига бўлган муҳаббатининг чинлигига, биродарига нисбатан ўзининг зиммасидаги ҳақни чинакам рию қилишига, Аллоҳ учун бажараётган ишида чин ихлосли эканига далолат қилади. Чунки, мусулмон биродарнинг ҳурматини ғойибона ҳимоя қилиш ортида бирон дунёвий тама яширинган бўлмайди. Шунингдек, мусулмон кишининг ҳурмати ўзи йўқлигида поймол қилинганда у ўзини ҳимоя қиладиган одамга муҳтожроқ бўлади. Аксинча, ўзи борлигида ҳурмати поймол қилинса, у ўзини ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлиши ва ёрдамга у қадар муҳтож бўлмаслиги мумкин.

ва Расули учун, мусулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун», деб жавоб бердилар⁽¹⁵¹⁾ (Муслим, Насоий, Абу Довуд ривоятлари).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Биродарингга золим бўлса-да, мазлум бўлса-да ёрдам бер»*, дедилар. Шунда бир киши: *«Ё Расулуллоҳ, мазлум бўлса-ку, ёрдам бераман. Лекин, золим бўлса қандай унга ёрдам бераман?»*, деб сўради. *«Уни зулмдан тиясан. Шу унга ёрдам беришинг бўлади»*, дедилар (Мутта-фақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмонларнинг қонлари (ҳурмат ва қасосда) тенг, энг паст даражадагиси ҳам уларнинг ҳимояси борасида саъй-ҳаракат қилади, энг узоқда бўлгани ҳам ўз ҳимоясига ола билади, бошқалар қаршисига улар бир қўл (яъни, бир жону бир тан) дирлар»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 2391).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши мусулмон кишини обрў-номуси*

151 Аллоҳга нисбатан насиҳат-хोлислик маъноси — Унга иймон келтириш, Уни шериксиз деб билиш, Унга тоат-ибодат қилишдир.

Аллоҳнинг китобига нисбатан насиҳат-холислик маъноси — унга иймон келтириш, уни тиловат қилиш, унинг оятларини тасдиқлаш ва ҳукмларига амал қилиш, маъноларини англаш демакдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга насиҳат-холислик — ул зотни севиш, буйруқ ва қайтариқларига итоат қилиш, суннатларини тирилтириш, даъватларини ёйиш, у зотни ва суннатларини озорлардан ҳимоя қилиш каби маъноларни ифодалайди.

Мусулмонларнинг имом-пешволарига нисбатан насиҳат-холислик — ҳақ устида уларга ёрдам бериш ва итоат қилиш, уларни ҳаққа чорлаш, мусулмонларнинг эҳтиёжларини уларга етказиш, уларнинг орқасида намоз ўқиш ва улар билан бирга жиҳод қилиш, улар тарафидан бирон ножўя иш содир бўлса қаршиларига қилич кўтариб чиқмаслик каби маънолардадир. Дин уламолари бўлмиш имомларга нисбатан насиҳат-холислик — уларнинг сўзларини қабул қилиш, ҳукмларда уларга эргashiш ва уларга нисбатан яхши гумонда бўлишдир.

Мусулмон оммасига нисбатан насиҳат-холислик — уларни дунёвий ва ухровий манфаатларига йўллаб қўйиш, улардан зулму озорларни даф қилиш, уларга бирон зиён-заҳмат етказмаслик, динларидан билмаган нарсаларини таълим бериш, сўзу амалда уларга ёрдам бериш, айбларини яшириш, камчиликларини тўлдириш, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш, уларга меҳр-шафқатли бўлиш, катталарини ҳурмат, кичикларига раҳм қилиш, уларга хиёнат ва ҳасад қилишдан сақланиш, ўзига яхши кўрган нарсани уларга ҳам яхши кўриш ва ўзига ёмон кўрган нарсани уларга ҳам ёмон кўриш, уларнинг молу жонларини ҳимоя қилиш каби маънолардадир

тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган ўринда ёрдамсиз қўйса, Аллоҳ таоло уни Ўзининг ёрдамчини устаб турган ўринда ёрдамсиз қўяди. Қай бир киши мусулмон кишига обрў-номуси тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган ўринда ёрдам берса, Аллоҳ таоло унга Ўзининг ёрдамчини устаб турган ўринда ёрдам беради» (Аҳмад, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5690).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳеч бир банда ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунча иймони комил бўлмайди»* (Муттафақун алайҳ).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: *«Ким биродарига ғойибона ёрдам берса, Аллоҳ дунёю охиратда унга ёрдам беради»* (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ва бошқалар ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 1217).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингиз акса урса: «Алҳамду лиллаҳи ала кулли ҳол» (Ҳар бир ҳолатда Аллоҳга ҳамд бўлсин), десин, шунда биродари ёки ҳамроҳи унга: «Ярҳамукаллоҳ» (Сенга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин), десин, у: «Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳу болакум» (Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин ва ҳолингизни ислоҳ қилсин), деб жавоб қайтарсин»* (Бухорий, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4209).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида икки киши акса урди. У зот улардан бирига ташмит айтиб, иккинчисига айтмадилар. Шунда: *«Ё Расулуллоҳ, икки киши акса урди, сиз улардан бирига ташмит айтиб, иккинчисига айтмадингиз?»,* деб сўралди. *«Буниси Аллоҳга ҳамд айтди, униси эса айтмади»,* деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

Мўминнинг мўминлар ичида тутган ўрни ва унинг мисоли

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўмин киши иймон аҳлига нисбатан бошнинг жасада тутган ўрнидадир, мўмин киши иймон аҳлига етган мусибатдан худди бош жасада етган оғриқдан дард чеккандек дард чекади»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6659).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўминларнинг ўзаро дўстлашиши, бир-бирига раҳм-шафқат кўрсатиши ва меҳр-оқибатли бўлишидаги мисоллари битта жасад мисолидирки, жасаднинг бир аъзоси оғриси, бошқа барча аъзолари бедорлик ва иситмада бирга бўлади»* (Муттафақун алайҳ).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўминлар битта одамга ўхшашики, агар унинг боши оғриси ҳамма ери оғрийди, кўзи оғриси ҳамма ери оғрийди»* (Муслим, Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6668).

Мусулмон биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида юрадиган ва ундан дунё ташвишларидан бир ташвишни аритадиган одамнинг фазли

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мусулмондан дунё ғамларидан бир ғамни кетказса, Аллоҳ ундан охират ғамларидан бир ғамни кетказди. Ким бир мусулмоннинг (камчилигини) ёпса, Аллоҳ дунё охиратда унинг (айбини) ёпади. Банда модомики, биродарига ёрдам бериш пайида экан, Аллоҳ унга ёрдамчи бўлади»* (Муслим, Термизий, Абу Довуд, Ибн Можа ривоятлари).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш йўлида бўлади. Ким мусулмон кишидан битта ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Қиёмат куни яширади»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамларнинг Аллоҳга суюм-лироғи (одамларга) нафи кўпроқ тегадиганидир. Амалларнинг Аллоҳга суюм-лироғи бир мусулмоннинг дилига шодлик киритишингиз ё ундан бир ғам-ташвишни аритишингиз ё қарзини ўтаб қўйишингиз ё очлигини кетказишингиздир. Мусулмон биродарим билан бирга бирон ҳожати учун*

юришим мен учун бир ой масжидда эътикоф ўтиришимдан яхшидир. Ким ғазабини тийса, Аллоҳ унинг айбини ёнади. Ким ғазабини сочишга қодир бўла туриб аччиғини ичга ютса, Аллоҳ қиёмат куни унинг қалбини розилик билан тўлдиради. Ким мусулмон биродари билан бирга то унинг бир ҳожатини раво қилгунча юрса, Аллоҳ таоло қадамлар тойиладиган кунда унинг қадамини собит қилади. Ёмон хулқ амални худди сирка асални бузганидек бузади» (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 176).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Амалларнинг энг афзали мўмин биродаринг дилига шодлик киритишинг ёки унинг бирон қарзини ўтаб қўйишинг ёки унга нон едиришинг» (Саҳиҳул-жомиъ: 1096).

Ибн Мункадирдан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «Мўминнинг қарзини ўтаб қўйиб, ҳожатини раво қилиб, бирон ғамини аритиб унинг дилига шодлик олиб кириш энг афзал амаллардандир».

Суфён ибн Уяйна айтади: Ибн Мункадирдан сўралди: «Лаззатбахш амаллардан нима қолди?» «Биродарларга фазлу-марҳамат кўрсатиш», деб жавоб берди у (Байҳақий «Шуабул-иймон»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2291).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳ таоло қиёмат куни айтади:

— «Эй одамзот, мен касал бўлдим, кўргани келмадинг».

Банда: — «Эй Роббим, мен Сени қандай кўргани бораман, ҳолбуки Сен бутун оламлар парвардигори бўлсанг?», дейди.

— «Билмадингми, фалон бандам касал бўлди, сен уни бориб кўрмадинг. Агар уни кўргани борганингда Мени унинг ҳузурида топган бўлардинг! Эй одамзот, Мен сендан емиш сўраб келдим, сен менга таом бермадинг».

— «Эй Роббим, мен Сенга қандай таом беришим мумкин, ҳолбуки Сен бутун оламлар парвардигори бўлсанг?»

— «Билмадингми, фалон бандам сендан емиш сўраб келди, сен унга емиш бермадинг. Агар уни тўйғизганингда Мени унинг ҳузурида топган бўлардинг! Эй одамзот, Мен сендан сув сўраб келдим, сен менга сув бермадинг».

— «Эй Роббим, мен Сенга қандай сув беришим мумкин, ҳолбуки Сен бутун оламлар парвардигори бўлсанг?»

— «Фалон бандам сендан сув сўраб келди, сен унга сув бермадинг. Агар уни суғорганингда Мени унинг ҳузурида топган бўлардинг!» (Муслим ривояти).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир биродарига бирон ишида воситачи бўлган бўлса-ю, биродари унга шу иши учун бирон ҳадя берса ва у ўша ҳадяни қабул қилса»⁽¹⁵²⁾, судхўрликнинг каттасини қилган бўлади»* (Аҳмад, Абу Довуд ривояти, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3025).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло баъзи кишиларни бандаларга манфаатлар етказиб туришлари учун неъматлар (қобилият ва имкониятлар) билан хослаган бўлади. Модомики, ўша неъматларни сарф қилиб туришаркан, уларни унда мустаҳкам қилади. Агар сарфлашмаса улардан олиб, бошқаларга бериб қўяди»* (Ибн абид-Дунё ва Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2617).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ қай бир бандага мўл-кўл неъмат берган бўлса, сўнг унга одамларнинг эҳтиёжларини туширса-ю, шунда у безор бўлса, ўша неъматни заволга юз туттирган бўлади»* (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2619).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Рамода» йилида (қаттиқ очарчилик бўлган йил) Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу аъробийларни туя, дон-дун ва ёғ билан таъминлашдан қаттиқ қийналиб кетгач, туриб: «Эй Парвардигор, тоғ чўққилари узра уларга ризқ юборгин», деб дуо қилди. Аллоҳ унинг ва муслмонларнинг дуосини ижобат қилди. Устига ёмғир томчилари тушган пайт: «Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳга қасамки, агар Аллоҳ таоло бу ҳолатни биздан аритмаганида, ўзига тўқроқ бўлган биронта муслмон хонадонини қўймасдан

152 Яъни, ким бировнинг бирон ҳолатини ўташ ё муаммосини ҳал қилиб бериш ё бирон ташвишини аритиш учун у билан махсус идоралар ё муайян шахслар ўртасида воситачи бўлса, сўнг бу иши эвазига ўша одамдан ўз ихтиёри билан берган бирон ҳадяни қабул қилса, у судхўрликнинг катта бир турини қилган бўлади. Ушбу ҳадис далолатига кўра, ҳимоячилик (адвокатлик) касби хатарли касб экани маълум бўлади. Чунки, ҳимоячи — аслида у кўпинча куфр қонуни бўйича иш юритишга мажбур — судда одамларнинг манфаатини ҳимоя қилиш олдидан бу ишига албатта хизмат ҳақи талаб қилади, иши кўрилатган одам муҳтожми, камбағал ё қийин аҳволдами, бу уни қизиқтирмайди. Шак-шубҳасиз, бундай сифатдаги кишининг гуноҳи воситачилик қилгани учун ўзи сўрамагани ҳолда берилган ҳадяни қабул қилган одамнинг гуноҳидан улкан. Саҳиҳ ҳадис борки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Ҳали бир қавм келадики, сигир ердан ўт егани каби тиллари билан тиркичилик қилишади»*.

улар ҳузурига ўзларининг сонича камбағалларни киритган бўлар эдим. Шунда бир кишига етарли таом билан икки киши ҳалок бўлмай қолар эди», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 438).



Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилган ва бу зиёратидан фақатгина Аллоҳ розилигини истаган кишининг фазли ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир касални бориб кўрса ёки Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилса бир нидо қилувчи (фаришта) унга: «Хушбахт бўлдинг, қадамингга ҳасанотлар бўлди ва жаннатдан ўзингга бир ўринни ҳозирладинг», деб нидо қилади»* (Термизий, Ибн Можа ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6387).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир мусулмон киши бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кечгача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради, агар оқшом пайти кўргани борса, то тонггача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради ва жаннатдаги бир хурмозор боғ унга бўлади»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 5767).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким касал кўргани борса, раҳматга шўнғийди, қачонки (унинг олдига кириб) ўтирса, раҳмат ичра ўрнашади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 407).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши бошқа шаҳарда яшайдиган бир биродарининг зиёратига отлани. Аллоҳ таоло унинг йўлига бир фариштани жўнатди. Ҳалиги одам фариштанинг ёнига етиб келгач, фаришта ундан: «Қаерга кетяпсиз?», деб сўради. «Шу шаҳарда бир биродарим бор, уни зиёрат қилгани кетяпман», деди. «Унда сизнинг бирон ундириб оладиган ҳаққингиз борми?», деди фаришта. «Йўқ, мен уни фақат Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда у: «Мен сизга Аллоҳ жўнатган элчиман, сиз биродарингизни Аллоҳ учун яхши кўргангиз учун сизни ҳам Аллоҳ яхши кўрди», деди (Муслим ривояти).*

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мусулмон киши мусулмон биродарини кўргани борса, то қайтиб келгунига қадар жаннатнинг хурфаси ичида бўлади», де-*

дилар. «Ё Расулulloҳ, жаннатнинг хурфаси нима?», деб сўралди. «*Пишган мевалари*», деб жавоб бердилар (Муслим ривояти).



Мусулмон киши мусулмон биродарини яхши кўрса

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Агар сизлардан бирингиз биродарини яхши кўрса, яхши кўришини унга билдириб қўйсин*» (Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-адабил-муфрад: 421).

Бир ривоятда: «*Бир киши биродарини яхши кўрса, яхши кўришидан уни бохабар қилсин*» (Термизий, Абу Довуд ривояти, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4273).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир киши ўтиб қолди. Шунда у зот ҳузурида бўлган кишилардан бирлари: «Мен шу одамни Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. «*Ўзига бунга айтганмисиз?*», деб сўрадилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. У: «*Йўқ*», деди. «*Боринг, айтиб қўйинг*», дедилар. У киши ҳалиги одамга бориб айтган эди, у: «*Мени ким учун яхши кўрсангиз, Ўша зот сизни яхши кўрсин*», деди. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қайтиб, унинг сўзларини айтиб берди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сиз яхши кўргангиз билан бирга бўласиз ва сизга ўзингиз талаб қилган ажр бўлади*», дедилар (Абдурраззоқ ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3253).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Икки киши бир-бирини яхши кўрса, уларнинг афзалроғи дўстига муҳаббати кучлироғидир*» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 423).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: «*Икки киши бир-бирини Аллоҳ учун ғойибона яхши кўрса, уларнинг Аллоҳга суюмлюроғи дўстига муҳаббати кучлироғидир*» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3273).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «*Банда бир бандани Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ азза ва жалла уни албатта азиз-мукаррам қилади*» (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1256).

Муъоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу айтади: *«Агар бир биродарни яхши кўрсанг, у билан талашиб-тортишма, унга кўп хиралик қилма⁽¹⁵³⁾, у ҳақда кўп сўраб-суриштирмаки, душманига тўғри келиб қолсанг, сенга у ҳақда бўлмағур гапларни гапириб, ўртангизни ажратиб юбориши мумкин»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 424).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: *«Сизлардан бирингиз биродарининг кўзидаги қилни кўради, бироқ ўзининг кўзидаги ходани ҳам кўрмайди!»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 460).



Мусулмонларнинг бир-бирларига нисбатан муҳаббатларини зиёда қиладиган ва кучайтирадиган ишлар

1. Саломни ёйиш:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, то мусулмон бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббатли бўлмагунингизча мусулмон бўла олмайсизлар. Саломни ёйинглар, бир-бирингизга муҳаббатли бўласизлар. Нафрат-адоватдан сақланинглар, чунки у қирувчидир. Сочни қиради, демайман, балки динни қиради»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 197).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Иймон эгаси бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббатли бўлмагунингизча иймонли бўла олмайсизлар. Сизларни бир-бирингизга муҳаббатли бўлишингизга сабаб бўладиган ишга йўллаб қўяйинми? Ўрталарингизда саломни ёйинглар»* (Муслим ривояти).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамларнинг Аллоҳга яқинроғи биринчи бўлиб салом берувчиларидир»* (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2703).

¹⁵³ Яъни, унда сенинг бирон ҳаққинг бўлса ё бирон ҳожатинг бўлса, ҳадеб айтавериб жонига тегма.

Термизий ривоятида: «Ё Расулуллоҳ, икки киши учрашганда қайси бири биринчи бўлиб салом беради?», деб сўралди. «Аллоҳга яқинроғи», деб жавоб бердилар.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингиз бир биродари билан кўришганда унга салом берсин. Агар ўрталарини бирор дарахт ё девор ё харсанг тўсиб қолиб, сўнг рўпара келсалар, яна салом берсин»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4332).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эканимизда ўртаимизни бирор дарахт ажратса, учрашганимизда бир-биримизга салом берар эдик (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2706).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ислоам амалларидан энг яхшиси қайси?», деб сўради. «*Таом едирасан, таниган ва танимаган кишиларингга салом берасан*», дедилар (Муслим ривояти).

Ағар — Музайналик Ағар — разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бир кишида бўлган хурмодан менга бир жариб (150 килога яқин) беришга буюрдилар. У беришни пайсалга солган эди, мен буни Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим. Шунда у зот: «*Эй Абу Бакр, сиз бориб, унга хурмосини олиб беринг*», дедилар. Абу Бакр билан бомдод намозидан сўнг масжидда кўришишга ваъдалашдик. Мен уни ваъдалашган жойда топдим. Сўнг бирга кетдик. Абу Бакрни узоқдан кўрган одам унга салом берарди. Шунда Абу Бакр: «*Кўрдингизми, қавм (сизга биринчи бўлиб салом бериш билан қанчалик) сиздан афзалликка эришмаяпти. Бирон киши салом беришда сиздан ўзиб кетмасин*», деди. Шундан сўнг узоқдан бирон киши кўринса, биз ундан аввалроқ салом беришга шошилардик (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2702).

Бушайр ибн Ясордан ривоят қилинади: «*Ҳеч ким Ибн Умарга биринчи бўлиб салом беришга улгурмас эди*» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 753).

Туфайл ибн Убай ибн Каъб айтади: Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдида келар ва иккаламиз бозорга борар эдик. Бозорга етиб келгач, Абдуллоҳ ибн Умар қорин, калла-поча сотадиган камбағал борми, савдолашаётган одам борми, мискин борми, кимнинг олдидан ўтса, албатта салом берар эди. Бир куни Абдуллоҳ ибн Умарникига келсам, у мени яна бозорга етаклади. Шунда мен унга: «Бозорда нима

қиласиз, сиз ўзингиз бирон савдо устида турмасангиз, нарх-навони сўрамасангиз, савдолашмасангиз, бозорчилар билан ўтирмасангиз? Ундан кўра шу ерда гаплашиб ўтирайлик», деган эдим, Абдуллоҳ: «Эй қоринбой, — Туфайл қориндор одам эди — биз фақат салом учун борамиз, учраган одамга салом берамиз», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 770).

2. Қўл бериб кўришиш:

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Иккита мусулмон бир-бири билан учрашиб, қўл бериб кўришишар экан, ажралмасларидан туриб гуноҳлари мағфират қилинади»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4343).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон киши мусулмон биродари билан учашганида унинг қўлини олиб кўришса, икковининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан худди қиш (куз)да дарахт барглари тўкилгани каби тўкилади»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2004).

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу айтади: *«Саломлашув биродаринг билан қўл бериб кўришишинг билан мукаммал бўлади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 745).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биров билан кўришсалар, то у ўзи қўлини олмагунича қўллари тортиб олмас эдилар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2485).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари бир-бирлари билан учрашганда қўл бериб кўришишар, сафардан келганларида қучоқлашиб кўришар эдилар (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2647).

3. Ўзаро ҳадялар бериш:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Бир-бирингизга ҳадя берингиз, ўзаро муҳаббатингиз ортади»*, дедилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 462).

Анас разияллоҳу анҳу дедилар: *«Эй болаларим, бир-бирингизга саховат қилинг, ўрталарингизда муҳаббат ҳосил бўлади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 463).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо дедилар: *«Бизга шундай замонлар келган эдики, бир киши ўзининг динори ва дирҳамига мусулмон биро-*

даридан кўра ҳақлироқ саналмасди. Эндиликда бизлардан биримизга динор ва дирҳам мусулмон биродаридан кўра суюмлироқ бўлиб қолди»⁽¹⁵⁴⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 81).

4. Мусулмон биродарига ғойибона дуо қилиш:

Уммуд-Дардо разияллоху анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтардилар: *«Мусулмон кишининг биродари ҳаққига қилган ғойибона дуоси ижобат қилинувчидир, унинг боши устида бир фаришта туради, қачон биродарига яхшилик тилаб дуо қилса, фаришта: «Омийн, сенга ҳам ўшанча бўлсин», дейди (Муслим ривояти).*

Абу Бакр Сиддиқ разияллоху анху айтадилар: *«Аллоҳ йўлидаги биродарнинг дуоси ижобат қилинади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 486).

5. Мусулмон биродар юзига табассум билан боқиш ва унга очик юз билан юзланиш:

Абу Зар разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Биродаринг юзига табассум билан боқилишинг садақа, амри маъруф ва наҳий мункар қилишинг садақа, адашиб қолган кишини йўлга солиб қўйилишинг сен учун садақа, йўлдан ахлат, тикан ва суякни олиб ташлашинг сен учун садақа, челагингдан биродаринг челагинга сув қуйиб беришинг сен учун садақа»* (Термизий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2685).

Абу Журай Ҳужаймий разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *«Ё Расулуллоҳ биз саҳро аҳлиданмиз, бизга шундай нарсани ўргатингки, Аллоҳ бизни у билан фойдалантирсин!»*, дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *«Яхшиликдан бирор нарсани ҳам арзимас санамагин, ҳатто (қудуққа) сув олгани келган одамнинг идишига челагингдаги сувни қуйиб беришинг ҳам, биродарингга очик юз билан боқиб сўзлашинг ҳам (яхшиликдир)...»* (Абу Довуд, Термизий ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2687).

Насойй ва Аҳмад ривоятида: *«Яхшиликдан бирон нарсани қилишни арзимас санама, ҳатто бировга (бир бўлак) арқон совға қилиш бўлса ҳам,*

154 Ибн Умар разияллоху анҳумонинг ҳаётлик даврларидаги гап шу бўлса, бизнинг замонимиздаги аҳвол ҳақида нима дейиш мумкин?! Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!!!

(қудуққа) сув олгани келган одамнинг идишига челагингдан сув қуйиб бериш бўлса ҳам, мусулмон биродарингга очиқ юз билан учрашиш бўлса ҳам, ҳафа одамни кўнглини ёзиш бўлса ҳам, оёқ кийимнинг ипини ҳада қилиш бўлса ҳам».

6. Биродарлар зиёратида ўртача бўлиш, малоллантириш даражасида кўп бормаслик ва узилиб кетиш даражасида кам бормаслик:

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ора-сира зиёрат қилиб тур, муҳаббатинг ортади*» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2583).

7. Биродарини Аллоҳ учун яхши кўришини билдириб кўйиши:

Алий ибн Ҳусайндан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Сизлардан бирингиз биродарини Аллоҳ учун яхши кўрса, унга бунни билдирсин. Зеро, бу дўстликнинг яхшиланишига ва муҳаббатнинг сақланиб қолишига сабабдир*» (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1199).

Аллоҳ учун бир-бирини яхши кўрганларга Аллоҳ таоло ҳузуридаги мукофотлар

Абу Муслимдан ривоят қилинади: Мен Муозга: «Аллоҳга қасамки, мен сизни яхши кўраман, бироқ бу сиздан мол-дунё умид қилганимдан ё ўртамизда қариндошлик борлиги учун эмас», дедим. «Унда нима учун?», деб сўради. «Аллоҳ учун», дедим. У белбоғимдан тортиб туриб деди: «Агар рост айтаётган бўлсанг, хурсанд бўлавер. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Аллоҳ учун бир-бирини яхши кўрган кишилар Унинг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда аршининг соясида бўладилар, уларнинг мартабасига пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳавас қиладилар*», деганларини эшитганман».

Убода ибн Сомит билан кўришиб, унга Муоз айтган ҳадисни айтган эдим, у деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Раббиларидан ривоят қилиб шундай деганларини эшитганман: «*Мен учун бир-бирларини яхши кўрганларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлди. Мен*

учун бир-бирларига насиҳат қилувчиларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлди. Мен учун бир-бирларига инфоқ-эхсон қилганларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлди. Улар нурдан бўлган минбарларда бўладилар, пайғамбарлар, шаҳидлар ва сиддиқлар уларга ҳавас қиладилар» (Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 3019).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат кунда Аллоҳ таолонинг аршининг ўнг томонида ўтирувчи хос кишилари бўлади — Аллоҳнинг ҳар икки қўли ўнгдир-баракотлидир — улар нурдан бўлган минбарларда ўтирадилар, чеҳралари нуроний бўлади, улар на пайғамбарлар, на шаҳидлар ва на сиддиқлардир». «Ё Расулуллоҳ, улар кимлар?», деб сўралди. «Улар Аллоҳ таборака ва таоло учун бир-бирини яхши кўрган кишилардир», деб жавоб бердилар (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 9022).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло қиёмат кунини юзларида нур бўлган кишиларни чиқаради, улар гавҳардан бўлган минбарларда бўладилар, ҳамма уларга ҳавас қилади, улар на пайғамбарлар ва на шаҳидлардир». Шунда бир аъробий тиззалаб туриб: «Ё Расулуллоҳ, уларни бизга баён қилиб беринг, таниб олайлик», деди. «Улар турли қабилалардан, турли диёрлардандир, Аллоҳнинг зикри устида жамланадилар», дедилар (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 3025).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, улар на пайғамбарлар ва на шаҳидлардир, қиёмат кунини пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам уларга Аллоҳ таолога яқинликлари ва У зотга яқин ўринлари туфайли ҳавас қиладилар», дедилар. Шунда бир аъробий тиззалаб турган ҳолда: «Ё Расулуллоҳ, уларни бизга сифатлаб, очиқлаб беринг», деди. «Улар таниқли бўлмаган одамлар, ўзлари турли-туман қабилалардан, Аллоҳ йўлида дўстлашишган ва бир-бирига муҳаббат қўйишган. Аллоҳ таоло қиёмат кунини уларга нурдан бўлган минбарлар ўрнатади, ҳамма одамлар қўрқувда бўлганда улар қўрқишмайди, улар Аллоҳ азза ва жалланинг дўстларидир, **«уларга хавфу-хатар йўқдир ва ғамгин ҳам бўлмайдилар»**», дедилар (Ҳоким «Мустадрак»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3464).



Мусулмоннинг номусига тил тегизиш мусулмон биродарига ҳаромлиги ва мусулмон биродари ҳақида бўлмағур сўзлар айтувчи киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳар бир мусулмоннинг моли, номуси ва қони бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Мусулмон биродарини камситиши кишининг ёмонлигига кифоядир»* (Муслим ривояти).

Абу Бакра ас-Сақафий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳажжатул-вадоъ кун) одамларга хутба қилиб: *«Бугун қандай кунлигини биласизларми?»*, дедилар. Улар: *«Аллоҳ ва Расули билувчироқ»*, дейишди. У зот биров жим турдилар, энди биз уни бошқача ном билан атасалар керак, деб ўйлаб турган эдик: *«Қурбонлик кун эмасми?!»*, дедилар. Биз: *«Ҳа, шундай ё Расулуллоҳ»*, дедик. *«Бу қайси шаҳар? Баладул-ҳаром эмасми?!»*, дедилар. Биз: *«Ҳа, шундай ё Расулуллоҳ»*, дедик. *«Сизларнинг қонларингиз, молларингиз, обрў-номусларингиз мана шу шаҳрингиз, мана шу ойингиз, мана шу кунингизнинг ҳаромлигидек ҳаромдир. Огоҳ бўлингиз, етказдимми?!»*, дедилар. Биз: *«Ҳа»*, дедик. *«Парвардигоро, Ўзинг гувоҳ бўлгайсан. Шу ерда ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказсинлар! Зеро, баъзи етказувчилар бўладики, ўздан кўра яхшироқ англайдиган кишиларга етказадилар»*, дедилар. Яна айтдилар: *«Мендан сўнг бир-бирингизнинг бўйингизга қилич соладиган кофирларга айланиб кетманглар!»*. (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳумайд ас-Соидий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Биродарининг розилигисиз унинг асосини (таёғини) олиши ҳам кишига ҳалол бўлмайди, бу эса Аллоҳ таоло мусулмоннинг молини мусулмонга қаттиқ ҳаром қилгани учундир»* (Аҳмад, Таҳовий, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоятлари, Албоний саҳиҳ санаган, Ирвоул-ғалил: 1459).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«(Ҳақиқий) мусулмон — мусулмонлар унинг қўли ва тилидан саломат бўлган кишидир, (ҳақиқий) муҳожир — Аллоҳ қайтарган нарсани тарк этган кишидир»* (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир, у билан жанг қилиш куфрдир»* (Муттафақун алайҳ).

Муоз ибн Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким одамлар тушадиган*

ўринни торайтурса ё йўлни тўсиб қўйса ё мўминга озор етказса, унинг жиҳоди жиҳод эмас»⁽¹⁵⁵⁾ (Аҳмад ва Абу Довуд ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6378).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Икки муслмон бир-бирига қиличлари билан юзланса, ўлдиргани ҳам, ўлдирилгани ҳам дўзахдадир.» Мен: «Ё Расулуллоҳ, бу-ку қотил, ўлдирилганининг ҳоли нега ундай?» деб сўрадим. «Албатта, у ҳам шеригини ўлдиришга ҳарис эди» — дедилар (Бухорий ривояти).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Муслмон киши муслмон биродарига қарши қилич яланғочласа, то уни қайта қинига солгунича фаришталар унга лаънат айтиб турадилар» (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3973).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз биродарига тиғ билан ишора қилса, гарчи у ўзининг туғишган ака ё укаси бўлса-да, фаришталар унга лаънат айтадилар» (Аҳмад, Муслим, Термизий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 1957).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага боқиб, дедилар: «Марҳабо, эй Байтуллоҳ! Сен нақадар улуғсан, ҳурматинг нақадар буюк!! Бироқ мўминнинг ҳурмати Аллоҳнинг ҳузурида сенинг ҳурматингдан ҳам улуғроқ. Аллоҳ сендан фақат битта нарсани ҳаром (ҳурматли) қилган бўлса, мўминдан учта нарсани — қонини, молини ва у ҳақда ёмон гумонда бўлишни ҳаром қилди» (Байҳақий «Шуабул-иймон»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3420).

155 Шундай экан, мужоҳид жиҳод қилаётганлиги билан мағрурланиб қолмасин, муслмон биродарларига нисбатан қандай муомала қилаётганини текшириб боқсин. Зеро, муслмонларга заррача озор етказиш билан ўзи билмаган ҳолда жиҳодининг ажридан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, Аллоҳ асрасин! Аслида, мужоҳид муслмонлардан озор ва зарарни даф қилиш, уларнинг ҳурмат ва номусларини ҳимоя қилиш учун жиҳод қилади, уларга озор ва азият бериш учун эмас!

Ушбу ҳадисда ва муслмоннинг ҳурматига доир юқоридаги бошқа ҳадисларда арзимас сабаблар билан, бир ёки бир неча қаланги-қасанги кофирнинг ўлигини деб — уларнинг ўлим сабаблари аниқ ҳам эмас аслида — ичида муслмонлар ҳам, бошқалар ҳам бор бўлган бутун бошли бинони ичидаги бегуноҳ одамлари билан қўшиб портлатиб юборадиган, муслмонларнинг ҳурматлари ва қонларини бир чақага тенг кўрмайдиган кимсаларга насихат ва ибратлар мавжуд.

Абу Умома ал-Хорисий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким қасами билан бир мусулмон кишининг ҳаққини тортиб олса, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади»*. Шунда бир киши: *«Озгина нарса бўлса ҳамми, ё Расулуллоҳ?»*, деб сўради. *«Арок (дарахти)нинг новдаси⁽¹⁵⁶⁾ бўлса ҳам!»*, деб жавоб бердилар (Муслим, Аҳмад, Насоий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 6076).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши биродарининг совчилиги устига — то у (биродари ўша аёлга) уйланмагунича ёки уни тарк қилмагунича — совчи қўймасин»* (Муттафақун алайх).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши биродарининг байи устига бай қилмасин, биродарининг совчилиги устига совчи қўймасин, фақат ўзи рухсат берсагина мумкин»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши мусулмон биродарининг савдолашиши устига савдо қилмасин»* (Муслим ривояти).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, мусулмон киши биродарига айб-нуқсонли нарсани нуқсонини айтмай сотиши ҳалол бўлмайди»* (Аҳмад, Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 6705).

Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайф разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингиз нега (ҳасад ва кўзи билан) ўз биродарини ўлдириши керак?! Агар бирортангиз биродарида ўзига ёққан нарсани кўриб қолса, унга барака тилаб дуо қилсин»* (Насоий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 4020).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир, у билан жанг қилиш куфрдир, унинг молининг ҳурмати қонининг ҳурмати билан бир хилдир⁽¹⁵⁷⁾»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3596).

156 Яъни мисвок (тарж.)

157 Менга шундай савол бўлди: Жиход билан шуғулланувчи бир жамоа пулга муҳтож, жиход сарф-харажатларини қоплаш учун мусулмонларнинг мол-мулкларини куч билан тортиб олса бўладими?!

Ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўминни сўкувчи ҳалокат ёқасида турувчи кабидир»* (Саҳиҳул-жомиъ: 3586).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши биродарига: «Эй кофир!» деса, улардан бири ўша (кофирлик) билан қайтади. Агар у айтганидек бўлса ҳўп, акс ҳолда (кофирлик унинг ўзига) қайтади»* (Муслим ривояти).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Ким бир кишини кофир деб чақирса ё «Аллоҳнинг душмани» деса-ю у одам ундай бўлмаса, (ўша гапи) ўзига қайтади»* (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мўмин ҳақида ноҳақ гап гапирган бўлса, то айтган гапини исботламагунича (жаҳаннам аҳлидан чиққан) қон-йиринг балчиғида сақланади»* (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 437).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши биродарини: «Эй кофир!» деса, гўё уни қатл қилибди. Мўминни лаънатлаш гўё уни қатл қилишидир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 710).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Ё Расулуллоҳ, ғийбат нима?»* деб сўралди. *«Биродаринг ҳақида у ёқтирмайдиган нарсани айтишинг»*, дедилар. *«Агар мен айтган нарса унда ҳақиқатан бўлса-чи?»*, дейилди. *«Аган сен айтган нарса унда бўлса, сен уни ғийбат қилган бўласан, агар у нарса унда бўлмаса, сен унга бўҳтон қилган бўласан»*, дедилар (Термизий ва Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4079).

Мен шундай жавоб бердим: МУМКИН ЭМАС.. муслмон молининг ҳурмати қонининг ҳурмати кабидир (яъни ҳаромликда бир хил). Боиси қандай бўлишидан қатъий назар муслмоннинг қонини ноҳақ тўкиш ҳаром бўлгани каби унинг молига ноҳақ эга бўлиш ва унинг розилигисиз ундан молини тортиб олиш мумкин эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида жиҳод (қаттиқ аҳамиятли бўлишига қарамасдан) оғир, ўта эҳтиёжли ҳолатда бўлиб, хусусан, “Ғазватул усра” — Табук ғазоти ва бошқаларда молга қаттиқ эҳтиёж бор эди. Шундай ҳолатларда ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам муслмонлардан мол-мулкларини зўрлик билан тортиб олганлари маълум эмас. Балки ул зот Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилишга тарғиб қилардилар, холос.

Саид ибн Зайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон кишининг обрўсини ноҳақ тўқиш риборларнинг ҳам рибосидир»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4081).

Қайсдан ривоят қилинади: Амр ибн Ос бир қанча асҳоблари билан бораётиб бир хачирнинг шишиб кетган ўлаксаси ёнидан ўтиб қолди ва: *«Аллоҳга қасамки, сизлардан бирингиз мана шу ўлаксадан қорни тўйгунича ейиши мусулмоннинг гўштини (ғийбат билан) ейишидан яхшироқ»*, деди. (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 565).

Мусулмоннинг гўштини ейиш уни ғийбат қилиш билан бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўшти-ни ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?!** (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! **Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, меҳрибондир»** (Ҳужурот: 12).

Салама ибн Акваъ разияллоҳу анҳу айтади: «Агар бир киши биродарига лаънат ўқиётганини кўрсак, уни гуноҳи кабиралардан бирини қилаётган санардик» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2649).



Биродарига араз қилиб, уч кундан ортиқ гаплашмай қўйган одам ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир-бирингизга нафрат қилмангиз, бир-бирингизга ҳасад қилмангиз, бир-бирингиздан юз бурмангиз, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Мусулмон киши биродари билан уч кундан ортиқ гаплашмай қўйиши дуруст эмас!»* (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон мусулмонга уч кундан ортиқ гина-араз қилиши жоиз эмас, учрашганида уч марта салом берсин, ҳаммасида алик олмаса, гуноҳи унинг бўйнига бўлади»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4105).

Ҳишом ибн Омир ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон мусулмон билан уч кундан ортиқ аразлашиши дуруст эмас. Аразларида давом этишаркан, ҳақдан бурилган ҳолда қолишади. Аразидан биринчи*

бўлиб тушганига араздан эрта тушганлиги каффорат бўлади. Агар шу аразлашувлари билан ўлиб кетишса иккаласи ҳам асло жаннатга кира олишмайди. Агар (бири бошқасига) салом берса-ю, униси саломни қабул қилишдан бош тортса, (салом берганга) фаришта жавоб қайтаради, унисига эса шайтон жавоб қайтаради» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 311).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис борки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон киши биродарига уч кеча-кундуздан ортиқ гина қилиши ҳалол бўлмайди, кимки уч кундан ортиқ гина қилган ҳолида ўлиб кетса дўзахга киради»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4106).

Абу Хирош ас-Суламий разияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганини эшитдим: *«Кимки биродарини бир йил гаплашмай тарк қилса, худди унинг қонини тўккан каби бўлади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 313, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4105).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар икки киши Исломга киргач, бир-бири билан аразлашиб гаплашмай қўйишса, улардан бири — яъни зулм қилгани — то қайтиб гаплашмагунича Исломдан чиққан бўлади»* (Баззор ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3294).

Абу Айюб ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон кишига ўз биродарини уч кечадан ортиқ гаплашмай ташлаб қўйиши, учрашсалар униси у ёққа юз ўгириб, буниси бу ёққа юз ўгириши ҳалол бўлмайди. Уларнинг энг яхшиси саломни аввал берганидир»* (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Жаннат эшиклари ҳар пайшанба ва душанба кунлари очиб қўйилади ва Аллоҳга ширк келтирмаган ҳар бир кишининг гуноҳлари шу икки кунда кечирилади. Фақат биродари билан ўрталарида адоват бўлган кишини қолдирилиб: «Бу иккаласини то ярашиб олмагунларича қўйиб турунглар», дейилади»* (Муслим, Термизий, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4108).

Абу Довуд деди: агар алоқани узиш Аллоҳ таоло учун бўлса, бунинг зарари йўқ, Умар ибн Абдулазиз бир кишидан юзини тўсиб олган⁽¹⁵⁸⁾.

158 Шу ўринда огоҳлантириб қўйиш лозимки, гоҳида шаръий зарурат туфайли бидъат ва залолат аҳлларида алоқани узиш лозим бўлиб қолади. Бу эса уларни залолатларидан қайтарадиган ва шаръий наф ҳосил бўлгудек миқдорда қилинади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши бўлсаларингиз, то бошқа одамларга аралашиб кетмагунингизча икки киши бир кишини ажратиб қўйиб, бир-бири билан шивирлашиб гаплашмасинки, бу унинг кўнглини оғритади»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингиз бир биродари билан кўришганда унга салом берсин. Агар ўрталарини бирор дарахт ё девор ё харсанг тўсиб қолиб, сўнг рўпара келсалар, яна салом берсин»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4332).

Мусулмонлар зарарига айғоқчилик қиладиган⁽¹⁵⁹⁾ киши ҳақида

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй тили билан иймон келтириб, қалбига иймон кирмаган кишилар! Мусулмонларни ғийбат қилманглар, уларнинг айбларини қидириб юрманглар! Зеро ким уларнинг айбларини текшириб юрса, Аллоҳ унинг айбини текширади. Аллоҳ кимнинг айбини текширса, уни ўз уйида турган ҳолида ҳам шармандасини чиқаради»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4083).

Бу қабилдаги алоқани узиш юқорида зикри ўтган ҳадисларга кирмайди. Шунингдек бу ҳадислар шаръий жиҳатдан алоқани узиш керак бўлган кишилардан алоқани узмасликка сабаб ҳам бўлмаслиги керак.

159 Айғоқчилик ва жосуслик икки хил бўлади: Бир хили борки, у ўз эгасини диндан чиқаради. Яъни, бир киши мусулмонларнинг — хусусан жиҳод майдонидаги мужоҳидларнинг — айбларини, заиф ва кучли томонларини текшириб, ўрганиб, сўнг уни кофир ва мушрик душманларига етказди ва бу билан мусулмонлар зиёнига кофирларга ёрдам берган бўлади. Бу эса кофирларни дўст тутиш жумласига киради. Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас»** (Моида: 51).

Яна бир хили борки, уни қилган одам кофир бўлмайди, бироқ у катта гуноҳлардан саналади. Яъни, бир киши мусулмонларнинг айбу камчиликларини қидириб, текшириб юради-да, сўнг уларнинг ғийбатини қилиб ва шу ҳақда гап-сўз тарқатиб, бошқалар уларнинг устларидан кулиб, мазах қилишларига сабаб бўлади.

Муоз ибн Анас ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мўминни мунофиқдан ҳимоя қилса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг этини жаҳаннам ўтидан ҳимоя қиладиган бир фариштани юборади. Ким бир муслмонни шарманда қилиш мақсадида уни бирон нарса билан айбласа, Аллоҳ таоло уни то айтган гапи (жазоси)дан қутулмагунча жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4086).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Гумондан сақланинглар, зеро гумон сўзларнинг энг ёлғонидир. Бировлар ортидан жосуслик қилманглар, айбларини қидирманглар, бир-бирингизга буғз-адоват қилманглар, биродар бўлинглар!»* (Бухорий ривояти).

Муставрид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир муслмоннинг (шаъни) эвазига нон топиб еса, Аллоҳ таоло унга ўшанча миқдорда жаҳаннам ўтидан едиради. Ким бир муслмоннинг шаъни эвазига кийим кийса, Аллоҳ азза ва жалла унга жаҳаннам оловини кийдиради. Ким муслмон кишига нисбатан риё ва сумъа ўрнида турса, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни риё ва сумъа ўрнида турғизади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 179, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 934).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида намоз ўқиб турган эдилар, бир киши келиб уйларига қаради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқдонларидан камон ўқи олиб, унинг кўзларига қараб тўғрилаган эдилар, ҳалиги одам қайтиб кетди. (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 612).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар бир одам сенинг уйингга сендан берухсат қараса, тошча билан уриб кўзини чиқариб қўйсанг сенга гуноҳ бўлмайди»* (Муттафақун алайҳ).



Ҳақиқий биродарлик ва фидокорликка бир мисол:

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш муҳожирлари билан ансорларни биродар қилдилар, шунда Саъд ибн Рабиъни Абдурахмон ибн Авфга биродар қилиб қўйдилар. Саъд Абдуррахмонга: *«Менинг мол-давлатим бор, уни*

тенг иккига бўлиб, ярмини сизга бераман. Иккита аёлим бор, кўринг, қайсиниси сизга маъқул бўлса талоқ қилай, сиз унга уйланинг», деди. Абдурраҳмон унга жавобан деди: «Аллоҳ сизга аҳли-аёлингиз ва мол-давлатингизни баракотли қилсин, мени бозорга йўллаб қўйинг...» (Бухорий ва Насоий ривояти, Саҳиҳу сунанин-Насоий: 3172).

Аллоҳ таолодан бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилишини ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қўймаслигини сўраймиз. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан.

Шунингдек, У зотдан тарқоқликларимизни бирлаштиришини, сафларимизни Китобу суннат ҳамда салафлар тушунчаси асосида бириктиришини, дилларимизни ошно қилишини, бизларни ёвлар қаршисида бир тану бир жонга айлантириб, душманларимиз ва динимиз душманлари устидан Ўзи нусрат ва ғалаба беришини сўраймиз. Зотан, У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобиға салавот ва саломлар йўласин.



АЛЛОҲ ЙЎЛИДАГИ МУЖОҲИДНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ⁽¹⁶⁰⁾



Кимни Аллоҳ йўлидаги мужоҳид деб айтамыз?⁽¹⁶¹⁾

160 Мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақ-ҳуқуқлари борасида айтилган барча сўзлар мужоҳидга ҳам тааллуқли, мужоҳид ҳам бунга тўла ҳақли, аслида. Лекин, мужоҳиднинг мужоҳид бўлмаган бошқа мусулмонлардан айрича афзалликлари борлигидан, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам ортиқроқ ва риоя қилиниши зарурроқ саналади. Шу боис ҳам биз мужоҳиднинг фазилат ва ҳақ-ҳуқуқлари хусусида алоҳида сўз юритишни истадик.

161 Мужоҳиднинг фазилат ва ҳақ-ҳуқуқлари хусусида сўз юритишдан аввал мана шу фазилат ва ҳақларга лойиқ ва муносиб, қуйида биз зикр қиладиган оят ва ҳадисларни уларга ишлатиш мумкин бўлган “мужоҳидлар кимлар ўзи?”, деган саволга жавоб топиб олайлик. Чунки, бизнинг давримизга келиб мужоҳид номи кўп ҳолларда шайтон ва тоғут йўлида жанг қилувчи кишиларга ҳам истеъмол қилинадиган, тоғут йўлида жанг қилаётган «мужоҳид»лар ҳам ўзларини ҳақиқий мужоҳидлардан санаб, жиҳод ва мужоҳиднинг фазилатлари ҳақидаги оят-ҳадислар уларга ҳам тегишли эканини даъво қиладиган бўлиб кетишган. Мақтовга сазовор, ҳақиқий мужоҳид Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи мужоҳиддир. Аллоҳ йўлидаги мужоҳид эса Аллоҳнинг калимаси “Ла илаҳа илла Аллоҳ” олий бўлиши учун жанг қиладиган мужоҳиддир. Мужоҳиднинг жиҳоди Аллоҳнинг калимасини олий қилиш ва Аллоҳнинг ҳукмини татбиқ этиш учун бўлаётган жиҳод деган номга сазовор бўлиши учун унда иккита сифат ёки шарт топилиши зарур:

1) У жиҳодини Аллоҳ учун ҳолис, ёлғиз Унинг савоби ва розилигини истаб, Унинг амрига итоат қилибгина қилиши, қилаётган жиҳоди ортидан риё ва сумъа истамаслиги, уни жиҳод қилишга ҳамияти ёки ботилга таассуб қилиши олиб келган бўлмаслиги лозим. Зотан, ихлос ҳар қандай ибодатнинг, шу жумладан Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг ҳам Аллоҳ ҳузурида қабул бўлишининг шартидир.

2) Уни жиҳод қилишга олиб келган ва жиҳодга сабаб бўлган иш — Аллоҳ таоло изн берган, машруъ қилган ва уни бандаларига фарз қилган шаръий иш бўлмоғи зарур. Яъни, динни ё номус-обрўни ё мол-мулкни ё ерни ё ислом давлатини

Аллоҳ таоло айтди:

«Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитувчи, билувчидир» (Бақара: 244).

ҳимоя қилиб, ёки заиф-ночор, қувғинга учраган мўмин-мусулмонлар ҳимояси йўлида, ёхуд зулму тажовузни бартараф этиш, мазлумнинг ҳаққини олиб бериш каби жиҳод ва жангсиз амалга ошмайдиган ҳар қандай иш учун жангга кириш — Аллоҳ изн берган жиҳод туридан саналади ва бу — ихлос шарти билан биргаликда — Аллоҳ йўлидаги жиҳод васфи ва ҳукмига сазовор ҳисобланади.

Аллоҳ таоло айтди: **«Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир»** (Ҳаж: 39). Бу зулмни даф қилиш учун Аллоҳ йўлидаги жангдир.

Яна айтади: **«Улар ўзларига зулм етган вақтда (унга қарши курашиб) ғолиб бўладиган зотлардир»** (Шўро: 39). Яъни, улар ўзларининг топталган ҳақ-хуқуқлари учун курашиб ғолиб бўладилар, бу — ихлос билан бўлганда — Аллоҳ йўлидаги жиҳод саналади.

Яна айтади: **«(Эй мўминлар), сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва «Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар(ни озод қилиш) йўлида жанг қилмаяпсизлар?!»** (Нисо: 75). Бу ҳам Аллоҳ йўлидаги жанг бўлиб, ундан мақсад заиф-бечора кишиларни, нотавон аёллару мурғак гўдакларни кофирларнинг зулму тажовуздан қутқаришдир.

Яна айтади: **«Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинлар!»** (Хужурот: 9). Бу ҳам Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир, ундан мақсад тажовузкорни тажовуздан тийиб қўйиш ва тажовузга учраган тоифага ёрдам қилишдир.

Қасд битта — яъни, Аллоҳ таолонинг розилигини топиш ва Унинг ҳузуридан ажру савоб талаб қилиш — ғаразлар эса кўп ва турли-туман, лекин шарти — Аллоҳ изн берган машруъ иш бўлишидир, Аллоҳнинг калимаси ва ҳукми шудир. Чунки, ботилни рўёбга чиқариш ёки ҳақни йўққа чиқариш ёки золимнинг зулмига ёрдам бериш каби ноҳақ ва номашруъ йўлларда жиҳод қилиш жоиз бўлмайди.

Саҳиҳ ҳадисда келганидек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким молини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир, ким қонини (жонини) ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир, ким динини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир, ким аҳлини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир»** деганлар» (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6445), **«Ким мазлама (яъни ўзининг поймол қилинган ҳаққини) талаб қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир»** деганлар (Насойи ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6447). «Молини ҳимоя қилиб» ёки «динини мудофаа қилиб» каби иборалар саҳиҳ шаръий иборалар бўлиб, «Аллоҳ йўлида ерни, номусни, аҳлни, молни, ҳақ-хуқуқни ҳимоя қилиб жанг қиламиз» деб айтиш жоиз. Бироқ, «Ер ёки номус ёки аҳл ёки мол йўлида жанг қиламиз» деб айтиш хато бўлади, бундай дейиш кишини ширкка тушириб қўяди.

«Иймон эгалари Аллоҳ йўлида жанг қиладилар, кофир кимсалар эса шайтон йўлида жанг қиладилар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Шубҳасиз, шайтоннинг макри заиф бўлувчидир» (Бақара: 244).

«(Эй мўминлар), хоҳ енгил, хоҳ оғир ҳолингизда (яъни, истасангиз, истамасангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир» (Тавба: 41).

«Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир» (Хужурот: 15).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бир киши ўлжа учун жанг қилади, бир киши шухрат қозониш учун ва обрў-эътиборга эга бўлиш учун жанг қилади. Қай бири Аллоҳ йўлида жанг қилган бўлади?», деб сўради. У зот: *«Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса, шу Аллоҳ йўлида (жанг қилган) бўлади»*, деб жавоб бердилар (Муттафақун алайх).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб деди: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ йўлидаги жанг(нинг маъноси) нима? Зеро, бировимиз ғазабланганидан, (бировимиз) ҳамият қилиб жанг қилади». У зот дедилар: *«Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса, шу одам Аллоҳ азза ва жалла йўлида (жанг қилган бўлади)»*⁽¹⁶²⁾ (Муттафақун алайх).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жасурлигини кўрсатиб қўйиш учун урушадиган ва риё учун урушадиган киши ҳақида: «Уларнинг қай бири Аллоҳ йўлида бўлади?», деб сўралганларида: *«Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса, шу одам Аллоҳ азза ва жалла йўлида (жанг қилган бўлади)»*, деб жавоб бердилар.

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Бир

162 Аллоҳнинг калимаси Унинг ҳукми, буйруғи, шариатидир. Аллоҳ бандаларига буюрган, шаръий қилган ва у сабабдан жиҳод қилишга изн берган барча нарсаларни ҳимояси йўлида жанг қилиш Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилиш саналади.

одам ажр ва зикр (шон-шухрат) талаб қилиб жангга кирса, у нима (ажр) га эга бўлади?», деб сўраган эди: «*Ҳеч қандай ажрга эга бўлмайди*», деб жавоб бердилар. Уч қайта сўраган эди ҳам: «*Ҳеч нарсага эга бўлмайди*», деб жавоб бердилар, сўнг: «*Аллоҳ таоло фақат Ўзи учун холис бўлган ва Унинг Юзи исталган амалнигина қабул қилади*», дедилар⁽¹⁶³⁾ (Саҳиҳ сунан ан-Насойй: 2943).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «*Қай бир лашкар Аллоҳ йўлида жанг қилиб, ўлжага эришар эканлар, охиратдаги ажрларининг учдан иккисини нақд олган бўладилар ва улар учун учдан бири қолади. Агар ўлжага эришмасалар, ажрлари тўлалигича қолади*» (Имом Муслим ривояти).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким Аллоҳ йўлида ғазот қилса-ю, фақат биргина тушовни (ўлжа сифатида қўлга киритишни) ният қилган бўлса, унга ният қилган нарсаси бўлади*» (Саҳиҳ сунан ан-Насойй: 2941).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли — ким Унинг йўлида жиҳод қилаётганини Аллоҳнинг Ўзи яхши билувчироқ — кундузлари рўзадор ва кечалари намозда қоим турувчи кишининг мисолига ўхшайди. Аллоҳ таоло Ўзининг йўлидаги мужоҳидни ё вафот эттириб, жаннатга киритишга ё эса ажр ё ўлжа билан саломат қайтаришга кафилдир*»⁽¹⁶⁴⁾ (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, бир киши Аллоҳ йўлида жароҳатланган бўлса — Аллоҳ Унинг йўлида жароҳатланган одамни яхшироқ билувчидир — қиёмат кунни ранги*

163 «Ажр ва зикр талаб қилиб» дегани ихлосга, яъни Аллоҳ таолодан ажру савоб талаб қилишга риё аралашган иккинчи бир ниятни, яъни одамлардан мақтов ишташни аралаштириш, демакдир. Бу нарса кишининг амалини фосид қилади, чунки Аллоҳ таоло Ўзи учун холис бўлган амалнигина қабул қилади.

164 «Аллоҳнинг ўзи ким Унинг йўлида жиҳод қилаётганини яхши билувчироқ», чунки — юқорида ўтганидек — жиҳоднинг бир тарафи қалбга, ихлос ва ниятга алоқадордир. Бу аслида жиҳод амалиясининг энг муҳим тарафидир ва буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Демак, жиҳоднинг зоҳири ва ботини мавжуд бўлиб, зоҳири шариятга мувофиқ бўлишидир. Ботини эса ихлос ва сидқи ниятга мувофиқ ва уни рўёбга чиқарувчи бўлишидир.

қоннинг ранги, ҳиди эса мушкнинг ҳиди бўлган ҳолда келади» (Мутта-фақун алайҳ).

Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг фазли

Аллоҳ таоло айтди:

«Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб (жиҳодга чиқмай) ўтириб олган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари ила курашган зотлар баробар бўлмайди. Аллоҳ молу жонлари билан курашган зотларни (бирон узр сабабли жиҳодга чиқмай) ўтириб олган кишилардан бир даража афзал қилди ва барчаларига гўзал оқибатни (яъни жаннатни) ваъда қилди. Ҳамда Аллоҳ жиҳод қилувчиларни ўтириб олувчилардан улуғ мукофот — Ўз томонидан бўлажак юксак даражалар, мағфират ва марҳамат билан афзал қилди. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Нисо: 95, 96).

«Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган зотларнинг Аллоҳ наздидаги даражалари жуда улуғдир ва ўшалар (бахт-саодатга) эришувчидирлар» (Тавба: 20).

«Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (Расулulloҳ билан бирга кофирларга қарши) урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (оқибат — жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳадид: 10).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир кишининг Аллоҳ йўлида бир соат (лаҳза) туриши (унда жиҳод бўлмаган) олтмиш йиллик ибодатдан афзалроқдир»* (Уқайлий «Аз-зуъафо»да, Хатиб «Ат-тарих»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1901).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир кишининг Аллоҳ йўлида бир соат сафда туриши Аллоҳ наздида бир кишининг олтмиш йиллик ибодатидан афзалроқдир»* (Ҳоким ривоят қилиб: «Бухорий шартига кўра саҳиҳ» деган, Саҳиҳут-тарғиб: 1303).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ йўлида бир соат туришлик қадр кечаси ҳажарул-асвад ёнида намоз ўқиб чиққандан яхшироқ»* (Ибн Ҳиббон ва Ибн Асокир ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1068).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли давомий рўздор ва намозда қоим бўлган, то (мужоҳид жангдан) қайтгунича намоз ва рўзада давом этган кишининг мисолига ўхшайди»* (Молик «Муватто»да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2896).

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир кун Аллоҳ йўлидаги рибот (яъни, чегарада қўриқчилик қилиб туриш) дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқдир»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларга қадр кечасидан ҳам афзалроқ бир кечани айтиб берайми? Хавф-хатар ерида лашкарни қўриқлаб турувчи киши (ўтказган тун), эҳтимол у аҳли-оиласига қайтиб келмас»*⁽¹⁶⁵⁾ (Ҳоким ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2811).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан риботнинг ажри ҳақида сўралганда у зот: *«Ким бир кеча мусулмонлар ортидан қўриқчилик қилишни лозим тутса, унга орқасидаги ҳар бир рўза тутган ва намоз ўқиган кишининг савоби бўлади»*⁽¹⁶⁶⁾ (Ҳайсамий «Мажмаъуз-завоид»да (5/289): «Табароний «Авсат»да ривоят қилган, ровийлари ишончли» деган).

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳ йўлида бир кеча риботда турса, гўё минг кеча намоз ва рўзада тургандек бўлади»* (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1224).

165 Лашкарни қўриқлаб турувчи киши — урушнинг олдинги чизикларида, душманга яқин бўлган ўринларда туриб, орқадаги лашкарни душманнинг кутилмаган ҳужумидан қўриқлаб турувчи кишидир. Шубҳасиз, бу энг хатарли ва оғир ўрин бўлиб, душмандан узоқроқ бўлган орқа қаторлардаги жангчиларга нисбатан кўпроқ огоҳлик ва ҳушёрлик талаб қилади. Шунинг учун бундай киши ана шундай катта ажрга лойиқ бўлади.

166 Орқасидаги кишиларнинг тинч-хотиржам тоат-ибодат қилишларига имконият яратиб бергани туфайли ҳам у уларнинг ибодатлари савобига шерик бўлади.

Бир ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Аллоҳ йўлида бир кеча қўриқчиликда туриш кечасида намозда турилиб, кундузида рўза тутилган минг кечадан афзалдир», деганларини эшитганман» (Ҳоким «Мустадрак»да (2/81) ривоят қилиб: «исноди саҳиҳ ҳадис» деган, Заҳабий бунга қўшилган).

Умму Мубашшир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларнинг манзилат (даража)да энг яхшиси — отига миниб олиб, душманларга хавф соладиган, душманлар ҳам унга хавф соладиган кишидир» (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3333).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатда Аллоҳ таоло Аллоҳ йўлидаги мужоҳидларга ҳозирлаб қўйган юзта даража (мартаба) бор. Ҳар икки даражанинг оралиғи осмон билан ер оралиғичадир» (Имом Бухорий ривояти).

Каъб ибн Мурра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким душманга битта камон ўқи теккизса, Аллоҳ уни бир поғона юксалтиради». Шунда Абдуррахмон ибн Нажжом: «Бир поғона қанча, ё Расулуллоҳ?», деб сўраган эди: «У онангнинг остонаси эмас, ҳар икки поғона ўртаси юз йил(лик йўл)», деб жавоб бердилар (Насоий, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1287).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Мени жиҳодга тенглашадиган бирон амалга йўллаб қўйсангиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тополмаянман», дедилар, сўнг: «Мужоҳид (жиҳодга) чиқиб кетгач, масжидингга кириб, тўхтовсиз намозда туриш ва узлуксиз рўза тутишга қодир бўласанми?», дедилар. У: «Ким ҳам бунга қодир бўларди?!», деди (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қандай амал Аллоҳ йўлидаги жиҳодга тенглаша олади?», деб сўрлди. «Унга сизларнинг кучингиз етмайди», дедилар. Икки-уч марта қайта-қайта сўрашганида, ҳар гал: «Кучингиз етмайди», деб жавоб бердилар. Учинчи гал сўраганларида: «Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли (кундузлари) рўзадор, (тунлари) Аллоҳнинг оятларини ўқиб намозда қоим бўлган, то Аллоҳ йўлидаги мужоҳид (уйига) қайтгунича намозу рўзадан тўхтамаган киши кабидир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Муоз ибн Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, эрим ғазотга чиқиб кетди. Қачон намоз ўқиса, намозига иқтидо қилардим, бошқа амалларига ҳам эргашардим. Энди то қайтиб келгунича мени унинг амалига етказадиган бир амални айтиб берсангиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«То эринг қайтиб келгунича тўхтовсиз намоз ўқишга, тинимсиз рўза тутушга, давомий равишда Аллоҳнинг зикрини қилишга қодир бўласанми?!»*, дедилар. «Бунга менинг кучим етмайди, ё Расулуллоҳ», деди аёл. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар шу ишга қодир қилинганингда ҳам, унинг амалининг ўндан бирига ҳам етолмаган бўлардинг»*, дедилар (Аҳмад ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1321).

Муоз ибн Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли — ким Унинг йўлида жиҳод қилаётганини Аллоҳ яхши билувчироқ — рўзадор, намозда қоим, хушув қилувчи, рукуъ қилувчи ва сажда қилувчи киши мисолидир»* (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий: 2930).

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли (чиққанидан тортиб) то (уйига) қайтиб келгунича кундузи рўзадор, кечаси намозда қоим бўлувчи киши мисолидир»* (Аҳмад, Баззор, Табароний ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1322).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Энг афзал одам ким?», деб сўраган эди: *«Аллоҳ таоло йўлида жони ва моли билан жиҳод қилувчи мўмин»*, деб жавоб бердилар. «Ундан кейин ким?», деб сўради. *«Тоғ дараларидан бирида Аллоҳга ибодат қилиб турувчи ва одамлардан ёмонлигини тиювчи мўмин»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сизларга одамларнинг манзилат-даражада энг яхшисини айтиб берайми?»*, дедилар. Биз: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. *«То ўлгунича ё ўлдирилгунича Аллоҳ йўлида отининг жоловидан маҳкам тутиб (жанг қилган) одам»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий: 2409).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни Аллоҳ*

наздида энг афзал жиҳод — олдинги сафга ташланган, ўлгунларича юзларини (орқаларига) ўгирмаган кишилар (жиҳодидир), ана ўшалар жаннатнинг олий-юқори хоналарида неъматлар ичида бўладилар, Раббингиз уларга боқиб туради, Раббингиз агар бир қавмга кулиб боқса, уларга ҳисоб-китоб йўқдир» (Табароний «Ал-авсат»да келтирган, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 2558).

Амр ибн Абаса разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Энг афзал жиҳод — *оти* (қилич зарбаларидан) сўйилган ва ўзининг қони оқизилган (иккиси ҳам жон берган) киши (қилган жиҳоддир)» (Аҳмад ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 552).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло Ўзининг йўлида чиққан кишига кафил бўлиб: «Уни фақат Менинг йўлимда жиҳод қилиш, Менга бўлган иймон ва пайғамбарларимни тасдиқлаш жиҳодга олиб чиққан бўлса, Мен уни ё жаннатга киритишга ё эса уйига ажру-савоб ё ўлжаларга эришган ҳолда қайтишига кафилман», дейди. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ йўлида олинган ҳар бир жароҳат қиёмат куни жароҳат етган пайтдаги кўринишида, ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлиб келади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мусулмонларга қийин бўлиб қолишини ўйламасам, Аллоҳ йўлида жангга чиққан биронта ҳам сарийя (гуруҳ)дан ҳеч қачон қолмаган бўлардим. Бироқ, барчаларини жангга ҳозирлаш имкониятим йўқ. Улар ўзлари ҳам имконият топишолмайди ва мен билан бирга жангга чиқишдан қолиш уларга оғир бўлади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, истардимки, Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилсам, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсам, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсам!!!» (Имом Муслим ривояти).

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Шаҳид* учун Аллоҳ ҳузурида олти хислат бор: қони биринчи дафъа чиққан пайтдаёқ гуноҳини мағфират қилади, унга жаннатдаги ўрни кўрсатилади, дўзах азобидан паноҳ берилади, (қайта тирилиш кундаги) катта даҳшатдан омонда бўлади, иймон либоси билан зийнатлантирилади, ҳури ийнга уйлантирилади, яқинларидан етмиш кишини шафоат қилдирилади» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2257).



Аллоҳ йўлидаги мужоҳидни жангга ҳозирлаган, унинг жиҳод қилишига жони ва моли билан ёрдам берган, ортидан унинг аҳли-оиласи ва мол-мулкига қараб турган киши ҳақида

Зайд ибн Холид ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳ йўлидаги бир ғозийни (от-анжом, қурол-яроғ билан) жангга ҳозирласа, у ҳам ғазот қилибди. Ким ғозийнинг аҳли-оиласига яхши қараб турса, у ҳам ғазот қилибди»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Можа Зайд ибн Холид ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳ йўлидаги бир ғозийни жангга ҳозирласа, унга ҳам ўша ғозийнинг ажрича ажр бўлади ва бу ғозийнинг ажридан бирон нарсани камай-тирмайди»* (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2229).

Табароний ривоятида Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳ йўлидаги бир ғозийни жангга ҳозирласа, унга ўша ғозийнинг ажрича ажр бўлади, ким бир ғозийнинг аҳли-оиласига яхши қараб турса ёки унинг аҳли-оиласига инфоқ-эҳсон қилиб турса, унга ҳам ўша ғозийнинг ажрича ажр бўлади»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2690).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг афзал жиҳод — оти (қилич зарбаларидан) сўйилган ва ўзининг қони оқизилган (иккиси ҳам жон берган) киши (қилган жиҳоддир)»* (Табарони Авсатда, Аҳмад муснадда ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 552).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ғазотга чиқмаса, ё бир ғозийни жангга ҳозирламаса, ё ғозийнинг аҳли-оиласига яхшилик билан қараб турмаса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга қиёмат келишидан олдин (яъни, шу дунёнинг ўзида) бир қаттиқ бало-офат етказади»*⁽¹⁶⁷⁾ (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2561).

167 Ҳадис мазмунига кўра, мусулмон киши уч ишдан бирини танлаши: ё ўзи жиҳод қилиши, ё бир мужоҳидни жангга ҳозирлаши, ё эса мужоҳиднинг аҳли-оиласига яхшилик билан қараб туриши лозим. Агар бу ишлардан ҳеч бирини қилмайдиган бўлса, ўлиmidан аввал бошига келадиган, ҳажми, тури, асорати қандай бўлишини Аллоҳнинг ўзи биладиган бирон бало-офатни кутаверсин, ўшанда фақат ўзидан ўп-каласин!

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ғозийнинг бошини сояласа, қиёмат куни уни Аллоҳ соялантиради, ким бир ғозийни то унинг ўзи мустақил ҳозирланадиган бўлгунича жангга ҳозирлаб турса, унга ўшанинг ажрича ажр бўлаверади»* (Ҳоким «Мустадрак»да (2/89) келтириб: «исноди саҳиҳ ҳадис» деган, Заҳабий унга мувофиқ келган).

Уқба ибн Омир ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Албатта, Аллоҳ таоло бир ўқ сабабли уч кишини жаннатга киритади: яхшилик истаб ясаган ясовчисини, уни отганни ва уни узатиб турганни (Синдий: ёки сотиб олиб берганни)»* (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2267).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Аслам қабили-ласидан бўлган бир йигит: *«Ё Расулуллоҳ, мен ғазотга чиқишни истайман, бироқ жангга ҳозирланиш имкониятим йўқ»*, деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Фалончига бор, у жангга ҳозирланиб турган эди, касал бўлиб қолибди»*, дедилар. У ўша одамга бориб: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга салом айтдилар ва ғазот учун ҳозирлаган нарсаларинизни менга беришингизни айтдилар»*, деди. Шунда у аёлига: *«Эй фалончихон, жанг учун ҳозирлаган нарсаларимни бу кишига беринг, ҳеч нарсани олиб қолманг. Аллоҳга қасамки, бирон нарсани ушлаб қолмасангиз шундагина сизга ана шу нарсаларнинг биракоти берилади»*, деди (Имом Муслим ривояти).



Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг аҳли-оиласига яхши қарамайдиган киши ҳақида, мужоҳиднинг ҳаққи-ҳурмати ғоят улуғлиги хусусида

Бурайда ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мужоҳидлар аёлларининг жиҳодга чиқмаган кишиларга нисбатан ҳурматлари худди ўз оналарининг ҳурматидекдир. Жиҳодга чиқмаган қай бир киши бирон мужоҳиднинг аҳли-оиласига қараб турган бўлса ва улар ҳаққида хиёнат қилса, қиёмат куни у (мужоҳид) унга (даъвогар бўлиб) туради ва унинг амалидан ўзи истаганича олади, нима деб ўйлайсизлар?!»* (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: *«Унга: «Бунинг савобларидан истаганингча ол» дейилади»*. Шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга

ўгирилиб қарадилар ва: «*Хўш, нима деб ўйлайсизлар?!*», дедилар»⁽¹⁶⁸⁾ (Имом Муслим ривояти).

Абу Довуднинг бир ривоятида: «*Мужоҳидлар аёлларининг жиҳодга чиқмаган кишиларга ҳурматлари худди ўз оналарининг ҳурмати кабидир. Жиҳоддан қолган қай бир киши мужоҳидлардан бировига (аҳли-оиласида) кафил бўлиб қолган бўлса, қиёмат куни унинг рўпарасида тургизилиб: «Бу сенинг аҳлингга (қаровчи) кафил бўлиб қолган эди, энди унинг савобларидан истаганингча ол*», дейилади (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2180).

Насоийнинг бир ривоятида: «*Қиёмат куни унга: «Бу одам сенинг аҳлинг ҳаққида хиёнат қилди, энди сен унинг савобларидан истаганингча ол*», дейилади». Шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига қарадилар ва: «*Нима деб ўйлайсизлар, унинг ўзига савобларидан бирон нарса қолдирармикин?!*», дедилар (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: 2989, 2990).

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

168 Қиёмат куни ҳақ-ҳуқуқлар савоб ва гуноҳлар шаклида адо этилади. Мазлум ўзига зулм қилган кишининг савобларидан кўрган зулмига яраша олади, унинг савоблари етмаса, мазлумнинг гуноҳларидан олиниб, золимга юкланади.

Умнат бошига бало бўлган тоғут-золимлар ва уларнинг лайчаларининг зулми шу даражага етдики, улар мужоҳидларнинг аёллари ва фарзандларига қаттиқ зуғум қилишади, уларга ёрдам сифатида келаётган бир бурда нонни ҳам келтирмасликка зўр бериб уринишади, хайр-саховат ва эҳсон қўлларининг улар томон узалиши йўлини тўсишади! Уларнинг қамалларини ёриб ўтмоқчи бўлган эҳсонкорларни “террорчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатди” деган айб билан жавобгар қилиб, жазоларга тортишади! Ундай кимсаларга қиёмат куни қанчалик ҳалокат ва аламли азоблар борлигини Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи билади!



ҚЎШНИНИНГ ҚЎШНИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ

Қўшнининг қўшниси устида фақат қўшни бўлганлиги сабаб ҳақлари бор, қўшни қўшнисига нисбатан бошқаларга ҳақли бўлмаган бирмунча ҳақ-ҳуқуқларга эга. Шунингдек, қўшнининг ҳурматларини поймол қилиш ва унга тажовуз қилиш гуноҳи ҳам бошқаларга қилинган тажовуз гуноҳидан анча катта саналади. Қуръон ва Суннатда мавжуд далиллар шунга далолат қилади:

Аллоҳ таоло айтди: **«Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қўлларингизга яхшилик қилингиз!»** (Нисо: 36).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшнига яхшилик қилиш хусусида Жибрил алайҳис-салом менга шунчалик кўп насиҳат қилдики, ҳатто мен қўшнини қўшнига меросхўр қилиб қўйса керак, дедим»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо қўй сўйганида: «Яҳудий қўшнимга ҳам бердингизларми? Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Қўшнига яхшилик қилиш хусусида Жибрил алайҳис-салом менга шунчалик кўп тайинладиларки, мен қўшни меросхўр қилиб қўярмикин, деб ўйладим»*, деганларини эшитганман», деди⁽¹⁶⁹⁾ (Термизий, Абу Довуд ривояти, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4291).

169 Ғайридинларга яхшилик қилиш ва уларга меҳр кўрсатишга чорловчи бу каби ҳадислар ўртада аҳд, сулҳ ва тинчлик шартномалари бўлган ҳолатларга тааллуқлидир. Зеро, бу каби ҳолатларнинг ўзига хос ҳукмлари бўлади, ўртада уруш ва душманлик

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ҳажжатул-вадоъ»да туялари Жадъонинг устида ўтирган ҳолларида: *«Сизларни қўшнисига яхшилик қилишга буюраман»* деб қўп такрорлаганларини эшитдим, ҳатто мен *«Қўшнини қўшнисига меросхўр қилиб қўядилар шекилли»* деб ўйладим. (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2573).



Қўшнини иззат-икром қилиш ва унга яхшилик қилишнинг фазли ҳамда қўшнисига яхшилик раво кўрмайдиган киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ҳаром нарсалардан тийилинг, энг ибодатли киши бўласиз. Аллоҳ қисматингизга битган нарсага рози бўлинг, энг бадавлат одам бўласиз. Қўшингизга яхшилик қилинг, мўмин бўласиз. Ўзингизга яхши кўрган нарсани одамларга ҳам яхши кўринг, мусулмон бўласиз. Қўп кулаверманг! Зеро, қўп кулги қалбни ўлдиради»* (Аҳмад, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 100).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳар бир яхши иш садақадир. Биродаринг юзига табассум билан боқишинг ҳам, челагингдан қўшинингнинг идишига сув қуйиб беришинг ҳам яхши ишлар жумласига киради»* (Аҳмад, Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 4557).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, банда то ўзи учун яхши кўрган нарсани қўшнисига ҳам яхши кўрмагунича иймонли бўлмайди»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимки Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин!»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳеч бирингиз яхшиликдан бирор нарса-*

бўлган ҳолатларнинг ўзига хос алоҳида ҳукмлари бўлади. Ҳар икки ҳолатнинг ўзига хос бўлган далил ва ҳукмларини бир-бирига аралаштириб юбормаслик ва бирининг ҳукмини иккинчисига қўлламаслик лозим.

ни ҳақир санамасин. Агар гўшт сотиб олсанг ё қозон қайнатсанг, сувини кўпроқ қил ва қўшнингга ҳам ундан (сувидан) сузиб бер» (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 7634).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга шундай насиҳат қилдилар: *«Эй Абу Зар, агар шўрва пиширсанг, сувини кўпайтир ва қўшнилариңдан хабар ол ёки қўшнилариңга ҳам улаш»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 83).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй Абу Зар, агар шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ сол ва қўшнилариңдан хабар ол»* (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ наздида дўстларнинг энг яхшиси ўз дўстига яхшироқларидир, Аллоҳ наздида қўшнилариңнинг энг яхшиси ўз қўшнисига яхшироқларидир»* (Термизий, Доримий ривоятлари, Албоний саҳиҳ санаган, Мишкотул-масобиҳ: 4987).

Абдурраҳмон ибн Аби Қурод разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳ ва Расулини яхши кўришни ёки Аллоҳ ва Расули уни яхши кўришларини истаса, сўзлаганида рост сўзласин, омонат берилса уни адо этсин, қўшнисига яхши қўшничилик қилсин»* (Байҳақий «Шуабул-иймон»да келтирган, Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Эй мусулмон аёллар! Қўшни аёл қўшни аёлга ҳатто қўйнинг бир дона туёғини ҳада этишини ҳам ҳақир-арзимас санамасин»*. (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ён қўшнисини оч бўла туриб, ўзи тўқ юрадиган одам комил иймонли эмас»* (Табароний, Ҳоким, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5382).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ён қўшнисининг оч-наҳорлигини била туриб, қорни тўқ ҳолда тунаган киши менга иймон келтирмабди»*⁽¹⁷⁰⁾ (Баззор, Табароний ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5505).

170 Ҳадисдан маълум бўладики, қўшни қўшнисининг ҳолидан хабардор бўлиб, унинг эҳтиёжлари борми йўқми, билиб туриши лозим. То қўшнинг ўзи келиб, эҳтиёжларини айтишини кутиб туриш қўшничилик ҳаққини яхши адо этиш бўлмайди.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Қанча қўшнилари бўладик, қиёмат куни қўшнисини маҳкам тутиб: «Эй Роббим! Бу одам юзимга эшигини ёпиб олган, яхшилигини мендан қизғанган» дейди»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 81).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга айтдилар: *«Кимга мулоимликдан насиба берилган бўлса, унга дунё ва охираат яхшилигидан насибаси берилибди. Силаи раҳм, ҳусни хулқ ва яхши қўшничилик диёрларни обод, умрларни зиёда қилади»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 519).

Қўшнилари ичида сизнинг фазлу марҳаматингиз ва яхшилигингизга лойиқроғи сизга эшиги ва хонадони яқинроғидир

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, менинг иккита қўшним бор, улардан қай бирига ҳадя беришим афзал?», деб сўрадим. *«Эшиги сизга яқинроқ бўлганига»*, деб жавоб бердилар (Бухорий, Абу Довуд ривоятлари).

Қўшничилик чегараси

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан кишига нечта хонадон қўшни бўлиши ҳақида сўралганда: «Олди томонидан 40 та, орқа томонидан 40 та, ўнгидан 40 та, чапидан 40 та хонадон» деб жавоб бердилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 80).

Қўшниси ғайридин бўлган киши ҳақида

Мужоҳид айтади: Мен Абдуллоҳ ибн Амрнинг уйида эдим, унинг ғуломи қўйнинг терисини шилаётган эди, «Эй ғулом, шилиб бўлгач, гўштдан энг аввал яҳудий қўшнимизга бергин!», деди. Шунда кимдир биров: Аллоҳ сизни ўнгласин «Яҳудийга эмиш?!» деди таажжубланиб. Абдуллоҳ деди:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўшни ҳақида кўп насиҳат қилганларини эшитганман, ҳатто бизлар қўшни ҳам ворислар қаторига киритилса керак, деб ўйлаб қолганмиз» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 95).

Қўшнинг гувоҳлиги Аллоҳ таоло ҳузурида эътиборлидир

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, мен ўзимнинг яхши ё ёмон иш қилаётганимни қандай билсам бўлади?», деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қўшилларинг яхши иш қилдинг дейишса, яхши иш қилган бўласан, ёмон иш қилдинг дейишса, ёмон иш қилган бўласан», деб жавоб бердилар (Ибн Можа ривояти, Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 4988).

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қўшилларинг сени яхши одам деб мақташса, сен яхши одамсан, агар ёмон одам дейишса, сен ёмон одамсан», дедилар⁽¹⁷¹⁾ (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Табароний ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 277).

Ҳовли-жой ёки ер сотиш пайтида қўшни энг биринчи ҳақдор ҳисобланади

Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қўшнинг ҳовлиси ёки ерига (агар сотмоқчи бўлса) ён қўшниси ҳақлироқдир» (Термизий, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3003).

Абу Рофиъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қўшни қўшнисининг сотмоқчи бўлган ерига ҳақлироқдир» (Бухорий ва Абу Довуд ривоятлари).

171 Шундай экан, ҳар бир одам ўзининг қўшниларга муносабатини, қўшниларининг у ҳақидаги фикрларини текшириб кўрсин. Чунки, уларнинг гувоҳлиги Аллоҳ таолонинг ҳузурида мўътабар саналади ва қиёмат куни унинг оқибати яхши ё ёмон бўлиши белгиларидан ҳисобланади.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшни қўшнисининг сотмоқчи бўлган мулкига ҳақлироқдир, агар уларнинг йўлаги битта бўлса, мабодо сафарда бўлса (келишини) кутилади»* (Ибн Можа, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3004).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар сизлардан бир киши биродаридан унинг деворига ёғоч қадашга рухсат сўраса, йўқ демасин»*, дедилар (Муттафақун алайҳ) Абу Ҳурайра бу ҳадисни айтганидан кейин одамлар ҳадис тақозосига кўра амал қилишдан бош тортгандай бўлдилар, шунда *«сизларга нима бўлди? Агар (деворга қадашга) кўнмасангизлар елкаларингизга қадаб қўяман»* деди.⁽¹⁷²⁾

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: *«Ким бино қурса, қўшнисининг девори уни суяб турсин»*. Бир лафзда: *«Қай бир кишидан қўшниси унинг деворига суяб (бино қуришни) сўраса, рухсат берсин»*. (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2947).

Қўшнисига озор берадиган одам ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшниси унинг озоридан омонда бўлмайдиган кимса жаннатга кирмайди»* (Муслим ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Банданинг дили тўғри бўлмагунича иймони тўғри бўлмайди, тили тўғри бўлмагунича дили тўғри бўлмайди, қўшниси унинг озоридан омон бўлмаган киши жаннатга кирмайди»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2841).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшниси унинг ёмонликларидан хотиржам бўлмаган одам мўмин эмас»* (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2181).

¹⁷² Абу Ҳурайра бу гапни Марвоннинг халифалик даврида Мадинада волий бўлиб турганида айтган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисига озор бермасин»* (Муттафақун алайҳ).

Толқ ибн Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қўшниси унинг ёмонликларидан хотиржам бўлмаган киши (комил) мўмин эмас»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 538).

Абу Шурайҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳга қасамки, (комил) мўмин бўлмайди. Аллоҳга қасамки, (комил) мўмин бўлмайди. Аллоҳга қасамки, (комил) мўмин бўлмайди»*, дедилар. «Ким, ё Расулуллоҳ?», сўрашди саҳобалар. *«Озор-азиятидан қўшниси хотиржам бўлмайдиган кимса!»*, деб жавоб бердилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Бухорий, Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 7102).

Микдод ибн Асвад разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Киши (қўшни бўлмаган) ўнта аёл билан зино қилиши у учун қўшнисининг хотини билан зино қилишидан яхшироқдир, ўнта хонадондан ўғирлик қилиши у учун қўшнисининг уйдан ўғирлик қилишидан енгилоқдир»* (Аҳмад, Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 8043).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Баҳрайндан меҳмонлар келишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат учун сув келтиргизиб таҳорат қилдилар, улар у зотнинг таҳоратларидан ортган сувга қараб шошилдилар ва қолган сувни ичдилар, ерга тушган сувларни олиб, юзларига, бошларига, кўкракларига суртдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан: *«Нега бундай қилдинглар?»*, деб сўраган эдилар, «Сизга бўлган муҳаббатимиз туфайли, шояд Аллоҳ таоло бизни ҳам яхши кўрса, ё Расулуллоҳ», деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар Аллоҳ ва Расули сизларни яхши кўришини истасангиз, учта хислатга: рост сўзлашга, омонатни адо қилишга, яхши қўшничиликка қаттиқ риоя қилинглар! Зеро, қўшнига озор бериш яхшиликларни худди қуёш музни эритиб юборгандек эритиб юборди»*, дедилар (Халъий «Фавоид»да ва бошқалар ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 2998).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши деди: *«Ё Расулуллоҳ! Фалончи аёл кўп намоз ўқиши, рўза тутиши, садақалар*

қилиши айтилади. Бироқ у тили билан қўни-қўшниларига озор беради». «У аёл дўзахда!», дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Фалончи аёл эса (нафл) рўзаси, садақалари ва намози камлиги айтилади. Бир икки дона қуртопни (бўлса ҳам) садақа қилади лекин тили билан қўшниларига озор бермайди». «Ўша аёл жаннатий!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Аҳмад ва Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Мишкот: 4992).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига қўшнисидан шикоят қилиб келди. У зот: «Бор, сабр қил», дедилар. У одам яна икки ё уч марта келгач: «Бор, уй-рўзғор буюмларингни кўчага олиб чиқиб ташла», дедилар. У анжомларини кўчага олиб чиқиб ташлаб қўйди. Шунда одамлар ундан бунинг сабабини сўрай бошладилар, у эса бўлган воқеани айтиб берарди. Одамлар унинг қўшнисини лаънатлаб: «Аллоҳ уни ундай қилсин, бундай қилсин», дея бошладилар. Шундан сўнг қўшниси келиб: «Уйингга қайт, энди мендан ёмонлик кўрмайсан», деди (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4292).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни энг аввал даъволашиб келувчилар қўшнилари бўлади» (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2557).

Абу Омир ал-Ҳимсийдан ривоят қилинади: Савбон разияллоҳу анҳу айтдилар: «Қай бир қўшни қўшнисига зўравонлик ва зулм қилса ва бу уни уйдан чиқиб кетишига олиб келса, ўша қўшни ҳалок бўлибди» (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 94).



Қўшнисининг озорига сабр қилувчи киши ҳақида

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло уч кишини яхши кўради — улардан бири — бир кишики, унинг дилозор қўшниси бор, то Аллоҳ унга ҳаёт ёки ўлим билан Ўзи кифоя қилмагунича у ўша қўшнисининг озорларига сабр қилади» (Аҳмад, Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2569).



Киши ўз қўшнисини ноҳақ ўлдириши қиёматнинг аломатларидан

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«То киши қўшнисини, ака-укасини ва отасини ўлдирмагунча қиёмат қоим бўлмайди»* (Саҳиҳул-адабил-муффрад: 87).



Яхши қўшни бахт, ёмон қўшни бахтсизликдир

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Тўрт нарс саодатдан: солиҳ аёл, кенг уй-жой, яхши қўшни ва ёқимли маркаб (улов), тўрт нарс эса бахтсизликдан: ёмон хотин, ёмон қўшни, ёмон маркаб ва тор уй-жой»* (Ҳоким, Абу Нуайм «Ҳиля»да, Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомийъ: 887).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Қўидагилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуоларидан эди: *«Парвардигоро! Мен Сендан охират ҳовлисидаги ёмон қўшнидан паноҳ тилайман, зеро дунёдаги қўшни ўзгариб туради»* (Саҳиҳул-адабил-муффрад: 86).

Аллоҳ таолодан дунёда ҳам, охиратда ҳам яхши қўшни ато этишини сўраймиз, дунёда ҳам, охиратда ҳам ёмон қўшнидан паноҳ беришини сўраймиз.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салават ва саломлар йўлласин.





МУСУЛМОН ҲОКИМНИНГ ФУҚАРОЛАР УСТИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ



Мусулмон ҳокимнинг ўз раияти (яъни фуқаролар) устида бир қанча ҳақлари бор. Масалан, яхши ишларда унга итоат қилишлари — Аллоҳга осий бўладиган ишларда унга итоат қилинмайди — унга холис насиҳат қилишлари, унинг обрўсига путур етказмайдиган ҳолда риёсиз амри маъруф ва наҳий мункар қилишлари, унинг тарафидан очиқ-ошкор куфр зоҳир бўлмаган ҳолда ундан ҳокимият талашмасликлари ва унга қарши қилич (қурол) кўтариб чиқмасликлари шу жумладандир.

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!» (Нисо: 59).

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан қўрқинглар, (ўзларингизга қилинаётган панд-насиҳатга) қулоқ тутинглар ва итоат этинглар» (Тағобун: 16).

«Эй мўминлар, агар кофирларга итоат қилсангиз, сизларни кетингизга (куфрга) қайтарадилар. Бас, зиён кўрувчиларга айланиб қоласизлар» (Оли Имрон: 149).

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл берма-гай»⁽¹⁷³⁾ (Нисо: 141).

173 Яъни, кофирларга мусулмонларни хорлаш ва йўқ қилиб юбориш имконини берадиган ҳокимият бермайди. Оят мазмунига кўра, мўминлар кофир кимсани ўзла-

«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни Раб (илоҳ) қилиб олдилар» (Тавба: 31).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким менга итоат қилса, шубҳасиз у Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга осий бўлса, шубҳасиз у Аллоҳга осий бўлибди. Ким менинг амиримга итоат қилса, шубҳасиз у менга итоат қилибди. Ким амиримга осий бўлса, шубҳасиз у менга осий бўлибди»* (Мутта-фақун алайҳ).

Уммул-Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар сизларга қулоқ-бурни кесилган қул амир қилинса-да, сизларни Аллоҳнинг Китоби билан бошқарар экан, унга қулоқ солиб, итоат қилинглар!»* (Муслим ривояти).

Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қулоқ солиб, итоат қилувчи кишининг зиёнига ҳужжат йўқ, эшитиб туриб итоат қилмаган кишининг фойдасига ҳужжат йўқ»* (Аҳмад, Ибн Аби Осим «Сунна»да ривояти, Албоний саҳиҳ санаган: 1056).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким (имом-бошлиққа) итоатдан ўзини тортса, қиёмат куни Аллоҳ таолога (ўзини оқлайдиган) бирон ҳужжати бўлмаган ҳолда йўлиқади, ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса жоҳилият ўлимидек ўлим топади»*⁽¹⁷⁴⁾ (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким (имом-бошлиққа) итоатдан чиқиб ва жамоатдан ажралиб ўлса, жоҳилият ўлимидек ўлим*

рига бошлиқ ва раҳбар деб эътироф этишлари жоиз бўлмайди. Саҳиҳ ҳадис борки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мунофиққа саййид (жаноб) деб мурожаат қилманглар, агар у сизларнинг саййидингиз бўлса, Роббингиз азза ва жаллани ғазабнок қиласизлар»*, деганлар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 371). Агар мунофиққаки шундай бўлса, куфрини очик-ошкор изҳор қилувчи кофир бўлатуриб, ислом ва мусулмонлар устидан ҳукмрон бўлиб турган кимсалар ҳақида нима дейиш мумкин?! Шак-шубҳасиз, бу Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишга сабабдир.

174 Яъни, итоат қилинадиган имом (халифа, амир) бўлмаган жоҳилият пайтидагилар ўлими каби ўлим топади. Бундан мурод айримлар ўйлаганидек кофир бўлиб ўлади, дегани эмас!

топади. Ким мавҳум (Исломникидан бошқа миллатчилик, ватанпарастлик каби) байроқ остида, таассубчилик устида ғазаб қилиб, таассубчиликка чақириб, таассубчиликка ёрдам бериб жанг қилса ва ўлдирилса, жоҳилият ўлимини топган бўлади. Ким умматимга қарши чиқиб, унинг яхшисини ҳам, фожирини ҳам (бўйнига қилич) урса, мўмини(га зулм қилиш)дан тортинмаса, аҳдлашган одамнинг аҳдига вафо қилмаса, у мендан эмас, мен ундан эмасман» (Муслим ривояти).



Итоат фақат яхши ишлардадир, зеро Холиққа осий бўлинадиган ишларда махлуққа итоат қилинмайди

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмон одам модомики гуноҳларга буюрилмас экан, яхши кўрган ишларида ҳам, ёмон кўрган ишларида ҳам (амирларга) қулоқ солиб, итоат этиши лозим. Агар гуноҳга буюрилса, қулоқ солиш ва итоат этиш йўқ»* (Муттафақун алайх).

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга осийлик бўладиган ишда (буюрувчига) итоат қилинмайди, итоат фақат маъруф-яхши ишлардадир»* (Муттафақун алайх).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир ҳоким сизларни бирон маъсиятга буюрса, унга итоат қилманглар!»* (Аҳмад, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2324).

Наввос ибн Самъон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Холиққа осийлик қилатуриб махлуққа итоат қилинмайди»* (Шайх Носир «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 3696).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Имом (халифа) модомики Аллоҳнинг маъсиятига буюрмас экан, унга итоат қилиш мусулмон киши зиммасидаги ҳақдир. Агар Аллоҳнинг маъсиятига буюрса, унга итоат қилмайди»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 752).



Мусулмон фуқаролар адолатли мусулмон халифани унга қарши қилич кўтариб чиқувчи кимсалардан — улар қандай сифатдаги кишилар ва қандай баҳонаю сабаблари бор эканидан қатъий назар — ҳимоя қилишлари лозим⁽¹⁷⁵⁾.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир имом (халифа)га байъат қилиб, қўлининг кафтини ва қалбининг самарасини (яъни ихлос билан аҳду паймон) берган бўлса, қўлидан келганича унга итоат қилсин! Агар бошқа бирон кимса (шаръий сабабсиз) у билан ҳокимият талашиб ўртага чиқса, унинг бўйнига (қилич) солинглар!»* (Муслим ривояти).

Арфажа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Келажакда кўп фитна ва фасодлар юз беради. Кимда-ким ушбу умматнинг (бир халифага итоат қилиб,) жам бўлиб туришини бўлиб ташлашни истаса, ким бўлишидан қатъий назар, уни қилич билан чопинглар!»* (Муслим ривояти).

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар иккита халифага байъат берилса, иккинчисини ўлдиришлар!»* (Муслим ривояти).

Арфажа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ишларингиз бир кишининг қўлида жамланиб турган ҳолида биров сизларга келиб бирлигингизга путур етказишни ёки жамоатингизни бўлиб ташлашни истаса, уни ўлдиришлар!»* (Муслим ривояти).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткорнинг хиёнати миқдорига қараб кўтариладиган ўз байроғи бўлади.*

175 Ҳокимга итоат қилиш ва уни ҳимоя қилишга тааллуқли барча оят-ҳадислардан фақат давлатни барча жабҳаларда, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда тўла Ислом билан бошқарадиган адолатли мусулмон ҳоким тушунилади. Яъни, мухтарам ўқувчи ушбу далилларни Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритмайдиган, умматга ва унинг динига қарши уммат душманлари билан иттифоқ тузган, ўз тожу тахтларини сақлаб қолишдан, ўз фуқароларини қандай қилиб талашдан, ўз шахватлари ва манфаатларини қондиришдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган куфр, зулм ва фожирлик ҳомийлари бўлган ҳокимлару тоғутларни ҳимоя қилишга ишлатмаслиги лозим.

Огоҳ бўлингиз, омминг амирига (яъни халифага) хиёнат қилган кишидан каттароқ хиёнаткор бўлмайди» (Муслим ривояти).



Муслмон ҳокимлардан баъзи зулмлар зоҳир бўлса, модомики очик куфр даражасига етиб бормаган бўлса, уларга сабр қилиш лозим

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимки амиридан бирон ёқтирмайдиган ишни кўрса, унга сабр қилсин. Чунки, жамоатдан бир қарич бўлса ҳам чиқиб, шу ҳолда ўлган одам фақат жоҳилият ўлими билан ўлади»* (Мутта-фақун алайҳи).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мендан сўнг (ҳокимлардан) худбинлик ва мункар ишларни кўрасизлар»*, дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизларни (ўшандай ҳолда) нима қилишга буюрасиз?» деб сўрадилар. «Уларнинг (итоатдан бўлган) ҳақларини адо қилинглари ва Аллоҳдан ўз ҳақларингизни сўранглари», деб жавоб бердилар (Бухорий ривояти).

Нофё раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: Мадина аҳли Язид ибн Муовияни халифаликдан бўшатгач, Ибн Умар ўз хизматкорлари ва фарзандларини йиғиб, уларга шундай деди: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткорга байроқ тикилади»* деганларини эшитганман. Биз бу одамга Аллоҳ ва Расулининг байъати устида байъат берганмиз. Мен Аллоҳ ва Расулининг байъати устида бир одамга байъат берилиб туриб, сўнг унга қарши уруш қилинишидан кўра каттароқ хиёнатни билмайман. Мен сизлардан бирон киши уни бўшатганини ва шу ишни қилишга аҳдлашганини билсам, ўртамыз шу билан ажралади».

Ҳузайфа ибнул-Ямон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«Гарчи орқангга саваланса ҳам, молингни тортиб олинса ҳам қулоқ солиб итоат этасан. Амирингга итоат эт!»*, дедилар (Муслим ривояти).

Салама ибн Язид ал-Жуъфий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, нима дейсиз, агар амирлар устимизда туриб, ўз ҳақларини талаб қилсалар ва бизнинг ҳаққимизни бермасалар, нима қилишимизга буюрасиз?», деб

сўраган эди, у зот ундан юз ўгирдилар. Яна сўраган эди, яна юз ўгирдилар. Учинчи марта сўраганида Ашъас ибн Қайс уни четга тортди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Қулоқ солинглар ва итоат қилинглар! Уларга ўзларига юклатилган (мажбуриятлар), сизларга ўзларингизга юклатилган (мажбуриятлар) мавжуд»*, дедилар⁽¹⁷⁶⁾ (Муслим ривояти).

Авф ибн Молик ал-Ашжаъий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Огоҳ бўлинглар! Кимки ўзига волий қилинган волий (ҳоким) тарафидан Аллоҳнинг маъсиятидан бирон нарсани кўрса, унинг қилаётган маъсиятини ёмон кўрсин, бироқ итоатидан қўлини тортмасин»* (Муслим ривояти).

Ҳузайфа ибнул-Ямон ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай деганлар: *«Сўнг залолатга чорловчилар бўлади. Ўша кунда ер юзида халифа бор эканини кўрсанг, гарчи у сени (уриб) ҳолдан тойдирса-да, молингни тортиб олса-да, уни маҳкам тут»*⁽¹⁷⁷⁾. Агар халифани топмасанг, гарчи дарахтнинг томирини тишлаган ҳолда ўлиб кетсанг ҳам, у ердан қоч»⁽¹⁷⁸⁾ (Абу Довуд, Аҳмад ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 791).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қийинчилик пайтларда ҳам, енгилчилик пайтларда ҳам, яхши кўрган ишларингда ҳам, ёмон кўрган ишларингда ҳам, ҳақ-ҳуқуқингни ман қилганда ҳам, молингни есалар*

176 Яъни, ҳар ким қиёмат куни ўзига юклатилган мажбурият ва омонатларни шаръий йўсинда адо қилдимиз, йўқми, шу ҳақда сўралади.

177 Яъни, умумий равишда ва маъруф ишларда унинг итоатидан чиқма. Лекин бу нарсаси ўзингдан зулмни аритишга, итоатдан ва жамоатдан чиқишга олиб бормайдиган воситалар билан ўз ҳақ-ҳуқуқларингни ҳосил қилишга монъелик қилмайди. Бу дегани — бир томондан ижобий итоат, иккинчи томондан ижобий ва онгли қарши чиқиш демакдир.

178 Яъни, ундай фитна еридан қочиб, ғариб-мусофирликда, дарахт илдизини тишлаган ҳолингда (Бундан мақсад адашганларга қўшилиб қолишдан қаттиқ эҳтиёт бўлишга тарғиб. У қўллари билан дарахтнинг ер бетига чиқиб қолган илдизларини ушлагани етмагандек тишлари билан ҳам уни маҳкам тишлаб олади) ўлиб кетишинг адашган ва бидъатчи фирқа ва жамоатларга қўшилишингдан кўра яхшироқдир. Бундай фирқалар бугунга келиб ғоят кўпайиб кетган! Киши ўзини шу йўсин четга тортиши охирги чора бўлиб, ислоҳ ва исломий ҳаётни янгитдан бошлаш имконини берадиган барча йўллар тўсилгачгина ёки бу ҳолатни тузатиш ва жиҳод қилиш, амру маъруф ва наҳий мункар қилиш имкони қолмаган тақдирдагина унга қўл урилади.

ва орқангга урсалар ҳам (амиргга) қулоқ сол ва итоат қил» (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ибн Аби Осим ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мадина масжиди ичида эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, оёқлари билан туртдилар ва: «Ҳа, ухляяпсизми?!», дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, кўзим илинибди», дедим. «Агар бу ердан қувиб чиқарсалар нима қиласиз?», дедилар. «Муқаддас, муборақ ер — Шомга кетишни афзал кўраман», дедим. «У ердан ҳам чиқарсалар нима қиласиз?», дедилар. «Нима ҳам қилардим, қиличимни ишга соламан, ё Расулуллоҳ», дедим. «Сизни бундан кўра яхшироқ ва тўғрироқ ишга йўллаб қўяйми?» — дедилар икки бор — «қулоқ соласиз, итоат қиласиз, ҳайдаган томонларига кетасиз» (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ибн Аби Осим ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Воил ибн Ҳужр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, айтингчи, агар амирлар устимизда туриб, ўз ҳақларини талаб қилсалар ва бизнинг ҳаққимизни бермасалар, нима қилишимизга буюрасиз?», деб сўраган эди, «Қулоқ солинглар ва итоат қилинглар! Уларга ўзларига юклатилган (мажбуриятлар), сизларга ўзларингизга юклатилган (мажбуриятлар) мавжуд», дедилар (Муслим ривояти).



Агар ҳокимдан Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг ҳадисларида очиқ баён қилинган куфр зоҳир бўлса ва у ушбу куфрида давом этса, у ҳолда унга асло итаот қилинмайди, уммат то уни бўшатиб, ўрнига адолатли муслмон ҳокимни ўрнатмагунича унга қарши қилич ва куч билан қарши чиқиши керак бўлади

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни чақирдилар, биз у зотга байъат бердик. Биздан байъат олган ишлар ичида тетиклик пайтимизда ҳам, ғайратсиз пайтимиз ҳам, қийинчилик пайтларда ҳам, енгилчилик пайтларда ҳам, ҳақ-ҳуқуқларимизни ман қилганида ҳам (амирларга) қулоқ солиб, итоат қилиш, иш эгалари (амирлар) билан ҳокимият талашмаслик бор эди, «Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжат бўлган очиқ куфрни кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашиган киши (ундай эмасдир)»*, дедилар⁽¹⁷⁹⁾. Саҳобалар: *«Ё Расулуллоҳ, улар билан уруш қилайликми?»*, деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ»*, деб жавоб бердилар⁽¹⁸⁰⁾. (Муслим ривояти).

Авф ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ҳокимларингизнинг яхшироғи сизлар яхши кўрадиган ва сизларни ҳам яхши кўрадиган, ҳаққингизга дуо қиладиган, сизлар ҳам улар ҳаққига дуо қиладиганларингиздир. Ҳокимларингизнинг ёмонроғи сизлар ёмон кўрадиган ва сизларни ҳам ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган ва улар ҳам сизларни лаънатлайдиганларидир»*. Саҳобалар: *«Ё Расулуллоҳ, уларга қилич билан қарши турмайликми?»*, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *««Йўқ!» Модомики, сизларнинг ичингизда намозни қоим қилар эканлар. ««Йўқ!» модомики, сизларнинг ичингизда намозни қоим қилар эканлар»*, дедилар (Муслим ривояти).

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Келгусида шундай амирлар бўладик, терилар уларга мулоим (яъни баданлар уларнинг итоатига мойил) бўлади, кўнгиллар уларга хотиржам бўлмайди. Сўнг шундай амирлар бўладик, улардан диллар жирканади, терилар титрайди»*. Шунда бир киши: *«Ё Расулуллоҳ, уларга қарши урушсак бўлмайдимиз?»*, деди. *«Модомики,*

179 Яъни, уларнинг ҳолатига рози бўлган ва уларнинг ботилларига ва зулмларига эргашиган кишиларга гуноҳ бўлади. Демак, фосиқ мусулмон ҳокимга қарши чиқмаслик кераклиги унинг ҳолига рози бўлиш ва зулму ботилига эргашиб кетаверишни лозим тутмайди. Қилич кўтариб чиқиш бошқа нарс, ботилга эргашмаслик бошқа нарсадир.

180 Уларнинг фосиқликлари ҳар қанча кучаймасин, модомики очиқ куфрни изҳор қилишмаса, намоз ўқишлари ва намозга буюришлари уларга қилич билан қарши чиқишдан тўсадиган монез деб эътибор қилинади. Ҳадисдан маълум бўладик, намоз ўқимайдиган ва намозга буюрмайдиган ҳоким кофир ва муртад саналиб, унга қарши чиқиш вожиб бўлади, валлоҳу аълам.

намозни барпо қилар эканлар, йўқ», деб жавоб бердилар (Аҳмад, Ибн Аби Осим ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).



Муслмон ҳокимнинг раият устидаги ҳақларидан яна бири — улар унга холис насиҳат қилишлари, унга фақат яхшилик тилашларидир

Тамим ад-Дорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Дин — насиҳат (холислик)дир». «Ким учун, ё Расулуллоҳ?», деб сўрадик биз. «Аллоҳ учун, Унинг китоби ва Расули учун, муслмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун», деб жавоб бердилар (Муслим ривояти).

Жубайр ибн Мутъим разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Уч нарса борки, улар устида мўминнинг қалби хиёнат қилмайди: амални Аллоҳ учун холис қилиш, волийларга насиҳат қилиш⁽¹⁸¹⁾ ва муслмонларнинг жамоатини лозим тутуш» (Ибн Аби Осим «Сунна»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бир киши волий қилинса ва Аллоҳ у учун яхшиликни ирода қилган бўлса, унга унутганини эслатадиган, эслганини амалга оширишда ёрдам берадиган солиҳ вазирни ато этади» (Саҳиҳу сунанин-Насоий: 3920).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар қандай волийнинг албатта иккита сирдош кишиси бўлади: бири — унга амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган сирдош кишиси, иккинчиси — уни бузишда кучини аямайдиган сирдоши бўлади. Ким унинг ёмонлигидан сақланса, ҳақиқатда сақланган бўлади..» (Аҳмад, Насоий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2270).

181 Волий — раҳбарларга насиҳат қилиш уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш, ҳақ устида ёрдам бериш ва зулмдан қайтариш, уларга яхшилик тилаш, уларни улуғлашда ғулув кетмаслик ва тилёғламалик қилмаслик, яхши ишларда уларга итоат қилиш, дунё ва охират яхшилиги бўлган ишларда уларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳалокат ва нажот ўринларини танитиш, кўзларига ботилни зийнатли, ҳақни эса ёмон кўрсатиш билан уларга хиёнат қилмаслик каби маъноларни ўз ичига олади.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ бир амирга яхшиликни ирода қилса, унга унутса эслатадиган ва эсласа ёрдам берадиган содиқ вазир ато этади. Агар Аллоҳ унга бошқа нарсани ирода қилса, унутса эслатмайдиган ва эсласа ёрдам бермайдиган ёмон вазир ато этади»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 2544).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга қиё боқмайди, уларни покламайди, уларга аламли азоб бордир: саҳрода ортиқча суви бўла туриб, уни йўловчидан қизғанган киши; асрдан сўнг бир кишига матосини сота туриб унга Аллоҳ номи билан қасам ичиб, ўзи уни шунча-шунчага олганини айтган киши, аслида эса унчага олмаган; бир имом (халифа, амир)га) фақат дунё топши мақсадида байъат берувчи, мол-дунё берса унга вафо қилиб, бермаса вафо қилмайдиган киши»⁽¹⁸²⁾* (Муттафақун алайҳ).

Муҳаммад ибн Зайддан ривоят қилинади: Одамлар унинг бобоси Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумога: «Биз султонлар олдида кирганимизда уларга бошқача гапирамиз-да, ташқарига чиққач бошқача гапирамиз⁽¹⁸³⁾», дейишганда Ибн Умар разияллоҳу анҳумо: «Биз бундай қилишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида мунофиқлик деб ҳисоблар эдик», дедилар (Бухорий ривояти).

Абу Маъмардан ривоят қилинади: Бир киши туриб, амирлардан бири шаънига мақтов айтаётган эди, Миқдод разияллоҳу анҳу унинг

182 Ҳозирги даврда ҳукмрон бўлган, инсон ақли билан тузилган тузумларнинг аҳволи худди шундан бошқа эмас. Чунки, улардаги ҳукуматга муҳолафатда бўлган сиёсий партияларнинг, шунингдек, ташкилотлар, жамиятлар, уруғ-қабилаларнинг ҳукумат билан бўлган алоқаси савдолашиш ва тортишиш асосига қурилган бўлиб, ҳукмрон тузум уларга ҳукуматда қанча ўрин ва вазифа ажратишига, ҳукуматдан қанча нарсаси ундириб олишига қараб ҳокимга ва унинг ҳукуматига ғазаб ё розилик, адоват ё дўстона муносабат, узоқлик ё яқинлик изҳор қилишади. Лекин ундайлар исломий раббоний тузум мезони билан ўлчанганда қиёмат куни Аллоҳ раҳмат назари билан боқмайдиган, покламайдиган ва аламли азобга дучор қиладиган мунофиқлардан саналадилар,

183 Ҳозирги замонда жуда кўп машойих ва дин пешволарининг аҳволи ҳам шунга ўхшайди. Ҳоким ва бошлиқларга насиҳат қилиш, амри маъруф ва наҳий мункар қилиш баҳонаси билан уларга яқинлашишга қаттиқ ҳаракат қиладилар. Улар ҳузурига киргач эса ботилларини ва зулмларини оқлаб беришади, мункарга буюриб, маъруфдан қайтаришади. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳузурига бир дин билан кириб, бутунлай бошқа дин билан чиқишади.

юзига тупроқ соча бошлади ва: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни маддоҳлар юзига тупроқ сочишга буюрганлар», деди. (Муслим, Ҳоким, Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-адабил-муфрад: 258).

 Ҳокимга гувоҳларсиз, ёлғиз ўзига махфий равишда насиҳат қилиш — ҳокимларга насиҳат қилиш одобларидандир⁽¹⁸⁴⁾

Иёз ибн Ғанм разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимда-ким салтанат соҳибига насиҳат қилмоқчи бўлса, уни очиқ-ошкор қилмасин. Қўлидан ушлаб, холи қилиб гапирсин. Қабул қилса қилди, бўлмаса зиммасидаги вазифани адо этган бўлади»* (Аҳмад, Ибн Аби Осим ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Иёз ибн Ғанм разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимнинг султонга насиҳати бўлса, уни холи топиб, қўлидан тутиб гапирсин. Қабул қилса қилди, рад қилса ҳам у ўз зиммасидаги вазифани адо қилган бўлади»* (Аҳмад, Ибн Аби Осим ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

 Бундай қилиш зўравон ҳоким олдида ҳақни очиқ айтиш қоидасига зид келмайди

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг афзал жиҳод — зўравон султон олдида айтилган адолатли сўздир»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3650).

Бир ривоятда: *«Энг афзал жиҳод — зўравон султон олдида айтилган ҳақ сўздир»*.

184 Чунки, бундай қилиш насиҳатнинг холис эканига аломат бўлиб, ҳоким ҳам уни қабул қилиши осон бўлади. Ҳокимнинг хатоси ўзига чекланган бўлса ва ҳоким билан ёлғиз учрашиш имкони бўлса, унда махфий равишда насиҳат қилиш афзал. Бироқ, ҳокимнинг хатоси ўзига чекланмай, жавру зулми барча фуқароларга умумий бўлса ва у ўз хатосини очиқ-ошкора қилгани етмай, бошқаларни ҳам шунга чақирса, қилмаганларни тазйиқ ва қувғинга олса, бу ҳолда насиҳат очиқ-ошкор ва халққа билдириб қилиниши лозим бўлади. Чунки, сурбетларча ошкора қилинаётган хатою исёнларга махфий равишда насиҳат қилиш фойда бермайди.

Бир ривоятда: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Зўравон султон олдида айтилган адолат калимаси энг улкан жиҳодлардандир»* (Саҳиҳу сунанит-Термизий: 1766).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Шаҳидларнинг саййиди — Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва зўравон ҳоким олдида туриб, унга амри маъруф ва наҳий мункар қилганида ўлдирилган кишидир»* (Ҳоким ривояти, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 491).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга энг суюмли жиҳод — зўравон ҳокимга айтиладиган ҳақ сўздир»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомий: 168).

Шунингдек, золимнинг қўлидан ушлаб, уни зулмдан тийиш ва ҳаққа мажбурлаш қоидасига ҳам зид келмайди

Жарир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши бир қавм ичида маъсиятлар қилиб турган бўлса, уни ўзгартиришга қодир бўла туриб ўзгартириш-маса, ўлмасларидан туриб албатта Аллоҳнинг азобиغا дучор бўлишади»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3624).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мендан сўнг қилмайдиган нарсаларини гапирадиган ва буюрилмаган нарсаларни қиладиган амирлар бўлади. Ким уларга қарши қўли билан жиҳод қилса, у мўминдир. Ким уларга қарши тили билан жиҳод қилса, у мўминдир. Ким уларга қарши қалби билан жиҳод қилса, у мўминдир. Унинг ортида эса иймон йўқдир»*. (Саҳиҳу маворид-из-замъон: 1298).

Мусулмон ҳокимга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳам раият зиммасига лозим бўлган ишлардан

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг катта саҳобалари бизларни қайта-

ришган: *«Амирларингизни сўкманглар, уларга хиёнат қилманглар, уларни ёмон кўрманглар, Аллоҳдан тақво қилиб, сабр қилинглар! Зеро, иш (ўлим) яқиндир»*. (Ибн Аби Осим «Сунна»да ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳнинг султонини хорласа, Аллоҳ уни хор қилади»* (Термизий, Ибн Аби Осим «Сунна»да ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳнинг султонини улуғласа, қиёмат куни Аллоҳ уни улуғ қилади»* (Табароний ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 5951).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бешта иш борки, ким улардан биттасини қилса, Аллоҳнинг кафолатида бўлади: касални кўрса ё жанозага қатнашса ё ғазотга чиқса ё амирига ҳурмат бажо келтириш учун унинг ҳузурига кирса ё одамлар унинг ёмонлигидан, у одамларнинг ёмонлигидан саломат бўлиб, уйда ўтирса»* (Аҳмад, Ибн Аби Осим «Сунна»да ривояти, Албоний саҳиҳ санаган).

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўйсафид муслмонни, Қуръонга (ундан махфий мағнолар излаб ёки унга қаттиқ амал қиламан деб) ғулув кетмаган ва ундан бутунлай узоқлашиб кетмаган ҳомили қуръонни (яъни Қуръонни кўтарган — ёд олиб амал қилган кишини) ҳурмат қилиш, адолатли султонга ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш Аллоҳни улуғлаш жумласидан»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4053).

Омма (давлат) мулкидан ҳоким нималарга ҳақли

Абдуллоҳ ибн Зурайр ал-Ғофиқийдан ривоят қилинади: Қурбонлик куни Алий ибн Аби Толиб ҳузурига кирган эдик, бизга ҳазира (гўшти аталага ўхшаш таом) тақдим қилди. Биз: *«Эй амирул муъминийн, бизга мана бу ўрдак ва ғозлардан берсангиз бўларди, мол-дунё кўп бўлса»*, дедик. У деди: *«Эй Ибн Зурайр, мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Халифага икки товоқдан бошқаси ҳалол бўлмайди, бир товоқни ўзи оиласи билан ейди, бир товоқни (меҳмонига) едиради»*,

деганларини эшитганман» (Аҳмад, Ибн Абид-Дунё «Вараъ»да ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 362).

Муставрид ибн Шаддод разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бизда омил (амалдор-хизматчи) бўлса (байтул-мол ҳисобидан) уйлансин, ходими бўлмаса ходим олсин, уй-жойи бўлмаса уй-жой олсин! Ким бундан ортиқчасини олса, хиёнаткор бўлади»* (Абу Довуд ривояти, Албоний «Мишкот»да саҳиҳ санаган: 3751).

Бундан ортиқчаси Аллоҳнинг молида ноҳақ тасарруф қилиш бўлади

Хавла ал-Ансориядан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Баъзи кишилар Аллоҳнинг молида ноҳақ тасарруф қилишади. Қиёмат куни уларга дўзах бўлади»* (Бухорий ривояти).

Золим ва фосиқ мусулмон подшоҳ билан ҳамсуҳбат бўлиш ва аралашиб юриш агар унинг зулми, фисқи ва туғёнига ёрдам беришга олиб келса, ундан четланиш лозим

Абу Саид ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Устингизга шундай амирлар келадики, ёмон одамларни яқинларига олишади, намозни вақтидан кечиктиришади. Кимда-ким улардан шу нарсани билса, асло ирриф (жамоат ё маҳалла раиси) ҳам, шуртий (миршаб, полициячи) ҳам, солиқчи ҳам, хазинабон ҳам бўлмасин»⁽¹⁸⁵⁾* (Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 360).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мендан сўнг сизларга бил-*

185 Аслида булар мусулмон амирлари, бироқ иккита сифат билан — намозни вақтидан кечиктириш ва ёмон одамларни ўзларига мамлакат ишларини бошқаришда маслаҳатчи, вазир қилиб яқинлаштириш билан сифатланишган. Мана шу амирлар-

ган нарсаларини гапирадиган ва билганларига амал қиладиган омиллар (амалдорлар) волий бўлади. Уларга итоат қилиш тоатдир. Бир замон шу ҳолда турасизлар. Сўнг улардан кейин билмаган нарсаларини гапирадиган ва билмаган нарсаларини қиладиган омиллар волий бўлади. Кимда-ким уларга дўстона муносабатда бўлса ва ёрдам берса, уларни қўллаб-қувватласа, ўшалар ўзлари ҳам ҳалок бўлади, бошқаларни ҳам ҳалокатга етаклашади⁽¹⁸⁶⁾. Уларга танларингиз билан аралашинглар, бироқ амалларингиз билан улардан ажралинглар! Яхшига яхши деб, ёмонга ёмон деб гувоҳлик беринглар!» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 457).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга шундай амирлар келадики, мункар деб билган нарсаларингизни маъруф, маъруф деб билган нарсаларингизни мункар дейишади. Сизлардан қай бирингиз ўша ҳолатга етишса, Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат йўқдир!» (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг келажакда ишларингизни шундай кишилар бошқарадики, суннатни ўчиришади, бидъатга амал қилишади, намозларни вақтидан кечиктиришади». Мен: «Ё Расулуллоҳ, агар ўшалар замонига етсам нима қилишим керак?» деб сўрадим. «Нима қилай деб сўрайсан-а, эй Ибн умми Абд?! Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат қилиш йўқ!», дедилар. (Аҳмад, Ибн Можа, Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590).

га нисбатан уларнинг ботиллари, фисқу зулмларига ёрдам беришдан қочиш учун шундай муомала қилиш вожиб бўлса, энди кофир ва муртадлиги аниқ бўлган ҳокимлар ёнида ишлашдан албатта четланиш лозим. Бу ерда амирларга итоат қилишга буюрувчи ҳадислар билан улардан четланиш ҳақидаги ҳадислар ўртасида зидлик йўқ. Яъни, мусулмон амирга итоат қилишга буюрувчи ҳадисларда итоат маъруф-яхши ишларда бўлиши шарт қилинади. Агар унга итоат қилиш зулм ва ботилга ёрдам беришга олиб келиши ёки фасод ва маъсиятни кучайтириши аниқ бўлса, бу ҳолда унга қарши чиқиш ва итоат қилмаслик керак бўлади. Чунки, динимизда собит қоида шуки, Холикнинг маъсиятида махлуққа итоат қилинмайди, ёрдамлашув фақат яхшилик ва тақво устида бўлади, гуноҳ ва тажовуз устида эмас.

186 Чунки, улар оммани ўша ҳокимларнинг ҳақиқатини билишдан адаштириб, чалғитишади, уларнинг ботил ва зулмларини ҳақ ва адолат қилиб кўрсатишади. Мусулмон киши — айниқса у олим бўлса — фосиқ ва золим ҳоким билан ҳамсуҳбат бўлиб юриши одамлар кўзида ўша ҳокимнинг йўли тўғрилигининг гувоҳи деб эътибор қилинади.

Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қулоқ солинглар! Мендан сўнг амирлар бўлади. Ким уларнинг ҳузурига кириб, ёлғонларини тасдиқлаб, зулмларига ёрдам берса, у мендан эмас, мен ундан эмасман, (қиёмат куни) менинг ҳузуримга ҳавзи кавсарга келмайди. Ким улар олдида кирмаса, зулмларига ёрдам бермаса, ёлғонларини тасдиқламаса, у мендан, мен эса унданман, у менинг ҳузуримга ҳавзи кавсарга келади»* (Саҳиҳу суна-нит-Термизий: 1843).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Огоҳ бўлинглар! Мендан сўнг зулм қиладиган ва ёлғон гапирадиган амирлар бўлади. Ким уларнинг ёлғонларини тасдиқласа, зулмларида уларга кўмаклашса, у мендан эмас, мен ундан эмасман! Ким уларнинг ёлғонларини тасдиқламаса, зулмларида уларга кўмаклашмаса, у мендан, мен эса унданман!»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2244).

Абдуллоҳ ибн Хаббобдан, унинг отаси (Хаббоб ибн Арат разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эшиклари ёнида ўтирган эдик. У зот олдимизга чиқиб келдилар ва: *«Қулоқ солинглар!»*, дедилар. Биз: *«Қулоғимиз сизда»*, дедик. Яна: *«Қулоқ солинглар!»*, дедилар. Биз: *«Қулоғимиз сизда»*, дедик. Яна: *«Қулоқ солинглар!»*, дедилар. Биз: *«Қулоғимиз сизда»*, дедик. Сўнг дедилар: *«Мендан сўнг амирлар бўлади. Сизлар уларнинг ёлғонларини тасдиқламанглар, зулмларига ёрдам берманглар! Ким уларнинг ёлғонларини тасдиқласа ва зулмларига ёрдам берса, менинг ҳузуримга ҳавзга келмайди!»* (Табароний, Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2245).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Келажакда амирлар бўладики, уларнинг маъруф ишлари ҳам, мункар ишлари ҳам бўлади. Ким уларга қарши бўлса нажот топади, ким улардан ажралса саломат бўлади, ким уларга аралашса ҳалок бўлади»*⁽¹⁸⁷⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3661).

187 Чунки, уларга зулм ва фасодлари устида аралашшиш ортидан бир неча хатарлар келиб чиқади. Жумладан: уларнинг зулм ва фасодларига рози бўлиш, ботилларига муро-рота қилиш, ҳаққа зид ишлари ҳақида лом-мим демаслик, шунингдек уларнинг ботил ва фасодларини одамлар кўзига яхши кўрсатиш. Хусусан бу иш аҳли илм ва шарафли кишилар томонидан содир бўлса, ботилни ривожлантиришга сабаб бўлади, унга ишонган ва ҳурмат қиладиган кишиларнинг йўлдан озишларига, шунингдек, одамларнинг ҳақдан нафратланадиган ва Аллоҳнинг динига киришдан юз ўтира-

Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашиган киши (ундай эмасдир)»*, дедилар (Муслим ривояти).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Охир замонда эрталаб Аллоҳнинг ғазабиди кетиб, кечқурун Аллоҳнинг ғазабиди қайтувчи миршаблар бўлади»*⁽¹⁸⁸⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3666).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким золимга ботили билан ҳақни рад этишида ёрдам берса, Аллоҳ азза ва жалланинг ва Расулининг зиммасидан (аҳдидан) хориж бўлади»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1020).

Абул-Аъвар ас-Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Султоннинг эшикларидан узоқ бўлингиз! Чунки (уларга кириш) машаққат ва хорликка олиб боровчидир»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1253).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким султоннинг эшикларига (яъни унинг ҳузурига) борса фитналанади. Бир кишининг султонга яқинлашиши қанча зиёда бўлса, Аллоҳдан узоқлашиши шунча зиёдалашади»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1272).

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳовузим (яъни ҳавзи кавсар) Адан билан Аммон оралиғича, қадаҳлари осмон юлдузлари сонича, ундан бир бор ичган киши асло ташина бўлмайди. Умматларимдан ҳовузга, менинг олдимга келадиган кишилар ичида сочлари тўзғиган, кийимлари кирланган, бой-бадавлат аёлларга уйланмаган, остоналарга — яъни*

диган бўлишларига сабаб бўлади. Ушбу сабаблар бир кишида жамланса, шубҳасиз уни ҳалок қилади.

188 Чунки улар золим ҳокимлар қўлидаги халққа зулм қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва ҳурматларига тажовузкорлик қилиш, зўравонлик сиёсатларини куч билан юргизиш қуроли ҳисобланишади. Золим ҳоким одамларга ҳукмини улар орқали ўтказида. Шу боисдан ҳам улар мана шундай қаттиқ ваъидга — Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлишади.

подшоҳлар эшикларига — келмаган, зиммаларидаги нарсаларнинг ҳаммасини берадиган, ўз ҳақларининг ҳаммасини ололмайдиган кишилар бўлади» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 3617).

Юқорида келтирилган ҳадислар Аллоҳ йўлида ҳаракат қиладиган, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қиладиган, фуқаролар хусусида Аллоҳдан қўрқадиган одил мусулмон султон-ҳокимга тааллуқли эмас. Мазкур сифатлар соҳиби бўлган ҳокимга ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш албатта зарур.

Султонлар ҳақидаги аҳқомларни суиистеъмол қиладиган кишиларнинг хатоси шундаки, улар мазкур аҳқомларга тааллуқли шаръий далилларнинг айримларини олиб, айримларини олишмайди, ҳаммасини олганлари ҳам улар ўртасини тўғри жамлай олишмайди.

Ёки Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан ҳукм қиладиган адолатли мусулмон ҳоким ҳақида айтилган шаръий далилларни фосиқ ва золим ҳокимга, баъзан ҳатто кофир ва муртад ҳокимга ҳам татбиқ қилишади. Айримлар эса, аксинча, фосиқ ва золим ҳоким ҳақида айтилган сўзларни адолатли мусулмон ҳокимга ҳам қўллашади. Ҳар икки гуруҳнинг йўли ҳам хато ва залолатдир. Биринчи гуруҳ муржиалар ва аҳли тафрит фикрини ўзида мужассам қилаётган бўлса, иккинчи гуруҳ ҳаддан ошган хаворижларнинг бугунги кундаги давомчилари саналишади.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар йўлласин.



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲОКИМ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Барча халққа адолат ва тенглик билан ҳамда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритиши, уларни тенг ҳифзу ҳимоя қилиши, уларнинг обрў-номусларини сақлаш йўлида душманларга қарши жиҳод қилиши, халқнинг роҳати йўлида ўз роҳатидан воз кечиши, уларга нисбатан раҳмдил ва меҳрибон бўлиши, эҳтиёжмандлар, заиф-нотавон кишилар қаршисига эшикларини ёпмаслиги раиятнинг ҳоким устидаги ҳақларидан саналади

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз. Имом (Халифа-давлат бошлиғи) роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Эркак киши ўзининг оиласида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Аёл киши эрининг уйида роия ва у ўз раиятидан масъулдир. Хизматчи хожасининг мол-мукида роий ва у ⁽¹⁸⁹⁾ ўз раиятидан масъулдир»*. Яна шундай ҳам деганлар, деб ўйлайман: *«Киши отасининг молида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Ҳар бирингиз роий ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз»* (Муттафақун алайҳ).

Маъқил ибн Ясор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир бандани Аллоҳ раият*

189 Яъни, уларнинг ҳаммасига холис бўлдимиз, эътибор бердимиз, ҳимоя қилдимиз??? Уларга адолатли қонун-шариат қонунларини жорий қилдимиз? Ўз зиммасидаги уларнинг ҳақларини уларга тўла қилиб бердимиз? Ёки уларнинг ҳақларини адо этмадимиз, уларга зулм ва куфр қонунларини жорий қилдимиз!

устига раҳбар қилиб қўйган бўлса-ю, у уларнинг ҳаммасига холис бўлмаса, жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди» (Муттафақун алайх).

Маъқил ибн Ясор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир ҳоким мусулмонлардан бўлган раият устига волий бўлиб, уларга хиёнат қилган ҳолда¹⁹⁰ ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади»* (Муттафақун алайх).

Бир ривоятда: *«Аллоҳ бир қавмга раҳбар қилиб қўйган банда уларга хиёнат қилган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади»* (Имом Муслим ривояти).

Маъқил ибн Ясор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Икки кишига менинг шафоатим етмайди: Ўта золим ва халқни талон-тарож қилувчи ҳокимга ва динда ғулув кетиб, ундан чиқиб кетган кишига»* (Ибн Аби Осим «Сунна»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган).

Холид ибн Валид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дунёда одамларга энг қаттиқ азоб берувчи кимса қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида энг қаттиқ азобга дучор бўлувчидир»* (Байҳақий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 998).

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни энг қаттиқ азобланувчи киши зўравон ҳокимдир»* (Табароний «Авсат»да, Абу Яъло «Муснад»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 1001).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Тўрт кишини Аллоҳ азза ва жалла ёмон кўради: қасамхўр сотувчи, мутакаббир камбағал, зинокор мўйсафид ва золим раҳбарни»* (Насоий ва Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 363).

Салмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши жаннатга кирмайди: зинокор мўйсафид, ёлғончи раҳбар, мутакаббир камбағал»* (Баззор ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3461).

190 Ҳокимнинг ўз раиятига хиёнати жумласига уларга фиску-фасод ва фужурни яхши кўрсатиши, жоҳилий қонунлар билан ҳукм юритиши, мамлакат бойликларини уммат душманлари учун осон ва қулай луқмага, талон-тарож учун нишонга айлантириб бериши, шунингдек, мамлакат ва мусулмон халқи ҳурматларига тажовуз қилиш истагида ёнаётган душманни хавфга соладиган куч-қудратга эга бўлишни пайсалга солиши каби ҳолатлар киради.

Оиз ибн Амр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Раҳбарларнинг энг ёмони жабр-зулм қилувчиларидир»* (Муслим ривояти).

Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ораларида ҳақ билан ҳукм қилинмайдиган ва заиф киши куч-қудрат соҳибидан ўз ҳаққини овози қалтирамай ололмайдиган уммат муқаддас (улуғ) бўлмайди»*⁽¹⁹¹⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2191).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Имом (халифа) унинг ортида туриб жанг қилинадиган ва унинг ҳимоясида бўлинадиган қалқондир»*⁽¹⁹²⁾. У агар Аллоҳдан тақво қилишга буюрса ва адолат қилса, бу билан унга ажр бўлади. Агар бундан бошқа нарсага буюрса, унга гуноҳ бўлади» (Муттафакун алайҳ).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши ўнта ё ундан ошиқ одамга бош бўлган бўлса, Аллоҳ ҳузурига қўллари бўйнига боғланган ҳолда келади. Уларни ё яхшиликлари бўшатади ё эса гуноҳлари яна-да маҳкамлайди. (Бошлиқликнинг) аввали маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат кундаги шармандалиқдир»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 5718).

191 Тугёнкор золим тузумлардаги одат шуки, заиф киши куч-қудратли одамдан — айниқса у нуфузли ва амалдор бўлса — ўз ҳаққини олиши ёки талаб қилиши учун кўрқиб, лаблари ва бўғинлари қалтирамасдан иложи йўқ. Маҳкама майдонида ўз кучли рақибидан ҳаққини талаб қиларкан, бу олишуви акс натижа бериши ва ҳақ-ҳуқуқлари бутунлай зое бўлиб кетишидан кўрққанидан овози узилиб, дудуқланиб зўрға гапиради. Шу даражада зулмга миқ этмай етиб келган умматни Аллоҳ таоло муқаддас қилмайди, унга баракот ато этмайди. Шундай экан ҳаққини умуман талаб қила олмайдиган, дудуқланиш у ёқда турсин бир оғиз миқ эта олмайдиган ҳолатга тушган умматнинг ҳоли не бўлиши ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

192 Демак, халифанинг алоҳида таниқли белгилари ва ўзига хос муҳим вазифалари бўлади. Қачон ана шу белгилар унда кўринмаса ёки у ўша вазифаларни адо этишдан ожиз бўлса халифалик ва имомлик сифатига лойиқ бўлмай қолади. Яъни, уммат ичидан бир киши — ўзи хорлик ва заиф-нотавонлик ҳолида яшаб туриб — бутун умматни ёки ўз ҳукмронлиги остидаги кишиларни душмандан ҳимоя қилиш уёқда турсин, ҳатто ўзини ҳимоя қилишга қурби етмас экан, у ўзини мусулмонлар халифаси, барча мусулмонлар унга итоат қилишга байъат беришлари лозим, ким шундай қилмаса гуноҳкор бўлиб, ўлса жоҳилият ўлимини топади, деб даъво қилиши на шаръан, на ақлан жоиз саналади.

Маъқил ибн Ясор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир амир мусулмонлар ишига бош бўлса-ю, кейин улар ҳақларида сабъ-ҳаракат қилмаса ва холис бўлмаса, улар билан бирга жаннатга кирмайди»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бану Исроилни пайғамбарлар бошқарар, ҳар қачон бир пайғамбар вафот этса, ортидан бошқа бир пайғамбар келар эди. Мендан сўнг пайғамбар келмайди. Халифалар бўлади, улар кўп бўлади»*. «Шунда бизларни нима қилишга буюрасиз?», деб сўрашди саҳобалар. *«Энг авал (байъат берилган халифанинг) байъатига вафо қилинглари, уларнинг ҳақларини ўтанглари. Аллоҳ таоло уларни ўз қўл остидагилар ҳақида сўроққа тутади»*, дедилар (Муттафақун алайх).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй Парвардигор! Ким умматимнинг ишидан бирон ишга бош бўлиб, уларга қийинчилик келтирса, Сен унга қийинчилик бер. Ким умматимнинг ишидан бирон ишга бош бўлиб, уларга раҳм-шафқат кўрсатса, Сен унга раҳм-шафқат қил»* (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Адолат қилувчилар Раҳмон таолонинг ўнг қўли тарафида — Унинг ҳар икки қўли ўнгдир-баракотлидир — нурдан бўлган минбарларда бўладилар, улар қилган ҳукмларида, аҳли-аёллари хусусида ва ўзлари бош бўлган ишларда адолат қилувчи кишилардир»* (Имом Муслим ривояти).

Иёз ибн Ҳимор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жаннат аҳли учта: адолатли, садақа қилувчи ва тавфиқли султон; юшоқ кўнгил, қариндошларига ва мусулмонларга раҳмдил киши; ҳаромдан ўзини сақловчи, ўзини тиламчиликдан сақлаб бориға сабр қиладиган серфарзанд мусулмон»* (Имом Муслим ва Аҳмад ривоятлари, Саҳиҳул-жомий: 2637).

Муовия ибн Аби Суфён разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Шундай амирлар келадик, уларнинг сўзлари рад қилинмайди»*⁽¹⁹³⁾. Улар бирин-кетин дўзахга равона бўладилар» (Абу Яъло ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1790).

193 Яъни, зулму зўровонликлари кучлилигидан уларнинг на сўзларини, на ҳукмларини танқид қилиш ва қайтаришга раиятдан бирон киши журъат қилолмайди. Улар ўз фикрларига қарши фикрни қабул қилиш у ёқда турсин, унга тоқат ҳам қилиша ол-

Урвадан ривоят қилинади: Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу Умайр ибн Саъднинг олдидан ўтиб қолди, у жия тўламаган одамларни куёш тиғида қўйиб азоблаётган эди. Унга деди: «Эй Умайр, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Дунёда одамларга азоб берадиган кишиларни Аллоҳ таоло албатта азоблайди»* деганларини эшитганман. Бор, уларни қўйиб юбор»⁽¹⁹⁴⁾ (Саҳиҳу маворидиз-замъон ила завоид Ибн Ҳиббон: 1300).



Волийликни (бошлиқликни) тақводор, солиҳ, кучли ва адолатли кишига берилади, унинг насаби, қабилавий ва миллий келиб чиқишига қаралмайди

Аллоҳ таоло айтди: **«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта Мен сени одамларга имом қилувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» — деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди»»** (Бақара: 124).

Уммул Хусойн разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар сизларга (қулоқ-бурни) кесилган бир қул амир қилинса-да, сизларни Аллоҳнинг китоби билан бошқарса, унга қулоқ тутинглар ва итоат қилинглар!»* (Имом Муслим ривояти).

Абу Барза разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Халифалар — модомики учта нарсани қиларканлар Қурайшдан бўладилар: ҳукм қилганда адолат қиларканлар, раҳм-шафқат сўралганда раҳм қиларканлар, аҳдлашганда аҳдларига вафо қиларканлар — деб уч бора такрорладилар. Улардан қайси бири юқорида айтилганларни қилмаса, унга Аллоҳнинг, малоикаларнинг ва барча*

майди ва танқиддан юқори туришади. Ҳозирги даврда бу каби тоғутлар тўлиб-тошган!

194 Бу каби ҳадислардан айрим фаҳми бузуқ кишиларнинг «Раҳм-шафқат фақат муслмонлар орасида, бир-бирларига нисбатан чекланган бўлиши керак, муслмон бўлмаганларга нисбатан қўлланилмаслиги лозим» деган даъволари нотўғрилиги маълум бўлади.

одамларнинг лаънати бўлсин» (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2189).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу иш (яъни халифалик) — модомики раҳм сўралса раҳм қилсалар, ҳукм қилганда одил бўлсалар ва тақсим қилганда адолат қилсалар — Қурайшда бўлади. Улардан қай бири шундай қилмаса, унга Аллоҳнинг, малоикаларнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин, улардан тавба ҳам, фидя ҳам қабул қилинмайди»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2190).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз саксонга яқин қурайшлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, орамизда қурайшлик бўлмаган бирон киши йўқ эди, у зот: *«Аммо баъд, эй Қурайш жамоаси! Сизлар — модомики Аллоҳга осий бўлмасангиз — бу ишнинг эгасидирсизлар. Агар Унга осий бўлсангиз, У зот устингизга териларингизни худди мана бу новданинг пўсти шилинганидек шилиб оладиган кишиларни юборади»*, деб қўлларидаги новдани кўрсатиб, унинг пўстини шилдилар, шунда у оппоқ ва силлиқ бўлиб қолди (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1552).

Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу иш — модомики динни барпо қилсалар — Қурайшда бўлади, ким уларга адоват қилса, уни Аллоҳ дўзахга юзтубан улоқтиради»* (Имом Бухорий ривояти).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Яманга юбораётганларида насихат қилганча (шаҳар ташқарисигача) бирга чиқдилар. Сўнг у зот Мадинага ўгирилиб дедилар: *«Менинг мана бу аҳли байтларим ўзларини одамлар ичида менга энг яқини деб кўрадилар. Ундай эмас, ичларингизда менинг дўстларим — ким бўлмасинлар, қаердан бўлмасинлар — тақводор кишилардир. Эй Парвардигор! Мен уларга Сен ислоҳ қилган нарсани бузишни ҳалол қилмайман. Аллоҳга қасамки, умматим динидан худди идиш юмшоқ ерда ағдарилганидек ағдарилади»* (Ибн Аби Осим «Сунна»да келтирган, Албоний иснодини саҳиҳ деган).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматимнинг ҳалокати Қурайшдан бўлган ақлсиз болалар қўлидадир»* (Бухорий ва Аҳмад ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 7038).



Эҳтиёжманд ва мискин одамлар қаршисида эшигини беркитиб оладиган султон ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларидан одамлар ҳайдалмас ва тўсимас эдилар» (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2107).

Амр ибн Мурра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир имом (халифа) ёки ҳоким ҳожатманд, фақир ва мискин кишилар қаршисига эшигини беркитиб оларкан, Аллоҳ таоло унинг эҳтиёжи, фақирлиги ва мискинлиги қаршисида осмон эшикларини ёпиб қўяди»* (Аҳмад, Термизий, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомийъ: 5685).

Абу Марям ал-Аздий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким мусулмонларнинг ишларидан бирон ишга волий бўлса-ю, уларнинг эҳтиёжлари, фақирлик ва муҳтожликлари олдида тўсиниб олса, Аллоҳ таоло қиёмат кунда унинг эҳтиёжи, фақирлик ва муҳтожлиги олдида ундан тўсинади»* (Абу Довуд, Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомийъ: 6595).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким одамларнинг ишларидан бирон ишга волий бўлса-ю, заиф-ночор ва эҳтиёжманд кишилардан тўсинса, Аллоҳ таоло қиёмат кунда ундан тўсинади»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2209).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши ўлкаларга ҳокимлар юбораётиб уларга: *«Арғумоқ минмайсизлар, сара таом емайсизлар, нафис кийим киймайсизлар, одамларнинг эҳтиёжлари олдида эшикларингизни ёпиб олмайсизлар. Агар мана шу ишлардан бирор-тасини қилар экансизлар, сизларга уқубат тушади»* деб шарт қилиб, сўнг кузатар эдилар⁽¹⁹⁵⁾ (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Мишкот: 3730).

195 Умар ал-Форук разияллоҳу анҳу даврида амирлар мана шундай бўлганлар! Мана шундай амирлар туфайли уммат пешво ва бошқалар устидан ҳукмрон бўлган! Ҳозирги замондаги бошлиқлар қаердаю, улар қаерда! Ўшалар сабабли уммат хору-зорликка гирифтор бўлди. Аллоҳ Ўзи мадад берсин.



Ҳоким раияти орасига жосуслар қўйиб, улардан нуқсон ахтариб, раиятни бузиши керак эмас

Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, меҳрибондир»** (Хужурот: 12).

Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар одамларнинг ортидан айбу-нуқсонларини ахтариб юрсанг, уларни бузасан ёки бузишга яқин бўласан»*. Абуд-Дардо разияллоҳу анҳу айтдилар: *«Бу — Муовия Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ва Аллоҳ уни шу билан фойдалантирган сўзлар эди»* (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 4088).

Жубайр ибн Нуфайр, Касир ибн Мурра, Амр ибн Асвад, Миқдод ибн Маъдий Кариб ва Абу Умома разияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Амир агар одамлар ичида шубҳа-гумонлар тарқалишини истаса, уларни бузади»*⁽¹⁹⁶⁾ (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 4089).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Гумондан сақланинглар, зеро гумон сўзларнинг энг ёлғонидир. Бировлар ортидан жосуслик қилманглар, айбларини қидирманглар, бир-бирингизга буғз-адоват қилманглар, биродар бўлинглар эй Аллоҳнинг бандалари!»* (Бухорий ривояти).

Муставрид ибн Шаддод разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мусулмоннинг шаъ-*

196 Давримиздаги кўплаб туғёнкор тузумларнинг ҳолати айти шундан бошқача эмас. Улар ўзларининг туғёнкорликлари, фасодлари туфайли ҳамда ўзларига ишончлари ва халққа тақдим этаётган нарсаларга ишончлари йўқлигидан одамларнинг гап-сўзлари, иш-амалларида айбу-нуқсон қидирадиган жосуслик механизмини йўлга қўйишган, ҳар бир хонадонга биттадан жосус, ҳар битта жосус ортидан яна бир жосусни экиб ташлашган! Одамлар ичида шубҳа-гумонлар уруғини сепиб, кўркиш керак бўлмаган нарсалардан ҳам кўрқадиган, яшириш шарт бўлмаган нарсаларни ҳам яширадиган, ҳаммани бир-биридан гумон қиладиган аҳволга келтириб қўйишган!

ни эвазига нон топиб еса⁽¹⁹⁷⁾, Аллоҳ таоло унга ўшанча миқдорда жаҳаннам ўтидан едиради. Ким бир мусулмоннинг шаъни эвазига кийим кийса, Аллоҳ азза ва жалла унга жаҳаннам оловини кийдиради. Ким мусулмон кишига нисбатан риё ва сумъа ўрнида тур(иб унинг обрўсини тўк)са, Аллоҳ таоло қиёмат кунини нисбатан риё ва сумъа ўрнида туради (яъни, унинг қилган айбларини халойиққа кўрсатиб, эшиттиради)» (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 4084, Саҳиҳул-адабил-муфрад: 179).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир қавмнинг гапларига қулоқ солса, улар эса ундан қочаётган бўлсалар, унинг қулоқларига қўрғошин қуйилади»⁽¹⁹⁸⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 883).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй тили билан иймон келтириб, қалбига иймон кирмаган кишилар! Мусулмонларни ғийбат қилманглар, уларнинг айбларини қидириб юрманглар! Зеро ким уларнинг айбларини текшириб юрса, Аллоҳ унинг айбини текширади. Аллоҳ кимнинг айбини текширса, уни ўз уйида турган ҳолида ҳам шармандасини чиқаради» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4083).



Залолатга бошловчи ҳокимларнинг умматга хатари

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умматим хусусида мен энг қўрқадиган нарса адаштирувчи имом (бошлиқ)лардир» (Абу Нуайм «Ҳиля»да, Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1582).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умматим учун дажжолдан кўра ҳам

197 Бу эса мусулмон кишининг ортидан жосуслик қилиб, махсус идораларга гап етказиш орқали золим тоғутлар фойдасига ишлаш билан бўлади. Табиийки, ёзиб топширган ҳар бир хабар эвазига маълум ҳақ олиб, шу билан тирикчилик қилишади.

198 Бу айтилганлар бировларнинг сўзларига улар истамаган ҳолда, шунчаки қизиқиб қулоқ тутган кишилар ҳақида эди. Шундай экан, энди мусулмонлар ичида жосуслик қилиб, уларнинг гапларини кофир ва мушрик душманларига етказиб бориш мақсадида тинглайдиган кимсаларнинг азоби нақадар қаттиқ бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг!

хавфлироқ кишилар адаштирувчи имомлардир» (Аҳмад ривояти, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 1989).



Амирликка қизиқишнинг мазамматли иш экани, у улкан вазифа ва масъулият экани, қиёмат куни уни ноҳақ олган кишилар учун шармандалик ва надомат бўлиши баёни

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, мени ҳам омил (амир) қилсангиз-чи», дедим. Шунда у зот қўллари билан елкамга қоқиб: «Эй Абу Зар, сиз заифсиз. Амирлик омонат, қиёмат куни эса шармандалик ва надоматдир. Фақат ким уни ҳаққи билан ушласа ва зиммасидаги омонатни адо этса бундан мустасно», дедилар.

Бир ривоятда: «Эй Абу Зар, мен сизни заиф деб кўраяпман. Мен сизга ўзим учун яхши кўрган нарсани яхши кўраман. Иккита одам устига ҳам асло амир бўлманг, етимнинг молини бошқаришни асло зиммангизга олманг»⁽¹⁹⁹⁾ (Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бу ишга волий бўлган кишилар (қиёмат куни) Сурайё юлдузидан улоқтирилишни ва бирон ишга волий бўлмаган бўлишни албатта орзу қилишади!» (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 5360).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Амирларнинг ҳолига вой бўлсин! Ҳали одамлар сочлари билан Сурайёга осиб қўйилган бўлишни ва бирон ишга волий бўлмаган бўлишни роса орзу қилишади!» (Саҳиҳ маворид-из-замъон: 1295).

199 Термизий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абу Зардан кўра ростгўйроқ ва вафолироқ кишини осмон сояламаган, ер кўтармаган, у Йисо ибн Марямга ўхшайди», деганлар. Мана шундоқ улў сифатлар эгаси бўлган Абу Зар разияллоҳу анҳудек зотга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита одамга ҳам амир бўлмасликни насиҳат қилган эканлар, у кишидан кўра анча паст даражада бўлганлар бундай улкан ва омонатли ишга журъат қилмасликка лойиқроқдирлар. Бизнинг давримизда амирликни нақд ўлжа деб кўриб, уни қўлга киритиш йўлида ҳамма нарсани фидо қилишга тайёр одамлар кўплаб топилади!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Амирларга вой бўлсин, қабила бошлиқларига вой бўлсин, хазиначиларга вой бўлсин! Қиёмат куни одамлар сочлари билан юлдузларга осилган бўлиб, осмон билан ер ўртасида муаллақ қолишни ва бирон амалга волий бўлмаган бўлишни қаттиқ орзу қилишади»* (Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 2179).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши ўнта одамга бош бўлган бўлса, қиёмат куни қўллари боғланган ҳолда келтирилади. Уни ё қилган адолати бўшатади ё эса зулми ҳалок қилади»* (Байҳақий «Сунан»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомий: 5695).

Авф ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Итасангизлар амирлик ҳақида айтиб бераман. Унинг аввали маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат кундаги азобдир, фақат адолат қилган кишилар бундан мустасно»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомий: 1420).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга қасамки, биз бу ишга уни сўраб келган бирон кишини ва унга ҳарис бўлган бирон кишини волий қилмаймиз»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлар амирликка ҳарис бўлаяписизлар, у қиёмат куни ҳасрат ва надомат бўлади»* (Бухорий ривояти).

Абдурраҳмон ибн Самура разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга айтдилар: *«Эй Абдурраҳмон, амирликни сўраманг. Чунки, уни сўраб олсангиз, ташлаб қўйиласиз, сўрамаган ҳолингизда берилса унда сизга ёрдам берилади»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамлар ичида энг яхшилари бу ишни (амирликни) то унга тушиб қолгунича қаттиқ ёмон кўрувчилари эканини топасизлар»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу ишнинг аввали пайғамбарлик ва раҳматдир, сўнг халифалик ва раҳмат бўлади, сўнг подшоҳлик ва раҳмат бўлади, сўнг уни (яъни, амирликни) эшаклар таомни тишлаб тортишганидек талашишади. Бас, жиҳодни лозим тутингиз, жиҳодларингизнинг энг афзали рибот (ўзини Аллоҳ йўлига боғлаш), риботларингизнинг*

энг афзали Асқалондир»⁽²⁰⁰⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3270).

Молик ибн Ҳорисдан, у орқали бир кишидан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини бир сарийяга (отрядга) бошлиқ қилиб юбордилар. У (жангга) бориб қайтиб келгач: «*Хўш, амирлик қандай экан?*», деб сўрадилар. У: «Оддий одамлар қаторида бўлдим, уловга минганимда миндилар, тушганимда тушдилар», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ҳокимият эгаси машаққатдадир, Аллоҳ сақлаган кишиларгина бундан мустасно*», дедилар. Шунда ҳалиги одам: «Аллоҳга қасамки, энди на сиз учун, на бошқа биров учун омил (амалдор) бўлмайман», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар, ҳатто озиқ тишлари кўринди (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3239).

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар йўлласин.

200 Ҳадис умуман Фаластиндаги ва хоссатан Асқалон шаҳридаги риботнинг афзал эканига далил бўлади.



ОЛИМНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, УНИНГ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАР



Илм талаб қилишнинг фазли, илм талаб қилишга тарғиблар, толиби илмга бериладиган ажру-савоблар

Аллоҳ таоло айтди:

«Барча мўминлар (жангга) чиқишлари лойиқ эмас. Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!» (Тавба: 122).

«Ораларингиздан яхшиликка (исломга) даъват қиладиган, маъруфга (ибодат-итоатга) буюрадиган ва мункардан (исён-гуноҳдан) қайтарадиган бир уммат (жамоат) бўлсин.⁽²⁰¹⁾ Ана ўшалар нажот топувчилардир» (Оли Имрон: 104).

201 Юқоридаги оятда зикр қилинган уммат (жамоат)дан мурод — яхшилик нима, мункар нима эканини ҳар томонлама пухта билувчи олимлардир. Йўқса, жохил — яхши-ёмонни ажрата билмайдиган илмсиз одам қандай қилиб яхшиликка буюриши ва ёмонликдан қайтариши мумкин?! Бу ерда айтилган умматдан мурод — баъзи ҳизбийлик тарафдорлари бўлган замондошларимиз оят маъносини нотўғри талқин қилиб, даъво қилганларидек сиёсий ҳизблар (партиялар) эмас. Улар мана шу хато тушунчаларидан келиб чиқиб, бир ягона уммат ичида сони чекланмаган сиёсий ҳизблар ташкил қилиш вожиблигини даъво қилишади. Бу эса илгари на салаф, на халаф ичида мўътабар бўлган нотабий ва ёт тушунчадир. Зеро, сиёсий ҳизблар, кўриб ва кузатиб турганимиз каби, халқнинг барча табақа ва қатламларини қамраб олади,

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз-дир»*⁽²⁰²⁾ (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 70).

Сафвон ибн Ассол разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот масжидда қизил чопонлари устида ёнбошлаб ётган эканлар, «Ё Расулуллоҳ, мен илм излаб келдим», дедим. Шунда у зот: *«Марҳабо, толиби илм! Толиби илмнинг талаб қилаётган илмини яхши кўриб, уни малоикалар ўраб оладилар ва қанотлари билан соялайдилар, сўнг устма-уст бўлишиб, то дунё осмонигача етадилар»*, дедилар (Аҳмад, Табароний, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 71).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким илм талабиди бир йўлда юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Фаришталар илм толибининг бу қилган ишидан рози бўлиб, ўз қанотларини унинг оёқлари остига тўшайдилар»* Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 70).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши дедилар: «Икки оч киши — илм соҳиби ва дунё соҳиби тўймайди ва бу иккиси баробар эмасдир. Илм соҳиби Раҳмоннинг розилигини зиёда қилади, дунё соҳиби эса туғёнга берилади». Сўнг ушбу оятларни ўқидилар: **«Дарҳақиқат (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар — ҳаддидан ошар»** (Алақ: 7), **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина қўрқур»** (Фотир: 28). (Доримий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ кимга яхшилик истаса, уни динда фақиҳ-олим қилиб қўяди»* (Муттафақун алайҳ).

уларга олимлар ҳам, жоҳиллар ҳам бирдек аъзо бўлиши мумкин. Шундай экан, яхшилик ва ёмонликни тўла-тўқис билмайдиган жоҳил-илмсиз кишига: «Сен маъруфга (яхшиликка) буюришинг ва мункардан (ёмонликдан) қайтаришинг лозим» деб айтилиши тўғри бўлмайди. Зеро, ўзида йўқ бўлган киши бировга беролмайди.

202 Яъни, илм талаб қилиш мусулмонларнинг эркакларига фарз бўлгани каби аёлларига ҳам фарздир. Зотан, шариатда келган ҳар бир буйруқ модомики, бирор жинсга хос қилиб айтилмаган бўлса, эркак-аёлга бирдек тааллуқли саналади. Ҳадисдаги илмдан мурод — шариат илмидир, яъни: «Аллоҳ айтди», «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар», «саҳобалар айтдилар»дир.

Ҳузайфа ибн Ямон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Илмнинг фазли ибодатнинг фазлидан яхшироқдир. Динингиздаги энг яхши нарсa вараъ (тақво)дир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 68).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким илм излаб чиқса, то қайтгунича Аллоҳнинг йўлида бўлади»*⁽²⁰³⁾ (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 88).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дунё малъундир, ундаги барча нарсалар ҳам малъундир, Аллоҳнинг зикри ва Аллоҳ яхши кўрган нарсалар ҳамда олим ё эса таълим олувчи бўлган киши бундан мустаснодир»* (Термизий, Ибн Можа, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 74).

 **Одамларга яхшиликни таълим берадиган олимнинг фазли ва у Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида эга бўладиган кароматлар ва ажру-савоблар**

Аллоҳ таоло айтди:

«(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзловчи ким бор?» (Фуссилат: 33).

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина кўрқадилар»⁽²⁰⁴⁾ (Фотир: 28).

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай ҳақ тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай ҳақ маъбуд йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У қудратли, ҳикмат эгасидир»⁽²⁰⁵⁾ (Оли Имрон: 18).

203 Аллоҳнинг йўлидан мурод — жиҳод бўлиб, илм талаб қилиб чиққан киши то қайтиб келгунича Аллоҳ йўлида жиҳодга чиққан кишининг ажрига эга бўлади.

204 Ояти карима далолат қиладики, Аллоҳ таолодан кўрқиш кишининг илми миқдори-га қараб бўлади, илм ортган сари бевосита кўрқув ҳам ортади, илм қанча кам бўлса кўрқув ҳам шунча кам бўлади. Кўрқув ва илм бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

205 Ояти карима энг Улуғ ва Буюк Гувоҳ томонидан энг улуғ ва буюк гувоҳ берилувчи нарсaга — тавҳидга берилган энг улкан гувоҳликни ўз ичига олган. Яна оятда

«Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар» (Зумар: 9).

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтаради. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Мужодала: 11).

Муоз разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Олимнинг обиддан афзаллиги худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир»* (Саҳиҳул-жомий: 4212).

Абуд-Дардо разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дарҳақиқат олимга осмонлару-ердаги мавжудотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги худди ойнинг қолган юлдузлардан афзаллиги кабидир. Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир»*⁽²⁰⁶⁾, *пайғамбарлар эса тилла ҳам, кумуш ҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмнигина мерос қилиб қолдирганлар. Кимда-ким уни олган бўлса, мўл улушни олибди»* (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 70).

Жобир разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Яхшиликни таълим берувчи кишига барча нарсалар, ҳатто денгизлардаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор айтиб турадилар»*⁽²⁰⁷⁾ (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 3024).

олимларнинг фазлига далолат бор. Зеро, Аллоҳ таоло уларнинг тавҳид ҳақидаги, бир ягона Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқлиги ҳақидаги гувоҳликларини — бошқа одамлардан алоҳида ажратиб — Ўзининг гувоҳлиги ва малоикаларининг гувоҳликларига боғлаб, бир ўринга қўйди... Оятдан яна шу маъно ҳам англашиладики, кимда-ким мана шундай гувоҳлик бермаса ёки унинг зидди бўлмиш ширкка гувоҳлик берса, унинг илм доираси ҳар қанча кенг бўлмасин, илм соҳасида ҳар қанча улкан унвону мукофотларни қўлга киритган бўлмасин, ҳақиқий уламолардан саналмайди. Оятда айтилган **«илм аҳллари»** барча давр ва замонлардаги то қиёматга қадар келувчи барча олимларни ўзи ичига олади.

206 Яъни, олимлар пайғамбарларнинг илми, ахлоқи, ихлос, жиҳод ва ибодатларида, ҳақни очиқ-ошкор айтишлари, муҳолифларнинг озорларига сабр қилишларида меросхўрлардир. Пайғамбарлар мероси мана шу маъноларнинг барчасини ўз ичига олади.

207 Одамларга яхшиликни таълим берувчи олимга ҳар бир нарса, ҳатто инидаги чумоли-ю, денгизлар тубидаги балиқларгача салавот ва истиғфор айтиб туриши кўнгилга кўп улуғ ҳисларни, олий ва юксак маъноларни олиб келади.

Жумладан:

а) Бу борлиқ ва ундаги бор жонли-ю жонсиз мавжудот ягона мақсад — Яратувчининг ибодатида муштарак, барча махлуқотлар жинс, шакл, исм ва табиатларида ҳар турли бўлишлари билан бирга барча-барчаси вужудга келишларидан бўлган мақсад ва ғояда ҳамжинс ва яқдилдир;

б) Мўмин кишига ғурбат ҳар қанча кучли бўлмасин, атрофида унга хайрихоҳ бўлувчи дўстлари бор. Чунки, атрофидаги ҳар бир мавжудот Холиқнинг тавҳиди, ҳамду-тасбеҳида унга шерик, динда, ақийда ва тавҳидда унга дўст-биродар;

в) Одамларга яхшиликни таълим берувчи олим бошига бало ва машаққатлар ёприлган пайтларда мана шу ҳиссиётлар билан ўзига юпанч топади, енгиллик ҳис қилади. Гўё унинг атрофидаги ҳар бир жонзот ва ҳатто бутун борлиқдаги барча мавжудот унга: «Сабр қил, мувозанатингни йўқотма, йўлдаги ёлғизлик ва ғурбат, золимлар тарафидан тортаётганинг озору уқубатлар сени ҳақдан ва ҳақни очиқ айтишдан буриб қўймасин, сен ёлғиз эмассан, биз сен билан биргамиз, сен сезмаган ҳолда биз сенга шунча-шунча вақтдан бери салавотлар, дуо-ю истиғфорлар айтиб турибмиз, Аллоҳдан сенга раҳмат ва сабот тилаб турибмиз», деяётгандек;

г) Ушбу ҳислар олимни Аллоҳ учун яна-да ихлосли бўлишга, бутун борлигини Унга бахш этишга, даъвати учун ажрни фақат Унинг ўзидан талаб қилишга, одамлардан бирон нарса умидвор бўлмасликка чорлайди, шу билан бу раббоний ато ва барча махлуқотларнинг ҳамкор ва ҳамдўстлиги сақланиб қолади;

д) Одамларга яхшиликни таълим берувчи олим кишига барча махлуқотлар тарафидан бўлган бу ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва эътибор яхшиликка яхшилик қайтариш, маъруфга маъруф билан жавоб бериш қабилидаги ишлардандир. Олим кишининг яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариши ва одамларга яхшиликни таълим беришининг самараси бутун ер юзига яхшилик, ризку барака ёғилишида намоён бўлади. Одамзотнинг гуноҳу маъсиятлари ерга ва ер юзидагиларга шумлик ва озорлар келиши манбаи бўлгани каби, тоат-ибодат ва яхшиликда барқарор бўлиши бутун ер аҳлига яхшилик олиб келади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Албатта, агар улар (Тўғри) йўлда устивор турганларида, албатта Биз уларни мўл ёмғир билан суғорган бўлур эдик (яъни уларга мўл-кўл ризқ ато этган бўлур эдик)»** (Жин: 16), **«Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарру қилингиз, шунда У зот устингизга осмондан ёмғир қуйдирар ва куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшар. Жинояткор-гуноҳкор бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетмангиз!»** (Худ: 52), **«Мен дедимки: Парвардигорингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир. (Шунда) У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ва сизларга боғу бўстонлар (ато) қилур ҳамда сизларга оқар дарёлар (ато) қилур»** (Нух: 10-12), **«Биз қачон бирон шаҳар (аҳли)ни ҳалок қилишни истасак, унинг боёнларини (Ўзимиз юборган пайғамбарларга итоат этишга) буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар (аҳолиси) устига Сўз (азоб тушиши) вожиб — муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага айлантируرمىз»** (Исро: 16). Золим шаҳар устига тушадиган ҳалокат ва вайронагарчилик унда яшовчи инсонлар-у,

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Олимнинг обид (оддий ибодат қилувчи)дан афзаллиги худди менинг энг қуйида бўлганларингиздан афзаллигим кабидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло, Унинг малоикалари, самовоту ер аҳли, ҳатто унидаги чумоли-ю, (сувдаги) балиқлар одамларга яхшиликни таълим берувчи кишига савобу салом йўлаб турадилар»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1838).

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларнинг энг афзалингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатган кишидир»* (Бухорий ривояти).

Мусъаб ибн Саъддан, отаси (Саъд ибн Аби Ваққос) разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Яхшиларингиз Қуръонни ўрганган ва ўргатганларингиздир»*⁽²⁰⁸⁾ (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 170).

Олимнинг ажру-ҳасаноти вафотидан кейин ҳам, Аллоҳ унинг илмидан фойдалантириши миқдорида давом этиб туради

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким фақат яхшиликни ўрганиш ва ўргатиш мақсадида масжидга борса, унга тўла-тўқис ҳаж қилган ҳожининг ажрича ажр бўлади»* (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 82).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир чорловчи залолатга*

хайвонлар-у, барча нарсаларда акс беради, одамзотнинг маъсиятлари барчага бирдек шумлик ва бало ўчоғига айланади;

- е) Инларидаги чумолилар ва денгиз тубидаги балиқлар олим кишига кўпчилик инсонлардан кўра вафодорроқ ва унинг яхшилигини билувчироқдир. Чунки кўп кишилар ўзларига яхшиликни таълим берган ва ҳидоятларига сабаб бўлган олим киши ҳақида инсоф билан сўз айтишни, унга дуои хайр ва истиғфор айтишни ёки бир оғиз «рахимахуллоҳ» (Аллоҳ раҳмат қилсин) деган сўзни ҳам кўп кўришади, айримлар эса ҳатто олимнинг арзимас хатоси учун, баъзан эса бевосита бирон хатоси бўлмаса ҳам, унинг шаънида ҳақорат ва лаънат айтишдан ҳам тойишмайди.

- 208 Демак, одамларнинг яхшилари ва афзаллари шу билан — Қуръон ўрганиш ва ўргатиш билан, Аллоҳга ва Унинг тавҳидига чақириш билан билинади, мол-дунё тўплаш, дунё устида мусобақа қилиш билан эмас.

чақирса ва унга эргашилса, у учун ўзига эргашиган кишиларнинг гуноҳидан бирон нарса камаймаган ҳолда ўшалар гуноҳича гуноҳ бордир. Қай бир чорловчи ҳидоятга чақирса ва унга эргашилса, у учун ўзига эргашиган кишиларнинг савобидан бирон нарса камаймаган ҳолда ўшалар савобича савоб бордир» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 176).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамлар орасида яхшилик калитлари ва ёмонлик қулфлари бўлган кишилар бор, одамлар орасида ёмонлик калитлари ва яхшилик қулфлари бўлган кишилар ҳам бор. Аллоҳ яхшилик калитларини унинг қўлларида қилиб қўйган кишига жаннат бўлсин, Аллоҳ ёмонлик калитларини унинг қўлларида қилиб қўйган кишига дўзах бўлсин» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 194).

Амр ибн Авф ал-Музаний разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким менинг суннатимдан бир суннатни тирилтирса, сўнг унга одамлар амал қилсалар, у учун ўшанга амал қилган кишиларнинг савобича савоб бўлади, лекин бу уларнинг савобидан бирон нарсани камайтирмайди. Ким бир бидъатни пайдо қилса, у учун ўша бидъатга амал қилган кишилар гуноҳича гуноҳ бўлади, лекин бу уларнинг гуноҳидан бирон нарсани камайтирмайди» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 173).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин кишига вафотидан кейин етиб турадиган амали ва ҳасанотидан бири — ўргатган ва тарқатган илмидир» (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 74).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Инсон вафот этгач, унинг барча амаллари тўхтайди, фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққиға дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан» (Муслим ривояти).

Муоз ибн Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким илм ўргатса, у учун ўшанга амал қилган кишиларнинг савобича савоб бўлади, лекин уларнинг савобидан бирон нарса камаймайди» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 196).

Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Инсон ўздан сўнг қолдирадиган нарсаларнинг энг яхшиси учта: ҳақиға дуо қиладиган солиҳ фарзанд, ажри етиб турадиган садақаи жория, унинг ортидан амал қилинадиган илм» (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 79).

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким Исломда бир яхши йўлни (яъни амални) йўлга қўйган бўлса, ундан кейин ўшанга амал қилинса, у учун ўшанга амал қилган кишиларнинг ажрича ажр ёзилади, уларнинг ажридан ҳам бирон нарса камаймайди. Ким Исломда бир ёмон йўлни (яъни амални) йўлга қўйган бўлса, ундан кейин ўшанга амал қилинса, у учун ўшанга амал қилган кишиларнинг гуноҳича гуноҳ ёзилади, уларнинг гуноҳларидан ҳам бирон нарса камаймайди*» (Муслим ривояти).

❖ **Амалли олимлар — одамлар чигалли ишлар ва мусибатлар пайтида, шунингдек ўзлари муҳтож бўладиган диний масалаларда мурожаат қиладиган асосий манбаидирлар**

Аллоҳ таоло айтди:

«**Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар!**» (Наҳл: 43).

«**Қачон уларга (жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида) тинчлик ёки хавф-хатар (яъни ғалаба ёки мағлубият) хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан) пайғамбарга ва ўзларидан бўлган аҳли илмларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар**» (Нисо: 83).

«**Барча мўминлар (жангга) чиқишлари лойиқ эмас. Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!**» (Тавба: 122).

«**У Сизга Китоб нозил қилган зотдирки, у (Китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа муташобих — тушуниш қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир). Энди дилларида ҳақ йўлдан оғиш бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ таъвил-тафсир қилиш учун Унинг муташобих оятларига эргашадилар. — Ҳолбуки, ундай оятларнинг таъвилини ёлғиз Аллоҳгина билур. — Илмда собитқадам бўлган кишилар эса: «У Китобга**

иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Роббимиз ҳузуридандир», дейдилар. Фақат аҳли донишларгина панд-насихат олурлар» (Оли Имрон: 7).

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан (яъни, мусулмон) бўлган ишбошиларга (яъни, олимлар ва ҳокимларга) бўйсунингиз!» (Нисо: 59).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Сафарда эканимизда бизлардан бир кишининг бошига тош тегиб, боши ёрилди. Кейин у эҳтилом бўлиб қолиб, шерикларидан: «Мен учун таяммум қилишга рухсат бормикин?» деб сўраган эди, улар: «Йўқ, сенга рухсат борлигини билмаймиз, чунки сен сувга қодирсан», деб жавоб беришди. У (ғусл қилиши оқибатида) вафот этди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келганимизда у зотга ушбу воқеа ҳақида хабар берилди. Шунда у зот: «Уни ўлдирибдилар, Аллоҳ уларни ўлдирсин. Билмасалар сўрасалар бўлмайдимиз?! Билмасликнинг давоси сўрашлик-ку! Унга таяммум қилиши кифоя эди», дедилар» (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 325).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: *«Барака улуғларингиз биландир»*⁽²⁰⁹⁾ (Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1778).

 **Аллоҳ таолонинг Юзини истаб ўрганиладиган илмни бирон дунёвий ғаразда ёки баҳс-мунозара қилиш ва ўзини кўрсатиш учун ё одамларнинг эътиборига тушиш ё аҳли илм деган ном қозониш учун талаб қилган киши ҳақида**

Аллоҳ таоло айтди: **«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)»** (Каҳф: 110).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳнинг Юзини истаб*

209 Ҳадисдан маълум бўладики, амалли, муваҳҳид уламоларни ёшлари кичик бўлса-да, катта ёшдаги бидъат ва залолат аҳлидан кўра улуғ билиш, улар суҳбатини афзал кўриш лозим бўлади. Зеро, хайру-барака улуғлар суҳбатини лозим тутишдадир.

ўрганиладиган илмни фақат бирон дунёвий нарсага етишиш мақсадида ўрганса, қиёмат кунини жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди» (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 6159).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Илмни уламолар ичида мақтаниш ёки ақлсиз кимсалар билан талашиб-тортишиш учун ва мажлисларнинг тўрини эгаллаш мақсадида ўрганманглар! Ким шундай қилса, (унинг жойи) дўзахдир, дўзах!» (Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 102).

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимда-ким илмни уламолар ичида мақтаниш ё жоҳил кимсалар билан баҳс-мунозара қилиш ё одамларнинг кўнглини ўзига ром қилиш учун талаб қилса, дўзахга (равона бўлади)» (Ҳоким, Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 5930).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимда-ким илмни уламолар ичида мақтаниш ё жоҳил кимсалар билан талашиб-тортишиш ё одамларни ўзига қаратиш учун талаб қилса, у одам дўзахдадир» (Ибн Можа ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 104).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда жумладан шундай дейилади: «...Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган, ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Сен учун Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. «Ёлғон гапирдинг, сен илмни «олим» дейилиш учун ўргандинг, Қуръонни эса «қори» дейилиш учун ўқидинг, дарҳақиқат, шундай дейилди», дейди Аллоҳ. Сўнгра буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади» (Муслим ривояти).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ислом ғолиб бўлади, ҳатто савдогарлар денгизларда сафарларга чиқишади ва отлар Аллоҳ йўлида (жангларга) қиради. Кейин Қуръон ўқийдиган бир қавм чиқади. Улар: «Ким биздан кўра қорироқ, ким биздан кўра фақиҳроқ?!», дейишади». Сўнг у зот асҳобларидан: «Ана шуларда бирон яхшилик борми?», деб сўрадилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деб жавоб беришди. «Улар сизлардан, мана шу умматдан. Улар дўзахнинг ёқилғиларидир», дедилар (Табароний, Баззор ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 131).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамлар устига шундай бир замон келадики, унда Қуръонни таълим олишади, уни ўрганишади ва ўқишади. Кейин: «Биз ўқидик ва билдик, биздан яхшироқ ҳам одам борми?!», дейишади. Уларда бирон яхшилик борми?!»*. Саҳобалар: *«Ё Расулуллоҳ, улар кимлар?»*, деб сўрадилар. *«Улар сизлардан, дўзахнинг ёқилғилари ўшалардир»*, дедилар (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 133).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу айтадилар: Мен аҳли суффардан бир нечасига ёзиш ва Қуръон ўқишни ўргатдим. Шунда улардан бири менга бир камон ҳадя қилди. Бу нарса пул-мол эмаску, ундан Аллоҳ йўлида ўқ отаман, бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бориб, албатта у зотдан сўраб оламан, дедим. Сўнг у зот ҳузурларига бориб: *«Ё Расулуллоҳ, мен ёзиш ва Қуръон ўқишни ўргатган кишилардан бири менга бир камон ҳадя қилди, у бир пул-мол эмас, ундан Аллоҳ йўлида ўқ отаман»*, дедим. *«Агар бўйнингга ўтдан бўлган ҳалқа кийдирилишини истасанг, майли уни қабул қилавер»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2915).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қуръонни ўрганиб, у билан мол-дунё сўрайдиган бир қавм келмасидан туриб сизлар Қуръонни ўрганинглар ва у билан Аллоҳдан жаннатни сўранглар. Зеро, Қуръонни уч киши ўрганади: у билан мақтанадиган одам, у билан тирикчилик қиладиган одам ва уни Аллоҳ учун ўқийдиган одам»* (Ибн Наср «Қиёмул-лайл»да ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 258).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Қуръон ўқиса, (ажрини) Аллоҳдан сўрасин! Чунки, ҳали шундай қавмлар келадики, Қуръон ўқиб, ажрини одамлардан сўрайдилар»* (Термизий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 257).

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтдилар: *«Катталарни қартайиб юборадиган, гўдакларни катталардек қилиб юборадиган, одамлар уни суннат қилиб олиб, ундан бирор нарса тарк қилинса «Суннат тарк қилинди» дейдиган фитналарга чулғаниб қолсангиз қандай қиларкинсизлар?!» «У қачон бўлади?»*, деб сўрадилар. *«Уламоларингиз кетиб, жоҳилларингиз кўпайганда, қориларингиз кўпайиб, фақиҳ-мулаларингиз камайганда, амирларингиз кўпайиб, аминларингиз (омонатли кишиларингиз) камайганда, охират амали билан дунё талаб қилинганда ва дин-*

дан бошқа нарса учун илм ўрганилганда», дедилар (Доримий, Ҳоким ва бошқалар ривояти).



Олим кишининг сўзи амалига мувофиқ бўлиши лозим, чунки у ўз ортидагилар учун намунадир

Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз Оллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)»** (Саф: 2,3).

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Ичкалари қорнидан ерга осилиб тушиб, унинг атрофида тегирмон айлантираётган эшакдек айланади. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидинг ахир?», дейишади. «Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди»* (Муслим ривояти).

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Исро кечаси ўтдан бўлган қайчилар билан лаблари қийилаётган одамлар ёнидан ўтдим. «Ким улар, эй Жибрил?», деб сўрадим. «Умматингиз ичидаги ўзлари қилмайдиган нарсани гапирадиган хатиблар», деди»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Қиёмат куни банда умрини қаерда ўтказгани ҳақида, илмини нимага ишлатгани ҳақида, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилгани тўғрисида ва жисмини қайси ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунча унинг оёғи турган еридан силжимади»* (Термизий ривояти, Саҳихут-тарғиб: 122).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини унутадиган одамнинг мисоли одамларга ёруғлик таратиб, ўзини куйдирадиган пиликка ўхшайди»* (Баззор ривояти, Саҳихут-тарғиб: 126).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳу айтардилар: *«Қиёмат куни Раббим халойиқлар устида мени чақириб: «Эй Уваймир!», деганида: «Лаббай*

ё Роббим», десам, «Ўқиган илмингга нима амал қилдинг?!» деб сўрашидан қўрқаман» (Байҳақий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 125).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматим устида энг қўрқадиганим — тили олим мунофиқ кимсалардир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 239).

Олим киши билган илмини одамлардан яширмаслиги лозим⁽²¹⁰⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«Аллоҳ нозил қилган Китобдан иборат бўлган нарсани берки-тадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар — уларга Қиёмат Кунисида Аллоҳ сўзламайди — боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а?» (Бақара: 174, 175).

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Фақат Менгина тавбаларни қабул қилувчи, Раҳимдирман» (Бақара: 159, 160).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши бир илмини ёд олиб, сўнг уни беркитар экан, қиёмат куниси ўтдан бўлган юган билан юганлаб олиб келинади»* (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 210).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимда-ким биладиган илмидан*

210 Агар яшириб, одамларга бермаётган илми ундан бошқа одам билмайдиган илм бўлса, ёки билган одамлар етарли бўлмаса ва одамлар унга муҳтож бўлсалар, бунинг гуноҳи яна-да қаттиқроқ бўлади.

сўралса-ю, уни беркитса, қиёмат кунини ўтдан бўлган жилов билан жиловланади» (Саҳиҳ сунани Ибн Можа: 213).

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир кишига Аллоҳ илм берган бўлса-ю, уни беркитса, қиёмат кунини Аллоҳ таоло уни ўтдан бўлган нўхта билан нўхталайди» (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомий: 2714).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Илм ўрганиб, сўнг уни одамларга айтиб бермайдиган кишининг мисоли бойлик тўплаб, кейин ундан инфоқ қилмайдиган кишига ўхшайди» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 118).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Айтиб берилмайдиган илм сарф қилинмайдиган бойликка ўхшайди» (Ибн Асокир ривояти, Саҳиҳул-жомий: 4023).

 **Олим киши дини ҳақида савол сўраб келган толиби илмни очик юз билан кутиб олиши ва тавозели бўлиши, қўлидан келганича унга иқбол қилиши лозим**

Сафвон ибн Ассол разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот масжидда қизил чопонлари устида ёнбошлаб ётган эканлар, «Ё Расулуллоҳ, мен илм излаб келдим», дедим. Шунда у зот: «Марҳабо, толиби илм!», дедилар (Аҳмад, Табароний, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 71).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳузурингизга илм талаб қилиб кишилар келишади. Уларни кўрганингизда: «Хуш келибсиз, эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (марҳабо деб кутиб олишга) васият қилган кишилар!», денглар ва уларга илм ўргатинглар» (Саҳиҳ сунани Ибн Можа: 201).

Абу Рифоа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келсам, у зот хутба қилаётган эканлар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, мен дини ҳақида билмаган нарсаларини сўраб келган бир ғарибман», дедим. Шунда у зот хутбаларини тарк қилиб, менинг ёнимга келдилар. Бир курси келтирилди, оёқлари темирдан бўлса керак эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўтирдилар ва менга Аллоҳ ўзларига билдирган нарсалардан ўргата бо-

шладилар. Сўнг бориб хутбаларини охирига етказдилар⁽²¹¹⁾ (Саҳиҳ су-
нан ан-Насоий: 4970).



Олимлар одамларга дин ишларини ўргатишда аввал энг муҳим ишларга эътибор қаратишлари, биринчи бўлиб энг муҳим ва энг мўътабар илм саналмиш тавҳид илмига аҳамият беришлари лозим. Зеро, тавҳид пойдевор, усиз бино қарор топмайди ва бирон амал мақбул бўлмайди. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлардан то улар тавҳидга ижобат қилмагунларича бирор амални қабул қилмас эдилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозни Яманга жўнатаётганларида айтдилар: «Сиз аҳли китоб бўлган қавм олдига бормоқдасиз. Уларни энг биринчи Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга чақиринг. Аллоҳни таниганларидан сўнг уларга Аллоҳ бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини айтинг. Уни (қабул) қилишгач, Аллоҳ уларга молларидан олиниб, камбағалларига қайтариладиган закотни фарз қилганини айтинг. Агар бунга итоат қилсалар, улардан (закотларини) олинг, бироқ энг яхши ва нафис молларини олишдан сақланинг» (Муттафақун алайҳ).

Жундаб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлганмиз, ёш йигитлар эдик. Қуръон ўрганишдан олдин иймонни ўргандик, сўнггра Қуръон ўргандик ва у билан иймонимиз зиёда бўлди»⁽²¹²⁾ (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 170).

211 Ҳозирги даврдаги машойихлар ва даъват аҳлидан кўплари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу суннатларидан, толиби илмларга нисбатан шу қадар тавозе кўрсатишларидан нақадар узоқлашиб кетишган! Улар вақтлари йўқлиги ва ишлари кўплигини баҳона қилиб толиби илмлардан қочишади. Аслида эса бунга уларнинг кибрлари ва ўзларини одамлардан юқори тутишларидан бошқа нарса сабаб бўлмайди. Гўё уларнинг вақтлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вақтларидан қимматлироқ, юмушлари у зотнинг юмушларидан кўпроқ!

212 Иймонни ўргандик дегани тавҳидни ўргандик деганидир. Чунки, муқаддимасида тавҳид бўлмаган ва тавҳид асосига қурилмаган ҳар қандай илм ва амал мақбул бўлмайди. Аллоҳ таоло айтди: «Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди» (Анъом: 88). Ҳадисда иймоннинг зиёда бўлиши ва камайишига далил бордир.



Одамларни малоллантириб қўймаслик учун ваъз-насиҳатда уларни риоя қилиш, ваъз ва таблиғ учун муносиб вақт ва ўринни танлай билиш лозим

Шақиқдан ривоят қилинади: Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ҳар пайшанба куни одамларга ваъз-насиҳат қиларди. Бир киши: «Эй Абу Абдурраҳмон, бизга ҳар куни ваъз-насиҳат қилиб турсангиз яхши бўларди», деди. У деди: «Мени бундан тўсадиган нарса шуки, сизларга малол келиб қолишини истамайман. Мен сизларга худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни малоллантирмаслик учун риоя қилиб ваъз қилганларидек риоя билан (оралатиб) ваъз қиламан»⁽²¹³⁾ (Бухорий ривояти).

Икримадан ривоят қилинади: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: «Одамларга ҳафтада бир марта (оят-ҳадис) айтиб бер, бунга кўнмасанг икки марта, жуда кўпайтириб юборсанг уч марта сўзла, одамларга Қуръонни малолли қилиб қўйма. Ҳаргиз одамлар гаплашиб ўтирган жойга бориб, уларнинг сўзларини кесиб қўйиб гапирмагин, уларни малоллантириб қўясан. Жимгина ўтиргин, ўзлари таклиф қилсалар, эшитишни истасалар гапир. Қофияли сўзларни териб дуолар қилишдан узоқ бўл, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари ундай қилмасдилар» (Бухорий ривояти).



Олим киши фатво бераётган ва даъват қилаётган пайтида одамларнинг ақлларини, табиатларини, савияларини риоя қилиши, уларга яхши сўзлар айтиши ва нафратлантириб қўймаслиги, динда ғулув кетишдан ва уни оғир-қийин қилиб кўрсатишдан сақланиши, имкон қадар динни осон-қулай қилиб кўрсатиши лозим

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга** (саҳобаларин-

213 Хоҳиш-ҳаволаридан сўзламайдиган, сўзлари асалдан ширин ва ёқимли бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдек зотки, асҳоби киромларни малоллантириб қўйишдан қўрқиб, ваъз-насиҳатни оралатиб қилган бўлсалар, ҳозирги замондаги воиз ва машойихлар ҳам одамларни малоллантириб қўймаслик учун ваъз-насиҳат қилишда уларга қулай пайт ва ўринларни риоя қилишлари зарур бўлади.

гизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар» (Оли Имрон: 159).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларни даъват қилинглар, хушхабар беринглар, нафратланторманглар, осон-қулай қилинглар, қийинлаштирманглар!» (Муслим ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таълим беринглар, осон-қулай қилиб беринглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, нафратланторманглар, бирортангиз ғабланса сукут қилсин!» (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 4027).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон икки иш ўртасини танлашга ихтиёрли бўлсалар, модомики гуноҳ бўлмаса енгилроғини олардилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқ одам бўлардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун ўч олмаганлар, фақат Аллоҳ ҳаром қилган иш қилиб қўйилса, Аллоҳ учун ўч олардилар» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Динда ғулув кетишдан сақланинглар⁽²¹⁴⁾! Сизлардан илгаригилар динда ғулув кетиш сабаблигина ҳалок бўлишган» (Аҳмад, Насоий, Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1283).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта, дин енгилдир. Кимда-ким уни (ўзи учун) оғирлаштирса, дин уни албатта мағлуб қилгай» (Бухорий ривояти).

Бурайда ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўътадил йўлни лозим тутингиз! Зеро, ким бу динга ғолиб келаман деса, дин уни мағлуб қилади»⁽²¹⁵⁾ (Ибн Аби Осим «Сунна»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган).

214 Динда ғулув кетиш деб Қуръон ва суннатда айтилганидан ошириб юборишга айтилади.

215 Динга ғолиб келаман дейишдан мақсад — мўътадилликдан узоқлашиш ва ўзига динни қийин-қаттиқ қилиб олиш, керак пайтларда шаръий рухсатларни олмасликдир.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Албатта Аллоҳ Ҳалим, ҳар бир ишда ҳалимликни яхши кўрувчи Зотдир»* (Бухорий ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Албатта Аллоҳ ҳалимликни яхши кўрувчи Ҳалим Зотдир, У ҳалимликка қаттиққўлликка бермаган ва бошқа бирон нарсага бермаган мукофотларни беради»* (Муслим ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мулоимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қилади, қай бир нарсадан суғурилган бўлса уни айбли қилади»* (Муслим ривояти).

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким мулоимликдан маҳрум бўлса, яхшиликдан маҳрум бўлибди»* (Муслим ривояти).

Муовия ибн Ҳакам разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан намоз ўқиётган эдик, бир киши акса урди. Мен: «Ярҳамукаллоҳ» деган эдим, одамлар менга қараб қўйишди. Шунда: «Ҳой, нега менга қараяпсизлар?!», дедим. Улар қўллари билан сонларига ура бошлашди. Мени гапиртирмасликка ҳаракат қилишаётганини кўргач жаҳлим чиқди, лекин жим бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлгач — ота-онам у зотга фидо бўлсин, у зотдан аввал ҳам, кейин ҳам у кишидан кўра чиройли таълим берувчи муаллим кўрмадим — Аллоҳга қасамки, мени тергамадилар, урмадилар, сўкмадилар. Балки: *«Намоз ичида одамларнинг гапларидан бирон калиманинг бўлиши дуруст эмас, у фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон ўқишдан иборат бўлади»*, дедилар (Муслим ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Масжидда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик, бир аъробий келди-да, масжид ичида туриб бавл қила бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари: «Ҳой, ҳой!» дея бошлашди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тўхтатманглар, уни тек қўйинглар»*, дедилар. Улар уни тек қўйишди, ҳатто бавл қилиб бўлди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни чақирдилар ва: *«Бу масжидларда бавл (сийдик), ахлат каби нарсаларни қилиш ярамайди, улар фақат Аллоҳнинг зикри, намоз ва Қуръон қироати учундир»*, дедилар. Сўнг бир кишига буюрдилар, у бир челак сув келтириб, бавл устига қўйиб юборди (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий масжидда туриб бавл қилди. Одамлар уни маломат қилишди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Уни тек қўйинглар ва бавли устига бир челақ сув қуйворинглар. Зеро, сизлар осонлаштирувчи қилиб юборилгансиз, қийинлаштирувчи қилиб юборилмагансиз»* — дедилар⁽²¹⁶⁾ (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан рўзадор киши аёлини қучиб-ўпиши ҳақида сўраган эди, унга рухсат бердилар. Бошқа бири келиб сўраган эди, унга ман қилдилар. Рухсат берган кишиси мўйсафид, ман қилган кишиси ёш йигит эди⁽²¹⁷⁾ (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2090).

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши дедилар: «Одамларга ўзлари англаб биладиган нарсаларни гапиринглар. Аллоҳ ва Расули ёлғончи қилинишини истайсизларми?!» (Бухорий ривояти).



Олим ҳақни очиқ-ошкор айтиши, маъруфга буюриб, мункардан қайтариши, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаслиги лозим. Агар олим киши ўзи учун рухсат топиб, эҳтиёткорлик йўлини тутса, унда одамларга қачон ҳақ зоҳир бўлади?!

Ҳузайфа ибн ал-Ямон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар ё яхши ишларга буюрасизлар ва ёмон ишлардан қайтара-сизлар, ёки бўлмаса Аллоҳ таоло устингизга Ўзи тарафидан бир қаттиқ азоб туширади-да, ундан кейин дуо қилсангизлар дуоингизни ижобат қилмайди»* (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1762).

216 Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам у одамни тергаш ва бавлини охирига етказишдан тўсишни қийинлаштиришнинг бир тури деб эътибор қилдилар. Шундай экан, мусулмонларга дин ишларини қийинлаштирадиган киши ҳақида нима дейиш мумкин?! Фараз қилинг, ҳозирги пайтда бирорта жоҳил одам мусулмонларнинг масжиддаридан бири ичида ҳалиги аъробий қилган ишни қилса, масжиддан соғ чиқармикин?!

217 Яъни, фатво гоҳида фатво сўровчининг ҳолига қараб берилади. Бу — фақиҳ киши одамларга фатво беришда эътибор бериши зарур бўлган фикҳдир.

Ториқ ибн Шихоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан ким бир мункарни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар қодир бўлмаса тили билан (ўзгартирсин), унга ҳам қодир бўлмаса қалби билан (ёмон кўрсин), мана шу иймоннинг энг заифидир»* (Муслим ривояти).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бирон киши ҳақни билса, одамларнинг ҳайбати уни айтишидан асло тўсмасин! Чунки бу на ажални яқинлаштиради ва на ризқни узоқлаштиради»* (Аҳмад, Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 168).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизлар билан қаерда бўлмайлик ҳақни айтишимизга ва Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмас-лигимизга байъатлашдилар» (Муттафақун алайҳ).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Шаҳидларнинг саййиди — Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва яна бир одамки зўравон ҳоким олдида турган, унга амри маъруф ва наҳий мункар қилганида ҳоким уни ўлдириб юборган кишидир»* (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 491).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг афзал жиҳод — зўравон султон олдида айтилган ҳақ сўзидир»* (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 3650).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳга энг суюмли жиҳод — зўравон ҳокимга айтиладиган ҳақ сўзидир»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 168).

Қайсдан ривоят қилинади: Абу Бакр разияллоҳу анҳу Аллоҳга ҳамду сано айтгач, шундай дедилар: «Эй одамлар! Сизлар мана бу оятни ўқийсизлар-у, уни ўз ўрнидан бошқа ўринга қўясизлар: **«Эй мўминлар, ўзингизни билингиз! (Яъни гуноҳлардан сақланингиз!) Модомики, ҳақ йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас»** (Моида: 105). Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганмиз: *«Одамлар зулм қилаётган кишини кўриб туриб, унинг икки қўлидан тутмасалар, Аллоҳ уларга омавий азоб тушириши мумкин»*. Яна мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Қай бир қавм ичида маъсиятлар қилинаётган бўлса, уларни ўзгартиришга қодир бўла туриб, ўзгартиришмаса, Аллоҳ уларга Ўзи тарафидан омавий бир азобни тушириши мумкин»*, деганларини

ҳам эшитганман» (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 3644).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳеч бирингиз ўзини камситмасин!»*. Саҳобалар: *«Ё Расулуллоҳ, биров ўзини қандай камситади?»*, деб сўрашди. *«Зиммасида Аллоҳ учун гапириши лозим бўлган бир ишни кўриб туриб, у ҳақда гапирмайди. Қиёмат кун Аллоҳ азза ва жалла ундан: «Мен учун фалон-фалон гапларни гапиришдан сени нима тўсди?!», деб сўрайди. У: «Одамлардан қўрқув», деб жавоб беради. «Мендан қўрқишинг лойиқроқ эди», дейди Аллоҳ таоло»* (Мунзирий «Тарғиб»да: «Ибн Можа ривоят қилган, ровийлари ишончли» дейди, Аҳмад Шокир «Умда»да: «Исноди саҳиҳ» деган).



Олим кишини иззат-икром қилишлари, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишлари, бироқ бунда ғулув кетмасликлари ва жафо ҳам қилмасликлари, сўзда ва маслаҳатда уни бошқалардан муқаддам қўйишлари олимнинг одамлар зиммасидаги ҳақларидан

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Каттамузни ҳурмат қилмаган, кичигимизга меҳрибонлик қилмаган ва олимимизнинг (ҳаққи-ҳурмати)ни танимаган киши менинг умматимдан эмас»*⁽²¹⁸⁾ (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 96).

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мўйсафид мусулмонни,*

218 Ҳозирги даврда турли қитъаларда қанчадан-қанча олимлар зулм ва туғён қамоқхоналарига ташланганлар ва ташланмоқдалар, Аллоҳнинг душманлари бўлган жиноятчи кимсалар тарафидан оғир қийноқ ва азобларга дучор қилинмоқдалар. Уларнинг ўз зиммаларидаги вожибни адо этганлик — яъни ҳақни очиқ-ошкор айтганликдан бошқа ҳеч қандай айблари йўқ! Одамлар эса улардан бепарво, лоқайд ва ғофил, уларнинг аҳволи билан қизиқмайдилар, улар ҳақида сўрамайдилар. Гўё бу уламоларнинг уммат зиммасида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари йўқдек! Ваҳоланки, бунинг муқобилида кўрамизки, мусулмонларнинг болаларини СПИД вируси юктириш орқали ўлдирган жиноятчи кофир кимсаларни — Ливияда бўлгани каби — қамокдан озод қилиш учун бутун салибий-христиан олами расмий ва оммавий равишда қўзғолади, бутун оламга бу ҳақда жар соли-

Қуръонга (ундан махфий маънолар излаб ёки унга қаттиқ амал қиламан деб) ғулув кетмаган ва ундан бутунлай узоқлашиб кетмаган ҳомили Қуръонни (яъни Қуръонни ёд олган кишини) ҳурмат қилиш, адолатли султонга ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш Аллоҳни улуғлаш жумласидан» (Саҳиҳу сунани Аби Довуд: 4053).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кичигимизга раҳм қилмаган, каттамызнинг ҳаққини танимаган киши биздан эмас»* (Ҳоким ривоят қилган ва: «Муслим шартига кўра саҳиҳ» деган, Саҳиҳут-тарғиб: 95).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло деди: «Ким Менинг дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан»»*⁽²¹⁹⁾ (Бухорий ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мурувват ва яҳиш хислат эгаларининг хатоларини кечиринглар»*⁽²²⁰⁾ (Абу Довуд ва Саҳиҳул-адабил-муфрад: 362).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан марфуан ривоят қилинган ҳадисда: *«Жибрил мени улуғларни муқаддам қўйишга буюрди»* (Абу Бакр аш-Шофеий «Фавоид»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1555).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд шаҳидларидан икки кишини бир қабрга қўярканлар: *«Улардан қай бири Қуръонни кўпроқ (ёд) олган?» деб сўраб, қай бирига ишора қилинса уни лаҳадга муқаддам қўйдилар»* (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Болиғ ва оқил кишилар*

шади, агар уларни озод қилинмаса зудлик билан ҳар турли жазо чоралари қўрилиши билан дўқ-пўписа қилишади!

Муслмон уламолар ҳақни ошкор айтганликлари сабабли зулм ва куфр тоғутлари тарафидан турли-туман азият ва балоларга дучор бўлсалар, одамлар уларни ташлаб қўядилар, гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўзларини четга тартадилар... **«У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?!»** (Ван-нажм: 22). Ҳаққа олимлар ва халқлар жипслашганда нусрат берилади, бир-биридан ажралган ҳолда эмас!

219 Амалли уламолар Аллоҳ таолонинг дўстлари жумласидандир. Дўстлик эса суннатга эргашиш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан рўёбга чиқади. Мазкур икки хислат билан амалли уламолар бошқалардан фарқланиб турадилар.

220 Илм аҳли ҳам мурувват ва фазлу-шараф соҳиблари жумласидан саналади.

(намозда) менга яқин турсин, сўнг (мазкур сифатларда) уларга яқин бўлганлар, сўнг уларга яқин бўлганлар турсин. (Сафда) нотекис турманглар, қалбларингиз номувофиқ бўлиб қолади. Бозорларда бўлганидек шоқвин-сурон қилишдан четланинглар» Термизий ва Абу Довуд ривоятлари, Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 189).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳожир ва ансорлар у зотдан ёдлаб олишлари учун уларни ўзларига яқин туришларини ёқтирардилар (Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Шаъбий айтиди: Зайд ибн Собит бир маййитга жаноза намози ўқиди, сўнг ҳачирига минмоқчи бўлганида Ибн Аббос унинг узангисидан тутди. Зайд: «Қўйинг, эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиваччаси», деган эди, Ибн Аббос: «Биз уламоларимиз ва улуғларимизга шундай муомала қилишга буюрилганмиз», деди. Зайд ибн Собит унинг қўлидан ўпди ва: «Биз пайғамбаримизнинг аҳли байтларига мана шундай қилишга буюрилганмиз», деди (Ироқий «Ихё»га қилган таҳрижида айтиди: Табароний, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган, Ҳоким: «Муслим шартига кўра исноди саҳиҳ» деган).

Аллоҳ таолодан фойдали илм, холис ва мақбул амал, қўрқувчи қалб ва зикр қилувчи тил ато этишини, уламоларнинг ҳақ-ҳурматларини билладиган, уларнинг қадрларига етадиган кишилардан қилишини сўраймиз. Омийн.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.





МЕҲМОННИНГ МЕЗБОН УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ

Аллоҳ таоло айтди:

«Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар» (Инсон: 8).

«Дарҳақиқат Бизнинг элчиларимиз — фаришталар Иброҳимга (Исҳоқ исмли фарзанд кўриши ҳақида) хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, қараб турмай бир бузоқни оловда пишириб келтирди»⁽²²¹⁾ (Ҳуд: 69).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳимнинг) ҳузурига кириб, «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом, (Булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг у аста оиласи олдига чиқиб, (оловда пиширилган) бир семиз бузоқни келтирдида, уни уларга яқин қилиб, «(Таомдан) емайсизларми?» деди» (Ваз-зарият: 24-27).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда келади: *«Иброҳим алайҳиссалом меҳмонга зиёфат қилиб берган биринчи киши эди, у биринчи бўлиб, саксон ёшида хатна қилинган киши эди, Қадум деган жойда (ёки қадум-теша билан ўзини ўзи) хатна қилган эди»* (Ибн Асокир ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 725).

221 Иброҳим алайҳиссалом бу ишни келган меҳмонлар кимлар, нега келишган, нима истайдилар, таомга эҳтиёжлари борми, йўқми, бу ҳақда сўраб ҳам ўтирмасдан қилдилар. Бу эса камоли саховат ва қарамдан саналади.



Меҳмонни иззат-икром қилишнинг фазли

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди. У зот (меҳмонга қўйгани емак-ичмак борми деб) аёлларига одам юборган эдилар, улар: «Бизда сувдан бошқа нарса йўқ эди», дейишди. Шунда: *«Бу кишини ким меҳмон қилади?»*, дедилар. Ансорлардан бир киши: «Мен» деб, уни уйига олиб кетди. Бориб аёлига: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меҳмонини иззат-икром қил», деди. Аёли: «Уйимизда фақат болаларимизга етарлигина овқат бор», деди. «Сен таомингни ҳозирлагин-да, чироғингни ёқ, сўнг болаларингни ухлатиб қўй», деди. Аёли таом ҳозирлади, чироғини ёқди, болаларини ухлатиб қўйди. Сўнг туриб чироқни тўғрилаётгандек бўлиб, уни ўчириб қўйди. Сўнг эр-хотин ўзларини меҳмон билан бирга таом еяётгандек қилиб кўрсатиб ўтиришди ва оч ҳолда тонг оттиришди. Эрталаб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига борганида у зот: *«Аллоҳ бу кеча иккаловингизнинг ишингиздан таажжубланди ёки кулди»*, дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло: **«Гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар»** (Ҳашр: 9) оятини нозил қилди⁽²²²⁾ (Бухорий ривояти).

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ фазлу карам эгаларини яхши кўрувчи Соҳибкарамдир, сахийларни яхши кўрувчи Саховатпешадир, У олий хулқларни яхши кўради, тубан хулқларни ёмон кўради»* (Ибн Асокир ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1800).

222 Менга бир хонадонда бўлиб ўтган ажиб бир воқеани сўзлаб беришган эди, хонадон соҳибининг олижаноблиги ва меҳмонга нисбатан иззат-икромидан ҳайрон қолган эдим. Ислоҳ тарбиясини олган кишилар мана, қандай бўладилар! Урдунлик муҳтарам кишилардан бирининг ҳикоя қилишича, у ва бошқа бир қанча биродарлар бир фазлу карам ва саховат соҳиби бўлган биродарнинг уйига меҳмонга чақириладилар. Биродар оиласи билан меҳмонларга таом ҳозирлаш билан овора бўлиб турган маҳалда шўрва қайнаб турган қозон гўдак боласи устига ағдарилиб кетиб, бола ҳалок бўлади. Шунда биродар сабр-матонат кўрсатиб, аёлини ҳам ҳам сабрга чорлайди, бўлган ҳодисани меҳмонлар сезиб қолиб, роҳатлари бузилмасин деб, ҳеч нарса бўлмагандек меҳмондорчиликни давом эттиришади. Зиёфат ниҳоялангач, меҳмонлар хонадон соҳибига ташаккур изҳор қилишиб, кетишга изн сўраган пайтларида у улардан гўдагининг жаноза намозини бирга ўқишларини сўрайди!

Суҳайб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизларнинг энг яхшингиз таом берганингиздир»*⁽²²³⁾ (Аҳмад, Ибн Можа ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 44).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин!»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ислом (амаллари)нинг энг яхшиси қайси?» деб сўраган эди, *«Таом едиришинг ҳамда таниган ва танимаган кишиларингга салом беришинг»* — дедилар (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Раҳмонга ибодат қилингиз, таом берингиз ва саломни ёйингиз, жаннатга хотиржам кирурсиз»* (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Термизий, Доримий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 571).

Алий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Жаннатда шундай хоналар борки, ичидан ташқариси, ташқарисидан ичкариси кўриниб туради»*. Шунда бир аъробий ўрнидан туриб: «Ё Расулуллоҳ, улар кимлар учун?», деб сўради. *«Ширинсухан бўлган, таом едирган, мудом рўзадор бўлган ва кечалари одамлар ухлаб ётганда намоз ўқиганлар учун»*, дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1616).

Ҳониъ ибн Язид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келганида: «Ё Расулуллоҳ, қайси нарса жаннатни вожиб қилади?», деб сўради. *«Яхши сўзлар сўзлашни ва таом беришни ўзингга лозим тут»*, дедилар (Бухорий «Холқу афъалил-ибад»да, Ибн Абид-Дунё, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1939).

223 Яъни, меҳмонларга, шунингдек камбағал-муҳтожлар каби ҳақдор бўлган кишиларга таом берган кишилардир.



Бахиллик ва меҳмонни яхши кутмаслик айбли иш экани

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Меҳмонни меҳмон қилмайдиган одамда яхшилик йўқ»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2434).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамдаги энг ёмон нарса — жазавага солувчи бахиллик ва юраги чиқиб кетадиган қўрқоқликдир»* (Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 560).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб дедилар: *«Хасисликдан сақланинглар! Зеро, сизлардан илгаригилар хасислик сабабли ҳалок бўлишди: у уларни бахилликка буюрди, бахил бўлишди, қариндошлардан узилишга буюрди, қариндошлардан узилишди, фисқу-фужурга буюрди, фужурга берилишди»*⁽²²⁴⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 1489).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бахилликдан сақланинглар! Чунки, сизлардан илгаригилар унинг чорлови билан қон тўкишди, унинг чорлови билан қариндошларидан узилишди, унинг чорлови билан ҳаром ишларга қўл уришди»* (Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 2603).

Амр ибн Шуайб отаси орқали бобосидан (Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ушбу уммат аввалининг салоҳи (тузалиши) таркидунёлик ва яқийн (чуқур иймон-ишонч) биландир, унинг охири бахиллик ва орзу(га берилиш) билан ҳалок бўлади»* (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3427).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ йўлидаги чанг-ғубор билан жаҳаннам тутуни бир бандада ҳеч қачон жамланмайди, бахиллик билан иймон бир банданинг қалбида ҳеч қачон бирикмайди»* (Насоий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2606).

224 Бахиллик кўп гуноҳу маъсиятларга сабаб бўлади. Шунинг учун бахилликдан паноҳ тилаш суннатдир, Бухорий ва бошқалар ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда айтилганидек, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Парвардигоро! Мен Сендан ташвишу ғамдан, ожизликдан, ялқовликдан, бахилликдан, қўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва кишиларнинг ғолиб бўлиб кетишидан паноҳ беришингни сўрайман»* деб дуо қилардилар ва асҳобларини ҳам шундай дейишга буюрардилар.

Бир ривоятда: «Аллоҳ мусулмон кишининг қалбида иймон билан бахилликни жамламайди» (Саҳиҳ сунан ан-Насойй: 2918).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Икки сифат — бахиллик ва бадхулқлик мўмин кишида* (мукаммал суратда) *жамланмайди*» (Термизий ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2608).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар) дан сақланинглар!*» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «*Аллоҳга ширк келтириш, бахиллик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва содда мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш*», дедилар (Саҳиҳ сунан ан-Насойй: 3432).

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу: «Бахилликдан ҳам ёмонроқ дард борми?!», деб уч марта такрорладилар (Бухорий ривояти).

Қўли шол (фалаж) бўлиб қолган бир аёл Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурига кириб: «Эй Уммул-муъминийн, кеча оқшом қўлларим соппа-соғ ётган эдим, эрталаб турсам қўлим шол бўлиб қолибди», деди. Оиша разияллоҳу анҳо: «Нима бўлди?», деб сўрадилар. У деди: «Ота-онам бой-бадавлат кишилар эди. Отам закот берар, меҳмонни яхши кузатар, тиламчини қуруқ қайтармас, яхшиликдан бирон нарсани ҳақир санамай қилар эди. Онам эса бахил, қурумсоқ аёл эди, молини бирон яхшиликка ишлатмас эди. Отам вафот этди, икки ой ўтгач онам ҳам вафот этди. Бугун тушимда кўрдим, отамнинг эғнида бир жуфт сариқ кийим, олдида анҳор оқиб турибди. Мен: «Эй ота, бу нима(нинг мукофоти?)» деб сўрадим. Отам: «Эй қизим, дунёда ким бир яхшилик қилса, (унинг мукофоти) кўради, буни Аллоҳ менга ато қилди», деди. «Онам нима бўлди?», деб сўрадим. «Онанг вафот этдими?» деди. «Ҳа», дедим. «Ҳайҳот, бизнинг олдимизга етиб келмади. Бориб, чап томон аҳлидан излаб кўр», деди. Чап тарафга бурилдим. Қарасам, онам яланғоч, бир парча латта билан тўсинган ҳолда турибди, қўлида кичкина бир ёғ бўлаги бор, оҳ-воҳ тортиб, ташналикдан ҳасрат чекиб турибди. Қаттиқ қийналиб кетганида кафтига ҳалиги ёғ бўлагини ишқалаб, кейин уни ялайди. Қарасам, олдида анҳор оқиб турибди. «Эй она, нега олдингиздан анҳор оқиб туриб, ташналикдан оҳ-воҳ тортасиз?», дедим. «Мени ундан ичгани қўймайдилар», деди. «Мен сизга ичириб қўяйми?», дедим. «Қанийди, шундай қилсанг», деди. Шунда мен бир ҳовуч сув олиб, унга ичирдим. Шу пайт ўнг томон аҳлидан бир жарчи: «Ким бу аёлга сув берган

бўлса, қўли қурисин!» деб икки марта жар солди. Уйқудан уйғонсам, қўлим шол бўлиб қолибди, қимирлата олмаяпман». Оиша разияллоҳу анҳо: «Сен унинг эғнидаги латтани танидингми?», деб сўрадилар. «Ҳа, эй уммул-муъминийн, унинг устида кўриб танидим. Онамнинг бирор нарсани садақа қилганини кўрмаганман. Фақат, бир куни отам мол сўйганида бир тиламчи келиб қолганида онам озгина ёғи бор бир суякни унга бериб юборган эди. Яна бир марта бир тиламчи келганида унга бир парча латтани бериб юборган эди», деди. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо такбир айтдилар, сўнг дедилар: «Аллоҳ рост айтган ва Расули етказганки: **«Ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Куниди) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!»** (Залзала: 7,8). (Ибн Ражаб «Рисолалар тўплами»да (2: 430) айтади: «Ҳофиз Абу Мусо ал-Мадийний «Ат-тарғиб ват-тарҳиб» китобида ҳасан санад билан келтирган»).

Меҳмонни уч кун меҳмон қилиш унинг мезбон устидаги ҳаққи, ундан ортиғи эса садақадир

Абу Шурайх ал-Хузойи разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Зиёфат (меҳмон қилмоқ) уч кундир. Жоизаси (мукофоти-сийлови) — бир кеча-кундуз.⁽²²⁵⁾ Биродарини гуноҳкор этгунга қадар унинг уйида (меҳмон бўлиб) туриш мусулмон киши учун ярашмайди»*. «Ё Расулуллоҳ! Қандай қилиб уни гуноҳкор қилади?», сўрашди саҳобалар. *«Биродарининг меҳмон қилишга ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам уникида тураверади!»*, деб жавоб бердилар (Муслим ривояти).

Абу Шурайх ал-Хузойи разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким Аллоҳга ва охират*

225 Яъни, бир кеча-кундуз мобайнида меҳмон олдида топган нарсасини қўйиб, имкон қадар кўпроқ зиёфат қилиш ва унга одатдан зиёдароқ илтифот кўрсатиш унинг мукофоти саналади. Иккинчи ва учинчи кунлари эса одатий таом беради, ортиқча нарсалар қўйиши шарт эмас. *«Гуноҳкор этгунча»* дегани уни танг ва ночор аҳволга тушириб қўйиш, меҳмон қилишга бирон нарса тополмасдан кўнгли хижил бўладиган ҳолатга олиб қилишдир. Баъзан бу мезбонни бировдан қарз олишга ва кейин уни тўлаёлмай қолишга, ёки меҳмонни унинг шароити ва имкониятини ҳисобга олмасликда айблаб ғийбат қилишга ва шу сабабли гуноҳга тушишга олиб келади.

кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин! Жоизаси (сийлови) — бир кеча-кундуз, зиёфат (меҳмон қилиши) уч кундир. Ундан кейингиси садақа бўлади. Меҳмон учун мезбонникида уни қийнаб қўярли даражада туриши ярамайди» (Муттафақун алайҳ).

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Жоизаси бир кеча-кундуз» деган сўзлари ҳақида айтади: «Бир кеча-кундуз уни иззат-икром қилади, совға-салом беради, муҳофаза қилади, сўнг уч кун меҳмон қилади» (Саҳиҳ сунав Абид Довуд: 3188).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Зиёфат уч кун, ундан ортиғи садақадир»⁽²²⁶⁾ (Саҳиҳ сунав Абид Довуд: 3189).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Меҳмоннинг ўзи тушган хонадон эгаси зиммасида уч кун ҳаққи бор, ундан ортиғи садақа бўлиб, меҳмон хонадон аҳлини гуноҳга қўймасдан жўнаб кетиши лозим» (Абу Яъло, Баззор ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 2590).

Абу Карима (Микдом ибн Маъдий Кариб) разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деганлар: «Меҳмонни бир кеча (меҳмон қилиши) ҳар бир муслим зиммасига вожиб бўлган ҳақдир. Меҳмон кимнинг хонадонида бўлса, (уни меҳмон қилиши) унинг зиммасига қарздор, хоҳласа (қарзини) талаб қилиб олсин, хоҳласа тарк қилсин» (Абу Довуд, Ибн Можав бошқалар ривояти, (Саҳиҳ сунав Абид Довуд: 3190).

✦ **Агар бир киши қурумсоқ қавмга қўноқ бўлса, улар унинг ҳаққини бермасалар ва меҳмон қилмасалар, у ўз ҳаққини ва ўзига етарлича нарсани куч билан олса зарари йўқ. Агар ҳаққини қўлга киритишга кучи етмаса, муслмонлар унга ҳаққини олиб бериш учун ёрдам беришлари вожиб бўлади**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир меҳмон бир қавмга қўноқ

226 Садақа дегани ихтиёрий иш бўлиб, меҳмоннинг мезбон зиммасидаги ҳаққидан саналмайди. Мезбон агар истаса садақа қилиб ажрга эга бўлади, истамаса қилмасдан гуноҳкор бўлмайди.

бўлса-ю, (меҳмондорчиликдан) маҳрум бўлиб тонг оттирса, зиёфат миқдорича нарсани олиши жоиз, унга гуноҳ бўлмайди» (Аҳмад, Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 2730).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Биз: «Ё Расулуллоҳ, сиз бизни юборганингизда баъзи бир қавмларга қўноқ бўлиб тушамиз, улар бизни меҳмон қилишмайди. Шунда нима қилсак бўлади?» деб сўрадик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бир қавмга тушсангизлар, сизларга меҳмон учун лозим бўлган нарсаларни беришса, қабул қилинглар. Агар ўз ихтиёрлари билан беришмаса, меҳмонга лозим бўлган нарсаларни улардан ўзларингиз талаб қилиб олинглар» (Муттафақун алайҳ).

Миқдод ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши бир қавмда меҳмон бўлиб, (меҳмондорчиликдан) маҳрум бўлиб тонг оттирса, у то уларнинг экини ва молидан бир кечалик меҳмонлик ҳаққини олгунга қадар унга ёрдам бериш ҳар бир мусулмонга вожибдир» (Мунзирий «Тарғиб»да айтади: Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилган, Ҳоким исноди саҳиҳ деган).

 **Меҳмон учун қийналиб юриб ўз имкониятида бўлмаган нарсани ҳозирлаш мезбоннинг вазифаси ҳисобланмайди, Ислом ўзни қийнаш ва такаллуфдан қайтарган**

Шақиқдан ривоят қилинади: Мен бир шеригим билан Салмон разияллоҳу анху ҳузурига кирдик. У бизга нон ва туз келтирди, сўнг: «Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни такаллуф (яъни ўзида йўқ нарсага уриниш)дан қайтармаганларида эди, сизлар учун такаллуф қилган бўлардим», деди. Шеригим: «Туз билан бирга заътар⁽²²⁷⁾ ҳам бўлса эди», деган эди, у таҳорат идишини (обдастасини) баққолга гаровга бериб, заътар келтирди ва тузга қўшиб қўйди. Тановул қилиб бўлганимиздан сўнг шеригим: «Берган ризқига қаноатлангирган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деган эди, Салмон разияллоҳу анху: «Агар берилган ризқингга қаноатлансанг эди, менинг обдастам

227 Заътар — хушбўй ва ширин таъмли ўсимлик, тошчўп.

баққол қўлида гаровда қолмас эди», деди (Ҳоким ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2392).

Салмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бирон киши меҳмони учун ўзининг қурби етмайдиган нарса билан такаллуф қилмасин!»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2440).

Умму Ҳониъ бинт Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдимга кириб: *«Сизларда бирон нарса борми?»*, деб сўрадилар. Мен: *«Йўқ, фақат қотган нон бўлаклари ва сирка бор»*, дедим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Келтиринг, сирка бор уй нонхўракдан (яъни нонга қўшиб ейиладиган нарсадан) холи эмас»*, дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1502).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сирка нақадар яхши нонхўрак!»*, дедилар (Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир кишилик таом икки кишига кифоя қилади, икки кишилик таом тўрт кишига кифоя қилади, тўрт кишилик таом саккиз кишига кифоя қилади»* (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Убайд ибн Амирадан ривоят қилинади: Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо ҳузурига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир неча саҳобалари киришган эди, у уларга нон ва сирка келтириб: *«Олинглар, енглар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сирка нақадар яхши нонхўрак»* деганларини эшитганман. Бир кишининг уйига биродарлари ташриф буюришса, уларга уйида бор нарсани тақдим қилишни ҳақир санаши унга ҳалокатдир, ўзларига тақдим қилинган нарсани ҳақир санашлари қавм учун ҳалокатдир» (Мунзирий «Тарғиб»да айтади: Аҳмад, Табароний, Абу Яъло ривоятлари, баъзи санадлари ҳасан).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бемор эканида кишилар уни кўргани киришди. Шунда у: *«Ҳой жория, биродарларимизга ушатишга нон бўлса ҳам олиб кел, зеро мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Улуғ хулқлар жаннат амалларидан»* деганларини эшитганман», деди (Мунзирий «Тарғиб»да айтади: Табароний «Авсат»да яхши санад билан ривоят қилган).



Энг ёмон таом ва зиёфат — бойлар чақирилиб, камбағал-мискинлар киритилмайдиган зиёфатдир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Энг ёмон таом — камбағаллар четда қолиб фақатгина бойлар таклиф қилинган валимада берилган таомдир. Ким таклифни қабул қилмаса, Аллоҳ таолога ва Унинг расулига осий бўлибди»* (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтдилар: *«Бойлар таклиф қилиниб, камбағаллар четда қоладиган валиманинг таоми нақадар ёмон таом!»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Келадиган одамларни ман қилиб, келишни хоҳламайдиган одамларни чақириладиган валиманинг таоми энг ёмон таомдир»* (Муслим ривояти).



Таомлар ичида Аллоҳ таолога энг суюмлиси унга кўпчилик қўли тегадиган, кўплашиб, тарқоқ бўлмасдан ейилган таомдир

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Таомларнинг Аллоҳга энг суюмлиси кўпчиликнинг қўли теккан таомдир»* (Абу Яъло, Табароний ривояти, Саҳихут-тарғиб: 2133).

Ваҳший ибн Ҳарб отаси орқали бобосидан ривоят қилади: «Ё Расулуллоҳ, биз еймиз-у тўймаймиз», дейишган эди, у зот: *«Таомингизни жамланиб тановул қиласизларми, алоҳида-алоҳида ейсизларми?»*, деб сўрадилар. «Алоҳида (ҳар ким ўз идишида) ейди», дейишди. «Овқат устида жамланинглар, Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, таомингизга барака киради», дедилар (Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳихут-тарғиб: 2128).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Биргалашиб енглар, бўлинманглар»* (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Саҳихут-тарғиб: 2132).



Зиёрат ва меҳмондорчиликка оид риоя қилиниши керак бўлган умумий одоблар

Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировнинг эшигига чақириб келсалар, эшик рўпарасида турмасдан, ўнгга ё чапга ўтиб турар эдилар. Изн берилса (кириб), бўлмаса қайтиб кетар эдилар⁽²²⁸⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 822).

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужралари тирқишидан қаради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида тароқ билан сочларини тараб турган эдилар. Ҳалиги кишига: *«Агар қараётганингни билсам, шуни кўзингга тиқиб олган бўлардим. Ахир изн сўраш (кўз номахрамларга тушиб қолмаслиги) учун буюрилган»*, дедилар (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар биров сенинг уйинг ичига қараётган бўлса, тош билан уриб кўзини чиқариб қўйсанг, сенга гуноҳ бўлмайди»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 814).

Муслим ибн Нузайрдан ривоят қилинади: Бир киши Ҳузайфа разияллоҳу анҳунинг эшигини чақира туриб ичкарига қаради ва: *«Кирсам майлими?»*, деди. Ҳузайфа: *«Кетинг ҳали кирмаган бўлса ҳам кўзинг кириб бўлди»*, дедилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 830).

Жобир разияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир ҳожат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, эшикни тақиллатдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким у?»*, дедилар. *«Мен»*, дедим. *«Мен... Мен...»* деб гўё ёқтирмагандай такрорладилар⁽²²⁹⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 828).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Умар разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига киришга изн сўраб: *«Ассаламу ала Расулиллаҳ, ассаламу алайкум, Умар кирса майлими?»*, деб сўрадилар. (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 827).

228 Чунки эшикнинг рўпарасида туриш рухсатсиз уй ичига ва ичкаридагиларга кўз тушишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўнг ё чапга ўтиб туриш суннат ва бу кўпчилик эътиборсиз қарайдиган пайғамбарона одобдир. Шунинг ҳам айтиш керакки, биродарининг изнисиз унинг уйи ва хоналарига кўз югуртириш унга нисбатан хиёнат саналади.

229 Киши бировнинг уйини чақириб борганида «Мен» демасдан, ўз исмини айтиши суннатдир, бу одобга ҳам кўпчилик амал қилмайди.

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бировингиз киришга изн сўраб уч марта чақирса, изн берилмаса қайтиб кетсин»* (Муттафақун алайҳ).

Имом Термизий ривоятида: *«Изн сўраш уч мартадир, изн берилса берилди, бўлмаса қайтиб кетсин»*.⁽²³⁰⁾

Мусъаб ибн Шайба отасидан марфуан ривоят қилган ҳадисда: *«Бировингиз бир ўтиришга кириб келса, сурилиб жой берилса ўтирсин, бўлмаса қарасин, қаер бўш бўлса ўша ерга ўтирсин»* (Ибн Асокир ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1321).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: *«Бировингиз бир мажлисга кириб келса салом берсин, туриб кетмоқчи бўлса ҳам салом берсин. Биринчи салом кейингисидан лойиқроқ (яъни ортиқроқ) эмас»* (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Абу Довуд, Термизий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 183).

Абу Масъуд ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Ансорлардан бўлган Абу Шуайб номли кишининг қассоб ғуломи бор эди. Унга: «Беш кишилиқ таом ҳозирла, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни чақирмоқчиман», деди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни беш киши бўлиб келишга таклиф қилди. Шунда бир киши уларга эргашиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сиз бизни беш киши бўлиб келишга таклиф қилгандингиз, бу киши ҳам бирга келди. Истасангиз киришга изн беринг, истасангиз қолдиринг»*, дедилар. У: *«Йўқ, изн бераман»*, деди⁽²³¹⁾ (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бировингиз бир биродарининг зиёратига бориб, унинг ҳузурида ўтирса, ундан изн сўрамасдан туриб кетмасин»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 182).

230 Телефон қўнғироғи ҳам худди шунга ўхшаш, қўнғироқ чалиш вақти ва миқдори эшик қоқиш вақти ва миқдоридан — уч мартадан ортмаслиги лозим. Шу муддат ичида телефон гўшагини кўтарса яхши, бўлмаса сиз ҳам гўшакни қўйиб қўйинг. Айрим одамлар бўладики, бир вақтнинг ўзида ўнлаб марта телефон қилади, ҳар сафар телефон қўнғироғи ўн марталаб чақиради. Бу, шубҳасиз, юқоридаги ҳадисда айтиб ўтилган одобга ҳилоф ишдир.

231 Бу ҳам ҳозирги замонда кам эътибор бериладиган одоблардан. Кўп ҳолатлар бўладики, бир ёки бир неча санокли киши таом ёки зиёфатга чақирилса, хонадон соҳибининг изнисиз ҳар ким ўзининг таниш ва яқинларини етаклаб келади ва натижада ҳаражлик ва етишмаслик ҳосил бўлади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бирон тангиз ўтирган ўрнидан туриб, сўнг яна қайтиб келса, у ўша ерга ҳақлироқдир*», дедилар (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Бир киши жойини бошқа бировга бўшатиб туриб кетмасин, балки орани очиб жой беринглар, Аллоҳ сизларга (жаннатидан) жой беради*» (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 228).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Агар уч киши бирга бўлсалар, бирини қолдириб, иккитаси пичирлашиб гаплашмасин*»⁽²³²⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1402).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Бир киши иккита одам ўртасига уларнинг изнисиз ўтиришидан қайтардилар*»⁽²³³⁾ (Байҳақий «Сунан»да ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2385).

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бирон киши мажлисда ота-бола ўртасига ўтирмасин*»⁽²³⁴⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3556).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Сизлардан бирингиз мусулмон биродариникига кирса, унга таом келтирса есин ва у ҳақда сўрамасин. Ичимлик олиб келса ичсин ва у ҳақда сўрамасин*» (Ҳоким, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 627).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни ҳеч қачон айбламаганлар, ёқса ердилар, бўлмаса тарк қилардилар*» (Муттафақун алайҳ).

232 Чунки учинчи одамнинг кўнглига “улар мен ҳақимда гапиришяпти шекилли” деган гумон келиши мумкин.

233 Бу учдан ортиқ киши йиғилган мажлисга тегишлидир. Ушбу қайтариқнинг сабаби — эҳтимол бу икки кишининг ўзларига хос гаплари бўлиб, бошқаларнинг эшитишини ва аралашишини исташмас. Бу — шариат муҳофаза қилган шахсий ҳуқуқлар жумласига киради.

234 Ўтиришларда ота-боланинг ўртасига ўтиришдан қайтаришдаги ҳикмат шу бўлса керакки, ота кўп ишларда фарзандининг ёрдамига муҳтож бўлади, улар ўртасига бошқа бировнинг ўтириши ота эҳтиёжини фарзандига осонлик билан етказишига тўсиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ёнида фарзанди бўлиши ота учун ёқимли ва кўнглига мос иш бўлади.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Учта нарса қайтарилмайди: ёстиқ, хушбўйлик ва сут»* (Термизий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 619).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Идишнинг қопқоғини ёпиб қўйинглар, мешнинг оғзини боғлаб қўйинглар. Чунки ҳар йилда бир кеча борки, унда вабо тушади. Қопқоғи бўлмаган идиш ёки оғзи боғланмаган меш ёнидан ўтса, унга ўша вабодан тушади»* (Муслим ривояти).

Убайдуллоҳ ибн Алий ибн Аби Рофиъ бувиси Салмо разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомнинг ўртасидан олинишини ёқтирмасдилар»*⁽²³⁵⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3125).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: *«Барака товоқнинг ўртасидадир, унинг четларидан енглар, ўртасидан олиб еманглар»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1587).

Умар ибн Аби Салама разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қарамоқлари остидаги ёш бола эдим. Овқат еганда қўлим товоқ устида кезиб юрарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: *«Эй болам, «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан егин ва ўз олдингдан егин»*, дедилар (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 344).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Суяниб ўтирган ҳолда емагин»* (Ибн Асокир «Тариху Димашқ»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3122).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суяниб таом еганликлари ҳечам кўрилмаган, у кишининг ортидан икки киши юрмас эди»*⁽²³⁶⁾ (Абу Довуд, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2104).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки хил таомланишдан: маст қилувчи ичимлик ичилаётган дастурхонда ўтиришдан ва киши қорнини босиб*

235 Суннат — таомни бир чеккадан ёки ўз олдидан олиб ейишдир.

236 Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биров у кишининг ортида юришини ёқтирмас, балки ўнг ва чап ёнларида юришини истардилар. Бу у зотнинг мўминларга нисбатан камоли тавозелари туфайли эди.

ётган ҳолда овқатланишидан қайтардилар» (Абу Довуд, Ҳоким, Ибн Можа ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2394).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сув қўшилган сут келтирилди, ўнг ёнларида бир аъробий, чап ёнларида Абу Бакр разияллоҳу анҳу бор эдилар. У зот ўзлари ичдилар, сўнг аъробийга узатдилар ва: «*Ўнг тарафдан бошлаб*», — бир ривоятда: — «*Ўнг томондагилар, ўнг томондагилар, ўнг томондан бошланглар!*», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Сизлардан бирингиз ўнг қўли билан есин, ўнг қўли билан ичсин, ўнг қўли билан олсин, ўнг қўли билан берсин. Зеро, шайтон чап қўли билан ейди, чап қўли билан ичади, чап қўли билан беради, чап қўли билан олади*» (Ибн Можа ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1236).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Сизлардан бирингиз ичаётганида идишига нафас чиқармасин, идишини оғзидан узоқлатиб (нафас чиқарсин), кейин хоҳласа яна ичаверсин*» (Ибн Можа, Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 386).

Абул-Мусанно ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичимликка пуфлашдан қайтардилар. Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, мен бир нафасда қонмайман», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Қадаҳни оғзингдан узоқлат, сўнг нафас чиқар*», дедилар. «(Сув) ичида чўп-гард кўрсам-чи?», деган эди «*(чўп-гард тушиб кетадиган миқдордаги сувни) тўкиб юбор*», дедилар (Молик, Термизий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 385).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичаётганларида уч бор тин олардилар ва: «*Бу (яъни уч марта дам олиб ичиш) ёқимли, фойдали ва зарардан ҳолидир*», деганлар (Муслим ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида кекирди. Шунда у зот дедилар: «*Кекиришингни биздан нарироқ қил. Чунки Қиёмат куни энг узоқ оч қолиб кетадиган одам бу дунёда энг тўқ юрадиган одамдир*» (Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 343).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қуртлаган хурмо олиб келинар, шунда (ейишдан

аввал) текшириб, қуртини олиб ташлардилар» (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2113).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Ким таомланиш олди-дан Аллоҳнинг исмини (бисмиллаҳ) айтишни унутган бўлса, эсига тушган пайт: «Бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва ахириҳи» (маъноси: Аввалида ҳам, охирида ҳам Бисмиллаҳ) десин»* (Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 198).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло бир луқма таом еб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган ёки бир қултум сув ичиб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган бандасидан албатта рози бўлади»* (Муслим ривояти).

Абдуррахмон ибн Жубайрдан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саккиз йил хизмат қилган кишининг унга айтишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига таом келтирилганда: *«Бисмиллаҳ»* дердилар, таомдан фориғ бўлгач: *«Аллоҳумма атъамта ва асқойта ва ақнайта ва ҳадайт ва аҳяйт, фа лакал ҳамду ала ма аътойта»* (Парвардигоро, едирдинг, ичирдинг, ноз-неъмат бердинг, ҳидоят қилдинг, ҳаёт бердинг, берган нарсаларинг учун Сенга ҳамд бўлсин), *дердилар* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 71).

Абу Айюб ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам есалар ё ичсалар: *«Алҳамду лиллаҳиллазий атъама ва сақо ва саввағоҳу ва жаъала лаҳу махрожа»* (Едирган, ичирган, емак-ичмакни томоқдан енгил ўтадиган қилган ва унга чиқиш йўлини қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин), *дердилар* (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2061).

Муоз ибн Анас ал-Жуханий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким оқватлангач: «Алҳамду лиллаҳиллазий атъаманий ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний ва ла қувваҳ»* (Мен томондан ҳеч қандай куч-қувватсиз менга бу таомни едирган ва шу билан ризқлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин) *деса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади»* (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 2656).

Юқорида зикр қилганларимиз зиёрат ва зиёфатга оид риоя қилиниши керак бўлган умумий одоблардан баъзиларидир. Аллоҳ таолодан

бизларни ислом одоби билан одоблантиришини, ахлоқимизни саховат, карам ва тавозе билан безашини, қўрқоқлик ва бахилликдан ўзи бизларга паноҳ беришини сўраймиз. У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.





ЖОННИНГ ЎЗ ЭГАСИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Инсон Аллоҳ таолонинг махлуқи ва мулкидир. Шундай экан, у ўз жонида тасарруф қилишда фақат Яратувчиси ва Хожасининг истак-иродаси ва изнига мувофиқ ҳаракат қилиши, Аллоҳ таоло буюрган ўринларга жонини фидо ва қурбон қилишга, Аллоҳ таоло тийилишга буюрган ўринларда ўзини тийишга тайёр бўлиши лозим. Банда ўз жисмини риоя ва муҳофаза қилишга маъмур, қиёмат куни Яратувчиси ҳузурида жони ва жисмини нима ишларда қаритгани, улар билан Аллоҳ таолодан тақво қилганми, йўқми эканидан масъулдир.

Аллоҳ таоло айтди:

«Ўзингизни ўлдирмангиз! Албатта Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир» (Нисо: 29).

«У бу динда сизларга бирон хараж-танглик қилмади» (Ҳаж: 78).

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишни истамайди» (Бақара: 185).

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир» (Бақара: 286).

«Ва ўзингизни ҳалокатга ташламанг!»⁽²³⁷⁾ (Бақара: 195).

237 Оятда айтилган ҳалокат дунё ва охирада нафснинг ҳалокатига сабаб бўладиган ҳар бир нарсани ўз ичига олади. Бу эса нафсга ман қилинган ишларни қилишга имкон бериш ва дунё-ю охирада унинг салоҳияти ва саломатлиги бўлган тоат-ибодатларни қилишдан узоқлатиш билан бўлади. Гуноҳ ва маъсият йўллари — уларнинг

«**Ҳар бир жон ўзи** (ҳаёти-дунёда) **касб қилган амали сабабли** (дўзахда) **ушланувчидир**»⁽²³⁸⁾ (Муддассир: 38).

«(Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча) **уларни тўхтатиб** (дўзахга ташламай) **туринглар! Чунки улар** (аввал ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида) **сўралувчидирлар**» (Вас-соффат: 24).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Қиёмат куни банда умрини қаерда ўтказгани ҳақида, илмини нимага ишлатгани ҳақида, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилгани тўғрисида ва жисмини қайси ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунча унинг қадами силжимади*» (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 122).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу ривоятида: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Қиёмат куни банда тўртта нарсадан: умрини нималарга сарфлагани ҳақида, ёшлигини нима ишлар устида ўтказгани ҳақида, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилгани тўғрисида, илмини нимага ишлатгани ҳақида сўралмагунча унинг қадами силжимади*»⁽²³⁹⁾ (Мунзирий айтади: Баззор ва Табароний саҳиҳ иснод билан ривоят қилган, Саҳиҳут-тарғиб: 3593).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Банда қиёмат куни энг биринчи ҳисоб қилинадиган нарса — унга: «Жисмингни саломат қилмадимми, сени муздек сувларга қондирмадимми?!»*

турлари ва номлари қандай бўлишидан қатъий назар — юрган ва Аллоҳ ва Расулнинг итоатидан узоқлашган ҳар бир кишига ушбу ояти карима маъноси татбиқ қилинади ва унга: «Ўзингни ҳалокатга ташлама», дейилади. Ояти карима маъсиятнинг барча турларини: зоҳирини ҳам, ботинини ҳам, каттасини ҳам, кичигини ҳам ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай маъсиятнинг — тури ва миқдорига қараб — нафсининг дунё ва охиратдаги ҳалокатига ўз таъсири бўлади.

238 Яъни, ҳар бир жон эгаси ўзи қилган ёмонлик ва гуноҳлар сабабли ушлаб турилади, улар ҳақида ҳисоб беради ва масъул бўлади. Демак, ҳеч бир киши: «Бу менинг жоним, у билан ўзим истаган ишни қиламан» дейишга ҳақли эмас.

239 Ҳадисдан маълум бўладики, киши қиёмат куни ўзининг жаннатга ё дўзахга равона бўлишини билмасдан туриб, ёшлигини тоатда ва Аллоҳни рози қиладиган ишларда ўтказдими ё эса маъсиятда ва Роббини ғазаблантирадиган ишларда ўтказдими, жисмини маъсият ва ёмон ишларга банди қилиб, шу сабабли уни ҳалокатга дучор қилдими, ё эса тоат-ибодат ва яхши одатларда ўтказдими, мана шу тўғрида сўроққа тутилади.. Киши ўз жони хусусида — худосиз демократлар ва илмоний либераллар эътиқод қилганидек — Аллоҳ таолонинг изнисиз ўзи истаган нарсасини қилишга ихтиёрли ва ҳур эмасдир.

деб айтилиши бўлади» (Термизий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 539).



Инсон ўзини ўзи ўлдирishi ҳаромлиги ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким тиғ билан ўзини ўлдирса, қўлида тиғ билан уни қорнига урганича жаҳаннам ўтида абадий қолади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирган бўлса, жаҳаннам ўтида уни ичганича абадий қолади. Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирган бўлса, жаҳаннам ўтида думалаган ҳолида абадий қолади»*⁽²⁴⁰⁾ (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўзига тиғ урган киши дўзахда ҳам ўзига тиғ уради, ўзини (ўтга) ташлаган одам дўзахга ўзини ташлайди, ўзини бўғган одам дўзахда ҳам ўзини бўғади»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3421).

Собит ибн Даҳҳок разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат кунини ўша билан азоб берилади»* (Муслим ривояти).

Жундаб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан марфуан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан илгари ўтган кишилардан бири жароҳатланди ва оғриғига чидаёлмай, пичоқни олиб, у билан қўлини кесиб ташлади, сўнг қон тўхтамасдан вафот этди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам Менга жонини (топиширишда) шошилди, Мен унга жаннатни ҳаром қилдим», деди»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 462).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Ҳунайн жангида ҳозир бўлдик. У зот мусулмон аталган кишилардан бирини: *«Бу дўзах аҳлидан»*, дедилар. Урушга кирган пайтимизда ҳалиги киши қаттиқ жанг қилиб,

240 Жаҳаннамда абадий қолиши куфр ва ширк билан ўлган кишининг абадий қолишидек деб тушунилмайди. Балки, узундан-узоқ азобга дучор бўлиш, гуноҳнинг нақадар катталигининг баёни ва уни қилишдан қўрқитиш тушунилади. Чунки қибла аҳлидан бўлган ўзини ўлдирган кишини кофир бўлмаслиги ҳақида бошқа далиллар мавжуд, валлоҳу аълам.

жароҳатланди. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, сиз дўзах аҳлидан деган киши бугун қаттиқ жанг қилиб вафот этди», дейилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У дўзахга (равона бўлади)», дедилар. Шунда мусулмонлардан баъзилари ишонқирамагандек бўлишди. Шу аҳволда туришган пайтларида: «У ўлмаган экан, қаттиқ жароҳатланибди» деган хабар келди. Ҳалиги одам тунга бориб, жароҳатига чидаёлмасдан ўзини ўзи ўлдирди. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтилган эди, у зот: «Аллоҳу акбар, гувоҳлик бераманки, мен Аллоҳнинг бандаси ва элчисиман», дедилар. Сўнгра Билолга буюрдилар, у одамлар ичида: «Жаннатга фақат мусулмон киши киради, Аллоҳ таоло бу динни фожир одам билан ҳам қувватлайди» деб нидо қилди⁽²⁴¹⁾ (Муслим ривояти).

Саҳл ибн Аби Ҳасма разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб шундай деганларини эшитганман: «*Еттига катта гуноҳлардан сақланингиз: Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, жанг майдонидан қочиш, етимнинг молини ейиш, судхўрлик, покиза аёлни бузуқлик билан тўхматлаш, ҳижратдан кейин бадавий бўлиб кетиш*»⁽²⁴²⁾ (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2244).

Абу Имрон ал-Жавнийдан ривоят қилинади: Менга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан бирининг айтишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган эканлар: «*Ким тўсиғи бўлмаган том устида ётса ва тушиб кетиб ўлса, ундан зимма хориждир. Ким тўлқин пайтида денгизга (яъни, кемага) минса ва ҳалок бўлса, ундан зимма хориждир*»⁽²⁴³⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 828).

241 Ҳадисдан маълум бўладики, у ҳақда очиқ-равшан нас (оят-ҳадисдан далил) келмаган бирон муайян киши ҳақида гарчи зоҳирда жиҳод қилган бўлса ҳам, шаҳид деб айтилмайди ва уни аниқ жаннат аҳлидан деб гувоҳлик берилмайди, Аллоҳ таоло Ўзининг йўлида жароҳат олган ва ўлдирилган кишини Ўзи яхшироқ билувчидир.

242 Одам ўлдириш дегани бировни ноҳақ ўлдиришни ҳам, ўзини ўзи ўлдиришни ҳам ўз ичига олади. Ҳижратдан сўнг бадавий бўлиб кетиш дегани Аллоҳ ва расулига ҳижрат қилганидан кейин муртад бўлиб, саҳро ҳаётига қайтиб кетишдир.

243 Бундай қилган кишидан зимма (аҳд, кафолат) покдир. Чунки бундай қилиш ақлсизлик ва ўз саломатлигига бепарво қарашдир, бу эса жоиз эмас. Ҳадисдаги “тўсиғи бўлмаган том”дан мақсад, текис сатҳли томдир. Унинг чеккасида тўсиғи бўлмаса, ухлаб ётган одам уйқусида қимирлаб, у ёқ бу ёққа ағдарилганда пастга қулаб кетиши мумкин.



Жонни қийнамасдан ўртача тоат-ибодат қилиш, нафснинг ўз соҳиби устидаги ҳаққига риюя қилиш

Абу Жухайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон разияллоҳу анҳу билан Абу Дардо разияллоҳу анҳуни биродар тутинтириб қўйдилар. Салмон разияллоҳу анҳу бир куни Абу Дардони кўргани келганида Умму Дардо разияллоҳу анҳони эскирган кийимда (яъни, ўзига безътибор ҳолда) кўрди. Салмон разияллоҳу анҳу бунинг сабабини сўраган эди, Умму Дардо разияллоҳу анҳо: «Биродарингиз Абу Дардонинг дунёдан бирор нарсага ҳожати йўқ», деди. Кейин Абу Дардо разияллоҳу анҳу келиб биродари билан кўришди ва унга таом тайёрлади ва: «Сиз энг, мен рўза тутганман», деди. Салмон разияллоҳу анҳу: «Сиз емагунингизча мен ҳам емайман», деди. Кейин Абу Дардо ҳам таом еди. Салмон разияллоҳу анҳу шу ерда тунаб қолди. Абу Дардо кечаси намозга турганида Салмон разияллоҳу анҳу уни тўхтатди ва: «Ухланг», деди. Кейин яна турмоқчи бўлганида яна: «Ухланг», деди. Кечанинг охирги қисми бўлгач: «Энди туринг», деди ва бирга намоз ўқидилар. Сўнг Салмон унга: «Эй Абу Дардо, сизда Раббингизнинг ҳаққи бор, сизда ўз танангизнинг (жонингизнинг) ҳаққи бор ва сизда аёлингизнинг ҳам ҳаққи бор. Барча ҳақдорга ўз ҳаққини адо қилинг», деди. Абу Дардо разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, бу ҳақда айтганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Салмон тўғри айтибди», дедилар» (Бухорий, Термизий ривоятлари).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонига келиб, пайғамбаримизнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилганида, гўёки улар зикр қилинган амалларни кам санагандек бўлдилар ва: «Биз қаерда-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаердалар? У зотнинг аввалги-ю, охирги гуноҳлари кечирилган бўлса?» — дедилар. Уларнинг бири: «Мен тоабад тунларни намоз билан ўтказаман», деди. Иккинчиси: «Мен умрбод кундузлари рўздор бўлиб, оғзимни очмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан узлат қиламан ва ҳеч ҳам уйланмайман», деди. (Бу гаплардан хабар топгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдиларига келдилар ва: «Шундай-шундай гапларни айтганлар сизларми?! Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан қўрқувчироқ ва тақволироғингизман! Лекин, мен рўза ҳам

тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўғирса, у Мендан эмас», дедилар (Муттафақун алайх).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кириб, икки устун орасига тортилган арқонни кўрдилар ва: *«Бу қандай арқон?»* деб сўрадилар. *«Бу Зайнабнинг арқони, толиқиб қолганида шунга осилиб олади»,* дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Уни ечиб ташланглар. Сизлардан бирингиз тетик ҳолида намоз ўқисин. Толиқса, ухлаб олсин»,* дедилар (Муттафақун алайх).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Бирортангиз намоз ўқиётганида мудраб қолса ухлаб олсин, токи ундан уйқу кетсин. Чунки, бировингиз мудраган ҳолда намоз ўқиса билмайдик, эҳтимол истиғфор айтаман деб ўзини сўкаётгандир»* (Муттафақун алайх).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга менинг: *«Аллоҳга қасамки, умрбод кундузлари рўза тутиб, кечалари намозда қоим бўламан»* деганим хабари етибди. Шунда у зот: *«Сиз шундай дедингизми?»* деб сўрадилар. *«Шундай дедим, ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ»,* дедим. *«Сиз бунга қодир бўлмайсиз. Рўза ҳам тутинг, оғзингиз очиқ ҳам бўлсин. Ухланг ҳам, намозда қоим ҳам бўлинг. Ҳар ойдан уч кун рўза тутинг, зеро бир яхшилик ўн баробар миқдорида (ёзилади), бу умрбод рўза тутгандекдир»,* дедилар (Муттафақун алайх).

Ҳамза ибн Амр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сафарда рўза тутиш ҳақида сўраган эди, у зот: *«Қай бири (яъни, сафарда рамазон рўзасини тутиш ё тутмаслик) ўзингиз учун энгил бўлса, шуни қилинг»,* дедилар (Таммом «Фавоид»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2884).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон икки иш ўртасини танлашга ихтиёрли бўлсалар, модомики гуноҳ бўлмаса энгилроғини олардилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқ одам бўлардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун ўч олмаганлар, фақат Аллоҳнинг ҳаром қилган ишлари қилиб қўйилса, Аллоҳ учун ўч олардилар»* (Муттафақун алайх).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайт қўллари*

билан бирон нарсани — на бир хизматкорни ва на бир аёлни урмаганлар. Иккита иш ўртасини танлашга ихтиёрли бўлсалар, токи гуноҳ бўлмаса уларнинг енгилроғи у зот учун суюмлироқ бўларди. Агар гуноҳ бўлса, у зот гуноҳдан энг узоқ одам эдилар» (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 507).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг котибларидан бири бўлмиш Ҳанзала ал-Усайдий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Бакр разияллоҳу анҳу мен билан кўришиб: «Қалайсиз, эй Ҳанзала?» деган эди, мен: «Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. Абу Бакр: «Субҳаналлоҳ, нима деяпсиз?!», деди. Мен айтдим: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўлганимизда у зот бизга дўзах ва жаннатни эслатиб, гўё кўз олдимизга олиб келиб қўядилар. Ҳузурларидан чиққач, бола-чақа ва тирикчилигимиз билан овора бўлиб, кўп нарсани унутамиз», дедим. Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушамиз», деди. Сўнг Абу Бакр билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордик. Мен: «Ё Расулуллоҳ, Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нима бўлди?», деб сўрадилар. Мен дедим: «Ё Расулуллоҳ, сизнинг ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатиб, гўё кўз олдимизга олиб келиб қўясиз. Ҳузурингиздан чиққач, бола-чақа ва тирикчилигимиз билан овора бўлиб, кўп нарсани унутамиз». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар доим менинг ҳузуримдаги ҳолатларингизда бўлганингизда эди, фаришталар ётадиган ўринларингизда ҳам, юрган йўлларингизда ҳам сизлар билан қўл бериб кўришадиган бўлиб қолар эди. Лекин, эй Ҳанзала, (инсон) гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб туради», дедилар уч бор (Муслим, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1948).



Жонни қийнаш, ҳалок қилиш ва азоблашга олиб боровчи назрга вафо қилинмайди

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилаётган эдилар, тик турган одамга кўзлари тушди ва у ҳақда сўрадилар. «Абу Исроил, қуёш тигида тик туришни, ўтирмасликни, сояланмасликни, гапирмасликни ва рўза тутишни назр

қилибди», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Унга айтинглар, гапирсин, соялансин, ўтирсин ва рўзасини охирига етказсин»*, дедилар (Бухорий ривояти).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мўйсафидни иккита ўғлининг ўртасида судралиб бораётганини кўриб: *«Бу кишига нима бўлди?»*, деб сўрадилар. *«Байтуллоҳга пиёда юриб боришни назр қилибди»*, дейишди. *«Аллоҳ таоло унинг ўз нафсини азоблашидан беҳожат Зот»*, дедилар, сўнг уни уловга миниб олишга буюрдилар (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслимнинг Абу Ҳурайрадан қилган ривоятида: *«Эй оқсоқол, уловга миниб олинг! Аллоҳ сиздан ҳам, назрингиздан ҳам беҳожат»*, дедилар.

Инсоннинг дунёдан шаръий насибаси бор, киши ўзини қийнаши, дунёдан бўлган ҳаққидан маҳрум қилиши керак эмас

«Аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират (ободлигини) истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил. Ерда (зулму-зўравонлик билан) бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Аллоҳ бузғунчи кимсаларни суймас» (Қасас: 77).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам садақага буюрдилар. Шунда бир киши: *«Менда динор бор»*, деди. *«Ўзингга сарфла»*, дедилар. *«Яна бор»*, деди. *«Аёлингга сарфла»*, дедилар. *«Яна бор»*, деди. *«Ходимингга сарфла, уёғини ўзинг билиб сарфла»*, дедилар⁽²⁴⁴⁾. (Саҳихул-адабил-муфрад: 145).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: *«Аллоҳ таоло бир бандага неъмат ато этган бўлса, бандасида неъматининг асарини кўришни яхши кўради»* (Ибн Саъд, Таҳовий «Мушkil»да ва Байҳақий «Шуъаб»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1290).

244 Ҳадис йўлланмасига кўра, одамлар ичида сизнинг яхшилигингизга лойиқроқ киши ўзингиз, сўнг яқин кишиларингиздир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло бир бандага неъмат берган бўлса, унда неъматининг асарини кўришини яхши кўради, ожизликни ва ўзини ожиз қилиб кўрсатган кишини ёқтирмайди, қаттиқ туриб сўровчи (тиламчи)ни ёмон кўради, ҳаёли, покиза ва (сўрашдан) ўзини сақловчи одамни яхши кўради»*⁽²⁴⁵⁾ (Байҳақий «Шуъаб»да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1320).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дунёларингиздан менга аёллар ва хушбўйлик суюмли қилинди, кўзим қувончи намозда қилинди»* (Аҳмад, Насоий, Ҳоким ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомий: 3123).

Ибн Шихоб ривоят қилади: Усмон ибн Мазъун ўзини ахталатмоқчи ва (бир жойда муқим яшамай) ер юзини кезиб юрмоқчи бўлганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга дедилар: *«Мендан чиройли ўр-нак олсангиз бўлмайдимиз?! Мен аёллар билан бўламан, гўшт ейман, рўза тутаман ва оғзим очиқ ҳам бўлади. Умматимнинг бичилиши рўза тутишидир, бичган ва бичтирган одам менинг умматимдан эмас»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 4:445).

Абдуллоҳ ибн Ҳорис разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замоналарида масжидда нон ва гўшт ер эдик» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2669).

Саҳл ибн Ҳунайф разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўзингизни қаттиқ (тоат-ибодат билан) қийнаманглар! Дарҳақиқат, сизлардан илгари ўтганлар ўзларини қаттиқ қийнаш сабабли ҳалок бўлиб кетишиди, уларнинг қолган-қутганларини черковларда ва монастырларда топасизлар»* (Бухорий «Ат-тарихул-кабир»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3124).

245 “Қаттиқ туриб сўровчини ёқтирмайди” нинг маъноси — У одамларга ёпишиб олиб, хиралик қиладиган сўровчини ёқтирмайди, айниқса ўзи эҳтиёжманд ва фақир бўлмаса. Аллоҳ таолонинг: **«Улар тиланиб туриб олмайдилар»** (Бақара: 273) ояти шу мазмундадир.

Зотан, ҳожатманд одам яратувчиси ва эгаси бўлмиш Аллоҳ таолонинг Ўзидан қаттиқ туриб сўраши лойиқроқдир. Аллоҳ таоло ризқ берувчи, беҳожат Зот, У бандаси Ўзидан қаттиқ туриб сўрашини яхши кўради.



Жисму-жонга зиён келтирувчи ҳар қандай зарарли одат, иш ва ҳаёт тарзидан⁽²⁴⁶⁾ узоқда бўлиш ҳам жоннинг ўз эгаси устидаги ҳақларидан

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзига зарар етказиш ҳам, бировга зарар бериш ҳам йўқ», деб ҳукм қилдилар⁽²⁴⁷⁾ (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 1895).

Абу Сирма разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бировга зарар беришига уринса, Аллоҳ уни зарарлантиради. Ким бировга машаққат етказишига уринса, Аллоҳ уни машаққатга солади» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 1897).

Микдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамзот қориндан кўра ёмонроқ бирор идишни тўлдирмади. Одам боласига белини тик тутадиган бир неча луқмалар кифоя. Жуда бўлмаса, (қориннинг) учдан бири таомига, учдан бири ичимлигига, учдан бири нафасига (бўлсин)» (Термизий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривоятлари, (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2265).

Фотима разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ноз-неъматларга шўнғиган, анвои хил таомлар ва турли-туман либослар истайдиган, гапни олиб қочадиган (мақтанчоқ) кимсалар умматимнинг энг ёмон кишиларидир» (Аҳмад «Зухд»да ва бошқалар ривояти, (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1891).

Абу Жуҳайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида кекирган эдим: «Нима единг, эй Абу Жуҳайфа?», дедилар. «Нон билан гўшт», дедим. Шунда у зот: «Қиёмат куни энг узоқ оч қолиб кетадиган одам бу дунёда энг кўп тўқ юрадиган одамдир», дедилар (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3372).

246 Маст қилувчи ичимлик ичиш, чекиш, наркотик моддалар истеъмол қилиш, ялқовлик, кўп ухлаш, бадан тозаллигига риоя қилмаслик, касалланиш ва семиришга сабаб бўлувчи кўп ейиш каби жисмга ҳаётдаги вазифаларини мукамал адо этишида тўсқинлик қилувчи зарарли одат ва ҳаёт тарзидан узоқда бўлиш ҳам жоннинг ўз эгаси устидаги ҳақларидан.

247 Ҳадис ҳар қандай зарарли нарсалардан — хоҳ у ботиний маънавий зарар бўлсин, хоҳ кўзга кўриниб турган моддий зарар бўлсин, хоҳ жон эгасининг ўзига чекланган бўлсин, хоҳ таъсири бошқаларга ҳам ўтган бўлсин — барча-барчасидан қайтаришни ўз ичига олган.

Жундуб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким қорнига фақат покиза емиш киритишга қодир бўлса (шундай қилсин), чунки инсоннинг энг биринчи айнийдиган аъзоси қорнидир*» (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3379).

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мўмин киши ўзини хорликка гирифтор қилиши керак эмас*», дедилар. «Қандай қилиб ўзини хорликка гирифтор қиларди?», деб сўрашди. «*Кучи етмайдиган балога кўндаланг бўлади*», дедилар⁽²⁴⁸⁾ (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 3243).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг манзилимизга келганларида бир кишини сочлари тўзғиган ҳолда кўриб: «*Бу одам сочини тартибга келтирадиган нарсга тополмайдими?!*», дедилар, бошқа бир кишини киркийимда кўриб: «*Бу одам кийимини ювгани сув тополмайдими?!*», дедилар (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 493).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мисвок туттиш, мўйловни қисқартириш, соқолни қўйиш, жума кунини ғусл қилиш Исломи фитратидандир. Ма-жусийлар мўйловларини ўстириб, соқолларини олишади. Сизлар уларга хилоф қилинглар: мўйловларингизни олиб, соқолларингизни ўстиринглар*» (Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3123).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Сочни (ювиб-тараб) иззат-иқром қилинглар!*» (Ибн Адий «Комил»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 666).

Саид ибн Абдурраҳмон ал-Жаҳшийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Қатодага: «*Соч ўстирсанг, уни иззат-иқром қил*», дедилар (Абдурраззоқ «Мусаннаф»да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2252).

248 Ушбу ҳадис кишини ўзининг тоқати етмайдиган ва оқибатларини кўтаришга заифлик қиладиган зарар, ҳалокат, шиддат, фитна ва бало ўринларига ўзини уришдан қайтаради... Бироқ, бало ва имтиҳон ўринларига ўзини рўбарў қилиш билан бошига келган балога сабр қилиш ўртасида фарқ бор. Биринчисига журъат қилмаслик ва уни талаб қилмаслик лозим. Чунки, унга интилиш ва талаб қилишда ўзини Аллоҳга пок кўрсатиш (яъни ўзини чидамли ва кучли кўрсатиш) бор бўлиб, бу иймоннинг камолига зид келади. Иккинчисига — бошга тушганда — Аллоҳ таолодан сабр-тоқат ва ажр беришини Аллоҳдан сўраймиз.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мисвок тутинглар! Чунки, у оғизнинг поклигига ва Парвардигорнинг розилигига сабабдир*» (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2517).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Кимда-ким қўлида гўшт-ёғ юқи бўлган ҳолда уйқуга ётиб, бирор нарсага йўлиқса, ўзидан кўрсин!*»⁽²⁴⁹⁾ (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Табароний «Ал-муъжамул-авсат»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2956).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Кўп кулманглар! Чунки кўп кулиш қалбни ўлдиради*»⁽²⁵⁰⁾ (Ибн Можа ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 506).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Курашда енгган одам ҳақиқий кучли эмас. Ғазабланган пайтда ўзини тута олган одам кучлидир*» (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий солаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг» деган эди, «*Ғазаб қилма!*», дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Яна: «*Ғазаб қилма!*», дедилар Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам⁽²⁵¹⁾ (Бухорий ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг юришларидан ожиз ва ялқов эмасликлари билиниб турарди» (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2140).



Жисму-жонга раҳм қилиб, даволаниш лозимлиги ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам бир беморни кўргани бориб: «*Унга*

249 Яъни қўлини, шунингдек, оғзини яхши тозаламай, овқат юқи бўлган ҳолда уйқуга ётган одам ҳашаротлар ёки жин тегиши каби бошқа бирон офат келиб зиён етказса, айб ўзида бўлади.

250 Ҳадис ташқи ҳаракатларнинг ички оламга таъсир кўрсатишига, улардан ҳар бири бошқаси билан таъсирланишига далил бўлади.

251 Қаттиқ ғазабланиш зулм, адоват ва ёмонликка сабаб бўлгани каби, юрак-қон томир касалликларидан кўпига ҳам сабаб бўлади.

табиб чақирсанглар бўлмайдими?!», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, сиз бизни шунга буюрасизми?», дейишди. «Аллоҳ таоло бир дардни туширган бўлса, у билан бирга албатта даво ҳам туширилган бўлади», дедилар (Ибн ал-Ҳаммамий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2873).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Аллоҳ таоло дардни ҳам, давони ҳам яратган. Шундай экан, даволанинглар, бироқ ҳаром билан даволанманглар!» (Дулобий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1633).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «Аллоҳ таоло бир дардни туширган ёки бир касалликни яратган бўлса, унга албатта давони ҳам туширган ёки яратган, уни билган билади, билмаган билмайди. Фақат «сом»нинг (давоси йўқ)», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, сом нима?» деб сўрашди. «Ўлим», дедилар (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1650).

Ансорлардан бўлган бир кишидан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жароҳатланган бир кишини кўргани бордилар ва: «Унга фалон қабиланинг табибини чақиринглар!», дедилар. Табибни чақиришди. У келгач: «Ё Расулуллоҳ, даво фойда қиладими?!», деб сўради. «Субҳаналлоҳ! Аллоҳ таоло ер юзига бирон дардни туширган бўлса, унинг шифосини ҳам туширган ахир», дедилар⁽²⁵²⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 517).



Мусулмон киши шаръий вазифаларни бажаришга ва ҳақларни ўз эгаларига адо этишга, шунингдек, одамларга манфаатли бўлган нарсалар билан ерни обод қилишга қувватли бўлиши учун Ислом унинг жисми имкони борича соғлом ва кучли бўлишига ҳарисдир

252 Дори-дармон истеъмол қилиш даволанишга сабаб, шифо берувчи эса Аллоҳ таоланинг Ўзи, дорига шифобахшлик хусусиятини берган зот ҳам Унинг ўзи, истаса у билан фойдалантиради, истамаса йўқ, деб эътиқод қилиш бошқа, қалбнинг дори-дармонга боғланиб қолиши, шифо доридан, Аллоҳдан эмас, деб эътиқод қилиш бутунлай бошқа нарсадир. Биринчи маъно ҳақ ва машруъ, иккинчи маъно эса ботил ва ширк ҳамда Аллоҳ таоланинг: «Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур» (Шуъаро: 80) оятига зиддир.

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй мўминлар), **улар** (душманлар) **учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз**»⁽²⁵³⁾ (Анфол: 60).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Кучли мўмин заиф мўминдан кўра яхши ва Аллоҳга суюмлидир ва ҳар бирида яхшилик бордир. Ўзингга фойдали бўлган нарсага қаттиқ интил, Аллоҳдан мадад сўра ва ожиз бўлма! Агар бирон (кўнгилсизлик) етса: «Агар ундай қилганимда бундай бўларди» дема, балки: «Аллоҳнинг тақдири шу экан, У Ўзи истаган ишини қилди», дегин! Чунки «агар сўзи» шайтоннинг ишига йўл очади*» (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши дедилар: «*Заиф мўминнинг мисоли шамол ёткизиб-турғизадиган навнихол ўсимликка ўхшайди. Кучли мўмин эса бамисоли шамол тебрата олмайдиган, сояси бир хил, мудом ҳосил берувчи хурмо дарахти кабидир*» (Ибн Аби Шайба «Иймон»да (88) келтирган, Албоний: «Исноди саҳиҳ» деган).

Ато ибн Аби Рабоҳдан ривоят қилинади: Жобир ибн Абдуллоҳ билан Жобир ибн Умайр ал-Ансорий камон отишни машқ қилишаётган эди, улардан бири чарчаб ўтириб олди. Шунда иккинчиси деди: «Ялқовлигинг тутдими?! Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳнинг зикридан бўлмаган ҳар бир нарса бемаъни ва беҳуда иш бўлиб, фақат тўртта хислат бундан мустасно: киши (камон отиб,) икки нишон ўртасида юриши⁽²⁵⁴⁾, отини машқ қилдириши, ўз аёли билан ҳазил-ҳузул қилиши ва сузишни ўрганиши» (Насоий «Ишратун-нисо»да ва Табароний ривоятлари, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 315).



Гуноҳу маъсиятлар инсоннинг иймониға ҳам, жисми-жониға ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Шундай экан, нафсни поклашга,

253 Оятда тайёрлаб қўйишга буюрилган куч-қувват барча маънодаги: ҳам ташқи, ҳам ички, ҳам жисмоний, ҳам руҳий-маънавий куч-қувватни ўз ичига олади. Чунки, агар жисм заиф бўлиб, одатда жанг майдонларида ишлатиладиган ҳарбий воситаларни ишлатишга кучи етмайдиган бўлса, бошқа куч-қувват воситаларини ҳам керакли суратда ишлатишга қодир бўлмайди.

254 Яъни, камон отиш учун белгилаб, чизиб олган жойи билан нишон қўйилган жой ўртасида, отилган камон ўқларини олиб келиш учун юриши.

уни тоатлар ва солиҳ амаллар билан қувватлантиришга, гуноҳу маъсиятлардан узоқлаштиришга аҳамият бериш ҳам нафснинг ўз соҳиби устидаги ҳақларидандир. Инсон руҳ ва жасаддан иборат, улардан ҳар бирининг ўз эгаси устида ҳақлари бор. У иймонини ҳам жисмини ҳам саломат ва кучли бўлишига аҳамият қаратиши лозим, шунда иймоний ҳамда жисмоний куч-қувват такомиллашади ва инсоннинг яратилишидан бўлган ғоя-мақсадни амалга оширишга интилади

Аллоҳ таоло айтди:

«Энди ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида Қиёмат Кунини маҳшаргоҳда) Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур» (Ван-назиот: 40,41).

«Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат Кунинида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар» (Бақара: 275).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Энг афзал жиҳод қайси?» деб сўраган эдим: *«Аллоҳ йўлида нафсу ҳавоингга қарши жиҳод қилишинг»* деб жавоб бердилар»⁽²⁵⁵⁾ (Ибн Мулла «Амолий»да, Абу Нуайм «Ҳиля»да, Дийлабий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1496).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Огоҳ бўлинглар, инсон танасида бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса, бутун тана яхши бўлади, бузилса, бутун тана бузилади. У қалбдир!»*⁽²⁵⁶⁾ (Абу Довуд, Таёлисий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2708).

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Гуноҳ қалбларга таъсир қилувчи нарсадир, бир бор кўз ташлаб қўйишида ҳам шайтон учун*

255 Ҳадисдан мурод — нафсни Аллоҳ ва расулининг тоатига бўйсундириш ва Аллоҳу расулига маъсият бўладиган ўринларда унга қарши курашишдир.

256 Бу ва кейинги ҳадисда зоҳир ва ботин ўртасида бўлган таъсир ўтказувчи ва таъсирланувчи икки томонлама алоқанинг мавжудлигига ва улардан ҳар бири иккинчисига йўлловчи эканига далил бор.

умидворлик пайдо бўлади» (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2613).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «*Фитналар қалбларга бўйра (тўқилгандаги) қамиш новдалари каби бирин-кетин кўндаланг бўлаверади. Бирон фитна қайси бир қалбга кириб ўрнашиб олса, бу қалбда битта қора нуқта пайдо бўлади. Қай бир қалб уни инкор қилса, унда битта оқ нуқта пайдо бўлади. Бориб-бориб қалблар икки турлига ажралади: биринчиси силлиқ тош каби оппоқ қалб бўлиб, унга модомики осмонлару ер турар экан, бирон бир фитна зарар етказолмайди. Иккинчиси тўнкарилган қумғон каби қоп-қора қалб бўлиб, на бир маъруфни тан олади ва бир мункарни инкор этади. Фақат ҳавои-нафсига ўрнашиб қолган нарсанигина тан олади*» (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *Банда бир гуноҳни қилса, унинг қалбида битта қора доғ пайдо бўлади. Агар ундан тийилиб, истиғфор айтса ва тавба қилса, қалби тозаланади. Агар яна гуноҳ қилишга қайтса, доғ кўпайиб, охир оқибат бутун қалбини қоплаб олади. Бу Аллоҳ таолонинг қўйидаги оятида айтилган қоплаб олишдирки: «Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилишган гуноҳлари (занги) қоплаб олгандир!»* (Мутоффифун: 14). (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2654).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ кимни икки жағи ва икки оёғи орасидаги нарсанинг⁽²⁵⁷⁾ ёмонлигидан сақлаган бўлса, у одам жаннатга киради» (Термизий ривояти: Ас-силсилатус-саҳиҳа: 510).

Абу Бакр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: «*Ҳаром билан тўйинган жасад жаннатга кирмайди*» (Абу Яъло ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2609).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳаромдан униб-ўсган эт жаннатга кирмайди, ҳаромдан унган ҳар бир эт дўзахга лойиқдир*» (Аҳмад, Доримий, Байҳақий ривоятлари).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Абу Бакрнинг бир ғуломи унга хирож бериб турарди, Абу Бакр унинг хирожидан ердилар.

257 Яъни, тили ва жинсий аъзосининг ёмонлигидан.

У бир куни бир нима келтирди, Абу Бакр ундан едилар. Ғулом унга: «Бунинг нималигини биласизми?» деди. «Нима эди?» — дедилар. «Жоҳилият пайтида бир одамга фолбинлик қилган эдим, аслида фолбинликни яхши билмас, бироқ уни алдаган эдим, ўшанинг ҳаққини энди берди, бу еганингиз ўшандан эди», деди. Шунда Абу Бакр қўллари оғизларига киритиб, еган барча нарсаларини қайт қилиб юбордилар. (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Киши зино қилаётган пайтида мўмин бўлган ҳолда зино қилмайди, ичкилик ичаётган пайтида мўмин бўлган ҳолда ичмайди, ўғирлик қилаётганда мўмин бўлган ҳолда қилмайди, одамларнинг кўз ўнгида талончилик қилаётган пайтида мўмин бўлган ҳолда талончилик қилмайди»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Маст қилувчи ичимлик фаҳш-бузқликларнинг онаси ва гуноҳи кабираларнинг энг каттасидир, уни ичиб олган кимса онасининг ҳам, холасининг ҳам, аммасининг ҳам номусига тажовуз қилаверади»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа:1853).

Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан (Бурайда ибн Ҳасиб разияллоҳу анҳудан) ривоят қилган марфуъ ҳадисда: *«Қай бир қавм аҳдни бузаркан, улар орасида қатл кўпаяди, қай бир қамда фаҳш зоҳир бўлса, Аллоҳ уларга ўлимни ҳукмрон қилади, қай бир қавм закот бермай қўйса, Аллоҳ улардан ёмғирни тўхтатиб қўяди»* (Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 107).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй муҳожирлар жамоаси! Беш нарса борки, улар билан мубтало бўлсангизлар — улар сизларга етишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман: — қайси бир қавмда фоҳишалик ёйилиб, улар у билан очикдан очик шуғуллансалар, ораларида ўлат ҳамда ота-боболари даврида бўлмаган бошқа касалликлар тарқалади. Ўлчов ва тарозидан уриб қоларканлар, қурғоқчилик, қаттиқ етишмовчилик ва подшоҳнинг зулмига дучор этиладилар. Молларининг закотини бермас эканлар, уларга самодан ёмғирни тўсиб қўйилади, агар чорва ҳайвонлари бўлмаса эди, умуман ёмғирсиз қолишарди. Аллоҳга беришган аҳдни ва Расулига беришган аҳдни бузишаркан, Аллоҳ улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўяди ва улар буларнинг қўлларидаги баъзи нарсаларни тортиб олишади. Раҳбарлари Аллоҳнинг Китоби билан ҳукм қилмас эканлар ва яхшиликни Аллоҳ нозил қилган нарсада деб билмас эканлар, Аллоҳ*

уларнинг уруш-жанжалларини ўз ўрталарида қилиб қўяди» (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 106).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Беш нарса беш нарса туфайли келади: қайси бир қавм аҳдни бузаркан, Аллоҳ улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўяди; Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилишмас экан, ораларида камбағаллик тарқалади; ораларида фаҳш-бузуқликлар ёйиларкан, улар ичида ўлим кўпаяди; закотларини ман қилишаркан, улардан ёмғирни тўхтатиб қўйилади; ўлчов-тарозидан уриб қолишаркан, экинлари (нинг ҳосили) тўсиб қўйилади ва қурғоқчиликка дучор этиладилар»*⁽²⁵⁸⁾ (Табароний «Кабир»да ривоят қилган, Саҳиҳут-тарғиб: 765).

Аллоҳ таолодан нафсларимизни Ўзига ва Расулига тоат билан поклашини, нафсларимиз ва амалларимиз ёмонликларидан паноҳ беришини ва жонларини Унинг йўлига бахш этадиган кишилардан қилишини сўраймиз.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

258 Бу ва юқоридаги ҳадислардан мурод шуки, муҳтарам ўқувчи гуноҳ ва маъсиятлар сабабли инсон бошига келадиган балолар, ҳалокат ва вайронагарчиликлар ҳажминини тушуниб етсин ва жонини ушбу зарар ва ҳалокатлардан узоқ тутишга уринсин. Зеро, бу жоннинг ўз эгаси устига ҳақларидан саналади.



МОЛНИНГ МУЛҚДОР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Мол-мулк Аллоҳники, У молнинг ҳақиқий эгаси, инсон эса молда халифа ва омонатдор, у молни ўзининг қўлига омонат қўйган Зотнинг изни-иродасига мувофиқ топиши, сарфлаши ва тасарруф этиши лозим, у қиёмат куни қўлидаги молни қаердан топиб, қаерга сарф қилгани, молнинг унинг зиммасида бўлган ҳақларини адо этган этмагани ҳақида сўроқ қилинади ва ҳисоб беради.

Аллоҳ таоло айтди:

«Айтинг: Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта Сен барча нарсага қодирсан» (Оли Имрон: 26).

«Осмонлар ва Ердаги бор нарсалар Аллоҳникидир. Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилажак» (Оли Имрон: 109).

«У сизларни (ўзларингиздан аввалгилар ўтиб кетганларидан кейин) Ерда қолувчилар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган зотдир. Албатта, Парвардигорингиз (осийларни) тезда жазоловчидир ва албатта У мағфиратли, меҳрибондир» (Анъом: 165).

«Сўнгра қандай амаллар қилишингизни кўриш учун сизларни уларнинг ортидан Ерга халифа (ўринбосар) қилиб қўйдик» (Юнус: 14).

«(Эй инсонлар), **Аллоҳга ва Унинг пайғамбари** (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га **иймон келтиринглар ҳамда У зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан** (яъни вақтинча қўлларингизда турган, эрта бир кун сизлар истасангиз-истамасангиз ўзгаларнинг қўлларига ўтиб кетадиган Аллоҳ берган мол-давлатдан) **инфоқ-эхсон қилинглар! Бас, сизлардан иймон келтирган ва инфоқ-эхсон қилган зотлар учун катта ажр-мукофот бордир**» (Ҳадид: 7).

«**Эсланг**, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда** (уни ўзлаштириб обод қилишлари учун баъзилари бошқалари ортидан кетма-кет келиб яшайдиган) **қавм** (Одам ва унинг зурриёти)ни **қилмоқчиман**»⁽²⁵⁹⁾, **деганида улар айтдилар: «У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган қавмни қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз**». (Аллоҳ) **айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»**» (Бақара: 30).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Қиёмат кун*и банда умрини қаерда ўтказгани ҳақида, илмини нимага ишлатгани ҳақида, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилгани тўғрисида ва жисмини қайси ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунча унинг қадами силжимади» (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 122).

259 Оятнинг маъносида “қавм” деб таржима қилинган сўз арабчасида “халифа” эди. “Халифа”дан мурод Одам алайҳиссалом ва унинг солиҳ зурриётидир. Аллоҳ таоло уларни Ерни тоат-ибодат, яхшиликлар ва инсонга фойдаси тегадиган ҳар нарса билан обод қилишлари ҳамда унда Аллоҳнинг иродаси ва буйруғига биноан яшашлари учун ерда бирин-сирин яшайдиган қилиб қўйди. Бу билан оятдаги халифадан мурод нима экани аён бўлди. Гоҳилар оятдаги “халифа” дан мурод, инсон Аллоҳ таолонинг Ер юзидаги халифаси, ўринбосари дейдилар. Бу маъно араб тили жиҳатидан ҳам шариат нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Чунки, халифа ўзидан аввалигининг ўрнига қоладиганга айтилади. Аввалги халифа ёки иш соҳиби ҳозир бўлиш ёки ишда давом этишдан ман қиладиган сабаб туфайли ҳозир бўла олмай қолади кейин унинг ўрнига халифаси-ўринбосари келади. Бу маъно Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Улуғлигига, исм-сифатларига тўғри келмайди. Чунки у доимий барҳаёт, ғафлатда қолмайдиган, ухламайдиган, ҳар нарсадан хабардор, ғойиб бўлмайдиган зотдир.

Шунингдек ўринбосар сифатда, лаёқатда ўзидан аввалгига яқин бўлиши керак. Бу маъно ҳам Аллоҳ таолога нисбатан лойиқ эмасдир. Аллоҳ таоло Шуро сурасининг 11-оятда марҳамат қилади: «**Унга ўхшаш бирон нарса йўқ, У Эшитувчи ва Кўрувчидир**».

Баъзи муфассирлар, “халифа”дан мурод ўзларидан аввал Ер юзида бузғунчилик қилган жинлардан кейин яшаш учун Ерга қўйилган инсонлар деганлар, валлоҳу аълам.

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дунё яшнаб турган, ширин нарсадир. Аллоҳ азза ва жалла қандай амал қилишларингизни кўриш учун сизларни унда қолдиражак. Шундай экан, дунёдан эҳтиёт бўлинглар ва аёллардан эҳтиёт бўлинглар! Зеро, Бани Исроилнинг илк фитналаниши аёллар хусусида бўлган эди»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 911).



Молларнинг закотини бериш фарз, закот Ислом биносининг пойдевор ва рукнларидан биридир

Аллоҳ таоло айтди:

«Намозни тўкис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилувчилар билан бирга руку қилинг» (Бақара: 43).

«Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак — улар намозни тўкис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)» (Ҳаж: 41).

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз уларни у билан поклашингиз ва тозалашингиз учун молларидан бир қисмини закот сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта, сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлур. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир»** (Тавба: 103).

«Уларнинг мол-мулкларида сўровчи ва (мол-давлатдан) маҳрум-муҳтож кишилар учун (ажратилган) ҳақ-улуш бордир» (Ваз-зарият: 19).

«Улар (топган) мол-мулкларида сўровчи ва (мол-давлатдан) маҳрум кишилар учун маълум ҳақ (яъни закот) бўлган зотлардир» (Маориж: 24,25).

«Мевалаганда мевасидан енглар, ўрим-терим кунда (бечора-мискинларга) ҳаққини беринглар⁽²⁶⁰⁾ ва исроф қилманглар! Албатта, У исроф қилувчиларни севмас» (Анъом: 141).

260 Йиғим-терим кунда бечора мискинларга ҳаққини беришга буюрилган меваларга тортиш ва ўлчаш мумкин бўлган, қуришиб қўйиладиган, қоплаб қўйиладиган, сақлашга олиб қўйиладиган ва нисобга етган ҳар қандай мева ва ҳосиллар киради.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш»* (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиниши ва Ундан бошқа (илоҳларни) инкор қилиш, намозни барпо қилиш, закотни бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш»* (Муслим ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга жўнатаётганларида унга айтдилар: *«Сиз аҳли китоб бўлган қавм олдига бормоқдасиз. Уларни энг биринчи Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга чақиринг. Аллоҳни таниганларидан сўнг уларга Аллоҳ бир кеча-кундузда беш вақт намозни*

Нисоб беш васақ (653 кг)дир. Бир васақ 60 соъ (130.6 кг)га, бир соъ 4 муд (2175 г)га, бир муд (543.75 г) — кафти ўртача кишининг икки кафтига, яъни бир ҳовучига тенгдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Хурмо ва дон-дун 5 васақ (653 кг) дан кам бўлса, ундан садақа берилмайди»*, деганлар. Бериладиган ҳаққи эса лалми (ёмғир суви билан бўлган) ҳосилдан ушр (ўндан бири), суғориладиган ерда бўлган ҳосилдан ушрнинг ярми (йигирмадан бири) миқдоридадир. Чунки, муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда келганки: *«Осмон (ёмғири), анҳор, чашмалар суғорган ёки баъл (яъни йилда бир бор ёмғир суви билан тўйинадиган тепалик ер, шунингдек фақат ёмғир суви билан кифояланадиган ҳар қандай экин) бўлса ундан ушр, туялар ёки челақлар билан (ер остидан сув тартиб чиқариб) суғорилса, ундан ушрнинг ярми берилади»*. Аммо васақлаб ўлчанмайдиган ва сақлашга олиб қўйилмайдиган кўк — полиз экинлари бўлса ёки ўлчанганда нисобга етмаган бўлса, у ҳолда экин ё ҳосилнинг эгаси йиғим-терим пайтида чиққан ҳосилга қараб, ўзи чамалаб — қисиб-қимтимасдан, ошиқча исроф ҳам қилмасдан — кўнглидан чиқариб, фақир-мискинларга ҳақ чиқаради. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз!»** (Бақара: 267). Ер ундириб-ўстирган ҳар бир нарсада нафақа вожиб, улар ичида муайян нисобга чеклангани бор, садақа қилувчи ўзи кўнглидан чиқариб берадиган, нисоби белгиланмагани бор. Қайс ибн Абу Ғаразадан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимиздан ўта туриб дедилар: *«Эй сотувчилар жамоаси, савдога беҳуда гап-сўз ва қасам аралашиб қолади, унга садақани аралаштириб турунглар»*) (Абу Довуд, Насойй ва бошқалар ривояти). Ибн Ҳазм «Мухалло»да айтади: «Бу миқдори чекланмаган суратдаги, кўнглидан чиқариб бериладиган садақа бўлиб, савдога аралашиб қоладиган лағв ва қасамларга каффорат бўлади».

фарз қилганини айтинг. Уни (қабул) қилишгач, Аллоҳ уларга молларидан олиниб, камбағалларига қайтариладиган закотни фарз қилганини айтинг. Агар бунга итоат қилсалар, улардан закотларини олинг, бироқ энг яхши ва нафис молларини олишдан сақланинг» (Муттафақун алайҳ).

Бир ривоятда: «Сиз аҳли китоблардан бўлган бир қавмга бормоқда-сиз. Етиб боргач, уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришга чақиринг, агар бунда сизга итоат қилсалар Аллоҳ таоло уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини айтинг, агар бунда ҳам итоат қилсалар Аллоҳ уларга бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган садақа (закот)ни фарз қилганини айтинг, агар бунда ҳам сизга итоат қилсалар молларининг яхшиларини (закот қилиб) олишдан сақланинг, мазлумнинг дуосидан қўрқинг, чунки у билан Аллоҳ ўртасида тўсиқ бўлмайди» (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Муовия ал-Ғозирий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Учта иш борки, ким уларни қилган бўлса иймоннинг мазасини тотган бўлади: ким Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилса; бир Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ (деб ишонса); ҳар йили молининг закотини мамнуният билан, рози бўлиб берса; (чорва молларидан) қарисини, қўтирини, касалини, майдасини бермайди, балки молларингизнинг ўртачасидан (берасизлар), Аллоҳ сизлардан (молингизнинг) яхшисини сўрамади ва ёмонини беришга буюрмади» (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 1400).



Молининг закотини чиқармайдиган одам ҳақида

Аллоҳ таоло айтди: «Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг! У кунда (қиёматда) ўша (олтин-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига босилиб: «Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар» (дейилур)» (Тавба: 34,35).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мен одамлар билан то улар «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир» деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни адо этмагунларича жанг

қилишга буюрилдим. Агар шу (айтилган ишлар)ни қилсалар, мендан қонлари ва молларини сақлаб қоладилар — Исломнинг ҳаққи бундан мустасно — ва уларнинг ҳисоб-китоблари Аллоҳгадир» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этиб, у зотдан сўнг Абу Бакр халифа қилингач ва араблардан баъзилари кофир бўлиб кетгач, Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга: «Сиз қандай қилиб жанг қиласиз, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мен одамлар билан то улар «Аллоҳдан бошқа барҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир» деб гувоҳлик бермагунларича жанг қилишга буюрилдим. Ким: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса мендан қони ва молини сақлаб қолади — Исломнинг ҳаққи бундан мустасно — ва унинг ҳисоб-китоби Аллоҳгадир» деганлар-ку?!», деди. Шунда Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, намоз билан закот орасини ажратган кимсалар билан албатта жанг қиламан. Зеро, закот молнинг ҳаққи. Аллоҳга қасамки, улар Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга бериб келишган бир дона улоқни агар мендан ман қилишса, бунинг учун улар билан албатта жанг қиламан», деди. Умар айтади: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Абу Бакрнинг кўнглига жанг қилишни солиб қўйганини кўрдим, кейин билдимки, у ҳақ экан»⁽²⁶¹⁾ (Муттафақун алайҳ).*

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимга Аллоҳ мол-дунё берган бўлса-ю, унинг закотини адо этмаган бўлса, мол-дунёси Қиёмат куни кўзлари устида иккита нуқта бўлган, (заҳри кучлилигидан) боши ялтираб кетган катта илонга айланиб, уни ўраб олади, сўнг уни икки жағи орасига олиб: «Мен сенинг молингман, мен сенинг хазинангман», дейди»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир тилла ва кумуш эгаси улар-*

261 Умар разияллоҳу анҳунинг аввалда Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг закотни инкор қилувчиларга қарши уруш қилиш қарорига эътироз билдириши ва Абу Бакр Сиддиқнинг закотни намозга қиёс қилиши далолат қиладики, улар ҳар иккиси Ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган юқоридаги ҳадисни билмас эдилар. Чунки, агар билишса эди, Умар эътироз билдирмас ва Абу Бакр қиёсга муҳтож бўлмас эди. Ҳадисдан шу ҳам маълум бўладики, баъзан кичик саҳобий катта саҳоба билмаган нарсани билиши, гоҳо бир ёки бир неча масалада катта саҳобанинг хатосини тўғри-лаб қўйиши ҳам мумкин, бироқ бу дегани унинг катта саҳобадан олимроқ ёки афзалроқ эканини англатмайди.

нинг ҳаққини — яъни закотини — адо этмаса, қиёмат куни ўтдан бўлган лавҳалар (тахтасимон бўлақлар) қилиниб, уни жаҳаннам оловида қиздирилиб, у кишининг биқинига, пешонасига, орқасига босилади. Совуб қолса, яна қайтадан (қиздириб) олиб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради»⁽²⁶²⁾ (Муслим ривояти).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир кишининг туя, сигир ё қўйлари бўлиб, уларнинг ҳаққини (яъни закотини) адо қилмаса, қиёмат куни (ўша жониворларни) энг катта ва энг семиз кўринишида олиб келинади, улар уни туёқлари билан эзғилашади, шохлари билан сузишади. Охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, то одамлар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шу ҳолат давом этади)»⁽²⁶³⁾ (Мутта-фақун алайҳ).

262 Кумушнинг нисоби 200 дирҳам бўлиб, бир йил айлангач ундан 5 дирҳам чиқарилади. (Бир дирҳам 0,70 мисқолга тенг бўлиб, кумушнинг нисоби 140 мисқол, яъни 595 граммдир.)

Тилланинг нисоби 20 диноҳ бўлиб, йил айлангач ундан ярим диноҳ чиқарилади. (Диноҳдан мурод — вазни бир мисқолга, яъни 4,25 граммга тенг бўлган исломий диноҳдир. Шунда тилланинг нисоби 85 граммга тенг бўлади.) Ҳозирги даврдаги қоғоз пуллар ҳам шу иккисига қиёс қилинади.

263 Чорва ҳайвонларининг закот нисоби қуйидагича: Туянинг нисоби: 5та туядан 1 қўй, 10тасидан 2 қўй, 15тасидан 3 қўй, 20тасидан 4 қўй, 25тадан то 35тагача битта ибнату маҳоз (1 ёшдан 2 ёшга ўтган туя), 36тадан то 45тагача битта ибнату лабун (2 ёшдан 3 ёшга ўтган туя), 46тадан 60тагача битта ҳиққа (3 ёшдан 4 ёшга ўтган туя), 61тадан 75тагача битта жазаъа (4 ёшдан 5 ёшга ўтган туя), 76тадан 90тагача иккита ибнату лабун, 91тадан 120тагача иккита ҳиққа, туялар сони бундан ошиқ бўлганда ҳар 50тасига биттадан ҳиққа, ҳар 40тасига биттадан ибнату лабун берилади. Бунинг учун аввал тўла бир йил айланган бўлиши шарт бўлади. Агар ортиқроқ бераман деса ҳиққа ибнату лабуннинг ўрнига ўтади, бироқ ибнату лабун ҳиққанинг ўрнига ўтмайди. Ҳоказо, каттаси кичигининг ўрнига ўтади, акси эмас.

Қўй-эчкилар нисоби: 40тадан 120тагача битта қўй, 121тадан 200тагача иккита қўй, 201тадан 300тагача учта қўй, бундан ошиғига ҳар 100тага биттадан қўй берилади. Бунинг учун ҳам нисоб тўлганига бир йил ўтган бўлиши керак.

Қорамолнинг нисоби: Ҳар 30та молга битта табиъ (1 яшарли мол), 40та молга битта мусинна (2 яшарли мол), 60тага иккита табиъ, 70тага битта мусинна ва битта табиъ, 80тага иккита мусинна, 90тага учта табиъ, 100тага битта мусинна ва иккита табиъ, ҳоказо ҳар ўттизтага битта табиъ ва ҳар 40тага битта мусинна берилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир кишининг моли бўлса-ю, унинг ҳаққини адо қилмаса, (қиёмат кунини моли) унинг бўйнига ўралиб оладиган катта илонга айлантирилади. У қочмоқчи бўлади, илон эса унинг ортидан қолмайди»*. Сўнг у зот ушбу оятни ўқидилар: **«Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (закотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари Қиёмат Кунинида бўйинларига ўралажак! (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлару Ер мерос бўлиб Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»** (Оли Имрон: 180). (Саҳиҳ сунаан ан-Насойй: 2289).

Абу Воқид ал-Лайсий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий нозил бўлса, ҳузурларига борардик ва у зот бизларга сўзлаб берардилар. Бир кунини бизга айтдилар: *«Аллоҳ азза ва жалла деди: Биз молни намоз барпо қилиниши ва закот адо қилиниши учун туширдик. Агар одамзотнинг бир водий тўла тилласи бўлса, унинг икки водий бўлишини истаган бўларди. Агар икки водий тилласи бўлса, учинчиси ҳам бўлишини истаган бўларди. Одамзотнинг қорнини тупроқдан бошқаси тўлдира олмайди. Сўнгра Аллоҳ тавба қилган кишининг тавбасини қабул қилади»*⁽²⁶⁴⁾ (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1639).

❖ **Закот бериш лозим бўлмаган ёки закот нисобига етмаган моллардан яхшилик йўллари, Аллоҳнинг розилигини истаб инфоқ ва эҳсон қилишнинг фазилати**⁽²⁶⁵⁾

264 Ҳадис мол-дунё тўла-тўқис ибодатни рўёбга чиқариш учун восита эканига далолат қилмоқда. Демак, ғояни восита йўлида қурбон қилмаслик керак. Ғоя — дин ва ибодатнинг беками кўст бўлиши, восита нималиги айтилди. Ғоя қолиб восита билан овора бўлиш — мол-дунё жамғариш, кўпайтириш билан машғул бўлиш — оқил кишига ярашмайдиган ҳол. Аллоҳга қасам, агар мол Аллоҳ ва Расулига итоат қилиш учун восита бўлса, неъматдир, ундан бошқаси учун бўлса, азобдир.

265 Олийҳиммат ва охират саодатини ўйлаган инсон ўзига фарз бўлган закот билангина кифояланмасдан, имкон қадар Аллоҳ ризоси учун ва Аллоҳ ҳузурдаги улуг

Аллоҳ таоло айтди:

«(У тақводор зотлар) **яхши-ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик килувчиларни севади**» (Оли Имрон: 134).

«**Сўровчи гадони эса** (бирон нарса бермасдан) **хайдаманг!**» (Ваззуҳа: 10).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Хар тонг икки фаришта (осмондан) тушадилар. Улардан бири: «Эй Аллоҳим, инфоқ-эхсон қилувчига эваз бергин», дейди. Иккинчиси: «Эй Аллоҳим, мумсик-бахилга талафот бергин», дейди*» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Аллоҳ таоло айтди: Эй одамзот, инфоқ қил, Мен сенга инфоқ қиламан*» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Агар менда Уҳуд тоғича тилла бўлса, уч кечага қолмай ҳузуримда ундан — қарз тўлаш учун олиб қўйган нарсадан бошқа — бирон нарса қолмаслиги мени хурсанд қилган бўларди*» (Муттафақун алайҳ).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Менинг олдимда мана бу Уҳуд тоғича тилла бўлиб, уч кун ўтиб ундан — қарз узишга олиб қўйган динордан бошқа — бирон динор қолган бўлишини истамаган бўлар, Аллоҳнинг бандалари ичида мана бундай қилиб сочиб юборишни истар эдим*» деб қўлларини ҳовуч қилиб, ўнг томонларига ва чап томонларига сочдилар (Муттафақун алайҳ).

Убайдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: Менга Абу Зар дедилар: «Эй жиян, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга, у зотнинг қўлларидан тутиб турган эдим, менга шундай дедилар: «*Эй Абу Зар! Уҳуд тоғича тилла ва кумуш меники бўлиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ қилиб, ўлаётган пайтимда ундан бир қийрот қолдириб кетишни истамас эдим*». «Ё Расулуллоҳ, бир қинтор (эмасми?)», дедим. «Эй Абу Зар, мен озайтирмоқчи бўлсам, сен кўпайтирмоқчи бўласан?! Мен охи-ратни истасам, сен дунёни истайсан?! Бир қийрот! Бир қийрот! Бир

қийрот!» деб такрорладилар⁽²⁶⁶⁾ (Баззор «Муснад»да келтирган, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 3491).

Асмо разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга айтдилар: *«Инфоқ-эҳсон қилинг. Санамангки, Аллоҳ ҳам сизга (ризқни ёки молни) саноқли қилиб қўяди. (Молингизни инфоқ қилмасдан олиб қўйиш мақсадида) идишга жойламангки, Аллоҳ ҳам идишга жойлаб қўяди (яъни молни сиздан тўсиб қўяди). Оз бўлса ҳам қўлингиздан келганича садақа қилинг»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй одамзот, (эҳтиёждан) ортиқча молни инфоқ қилишинг ўзинг учун яхшидир, (инфоқ қилмай) ушлаб қолишинг ўзинг учун ёмондир, (оилангга) етарли нарсани (ушлаб туришингга) айб-маломат қилинмайсан, (инфоқни) ўз қарамоғингда бўлган кишилардан бошла»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, қайси бир садақанинг ажри улуғроқ бўлади?» деб сўради. *«Танинг соғ, бахил бўлган ҳолингда, камбағалликдан қўрқиб, бой бўлишни орзу қилган ҳолингда садақа қилишинг ва (садақа қилишни) ортга сурмаслигинг, жон ҳалқумга етган пайтда: «Фалончига шунча, фалончига шунча» дейсан, энди у фалончини (яъни ворисни) бўлган бўлади»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Буср ибн Жаҳҳош ал-Қураший разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир куни кафтларига туфлаб, унга кўрсаткич бармоқларини қўйдилар ва) айтдилар: *«Аллоҳ таоло айтди: Эй одамзот, сен мени қандай қилиб ожиз қолдира олардинг, ҳолбуки Мен сени мана бу каби нарсдан яратдим, Мен қадди-қоматингни расо қилиб қўйгач, иккита бурдага (кийимга) ўралиб (гердаийиб) юрдинг, ернинг ҳам сендан шикоят-оғриқи бор, (мол-дунёни) жамғардинг, (закоату садақотини) бермадинг, жон ҳалқумга етган пайтда: «садақа қиламан» дейсан, садақа қилиш вақти аллақачон ўтган бўлади!»* (Ибн Можа, Ҳоким, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1143).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Талҳа Мадинада ансорлар ичида энг хурмоси кўп киши эди. Унинг энг суюм-

266 Қийрот — ярим дирҳам кумуш ёки бир олтин динарнинг ўндан бирига тенг. Қинторни баъзилар 1200 увқия олтинга, баъзилар 70000 мисқол олтинга, баъзилар 100 рагъл олтинга тенг дейишган.

ли мулки Байруҳо номли боғи бўлиб, у масжид рўпарасида жойлашган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга кириб, ширин сувидан ичиб турар эдилар. **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эхсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз»** (Оли Имрон: 92) ояти нозил бўлгач, Абу Талҳа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ таборака ва таоло: **«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эхсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз»** демоқда. Менинг энг суюкли мулким Байруҳо эди. У Аллоҳ учун садақа, мен унинг яхшилигини ва ажрини Аллоҳ ҳузуридан умид қиламан. Ё Расулуллоҳ, уни сиз Аллоҳ кўрсатган ўринга сарфланг», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Бай-бай, бу фойда келтирувчи (яъни ажру-савоби мўл) мол, бу фойда келтирувчи мол! Сўзларингизни эшитдим ва мен уни қариндошларингизга (тақсим) қилишингизни маслаҳат бераман»*, дедилар. Абу Талҳа: «Хўп бўлади, ё Расулуллоҳ», деди ва уни яқинлари ва амакиваччаларига бўлиб берди (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Улар кўй сўйишганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Кўй гўштидан қолдими?»* деб сўрадилар. «Фақат кураги қолди», дедилар. *«Курагидан бошқа ҳамма жойи қолибди»*, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам⁽²⁶⁷⁾ (Термизий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2544).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Зулмдан сақланинглар! Чунки, зулм қиёмат кундаги кўп зулматлардир. Бахилликдан сақланинглар! Чунки, сизлардан аввалгиларни бахиллик ҳалок қилди, уларни қонларини тўкишга ва ҳаромларини ҳалол санашга олиб борди»* (Муслим ривояти).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларига бордим, у зот Каъбанинг соясида ўтирган эдилар. Менга кўзлари тушгач: *«Каъбанинг Роббига қасамки, улар зиёнкорлардир»*, дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, улар деганингиз кимлар?», деб сўрадим. *«Улар мол-дунёси кўп одамлар, фақат олдиларига, орқаларига, ўнг ва чап томонларига мана бундай, мана бундай, мана бундай қилганлари (яъни бериб-бериб инфоқ-эхсон қилганлари) бундан мустасно, бироқ улар жуда оз»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

267 Яъни, инфоқ-эхсон ва садақа қилинган қисмининг ажри Аллоҳнинг ҳузuriда боқийдир, қолгани, яъни кураги эса ейилиб йўқ бўлиб кетади.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Садақа ўз эгаларидан қабр ҳароратини сўндиради, мўмин киши қиёмат кунини фақат ўз садақасининг сояси билан сояланади»*⁽²⁶⁸⁾ (Табароний «Ал-муъжам ал-кабир»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3484).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Махфий садақа Парвардигорнинг ғазабини сўндиради»*⁽²⁶⁹⁾ Табароний ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1908).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: Адолатли имом-халифа; Парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабдор ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши»* (Муттафақун алайҳ).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга бўлганимда у зот: *«Сизни яхшилик эшикларига йўллаб қўймайми?»,* дедилар. *«Ҳа, (йўллаб қўйинг) ё Расулуллоҳ»,* дедим. *«Рўза қалқон,⁽²⁷⁰⁾ садақа гуноҳни худди сув ўтни ўчирганидек ўчиради»,* дедилар. (Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис деган, Саҳиҳут-тарғиб: 868).

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: *«Сизлардан кимки, яримта хурмо (садақа қилиш) билан бўлса-да, дўзахдан тўсинишига қодир бўлса, шундай қилсин»* (Муслим ривояти).

268 Садақанинг катта-кичиклиги ва фойдали асарларига қараб қиёмат кунининг сояси ҳам катта-кичик бўлади. Ким қиёмат кунини кўпроқ сояда бўлишни истаса, дунёда садақани кўпайтирсин.

269 Шу ҳадисга кўра гуноҳ қилган мусулмон унинг ортидан садақа чиқариши керак. Садақа Аллоҳнинг ғазабини сўндиради ва қалбдан гуноҳ асарини кеткизади. Хусусан махфий садақа, чунки у ихлосга яқинроқдир.

270 Яъни, рўза мўминини шахват озорларидан ва унинг ҳаромга бўлган чақириғини ижобат қилишдан тўсади, сўнг у қиёмат кунини уни дўзах азобидан сақлайди. Демак, рўза ҳар икки маънодаги қалқондир.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Билолнинг олдига кирдилар, унинг олдида бир уюм хурмо бор эди. *«Бу нима, эй Билол?»*, дедилар. *«Эртанги кун учун жамғариб қўйдим»*, деди Билол. *«Эртага қиёмат кунини жаҳаннам ўтида унинг асарини кўришдан қўрқмайсизми?! Инфоқ қилинг эй Билол, Арш соҳибидан сизга камбағаллик етиб қолишидан хавф қилманг!»* (Мишкотул-масобийҳ: 1885, Албоний саҳиҳ деган).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига ансорлардан бир кишининг жаноаси олиб келинди. Унга намоз ўқигач: *«Нима мерос қолдирди?»* деб сўрадилар. *«Икки ё уч динор қолдирди»*, дейишди. *«Икки ё уч (марта ўтда) кўйдиришини қолдирибди»*, дедилар (Ибн Аби Шайба «Мусаннаф» да ва Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3483).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло баъзи кишиларни бандаларга манфаатлар етказиб туришлари учун неъматлар (қобилият ва имкониятлар) билан хослаган бўлади. Модомики, ўша неъматларни сарф қилиб туришаркан, уларни унда мустаҳкам қилади. Агар ман қилишса улардан олиб қўйиб, бошқаларга бериб қўяди»* (Ибн Абид-Дунё ва Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 2617).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ўзининг бир ер-мулкидаги омилига шундай деб ёзиб юборган экан: *«Ортиқча сувингни ман қилма (яъни қизғанма), чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким ортиқча сувини ёки ортиқча ўт-ўланини ман қилса, Аллоҳ таоло қиёмат кунини ундан Ўз фазли марҳаматини ман қилади»*, деганларини эшитганман» (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1422).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусулмонлар уч нарсада: сувда, яйловда ва ўт-оловда шерикдирлар»* (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 2004).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч нарсадан ман қилинмайди: сув, ўт-ўлан (яйлов) ва ўт (олов)дан»* (Саҳиҳ сунаан Ибн Можа: 2005).

Саид ибн Жубайр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Фақат ўз диндошларингизга садақа қилинглар»*, дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло: *«Уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зиммангизда эмас. Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эхсон*

қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўкис қайтарилади» (Бақара: 272) оятини нозил қилди. (Сўнг) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Бошқа динлар аҳлига ҳам садақа қилаверинглар»*, дедилар⁽²⁷¹⁾ (Ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2766).

Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ фазлу карам эгаларини яхши кўрувчи Соҳибкарамдир, сахийларни яхши кўрувчи Саховатпешадир, У олий хулқларни яхши кўради, тубан хулқларни ёмон кўради»* (Ибн Асокир ривояти, Саҳиҳул-жомии-сағир: 1800).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши жаннатга кириб, унинг эшигида шундай ёзувни кўрди: «Садақа ўн баробарича, қарз эса ўн саккиз баробарича (ажр билан мукофотланади)»*⁽²⁷²⁾ (Табароний «Ал-муъжамул-кабир»да ва Байҳақий «Шуабул-иймон»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3407).

 **Садақа дуруст ва мақбул бўлиши учун покиза ва ҳалолдан топиб қилинган бўлиши шарт бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло пок Зот, фақат покиза нарсани қабул қилади.**⁽²⁷³⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалар-

271 Ҳадисдан тушуниладики, мусулмонлар бошқа динларга мансуб бўлган эҳтиёжманд ва қийналган кишиларга ёрдам ва кўмак кўрсатишлари, уларга инфоқ-эхсон қилишлари жоиз, Аллоҳ розилигини истаб қилсалар бунинг учун ажрланадилар.

272 Қарз берган киши қарздорига чиройли муомала қилса, сабр-тоқат қилса, керак бўлса тўлов вақтини узайтирса, қолаверса бу яхшилиги ортидан миннат ва озорни эргаштирмаса, шундагина унга ўн саккиз баробар ажр берилади ва бу ишининг ажри садақа қилганнинг ажридан юқори бўлади.

273 Одатда кўпчилик молларининг орасига ҳаром муомала ва ҳаром тижоратдан аралашиб келиб қолган ҳаром молни садақа қилиб юборади. Биз уларга айтаемизки, Аллоҳ таоло фақат ҳалол-поқдан қилинган садақани қабул қилади. Ҳалолдан топилган бир дирҳамни садақа қилиш ўз эгаси учун ҳаромдан топилган ё ҳаром аралашган миллион динорни садақа қилгандан кўра баракалироқ ва Аллоҳ таолога суюмлироқдир.

дан инфоқ-эхсон қилинглари! Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз (га берилган тақдирда) кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳ беҳожат ва ҳамду саного лойиқ зотдир»⁽²⁷⁴⁾ (Бақара: 267).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй одамлар! Аллоҳ пок Зот, фақат покиза нарсаларни қабул қилади, Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюрди: «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглари ва яхши амаллари қилинглари!»* (Муъминун: 51), *«Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглари»* (Бақара: 172). Сўнг у зот узоқ йўл босиб, чангга беланган, қўлларини кўкка чўзиб: *«Эй Парвардигорим, эй Парвардигорим!»*, деб дуо қилаётган, бироқ егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида сўзлаб: *«Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?!»*, дедилар (Муслим ривояти).

274 Ибн Касир тафсирида айтади: «Ибн Аббос айтади: Аллоҳ таоло молнинг покизаси ва яхшисидан инфоқ қилишга буюрди, паст ва нопокини садақа қилишдан қайтарди. Шунинг учун: **«Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз (га берилган тақдирда) кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламангиз!»** деди. Яъни, ўша нарсани ўзингизга берилса, олишга оғриниб, кўз юмиб олардингиз. Шундай экан, Аллоҳ таоло ундан сизлардан кўра ҳам беҳожат, ўзингиз ёмон кўрадиган нарсани Аллоҳ таолога ажратманглари! Ҳалол молдан бурилиб, ҳаромни қасд қилиб, инфоқингизни ундан қилманглари!»

Алий ибн Аби Талҳа **«Ўзингиз (га берилган тақдирда) кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламангиз!»** ояти ҳақида Ибн Аббосдан нақл қилади: «Агар бировда сизнинг ҳаққингиз бўлса, сиз берган нарсдан кўра пастроқ нарсани олиб келса, ўзингиз берган яхши нарса ҳисобида қабул қилмайсиз, уни нуқсонли-оз санайсиз. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳам: **«кўз юмиб туриб оладиган»** дейди, яъни ўзингиз учун бўлишига рози бўлмайдиган нарсани қандай қилиб Мен учун бўлишига рози бўласиз?!»

Абдурраҳмон ас-Саъдий тафсирда айтади: «Аллоҳ таоло бандаларини тижоратларидан топган пулларидан ва ер ундириб-ўстирган дон-дун ва ҳосиллардан инфоқ қилишга ундамоқда. Бу эса тилла-кумуш, тижорат моллари ва ердан чиққан дон ва ҳосиллар закотини ўз ичига олади, бунинг ичига фарзу нафл садақалар барчаси кириб кетади. Аллоҳ таоло ушбулардан фақат покизаларини қасд қилишга, Аллоҳ йўлида садақа учун хабис — паст ва нопокларини қасд қилмасликка буюрди. Агар бировда ҳақлари бўлса, у ўшандай паст нарсани олиб келса, жирканиб ва кўз юмибгина қабул қилишлари мумкин бўлган нарсани инфоқ учун қасд қилмасликка буюрди. Садақа учун ўртача молни чиқариш вожиб, олийсини чиқариш камолдир, тубан-паст нарсани чиқариш мумкин эмас. Зеро, бу фарз ўрнини босмайди ва унда мукаммал ажру савоб ҳосил бўлмайди.»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ҳаром мол жамғариб, ўшандан садақа қилса, бунда унга ажр бўлмайди, гуноҳи унинг бўйнига бўлади»* (Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 880).

Абут-Туфайл Омир ибн Восила ал-Киноний разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ҳаромдан мол-дунё топиб, ундан қул озод қилса, силаи раҳм (қариндошларига яхшилик) қилса, бу иши унга гуноҳ бўлаверади»* (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1720).

Қосим ибн Мухаймира разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким гуноҳ ишдан пул-мол топиб, у билан силаи раҳм қилса ё уни садақа қилса ё Аллоҳ йўлида инфоқ қилса, буларнинг ҳаммасини йиғиштирилиб, уни жаҳаннамга ташланади»* (Абу Довуд ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1721).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ҳалол-покдан топиб, бир дона хурмоча нарсани садақа қилса — Аллоҳ таоло фақат покиза нарсани қабул қилади — Аллоҳ таоло уни ўнг қўли билан қабул қилади, сўнг уни сизлардан бирингиз ўз тойчоғини ўстирганига ўхшаган ўз эгасига то тоғдек бўлгунича ўстириб беради»* (Муттафақун алайҳ).

Авф ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида асо билан чиқиб келдилар. Биров бир бош ҳашаф (паст навли, яъни пишиб-етилмасдан туриб қуриб қолган пуч хурмо) илиб қўйган экан, (асолари билан) уни нуқиб туриб, дедилар: *«Шу садақанинг эгаси агар хоҳласа бундан яхшироғини ҳам садақа қилган бўлар эди, бу садақанинг эгаси қиёмат кунини ҳашаф ейди»*⁽²⁷⁵⁾ (Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 879).



Пул-мол шаръий ва ҳалол йўл билан топилган бўлиши, эгаси ҳаром-ҳариш ва шубҳа ўринларидан узоқ бўлиши ҳам молнинг ўз эгаси зиммасидаги ҳақларидан

275 Паст навли хурмони садақа қилган одамга шунчалар қаттиқ ваъид бўлса, ҳаромдан топиб садақа қилган одам ҳақида нима дейиш мумкин?!

Аллоҳ таоло айтди:

«Ким Аллоҳдан тақво қилса (қўрқса) У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур» (Талок: 2,3).

«Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Кимга Парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топширилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар (Бақара: 275).

«Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини севмайди» (Бақара: 276).

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!» (Моида: 90).

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Ҳалол аниқдир, ҳаром ҳам аниқдир. Уларнинг орасида одамларнинг кўплари билмайдиган шубҳали нарсалар бордир»**⁽²⁷⁶⁾. Ким шубҳали нарсалардан сақланса, динини ва обрўсини сақлабди. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушиб қолади. У гўё қўриқланган ер атрофида чорвасини ўтлатаётган чўпонга ўхшайдик, унинг қўйлари ўша (қўриқ ер) ичига кириб ўтлаб қолиши мумкин. Огоҳ бўлинглар, ҳар бир подшоҳнинг қўриқлари бор. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг ердаги қўриқлари Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинглар, жасадда бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса жасаднинг ҳаммаси яхши бўлади, агар у бузилса, жасаднинг ҳаммаси бузилади. Огоҳ бўлинглар, у қалбдир» (Муттафақун алайх).

276 Шубҳали нарсалардан мурод — ҳаромлиги ҳам, ҳалоллиги ҳам очиқ нас (оят-ҳадисдан олинган далил) билан маълум бўлмаган, бир жиҳатдан ҳалол, бошқа жиҳатдан ҳаром бўлиши мумкин бўлган нарсалардир, улар ҳақида фуқаҳоларнинг раъйлари турлича бўлиб, баъзилари ҳалол, баъзилари ҳаром санаган бўлади. Шу каби ҳолатларда киши ўзи билмаган ҳолда ҳаром ва ман қилинган нарсага тушиб қолмаслиги учун тақво ва вараъ (парҳезкорлик) уни бундай шубҳа ўринларидан узоқ бўлишга чақиради.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одамларга бир замон келадики, киши молни ҳалолданми, ҳаромданми, қаердан топганига парво қилмай қўяди»* (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Киши билиб туриб ейдиган бир дирҳам рибо Аллоҳ наздида ўттиз олти зинодан қаттиқроқдир»* (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1033).

Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Судхўрликнинг етмиш икки даражаси бор бўлиб, энг пастси Ислолда бўла туриб ўз онасининг номусига тажовуз қилган кабидир»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 153).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бизга хиёнат қилса, у биздан эмас. Макр ва алдов дўзахдадир»*⁽²⁷⁷⁾ (Ибн Ҳиббон, Табароний, Абу Нуайм ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1058).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ароқфурушликдан, фоҳишалик қилиб пул топишдан ва итфурушликдан қайтардилар, *«Агар итнинг (эгаси) пулини сўраб келса, унинг ҳовучини тупроқ билан тўлдир»*, дедилар (Абу Довуд, Байҳақий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1303).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч нарса борки, ҳаммаси ҳаром: ҳижома қилиб (қон олиш билан шуғулланиб) пул топиш, фоҳишалик қилиб пул топиш ва ит сотиб пул топиш, ов ити (нинг пули) бундан мустасно»* (Дорақутний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2990).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимликни ва унинг пулини ҳаром қилди, ўлимтикни ва унинг пулини ҳаром қилди, тўнғизни ва унинг пулини ҳаром қилди»* (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2976).

277 Бу — макр ва алдов ноўрин бўлган ҳамда хиёнат ва маъсиятга ишлатилган ҳолатларга хосдир. Йўқса, ҳарб-уруш ўзи макрдан иборат. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигордан у кишининг фойдаларига макр-тадбир қилишни, зиёнларига қилмасликни сўраганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг найчилик (ёки сурнайчилик) касбидан қайтарганларини эшитганман»⁽²⁷⁸⁾ (Абу Бакр ал-Халлол «Ал-амру бил-маъруф»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3275).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Яллачи (чўри)ларни сотманглар ва сотиб олманглар, уларга таълим берманглар, уларни олди-сотди қилишда яхшилик йўқ, уларни сотиб пул қилиш ҳаром, қуйидаги: «Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масҳара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор қилувчи азоб бордир»* (Луқмон: 6) *ояти шунга ўхшаганлар ҳақида нозил бўлган»*⁽²⁷⁹⁾ (Термизий, Ибн Жарир ат-Табарий тафсирда ва Аҳмад ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2922).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу уммат ичида ер ютиш, тош ёғилиш, (исёнкорларни) тўнғиз ва маймунларга айлантириб қўйиши (ҳолатлари) содир бўлади, бу эса маст қилувчи ичимликлар ичишган, ўзларига яллачилар олишган ва мусиқа асбоблари чалишган пайтда бўлади»* (Ибн Абид-Дунё «Заммул-малоҳий»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2203).

278 Бошқа мусиқа асбоблари ортидан тирикчилик қилиш ҳам худди шунга ўхшайди, ҳаммаси най ва сурнай билан бир хил ҳукмдадир.

279 Ҳадисда айtilган яллачилар қўшиқ айтиб тирикчилик қиладиган, ҳозирда қўшиқчи ва хонанда деб аталадиган кимсалардир. «Уларга таълим берманглар» дегани уларга модомики мазкур сифатда бўлсалар таълим берманглар, токи ўрганган нарсалари билан ботил ва фиску фуҷурларига куч-қувват олмасинлар, деганидир. Аммо агар уларга таълим бериш уларни тавбага ва ҳаққа қайтишга ундаса, у ҳолда уларга таълим беришда ёмонлик йўқ, иншо Аллоҳ. Ҳадис қўшиқчиларнинг ва қўшиқчиликнинг нақадар тубан даражада эканини, яъни бу чўриларнинг иши эканини, бу касб билан пул топиш ҳаром эканини очиқ-ойдин баён қилиб қўйган. Бирок, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги замонда қўшиқчиларнинг халқ ичида тутган ўрни амалли олимларнинг обрў-эътиборларидан юқори қўйиладиган бўлди, уларга олиму фозилларга кўрсатилмайдиган иззат-икромлар кўрсатиладиган, матбуот ва телевидениеларда бошқаларга берилмайдиган кенг ва асосий ўринлар бериладиган бўлган. Нега ҳам шундай бўлмасин, ахир улар золимлар эътиборида бузғунчилик, фиску-фасод, халқларни ухлатиш, фитнага солиш ва Аллоҳнинг йўлидан тўсишнинг асосий моддалари-ку!

Абу Молик ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: *«Менинг умматимдан бўлган одамлар маст қилувчи ичимлик ичадилар, уларнинг бошларида мусиқа асбоблари чалинади, яллачилар (куйлашади), Аллоҳ уларни ерга юттиради, Аллоҳ уларни маймун ва тўнғизларга айлантириб қўяди»* (Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2378).

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу умматда ер ютиш, тўнғиз ва маймунларга айлантирилиш, тош ёғилиш бўлади»*. Мусулмонлардан бири: *«Бу қачон бўлади, ё Расулуллоҳ?»* деб сўради. *«Яллачилар, мусиқалар ёйилганда, маст қилувчи ичимликлар ичилганда»*, дедилар⁽²⁸⁰⁾ (Термизий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2379).

Рофиъ ибн Ҳадид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: *«Қайси касб билан топилган пул-мол энг покиза саналади?»* деб сўралганда: *«Кишининг ўз қўли билан ишлаб топган пули ва ҳар қандай мабрур (яъни, алдов ва ҳаром аралашмаган) савдодан топилган пул»*, деб жавоб бердилар (Аҳмад, Табароний, Ҳоким ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 607).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Тўрт кимса борки, Аллоҳ азза ва жалла уларни ёмон кўради: кўп қасам ичадиган сотувчи, мутакаббир камбағал, зинокор мўйсафид ва зулмкор раҳбар»* (Насоий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 363).

Абдурраҳмон ибн Шибл разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тожирлар-савдогарлар фожирлардир»*, дедилар. *«Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ савдони ҳалол қилган эмасми?!»*, деб сўралди. *«Тўғри, лекин улар гапирганда ёлғон гапириб ва қасам ичишиб, гуноҳкор бўлишади»*, дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 366).

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг ҳузуримизга, Бақийга келдилар ва: *«Эй савдогарлар жамоаси!»*, дедилар, бошларини кўтариб қараш-

280 «Яллачилар ёйилганда» дегани худди ҳозирда бўлгани каби қўшиқчилар кўпайиб, ҳамма ёқни қўшиқчи босиб кетганда, деганидир. Улар золим тоғутларнинг халқларни бузиш, чалғитиш ва ухлатиш учун асосий қуролларидир!

гач: «Савдогарлар қиёмат куни фожир ҳолларида маҳшарга йиғилишади, фақат тақво қилганлари, ҳалол ва ростгўй бўлганлари бундан мустасно», дедилар (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1458).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий қўй етаклаб ўтиб қолди. Мен ундан: «Қўйингни уч дирҳамга сотасанми?», деб сўрадим. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ», деди, кейин эса (ўша нархга) сотди. Мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган эдим, у зот: «Охиратини дунёси эвазига сотибди», дедилар (Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 364).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Омонатли, ростгўй мусулмон савдогар қиёмат куни пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади» (Ибн Можа, Ибн Абид-дунё «Ислаҳул-мол»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3453).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳарлик бадавий (сахройи)га (нарса сотишидан ва) нарсасини сотиб беришидан қайтарганлар ва айтардилар: «Савдоларни (яъни, савдо молларини бозордан ташқарида) кутиб олманглар, биров бошқа бировнинг байи устига бай қилмасин»⁽²⁸¹⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1030).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки соъ хурмони бир соъ хурмога, икки соъ буғдойни бир соъ буғдойга, икки дирҳамни бир дирҳамга алмаштириш мумкин эмас»⁽²⁸²⁾ (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким мусулмонларга нархни

281 Чунки, бадавий — сахройи одам нарх-наволарни яхши билмайди, шу сабабли у шаҳарликка сотса ёки шаҳарликдан сотиб олса алданиб қолиши мумкин. Аммо нарх-наволарни яхши биладиган бўлса, зарари йўқ. Шунга ўхшаш, савдогарлар мол олиб келганларни бозорга кирмасидан кутиб олиб, ўша ердаёқ нарсаларини сотиб олсалар улар нархни яхши билмаганлари сабабли алданиб қолишлари ва зарар қилишлари мумкин. Шунинг учун бундай қилишдан қайтарилган, ким шу ишни қилса ҳаромни қилган бўлади.

282 Яъни, икки соъ паст навли хурмони бир соъ яхши навли хурмога алмаштириш мумкин эмас, агар шундай қилиш зарур бўлса паст навли хурмони сотиб, пулига яхши навли хурмо сотиб олиш керак бўлади. Буғдой ва дирҳам ҳам шундай, чунки аввалда дирҳам ҳар хил бўлган унинг тозаси ва қалбакиси бўлган.

қимматлаштириш мақсадида эҳтикор (монополия) қилса, у одам хаторкор-гуноҳкордир⁽²⁸³⁾» (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3362).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким битта байда икки байни қилса (олди-сотти қилса), икки байнинг арзонроқ баҳога бай бўлганининг пулини олади ё эса рибо бўлади*»⁽²⁸⁴⁾ (Абу Довуд, Ибн Аби Шайба «Мусаннаф» да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2326).

Абдуллоҳ ибн Унайс разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У ва Умар ибн Хаттоб бир куни садақа ҳақида гаплашиб қолдилар. Шунда Умар: «Сиз Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам садақадан (тақсимланишидан аввал) билдирмай (ўғирлаб) олиш ҳақида айтарканлар: «*Ким ундан билдирмай туями, қўйми олса, қиёмат куни уни елкасига ортган ҳолда келади*» деганларини эшитмаганмисиз?», деди. Абдуллоҳ ибн Унайс: «Ҳа, (эшитганман), деди⁽²⁸⁵⁾ (Ибн Можа ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2354).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Сизга омонат қўйган одамга омонатини адо этинг, сизга хиёнат қилган одамга хиёнат қилманг*» (Термизий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 423).

Абул-Хайрдан ривоят қилинади: Маслама ибн Мухаллад разияллоҳу анҳу — у Мисрга амир эди — Рувайфиъ ибн Собит разияллоҳу анҳуга ушрларни йиғиш ишига бош бўлишни таклиф қилганида у: «Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Солиқ йиғувчи дўзахда*» деганларини эшитганман», деди⁽²⁸⁶⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3405).

283 Эҳтикор (монополия қилиш) — одамларнинг эҳтиёжи тушадиган молларни йиғиб олиб, талаб кучайган пайтда қимматроқ нархда сотиш мақсадида бозорга чиқармай ушлаб туришдир.

284 Бир байда икки бай қилиш дегани — битта нарсани сотаётганда икки нарх айтади: нақдга бунча, насияга мана бунча деб, мисол учун, харидорга: «Бу матонинг нархи нақдга 100, насияга 150 дейди. Харидор ҳам нақдга ё насияга олишини айтмай мубҳам ҳолатда бор-барака қилади, бундай қилиш ҳаром ва рибонинг бир туридир. Шундай қилган ҳолатда сотувчи 100 олиши керак акс ҳолда рибо қилган бўлади.

285 Омманнинг мулкидан ўғирлаб оладиган киши ҳам хоҳ ҳоким бўлсин, хоҳ маҳкум бўлсин, худди шунга ўхшайди.

286 Яъни, солиқ йиғувчидан мурод — одамлардан ноҳақ солиқ ундиришга ҳаракат қиладиган одамдир.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло бир қавмга бир нарсани ейишни ҳаром қилса, уларга унинг пулини ҳам ҳаром қилган»*⁽²⁸⁷⁾ (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2978).

Абу Ҳумайд ас-Соидий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дунё талаб қилишда ўртача бўлинглар, чунки ҳар ким тақдирида ёзилган нарсага эришадди»* (Ибн Можа, Ибн Аби Осим «Сунна»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 898).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар одамзот ўз ризқидан ҳам худди ўлимдан қочгандек қочганида эди, ризқи ҳам уни худди ўлим қувиб етганидек қувиб етган бўлар эди»* (Абу Нуайм «Ҳиля»да, Ибн Асокир ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 952).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ризқни кечикмоқда деманглар»*⁽²⁸⁸⁾, чунки банда ўзининг охирги ризқига етишмагунча ўлмайди. Шундай экан, ризқ талаб қилишда ҳалолни олиб, ҳаромни тарк қилиб, ўртача бўлинглар» (Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2607).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу динор ва дирҳам сизлардан илгари ўтганларни ҳалок қилди, сизларни ҳам шу иккиси ҳалок қилади»*⁽²⁸⁹⁾ (Абу Муҳаммад ибн Шайбон ал-Адл «Фавоид»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1703).

287 Ҳадис ўзгармас бир қоидага йўллайди: Нима нарсани ейиш ҳаром қилинган бўлса, уни сотиб, пулини ейиш ҳам ҳаромдир.

288 Яъни, ризқнинг кечикиши сизларни уни ҳаром йўллар билан талаб қилишга олиб бориб қўямасин, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса Унинг маъсияти билан талаб қилинмайди. Ҳадисда ризқ талаб қилишда ўртача бўлишнинг маъноси ҳалолни олиш ва ҳаромни тарк қилиш экани тушунтириб берилган.

289 Мол қўлда эмас, қалбда бўлганда ва пул-мол бошқа нарсага восита бўлиш ўрнига, ўзи талаб қилинадиган асосий ғояга айланганда мана шундай бўлади. Акс ҳолда мол-дунё мазаммат қилинмайди.



Исроф қилмай ва қисиб-қимтимай машруъ ва мубоҳ ўринларга сарф қилиниши ҳам молнинг ҳаққидандир

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй Одам болалари, ҳар бир намозни адо этаётганда зийнатлангингиз (яъни авратларингизни беркитадиган тоза либосда бўлингиз) ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилувчи кимсаларни севмас» (Аъроф: 31).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини ато этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг! Чунки исроф қилувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир»⁽²⁹⁰⁾ (Исро: 26,27).

«(Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг, (исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва надоматда қолурсиз» (Исро: 29).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилла ва кумуш идишда еб-ичишдан қайтардилар» (Насоий, Байҳақий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3568).

Умму Салама разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Тилла ва кумуш идишда ичадиган киши қорнига жаҳаннам ўтини симираётган бўлади*» (Табароний «Ал-муъжамул-кабир»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3417).

Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан (Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан) ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Исроф қилмай ва кибр аралаштирмай енглар, ичинглар, садақа қилинглар ва кийининглар*» (Насоий, Ибн Можа ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2146).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, менинг умматимдан бўлган одамлар кибр ва туғён билан, беҳуда ўйин-кулгилар билан кечани ўтказишади-да, ҳаромни ҳалол санашигани, қўшиқчи аёлларга берилишигани, маст қилувчи ичимлик ичишигани, судхўр-*

290 Исроф эҳтиёждан ортиқча кўп сарфлашдир. Табзир эса молни маъсиятларга совуришдир. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан мубаззирлар (исрофгарлар) ҳақида сўралганда: «Ноҳақ сарф қилувчилар», деб жавоб берган.

лик қилишгани ва ипак либослар кийишгани боис маймун ва тўнғизларга айланган ҳолда тонг оттиришади» (Абдуллоҳ ибн Аҳмад «Завоид»да келтирган, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2377).

Фотима разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ноз-неъматлар билан тўқ, анвои хил таомлар ва турли-туман либослар истайдиган, гапни олиб қочадиган (мақтанчоқ) кимсалар умматимнинг энг ёмон кишилари*дандир» (Аҳмад «Зухд»да, Ибн Абид-Дунё «Ал-жуъ»да ва бошқалар ривояти, (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1891).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Умматим орасида ҳали шундай кишилар бўладики, анвои таомлар ейишади, турли-туман ичимликлар ичишади, хилма-хил кийимлар кийишади, гапни олиб қочишади, улар умматимнинг энг ёмон кишилари*дир» (Ибн Абид-Дунё ва Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2147).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оилалари билан кечки таом бўлмаганидан бир неча кечаларни оч ўтказиб юборар, аксарият нонлари арпа (унидан) бўларди»⁽²⁹¹⁾ (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2119).

291 Биламан, аслида бу ҳадиснинг ўрни бу ер эмас, зеро мавзу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлари ҳақида эмас. Уни бу ерда зикр қилишим сабаби — ўзларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматига нисбатлайдиган ҳаддан ошувчи, исрофгар кимсаларга айтмоқчиманки: «Кўзингизни очинг, Аллоҳдан қўрқинг, улуғлик ва шарафга исроф ва табзир орқали эришилади, деб хомхаёл қилманг! Мана, қаранг, халқларнинг саййиди, пешвоси, шараф чўққиси, Аллоҳга энг маҳбуб зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оилалари билан ейишга таомлари бўлмаганидан тунларни оч ўтказардилар, аксарият ейдиган таомлари арпа нон бўларди. Ҳолбуки, агар истасалар у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун Аллоҳнинг изни билан тоғлар тиллага айлантириб берилиши мумкин эди. Лекин у зот бунни ҳам истамадилар, қўлларига тушиб турган мол-дунёни ҳам истамадилар. Балки, дунёдан охиратни устун қўйдилар, қўлларига мол тушиши биланок уни фақир мискинларга инфоқ қилиб юборардилар. У зотнинг бу кунларни кўрганлари йўқчиликдан эмасди, балки борини сарф қилиб юборишдан эди. Бунга далиллар тарих китобларида тўла.



Молни ақлсиз кимсалар⁽²⁹²⁾ қўлига топшириб қўйилмаслиги ва ҳеч қандай назоратсиз, ҳисоб-китобсиз, ўзлари хоҳлагандек тасарруф қилишларига йўл қўйилмаслиги ҳам молнинг ҳаққидан саналади

Аллоҳ таоло айтди: «(Қўл остингиздаги) **ақлсиз кимсаларга Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни бериб қўймангиз!**» (Нисо: 5).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, Аллоҳга дуо қилсалар дуолари ижобат қилинмайди: хулқи ёмон хотини бор бўлиб, уни талоқ қилмаган киши; бошқа бир кишида моли бўлиб, унга гувоҳ ҳозир қилмаган киши; молини ақлсиз кимсага берган киши. Аллоҳ таоло айтди: «(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни бериб қўймангиз!»* (Нисо: 5). (Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 3075).



Молини ноҳақ тортиб олмоқчи бўлсалар, унинг ҳимояси учун уришиш Аллоҳ йўлида жанг қилиш саналади⁽²⁹³⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«Улар ўзларига зулм етган вақтда (унга қарши курашиб) ғолиб бўладиган зотлардир» (Шуро: 39).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, агар биров келиб, молимни тортиб олмоқчи бўлса, нима қилишим керак?», деб сўради. «*Молингни унга берма*», дедилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Агар у мен билан уришса-чи?», деб сўради. «*Сен ҳам уриш*», дедилар. «Мени ўлдириб қўйса-чи?», деди. «*Сен шаҳид бўла-*

292 Ақлсиз киши — пул-молни тўғри тасарруф қила олмайдиган, тадбир билан ишлата билмайдиган, уни номуносиб ўринларга, ношаръий жойларга сарфлайдиган, оқибатлари ҳақида ўйлаб ўтирмай исроф билан соғурадиган кишидир.

293 Мусулмоннинг молига ёмонлик қасдида бўлганларга қарши курашиш Исломдаги жиҳод мақсадларидан саналади.

сан», дедилар. «Мен уни ўлдирсам-чи?», деди. «У дўзахда бўлади», дедилар (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким молини деб ўлдирилса, у шаҳиддир*» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Кимнинг молига ноҳақ қасд қилинса, шунда уришса ва ўлдирилса, у шаҳиддир*» (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1174).

Ибнул-Муборак раҳимаҳуллоҳ айтади: «Моли икки дирҳам бўлса-да уни ҳимоя қилиб жанг қилади-уришади»⁽²⁹⁴⁾ (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 2:62).



Уришиш тажовузкорни қайтаришнинг охириги чорасидир

Мухориқ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Биров келиб, молиمنى ноҳақ олмоқчи бўлса (нима қиламан?)», деб сўради. «*Унга Аллоҳни эслат*», дедилар. «Эсламаса-чи?», деди. «*Атрофингдаги мусулмонларни ёрдамга чақир*», дедилар. «Атрофимда бирорта ҳам мусулмон бўлма-са-чи?», деди. «*Султондан ёрдам сўра*», дедилар. «Султон мендан юз ўтгирса-чи?», деди. «*Молингни ҳимоя қилиб уриш, ё охиратда шаҳидлардан бўласан ё эса молингни сақлаб қоласан*», дедилар (Саҳиҳ сунан ан-На-соий: 3803).

294 Лекин, уришишдан олдин вазиятни яхшилаб ўрганиш, мол эгасининг кучи билан тажовузкорнинг кучини, оқибат ва натижаларни ўлчай билиш лозим бўлади. Агар мол эгасининг кучи тажовузкорнинг кучига тенг бўлиб, молини кутқариб қолиш имконияти 50%дан кам бўлмаганда, натижа қандай бўлишидан қатъий назар, уришишни оқлаш мумкин, юқоридаги нас (оят-ҳадис)ларни шу каби ҳолатларга қўлланади. Аммо мол эгаси тажовузкорларга уларнинг сони, кучлари, қўлларида бўлган қурол-яроқлари туфайли кучи етмаслигини, агар уришишга киришгудек бўлса, молини кутқариб олиши у ёқда турсин, жонидан ҳам айрилиб қолишини аниқ билса, у ҳолда нақл ҳам, ақл ҳам уни уришишдан тийилишга чақиради, кичикроқ зарар эвазига катта зарардан сақланишни талаб қилади, яъни молига зиён етиши билан чекланиши, молини ҳам, жонини ҳам бирдек хатарга қўймаслиги лозим бўлади.

Аллоҳ таолодан ҳалолдан ато этиб, ҳаромдан асрашини, Ўзининг ҳалоли билан ҳаромидан, Ўзининг фазлу карами билан Ўзидан бошқалардан беҳожат қилишини сўраймиз. У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.



ЙЎЛНИНГ ҲАҚҚИ



Йўл омманинг ҳаққи, бировнинг шахсий мулки эмас, кимда-ким йўл устида ўтирса унинг ҳаққини адо этиши зарур⁽⁽²⁹⁵⁾⁾

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **мўминларга айтинг, кўзларини** (номахрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!**» (Нур: 30).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Кўчаларда ўтирманглар*» — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, баъзан гаплашиб ўтиришга мажбур бўлиб қоламиз» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Агар ўтиришга мажбур бўлиб қолсангиз, йўлнинг ҳаққини ўтаб қўйинглар*» — дедилар. «Йўлнинг ҳаққи нима, ё Расулуллоҳ?» дейишди. «*Ўтган-кетганга* кўзни тикмаслик, озор бермаслик, салом берганга алик олиш ва маъруф-яхши ишларга буюриб, мункар-ёмон ишлардан қайтариш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Талҳа Зайд ибн Саҳл разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: уйимизнинг олдида гаплашиб ўтирган эдик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб қолдилар ва: «*Нега йўлда ўтирибсизлар?!*», дедилар. Биз: «Шунчаки ўтирибмиз, гаплашиб», дедик. «*Ўтирмасликнинг иложи бўлмаса, унинг ҳаққини адо қилиб қўйинглар: кўзни тийиш, саломга алик олиш ва яхши сўзлар сўзлаш*», дедилар (Муслим ривояти).

295 Йўл бўйларидаги чойхона ва истирохатхоналарда ўтирувчилар ҳам шу ҳукмдадир.

Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Йўлларда ўтиришдан сақланинглар! Агар ўтирмасликнинг иложи бўлмаса, йўлнинг ҳаққини ўтаб қўйинглар!»*. «Унинг ҳаққи нима?» деб сўралди. *«Кўзни (ҳаромдан) тийиш, саломга алик олиш ва адашганни йўллаб қўйиш»*, дедилар (Таҳовий «Мушкилут-осор»да, Баззор «Муснад»ида келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2501).

Баро разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлар ўтирган жойдан ўтиб қолдилар ва: *«Ўтирмасликнинг иложи бўлмаса, (адашганни) йўллаб қўйинглар, саломга алик олинглар ва мазлумга ёрдам беринглар»*, дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1561).

Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлаш садақа, иймон ва йўлнинг ҳақларидан бир ҳақдир

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Умматимнинг яхши амаллари ҳам, ёмонлари ҳам менга кўрсатилди. Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашнинг яхши амаллари ичида кўрдим, масжид ичида бўлган, кўмиб қўйилмаган балғам (тупурги)ни ёмон амаллари ичида кўрдим»* (Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Йўлдан озор берувчи нарсани четлатасиз, (шу ҳам) садақа»* (Муттафақун алайҳ).

Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳар бир инсон уч юз олтмиш бўғим билан яратилган. Ким Аллоҳга такбир айтса, ҳамд айтса, таҳлил айтса, тасбеҳ айтса, истиғфор айтса, одамларнинг йўлидан битта тошни четлатса ёки битта тикан ё суякни олиб ташласа ёки амри маъруф қилса ё наҳий мункар қилса ва бу амалларнинг сони уч юз олтмиш бўғим ададича бўлса, ўша кун у ўзини дўзахдан узоқлатган ҳолда юради»* (Муслим ривояти).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: *«Ё Расулуллоҳ, мени бирон ишга буюринг, шуни қилиб юрай»*, дедим. *«Йўлдан озорни четлатинг, шу сиз учун садақа бўлади»*, дедилар (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Ибн Наср «Салот»да, Аҳмад ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1558).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, мени ўзим учун фойдали бўлган бирон ишга йўлланг», дедим. «Мусулмонларнинг йўлидан озорни четлатинг», дедилар (Абу Бакр ибн Аби Шайба «Ал-адаб»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2373).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Биродаринг юзига табассум билан боқишинг садақа, амри маъруф ва наҳий мункар қилишинг садақа, адашиб қолган кишини йўлга солиб қўйишинг сен учун садақа, кўзи яхши кўрмайдиган одамга кўз бўлишинг⁽²⁹⁶⁾ сен учун садақа, йўлдан ахлат, тикан ва суякни олиб ташлашинг сен учун садақа, челагингдан биродаринг челагига сув қуйиб беришинг сен учун садақа» (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 572).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Йўл устидаги мусулмонларга озор берадиган бир дарахт (бута)ни кесиб ташлагани сабабли жаннатда кезиб юрган бир кишини кўрдим» (Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Бир киши йўл устида ётган бир дарахт шохи ёнидан ўтиб қолди ва: «Аллоҳга қасамки, шуни мусулмонлардан четлатиб қўяман, уларга озори тегмасин», деди, сўнг шу иши сабабли жаннатга киритилди».

Бир ривоятда: «Бир киши йўлда бораётиб, йўл устида ётган бир тиканли бутага кўзи тушиди ва уни йўлдан четлатиб қўйди. Аллоҳ ундан мамнун бўлиб, гуноҳини мағфират қилди» (Муслим ривояти).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким мусулмонларнинг йўлидан уларга озор етказадиган нарсани олиб ташласа, бу иши сабабли Аллоҳ унга битта ҳасана-ажр ёзади, кимга Ўз ҳузурида ҳасана ёзган бўлса, шу сабабли уни жаннатга киритади»⁽²⁹⁷⁾ (Табароний «Ал-авсат»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2306).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳечам яхшилик қилмаган бир одам

296 Яъни, кўзи заиф одамга йўлдан ўтишига ёки бошқа эҳтиёжларига ёрдам беришингиз садақадир.

297 Одамларнинг йўлидан озорни четлатган кишига шу қадар улуғ ажру-савоблар ва тарғиблар бор бўлишига қарамасдан, бизнинг замонимизда ахлатларини йўлдан четлатиш уёқда турсин, ўз уйлари ёнидан ҳам олиб қўйишга ор қиладиган, бу иш билан машғул бўлувчи одамларни камситадиган кимсалар кўпдан-кўп топилади!

йўлдан бир тиканли шохни олиб ташлади, — ё дарахтдаги шохни кесиб, четга улоқтирди, ё эса йўлга ташланган шохни четга олиб қўйди, — Аллоҳ унинг бу ишидан мамнун бўлиб, уни жаннатга киритди»⁽²⁹⁸⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 4367).

Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлаш иймоннинг бўлак-ларидан биридир⁽²⁹⁹⁾

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Иймон етмишдан ортиқ бўлакдир, афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш, энг қуйи бўлаги йўлдан озорни четлатиш, ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир»*⁽³⁰⁰⁾ (Муттафақун алайҳ).

Одамларнинг йўлларига ё соя-салқин жойларига бўшанадиган (ҳожат ушатадиган) ёки йўллари устида уларга ҳар қандай йўл билан озор етказадиган кишилар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Лаънатга сабаб бўлувчи икки ишдан эҳтиёт бўлинглар»*, дедилар. Саҳобалар: *«Лаънатга сабаб бўлувчи икки иш*

298 *«Ҳечам яхшилик қилмаган»* деган сўзларидан мурод — тавҳиддан ташқари бирон яхши амал қилмаган деганидир. Чунки, ширк устида бўлган кимсага ҳеч қандай яхши амал, ҳар қанча катта бўлмасин, фойда бермайди. Аллоҳ таоло айтди: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб колурсан!»** (Зумар: 65), **«Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди»** (Анъом: 88).

299 Йўлдан озору азиятни четлатиш динида ибодат, садақа ва иймоннинг бир бўлаги саналадиган, шунга қарамасдан йўллари, шаҳарларининг кўчалари ахлатга тўлиб ётадиган умматдан ажабланиман!!

300 Ҳадисдан амаллар иймон номи ичига кириши, иймон бир-биридан фарқли бўлиши ва баъзиси баъзисидан афзал ва юқори бўлиши, энг афзали тавҳидга гувоҳлик бериш, энг қуйиси йўлдан озорни четлатиш экани тушунилади.

нима?», деб сўрашди. «Одамларнинг йўлларига ёки салқинлайдиган жойларига қазои ҳожат қилиш», дедилар (Муслим ривояти).

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Учта лаънатга сабаб бўлувчи ишдан: сув оладиган жойларга, йўл устларига ва соя-салқин жойларга қазои ҳожат қилишдан сақланинглар*» (Саҳиҳ сунав Абидовуд: 21).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким мусулмонларга уларнинг йўлларида озор берса, унга уларнинг лаънати вожиб бўлади*»⁽³⁰¹⁾ (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2294).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким мусулмонларнинг йўлларида бирон обод йўл устига қазои ҳожатини чиқарса, унга Аллоҳнинг, малоикаларнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин*» (Ҳоким «Мустадрак»да саҳиҳ санаган (1:186), Заҳабий унга мувофиқ келган, Албоний «Ирвоъ»да (1:101) уни қувватловчи иккита шохид борлигини айтган).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Йўллар ўрталарига қўнманглар ва улар устига қазои ҳожат қилманглар!*»⁽³⁰²⁾ (Абу Бакр ибн Абидов Шайба «Ал-адаб»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2433).

Муоз ибн Анас ал-Жуҳаний разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан фалон-фалон ғазотда бўлдим. (Сафар асносида) одамлар жойларни торайтириб, йўлни тўсиб қўйишганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жарчи юбориб, одамлар ичида: «*Ким жойни торайтурса ёки йўлни тўсиб қўйса, унинг жиҳоди жиҳод эмас*» деб жар солдирдилар (Саҳиҳ сунав Абидовуд: 2629).

301 Ҳадисда айтилган лаънатни вожиб қилувчи озордан мурод — одамларга уларнинг йўлларида озор бўладиган ҳар қандай озору азиятлардир.

302 Яъни, сафар асносида дам олиш учун йўл ўртасига тушманглар, юкларингизни ҳам туширманглар. Айниқса серкатнов, гавжум бўлган асосий йўлларга. Бу одамларга озор келтирадиган ишлар жумласидан ва омманинг ҳаққига тажовуз саналади. Ушбу тақиқ ва қайтариқ бизнинг давримиздаги енгил ва юк автомобиллари эгаларига ҳам тааллуқли, улардан кўплари автоуловларини тўғри келган ва ўзлари маъқул кўрган жойларга тўхтатиб қўйишади, бу ишлари қатновга ҳалақит беришига ва йўлларни тўсиб қўйишига парво ҳам қилишмайди. Яна ўзларини яхши иш қилувчи одамлар қаторида санашади!



Йўл устида намоз ўқишдан қайтарилган

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Катта йўл устида намоз ўқиманглар ва улар устига қўнманглар!»* (Ҳайсамий «Мажмаъуз-завоид»да айтади: «Абу Яъло саҳиҳ санад билан ривоят қилган, Абу Довуд ва бошқалар қисқартириб ривоят қилишган).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Йўл устларида дам олиш учун тўхташдан ва уларда намоз ўқишдан сақланинглар, чунки улар илонлар ва ваҳший ҳайвонларнинг манзилларидир. Улар устида қазои ҳожат қилишдан сақланинглар, чунки бу лаънатга сабаб бўлади»* (Мунзирий «Ат-тарғиб ват-тарҳиб»да айтган: «Ибн Можа ривоят қилган, ровийлари ишончли).

Сайёр ибн Маърурдан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу хутба қилиб туриб айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу масжидни бино қилдилар, биз муҳожир ва ансорлар у зотнинг ёнларида бўлдик. Тиқилинч қаттиқ бўлиб кетса, сизлардан бирингиз биродарининг орқасига сажда қилсин!». Йўлда намоз ўқиётган одамларни кўриб: «Масжидда ўқинглар», дедилар (Аҳмад «Муснад»да (217) ривоят қилган, Аҳмад Шокир иснодини саҳиҳ санаган).



Йўл ўртасида юриш аёлларга лойиқ эмас⁽³⁰³⁾

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Йўлнинг ўртаси аёллар учун*

303 Бу — иймон келтирган кишилар ичида фаҳш ёйилишини истайдиган кимсалар тасвирлаётгани каби — уларни кўзга илмаслик ва ҳуқуқларини камситиш қабиладаги ишлардан эмас. Аксинча, уларга озор етмаслиги ва улар ҳам бошқаларга озор етказмасликлари учундир. Аёллар — айниқса тиқилинч йўлларда — йўлнинг ўртасида юрадиган бўлсалар, тиқилинчда эркаклар ичида қисилиб, уларга урилиб, тўқнашиб юришларига тўғри келади. Бу билан ўзларига ахлоқсиз, заиф иймонли кишилар томонидан озор етишига, бошқаларга (яхшиларга) эса уларга тегиб кетиш ё кўзлари тушиш билан дилларига озор етишига сабаб бўладилар.

эмас» (Ибн Ҳиббон, Ибн Адий ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 856).

Абу Усайд ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиддан чиқиб келаётган эдилар, йўлда эркак-аёл аралашиб кетишди. Шунда у зот аёлларга: *«Орқага ўтинглар! Йўлнинг ўртасида юриш сизларга муносиб эмас, йўлнинг четларини лозим тутинглар!»*, дедилар. Шундан сўнг аёл киши деворга яқин юрадиган бўлди, ҳатто деворга ёпишиб юрганидан баъзан кийими деворга илашиб қоларди (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 4392).

Йўлларда саломлашув одоби

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар бир қавм олдидан бир неча киши ўтса, улардан бири ўтирганларга салом берса ва ўтирганлардан бири унга алик олса, уларга ҳам, буларга ҳам шу кифоя қилади»*⁽³⁰⁴⁾ (Абу Нуайм «Ҳиля»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1412).

Зайд ибн Аслам разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Отлиқ пиёдага салом беради, қавмдан бир киши салом берса, қолганларига ҳам шу кифоя қилади»* (Молик ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1148).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отлиқ пиёдага, ўткинчи ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради»*⁽³⁰⁵⁾ (Муттафақун алайҳ).

Шунинг учун йўлнинг ўртасида юрмасдан, имкон қадар йўл четларини лозим тутсалар, озордан саломат бўлишади.

304 Яъни, ўткинчилардан бири салом берса ва ўтирганлардан бири алик олса, ҳар икки жамоадан фарзлик соқит бўлади, қолганлар саломлашишни истасалар, бу мандуб — мустаҳаб саналади.

305 Озчилик кўпчиликка салом бериши ҳар икки гуруҳ юқорида айтилган васфда баробар бўлган ҳолда бўлади. Бўлмаса, юқоридаги ҳадисларда баёни келганидек, отлиқ пиёдага — агарчи отлиқлар пиёдалардан кўп бўлса ҳам — салом беради, ўткинчи ўтирганга — гарчи ўткинчилар сони кўп бўлса ҳам — салом беради, валлоҳу аълам.



Ҳовлиқмасдан, ўртача тезликда юриш

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: *«Иқоматни эшитсангиз, намозга қараб юринглар. Вазминлик билан, хотиржам юриб келинглар, шошилманглар. Етган жойингиздан ўқийверинглар, улгурмаганингизни кейин тўлдириб қўйинглар»*, дедилар⁽³⁰⁶⁾ (Муттафақун алайх).



Йўлнинг кенглиги қанча бўлиши керак⁽³⁰⁷⁾

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар йўл тўғрисида ихтилоф қилсанглар, унинг кенглиги етти газ қилингандир»* (Муслим ривояти).

306 Энг улуғ ва Аллоҳга энг суюмли амал бўлмиш намозга қараб ҳаракатланишда тапир-тупур қилиб югурмасликка, гарчи жамоат намози ёки унинг бир неча рақъати ўтиб кетиб қолса ҳам, ошиқмасдан, хотиржам юриб келишга буюриб: *«Вазминлик билан, хотиржам юриб келинглар, шошилманглар»*, дедилар. Бу буйруқ отлиққа ҳам, пиёдага ҳам бирдек тегишли саналади. Банда энг шошилиши лозим бўлган намозгаки шундай хотиржам юриб келишга буюрилган бўлса, энди намоздан ҳам зарурроқ бўлмаган бошқа эҳтиёж ва ишларига боришда албатта ҳовлиқмасдан, оғир-вазминлик ва хотиржамликини қўлдан бермай юриб бориши лозим бўлади. Хусусан, автоуловда бораётган пайтда ушбу йўлланмага қатъий амал қилиш, тезликни белгиланган миқдордан ошириб, ҳодиса ва фожеаларга, одамларнинг ҳалокати ва мажруҳ бўлиб қолишига сабаб бўлмаслик керак. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, енгил ва оғир автомашиналар, поездлар ва бошқа нақлиёт воситалари ҳаракатланишида кескин ривожланиш бўлган ҳозирги даврда ҳайдовчилар ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солиб турувчи, машиналар тезлигини чеклаб берувчи, қачон ва қаерда тўхташ, қачон ҳаракатланиш, ортилган юк вазни ва шу кабиларни белгилаб берувчи йўл қоидаларига жиддий риоя қилмасдан туриб манзилга хавф-хатарсиз ва тинч-омон етиб олиш ғоят мушкул бўлиб қолди. Шариатимизда машҳур қоида борки: *«Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарсани қилиш ҳам вожиб»*. Шундан келиб чиқиб айтамикки, отлиғу пиёда, барча одамлар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари йўлнинг ҳақларидан саналади. Ушбу қонун-қоидалар бир тарафдан, идоровий-танзимий (бошқарув ва тартибга солиш) қоидалари бўлиб, Ислом шариати, мезон ва ўлчовларига зид келмайди. Иккинчи тарафдан, уларга риоя қилиш билан барчага бирдек умумий бўлган оммавий манфаат вужудга келган ва очиқ-ойдин кўриниб турган зарарни даф қилинган бўлади. Шундай экан, нақл ҳам, ақл ҳам ушбу қонун-қоидаларга амал қилиш лозим эканига, уларга амал қилмаган киши гуноҳқор бўлишига далолат қилади, валлоху аълам.

307 Чунки, айрим одамлар борки, нафси бузуқлик қилиб, уйлари кўчага чиқариб

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Йўлни етти газ қилинглари!» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 1893).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Йўл хусусида келишмай қолсанглари, уни етти газ қилинглари!» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 1894).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким йўл четида бино қурса, йўлга етти газ ташласин. Ким бино қурса, қўшнисининг деворига суяб қурсин. Ўзаро ихтилоф қилманглари, (савдода) бир-бирингизни алдаманглари, (эшикларингизни) бозорга қаратиб қилманглари»⁽³⁰⁸⁾ (Ибн Жарир ат-Табарий «Муснад Ибн Аббос»да ривоят қилган, Маҳмуд Муҳаммад Шокир таҳрижда (2:774) санадини саҳиҳ деган).

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

Дуоларимизнинг сўнггида — бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар айтамыз.

* * * * *

қуришади ва одамларга йўлни торайтириб, йўлнинг ҳаққига ҳам, ўткинчилар ҳақ-ҳуқуқларига ҳам зулм қилишади.

308 Ушбу ҳадисда қайтарилган савдода бир-бирини алдаш (таножуш)дан мурод шуки, бир киши сотиб олиш мақсади бўлмаган ҳолда, бошқа бировни уни олишга қизиқтириш учун — аксарият ҳолларда мол эгаси билан келишган ҳолда — молнинг нарҳини ошириб сўрайди ва яхши нарх берганини таъкидлайди, мол эгаси бермаган бўлади-да сўнг у кетади, буни кузатиб турган бошқа биров уни ўша нархда ёки бироз ошириб сотиб олишга мажбур бўлади. Алдовнинг замонавий кўришларидан яна бири шуки, дўкон эгаси молларининг нарҳини ошириб ёзиб, остига ундан кўра арзонроқ бошқа нархни ёзиб қўяди, сўнг одамларни қизиқтириш учун ўша дўконда нархлар фалон фоизга арзонлаштирилганини эълон қилади!

Эшикларни бозорга қаратиб қилмасликка буюришдан мақсад, бозордаги шовқин-сурон ва бошқа нарсалар билан озорланмаслик, шунингдек бозорчиларга ҳам озор етказмаслик учундир.





ХОДИМ ЁКИ ҚУЛНИНГ ИШ БЕРУВЧИ ЁКИ ХЎЖАЙИНИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ



Аллоҳ таоло одамларни бир-бирлари билан имтиҳон қилиш учун ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб ишлатиши учун уларни тирикчилик ва ризқда паст-баланд қилгани Унинг Ўз махлуқотидаги фитрати (қонунияти)дир⁽³⁰⁹⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзи-

309 Аллоҳ таолонинг бу дунёда ўз махлуқотига берган неъматларидан бири — одамлар бир-бирларининг камчиликларини тўлдиришлари ва шу билан дунё обод бўлиб, ҳаёт давом этиши учун барча одамларни ризқ ва тирикчиликда баробар ва бир хил қилмади. Тасаввур қилинг, ҳамма одам подшоҳ бўлса ёки ҳамма табиб ё дурадгор ё темирчи ё тожир ёки қандай бўлмасин бир хил касб-ҳунар эгаси бўлса, рағбат ва қизиқишлари бир хил бўлса, ҳамма ишда бир хил савияда бўлсалар, унда ҳаёт қандай бўлган бўларди?! Шубҳасиз, у ҳолда одамзотнинг ҳаёти жуда оғирлашиб кетган бўларди, чунки дунё бундай тартиб-низом билан обод бўлиши мумкин эмас.

Лекин, одамларнинг ризқ, тирикчилик ва қизиқишларидаги Аллоҳ таоло тақдир қилиб қўйган бундай тафовутлари кучлининг заифга зулм қилишига, каттанинг кичикка зўравонлик қилишига, бойнинг камбағалга зуғум ўтказишига сабаб бўлмаслиги керак. Шунингдек, кичикнинг каттага забондарозлик қилишига, камбағалнинг бойнинг мулкига қўз олайтиришига ҳам сабаб бўлмаслиги лозим. Бу — каттани кичикка меҳр-шафқат кўрсатишга, кичикни эса каттани ҳурмат қилишга чақирган самовий шарият ман қилган ишлардан саналади.

Савол туғилиши мумкин: Аллоҳ таоло одамларнинг ҳаммасини ризқда, тирикчилик ва мансабда баробар қилиб қўйса бўлмасмиди?

ларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати эса улар тўплайдиган нарса (мол-дунё) ларидан яхшироқдир»⁽³¹⁰⁾ (Зухруф: 32).

«Аллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди» (Наҳл: 71).

««Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Аллоҳ инъом қилган эмишми?» — дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир шукр қилувчиларни Аллоҳ яхшироқ билувчи эмасми?!» (Анъом: 53).

«Лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (шундай қилди)» (Муҳаммад: 4).



Ходим ёки қулга паст назар билан қарамаслик, унга меҳр-муруват кўрсатиш ва яхшилик қилиш, у ҳам хожа еган таомдан ейиши ва кийган кийимдан кийиши, тоқатидан ташқари ишга буюрилмаслигининг лозимлиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтди: «Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшница, ёнин-

Жавоб шуки, аввало бу Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси, Аллоҳ таоло қилган ишидан сўралмайди. Иккинчидан, дунё ҳаёти абадий яшаш ва мукофот олиш ҳовлиси эмас, балки амал қилиш, тобланиш, синов ва имтиҳонга солиниш ҳовлиси. Имтиҳон эса куч-қувватда, ризқда, тирикчилик йўлларида инсонлар ўртасида тафовут бўлишини тақозо қилади. Шунда бой камбағал орқали, камбағал бой орқали синалади, кучли кучсиз орқали, кучсиз кучли орқали имтиҳон қилинади. Яъни, Аллоҳ ҳар иккисига тақсим қилиб қўйган ризқу насибаларда улар бир-бирини Аллоҳ пайғамбарлари орқали буюрганидек риоя қилишяптими, йўқми? Ҳар иккиси ўзларининг ҳолатларидан келиб чиқиб Аллоҳга тоат ва ибодатни рўёбга чиқаришяптими, йўқми? Шунга қараб ҳар иккиси қиёмат кунда, дунёдаги барча фарқлар йўқолган, фақат тақво ва амали солиҳга қараб биров бировдан афзал бўладиган кунда жазо ва мукофотларига эришадилар.

310 Ибн Касир «баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун» ояти тафсирида айтади: «Бунинг маъноси — одамлар ҳар хил ишларда бир-бирларига муҳтож бўлганлари боис бир-бирларини ишлатиб, хизматларидан фойдаланиши учун, деганидир, Суддий ва бошқалар шундай деган».

гиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта Аллоҳ ўзлари бахиллик қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чақирадиган ҳамда Аллоҳ фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди» (Нисо: 36).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингизга хизматкори таом келтирса — ваҳоланки у (ўчоқнинг) иссиғи, (таом тайёрлаш) машаққати ва хизматини бўйнига олган — уни ўз ёнига ўтиргизсин, агар ис-тамаса ўз қўли билан унга бирор ошам таом узатсин»* (Бухорий, Доримий, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1285).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингизга хизматкори таомини келтирса — ваҳоланки у хўжайинидан (ўчоқнинг) иссиғи ва овқат тайёрлаш меҳнатини енгиллатган — бирга таомланиш учун уни ўз ёнига ўтиргизмаса, таомидан бирор ошам берсин»* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1043).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизлардан бирингизга хизматкори таомини тайёрлаб, олиб келса, ҳолбуки у унинг иссиғи ва тутунини тортган, уни ўз ёнига ўтиргизиб, таомлантирсин. Агар таом озроқ бўлса, унинг қўлига ундан бир-икки луқма солиб қўйсин»* (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бирингизнинг хизматкори унга таомини келтирганида уни ўзи билан бирга ўтиргизсин ёки таомидан унга берсин, чунки унинг иссиғи ва тутунини тортган удир»* (Ибн Можа, Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1042).

Зайд ибн Жориядан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажжатул-вадоъда айтдилар: *«Қулларингизга (шафқат қилинг!), қулларингизга (шафқат қилинг!), қулларингизга (шафқат қилинг!) Уларга ўзингиз еган нарсадан едиринг, ўзингиз кийган нарсадан кийдиринг! Агар сизлар кечиршини истамайдиган бирон гуноҳ қилишса, уларни сотиб юборинг эй Аллоҳнинг бандалари, ва лекин уларга азоб берманг!»* (Аҳмад, Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 740).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ходимларингиздан қайсилари кўнглингизга мувофиқ келса, уларга ўзингиз еган нарсадан едиринг, ўзингиз кийган*

нарсадан кийдиринг! Ходимларингиздан қайсилари кўнглингизга мувофиқ келмаса, уларни сотиб юборинг, Аллоҳнинг бандаларига азоб берманг!» (Аҳмад, Абу Довуд ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 739).

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дарҳақиқат, биродарларингиз ходимларингиздир. Аллоҳ уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйди. Кимнинг биродари унинг қўли остида бўлса, унга ўзи еган нарсадан едирсин, ўзи кийган нарсадан кийдирсин, уларга оғир келадиган ишларни юкламанглар, агар оғир келадиган ишларни юкласангиз, уларга ёрдам қилинглар!»* (Муттафақун алайҳ).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг — эркак ё аёл — ходимидан ривоят қилинади: *«У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ходимларидан: «Бирон эҳтиёжинг борми?», деб сўраб турардилар. Бир куни у: «Ё Расулуллоҳ, менинг ҳожатим бор», деди. «Нима ҳожатинг бор?», дедилар. «Ҳожатим — қиёмат куни мени шафоат қилишингиз», деди. «Сени бунга ким йўллади?», дедилар. «Роббим», деди. «Агар шундай бўлишини жуда истасанг, кўп сажда қилиш билан менга ёрдам бер», дедилар* (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2102).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Хизматкори у билан бирга овқатланадиган, бозорларда эшак миниб юрадиган, эчкини қамаб, соғадиган киши мутакаббир бўлмайди»* (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Дийламий ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2218).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қул ҳам сизнинг биродарингиз, сизга таом ҳозирласа ўзини ҳам ёнингизга ўтиргизинг, агар тортинса таомдан беринг, уларнинг юзларига урманглар!»*⁽³¹¹⁾ (Таёлисий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2527).

Абу Маҳзурадан ривоят қилинади: Умар разияллоҳу анҳунинг олдида ўтирган эдим, Сафвон ибн Умайя бир тоғора (таом) келтирди, уни бир (неча) нафар киши ёпқич (дастурхон)да кўтариб олиб келди. Сўнг уни Умарнинг олдига қўйдилар. Умар атрофдаги бечора-мискин ва одамларнинг қулларини чақирдилар ва улар Умар билан бирга едилар. Ана шунда Умар: *«Қуллари улар билан бирга овқатланишидан ор қила-*

311 Исломда қул билан хожа ўртасидаги алоқа ана шундай, зўравонлик, қахру зулм кўринишларидан бутунлай бегона бўлган биродарлик ва ака-укалик алоқасидир.

диган кимсаларни Аллоҳ фалон қилсин (яъни, лаънатласин, башараларини қуритсин)», деб айтдилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 148).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ерда ўтирардилар, қўйларни боғлардилар, қулнинг арпа нон билан меҳмонга чақириғини қабул қилардилар» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2125).

Миқдом ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ўзингга едирган таоминг сен учун садақадир, фарзандингга едирган таоминг сен учун садақадир, аёлингга едирган таоминг сен учун садақадир, хизматкорингга едирган таоминг сен учун садақадир»* (Аҳмад, Табароний ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 452).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Мадинага) келганларида хизматкорлари йўқ эди. Абу Талҳа қўлимдан етаклаб олиб бориб, мени у зотнинг ҳузурларига олиб кирди ва: «Ё Расулуллоҳ, Анас эс-ҳушли, зийрак бола, у сизнинг хизматингизни қилиб юрсин», деди. Шундан сўнг мен у зотга Мадинага келганларидан тортиб то вафот этгунларигача уйларида ҳам, сафарда ҳам хизмат қилдим. Бирон қилган ишим тўғрисида: *«Буни нега бундай қилдинг?!»* деб, қилмаган ишим ҳақида: *«Буни мана бундай қилсанг бўлмасмиди?!»*, деб асло айтмадилар (Муттафақун алайҳ).

Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам касал ётган кунларида: *«Намоз(ни зое қилиш) ва қўл остингиздаги қул-чўриларингиз хусусида Аллоҳдан қўрқинглар»*, деб қўп бор такрорладилар⁽³¹²⁾ (Хатиб «Тариху Бағдод»да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 868).

312 Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматга васият қилган охириги сўзларидан бири: *«Намозни зое қилиш ва қўл остингиздаги қул-чўриларингизга зулм қилиш хусусида Аллоҳдан қўрқинглар»* деган сўзлари бўлар экан, бундан Исломи хизматкор ва қул-чўриларга нисбатан нақадар улкан эътибор ва риоя қаратгани маълум бўлади. Бундан яна ҳозирги даврда айрим араб ва ажам мамлакатларига ташкилот ва хонадонларда ишлаш ва хизмат қилиш учун келган ёлланма ишчилар (қуллар эмас!) ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан бўлаётган, уларнинг заиф, камбағал ва муҳтожликларидан фойдаланиб қилинаётган золимонга ҳатти-ҳаракатларнинг нақадар хато экани, буларнинг Исломига ва исломий ахлоқларга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, Исломи бундай зулму тажовузлардан пок экани, у бировлар ҳақ-ҳуқуқини топтайдиган кимсаларни қиёмат куни қаттиқ азобга қолишлари ҳақида огоҳлантирганлиги ҳам маълум бўлади.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мамлукка (яъни қул-чўрига) озиқ-овқати ва кийим-кечаги (берилиши), уни тоқати етмайдиган ишга буюрмаслик лозим»* (Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мамлукларга яхшилик қилишга буюрар ва: *«Уларга ўзингиз еган таомдан едиринг ва ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг, Аллоҳнинг яратган халқига азоб берманг!»*, дердилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 139).

Маърур ибн Сувайддан ривоят қилинади: Рабазада Абу Зарнинг ёнидан ўтиб қолдик. Унинг эғнида ҳам, хизматкорининг эғнида ҳам бир хил бурда-чопон бор эди. Биз: *«Эй Абу Зар, агар иккаласини бириктирсангиз битта ҳулла бўларди»*, дедик⁽³¹³⁾. Шунда у деди: *«Мен билан (қуллардан бўлган) бир биродарим ўртасида гап қочиб, мен уни аъжамия бўлган (яъни араб бўлмаган, қора танли) онаси билан айбладим. У менинг устимдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлиққанымда у зот: «Эй Абу Зар, сен жоҳилият (феъл-атвори) бор одам экансан, улар (яъни қуллар) сизларнинг биродарларингиз, Аллоҳ уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйди. Шундай экан, уларга ўзингиз еган нарсадан едиринглар, кийган нарсадан кийдиринглар, уларга оғир келадиган ишларни юкламанглар, агар оғир келадиган ишларни юкласангиз, уларга ёрдам қилинган!»*, дедилар (Муслим ривояти).

Убода ибн Валид ибн Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади: Отам билан бирга ансорларнинг бир маҳалласига илм истаб чиқдик, ансорлар унда ҳали ҳаёт эдилар. Биринчи бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан Абул-Ясарга рўпара келдик. Ёнида ғуломи (қули) ҳам бўлиб, қўлида саҳифалар солинган жилд бор эди. Абул-Ясарнинг эғнида бурда ва маъофирий⁽³¹⁴⁾, ғуломининг эғнида ҳам бурда ва маъофирий бор эди. Мен унга: *«Эй амаки, ғуломингизнинг бурдасини олиб, маъофирийингизни берсангиз, маъофирийсини олиб, бурдангизни берсангиз, сизда ҳам битта ҳулла, унда ҳам битта ҳулла бўлар эди»*,

313 Араблар бир-бир устин кийилган иккита бурдани ҳулла деб аташади. Бурдани чопон деган тақдиримизда икки қават чопон кийиш одати бизнинг халқимизда ҳам бор.

314 Маъофирий — Маъофир номли жойда тўқилувчи мато тури.

дедим. У менинг бошимни силаб, ҳаққимга баракот тилаб дуо қилди, сўнг: «Эй жиян, мана шу икки кўзим билан кўриб, икки қулоғим билан эшитиб, дилимга жо қилиб олганманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Уларга ўзингиз еган нарсадан едиринг, ўзингиз кийган нарсадан кийдиринг»*, деганлар. Мен унга дунё матосидан беришим қиёмат куни у менинг ажру савобимдан олиб қўйишидан кўра мен учун енгилроқ», деди (Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Аллоҳ унга Ўз раҳм-шафқатини ёяди ва уни жаннатига киритади: заиф-нотавонга мурувватли бўлиш, ота-онага меҳр-шафқатли бўлиш, қулга яхшилик қилиш»* (Термизий ривояти: 2494).

Хизматкоридан фазлини ва яхшилигини аяган киши ҳақида

Муовия ибн Ҳайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир киши хожасининг олди-га ундан фазл⁽³¹⁵⁾ сўраб келса, хожаси ундан ўз фазлини қизганса, қиёмат куни у учун катта илон чорланиб, у ўша қизганган фазлини ямлаб ютади»* (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2438).

Хожа қўл остидаги қулига, қул хожасига нима деб мурожаат қилади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳеч бир киши «қулим» демасин, чунки барчангиз Аллоҳнинг қулларисиз, «хизматчим» десин, қул «роббим» (эгам) демасин, балки «саййидим» (хожам) десин»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бирортангиз «қулим» ва «чўрим» демасин, мамлук «роббим» ва «роббатим» (эркак ва аёл эгам) демасин,*

315 Фазл — кишининг эҳтиёжидан ортиқча нарсаси

балки «хизматчим» ва «оқсочим» десин, «хожам» ва «бекам» десин. Барчангиз қул, Роб эса Аллоҳ азза ва жалладир» (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирортангиз: «Роббингга таом келтир», «Роббингни ювиб-тараб қўй», «Роббингга сув бер» демасин. «Саййидим» ва «хожам» десин, ҳеч бирингиз «қулим» ва «чўрим» демасин, «хизматчим», «оқсочим», «ғуломим» десин»⁽³¹⁶⁾ (Муттафақун алайх).

 **Мамлук-қул агар халифа ёки раҳбар тарафидан тайинланган бўлса, намозда ҳамда ҳукм ва сиёсат ишларида озод одамга имом (бошлик) бўлиши**

Аби Усайд мавлоси Абу Саиддан ривоят қилинади: Мен қул эканлигимда уйландим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан бир қанчаларини таклиф қилдим, улар ичида Ибн Масъуд, Абу Зар, Ҳузайфалар бор эди. Намозга иқома айтилиб, Абу Зар (имом бўлиш учун) олдинга ўтаётган эди: «Тўхтанг», дейишди. «Шундайми?», деган эди: «Ҳа», дейишди. Сўнг мамлук қул бўлган ҳолимда мен улар олдида ўтиб (имом бўлдим)⁽³¹⁷⁾ (Абу Бакр ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да келтирган, Албоний «Одобуз-зифоф»да саҳиҳ деган).

Уммул-Ҳусойн разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар сизларга қулоқ-бурни кесилган қул амир қилинса-да, сизларни Аллоҳнинг Китоби билан бошқарар экан, унга қулоқ солиб, итоат қилинглар!» (Муслим ривояти).

316 Ушбу пайғамбарона йўланмадан кўзда тутилган ғоя — бир тарафдан қулнинг инсонлигини риоя қилиш ва ҳурматини жойига қўйиш бўлса, иккинчи тарафдан бандаларга нисбатан ишлатиладиган сўз ва маънолар Яратувчига нисбатан ишлатиладиган сўз ва маънолар билан аралашиб кетмаслиги учундир. Бу эса тавҳидга ва тавҳид тақозосига тўла амал қилиш бўлади.

317 Чунки, киши ўзининг уйи ва ҳукми остидаги жойда ўзи имом бўлиши суннатдир... Ислонда шундай, бу бир минг тўрт юз йилдан илгарироқ жорий бўлган ишдир. Аммо бошқа халқларда, масалан америка ва ғарб қонунлари тақозосига кўра, қора танли киши оқтанли одам олдида ўтирмаслиги, оқтанли кириб-чиқадиган эшикдан кириб-чиқмаслиги лозим бўлар, акс ҳолда оқтанлининг назари қоратанлига тушиб озорланган ва қадри-қиймати топталган саналар эди. Ушбу қонунлар то йигирманчи аср бошларига қадар амалда бўлиб келди.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Боши майиздек қоп-қора ҳабаши қул бошлиқ қилинган бўлса-да, унга қулоқ солиб, итоат қилинглари!»* (Бухорий ривояти).

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнг бизларга юзланиб, ғоят таъсирли мавъиза қилдилар, бундан кўзлар ёшланиб, дилларга (Аллоҳдан) қўрқув тушди. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, бу сўзларингиз гўё видолашувчининг насиҳатига ўхшайди, бизларни нимага тавсия қиласиз?», деб сўради. *«Сизларни Аллоҳдан тақво қилишга ва ҳабаши қул (амир қилинган) бўлса-да қулоқ солишга ва итоат қилишга буюраман. Чунки, мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифалар — хулафолар-рошидиннинг суннатларини лозим тутинглари, уларни маҳкам ушланглари ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглари. Динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглари. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 3851).

Қулларни озод қилишга бўлган буйруқлар⁽³¹⁸⁾

Аллоҳ таоло айтди: **«Бас, у (мақтанчоқ кимса) молини сарфлаб охи-рат машаққатидан ўтиб олиб хотиржам бўлмайдими! (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), охи-рат машаққати ва ундан ўтиб олишга нима ёрдам беришини сиз қаердан билдингиз? (У бир қул) бўйнини (қуликдан) озод қилишдир»** (Балад: 11-13).

318 Ислом тадрижий ва тартибли суратда, қулларга ҳам, жамиятга ҳам оғир зарар етказмайдиган шаклда, уч турли йўл орқали қулларни озод қилиш амалиётини олиб борди. **Биринчиси:** қулларни озод қилишга ундаш ва тарғиб қилиш орқали; **Иккинчиси:** қул озод қилишни қасдсиз одам ўлдириб қўйиш, қасам ва зихор каби хато ва гуноҳларга каффорат қилиш орқали; **Учинчиси:** мукотаблик — қул билан хожаси ўртасида битим тузиш орқали, яъни қул хожасидан уни маълум муддат ичида маълум маблағ тўлаши шарти билан озод қилишга иттифоқ қилади, хожа унинг бу талабини рад қилишга шаръан ҳақли бўлмайди ва қабул қилишга мажбур бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Эй мўминлар,) қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни**

(яъни диёнат, иймонни) **билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан беринглар!»** (Нур: 33). Мана шу уч хил йўл орқали Ислому қулларни секин-асталик билан ва тартибли суратда, ортиқча муаммо ва қийинчиликларсиз озод қилиш кафолатини ўз зиммасига олган эди.

Савол туғилиши мумкин: Нега Ислому қулларни бирваракайига ва буткул озод қилиш учун узил-кесил қонун чиқариб қўяқолмади?

Жавоб: Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан: бирданига, қатъий равишда бундай қонун чиқариш аввало қулларнинг ўзларига, иккинчидан ҳожаларига, учинчидан бутун жамиятга катта зиёнлар келтирар эди... Ҳозирги бизнинг давримизда бирон корхона эгаси ўнлаб йиллар ишлатган бир ишчисини олдиндан огоҳлантирмасдан, компенсация тўламасдан ва бошқа иш топиб олишига фурсат бермасдан, бирданига ишдан ҳайдаб: «Сен ишдан бўшатилиндинг, ўзингга бошқа иш топ!» деса, табиийки бу нарсани ишчига нисбатан жабру зулм саналади. Шунингдек, ишчи корхона эгасини аввалдан огоҳлантирмасдан, ўрнига одам топиб олишига фурсат бермасдан, бирдан ишдан кетиши иш эгасига нисбатан зулм ҳисобланади. Шундай экан, бутун бошли миллат ва халқлар устига қўллари остидаги миллионлаб қулларни озод қилишга бўлган буйруқ чиқиши, ҳар битта қулдор ўз қўли остидаги қулни уйдан ҳайдаб чиқариши, қулларга озодлик ҳаётига аввалдан моддий, руҳий ва маданий-маърифий тарафдан кўникма ҳосил қилиш ва ҳозиргарлик кўришга фурсат берилмаслиги қандай аянчли натижаларга олиб келиши мумкинлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг! Шунинг учун ҳам қулларни озод қилиш амалиётида худди Ислому қилгани каби тадрижийлик шарт эди.

Иккинчидан: бошқалар билан тенгма-тенг муомала қилиш имкониятини сақлаб туриш учун ҳам Ислому қулдорлик эшигини буткул беркитиб ташламади, бу адолат ва инсофнинг камолидан бўлди. Чунки, бошқа барча миллат ва халқларнинг маданияти, одат ва эътиқодлари қулларни ҳайвонларга ҳам лойиқ кўрилмайдиган аянчли суратда қул қилиб туриш устига қурилган эди. Душманлари мусулмонлар устидан ғолиб келган пайтларда мусулмон аёллари ва фарзандлари улар қўлида қул қилингани ҳолда мусулмонларга: «Сизлар ҳам уларга айни шундай муомала қилишга, уларнинг ҳам аёллари ва фарзандларини қул қилишга ҳақли эмассиз» деб айтилиши адолатдан бўлмас эди. Қолаверса, мусулмонларнинг қулларга бўлган адолатли ва юксак муомала маданиятлари билан бошқаларнинг қулларга бўлган золимон ва қоқоқ муомаласи ўртасида жуда катта фарқ бор эди.

Ундан ташқари, Ислому қулларни озод қилиш амалиётини ўзининг адолатли ва тинч раббоний услубига биноан олиб борар экан, қул озод қилишни қонун сифатида қоғозга ёзиб қўйишдан олдин одамларнинг дилларига ва эътиқодларига сингиб кетадиган дин ва маърифат, Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилинадиган ибодат қилиб қўйди. Ҳолбуки, бошқалар қулдорликни бекор қилишга йигирманчи аср бошларига келиб зўр-базўр эришганлари ҳолда, уни қоғозга ёзиб қўйилган куп-куруқ қонун кўринишидагина бекор қилганларини, одамларнинг эътиқод, маърифат ва ўлчовларига таъсир ўтказиш ҳақида умуман бош қотирмаганликларини топасиз. Улар қулдорлик ва ирқчиликни фақат қоғозда бекор қилган бўлиб, аслида эса умумий ва хусусий ҳаётларида уни энг жирканч суратларда сақлаб туришганини кўрасиз. Айниқса қонунга риоя қилиш ва уни назорат қилиш йўқ бўлган ҳозирги даврда одам савдоси, инсонларни ҳар қандай ҳақ-хуқуқлардан маҳрум қилиб бандиликда ушлаб

«Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришта-ларга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар» (Бақара: 177).

«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (исломга) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»⁽³¹⁹⁾ (Тавба: 60).

«(Эй мўминлар,) қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни (яъни диёнат, иймонни) билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан беринглар!» (Нур: 33).

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир аъробий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, менга бир амални таълим берингки, у мени жаннатга олиб кирсин», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Гарчи сўзинг қисқа бўлса-да, жуда катта масалани сўрадинг. Жонни (қулликдан) озод қил,*

туриш, миллионлаб аёлларни жинсий мақсадларда арзонгаров сотиб юборишлар, қашшоқ мамлакатлар аҳолисининг муҳтожликларидан фойдаланиб, уларнинг гўдакларини сувтекинга сотиб олиб, қулликка маҳкум этиш каби ҳолатлар ҳақидаги баёнот ва маълумотномаларни ҳар қуни ўқиш мумкин.

319 Закот тарқатиладиган ўринлардан бири — қул озод қилиш ва хожаси билан (ўзини озод қилиш учун) битим тузган қулга молиявий ёрдам кўрсатишдир. Яхё ибн Саиддан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз мени Африкага закот йиғиш учун юборди. Мен уларни йиғдим, сўнг уларни тарқатиш учун камбағал-мискинларни чорладим, аммо бирорта ҳам камбағални, закот оладиган одамни топмадик. Умар ибн Абдулазиз одамларни бой-бадавлат қилиб юборган экан. Шундан сўнг закот ҳисобидан қул сотиб олиб, ўшаларни озод қилдим».

бўйинни (бандиликдан) бўшат», дедилар. У: «Иккови бир эмасми?», деб сўради. «Йўқ, жонни озод қилиш — қулни бир ўзинг озод қилишинг, бўйинни бўшатиш — унинг пулида (ёрдан) беришинг», дедилар (Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1898).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита ғуломни етаклаб келиб, биттасини Алий разияллоҳу анҳуга ҳадя қилдилар ва: «Уни урманг, чунки мен намоз аҳлини уришдан қайтарилганман, мен йўлда келаётганимизда унинг намоз ўқиганини кўрдим», дедилар. Яна бирини Абу Зар разияллоҳу анҳуга бердилар ва: «Унга яхшилик қилинг», дедилар. Абу Зар уни озод қилиб юборди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: «Ҳалиги ғулом нима бўлди?» деб сўраганларида: «Унга яхшилик қилишимга буюрган эдингиз, озод қилиб юбордим», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 121).

Асмо бинт Аби Бакр разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам куёш тутилганда қул озод қилишга буюрдилар» (Бухорий ривояти).

Асмо бинт Аби Бакр разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бизлар куёш тутилган пайт қул озод қилишга буюрилар эдик» (Бухорий ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қўшни хусусида Жибрил алайҳис-салом менга шунчалик кўп насиҳат этдики, ҳатто мен қўшинини қўшнига меросхўр қилса керак, деб ўйлаб қолдим, мамлук-қул ҳақида шунчалик кўп насиҳат қилдики, ҳатто мен у учун бир вақт ёки муҳлат белгилайди ва ўша муҳлат етганда албатта озод қилинса керак, деб ўйлаб қолдим» (Байҳақий «Шуабул-иймон»да ривоят қилган ва: «Бухорий ва Муслим шартига кўра саҳиҳ» деган).

Умар разияллоҳу анҳуга тиғ урилиб, вафоти яқинлашгандаги васиятлари орасида: «Қўл остимдаги қулар ҳаммаси озод» деган сўзлар бор эди (Албоний «Ал-ирвоъ»да (1686) иснодини саҳиҳ деган).



Қул озод қилган кишига қанча ажру савоб берилади

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши мусулмон кишини озод қилса, унинг ҳар бир аъзоси муқобилида Аллоҳ унинг бир аъзосини дўзахдан

халос қилади». Саид ибн Маржона айтади: Мен ушбу ҳадисни Алий ибн Ҳусайнга айтиб берган эдим, у — Абдуллоҳ ибн Жаъфар унинг муқобилида ўн минг дирҳам ёки минг динар тўлаган — қулини чақириб, уни озод қилиб юборди (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мусулмон қулни озод қилса, унинг ҳар бир аъзоси муқобилида Аллоҳ унинг бир аъзосини, ҳатто жинсий аъзоси муқобилида жинсий аъзосини дўзахдан халос қилади»* (Муттафақун алайх).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимнинг жорияси (чўриси) бор бўлиб, уни чиройли парвариш қилса, сўнг озод қилиб, унга уйланса, у одамга иккита ажр бўлади»* (Муттафақун алайх).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир мусулмон киши бир мусулмон кишини озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади, унинг ҳар бир аъзоси бунинг бир аъзосига кифоя қилади. Қай бир мусулмон киши иккита муслимани озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади, уларнинг ҳар бир аъзоси бунинг бир аъзосига кифоя қилади. Қай бир мусулмон аёл бир мусулмон аёлни озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади, унинг ҳар бир аъзоси бунинг бир аъзосига кифоя қилади»* (Термизий ривоят қилиб, ҳасан саҳиҳ ҳадис деган, Саҳиҳут-тарғиб: 1891).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир мўмин қулни озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади»* (Аҳмад саҳиҳ иснод билан ва бошқалар ривоят қилган, Саҳиҳут-тарғиб: 1893).

Шуъба ал-Куфийдан ривоят қилинади: Биз Абу Бурда ибн Аби Мусо ҳузурида эдик, у деди: «Эй болаларим, мен сизларга отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисни айтиб берайми? У зот айтган эканлар: *«Ким бир қулни озод қилса, унинг ҳар бир аъзоси муқобилида Аллоҳ унинг бир аъзосини дўзахдан халос қилади»* (Аҳмад ривоят қилган, ровийлари ишончли, Саҳиҳут-тарғиб: 1894).

Абдуррахмон ибн Авф разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир мусулмон киши бир мусулмон кишини озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади, унинг ҳар бир суяги бунинг бир суягига кифоя қилади. Қай бир мусулмон аёл бир мусулмон аёлни озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиш бўлади, унинг ҳар бир суяги бунинг бир суягига кифоя қилади. Қай бир мусулмон киши икки-*

та муслимани озод қилса, бу у учун дўзахдан қутулиши бўлади, уларнинг ҳар икки суяги бунинг бир суягига кифоя қилади» (Табароний ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1869).

Абу Нажиҳ ас-Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Тоифни қамал қилганимизда у зотдан эшитганман: «Қай бир мусулмон киши бир мусулмон кишини қулликдан озод қилса, Аллоҳ азза ва жалла унинг суякларидан ҳар бир суякка озод қилинганнинг бир суягини (дўзахдан) тўсиқ қилади. Қай бир мусулмон аёл бир мусулмон аёлни қулликдан озод қилса, Аллоҳ азза ва жалла унинг суякларидан ҳар бир суякка озод қилинганнинг бир суягини дўзахдан тўсиқ қилади» (Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1897).

Абу Нажиҳ ас-Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир мўмин қулни озод қилса, у унинг дўзахдан қутулиши(га сабаб) бўлади» (Абу Довуд, Насоий ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1897).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бешта иш борки, ким уларни бир кунда қилса, Аллоҳ уни жаннат аҳлидан деб ёзади: «Касални бориб кўрса, жанозада ҳозир бўлса, рўза тутган бўлса, жумъага борса, қул озод қилса» (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1899).

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У жоҳилият даврида юзта қул озод қилган, юз туяга ортилган юкни садақа қилган эди. Исломга кирганидан кейин ҳам юзта қул озод қилди ва юз туяга ортилган юк садақа қилди. У айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Нима дейсиз, жоҳилият пайтида яхшилигини тилаб қилиб ўтган ишларим (фойдаси тегадими?)», деб сўрадим. «Қилиб ўтган яхшиликларинг эвазига мусулмон бўлдинг», деб жавоб бердилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам»⁽³²⁰⁾ (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фарзанд отасининг ҳаққини ҳеч қачон ўтай олмайди, фақат қачонки уни қул ҳолда топса ва сотиб олиб, озод қилсагина ўташи мумкин» (Муслим ривояти).

320 Ҳадисдан олинadиган фойдалар: а) Исломдан аввал Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида қилинган яхшиликлар ўз эгасига агар у Исломга кирса манфаати етади; б) Мусулмон бўлмаганларга садақа ва яхшилик қилиш, шу жумладан уларни қулликдан озод қилиш жоиз, мусулмон киши бу иши учун ажрланади.



Хизматкорга сабр-тоқатли бўлишга, модомики Аллоҳ белгилаб берган ҳадлардан бирон ҳадга тажовуз қилмаган бўлса имкони борида унинг хатоларини кечиришга буюрганлари

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, хизматкорни неча марта афв қилишимиз керак?», деб сўради. У зот жавоб бермадилар. Яна қайтариб сўради, яна жавоб бермадилар. Учинчи бор сўраганида: «*Ҳар куни етмиш марта афв қилинглари*», дедилар⁽³²¹⁾ (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 488).

Амр ибн Хубайбнинг Саид ибн Хolid ибн Амр ибн Усмонга шундай деганлиги ривоят қилинади: «Билмаганмисиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Аллоҳ таоло қалбига инсонга нисбатан раҳм-шафқат солиб қўймаган кимса (Аллоҳнинг раҳматидан) ноумид ва зиёнкор бўлсин*», деганлар» (Дулобий, Ибн Асокир «Тариху Димашқ»да ривоят қилган Ас-силсилатус-саҳиҳа: 456).



Қул-чўрини ўлдирадиган ёки уни уриб, азоблайдиган киши тўғрисида

Абу Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен бир ғуломимни ураётган эдим, ортимдан: «*Билиб қўй эй Абу Масъуд, Аллоҳ сенга (азоб беришга) сен унга қодир бўлганингдан кўра қодирроқ*» деган овоз эшитдим. Ўгирилиб қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, бу Аллоҳнинг Юзи учун озод», дедим. «*Агар*

321 Мухтарам ўқувчи, Ислomдаги қул-чўрилар сазовор бўлган меҳр-мурувват ва яхши муомала ҳақида тасаввур ҳосил қилгач, энди ўзингиз таққослаб кўринг: ҳозирги замондаги иш эгалари (корчалонлар) ўз қўлларидаги озод ишчи-хизматчиларига шу даражада мурувват ва яхши муомала қиладиларми, озод ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига тааллуқли замонавий қонунлар иш эгалари зиммасига ўз ишчи-хизматчиларига нисбатан Ислom хожалар зиммасига ўз қўлларига нисбатан юклаган мажбуриятларни юклайдими?! Шунда Ислomдаги қуллар ҳақидаги қонун-қоидалар мусулмон бўлмаган халқлардаги озод кишилар ҳақидаги қонунлардан нечоғли юксак бўлганини билиб оласиз.

шундай қилмаганингда, сени дўзах ўти куйдирган — ёки сенга дўзах ўти етган — бўларди», дедилар (Муслим ривояти).

Зозондан ривоят қилинади: Ибн Умар разияллоҳу анҳумо бир ғуломини чорлади, унинг орқасида из кўриб: «Сенга азоб бердимми?», деб сўради. У: «Йўқ», деди. Ибн Умар: «Бўлди, сен озодсан», деди. Сўнг ердан бир нарсани — бир ривоятда: бир чўпни — олиб: «Менга бундан (яъни уни озод қилишимдан) мана шунча ҳам ажр бўлмайди. Зеро, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ким ғуломини жазолаб урса ёки калтакласа, бунинг каффорати уни озод қилишдир»*» (Муслим ривояти).

Бир ривоятда: Ибн Умар разияллоҳу анҳу деди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ким қулини калтакласа ёки урса, каффорати уни озод қилишдир»*⁽³²²⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 4305).

Ҳилол ибн Ясофдан ривоят қилинади: Бир мўйсафид хизматкорига (чўрисига) шапалоқ туширди, шунда Сувайд ибн Муқаррин унга шундай деди: «Кучинг шу бир ожизага етиб, юзига урдингми?! Биз Муқарриннинг еттита фарзанди эдик, фақат битта хизматкор аёлимиз бор эди. Энг кичигимиз унга шапалоқ туширган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга уни озод қилиб юборишни буюрдилар» (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абул-Қосим соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким қулини зинокорлик билан айбласа, аслида ундай бўлмаса, қиёмат куни унга ҳад (жазо) урилади»* (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким қулига зулм қилиб урса, қиёмат куни ундан қасос олиб берилади»* (Баззор, Табароний ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 3607).

Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Қай бир киши золимлик қилиб, қулини урса, қиёмат куни ундан ўч олиб берилади»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 134).

322 Мана шу ҳадислар тақозосига кўра амал қилиш ислом умматида бошқа халқ ва миллатларга қараганда қулларни озод қилишга ва қуллик кўринишларини жуда эрта бекор қилишга сабаб бўлган эди.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтириб: «Ё Расулуллоҳ, менинг қулларим бор, улар менга ёлғон гапиришади, хиёнат қилишади, осийлик қилишади, мен ҳам уларни сўкаман, ураман. Шу ишим тўғрими?», деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларнинг сенга қилган хиёнатлари, осийликлари, ёлғонлари ва сенинг уларга берган жазоларинг ҳисоб қилинади. Агар берган жазонинг уларнинг гуноҳларига яраша бўлса, ора очик бўлади, сен фойда ҳам, зиён ҳам кўрмайсан. Агар берган жазонинг уларнинг гуноҳларидан камроқ бўлса, сенга фазл бўлади. Агар жазонинг уларнинг гуноҳларидан ортиқча бўлса, ортиқчасини сендан қасос қилиб уларга олиб берилади», дедилар. Шунда ҳалиги одам бир четга ўтиб, хўнграб йиғлай бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг Китобидаги: **«Биз қиёмат кунини учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бирон жонга заррача зулм қилинмас»** (Анбиё: 47) оятини ўқимаганмисан?!» — дедилар. Шунда ҳалиги одам: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен ўзим учун ҳам, улар учун ҳам улардан ажралишдан кўра яхшироқ ишни кўрмайпман. Сиз гувоҳ бўлинг, улар ҳаммаси озод», деди (Саҳиҳ сунаан ат-Термизий: 2531).

Самура ибн Жундаб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким қулини ўлдирса, биз уни ўлдирамиз. Ким қулини майиб қилса, биз уни майиб қиламиз. Ким қулини бичса, биз уни бичамиз*» (Бағавий «Шарҳус-сунна»да келтирган, Ибн Ҳазм «Муҳалло»да (8:206) саҳиҳ санаган).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига қичқирганича ёрдам сўраб келди ва: «Хожамнинг жорияси сабаб бўлди, ё Расулуллоҳ», деди. «Нима бўлди ўзи?», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Ёмон бўлди, бир жориясига кўз солиб қўйгани учун хожасининг ғаюрлиги келиб, қулининг жинсий олатини кесиб ташлади», деди. «Менга у одамни олиб келинглар», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Уни қидириб топиша олмади. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бор, сен озодсан*», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, (хожам мени яна қул қилмоқчи бўлса) ким менга ёрдам беради?», деб сўради. «*Ҳар бир мўмин*» ёки «*Ҳар бир муслим*», деб жавоб бердилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 3789).



Хожага нисбатан ходим ва қулнинг зиммасидаги вазифаси

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: *«Ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан (қўл остингиздагилардан) масъулсиз. Имом (халифа-давлат бошлиғи) роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Эркак киши ўзининг оиласида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Аёл киши эрининг уйида роия ва у ўз раиятидан масъулдир. Хизматчи хожасининг мол-мулкида роий ва у ўз раиятидан масъулдир. Хуллас, ҳар бирингиз роий (раҳбар) ва ўз раиятингиздан масъулсиз»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Улардан (яъни қуллардан) ҳар бири учун Аллоҳга итоат қилиши ва хожасининг ҳаққини адо этиши қандай ҳам яхши!»* (Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ деган, Саҳиҳуттарғиб: 1884).



Қул ходим хожасининг молидан унинг ўзи беҳабар ҳолда садақа қилиши мумкин

Умайр мавло Обил-лаҳм разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Қул эдим, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламдан: *«Хожаларимнинг молидан бирон нарсани садақа қилсам бўладими?»*, деб сўрадим. *«Ҳа, ажрда шерик бўласизлар»*, дедилар (Муслим ривояти).



Қул ходим зиммасидаги хожасининг ҳаққини адо этса, унга бўладиган ажр ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қул агар Аллоҳнинг ҳаққини ва хожаларининг ҳаққини адо этса, унга икки ажр бўлади»* (Муслим ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қул агар хожасига ҳолис бўлса*

ва Парвардигорига чиройли ибодат қилса, унга икки карра ажр бўлади» (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Муслиҳ қулга икки ажр бўлади»*, деганлар. Абу Ҳурайранинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Аллоҳ йўлидаги жиҳод, ҳаж ва онамга яхшилик қилиш (лозим) бўлмаса эди, қул бўлиб ўлишни истаган бўлар эдим» (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳнинг ибодатини ва хожасининг хизматини чиройли адо этиб, вафот этиши қул учун нақадар яхши, нақадар яхши!»* (Муслим ривояти).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Парвардигорига чиройли ибодат қиладиган ва хожасига нисбатан зиммасидаги ҳақ-ҳуқуқ, холислик ва итоатни адо этадиган қулга иккита ажр бордир»* (Бухорий ривояти).

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *«Уч киши учун иккита ажр бор:*

1) Аҳли китоблардан бўлган, ҳам ўз пайғамбарига иймон келтирган, ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган кишига;

2) Бировнинг қўл остидаги қулга, агар Аллоҳнинг ҳаққини ва хожаларининг ҳаққини адо этса;

3) Чўриси бор бўлиб, унга одоб берган, одобини чиройли қилган, таълим берган, таълимини ҳам чиройли қилган, сўнг уни озод қилиб, унга уйланган кишига иккита ажр бордир» (Муттафақун алайх).

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Бахил, алдоқчи, хоин ва қул-чўрига ёмон муомала қиладиган одам жаннатга кирмайди. Жаннат эшигини биринчи бўлиб қоқадиган кишилар қуллардир, агар ўзлари билан Аллоҳ ўртасидаги алоқани ва ўзлари билан хожалари ўртасидаги алоқани чиройли қилсалар»* (Ҳайсамий Мажмаъуз-завоид»да (10:411) айтади: Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Абу Яъло ривоят қилган, Термизий ҳасан деган).

Абу Рофиъдан ривоят қилинади: Мен Куръон ўқиб, (хожамга тегишли нарсани) соъ билан ўлчаётган эдим, Умар ибн Хаттоб ёнимдан ўтиб қолди ва: *«Эй Абу Рофиъ, сен албатта Умардан яхшисан, Аллоҳнинг ҳаққини ҳам, хожаларининг ҳаққини ҳам адо этмоқдасан»*, деди (Байҳақий «Шуабул-иймон»да келтирган: 8613).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина кўчаларидан биридан ўтиб

бораётиб бир қоратанли одамнинг жасадини кўрдилар, уни йўлга ташлаб қўйишган экан. Ўша атрофдаги баъзи кишилардан: *«Бу кимнинг қули эди?»* деб сўрадилар. *«Фалон хонадоннинг қули»* деб жавоб беришди. *«Намоз ўқиганини кўрармидингизлар?»*, деб сўрадилар. *«Кўрардик, баъзан ўқиб, баъзан ўқимас эди»*, дейишди. *«Туринглар, уни ювиб, кафанланглар»*, дедилар. Уни ювиб, кафанлашди. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туриб, унга жаноза намози ўқидилар. *«Аллоҳу акбар»* деб намоз бошлагач: *«Субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ»* — дедилар. Намоздан сўнг саҳобалари у зотдан: *«Ё Расулulloҳ, намозга такбир айтганингиздан сўнг икки марта «субҳаналлоҳ» деганингизни эшитдик, нега «субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ» дедингиз?»* деб сўрашди. *«Унга намоз ўқиган малоикалар кўплигидан мен билан унинг ўртасини тўсиб қўйишга яқин бўлдилар»*, дедилар⁽³²³⁾ (Ҳайсамий Мажмаъуз-завоид)да (10:266) айтади: Табароний ривоят қилган, исноди яхши).

Хожасидан қочиб кетган осий қул ҳақида

Жарир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир қул қочиб кетса, ундан зимма (ҳимоя) хориждир»* (Муслим ривояти).

Жарир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар қул қочиб кетса, ундан намоз қабул бўлмайди»*. Бир ривоятда: *«то хожалари ҳузурига қайтиб келмагунича кофир бўлади»*⁽³²⁴⁾ (Муслим ривояти).

323 Ушбу ҳадисда биз «Намозни тарк қилувчи кишининг ҳукми» номли китобимизда айтган гапнинг тўғрилигига далил бор. Яъни, намозни бутунлай тарк қилган киши билан уни баъзан тарк қиладиган одам ўртасида фарқ бор. Биринчиси кофир бўлиб, диндан чиқади. Иккинчиси эса — тарк қилиши у даражада кўп бўлмаса — кофир бўлмайди ва диндан чиқмайди, балки унинг иши Аллоҳнинг машиатига (хоҳиш-иродасига) қўйилади, унинг ҳолати мўмин бўла туриб гуноҳи кабира қилган одамнинг ҳолидек бўлади. Ҳадисда яна жанозаси ўқилиши керак бўлган одамнинг ҳоли ноаниқ бўлса, унинг дини ҳақида сўраб-суриштириш жозизлигига ҳам далил бор.

324 Бундан мурод — эгасини диндан чиқарадиган катта куфр эмас, балки хожаларига нисбатан куфрони неъматдир, валлоҳу аълам.

Фазола ибн Убайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уч киши борки, улар ҳақида сўрама:⁽³²⁵⁾ ... хожасидан қочиб кетиб, ўлган қул»* (Ибн Ҳиббон ривояти, Саҳиҳут-тарғиб: 1887).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Икки кишининг намози бошидан юқорига кўтарилмайди: хожаларидан қочиб кетган қул то қайтиб келгунича, эрига осий бўлган аёл то (осийлигидан) қайтгунича»* (Табароний ва Ҳоким ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 1888).

Қулни бузадиган ва эгасига қарши гижгижлайдиган одам ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бировнинг аёлини ёки қулини (унга қарши) гижгижласа, у биздан эмас»* (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 4307).

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *««Омонатга қасам» деб қасам ичган одам ва бировга қарши унинг аёлини ё қулини гижгижлаган одам биздан эмас»* (Аҳмад, Баззор, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 2013).

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

Дуоларимизнинг сўнггида — бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар айтамиз.

325 Яъни, қиёмат кунда уларга бўлувчи азоб-уқубат ва ҳалокатлар ҳақида сўрама.





ЕТИМНИНГ ҲАҚҚИ

Аллоҳ таоло айтди:

«Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз!» (Анъом: 152).

«(Вояга етганларидан кейин қўл остингиздаги) етимларга молларини берингиз ва сиз учун нопок бўлган (етимларнинг молларини ўзингизнинг ҳаққингиз бўлган) пок нарсага алмаштириб олмангиз! Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб емангиз! Зеро, бу катта гуноҳ бўлган ишдир» (Нисо: 2).

«Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарари йўқ). Зеро, улар биродарларингиздир: Аллоҳ ким бузғунчи, ким ўнглолчи — ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Бақара: 220).

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!» (Нисо: 10).

«Йўқ! Аксинча, сизлар етимни иззат-икром қилмайсизлар! Мискин-бечорага таом беришга ҳам бир-бирларингизни тарғиб қилмайсизлар!» (Вал-фажр: 17,18).

«Бас энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! Сўровчи гадони эса (бирон нарса бермасдан) ҳайдаманг!» (Ваз-зуҳа: 9,10).

«Бас, бу етим-есирни (қўполлик билан) ҳайдаб соладиган ва (кишиларни) мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир» (Моъун: 2,3).



Етимнинг молини зулм ва тажовуз билан ейиш еттита катта ва ҳалок қилувчи гуноҳлардан биридир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!»* «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. *«Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Муслим ривоятида: *«етимнинг молини ейиш, судхўрлик»* деб, етимнинг молини ейишни судхўрликдан аввал қўйилган.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Хурсанд бўлингиз, хурсанд бўлингиз! Кимки беш вақт намоз ўқиса ва гуноҳи кабиралардан — ота-онага оқ бўлиш, Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, одам ўлдириш, покиза аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, судхўрликдан — сақланса, жаннатнинг истаган эшигидан киради»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3451).

Умайр ибн Қатода ал-Лайсий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Гуноҳи кабиралар тўққизта: энг каттаси ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, покиза аёлни туҳматлаш, жангдан қочиш, ота-онага оқ бўлиш, тириклигингизда ҳам, ўлганингизда ҳам қиблангиз бўлмиш ал-Байтул-Ҳаромнинг ҳурмати поймол қилиш»* (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Саҳиҳул-жомии-сағир: 4605).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй Аллоҳим, мен икки заифнинг — етимнинг ва аёл кишининг ҳаққини (зое қилишни) оғир санайман»* (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2967).



Етимнинг кафили камбағал бўлса, у ўз қарамоғига олиб парвариш қилаётган етимнинг молидан яхшилик ва инсоф билан хизмат ҳақи сифатида ейиши мумкин

Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинади: У Оиша разияллоҳу анҳонинг шундай деганини эшитган экан: *«(Етимни оталиққа олган киши) агар*

бой бўлса, (етимнинг молидан) **парҳез қилсин**. **Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан** (яъни қилган хизматига яраша) **олиб есин**» (Нисо: 6) ояти етимнинг уни парвариш қилиб, молини ислоҳ қилиб турувчи волийси ҳақида нозил бўлган, агар у камбағал бўлса, ундан яхшилик билан ейди» (Муттафақун алайх).

Муслим ривоятида: *«Етимнинг молини бошқариб, ислоҳ қилиб турувчи волийси ҳақида нозил бўлган, агар муҳтож бўлса, ундан ейиши мумкин».*

Бир ривоятда: *«Агар муҳтож бўлса, эҳтиёжига яраша унинг молидан яхшилик билан олиши мумкин».*

Етимликнинг чек-чегараси ва муддати⁽³²⁶⁾

Аллоҳ таоло айтди: **«Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб** (текшириб) **туринглар**. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар» (Нисо: 6).

Зайёл ибн Убайддан ривоят қилинади: Бобом Ҳанзаланинг шундай деганини эшитганман: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эҳтилом (балоғат) ёшидан сўнг етимлик йўқдир, қиз бола ҳайз кўргач, етим бўлмайди»*, дедилар (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3180).

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эҳтилом ёшидан сўнг етимлик йўқ»* (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Албоний «Ал-ирвоъ»да (1244) саҳиҳ санаган).

³²⁶ Етим — отаси вафот этган ва ҳали балоғат ёшига етмаган боладир. Аслида болани парвариш қилиш, бошқариш ва унинг нафақаси фақат отанинг зиммасида бўлади. Отаси валийлик, бошқарув ва нафақа қилиш шартларини йўқотган бўлса, яъни ақлидан айрилган, молни тасарруф қила олмайдиган мажнун бўлса ёки болаларини умуман парвариш қилишга қодир бўлмайдиган оғир касал бўлса, бундай бола ҳам етимлар қаторида саналади. Шунингдек, ота-онаси ва насл-насаби маълум бўлмаган ташландиқ бола ҳам етим қаторидадир. Бундай боланинг бошидаги бало отасини йўқотган етимнинг балосидан қаттиқроқ, уни риоя ва парвариш қилиш бошқалардан кўра ҳам зарурроқдир. Аллоҳ таоло айтди: **«Энди агар уларнинг оталарини билмасангизлар, у ҳолда** (улар) **сизларнинг диний биродарларингиз ва дўстларингиздир»** (Ахзоб: 5).

Ибн Аббосдан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда: *«Ёш бола эҳтилом ёшига етса, ундан етимлик кетади»* (Аҳмад ривояти, Албоний «Ал-ир-воъ»да (1244) саҳиҳ санаган).

Имом Муслим Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилиб келтирган ҳадисда: *«То балоғатга етмагунича ва рушд (эс-ҳушини топиш) билинмагунича ундан етимлик номи узилмайди»*.



Етимни ўз кафиллигига олиб, уни парвариш ва тарбия қиладиган кишига етадиган ажру савоблар ва фазилатлар ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Мен ва етимни кафилликка олган киши жаннатда мана бундай турамиз»* деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилдилар ва улар ўртасини бироз очдилар (Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Хоҳ ўзига, хоҳ бошқага қарашли етимни кафолатига олган одам мен билан жаннатда мана бундай туради»*, дедилар. Ровий шундай деб, кўрсаткич ва ўрта бармоғига ишора қилди (Муслим ривояти).

Имом Аҳмад келтирган ривоятда: *«Хоҳ ўзига, хоҳ бошқага қарашли етимни кафолатига олган одам агар Аллоҳдан тақво қилса, мен билан жаннатда мана бундай туради»*.

Бишр ибн Акраба разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Отам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлган ғазотлардан бирида шаҳид бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йиғлаётган ҳолимда менинг ёнимдан ўтиб қолдилар ва: *«Тинчлан, мен отанг, Оиша эса онанг бўлишига рози бўлмайсанми?»*, дедилар⁽³²⁷⁾ (Бухорий «Ат-тарих»да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3249).

Молик ибн Ҳорис разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким мусулмон ота-она ўрта-*

327 Ҳадисда айtilган оталиқдан мурод — парвариш, эътибор, меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва яхшилик қилиш маъносидаги оталиқдир. Асранди ўғил қилиб олиш маъносидаги оталиқ эмас. Бундай қилишни ҳаром қилувчи оят нозил бўлган.

сида туғилган бир етимни емак-ичмагига то ундан беҳожат бўлгунича қўйса, унга жаннат вожиб бўлади» (Аҳмад ривояти, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1895).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу мол кўзни яшнатувчи, тотли нарсадир. У (яъни мол) ундан мискин, етим ва мусофирларга берадиган мусулмон кишининг нақадар яхши дўстидир. Ким уни ноҳақ олса, худди еб тўймайдиган одамга ўхшаган бўлади ва у қиёмат кунининг зийнати бўлади»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бева-бечора учун саъй-ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи, тунлари тўхтовсиз намозда қоим бўлувчи ва давомий рўза тутувчи киши кабидир»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Бакр ибн Ҳафсдан ривоят қилинади: *«Абдуллоҳ ибн Масъуд овқатланганида дастурхонида албатта етим бўлар эди»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 103).



Етимга раҳм-шафқат кўрсатиш билан диллар юмшаб, ҳожатлар раво бўлади

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга дили қаттиқлигидан шикоят қилган эди, у зот: *«Дилинг юмшабини истасанг, мискинга таом бер ва етимнинг бошини сила»*, дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти, Ас-силсила-тус-саҳиҳа: 854).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Етимни ўзингга яқинлаштир, унга меҳр кўрсат, бошини сила, таомингдан едир, мана шу дилингни юмшатиб, ҳожатингни раво қилади»* (Хароитий «Макоримул-ахлоқ»да, Ибн Асокир ривоятлари, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 250).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бир киши қалби қотиб қолаётганидан шикоят қилиб келган эди, унга: *«Қалбинг юмшаб, ҳожатингга етишни истайсанми? Етимга меҳрибонлик қилиб, бошини сила, таомингдан едир, шунда қалбинг юмшаб, ҳожатингга эришасан!»*, дедилар (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиис-сағир: 80).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Парвардигор! Мени мискин ҳолда яшатириб, мискин ҳолда вафот эттиргин, қиёмат куни маҳшарда мискинлар жамоасида қилгин»*, дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо: *«Нима учун, ё Расулуллоҳ?»* деб сўраган эдилар, *«Улар жаннатга бойлардан қирқ йил аввал кирадилар. Эй Оиша, мискинни яримта хурмо билан бўлса-да қуруқ қайтарманг. Эй Оиша, мискинларни яхши кўринг, уларни ўзингизга яқин тутинг, қиёмат куни Аллоҳ сизни Ўзига яқин қилади»*, дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1916).

Аллоҳ таолодан қалбларимизни фақир-мискинларга, заиф-бечораларга, хусусан етимларга раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват билан тўлдиришини, уларга нисбатан зиммамизда бўлган вазифаларни адо этишимизга Ўзи ёрдам беришини, бизни мискинларни яхши кўрадиган кишилардан қилишини, қиёмат куни мискинлар билан ва улар жамоасида тургизишини сўраймиз. Зеро, У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.



МУОҲИД ЗИММИЙНИНГ МУСУЛМОНЛАР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚҚИ⁽³²⁸⁾



Мусулмонларнинг зиммаси-ҳимояси, аҳди ва омонлиги остига кирган муоҳид зиммийнинг аҳдига вафо қилиниши ва хавфсизлигига кафолат берилиши, унинг жони, моли ва номусидаги ҳақ-ҳуқуқ ва ҳурматлари поймол қилинмаслиги, шунингдек, уларнинг диёрларида уларнинг ҳимояси ва омонлиги остига кирган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларига вафо қилиниши ва бирон нарсада хиёнат қилинмаслиги уларнинг ўзаро ҳақ-ҳуқуқларидан саналади.

Аллоҳ таоло айтди:

«Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Аллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизда»

328 Бу ҳақ ва унинг остига кирувчи барча масалалар, далиллар ва ҳақ-ҳуқуқлар муоҳид зиммий, яъни мусулмонлар диёрида доимий аҳд-шартнома ёки вақтинча сулҳ остида яшаб турган, ёки улардан мусулмонлар диёрига ўзига хос ва вақтинчалик алоҳида битим билан келган ғайридин кишиларга, шунингдек доимий битим ёки муваққат шартнома билан улар диёрига борган мусулмонларга ҳам тегишли ва шомил бўлиб, улар диёрига борган мусулмон зиммасида ҳам уларнинг истисноий хос ҳақлари бор. Шунингдек, уларнинг давлатларида истиқомат қилувчи мувотин (яъни уларнинг фуқаролигига эга) мусулмонлар ҳам ўзлари яшаб турган жамият билан ижтимоий битим билан боғланганлари учун ушбу ҳақ-ҳуқуқлар доирасида ҳаракат қилишлари лозим. Аммо бу аҳдлашув ва келишувлар қай шаклда бўлиши, уларнинг муддат-миқдорлари, ким томонидан имзоланиши, қачон ва қандай ниҳоясига етиши каби масалалар тафсилотини «Истихлол» деб номланган китобимизда ёритиб берганмиз. Истаганлар унга мурожаат қилишлари мумкин.

гизни (Аллоҳ номини зикр этиш билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни билиб туради» (Наҳл: 91).

«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро, аҳд-паймон (Қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир» (Исро: 34).

«Эй мўминлар, аҳдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилинги!» (Моида: 1).

«Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни, бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар). Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўрувчидир» (Анфол: 72).

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу (ҳукм) уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир» (Тавба: 6).

«(Бу оятлардан) фақат Аллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва мийсоқ — ваъдаларини бузмайдиган ақл эгаларигина эслатма оладилар. Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар. Роббиларидан кўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан кўрқиб, (доим чиройли амаллар қилишга интиладилар). Роббиларининг Юзини кўзлаб (меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб намозларини тўқис адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қилган ҳамда ёмонликни яхшилиқ билан қайтарадиган зотлар — ана ўшалар учун охират диёри бордирки, (у диёр) абадий туриладиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга, ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат бўлган солиҳ бандалар билан бирга кирадилар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охират диёри нақадар яхши!» (Раъд: 20-24).

«Улар (яъни мўмин-мусулмонлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳд-паймонларига риоя қилувчи зотлардир» (Маориж: 32).

«Бу масал сабаб фақат Аллоҳнинг аниқ кўрсатмаларини бузадиган, У боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўрувчилардир (Бақара: 27).

«Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир (Раъд: 25).

Абу Рофиъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Қурайш мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига юборди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганимдан кейин қалбимга Ислому (муҳаббати) тушди ва мен: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен энди улар олдида асло қайтиб бормаيمان», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен аҳдни бузмайман, элчиларни ушлаб қолмайман.⁽³²⁹⁾ Сиз ортингизга қайтинг. Агар дилингизда ҳозир топаетган нарсани — яъни Исломини — топсангиз, қайтиб келинг», дедилар. Шундан сўнг мен кетдим ва кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қайтиб келиб, Исломини қабул қилдим» (Саҳиҳ сунаи Аби Довуд: 2397).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мени Бадр жангида ҳозир бўлишдан тўсган нарса шу бўлган эдики, мен ва отам Ҳусайл (Мадинага ҳижрат учун) чиқдик, шунда Қурайш кофирлари бизни ушлаб олишди ва: «Сизлар Муҳаммаднинг олдида бормоқчисизлар», дейишди. Биз: «Унинг олдида бормоқчи эмасмиз, биз Мадинага бормоқчимиз, холос», дедик. Шунда улар биздан Аллоҳни ўртага қўйиб:

329 Чунки, элчилар динлари ва мансубликлари қандай бўлишидан қатъий назар, шариатга кўра ҳам, урф-одат бўйича ҳам омонликда бўладилар, уларга хиёнат ёки бирон бир ёмонлик қилиш жоиз эмас. Абу Рофиъ Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида қолишни ўзи истаган, бунга ҳеч қандай мажбуриликсиз ўзи ташаббус кўрсатган бўлишига қарамай, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг талабини қабул қилмадилар ва унга аввал ўзини элчиликка юборган кишилар олдида қайтиб бориб, кейин истаса ўз эрки-ихтиёри билан, бировнинг элчиси бўлмаган ҳолда қайтиб келиши мумкинлигини айтдилар. Чунки, у зот «Муҳаммад элчиларни ушлаб қолмоқда» деган гап чиқишини истамасдилар.

«Биз фақат Мадинага борамиз, у билан бирга урушга кирмаймиз» деган аҳду паймон олишди. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келгач, бўлган гапни айтиб бердик. У зот: *«Боринглар, биз уларнинг аҳдларига вафо қиламиз ва улар устидан Аллоҳдан нусрат сўраймиз»*, дедилар»⁽³³⁰⁾ (Муслим ривояти).

Амр ибн Абаса ас-Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Кимнинг бир қавм билан ўртада аҳд бўлса, то муддати охирламагунича бирон аҳдни боғламасин ҳам, ечмасин ҳам (яъни, ўша аҳдида турсин) ёки уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташласин (яъни, ўртадаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)»*, деганларини эшитганман (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2397).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар Аллоҳ ва Расули сизларни яхши кўришларини истасангиз, учта хислатга: ростгўйликка, омонатни адо қилишга ва яхши қўшничиликка риоя қилингиз»* (Халъий «Фавоид» да ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2997).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Сизга омонат қўйган кишига омонатини адо қилинг, сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!»*⁽³³¹⁾ (Абу Довуд ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 423).

330 Бу ҳадис шунга далил бўладики, мусулмонлардан бир гуруҳи ўзаро уруш ҳолатидаги мушриклар билан сулҳ ва тинчлик битимида бўлсалар, ўртадаги битимга риоя қилишлари, бошқа бир гуруҳ мусулмонлар эса айни ўша мушриклар билан ўртада тинчлик битимлари бўлмагани боис урушга киришлари жоиз бўлади, биринчи гуруҳга лозим бўлган аҳд иккинчи гуруҳга лозим бўлмайди, иккинчи гуруҳга лозим бўлган нарсa биринчи гуруҳга лозим бўлмайди. Улуғ саҳобий Абу Басир ва унинг мўмин сафдошлари билан Қурайш мушриклари ўртасида бўлган воқеа ҳам айни шу қабилдан эди. Ҳолбуки, у пайтда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Мадинада у зот билан бирга турган мусулмонларнинг Қурайш мушриклари билан тинчлик шартномалари бор эди. Мўминларнинг ҳар икки гуруҳи ўзларига лозим бўлган ишни лозим тутишган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи гуруҳнинг Қурайш мушрикларига қарши урушларини инкор қилмаган эдилар. Чунки, улар ўртада тузилган шартнома доирасидан ва битим мажбуриятларидан ташқарида эдилар. Бу масала очиқ-ойдин ва далиллари равшан эканига қарамай, айрим жоҳиллар ҳануз бунинг атрофида шовқин-сурон кўтариб юришади!

331 Ҳадис йўлланмасига кўра, ҳар доим ҳам тенгма-тенг муомала бўлавермайди, биров томонидан сизнинг ҳаққингизга қилинган аслида ҳаром бўлган — хиёнат, алдов, ўғирлик каби — ишларга айни шу ишлар билан жавоб бериш жоиз бўлмайди.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деярли ҳар бир хутбаларида: *«Омонати йўқ кишининг иймони йўқ, аҳди йўқ кишининг дини йўқ»*, дердилар (Аҳмад, Баззор, Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 3004).

Микдод ибн Маъдий Кариб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Огоҳ бўлинглар, йиртқич ҳайвон, хонаки эшак, муоҳиднинг молидан тушиб қолган нарса (топилдиқ) ҳалол эмас, фақат унинг ўзига кераксиз нарса бўлса (олиши дуруст)»*⁽³³²⁾ (Саҳиҳ сунаун Аби Довуд: 3229).

Сулаймон ибн Бурайда отаси (Бурайда ал-Асламий) разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон лашкар ёки кичикроқ гуруҳга амир тайинласалар, уни Аллоҳдан тақво қилишга ва қўли остидаги мусулмонларга яхшилик қилишга буюрардилар, сўнг айтардилар: *«Аллоҳнинг исми билан, Аллоҳ йўлида жанг қилинглар! Аллоҳга кофир бўлган кимсаларга қарши урушинглар! Жанг қилинглар, лекин хиёнат қилманглар, (ўлжалардан тақсимланмай туриб) билдирмай олманглар, мусла қилманглар (яъни қулоқ-бурун каби аъзоларни кесманглар), ёш болани ўлдирманглар!»* (Муслим ривояти).



Хиёнатнинг дунё ва охирадаги оқибатлари

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Хиёнаткорга қиёмат куни байроқ тикилади ва: «Бу фалончи ўғли фалончининг хиёнати», деб айтилади»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни ҳар бир хиёнатчининг у билан танилиб турадиган байроғи бўлади»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қиёмат куни ҳар бир*

332 Муоҳиддан тушиб қолган ёки у ташлаб юборган нарсани олиш жоиз бўлмас экан ва топиб олган одамга у эгасининг изнисиз ҳалол бўлмас экан, демак, муоҳиднинг бошқа ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурмати бундан кўра анча қаттиқ бўлиб, уларга қаттиқ риоя қилиш керак бўлади.

хиёнатчининг байроғи бўлиб, уни хиёнати миқдориға қараб кўтарилади» (Муслим ривояти).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло қиёмат кунни аввалгилар-у охиргиларни жамлаганда ҳар бир хиёнатчига бир байроқ кўтарилиб: «Бу фалончи ўғли фалончининг хиёнати» дейилади»* (Аҳмад ривояти, шайх Шокир таҳрижда (7/31): «исноди саҳиҳ», деган).

Амр ибн ал-Ҳамиқ ал-Хузоий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир кишига ўз қони (яъни жонини) ишонса-ю, у уни ўлдириб қўйса, гарчи ўлдирилган киши кофир бўлса ҳам, мен қотилдан покман (яъни у мендан эмас)»* (Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 440).

Бир ривоятда: *«Ким бир кишига ўз қонини ишонса-ю, у уни ўлдирса, қиёмат кунни у хиёнат байроғини кўтаради»* (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 440).

Амр ибн ал-Ҳамиқ ал-Хузоий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бир киши бир кишига (ишониб, кўнгли) хотиржам бўлса, хотиржам бўлганидан кейин у уни ўлдирса, қиёмат кунни у учун хиёнат байроғи тикилади»*⁽³³³⁾ (Ҳоким ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 357).

Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким муоҳид кишини ноҳақ ўлдирса, Аллоҳ унга жаннатнинг ҳидини ҳидлашни ҳам ҳаром қилади»* (Саҳиҳ су-нан ан-Насоий: 4423).

333 Ҳадис мазмунига кўра, бир кишини бошқа бир киши ёки томонга ишониб қолишига олиб келган ҳар қандай иш — гарчи тил билан очиқ-равшан айтилмаган бўлса ҳам — ўзига хос аҳд ва омонлик битими ҳисобланиб, унга хиёнат қилиш жоиз бўлмайди. Бу ва бошқа шу мазмундаги — Муғийра ибн Шуъбанинг мушрик ҳамроҳлари билан бўлган воқеа каби — ҳадислар мени бундан саккиз йиллар олдин айтган гапимга тўртки бўлган — «Истиҳлол» китобимда айтганимдек — ва ҳозирда ҳам шу гапни айтаманки: тайёра (учоқ)ларни ўғирлаб кетиш, шунингдек, умумий нақлиёт воситалари йўловчиси ўз йўлдошларининг кўнгиллари унга нисбатан хотиржам бўлганидан, ҳамсафар ва ҳамроҳ деб рози бўлишганидан ва ёнма-ён ўтиришганидан сўнг, кўпинча сафар-халталарида бўлган егуликлар билан уни меҳмон ҳам қилишганидан кейин — бу эса ишонч ва кўнгил хотиржамликнинг зиёдаланиши белгиси саналади — сафардош ҳамроҳларига хиёнат қилиб, поезд ёки автобусни портлатиб юбориши каби ишлар ҳаммаси очиқ-ошкор хиёнат ва қатъан ҳаром ишлардир. Бундай ишлар улўғ динимиз таълимот ва ахлоқларига тамомила зид ишлар бўлиб, бу ҳақда тараддудланиш ҳам жоиз эмас, бу каби ишларни Исломга нисбатлаш ёки шаръийлик тўғрисида кийдириш дуруст эмас. Бунга муҳолиф бирон мўътабар фикрни мен кўрмадим.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким аҳли зиммалардан (яъни мусулмонлар ҳимоясида) бўлган бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди. Ҳолбуки, унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан билиниб туради»*⁽³³⁴⁾ (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: 4425).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким муоҳидни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди, ваҳоланки унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан билинади»* (Бухорий ривояти).

Абу Бакра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким бир муоҳидни ноҳақ ўлдирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади»* (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2398).

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ таоло деди: Уч киши борки, қиёмат кунини Мен уларнинг душмани бўламан: Менинг номим билан аҳд бериб, сўнг унга хиёнат қилган одам; ҳур-озод одамни қул қилиб сотиб, пулини еган одам; ишчи ёллаб, ундан тўла фойдаланган, сўнг ҳаққини бермаган одам»* (Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан (Бурайда ибн Ҳасиб разияллоху анҳудан) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир қавм аҳдни бузаркан, улар орасида қатл вужудга келади, қай бир қавмда фаҳш зоҳир бўлса, Аллоҳ уларга ўлимни ҳукмрон қилади, қай бир қавм закот бермай қўйса, Аллоҳ улардан ёмғирни тўхта-тиб қўяди»* (Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 107).

Ибн Аббос разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир қавм аҳдни бузаркан,*

334 Бу ва шу каби ҳадислар ислом диёрларида мусулмонларнинг ҳимояси, аҳди ва омонлиги остига кирган яҳуд ва насораларни муҳофаза қилган, юзлаб йиллар мобайнида, ҳатто шу кунларимизда ҳам ва то қиёматга қадар уларга бирон озор ва ёмонлик етмай туришига сабаб бўлган эди. Бундаги фазл эса шубҳасиз, севикли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг кўрсатмалари ва буйруқларига қайтади. Шундай бўлишига қарамай — ҳозирги кунларда — бу олийжанобликка, шундай олий ахлоқ ва фазилатга жавобан у зот шахсларини масхаралаш ва айбситиш билан чиқилмоқда, Дания ва бошқа христиан ғарб давлатлари матбуотида у зот шаънини камситувчи суратлар нашр қилингани каби қабих ишлар амалга оширилмоқда. Яхшиликка шундай жавоб қайтариладими?! Шуми яхшиликнинг мукофоти?! Мусулмонлар диёрида, уларнинг ораларида яшаб турганингизда сизларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва ҳурматларингизни муҳофаза қилган ва қилиб келаётган кишига шундай муомала қилинадими?!

душманлари улар устидан ҳукмрон қилиб қўйилади»⁽³³⁵⁾ (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 3240).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Эй муҳожирлар жамоаси! Беш нарса борки, улар билан мубтало бўлсангизлар — улар сизларга етишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман: — (ўша беш нарсадан бири шуки,) Аллоҳга беришган аҳдни ва Расулига беришган аҳдни бузишаркан, Аллоҳ улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўяди ва улар буларнинг қўлларидаги баъзи нарсаларни тортиб олишади»* (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 106).



Хиёнаткорлик мунофиқликни келтириб чиқаради, у мунофиқларнинг сифатларидан биридир

Аллоҳ таоло айтди:

«Бу масал сабаб (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қилади. Бу масал сабаб фақат Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, У боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўрувчилардир» (Бақара: 27).

«Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир»⁽³³⁶⁾ (Раъд: 25).

335 Шунинг учун кўп маротаба, кўп ўринларда айтиб келамизки, мужоҳидларга ва уларнинг жиҳодларига хиёнатнинг зарари — агар улардан бирон хиёнат содир бўлгудек бўлса — душмандан ва унинг вайронагарчилик келтирувчи қурол-аслаҳаларидан кўра каттароқ бўлиши хавфи бор, буни асло унутмаслик лозим!

336 Қуртубий тафсирида айтади: Саъд ибн Аби Ваққос деди: «Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқ бўлган зот — Аллоҳга қасамки, улар ҳарурийлардир», яъни аҳдларни бузиш ва уларга енгил қараш билан танилган хаворижлардир. Сўнг бунинг ортидан улар аҳд ва омонлик йўқлиги баҳонаси билан ерда бузғунчилик қилишади, ҳақ-хуқуқ ва ҳурматларни поймол қилишади.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоху анҳумодан ривоят қилинади, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *«Кимда тўртта сифат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни тарк қилгунича, нифоқдан битта сифат унда бор бўлади: Омонат қўйилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, аҳд берса хиёнат қилади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан четлаб кетади)»* (Муттафакун алайҳ).

Муслим ривоятида: *«гапирса ёлғон гапиради, аҳд берса хиёнат қилади, ваъда берса хилоф қилади, хусуматлашса фожирлик қилади»*.⁽³³⁷⁾



Мусулмонларнинг ҳимояси, аҳди ва омонлиги остига кирган кишиларга мулойимлик, раҳм-шафқат, адолат, яхшилик ва гўзал хулқ билан муомала қилиш⁽³³⁸⁾

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг Ўзи учун ҳақ йўлни тутувчи, адолат билан шаҳодат — гувоҳлик берувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон

Ибн Касир тафсирида айтади: Бу бадбахт кимсаларнинг ҳолати, сифатлари, уларнинг дунё ва охиратдаги оқибатлари баёнидир. Ҳадисда айтилганидек: «Мунофиқнинг аломати учта: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса хилоф қилади, омонат қўйилса хиёнат қилади». Бир ривоятда: «аҳд берса хиёнат қилади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан четлаб кетади)». Шунинг учун Аллоҳ таоло: «улар учун Аллоҳнинг лаънати бўлур», яъни раҳматидан узоқлатиши бўлади, «улар учун энг ёмон диёр бўлур», яъни ёмон оқибат бўлади, деди.

Абул-Олия **«Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган»** ояти ҳақида айтади: «Мунофиқлар агар одамларга ғолиб бўлишса, олти сифатларини зоҳир қилишади: «гапирганда ёлғон гапиришади, ваъда беришса хилоф қилишади, омонат қўйилса хиёнат қилишади, Аллоҳга берган аҳд-паймонларини бузишади, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узишади, ерда бузғунчилик қилишади. Ғалаба улардан юз ўгирганда эса фақат учта сифатларини ошкор қилишади: гапирганда ёлғон гапиришади, ваъда беришса хилоф қилишади, омонат қўйилса хиёнат қилишади».

337 Хаттобий айтади: «Бунинг маъноси — мазкур сифатларга одатланиб қолиш мусулмон кишини ҳақиқий мунофиқликка олиб бориб қўйиши мумкинлигидан огоҳлантиришдир».

338 Бундай қилиш Исломдаги дўстлик ва душманлик тушунчасига зид келмайди. Мусулмон бўлмаганларга аёвсиз ва қаттиққўл бўлишга чақирадиган наслар (яъни

кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Моида: 8).

«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эс-латма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилур» (Наҳл: 90).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу (ҳукм) уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир»⁽³³⁹⁾ (Тавба: 6).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ таоло ўз раҳматини фақат раҳмдил кишиларга туширади»*. Саҳобалар: *«Ҳаммамиз ҳам раҳм қиламиз-ку?»*, дейишди. У зот: *«(Мен айтган раҳмдилдан мурод) сизлардан бирингизнинг ўз биродарига қиладиган раҳмдиллиги эмас, барча одамларга нисбатан раҳмдиллик қиладиган кишидир»*, дедилар (Ас-силсилатус-саҳиҳа: 167).

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди»* (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 71).

Сафвон ибн Сулайм бир неча — Байҳақий ривоятида ўттизта — саҳобанинг болаларидан, улар оталаридан, улар эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: *«Огоҳ бўлингиз, ким муоҳидга зулм*

шаръий далиллар) ҳақида фикр юритиб кўрсангиз, улардан мурод — уруш ҳолатидаги мушриклар эканини, бундай муомала ўрни эса уруш ва жанг майдонлари эканини кўрасиз. Уруш ва жанг майдонларининг ўзига хос ҳукмлари ва хос ахлоқлари бўлади, аҳд ва омонлик битими майдонларининг ўзига хос ҳукмлари ва ахлоқлари бўлади. Иккала майдон ўртасини ва бу икки майдон аҳлига нисбатан қўлланиш лозим бўлган муомалани фақат жоҳил одамгина аралаштириб юбориши мумкин. Баъзан у ер бу ерда шохид бўлаётганимиз Исломи номи билан қилинаётган тажовуз ва хато ҳатти-ҳаракатлар ортидаги асосий сабаб ҳам шудир.

339 **«.. уни ҳимоя қилинг»** ояти калимаси фарзликни ифодалайди. Ҳимоя остига олиш дегани ичига меҳмон қилиш, яхшилик қилиш, чиройли муомала қилиш, унинг қалбини Исломига мойил қиладиган ҳар қандай яхши ишларни қилиш ҳам киради. Зеро, мана шундай чиройли муомалага риоя қилмасдан ҳимоя остига олиш Аллоҳнинг каломини эшитиши ортида бўлган ғараз-мақсадга олиб бормади.

қилса ёки уни камситса ёки унга тоқатидан ортиқ ишни юкласа ёки унинг бирон нарсасини ўзининг розилигисиз олса, қиёмат кунини мен унинг рақиби бўламан» (Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 445).

Бир ривоятда «уни камситса» ўрнига «унинг ҳаққини камситса» дейилган.⁽³⁴⁰⁾ (Саҳиҳул-жомии-сағир: 2655).

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Хайбар соҳиби (яъни оқсоқоли) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, улар (мусулмонлар тарафидан) йўлиқаётган баъзи ишлардан шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга (тўпланишга) амр этдилар. Улар тўпланишгач, хутба қилиб, дедилар: «Аҳли китоблар ўз зиммаларига вожиб бўлган нарсани (яъни жизя-солиқни) сизларга берган бўлсалар, Аллоҳ таоло сизларга уларнинг уйларида рухсатсиз киришни, уларнинг хотин-халажларини уришни, мева-чеваларидан ейишни ҳалол қилмади»⁽³⁴¹⁾ (Абу Довуд ривояти, Ибн Касир «Иршодул-фақиҳ»да исноди яхши деган).

Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинади: Ҳишом ибн Ҳаким ибн Ҳузум Ҳимсга ҳоким эканида бир кишининг жизя тўламаган қибтликларни куёш тифида қўйиб азоблаётганини кўриб: «Бу нимаси?! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Дунёда одамларга азоб берадиган кишиларни Аллоҳ таоло албатта азоблайди» деганларини эшитганман», деди⁽³⁴²⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2625).

Саид ибн Жубайрдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фақат ўз диндошларингизга садақа қилинглар», дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло: «Уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зимман-

340 Бу каби ҳадислар зулмнинг мутлақо ҳаромлигини, шу жумладан ғийбатини қилиш, ёмон ва нолойиқ сўзлар билан обрў-номусига чанг солиш жоиз эмаслигини ифодалайди. Зулм фақат моддий томонга чекланган бўлмай, балки маънавий жиҳатдан бўлган зулм кўп ҳолларда моддий жиҳатга алоқадор зулмдан қаттиқроқ бўлади. Замондош уламолардан бирларининг «Кофирни ғийбат қилиш жоизми?» деган саволга ўйланиб ҳам ўтирмасдан: «Ҳа, жоиз» деганини эшитдим. Бундай дейиш хато, уруш ҳолатидаги кофирга қилиниш керак бўлган муомала билан аҳд ва битим остидаги кофирга қилинадиган муомаланинг фарқи борлигини билиш лозим!

341 Ушбу ҳадисда имом-халифа аҳли зиммани мусулмонлар тарафидан бўладиган озорлардан ҳимоя қилиши вожиблигига далил бор.

342 Бу каби ҳадислардан айрим фаҳми бузуқ кишиларнинг «Раҳм-шафқат фақат мусулмонлар орасида, бир-бирларига нисбатан чекланган бўлиши керак, мусулмон бўлмаганларга нисбатан қўлланилмаслиги лозим» деган даъволари нотўғрилиги маълум бўлади.

ғизда эмас. Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эхсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўкис қайтарилади» (Бақара: 272) оятини нозил қилди. (Сўнг) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бошқа динлар аҳлига ҳам садақа қилаверинглар*», дедилар⁽³⁴³⁾ (Ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2766).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо учун қўй сўйилганида ғуломига: «Яҳудий қўшнимизга ҳам бердингми? Яҳудий қўшнимизга ҳам бердингми? Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Қўшнига яхшилик қилиш хусусида Жибрил алайҳис-салом менга шунчалик кўп гапирдики, мен қўшни меросхўр бўлиб қолармикин, деб ўйладим*», деганларини эшитганман», деди (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 78).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир яҳудий бола Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилиб турар эди, ўша бола касал бўлиб қолди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўргани бордилар ва бош томонида ўтириб, унга: «*Исломни қабул қил*», дедилар. У ёнида ўтирган отасига (изн сўрагандек) қаради. Отаси унга: «*Абулқосимга итоат қил*», деган эди, у исломни қабул қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг олдидан чиқарканлар: «*Уни дўзахдан қутқарган Аллоҳга ҳамд бўлсин*», дедилар⁽³⁴⁴⁾ (Бухорий ривояти).

Абу Усмон ан-Наҳдийдан ривоят қилинади: Абу Мусо бир роҳибга мактуб ёзиб, мактубида унга салом йўллади. Шунда у кишига: «*Котирга салом йўллайсизми?!*», дейилди. «*У менга салом йўллаб мактуб ёзган эди, мен ҳам унга жавобан салом йўлладим*», деди⁽³⁴⁵⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 837).

343 Ҳадисдан тушуниладики, мусулмонлар бошқа динларга мансуб бўлган эҳтиёжманд ва қийналган кишиларга инфоқ-эхсон қилишлари, бало ва табиий офатларга дучор бўлган юртлар аҳлига ёрдам ва кўмак кўрсатишлари жоиз, Аллоҳ розилигини истаб қилсалар бунинг учун ажрланадилар.

344 Бу ҳадисдан мусулмон бўлмаган беморларни бориб кўриш — мункар, ношаръий ишлардан холи бўлганда, улардан яхшилик ва қалблари Исломга мойил бўлиши умид қилинганда, айниқса, яхшилиги маълум, мусулмонларга хизмати сингган киши бўлса — жоизлиги маълум бўлади.

345 Бунда мусулмон бўлмаган кишининг саломига алик олиш ёки мактуб ёзиб, унинг саломига айнаи ўша ибора билан жавоб йўллаш жоизлиги ва бунинг тенгма-тенг муомала эканига ва бунинг ҳеч қандай зарари йўқ эканига далил бор.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтдилар: «Яхудий, насроний ва мажусийларнинг саломларига алик олинглар. Чунки, Аллоҳ таоло: **«Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар»** (Нисо: 86), деган»⁽³⁴⁶⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 834).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтдилар: «Агар Фиръавн менга: «Боракаллоҳу фийка (Аллоҳ сенга баракот ато этсин)» деса, мен унга: «Сенга ҳам» деган бўлардим, бироқ Фиръавн ўлиб кетган»⁽³⁴⁷⁾ (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 848).



Уларни Исломни қабул қилишга ва ўз динларидан воз кечишга мажбурламаслик, агар жизя (ҳимоя солиғи) тўлаб турган бўлсалар, мусулмонлар уларнинг ҳурматлари поймол бўлишидан ҳимоя қилиб жанг қилишлари уларнинг ҳақ-ҳуқуқларидандир

Аллоҳ таоло айтди:

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди» (Бақара: 256).

Бурайда разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келганидек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лашкарбошиларга қилган буйруқлари ичида жумладан шундай сўзлар бор эди: *«Мушрик душманларингизга йўлиққанда уларни учта ишга буюринг. ...Агар (Исломга киришдан) бош тортсалар, улардан жизя беришларини сўранг. Агар рози бўлсалар, улардан қабул қилинг ва урушдан тийилинг. Агар бош тортсалар, Аллоҳдан мадад сўраб, уларга қарши жангга киринг»* (Муслим ривояти).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу васиятларида айтган эдилар: «Ўзимдан кейинги халифага Аллоҳнинг зиммаси (яъни ҳимояси) ва Расулининг зиммаси (остидаги кишилар хусусида,) уларнинг аҳдларига

346 Бундан маълум бўладики, ояти кариманинг далолати мутлақ бўлиб, у муайян салом лафзи билан салом берган ҳар бир кишига, хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ ғайридин бўлсин, умумийдир, унга ўзининг саломидек ёки ундан яхшироқ салом билан жавоб қайтарилади.

347 Чунки, бу — билмисл, яъни тенгма-тенг муомала қабилидан бўларди. Зотан, улар биздан афзал эмас, биздан кўра одобли эмас, биздан кўра яхшиликка шукроналик бажо келтирувчи эмас. (Бу ишларда биз улардан кўра илғорроқ бўлишимиз лозим).

вафо қилишни, уларни деб жанг қилиш ва уларга тоқатларидан ортиқ ишларни юкламасликни васият қиламан» (Бухорий ривояти).

Ғурфа ибн Ҳорис ал-Киндий разияллоҳу анҳу олдидан ўтиб кетаётган бир насронийни Исломга даъват қилганида у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёмон сўзлар билан тилга олиб, ҳақорат қилди. Шунда Ғурфа унга қўл кўтариб, бурнини уриб синдирди. Иш (шикоят) Амр ибн Ос разияллоҳу анҳуга етказилди. Амр: «Биз буларга аҳд берганмиз», деган эди, Ғурфа: «Биз буларга пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни очиқ-ошкор сўкишларига аҳд берган бўлишимиздан Аллоҳ сақласин! Биз буларга черков ишларига аралашмасликка, улар ичида ўзлари истаган нарсаларини айтишларига ва тоқатларидан ортиқ нарсани зиммаларига юкламасликка аҳд берганмиз. Агар душман уларни қасд қилса, биз улар ортидан жангга кирамиз. Ўз аҳкомларига амал қилишларига қўйиб берамиз. Қачон бизнинг ҳукмларимизга рози бўлиб келсалар, биз уларга Аллоҳнинг ҳукми ва Расулининг ҳукми билан ҳукм қиламиз. Биздан махфий қилган ишларига аралашмаймиз», деди. Шунда Амр унга: «Тўғри айтдингиз», деди. Ғурфа саҳобалардан эди (Ибн Касир «Иршадул-фақиҳ»да (2/346): «Байҳақий саҳиҳ иснод билан ривоят қилган» деган).



Миср қибтийларига яхшилик қилишга васиятлар

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мисрни фатҳ қилсангизлар, қибтга (яъни унинг ерлик аҳлига) яхши муомалада бўлинглар! Чунки, уларнинг зиммийлик ва қариндошлик ҳақлари бор*»⁽³⁴⁸⁾. (Ҳоким ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1374).

Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин васият қилиб деди-

348 Уларнинг қариндошликлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жориялари ҳамда ўғиллари Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси бўлмиш солиҳа, покиза ва тақводор Мория ал-Қибтияга яқинликлари жиҳатидан бўлиб, Морияни Мисрнинг қибтий шоҳи Муқавқис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳадя қилиб юборган эди. Мория ҳижрий 16 йили вафот этган ва Бақеъга дафн қилинган, жанозасини Умар разияллоҳу анҳу ўқиган.

лар: *«Миср қибтийлари хусусида Аллоҳдан қўрқинглар! Зеро, сизлар уларга ғолиб бўласизлар, улар сизларга Аллоҳ йўлида кўмакчи бўладилар»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3113).

Баъзилар қибтийларнинг қариндошликлари Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Хожар томонидан бўлганини айтадилар. Менинг фикримча, ҳар иккала жиҳатдан бўлишига монъелик йўқ. Бу қариндошликни янада мустаҳкамлайдиган омиллардан. Ибн Аббос разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўғиллари Иброҳим вафот этганида унга жаноза ўқидилар ва: *«У учун жаннатда бир эмизувчи бордир. Агар яшаганида сиддиқ ва набий бўларди. Агар яшаганида қибт тоғалари озод бўлар, бирон қибтий қул қилинмас эди»*, дедилар (Шайх Албоний «озод бўлиш ҳақидаги жумладан бошқалари саҳиҳ» деган, Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 1227).





ҲАЙВОНЛАРНИНГ ҲАҚЛАРИ⁽³⁴⁹⁾

349 Маълумингиз бўлсинки, ҳайвонот олами барча турлари билан, қушлар синфи бўлсин, қуруқликда яшовчи ҳайвонлар бўлсин, сувда ва денгизлар тубида ҳаёт кечирувчи жониворлар бўлсин, улар ҳам худди инсонлар каби ўзига хос уммат бўлиб, ўз тартиб-қоидалари, одатлари, ўзларига хос тиллари, ҳаёт йўллари бўлади. Уларда ҳам ҳис қилиш, яхши кўриш, ёмон кўриш, аламланиш каби ҳис-туйғулар бўлади, ҳаётдаги ўз вазифасини адо қилишига имкон берадиган табиий фаҳм билан фаҳмлайди. Улар беҳуда-бекор яратилган эмаслар, улар билан ҳаёт мукаммаллашади, ҳаловатли ва гўзал бўлади. Улар фаҳм-идрок борасида бир-бирларидан фарқ қилишади. Барчаларига Аллоҳ таолони ёлғиз билиш ва Унга ибодат қилиш табиати ўрнатилган. Уларнинг ҳаммаси мўмин ва муваҳҳид бўлишади, Аллоҳга истиғфор айтишади, дуо қилишади, тасбеҳ ва ҳамду-санолар айтишади. Аллоҳ таоло айтди: **«Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Аллоҳга тасбеҳ айтар, яъни Уни) поклар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамасизлар. Дарҳақиқат, У Ҳалийм ва мағфиратли бўлган зотдир»** (Исро: 44). Шу жиҳатдан олганда ақл ва фикрлаш неъматига, ихтиёр эркинлигига эга бўлгани ҳолда Аллоҳ таолонинг тавҳиди ва ибодатидан юз ўгирган кофир ва мушриклардан кўра ҳайвонот олами яхшироқ ва афзалроқдир. Аллоҳ таоло айтди: **«Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўк, улар (беақл, бефаҳмликда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир»** (Аъроф: 179). Яна айтади: **«Ёки сиз уларнинг кўпларига (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?!** (Ундоқ эмас, зеро) **улар ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўк, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир!»** (Фурқон: 44). Бу ва шу каби маънолар Аллоҳнинг изни билан қуйида ҳайвонларнинг инсон устидаги ҳақлари хусусида зикр қилинадиган шаръий далиллар тўпламидан воқиф бўлиш асносида яна-да очиқроқ намоён бўлади. Бу эса сиздан атрофингизда бор бўлган, ҳаётда сиз дуч келадиган ҳайвонот оламига нисбатан катта масъулият ва раҳм-шафқат билан муомала қилишни тақозо қилади.

Аллоҳ таоло айтди:

«Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг қўл остимиздаги) жамоалардир. Китобда (яъни Лавҳул Махфузда) бирон нарсани қўймай (ёзганмиз). Кейин ҳаммалари Парвардигорлари даргоҳига тўпланадилар» (Анъом: 38).

«Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт (оёқда) юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратади. Албатта Аллоҳ барча нарсага қодир» (Нур: 45).

«Албатта сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир — Биз сизларни уларнинг қорнидаги сут билан суғорамиз, яна сизлар учун уларда (юнларидан кийимлар тўқиш, миниш каби) қўп фойдалар бор, шунингдек улар(нинг гўшт-ёғлари)дан ейсизлар» (Муъминун: 21).

«У зот яна сизлар учун иссиқ кийим ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб чорва молларини ҳам яратдики, сизларнинг таом-озуқаларингиз улардан бўлур» (Наҳл: 5).

«Ахир улар туянинг қандай яратилганига ... (ибрат назари билан) боқмайдиларми?!» (Ғошия: 17).

«У зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур» (Наҳл: 8).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот ҳам, (самода) саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтиб — поклашини кўрмадингизми? Аниқки, (Аллоҳ) барчанинг дуою тасбеҳини билиб турур. Аллоҳ уларнинг қилаётган (барча) ишларини билувчидир» (Нур: 41).

«Улар устларида (қанотларини) ёювчи бўлган ва йиққан ҳолда (учиб юрган) қушларни кўрмадиларми?! У (қуш)ларни ёлғиз Раҳмонгина (самода) ушлаб турар! Албатта У барча нарсани кўриб турувчидир» (Мулк: 19).

«То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли: «Эй чумолилар, уяларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар», деган эди» (Намл: 18).

«(Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз асаларига ваҳий — амр қилди: «Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) қурадиган инларга уя солгин» (Наҳл: 68).

«У қушларни кўздан кечириб (уларнинг орасида худхудга кўзи тушмагач): «Нега мен худхудни кўрмаяпман, балки у (мендан беизн) ғойиб бўлувчилардандир?! Албатта уни қаттиқ азоб билан азоблайман ё сўйиб юбораман ёки у менга (ўз узрини баён қилиб) очик ҳужжат келтиради», деди. Сўнг узоққа қолмай (худхуд келиб) деди: «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга Сабъ (шаҳри) дан аниқ бир хабар келтирдим. Дарҳақиқат мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, катта тахти ҳам бордир. Мен у ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим». Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (Ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас улар (то) Аллоҳга сажда қилмагунларича (Ҳақ йўлга) ҳидоят топмаслар. (Аллоҳ) осмонлар ва ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни ҳам биладиган зотдир. «Аллоҳ — Ундан ўзга ҳеч қандай барҳақ илоҳ бўлмаган, магар Унинг Ўзигина ҳақ бўлган Зотдир. У улуғ арш эгасидир»⁽³⁵⁰⁾ (Намл: 20-26).

«Уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётур» (Каҳф: 18).



Ҳайвонларга раҳм-шафқат ва яхшилик қиладиган киши ҳақида

Шаддод ибн Авс разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага яхшилик қилишни вожиб этди. Агар (бирор жонни) қатл қилсангизлар, қатлни чиройли ҳолда қилингиз! (Бирор жонлиқ) сўйсангиз, уни ҳам чиройли сўйингиз! (Сўйишдан олдин) пичоқларингизни ўткирлаб олинг ва жониворни қийнаб қўйманг» (Имом Муслим ривояти).

350 Агар биз шу худхуднинг тилини тушунадиган кишилардан бўлганимизда эди, у тавҳид, ақида тўғрисида замонимиздаги анча-мунча мулла ва даъватчиларга муаллим ва насиҳатчи бўлишга яраган бўлур эди.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пичоқларни ўткирлаб олишни ва жониворлар кўздан яширишни буюрдилар, сизлардан бирингиз (бирор ҳайвонни) бўғизласа, уни тезлик билан амалга оширсин»⁽³⁵¹⁾ (Аҳмад «Муснад»да ривоят қилган, шайх Шокир (8/134): «исноди саҳиҳ» деган).

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Кимда-ким сўйилаётган чумчуққа бўлса-да раҳм қилса, қиёмат куни Аллоҳ унга раҳм қилади»* (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 27).

Муовия ибн Қуррадан ривоят қилинади, у отасидан ривоят қилди: Бир киши: «Ё Расулulloҳ, мен қўй сўяман-у, унга раҳмим келади», деди. *«Қўйга раҳм қилсанг, Аллоҳ сенга раҳм қилади»*, дедилар. (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Табароний, Аҳмад ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 26).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар ер кўкаламзор бўлса, от-уловингиздан тушиб, унга ўт-ўлдан бўлган ҳаққини беринглар. Агар қурғоқ ер бўлса, йўлда давом этинглар. Тунда йўл босинглар, чунки тунда ер қисқаради»*⁽³⁵²⁾ (Таҳовий «Мушkil»да, Хатиб, Байҳақий ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 682).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар унумдор ердан юрсангиз, ҳайвонларга ҳаққини ёки насибасини беринглар. Унумсиз ердан юрсангиз, шитоб йўл босинглар. Тунда йўл юринглар, чунки тунда ер қисқаради. Дам олгани тўхтасангиз, йўл устига тўхтаманглар. Чунки, у ҳар турли жониворларнинг бошпанасидир»* (Баззор, Байҳақий ривоялари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1357).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар унумдор ерда сафар қилсан-*

351 Чунки, пичоқларни кўздан яширмаслик сўйиладиган ҳайвонни кўрқитади ва сўйилишдан олдин унга озор беради. Бўғизлашнинг афзали — жониворнинг бўғзига пичоқни бир марта тортишдир. Қайта-қайта пичоқ тортган сари ҳайвонга яхшилик қилиш маъносидан шунчалар узоқлашилади ва бунда у учун шунча азоб бўлади.

352 «От-уловингиздан тушинглар», яъни, миниб бораётган туя, от, эшак каби уловингиздан тушиб, унга ўт-ўлан еб, дам олишига имкон беринглар. Агар ўт-ўлан унмаган, сувсиз қуруқ ердан ўтиб бораётган бўлсангиз, йўлингизда давом этинглар, уловингизга у ерда дам берманглар, чунки у ўт-ўлдан бўлган ҳаққидан маҳрум бўлади.

гизлар, туяларга ҳаққини беринглар. Агар унумсиз ерда сафар қилсаларингиз, юришни тезлатинглар. Дам олишига тўхтамоқчи бўлсаларингиз, йўлдан четланинглар» (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2239).

Суроқа ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Жиирро-нада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у кишидан нима сўрашни билмай: «Ё Расулуллоҳ, мен ҳовузимни тўлдириб қўйиб, от-уловим келиб сув ичишини кутиб тураман. Шунда (бошқа) ҳайвонлар келиб ундан ичиб кетади. Шу ишимда ҳам ажр борми?», деб сўрадим. (Ташиналикдан) қовжираган ҳар бир жигар (яъни ҳар бир тирик жон)да сен учун ажр бор», дедилар (Хумайдий «Муснад»ида келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2152).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир киши йўлда бораркан, қаттиқ ташина бўлди. Бир қудуқ топиб, унга тушиди ва сувидан ичиб чиқди. Қараса, бир ит ташиналикдан тилини осилтириб, тупроқ ялаб турибди. У: «Бу итга ҳам худди менга етгандек ташиналик етибди» деди-да, қудуққа тушиб, маҳсисини тўлдириб сув олиб, уни тишлаганича тепага кўтарилди ва итни суғорди. Аллоҳ унинг бу ишидан мамнун бўлиб, гуноҳини мағфират қилди», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, бизга ҳайвонлар хусусида ҳам ажр бўладими?» деб сўрадилар. «Ҳар бир қуримаган жигарда (яъни тирик жонда) ажр бор», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан бошқа бир ривоятда «Чанқоқдан ўлаёзган бир ит қудуқ атрофида айланаётганини кўрган Бани Исроиллик бир фоҳиша аёл оёқ кийимини ечиб, унга сув олиб, итни суғорди. Шу иши сабабли уни мағфират қилинди»⁽³⁵³⁾ (Муттафақун алайҳ).

Минҳол ибн Амрдан ривоят қилинади, у Яъло ибн Муррадан, у отасидан ривоят қилади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳамсафар бўлдим, шунда у зотдан ажиб бир ишга гувоҳ бўлдим. Бир туя келиб, у зотнинг олдиларида турди. Унинг кўзларидан ёш оқаётганини кўриб, эгаларига одам юбордилар ва уларга: «Бу туянгиз нега сизлардан шикоят қиляпти?», дедилар. Улар: «Уни ишлатар эдик, қариб, ишдан қолгач, эртага сўйиб юборамиз деб келишган эдик», дейишди.

353 Ҳадисдан маълум бўладики, яхшиликлар ёмонликларни, шу жумладан гуноҳи кибирларни ҳам кетказар экан. Айтишларича, яхшиликнинг катталиги ва қуввати миқдорига қараб, унинг Аллоҳнинг изни билан ёмонликларни кетказишдаги таъсири ҳам кучли бўлади.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сўйманглар, туяларга қўшиб қўйинглар, бирга юриверсин*», дедилар (Ҳоким «Мустадрак»да келтириб: «исноди саҳиҳ» деган, Заҳабий унга қўшилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 485).

Яҳё ибн Саиддан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отларининг юзини ридолари билан силаётганини кўриб, бунинг сабаби сўралди. Шунда у зот: «*Бугун тунда менга отлар ҳақида танбеҳ берилди*», дедилар (Молик «Муватто»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3187).

Ҳайвонларга азоб бериш, уларга тоқатидан ортиқ ишларни юклаш ва уларни нотўғри ишлатишдан қайтариқлар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Юкларни туяларнинг орқароғига ортинглар, чунки, қўл (олд оёқлар) муаллақ, оёқ эса маҳкамдир*» (Абул Қосим ибн Ал-Жарроҳ “Амолий” да келтирган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1130)

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз (сафарда эканимизда) бирон манзилга қўнсак, то юкларни тушириб олмагунча нафл намозлар ўқишни бошламас эдик»⁽³⁵⁴⁾ (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2224).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан юзига куйдириб тамға босилган бир эшакни олиб ўтдилар. Шунда у зот: «*Мен ҳайвонларнинг юзига тамға босган ёки уларнинг юзига урган кишини лаънатлаганимдан беҳабарсизларми?!*», дедилар ва бундай қилишдан қайтардилар (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 2235).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пичоқларни ўткирлаб олишни ва жониворлар кўзидан яширишни буюрдилар, сизлардан бирингиз (бирор ҳайвонни) бўғизласа, уни тезлик билан амалга оширсин»⁽³⁵⁵⁾ (Аҳмад «Муснад»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3130).

354 Яъни, то туя ва бошқа ҳайвонлар устидан юкларни тушириб, уларга дам бермасдан туриб чошгоҳ ва бошқа нафл намозлар ўқишга турмас эдик.

355 Чунки, пичоқларни кўздан яширмаслик сўйиладиган ҳайвонни кўрқитади ва сўйилишдан олдин унга озор беради. Бўғизлашнинг афзали — жониворнинг бўғзига

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бу жониворларни саломат ҳолида мининглар, саломат ҳолида бўшатинглар, уларни курси қилиб олманглар»*⁽³⁵⁶⁾ (Ҳоким, Байҳақий, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 21).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Уловларингиз устини минбарга айлантириб олишдан сақланингиз! Чунки, Аллоҳ таоло уларни сизларга жонларингиз қийналиб зўр-базўр (машаққат билан) етадиган юртларга сизларни етказиб қўйишлари учун бўйсундириб қўйди. Сизлар учун ерни яратиб қўйди, ҳожатларингизни унинг устида адо этингиз»* (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2238).

Саҳл ибн Ҳанзалия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қорни (ичига кириб) белига етган бир туянинг олдидан ўтиб қолиб: *«Бу тилсиз жониворлар ҳаққида Аллоҳдан қўрқинглар, уларни яроқли ҳолида мининглар, яроқли ҳолида (сўйиб) енглар»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2221).

Абдуллоҳ ибн Жаъфар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бирининг боғига кирдилар. Шунда бир туя Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб ингради ва кўзларидан ёш оқди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ёнига бориб кўз ёшини артдилар, шунда у инграшдан тўхтади. Сўнг у зот: *«Бу туянинг эгаси ким? Кимнинг туяси бу?»*, дедилар. Бир ансорий йигит келиб: *«Меники, ё Расулуллоҳ»*, деди. *«Аллоҳ сенга бўйсундириб қўйган бу жонивор ҳаққида Аллоҳдан қўрқмайсанми? Бу менга сенинг озор беришинг ва қийнашингдан шикоят қилди»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2222).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг ёнидан ўтдилар. У бир қўйнинг бўйнига оёғини қўйиб туриб, пичоғини ўткирлар, қўй эса унга жовдираб қараб турар эди. Шунда у зот: *«Илгарироқ (ўткирлаб олсанг) бўлмасмиди?! Бу жониворни икки марта ўлдирмоқчимисан?!»*, дедилар⁽³⁵⁷⁾

пичоқни бир марта тортишдир. Қайта-қайта пичоқ тортган сари ҳайвонга яхшилик қилиш маъносидан шунчалар узоқлашилади ва бунда у учун шунча азоб бўлади.

356 Яъни, уларни сафар ва ҳожатларингиздан ташқари пайтларда ҳам устларига ўтириб олиб, гаплашиб ўтирадиган ўтирғичлар қилиб олманглар, бундай ўтиришлар учун ер ўзи кифоя қилади.

357 Қўйнинг кўзида пичоқни ўткирлаётган одам уни икки марта ўлдирган, яъни ҳали сўйилмасидан туриб, ўлим азобини тотишига мажбур қилган бўлади. Бу эса жони-

(Табароний «Кабир»да ва бошқалар ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 24).

Бир ривоятда: «*Уни бир неча бор ўлдирмоқчимисан?! Пичоғингни уни ерга ётқизмасдан олдин ўтқирлаб олсанг бўлмасмиди?!*», дедилар (Ҳоким «Мустадрак»да келтирган ва «Бухорий шартига кўра саҳиҳ» деган, Заҳабий унга қўшилган).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бир аёл бир мушукни ўлгунча қамаб қўйиб, шуни деб азобланди ва шу мушук туфайли дўзахга кирди. Унга ўзи ҳам овқату сув бермади, ердаги ҳашаротлардан егани қўйиб ҳам юбормади*», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кусуф (кун тутилиш) намози ўқидилар. ... (Намоздан) сўнг ортларига бурилиб, шундай дедилар: «*Жаннат менга жуда яқин келди, ҳатто агар журъат қилганимда эди, сизларга унинг (меваси) шингилларидан бир шингил келтирган бўлардим. Дўзах ҳам менга жуда яқин келди, ҳатто мен: «Эй Роббим, мен ҳам шу (дўзахий)лар билан биргаманми?» дедим. Қарасам, бир аёлни бир мушук тирнамоқда экан. «Бу аёлга нима бўлган?» деб сўрадим. «У мушукни очдан ўлгунча қамаб қўйган. Ўзи ҳам овқат бермаган, ердаги ҳашаротлардан егани қўйиб ҳам юбормаган», дейилди*» (Имом Бухорий ривояти).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Агар ҳайвонларга қилган муомалангизлар кечирилса эди, кўп гуноҳларингиз кечирилган бўларди*»⁽³⁵⁸⁾ (Аҳмад ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 514).

ворларга нисбатан раҳм-шафқат ва яхшилик жумласидан бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай қилишдан қайтарилган.

Жониворларни сўйишдаги хато одатлардан бири, мен ўзим Суданда гувоҳ бўлганим ҳолатки, кушхонада бир неча киши сўйиладиган бир ҳўкизнинг бошига йўғон таёқлар билан то у беҳуш бўлиб йиқилгунча уришади, шундан кейингина уни бўғизлашади. Бу жуда золимона ва раҳмсиз услуб бўлиб, ҳайвонларга яхшилик ва раҳм-шафқат қилишга буюрувчи Исломи таълимотларига зиддир. Қолаверса, ҳўкиз ҳали сўйилмасидан туриб, калтаклар зарбиданоқ жон таслим қилиши ҳам мумкинки, унда унинг гўшти ҳаром ва ўлимтикка айланади. Мусулмонлар бундай хато одатлардан огоҳланишлари ва унга эътиборсиз қарамасликлари лозим. Ҳайвонлар меҳр-шафқатга лойиқдир.

358 Яъни, агар Аллоҳ таоло одамзотнинг ҳайвонлар ҳаққига қилаётган қосирликларини ва уларга етказадиган озорларини кечириб юборса, кўп нарсаларни кечириб юборган бўларди.

Савода ибн ар-Рабиъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига борган эдим, менга бир неча туя берилишга буюрдилар, сўнг менга: *«Болаларингга айт, туя ва чорваларининг елинига қўл текизишдан (яъни уларни соғишдан) олдин тирноқларини олсинлар. Уларга яна айтгинки, ҳайвонларнинг болаларини эмизсинлар, болалари озғин-заиф ҳолда ёшига етмасин»*, дедилар (Бухорий «Ат-тарих»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1936).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Бирортангиз, қўйми, туями сотмоқчи бўлса, унинг сутини елинига тўпламасин»*⁽³⁵⁹⁾ (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий: 4178).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир манзилда тўхтаганларида бир киши ҳуммаранинг (яъни, қизил тусли кичик қушнинг) инидан тухумини олди, шунда қуш безовталаниб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошлари устида айлана бошлади. У зот: *«Қай бирингиз бунинг тухумини олди?»*, деб сўрадилар. Бир киши: «Мен олдим, ё Расулуллоҳ», деди. *«Қайтариб жойига қўй»*, дедилар унга раҳмлари келиб (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 295).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан яна бир ривоятда: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдик. У зот бир ҳожат билан кетдилар. Шунда биз иккита полапони бор бир ҳуммарани кўриб қолиб, унинг полапонларини олиб қўйдик. Шунда у ербағирлаб уча бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келгач: *«Ким буни боласини олиб қўйиб қийнади? Боласини қайтариб беринглар!»*, дедилар. Бир жойда чумолилар маконига ўт қўйиб юборганимизни кўриб: *«Ким бунга ўт қўйди?!»*, дедилар. «Биз», дедик. *«Ўтнинг Раббидан (яъни Аллоҳ таолодан) бошқа ҳеч ким ўт билан азоб беришга ҳақли эмас»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2329).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Пайғамбарлардан бир пайғамбарни чумоли чақиб олганида унинг буйруғи билан чумолилар диёрига ўт қўйиб юборилди. Шунда Аллоҳ таоло унга ваҳий қилдики: «Битта чумоли*

359 Яъни, бир неча кун соғмай қўйиб, харидор уни серсут экан деб ўйлаши учун елини шиширмасин. Қолаверса, сутни соғмай, елинда қўйиш жониворнинг ўзига ҳам озор етказди.

чақиб олгани учун тасбеҳ айтиб турадиган бутун бошли умматни қириб ташладингми?!» (Муттафақун алайх).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Пайғамбарлардан бири бир дарахт остига қўнганида уни чумоли чақиб олди. Шунда унинг буйруғи билан чумолилар маконини дарахт остидан чиқарилиб, ёқиб юборилди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло унга ваҳий қилди: «Битта (ўша чаққан) чумолининг ўзини ўлдирсанг бўлмасмиди?!» (Муслим ривояти).

Ҳасандан ривоят қилинган ҳадисда: «Пайғамбарлардан бири бир дарахт остига тушди. Шунда уни чумоли чақиб олди. Унинг буйруғи билан чумолилар уни ичидаги чумолилари билан ёқиб юборилди. Шунда Аллоҳ таоло: «Битта чумолини ўлдирсанг кифоя қилмасмиди?!», деб ваҳий қилди (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: 4066).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртта жонзотни: чумолини, асарини, ҳудҳуд (попишак)ни ва сурод-қарқуноқ, олатўғаноқни ўлдиришдан қайтардилар (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 4387).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қарқуноқ, қурбақа, чумоли ва ҳудҳудни ўлдиришдан қайтардилар (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2608).

Ҳишом ибн Зайддан ривоят қилинади: Анас разияллоҳу анҳу билан бирга Ҳакам ибн Айюбникига кирдик. Шунда у киши бир товуқни боғлаб қўйиб, унга қараб ўқ отаётган болаларни — ёки йигитларни — қўрдилар ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жониворларни тириклай нишон қилишдан қайтарганлар», дедилар (Муттафақун алайх).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо Яҳё ибн Саидникига кирдилар. Бир бола бир товуқни боғлаб қўйиб, унга ўқ отаётган экан. Ибн Умар бориб, товуқни бўшатиб юбордилар ва: «Болаларингизни мана бу қушни ўлимга нишон қилишдан тийиб қўйинглар. Чунки, мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жонзотларни ўлимга тириклай нишон қилишдан қайтарганларини эшитганман», дедилар⁽³⁶⁰⁾ (Муттафақун алайх).

360 Шу каби ҳадислардан ўлимга ҳукм этилган кишини ҳозирда одат бўлганидек отиб ўлдиришнинг ҳаромлиги маълум бўлади, чунки бу тирик кишини нишонга олиш бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги ҳадисда ўтганидек бундан қайтарганлар, «Саҳиҳ Муслим» ва бошқаларда келадики, «Жони бор нарсани нишон қилманглар», деганлар.

Саид ибн Жубайр раҳимахуллоҳ айтади: Ибн Умар разияллоҳу анҳу-мо бир товукни нишон қилиб, унга ўқ отаётган кишилар ёнидан ўтиб қолдилар. Улар Ибн Умарни кўриб, тарқалиб кетишди. Шунда Ибн Умар: «Буни ким қилди?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилган кишини лаънатлаганлар», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жониворни мусла қилган (яъни тириклай ҳолида бирон аъзосини кесган) одамни лаънатлаганлар» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Жаъфар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қўчқорга камон ўқи узаётган кишиларни кўриб, буни қариҳ кўрдилар ва: «*Ҳайвонларни мусла қилманглар*», дедилар (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: 4137).

Асарларда келадики, Мусаййиб ибн Дордан ривоят қилинади, у киши айтади: «Мен Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳунинг бир туякашни урганини ва: «*Нега туянгга тоқатидан ортиқча юк юклайсан?!*», деганини кўрганман».

Осим ибн Убайдуллоҳ ибн Осим ибн Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади: Бир киши бир қўйни сўйиш учун ушлаб олиб, пичоғини ўтқирлаганида Умар разияллоҳу анҳу уни дарра билан урдилар ва: «(Тирик) жонга азоб берасанми?! Бу ишингни буни ушламасингдан аввал қилсанг бўлмасмиди?!», дедилар.

Муҳаммад ибн Сийриндан ривоят қилинади: Умар разияллоҳу анҳу бир кишининг бир қўйни сўйиш учун судраб кетаётганини кўриб, уни дарра билан урдилар ва: «Уни ўлимга чиройли олиб бор, қуриб кетгур», дедилар.

Ваҳб ибн Кайсондан ривоят қилинади: Ибн Умар разияллоҳу анҳу-мо қўйларнинг ифлос бир жойда турганини кўрдилар, ундан кўра яхшироқ бир жой борлигини кўриб: «Хой чўпон, уларни буёққа ўтказ. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Ҳар бир роий (чўпон, бошлиқ) ўз раиятидан масъул*», деганларини эшитганман», дедилар.

Муовия ибн Куррадан ривоят қилинади: Абуд-Дардо разияллоҳу анҳунинг «Дамун» исмли бир туяси бор эди. Уни сўраб келганларга: «Унга фақат мана шунча юк ортинглар, чунки у бундан ортиғини қўтаролмайди», дердилар. Вафотлари яқинлашганда: «Эй Дамун, эртага Раббимнинг ҳузурида менга қарши даъвогар бўлмагин. Чунки, мен сенга кучинг етадигандан ортиқча юк юкламас эдим», дедилар.

Абу Усмон ас-Сақафийдан ривоят қилинади: Умар ибн Абдулазизнинг ғуломи ҳачирини ишлатиб, ҳар куни бир дирҳам олиб келарди.

Бир куни у бир ярим дирҳам олиб келди. «Нима бўлди?» деб сўраганларида: «Бозор чаққон бўлди» (яъни омадим юришди), деб жавоб берди. «Йўқ, аслида сен хачирни қийнагансан, энди унга уч кун дам бер!», деб буюрдилар.⁽³⁶¹⁾

361 Шайх Албоний «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да (1/37) юқоридаги асарларни зикр қилганидан сўнг айтади: «Булар мен ҳозирча воқиф бўлган асарларнинг баъзилари бўлиб, улар аввалги мусулмонларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳайвонларга раҳм-шафқат қилиш борасидаги кўрсатмаларига нақадар амал қилганликларини кўрсатади. Аслида, бундай мисоллар жуда кўп бўлиб, булар денгиздан бир томчи, холос. Мана шулардан ҳам маълум бўладики, инсонлар учун ҳайвонларга меҳр-шафқат кўрсатиш асос-тушунчасини биринчи бўлиб Ислом тузиб берган, айримлар ўйлаганидек бу асос оврўпаликлар ихтироси эмас, балки буни улар аввалги мусулмонлардан ўрганиб, сўнг уни кенгайтириб, чиройли тартиб-қоидаларга солишган ва давлатлари ҳам уни қонун сифатида қабул қилиб, ҳозирда ҳайвонларга раҳм-шафқат қилиш уларнинг асосий белгиларига айланиб қолди. Ислом давлатларидан бирон давлатда бу каби қонун-қоидаларга кўзи тушмагач, жоҳил одамлар буни ғарбликларга хос ишлардан деб кўрадиган бўлиб қолди. Аслида, мусулмонлар бунга ҳақлироқ эдилар» (иктибос тугади).

Агар шайх Албоний ислом давлатлари деб атаган бу давлатлар фақат ҳайвонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташ ва уларга зулм қилишгагина чекланганларида иш анча енгил ва мусибат хийла оз бўлган бўларди. Бироқ, уларнинг инсон ҳуқуқларини поймол қилишлари, уларни қўпол равишда топташлари ва инсонларга нисбатан қўллаётган зулмлари олдида ҳайвонлар ҳуқуқларини бузишлари ҳеч нарса бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам бу давлатлар қоқоқлик, камбағаллик, жаҳолат, хорлик, тубанлик, ўзгаларга қарамлик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражага етдилар. Бошқарув, раҳбарлик ва хилофат яна қайтадан мусулмонлар қўлига ўтиши учун моддий, иқтисодий ва саноат йўналишида бошқалардан юксалиш ва рақобатлашишдан, дунёвий тараққиётда илғорликка эришишдан олдин улар энг аввало амалда ва татбиқан бошқа халқ ва миллатлардан инсонларга нисбатан адолат, раҳм-шафқат, меҳр-мурувватда юқори даражага кўтарилишлари лозим бўлади. Чунки, Аллоҳ таолонинг қонунияти шуки, У ер юзига ҳукмронликни адолатга боғлиқ қилиб қўйди, адолат қилувчилар ва адолат билан ҳукм қилувчиларни — агарчи улар мусулмон бўлмасалар ҳам — ўзгалардан устун ва ёлиб бўлувчи қилди.

Биз ўзгаларда бўлмаган улкан ва бой ахлоқий, маърифий ва маданий меросга эгамиз. Лекин, ҳаётга татбиқ қилинмас ва амалда қўлланилмас экан, уларнинг ҳеч қандай қиймати ва асари бўлмайди. Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани айтасизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз Оллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)»** (Саф: 2,3). Биз ушбу улкан ва бой меросимизнинг ўзини йўқотибгина қолмасдан, балки унга бўлган ҳурмат-эҳтиромни ҳам йўқотдик, унга амал қилсак бошқалар нима деркин, деб хижолат бўлиб турадиган бўлиб қолдик! Иззат ва шарафимиз қайтиб келиши учун, умматнинг дунё халқлари ичидаги ҳайбати ва обрў-эътибори қайтиб келиши учун энг аввало мазкур маданий-маърифий меросга бўлган эҳтиром ва унга амал қилишимиз қайтиши лозим. Акс ҳолда, биз ўзимиз эгаллаб турган хорлик, хўрлик ва қоқоқлик даражасидан кўтарилишни умид қилмасак ҳам



Ҳайвонларни лаънатлаш мумкин эмаслиги

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эканларида ансорлардан бир аёлнинг туяси қайсарлик қилганида у туясини лаънатлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни эшитиб қолиб: *«Туянинг устидаги юкларни олинглар ва ўзини қўйиб юборинглар, чунки у малъун бўлди»*, дедилар. Имрон айтади: *«Ҳали хануз кўз олдимда, ўша туя одамлар ичида юрар, унга ҳеч ким тегмас эди»* (Имом Муслим ривояти).

Абу Барза ал-Асламий ривоятида: Бир жория туя устида борар, туяга қавмнинг баъзи матолари юкланган эди, тоғ оралиғида қисилиб боришаркан, бирдан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб қолди ва (у зотга йўл бўшатиш учун туяни тезлаб): *«Чу, Аллоҳнинг лаънатига йўлиққур»*, деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Лаънатга дучор бўлган туя бизга ҳамроҳ бўлмасин!»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).



Ҳайвонларни уриштириш ёки бичишдан қайтаришлар

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, у киши ҳайвонларни уриштиришни макруҳ кўрардилар (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 936).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонзотни нишон қилишдан ва ҳайвонларни бичишдан қайтарганлар»* (Байҳақий «Сунан»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 6960).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам отларни ва чорва ҳайвонларини бичишдан қайтарганлар»* (Аҳмад ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 6956).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонзотларни нишон қилишдан ва чорва ҳайвонларини бичишдан қаттиқ қайтарганлар»* (Ҳайсамий «Мажмаъуз-за-воид»да айтади: Баззор ривоят қилган, ровийлари саҳиҳ ровийларидир).

бўлади. Зотан, биз Аллоҳ таоло Исломи дини билан азиз қилган халқмиз, агар иззатни Иломи динидан бошқасидан истасак, Аллоҳ бизни хор қилади!



Одамзотнинг гуноҳу маъсиятларининг ҳайвонот оламига салбий таъсири⁽³⁶²⁾

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Қай бир қавм молларининг закотини бермас экан, уларга самодан ёмғирни тўсиб қўйилади, агар чорва ҳайвонлари бўлмаса эди, умуман ёмғирсиз қолишарди»* (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 5204).

Абул-Аҳвасдан ривоят қилинади: Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: **«Агар Аллоҳ одамларни улар қилган гуноҳлари билан жазоласа эди, (ер) устида бирон жониворни қўймаган бўлур эди. Лекин У зот уларни (жазолашни) белгилаган муддатгача (яъни қиёмат кунигача) қолдирур»** (Фотир: 45) оятини ўқиб туриб: «Одамзотнинг гуноҳи сабабли инидаги гўнғқўнғиз ҳам азоб тортишига оз қолди», дедилар (Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 2477. Мунзирий айтади: Ҳоким ривоят қилиб: «исноди саҳиҳ», деган).



Одамларга яхшиликни таълим берувчи олимни барча ҳайвонлар, ҳатто балиқлару чумолиларгача дуо қилишлари⁽³⁶³⁾

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дарҳақиқат олимга осмонлару-ердаги мавжудотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор ай-*

362 Ҳайвонлар ва чорва молларининг ҳаётига одамзотнинг гуноҳу маъсиятлари салбий таъсир кўрсатиши боис улар бу ҳайвонлар хусусида Аллоҳдан қўрқишлари, барака ва раҳмат ёғилишига сабаб бўлувчи тоат-ибодатларни лозим тутишлари, шунингдек, барча нарсанинг, шу жумладан ҳайвонот оламининг ҳам ҳалокатига сабаб бўлувчи гуноҳ ва маъсиятлардан тийилишлари уларнинг одамлар зиммасидаги ҳақларидандир.

363 Одамларга яхшиликни таълим берувчи олим кишига барча махлуқотларнинг дуо ва истиғфорлари яхшиликка яхшилик қайтариш, маъруфга маъруф билан жавоб бериш қабилидаги ишлардандир. Олим киши яхшиликни таълим бериши, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариши сабабли одамзотнинг гуноҳ ва маъсиятлари камаяди, бунинг самараси ўлароқ бутун ер юзига, шу жумладан ҳайвон ва жонзотлар ҳаётига яхшилик, ризқу-рўз ёғилади.

тадилар» (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Саҳиҳут-тарғиб: 70).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Яхшиликни таълим берувчи кишига барча нарсалар, ҳатто денгизлардаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор айтиб турадилар»* (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3024).

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло, Унинг малоикалари, самовоту ер аҳли, ҳатто унидаги чумоли-ю, (суздаги) балиқлар одамларга яхшиликни таълим берувчи кишига дуо қилиб турадилар»* (Термизий ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 1838).



Отнинг фазли, от боқишга тарғиб, от чоптириб мусобақа қилишнинг машруълиги

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отнинг пешонасидан яхшилик аримайди»* (Сўзма-сўз таржимаси: *«Яхшилик отнинг пешонасидаги ёлига тугиб қўйилган»*) (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отнинг пешонасида то қиёмат яхшилик бор»* (Муттафақун алайҳ).

Урва ал-Бориқий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Туя ўз эгаларига иззат, қўй ба-ракадир, отнинг пешонасидан то қиёмат яхшилик аримайди»* (Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1763).

Урва ал-Бориқий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отнинг пешонасидан то қиёмат яхшилик — ажр-савоб ва ғанимат (жиҳодда қўлга киритилган ўлжа) аримайди»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«От уч кишига (уч нарса олиб келади): бир кишига ажр, бир кишига (гуноҳдан) тўсиқ, яна бир кишига эса гуноҳ. Ажрга эга бўладиган киши уни Аллоҳ йўлида (ги жиҳодда) минии учун) боғлаб қўйган (асраган) киши бўлиб, уни ўтлоқ ёки боққа*

арқонини узун қилиб тушовлаб қўйган. У мана шу тушови ичида туриб шу ўтлоқ ёки боғдан қанча нарсга еган бўлса, эгасига шунча савоб бўлади. Мабодо у арқонини узиб, бир-икки марта айланган бўлса, унинг излари ва тезаклари ҳам эгаси учун ажрга айланади. Агар бирор ариқ олдидан ўтиб, унинг сувидан ичган бўлса, эгаси уни суғормоқчи бўлмаган бўлса ҳам бу унга ажр бўлади. Яна бир киши уни бировлардан беҳожат бўлиш, сўранишдан покланиш ва тўсилиш учун боғлаган (асраган), унга нисбатан Аллоҳнинг ҳаққини (яъни ундан яхши ишларда фойдаланиш, ем-хашагидан бохабар бўлишни) ҳам унутмаган, бу от унинг учун (гуноҳдан) парда-тўсиқ бўлади. Яна бир киши уни мақтаниш, риё ва ислом аҳлига душманлик қилиш учун асраган, у унга гуноҳ бўлади» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отни чопишга тайёрлаб боқардилар⁽³⁶⁴⁾ (Саҳиҳ сунав Абидовуд: 2246).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мусобақалашини фақат туяда ё отда ё камон ўқи отишдадир»⁽³⁶⁵⁾ (Саҳиҳ сунав Абидовуд: 2244).

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отлар ўртасида мусобақа ташкил қилдилар ва ғолибга мукофот бердилар (Аҳмад ривояти, Албоний «Ирвоъ» 1507 да саҳиҳ санаган).

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Азбоъ» номли туялари бўлиб, ундан бирон туя ўзиб кетолмасди. Бир аъробий ўзининг қаудида (икки ёшдан олти ёшгача бўлган эркак туяни шундай номланади) келиб, ундан ўзиб кетди. Мусулмонлар бундан хафа бўлиб: «Азбоъ орқада қолди-я!», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ таоло дунёдан бирон нарсани баланд қилган бўлса, (бир кун) албатта уни пасайтиради», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

364 Отни боқиш — уни аввал яхшилаб емлаб семиртириб, сўнг енгил чопадиган бўлиши учун емдан қолдириш маъносида.

365 Замонавий ўқ отувчи қуроллардан отишни ҳам камон отиш маъносига ҳамл қилиш мумкин.



От чоптириш мусобақасида гаров ва қимор ўйнашдан қайтариш

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«От уч хилдир: Раҳмоннинг оти, инсоннинг оти, шайтоннинг оти. Раҳмоннинг оти Аллоҳ ўлида (яъни жиҳод учун) боғланган (боқилган) от бўлиб, унинг еми ҳам, тезаги ҳам, сийдиги ҳам — ва Аллоҳ хоҳлаганча бошқа нарсаларини ҳам айтдилар — ажрдир. Инсоннинг оти — қорнидагини (яъни боласини олиб кўпайтиришни) истаб боқилган от бўлиб, у фақирликдан тўсиқ-пардадир. Шайтоннинг оти эса унинг устида қимор ва гаров ўйналадиган отдир»* (Аҳмад, Байҳақий ривоятлари, Албоний «Ирвоъ»да (1508) саҳиҳ санаган).



Мусобақада отни қийнаб қўйиш ва уни куч-тоқати етмайдиган нарсага мажбурлаш мумкин эмаслиги⁽³⁶⁶⁾

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам совутилган (чиниктирилган) отлар ўртасида Ҳайфодан мусобақа уюштирдилар, марра чизиги Санийятул-вадоъ бўлди. Совутилмаган отлар ўртасида эса Санийядан Бани Зурайқ масжидигача мусобақа уюштирдилар. Абдуллоҳ ибн Умар шу мусобақада қатнашган эди» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг Термизий келтирган ривоятида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам совутилган отлар ўртасида Ҳайфодан Санийятул-вадоъгача мусобақа уюштирдилар, ўртадаги масофа олти мил эди. Совутилмаган отлар ўртасида эса Санийятул-вадоъдан Бани Зурайқ масжидигача мусобақа уюштирдилар, ўртадаги масофа бир мил эди»⁽³⁶⁷⁾ (Саҳиҳ сунавн ат-Термизий: 1389).

366 Кўпинча мусобақада ғолиб чиқиши учун чавандознинг қаттиқ қисташи ва қамчилаши сабабли ҳаддан ташқари тез югуриб юбориши оқибатида ўлган отларни эшитамиз. Бундай қилиш жоиз эмас!

367 Масофаларнинг фарқлилиги сабаби — совутилган (чиниктирилган) от совутилмаган отдан кўра кучлироқ ва чопқирроқ бўлади. Шундай экан, совутилмаган отга совутилган отга юкланган вазифани юклаш жоиз бўлмайди.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мусобақа пайтида отининг ортидан бировни жалб қилган (яъни отининг ортидан бировни югуртириб, уни тезлатишга ундаган) одам биздан эмас (яъни бизни ишни қилмабди)»* (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2331).



Аллоҳ йўлидаги жиҳодга тайёрланаётган отга пул-мол сарфлашнинг фазли

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Отнинг пешонасидан то қиёмат яхшилик аримайди, отга пул сарф қилувчи киши худди қўлини тинимсиз нафақа қилиш билан очувчи кишига ўхшайди»* (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 3349).

Саҳл ибн Ҳанзалия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Аллоҳ йўлидаги отга пул сарф қилувчи киши қўллари тинимсиз садақа билан очувчи кишига ўхшайди»* (Табароний ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 1964).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«От уч киши учун (уч нарса келтиради): у бир киши учун ажр, бир киши учун (камбағалликдан) тўсиқ, бир киши учун гуноҳдир. От у учун ажр бўладиган киши — уни Аллоҳ йўлида (яъни жиҳод учун) боқаётган ва унга тайёрлаётган кишидир. У унга ажр бўлиб, қорнига киритган (яъни едирган) ҳар бир нарса учун Аллоҳ унга ажр битади»* (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 1336).



Отни эшакдан қочириш (урчитиш)дан қайтариш⁽³⁶⁸⁾

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир хачир ҳадя қилинди. У зот уни

³⁶⁸ Эшакдан қочирилган отдан хачир туғилади, хачир эса оғир юк ва сафар машаққатларини кўтаришга отдан кўра чидамлироқ бўлади. Лекин, у отдан кўра

миниб юрдилар. Мен: *«Биз ҳам отни эшакдан қочирсак-да, худди шунга ўхшаи хачиримиз бўлса»*, деган эдим, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Билимсиз одамларгина бундай қилишади»*, дедилар (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2236).

Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: *«Биз Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ҳузурларида ўтирган эдик, у киши дедилар: «Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни (яъни аҳли байтни) фақат уч нарсда бошқа одамлардан хослаганлар: таҳоратни тўқис-мукаммал қилишимизга, садақа емаслигимизга ва отни эшакдан қочиртирмаслигимизга буюрганлар»* (Саҳиҳ сунаан ан-Насоий: 137).

Отнинг пешона ва бўйнидаги ёллари ҳамда думини қирқишдан қайтариш

Утба ибн Абд ас-Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Отларнинг пешона ва бўйнидаги ёллари ҳамда думларини кесманглар. Чунки, думлари уларнинг (ҳашоротлардан) қўриқчилари, бўйинларидаги ёллари иситкичлари, пешоналаридаги ёлларига яхшилик тугиб қўйилгандир»*, деганларини эшитган экан (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2217).

Абу Ваҳб ал-Жушамий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«От асранглар, уларнинг пешона ва орқаларини силанглар, бўйинларига (зеб-зийнат) тақинглар, уларнинг бўйинларига камон илиб қўйманглар»*⁽³⁶⁹⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 2226).

секинроқ ҳаракат қилувчи ва анча кўримсиз бўлади. Бу иш жоиз эмас. Чунки, бундан қайтариқ келган. Ундан ташқари, бунда от учун озор ва хорлик, унинг асосий вазифаси бўлмиш Аллоҳ йўлидаги жанг ва жиҳод майдонларида ишла-тишни йўққа чиқариш бор.

369 Яъни, отларнинг бўйинларига зеб-зийнат ва зирх осигна чорлаб, камоннинг ипидан осиб қўйишдан қайтаришларига сабаб, камон уларга озор бериши ва бўғилишларига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, жоҳиллар кўз тегишдан сақлайди деб эътиқод қиладиган ҳар хил тумор ва кўзмунчоқларни тақиш ҳам жоиз эмас.



Арабий от ҳар куни эгаси ундан беҳабар ҳолида ўз эгасига садоқатини изҳор қилади

Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ҳар бир арабий отга ҳар саҳар: «Эй Парвардигор, мени одамзотдан Ўзинг истаган кишининг қўлига мулк қилиб бердинг, энди мени унинг энг суюмли аҳли ва моли — ёки энг суюмли аҳлидан ва молидан — қилгин» деган калималар билан дуо қилишига изн берилади»*⁽³⁷⁰⁾ (Насоий ривоят қилган, Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб: 1251).



Ит сақлаш ҳақида

Абу Талҳа ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ит ва сураат бор уйга фаришталар кирмайди»*, дедилар (Муттафақун алайҳ).



Чўпонлик, овчилик, экин-тикин қилиш ва қўриқлаш ишларида ишлатиш мақсадида ит асраш мумкинлиги

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким овчи ёки подачи итдан бошқа ит асраса, ҳар куни унинг ажридан икки қийрот (миқдорида) камайиб боради»* (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким ит асраса, унинг амали (ажри) дан ҳар куни бир қийрот камаяди, экин-тикин ёки чорва ити бундан мустасно»* (Муттафақун алайҳ).

Бир ривоятда: *«Қўй ё экин-тикин ё ов ити бундан мустасно»* (Муттафақун алайҳ).

³⁷⁰ Ҳар тонг ўз эгасига садоқатини ана шундай изҳор қиладиган жонивор эгаси томонидан меҳр-шафқат ва яхшиликка қандай сазовор бўлмасин?! Қанчадан-қанча от эгалари бўладик, бу маънолардан бегона, қўли остидаги отларга худди жонсиз ва ҳиссиз нарсаларга қарагандек муомала қилади!

Суфён ибн Аби Зухайр аш-Шанъий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Ким на экинига, на чорвасига фойдаси тегмайдиган ит асраса, амали (ажри)дан ҳар куни бир қийрот камаяди»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинган ҳадисда: *«Сўнг экин-тикин ва қўриқчилик итига рухсат бердилар»* (Саҳиҳ сунаун Ибн Можа: 2592).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Агар бирортангизнинг идишидан ит ичса, уни етти марта ювсин»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Муғаффал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар идишни ит яласа, уни етти марта ювинглар, саккизинчисини тупроқ билан ишқаланглар»*, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Мушук асраш ҳақида

Довуд ибн Солиҳ ибн Динор ат-Таммордан ривоят қилинади, у онасидан ривоят қилади: У жориясини ҳарис (ҳалимга ўхшаш таом) билан Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурларига юборди. Жория борса, Оиша разияллоҳу анҳо намоз ўқиётган эканлар. Унга: *«Ўша ерга қўй»* деб ишора қилдилар. Шунда бир мушук келиб, ундан еди. Намозларини тугатгач, мушук еган жойдан едилар, сўнг: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мушук нажас эмас, у олдиларингизга кириб-чиқиб турувчи (жонивор)лардан»*, деганлар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мушук теккан сувдан таҳорат қилганларини кўрганман» — дедилар (Саҳиҳ сунаун Аби Довуд: 69).

Кабша бинт Каъб ибн Молиқдан ривоят қилинади: — У Абу Қатодининг келини эди — Абу Қатода келдилар, мен у кишига таҳорат учун сув қўйдим. Шунда бир мушук ўша сувдан ичгани келди. Абу Қатода идишни энгаштириб турдилар, мушук ундан ичиб олди. Менинг қараб турганимни кўриб: *«Ҳа, қизим, ажабланияпсанми?»*, деб сўрадилар. Мен: *«Ҳа»*, дедим. *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мушук нажас эмас, у сизларга кириб-чиқиб турувчи (жонивор)лардан»*, деганлар», дедилар (Саҳиҳ сунаун Аби Довуд: 68).

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен ва Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам битта идишдан таҳорат қилардик, бундан аввал унга мушук теккан ҳам бўларди» (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 295).



Омонлик ҳукм сурадиган, ҳатто йиртқич ҳайвонлар хонаки ҳайвонлар билан тинч-тотув яшайдиган, бир-бирига зиён етказмайдиган кун ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Пайғамбарлар ота бир оға-унилардир, оналари бошқа, динлари бирдир. Мен одамлар ичида Ийсо ибн Марямга энг яқин кишиман, иккаламизнинг ўртамизда пайғамбар йўқ. У осмондан тушиб келади. Уни кўрганда таниб олинглар, у ўрта бўйли, оқ-қизилдан келган, эгнида сарғиш кийим бўлади. Бошига сув тегмаса ҳам, ундан сув томчилаётгандек кўринади. У Ислом устида одамлар билан жанг қилади, салибни (хочни) парчалайди, хинзирни (чўчқани) ўлдиради, (кофирлардан) жизяни бекор қилади⁽³⁷¹⁾, унинг даврида Аллоҳ таоло Исломдан бошқа барча миллатларни ҳалок қилади, ал-Масиҳ ад-Дажжолни ҳалок қилади, ерга омонлик нозил бўлади, ҳатто шерлар туялар билан, йўлбарслар сигирлар билан, бўрилар қўйлар билан ўтлайдиган бўлади, ёш болалар илонлар билан ўйнайдилар, илонлар уларга зарар етказмайди. У (яъни, Ийсо) ерда қирқ йил туриб, сўнг вафот этади, жанозасини мусулмонлар ўқийдилар»* (Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Аҳмад ривоятлари, Ас-сил-силатус-саҳиҳа: 218).

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.

371 Яъни, кофирлардан жизяни (яъни, ўлпон, солиқ) қабул қилмайди, кофирлар ё Исломни қабул қилишлари, ё эса жанг ва ўлимни танлашлари лозим бўлади. У кишининг замонларида жизя ҳукми бекор қилинади.



ЖИНЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ



Жинлардан муслмон бўлганлари, иймон келтириб, пайғамбарларни тасдиқлаган ва уларга эргашганлари бор. Улар бизнинг биродарларимиз, зиммамизда уларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари бор

Аллоҳ таоло айтди:

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зарият: 56).

«(Эй Муҳаммад), эсланг, Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Қачонки улар (Қуръон тиловатига) ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим турунглар», дедилар. Энди қачонки (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар» (Ахфок: 29).

«(Эй Муҳаммад), айтинг: Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи (менинг Қуръон тиловат қилганимни) эшитишиб, (ўз қавмларига қайтиб боришгач,) дедилар: «Дарҳақиқат бизлар ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз» (Жин: 1,2).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши Аллоҳ таолонинг: **«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимса-**

ларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар» (Исро: 57) ояти ҳақида айтдилар: «Жинлардан бир қанчаси Исомни қабул қилдилар, илгари уларга маъбуд деб сиғиниларди, сиғинадиган кишилар эса сиғинишларида қолаверишди» (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан яна бир ривоятда: «Бир қанча инсонлар бир қанча жинларга сиғинишарди. Сўнг жинлар Исомни қабул қилишди, инсонлар эса уларга сиғинишда давом этишди. Шундан сўнг: **«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар»** (Исро: 57) ояти нозил бўлди (Имом Муслим ривояти).

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари олдида чиқиб, уларга «Ар-рахмон» сурасини бошидан охиригача ўқиб бердилар, улар жим туриб эшитишди. Сўнг у зот: *«Мен бу сурани жинлар тўпланган тун уларга ўқиб берган эдим, улар сизлардан кўра яхшироқ жавоб қайтаришди. Ҳар сафар: «(Эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея (яъни инкор қила) олурсизлар?!» оятини ўқиганимда улар: «Эй Парвардигор, Сенинг неъматларингдан биронтасини инкор қилмасмиз, Сенга ҳамд бўлсин», дейишди», дедилар*⁽³⁷²⁾ (Термизий «Сунан»да ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2150).



Таомлари ва уй-жойларига дахл қилинмаслик ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат ва таҳоратга борганларида таҳо-

372 Жинлар тўпланган кундан мурод — у зот жинлар ҳузурига борган ва уларга Қуръон ўқиб берган кун бўлиб, бу ҳақда «(Эй Муҳаммад), **айтинг: Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир ғуруҳи** (менинг Қуръон тиловат қилганимни) эшитишиб, (ўз қавмларига қайтиб боришгач,) **дедилар: «Дарҳақиқат бизлар ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик»** (Жин: 1) оятида зикр қилинган.

рат сувларини бирга олиб борардим. Бир куни ортларидан эргашганимда: «Ким бу?», деб сўрадилар. «Мен Абу Ҳурайраман», дедим. «Менга тошлар келтир, улар билан покланаман. Суяк ва тезак олиб келмагин», дедилар. Кийимимнинг этагига бир неча тош солиб олиб бориб, у кишининг ёнларига қўйдим ва ўзим қайтиб кетдим. Фориг бўлганларидан кейин бориб: «Нима учун суяк билан тезак (ишлатмаслик керак)?», деб сўрадим. «У иккиси жинларнинг таомидандир. Ҳузуримга «Насийбийн»⁽³⁷³⁾ жинларининг вакиллари келишди — нақадар яхши жинлар улар — ва мендан озуқа тилашди. Мен улар ҳақларида Аллоҳга дуо қилиб, биронта суяк ё тезак олдидан ўтсалар, ундан албатта бир егулик топадиган бўлишларини сўрадим», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳузуримга жинлардан бир чорловчи келди. Мен у билан бирга бориб, уларга Қуръон ўқиб бердим. Улар мендан озуқа тилаган эдилар: «Сизлар учун Аллоҳнинг номи айтилган (яъни, «бисмиллаҳ» деб сўйилган) ҳар бир суяк мўл-кўл (семиз) гўшт бўлиб қўлларингизга тушади ва ҳар бир тезак ҳайвонларингизга ем бўлади», дедим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (асҳобларига): «Бу иккиси билан истинжо қилманглар (яъни, қазои ҳожат асарини улар билан тозаламанглар). Чунки улар (жин) биродарларингизнинг таомидир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тезак ва суяк билан истинжо қилманглар. Чунки, улар жинлардан бўлган биродарларингиз озуқасидир», дедилар» (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 17).

Қатодадан ривоят қилинади, у Абдуллоҳ ибн Сиржис разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч бирингиз ковакка бавл қилмасин!», дедилар. Қатодадан: «Ковакка бавл қилишнинг нима кароҳати бор?» деб сўралди. «Айтишларича, улар жинларнинг макони экан», деди (Ҳайсамий «Мажмауз-завоид»да (8/111) айтган: Аҳмад ва Табароний ривояти, Аҳмаднинг ровийлари саҳиҳ ровийларидир).

373 Макка билан Тоиф ўртасидаги жой номи.



Улардан бирортасини фақат уч кун мобайнида уч марта эълон қилгачгина ўлдириш мумкинлиги ҳақида

Абу Саълаба ал-Хушаний разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Жинлар уч турлидир: Бир тури қанотли бўлиб, ҳавода учиб юришади. Яна бир тури илонлар ва итлардир. Яна бир тури келиб-кешиб (яъни кўчиб) юришади»* (Табароний, Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 3114).

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Мадинада исломни қабул қилган жинлар бор. Шунинг учун улардан бирон нарсa кўрсаларингиз, уни уч кун огоҳлантиринглар. Шундан кейин сизларга кўринса, ўлдиринглар! Чунки, у шайтондир»* (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: *«Бу уйларнинг авомири (яъни уларда яшовчи илон сура-тидаги жинлари) бўлади, улардан биронтасини кўрсангиз, уч бор (ёки уч кун) ҳолини танглаштиринглар, агар шунда ҳам кетмаса, ўлдиринглар, чунки у кофирдир»* (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: *«Мадинада исломга кирган жинлар бор, ким бу авомир-дан биронтасини кўрса, уни уч бор (ёки кун) огоҳлантирсин. Шундан кейин кўринса, ўлдирсин, чунки у шайтондир»* (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: *«Агар улардан биронтасини кўрсангиз, уни уч марта огоҳлантиринг. Шундан сўнг яна уни ўлдириш фикри зоҳир бўлса, уч кундан кейин ўлдиринглар»*⁽³⁷⁴⁾ (Саҳиҳ сунаан Аби Довуд: 4378).

374 «Огоҳлантиринглар» деган сўзларидан мурод — ундан бировга зиён-заҳмат етказмай чиқиб кетишини талаб қилинглaр, демакдир. «Агар сизларга кўринса» деганлари — унинг мусулмон жин эмаслиги, балки шайтон ва кофирлиги кўринса, зиён етказиш ва тураверишдан ўзгасига кўнмаса, шундагина уни ўлдиринглар, деганидир. «Авомир»дан мурод илонлар бўлиб, жинларнинг бир тури илон сура-тида бўлиши юқоридаги ҳадисда айтилди. Улар узоқ яшашлари сабабли авомир — умр кўрувчи, деб номланишган. «Ҳолини танг қилинглaр» деган сўзлари маъноси — унга: «Агар чиқиб кетмасанг, аҳволинг ёмон бўлади ёки яна қайтиб келсанг, сени ўлдирамиз, калтаклаймиз, куч билан чиқарамиз» деб айтинглaр, деганидир.

«Нега энди уч бор огоҳлантириш ёки уч кун муҳлат бериш керак?» деган савол бўлиши мумкин. Айтамикки, эҳтиёт юзасидан шундай қилинади. Чунки, у мусулмон жинлардан бўлиши мумкинки, у ҳолда уни ўлдиришга шошилишга ҳақли бўлмасиз. Ўлдириб қўйсангиз, мусулмонни ноҳақ ўлдирган бўласиз. Шунинг учун то иш ойдинлашгунча ва унинг ҳақиқати маълум бўлгунча унга сабр қилиб туришингиз ва уч бор огоҳлантиришингиз унинг сизнинг зиммангиздаги ҳаққи саналади.



Киши кийимини ечган пайтида уни жинлар кўзидан тўсадиган нарса

Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одам боласининг авратларини жинлар кўзидан тўсадиган нарса — улардан бирлари халога кирганида «бисмиллаҳ» деб айтмоғидир»* (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: 496).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одам боласининг авратларини жинлар кўзидан тўсадиган нарса — улардан бирлари кийимини ечганида «бисмиллаҳ» деб айтмоғидир»* (Табароний «Авсат»да ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: 3610).

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар йўлласин.





ХОТИМА

Ислом бу ҳақ-ҳуқуқларни бундан 1400 йилдан ошиқроқ вақт илгари олиб келди. У пайтда ер юзида ўрмон қонуни ҳукм сурар, олам кучли кучсизни ейдиган, зўравон заифу нотавонни ўзига қул қиладиган одамий ваҳшийлар билан тўла ўрмон эди. У пайтда заиф инсонларга зўравонларнинг хоҳиш-истак ва зўрликлари қаршисида ҳеч қандай ҳуқуқ ҳам, ҳурмат-эътибор ҳам йўқ эди, инсоният ҳаётини тартибга солиб, бошқариб турадиган на бир қонун, на ахлоқий ўлчов ва асослар мавжуд эди, ёлғизгина зўрларнинг истақ-хоҳишлари ахлоқий ўлчов ва меъёр вазифасини ўтарди. Шундай экан улар бу нафснинг истақ-хоҳишларини қандай қондиришсин?! Инсонга ўзининг ва қиладиган ишларининг айбларини кўрсатиб берадиган ҳақиқий ахлоқий ўлчовлар бўлмаганидан кейин нафси аммора қандай қилиб қонсин?!

Ислом бу ҳақ-ҳуқуқ ва ахлоқий ўлчовларни келтирган пайтда бутпарастлик тўла маънода ер юзини эгаллаган ва унга тўла ҳукмрон эди. Унга қарши чиқиш ва уни инкор қилиш жунун ва ақлсизликнинг бир кўриниши бўлар, бутпараст мушриклар иттифоқ қилган қонун-қоида ва урф-одатларга қарши чиқиш деб ҳисобланарди.

Ислом бу ҳақ-ҳуқуқ ва ахлоқий ўлчовларни келтирган пайтда ҳақ-ҳуқуқлар, адолат, ҳақиқат, раҳм-шафқат борасидаги ўлчов ва меъёрлар ҳақида сўзлашнинг ўзиёқ кишини масҳара, ҳақорат ва истехзога нишон қиларди, золим тоғутларнинг зулму тажовузларига сабаб бўларди.

Ислом бу ҳақ-ҳуқуқ ва ахлоқий ўлчовларни келтириб, инсонда яхшилиқ, ҳақиқат, адолат ва раҳм-шафқат маъноларини тирилтирди, бамисоли ёмғир суви ер юзидаги ифлосликларни ювиб, тозалаб кетгани каби у ҳам инсонни ёмонлик, куфр, фиску фужур ва зулм кирликларидан

тозалаган, уни ўзининг ҳақиқий тоза ва пок табиатига қайтарган рух (жон) ўрнида бўлди. Инсонга унинг нафсида яшириниб турган яхшиликларни кўрсатиб берди, бу ҳаётга келишидан бўлган ғоя-мақсадни унинг ёдига солди.

Ҳозирда башарият инсонийликка оид илм-фан майдонларида ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида ўзи эришган улкан тараққиётлар ҳақида ҳар қанча бонг урмасин, барибир у — буни хоҳ эътироф этсин, хоҳ эътироф этмасин, бундаги фазлни исломга қайтарсин ёки қайтармасин — Ислом бундан 1400 йилдан ортиқроқ вақт илгари келтирган ҳақ-хуқуқ ва меъёр-ўлчовлардан фойдаланмоқда ва кўчирмоқда лекин, бу очиқ-равшан ҳақиқатни ўша ҳуқуқшунослар ва бу соҳада баҳс юритувчилар ичида — афсуски — жуда кўпчилик инкор қилади!

Ҳар бир инсофли ва оқил инсон у ҳақда тафаккур юритиши, эътибор ва аҳамият қаратиши лойиқ бўладиган муҳим бир савол ўз-ўзидан ўртага чиқади. Яъни, юқорида айтиб ўтилган нарсаларнинг ҳаммаси ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводсиз киши бўлгани ҳолда мана шу ҳақ-хуқуқларни олиб келган зот — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг барҳақ пайғамбари эканига, у келтирган нарсалар ўзи тарафидан эмас, Аллоҳ таоло тарафидан келган ваҳий эканига далолат қилмайдими?!

Ҳозирги даврда башарият ўзининг барча халқаро ҳамда маҳаллий идора ва муассасалари билан бирга, ўзига берилган нуфуз қуввати ва таъсир кўрсатувчи воситалар билан бирга, инсоний ҳақ-хуқуқлардан биргина ҳақни ёки инсоний қонунлардан биргина қонунни ўрнатиш учун, унга одамларни қаноатлантириш ёки мажбурий равишда жорий қилиш учун ўнлаб йиллар керак бўлади. Бундан ташқари, одамларнинг бу қонун-қоида ва ахлоқий меъёр ва ўлчовларга риоя қилишларини кузатиб туриш учун ҳар бир кириш-чиқиш жойига, йўллар ва йўлаклардаги ҳар бир бурчакка минглаб яширин ва ошкора камералар ўрнатиш керак бўлади. Шунчалик бўлиб туриб ҳам, бу қонунлар ёки ўлчову меъёрлар халқаро расмий ҳайъат ва ташкилотлар тарафидан тан олинган ва расмийлаштирилган эканига қарамай, уларга риоя қилмайдиган ва уларга панжа орасидан қарайдиганлар уларга риоя қилувчилардан кўра анча кўп. Ҳолбуки, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиш ва ёзишни билмаганлари, бүгунги инсоний ҳайъатлар ва муассасалар эга бўлиб турган воситаларга эга бўлмаганлари ҳолда — Аллоҳнинг изни-иродаси билан — йигирма уч йил мобайнида ер

юзида умуман ҳуқуқлар ва хусусан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамда ушбу ҳуқуқ ва ўлчовларга риоя қилиш майдонида инсоният ва тарих йўналишини бутунлай ўзгартириб юборишга қодир бўлдилар. Милли-онлаб инсонларни ушбу ҳуқуқ ва ўлчовларга воқеий ва амалий ҳаётларида риоя қилишдан олдин ўз нафсларида ва дилларида чин кўнгилдан риоя этадиган қилиб қўйишга қодир бўлдилар.

Мана шунинг ўзи ҳам ўқиш-ёзишдан беҳабар бу киши Аллоҳнинг барҳақ пайғамбари эканига ва у зот бутун башарият учун инсон ҳуқуқлари ва олий ўлчовлари борасида ана шу жуда ҳам қисқа фурсат ичида амалга оширган ишлар фақатгина Аллоҳнинг ваҳийси билан қўллаб-қувватлаб турилган ва муваффақ қилиб турилган пайғамбардангина содир бўлиши мумкинлигига далолат қилмайдими, эй инсофли ўқувчи?!

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло рост айтади: **«Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур»** (Ҳаж: 46).

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин. Дуоларимиз сўнггида оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамду санолар айтамыз!

Ушбу китобга 25.02.1429 ҳижрий, 03.03.2008 йил душанба куни тонг пайти сўнгги нуқта қўйилди. Унинг фазлу марҳамати билан барча яхши ишлар камолига етадиган Аллоҳга ҳамду саноларимиз бўлсин.

Раббининг афву раҳматидан умидвор фақир Абдулмунъим Мустафо Ҳалима (Абу Басир ат-Туртусий) Аллоҳ уни, ота-онасини, аҳли-оиласини ва барча мусулмонларни мағфират қилсин.

Китобнинг таржимаси 30 Жумодул охир 1429 ҳижрий, 03/06/2008 йил жумага ўтар кечаси ниҳоясига етди.





МУНДАРИЖА



МУҚАДДИМА	5
АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ БАНДАЛАР УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ*	9
ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ УММАТ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	25
САҲОБАЛАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУМНИНГ ҲАҚЛАРИ	41
ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	93
ФАРЗАНДЛАРНИНГ ОТАЛАР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	115
ЭРНИНГ АЁЛИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	133
АЁЛНИНГ ЭР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	147
МУСУЛМОННИНГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ УСТИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	161
АЛЛОҲ ЙЎЛИДАГИ МУЖОҲИДНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	185
ҚЎШНИНИНГ ҚЎШНИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	197
МУСУЛМОН ҲОКИМНИНГ ФУҚАРОЛАР УСТИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	207
ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲОКИМ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	225
ОЛИМНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, УНИНГ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАР	237
МЕҲМОННИНГ МЕЗБОН УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ	261

ЖОННИНГ ЎЗ ЭГАСИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ.....	279
МОЛНИНГ МУЛҚДОР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚЛАРИ	297
ЙЎЛНИНГ ҲАҚҚИ	325
ХОДИМ ЁКИ ҚУЛНИНГ ИШ БЕРУВЧИ ЁКИ ХЎЖАЙИНИ УСТИДАГИ ҲАҚЛАРИ.....	335
ЕТИМНИНГ ҲАҚҚИ	357
МУОҲИД ЗИММИЙНИНГ МУСУЛМОНЛАР ЗИММАСИДАГИ ҲАҚҚИ	363
ҲАЙВОНЛАРНИНГ ҲАҚЛАРИ	379
ЖИНЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ	401
ХОТИМА.....	407







Абдулмунъим ибн Мустафо

Аллоҳ бандалар учун жорий қилган
ҲАҚ-ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Ислом Нури 2018